Ғ. АБДУРАҲМОНОВ, Ш. ШУКУРОВ

# *Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси*

## МОРФОЛОГИЯ ВА СИНТАКСИС

УНИВЕРСИТЕТЛАРНИНГ
ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТЛАРИ
ҲАМДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ФАКУЛЬТЕТЛАРИ
УЧУН ҚЎЛЛАНМА

„ЎҚИТУВЧИ" НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1973

www.ziyouz.com kutubxonasi

A15

*Ўқитувчи нашриёти, 1973*

*ЎзССР Олий ва махсус ўрта таълим министрлиги тасдиқлаган*

Қўлланманинг „Кириш" ва „Синтаксис" қисмларини *Ғ. Абдураҳмонов*, „Морфология" қисмини *Ш. Шукуров* ёзган

Жамоатчилик асосида филология фанлари доктори, профессор *А. Ғуломов* таҳрир қилган

БИБЛИОТЕКА
№ 242590.
Андижанского ГПИ.

$\frac{6-6 \quad 69}{\text{АМ } 353 \ 06 \ 73}$ 42—73

www.ziyouz.com kutubxonasi

## АВТОРЛАРДАН

Ушбу қўлланма ёзма ёдгорликлар материаллари асосида ёзилди. Маълумки, ўзбек тилига оид ёзма ёдгорликлар ҳали лингвистик планда кам ўрганилган, буларнинг кўпчилиги бўйича илмий-танқидий текстлар яратилмаган, айримларининг эса, ҳатто, оммавий нашри ҳам юзага келган эмас. Бу ҳол ўзбек тили тарихи бўйича дарслик ва қўлланмалар яратиш ишида маълум қийинчиликлар туғдиради. Бундан ташқари, XIII—XIV асрлар давомида Урта Осиёда, айниқса, Олтин Урда хонлиги территориясида яратилган манбаларнинг ўзбек тилига муносабати масаласи ҳозиргача мунозарали бўлиб келмоқда. Лекин бу масала, бизнингча, адабий тил тарихи нуқтаи назардангина мунозарали, деб қаралиши лозим. Шунга кўра, ушбу манбаларнинг ўзбек тилига қанчалик алоқадорлигидан қатъи назар қўлланмада бу манбалардан тўла фойдаланилди.

Изоҳланаётган тил ҳодисалари қадимги туркий ёдгорликлар, яъни ўрхун-енисей текстлари, қадимги уйғур тилига оид манбалар ҳамда «Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билиг» асарларининг тил фактлари билан қиёслаб борилди. Қадимги туркий ёдгорликлар тили ҳозирги замон ўқувчисига ҳамма вақт ҳам тушунарли бўла бермайди. Шунинг учун бу манбалардан келтирилган мисолларнинг ҳозирги ўзбек тилига тавсифи (таржимаси) берилди.

Ёзма ёдгорликлардан келтирилган мисоллар, айрим ҳоллардан ташқари, хронологик тартибда берилди ва ҳар бир мисолнинг манбаи кўрсатиб борилди. У ёки бу грамматик ҳодиса ўзбек тили тараққиётининг фалон даврларидан бошлаб кузатилади ёки фалон даврларида истеъмолда бўлган дейилганда, биринчи навбатда, текширилган ёзма ёдгорликларда мавжуд бўлган фактларга асосланилди.

Қўлланманинг қўл ёзмасига тақриз ёзган ва унинг муҳокамасида иштрок этган барча ўртоқларга қимматли маслаҳатлари учун авторлар чуқур миннатдорчилик билдирадилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТРАНСКРИПЦИОН БЕЛГИЛАР

### *Унлилар учун*

*а* — тил орқа, лабланмаган, кенг унли.
*ә* — тил олди, лабланмаган, кенг унли.
*э* — тил олди, лабланмаган, ўрта-кенг унли.
*и* — тил олди, лабланмаган, тор унли.
*ы* — тил орқа, лабланмаган, тор унли.
*о* — тил орқа, лабланган, ўрта-кенг унли.
*ө* — тил олди, лабланган, ўрта-кенг унли.
*у* — тил орқа, лабланган, тор унли.
*ү* — тил олди, лабланган, тор унли.
*ā* — арабча сўзлардаги тил ўрта, чўзиқ [а] унлиси ва форсча-тожикча сўзлардаги тил орқа, лабланган, чўзиқ [а] унлиси учун қўлланди (Мас.: *кāтиб, қāдир, āфтāб, дāнā*).

Арабча сўзлардаги тил ўрта, қисқа [а] унлиси ва форсча-тожикча сўзлардаги тил олди, қисқа [ä] унлиси [а] орқали берилди (Мас.: *амал, қалам, шаҳар, сафар*).

### *Ундошлар учун*

*ң* — портловчи, бурун товуши, сонор — ڭ (Мас.: *мың, мэң, кэң*).

*җ* — тил олди, жарангли, аффрикат ундош — ج (Мас.: *җуфт, җумла*).

*ж* — тил олди, жарангли, сирғалувчи ундош — ژ (Мас.: *аждар, ажун*).

Бошқа ундошлар учун ҳозирги ўзбек алфавитида мавжуд бўлган қуйидаги белгилар қўлланди: *б, в, г, д, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ч, ш, ъ, қ, ғ, ҳ.*

Араб ва форс сўзларида ишлатиладиган ث (се), ص (сод), ض (зод, ط (то), ظ (зо), ذ (зол) ундошлари учун одатдаги [с], [з], [т] белгилари қўллана берилди.

Изоҳ: Техник сабабларга кўра, тил олди, жарангли, аффрикат ذ ундоши ва [ф] [illegible] [в] орасидаги лаб-лаб ڤ ундоши учун махсус белги олинмади. Булар учун ҳам одатдаги [з], [в] белгилари ишлатилди (Мас.: اذاق — [азақ, کیذن — кэзин, اڤ ≈ ایڤ — эв, سڤ ≈ سوڤ — сув).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Абушқа — Луғати Абушқа (В. В. Вельяминов-Зернов нашри. СПб., 1868).

БН — Заҳириддин Муҳаммад Бобир· Бобирнома (XVI аср). Н. И. Ильминский нашри (Казань; 1857).

Бобир — Бобир. Девон (XVI аср). А. Н. Самойлович нашри (Пг., 1917).

КТ — Култегин шаънига қўйилган ёдиома (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951).

Лутф. — Лутфий. Девон (XV аср). Қўл ёзма. Британия музейи, Add. 7914.

Маб. луғ. — Мирза Меҳдихон. Мабониул луғат (Э. Денисон Росс нашри. Калькутта, 1910).

Мбн. — Хоразмий. Муҳаббатнома (XIV аср). А. М. Шчербак нашри (М., 1959).

МК — Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (XI аср). Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов (Тошкент, I том, 1960; II том, 1961; III том, 1963).

МН — Хоразмий. Муҳаббатнома (XIV аср). Қўл ёзма. Британия музейи, Add. 7914.

Мунис — Шермуҳаммад Мунис. Танланган асарлар, Тошкент, 1957 (XVIII—XIX асрлар).

Муқ. — Муқимий. Танланган асарлар. Тошкент, 1958 (XIX аср).

Нав. ЛТ — Алишер Навоий. Лисонут тайр (XV аср). Илмий-танқидий текст, тайёрловчи Ш. Эшонхўжаев (Тошкент, 1965).

Нав. МЛ — Алишер Навоий. Муҳокаматул луғатайн (XV аср). Алишер Навоий. Танланган асарлар, III том, Тошкент, 1948.

Нав. МН — Алишер Навоий. Мажолисун нафоис (XV аср). Илмий-танқидий текст, тайёрловчи С. Ғаниева (Тошкент, 1961).

Нав. Мнш. — Алишер Навоий. Муншаат (XV аср). Қўл ёзма. Салтиков-Шчедрин номидаги Ленинград Давлат кутубхонаси, Х—55.

Нав. МҚ — Алишер Навоий. Маҳбубул қулуб (XV аср). Илмий-танқидий текст, тайёрловчи Н. А. Кононов (М.—Л., 1948).

Нав. СС — Алишер Навоий. Сабъаи сайёр (XV аср). Танқидий текст, тайёрловчи Порсо Шамсиев (Тошкент, 1956).

Нав. ФШ — Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин (XV аср). Танқидий текст, тайёрловчи Порсо Шамсиев (Тошкент, 1963).

Нав. Чд. — Алишер Навоий. Чор девон (XV аср). Қўл ёзма. ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 677.

Наҳж. фар. — Наҳжул Фародис (XIV аср). Э. Н. Фазылов. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века, Ташкент, 1967.

Отойи — Отойи. Девон (XV аср). Қўл ёзма. СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, В—2456.

Рабғ. — Рабғўзий. Қисасул анбиё (XIV аср). Қўл ёзма. СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, С—[illegible]

Сакк. — Саккокий. Девон (XV аср). Қўл ёзма. Британия музейи, Or. 2079.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Санг. — Мирза Меҳдихон. Санглаҳ (Ж. Клосон нашри. Лондон 1960).
Саройи — Сайфи Саройи. Гулистон (XIV аср). Э. И. Фазылов. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века, Ташкент, 1967.
Сувр. — Suvarnaprabhāsa („Олтин ёруқ" дан). С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951.
Таф. — Тафсир (XIII—XIV асрлар). Қўл ёзма. СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, С—197.
ТВГ — „Туркистон вилоятининг газети".
Тон. — Тонюқуқ шаънига қўйилган ёднома (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951).
ТТ — Турфон текстлари (В. Банг ва А. Габэн нашрлари. Берлин, 1929, 1930, 1931, 1934, 1954, 1958, 1959).
Фурқ. — Фурқат. Танланган асарлар. I, II томлар, Тошкент, 1959 (XIX аср).
Хиср. Шир. — Қутб. Хисрав ва Ширин (XIV аср). А. Зайончковский нашри (Варшава, 1954).
ШН — Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома (XVI аср). П. М. Мелиоранский нашри (СПб., 1908).
Ш. тар. — Абулғози Баҳодирхон. Шажараи тарокима (XVII аср). А. Н. Кононов нашри (М.—Л., 1958).
Ш. турк — Абулғози Баҳодирхон. Шажараи турк (XVII аср). Н. Румянцев нашри (Казань, 1825).
ЎН — Ўғузнома (XIII—XIV асрлар). А. М. Щербак нашри (М., 1959).
Ўрх.-ен. — Ўрхун-енисей ёдгорликлари (С. Е. Малов: 1. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951; 2. Енисейская письменность тюрков, М.—Л., 1952; 3. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М.—Л., 1959).
Қад. уйғ. — Қадимги уйғур тили ёдгорликлари („Олтин ёруқ", „Ирқ Битиг", „Тишаствустик", „Хуастуанифт", „Турфан текстлари" каби қадимги уйғур тилига оид обидалар). В. В. Радлов, С. Е. Малов, В. Банг, Ф. Муллер, А. Габэн ва бошқа туркологларнинг нашрларидан фойдаланилди.
ҚБ — Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (XI аср): 1. Қўл ёзма. ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1809 (Наманган нусхаси); 2. В. В. Радлов нашри (СПб., 1891—1910).
ҚР — Қиссаи Рабғўзий (XIV аср). Қўл ёзма. ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1834.
Ҳувайдо — Ҳувайдо. Девон (XVIII аср). Литографик нашри (Тошкент, 1913).
ҲҲ — Аҳмад Югнакий. Ҳибатул ҳақойиқ (XII аср). Рашид Раҳматий Арат нашри (Истанбул, 1951).

Шартли қисқартмадан кейинги рим рақамлари мисол олинган асарнинг томини, араб рақамлари эса саҳифасини кўрсатади. Араб рақамлари ёнидаги [*а*] белгиси қўл ёзма варағининг олдинги саҳифасини, [*б*] белгиси эса кейинги саҳифасини кўрсатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«...Она тилининг вужудга келиши ва аста-секин ривожланишини кузатиб борилган тақдирдагина, «она тилининг материя ва формаси» тушунарли бўлади, бу эса, биринчидан, унинг ўлик бўлиб қолган формаларига ва, иккинчидан, қардош жонли ва ўлик тилларга эътибор қилмасдан туриб мумкин бўлмайди».

(Ф. Энгельс. Анти-Дюринг. Тошкент, 1957 412-бет).

# КИРИШ

Ўзбек тили тарихий грамматикаси ўзбек тилининг грамматик қурилиши тараққиётини ўрганади.

Тарихий грамматика тил тарихи фанининг бир қисмидир. Тил тарихи фанининг бошқа баҳслари тил тарихининг бошқа томонларини текширади. Масалан, адабий тил тарихи баҳси турли даврларда яратилган адабий асарларнинг тилини, адабий тил тарихини ўрганади; эски ўзбек тили баҳси ҳозирги ўзбек адабий тили учун асос бўлган даврлар тилини текширади.

Тарихий грамматика бошқа фанлар — диалектология, ўзбек халқи тарихи, этнография, адабиёт тарихи фанларига суянади, яъни грамматик форма ва конструкцияларнинг тараққиёти халқ тарихи билан, адабий анъана ва адабий тил тарихи билан, ҳозирги замон шевалари материаллари билан боғланади, ана шу материалларга асосланади. Халқ тарихида рўй берган ўзгаришлар тилга ҳам таъсир қилмай қолмайди. Бу таъсир тилнинг турли соҳаларида турлича бўлади. Аввало бу таъсир тилнинг лексик составида кўриниб, сўнгра тилнинг бошқа соҳаларига — фонетика ва грамматикага ўтади.

Тарихий грамматика учун асосий манба сифатида ёзма ёдгорликлар, ҳозирги замон шева материаллари ва қардош туркий тилларни қиёсий ўрганиш материаллари хизмат қилади. Тарихий грамматика қадимги даврдан тортиб ҳозиргача бўлган ёзма манбаларнинг тилини таҳлил қилиш ва бир давр ёзма манбаининг тил хусусиятларини бошқа давр ёзма манбалари тил хусусиятларига қиёслаш йўли билан тил тараққиёти қонуниятларини аниқлайди ва тилнинг тадрижий тараққиётини белгилайди. Ҳозирги замон шева хусусиятларини ўрганиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам тил тарихини, тарихий грамматика масалаларини текширишда катта манба бўлади, чунки тилнинг айрим эски, архаик шакллари шеваларда сақланиб қолади. Бу шаклларни бошқа шевадаги айни шакллар билан қиёслаб, тарихий тараққиёт йўлини кузатиш мумкин.

Тилнинг тарихий тараққиётини ўрганишда қардош туркий тилларнинг материаллари катта ёрдам беради. Тарихий тараққиёт жараёнида бир туркий тилда архаиклашиб, тамом қўлланишдан чиққан шакл бошқа туркий тилда сақланиши мумкин. Ана шу сақланган шаклга қараб, унинг тарихий тараққиёт йўлини аниқлаш мумкин бўлади. Бирор конкрет тил тарихини бошқа қардош тиллар тарихи билан қиёслаб ўрганиш тарихий грамматиканинг зарурий методларидан биридир.

## Туркий тилларнинг, хусусан, ўзбек тилининг ўрганилиши

Туркий халқлар ва уларнинг тилини ўрганишга қизиқиш эски даврлардан бошланган. Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарида (1073/1074) Ўрта Осиёдаги турли туркий уруғларнинг тилини чуқур таҳлил қилади. Кейинги даврларда туркий тилларнинг луғатлари тузилади, баъзи луғатларда шу тилларнинг грамматик, фонетик, лексик анализи ҳам берилади. Ана шундай олимлардан бири Замахшарий (1084—1142) дир. У «Муқаддиматул адаб» номли арабча-форсча-туркча луғат тузади. Мўғуллар даврида номаълум автор томонидан бу луғат мўғулча сўзлар билан тўлдирилади. XIII—XIV асрлар мобайнида туркча-арабча, туркча-форсча таржима луғатлари кўплаб тузилади: «Таржимони турки ва араби» (1245 йил); «Китобул идрак лилисанул атрак» (Абу Ҳаййан, 1312 йил); «Китобу булғатул муштақори луғатит турк вал қифчақ» (Жамолиддин Абу Муҳаммад, Сурияда ёзилган), «Китобу мажму-у таржимон турки ва ажами ва мўғили ва форси» (Мисрда ёзилган) в. б.

Алишер Навоий буюк шоиргина бўлиб қолмай, тилшунос олим ҳам эди. У ўзининг бу масалага бағишланган «Муҳокаматул луғатайн» асарида эски ўзбек адабий тили (туркий) билан форс тилини чуқур анализ қилиб беради.

Алишер Навоийдан сўнг унинг асарларини изоҳлашга бағишланган турли луғатлар ёзилади. Толи Ҳеравийнинг «Бадоиул луғати» (XV аср охири), «Абушқа» (XVI аср ўрталарида ёзилган «Чиғатойча-туркча луғат»), «Луғати турки» (Фазлуллахон томонидан XVII асрнинг иккинчи ярмида тузилган, эски ўзбек тилининг луғати ва грамматикасига оид), «Келурнома» (XVII аср охирида Муҳаммад Яқуб Чингий томонидан тузилган «Чиғатойча-форсча луғат»), «Санглаҳ» (Меҳдихон томонидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

1760 йили ёзиб тугатилган «Чиғатойча-форсча луғат»; бу луғатнинг муқаддимасида эски ўзбек тилининг грамматикасига оид қисм бўлиб, у «Мабаниул луғат» деб номланади). Булардан ташқари, эски ўзбек тили луғати ва грамматикасига оид Фатиҳ Алихон Қожарий, Фарағий, Назар Али, шайх Сулаймон Бухорий ва бошқаларнинг асарлари бор.

Россияда туркий халқлар ва уларнинг тиллари билан шуғулланиш Россия Фанлар Академияси ташкил этилган вақтларданоқ бошланган. XIX аср бошларида Москва, Қозон, Харьков, Петербург университетларида шарқ тиллари кафедралари ташкил этилди. 1854—55 йилларда Петербург университети қошида шарқ тиллари факультети очилди. Татар тилининг биринчи грамматикаси Иосиф Гиганов томонидан 1801 йили Петербургда нашр этилди.

Октябрь революциясигача туркий тилларни ўрганиш, ёзма ёдномаларни топиш, ўқиш ва эълон қилиш бўйича маълум даражада иш олиб борилди.

А. Қазембек туркий тиллар грамматикасини (1839), О. Бетлинг ёқут тили грамматикасини (1851) ёзди, И. Н. Березин эски ўзбек тили ёдномалари хрестоматиясини тузди (1857).

Н. И. Ильминский XVI аср эски ўзбек адабий тили ва «Бобирнома»нинг (1865), Г. Вамбери шу давр ёдномаси бўлмиш «Шайбонийнома»нинг (1885) тил хусусиятларига оид текшириш олиб борди. Ўрта Осиё туркий тилларининг тарихини, қадимги рун ва уйғур ёдномалари, «Қутадғу билиг»ни ўрганиш ва эълон қилишда, туркий тилларнинг қиёсий луғатини тузишда В. В. Радловнинг (1837—1918) роли каттадир. Қадимги ёдномаларни нашр қилиш ва тил тарихини ҳамда ҳозирги туркий тилларни ўрганишда Н. Ф. Катанов, П. М. Мелиоранский, С. Е. Маловлар катта хизмат қилдилар.

Октябрь революциясигача туркологлар асосан қадимги ва эски ёзма ёдгорликларни эълон қилдилар ва тил тарихини ўргандилар. Туркий тилларни ўрганиш асосан умумий характерда бўлиб, конкрет туркий тиллар устида илмий иш олиб бориш камдан-кам амалга оширилди. Ҳозирги ўзбек тили ҳам алоҳида илмий текшириш объекти бўлмай, бу тил практик мақсадларда ўрганилди, холос (В. П. Наливкин. Руководство к практическому изучению сартовского языка, Самарканд, 1898; Н. П. Остроумов. Этимология сартовского языка, Ташкент, 1910 в. б.).

Октябрь революциясидан сўнг ўзбек тилини ўрганиш кенг авж олиб кетди. Ҳозир йигирмага яқин олий ўқув юртларининг ўзбек тили кафедраларида, ЎзССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида, Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларда ўзбек тили ҳар томонлама ўрганилмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## Туркий тиллар ва уларнинг классификацияси

Туркий тиллар фонетик, грамматик ва лексик жиҳатдан бир-бирларига жуда яқин, чуваш ва ёқут тилларини ҳисобга олмаганда, бу тил вакиллари бир-бирларини яхши тушунадилар.

Туркий тилларни классификация қилишда олимлар географик ўринлашишни асосга оладилар. В. В. Радлов туркий тилларни тўрт группага бўлади:

1) **Шарқий группа** — бунга олтой, чулим турклари, қарагас, хакас, шўр, тува ва енисей турклари тиллари киради;

2) **Ғарбий группа** — Сибирь татарлари, қирғиз, қозоқ, бошқирд, татар, қорақалпоқ тиллари;

3) **Ўрта Осиё группаси** — уйғур, ўзбек тиллари;

4) **Жанубий группа** — туркман, озарбайжон, турк тиллари; ёқут тили алоҳида группани ташкил этади.

Ф. Е. Корш, И. Бенциг, К. Менгес, В. А. Богородицкий, Г. Рамстедт классификациялари географик принцип асосида бўлиб, бир-биридан айрим хусусиятлари билангина фарқланади.

А. Н. Самойлович туркий тилларни фонетик хусусиятларига кўра классификация қилади:

1) *Р* группаси. Бу группага эски булғор, ҳозирги чуваш тиллари киради. Бу тилларда бошқа туркий тиллардаги й (қадимги ذ — з) товуши р бўлиб талаффуз этилади: *оёқ* — *ура*.

Бошқа фонетик хусусиятлари: *тахар* (тўққиз), *пул* (бол), *тау*//*ту* (тоғ), *сари* (сариқ), *қалан* (қолган).

2) *Д* группаси. Бунга уйғур ва шимоли-шарқий туркий тиллар киради. Бу тилларда мазкур товуш д бўлиб (ўрхун-енисей тиллари, қарагас, салар, тува, қадимги уйғур тиллари), з бўлиб (ёқут тили) талаффуз қилинади.

Бошқа фонетик хусусиятлари: *тоқуз, пол, таг, сариғ, қалан.*

3) *Тау* группаси (тоғ сўзини тау деб талаффуз қилинишига кўра). Бу группага шимоли-ғарбдаги туркий тиллар — алтай, қирғиз, қумиқ, қарачай-балкар, қараим, татар, бошқирд, қозоқ, нўғай тиллари киради.

Бошқа фонетик хусусиятлари: *тоғуз, айақ, бол-*//*бул-*, *тау, сари, қалған.*

4) *Тағлиқ* группа (тағлиқ деб талаффуз қилинишига кўра). Бу группага жануби-шарқдаги туркий тиллар — эски ўзбек тили, ҳозирги уйғур ва ўзбек тиллари киради.

Бошқа фонетик хусусиятлари: *тоғуз*//*тоққыс, айақ, бол, таг, сариғ, қалған*//*қалган.*

5) *Тағли* группа (тағли деб талаффуз қилинишига кўра). Бу группага Хоразм ўзбеклари, қипчоқ-туркман тиллари киради: *доқуз, айақ, бол-, таг, сари, қалған.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

6) *Ол* группаси (бўл- феълини ўл- деб талаффуз қилинишига кўра). Бу группани жануби-ғарбдаги туркий тиллар ташкил этади (озарбайжон, турк, гагауз тиллари).

Бошқа фонетик хусусиятлари: *доқуз, айақ, дағ, сари, қалан*[1].

Н. А. Баскаков ва бошқа олимлар туркий тилларни этник составига кўра классификация қиладилар. Шунга кўра туркий тиллар қуйидагича группаларга бўлинади:

1) **Ўғуз группаси** (ёки жанубий ҳамда жануби-ғарбий группа).

Бу группага туркман, гагауз, озарбайжон, турк тиллари киради. Ўғуз группасига кирган тилларнинг асосий хусусиятлари:

а) сўз охиридаги **г, ғ** товушлари сақланади: *бәг, дағ;*

б) сўз бошидаги **т, к, қ** товушлари жаранглилашади: *тил—дил, көр—гөр;*

в) **бўл-** ўрнида **ўл-** шакли ишлатилади;

г) тушум келишиги **-и,** қаратқич келишиги **-иң** шаклида қўлланади, жўналиш келишигининг **-а//-йа** шакллари бор;

д) сингармонизм асосан сақланади;

е) сифатдошнинг **-аси, -миш, -ан** шакллари қўлланади в. б.;

2) **Қипчоқ** группаси ёки гарбий ва шимоли-ғарбий группа.

Бу группага татар, бошқирд, қараим, қумик, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, алтай, нўғай тиллари киради. Қипчоқ группасига мансуб туркий тилларнинг баъзи умумий хусусиятлари:

а) унлилар 8—9 гача боради (а—ә, ы—и, у—ү, о—ө, э);

б) т, к, товушлари сўз бошида жаранглашмайди (*тил, кел*);

в) қ товуши х га, баъзи ўринларда й товуши ж га ўтади;

г) ч>ш, ш>с: *қаш — қач* ўрнида, *қис — қиш* ўрнида (қозоқ, қорақалпоқ тилида).

## Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши

Ўзбек халқи узоқ йиллик тарихга ва бой маданий меросга эга бўлган қадимги туркий халқлардан биридир.

Археологик қазилмалар, ҳозирги замон тилидаги айрим этнографик ва топонимик номлар, қадимги туркий ҳамда Эрон, Юнон ва Хитой ёзма ёдгорликлари ўзбек халқининг энг қадимги тарихини ўрганишда манба бўлади. Бу манбалар асосида эрагача (милодий санагача) VII асрларда Ўрта Осиё территориясида қандай қабила ва уруғлар яшаганини билишимиз мумкин.

---

[1] *А. Н. Самойлович,* Некоторые дополнения к классификации турецких языков, Петербург, 1922.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Урта Осиёнинг бизга маълум бўлган энг қадимги маҳаллий уруғлари юнон манбаларида *скифлар* номи билан машҳур, эрон манбаларида улар *саклар* деб номланади.

Қадимги юнон тарихчиси Страбон (милодгача I асрлар) айтишича, бу ерларда саклардан ташқари, *массагет* уруғлари ҳам истиқомат қилганлар. Массагетлар Аму ва Сирдарёнинг қуйи оқимида яшаб, бутун Закаспий текислигини ва Хоразм воҳасини эгаллаганлар.

Саклар массагетлардан шарқроқда, Сирдарёнинг бошланиш ўринларида (ҳозирги Қозоғистон яйловларида) яшаганлар. Массагет ва сак уруғлари қондош бўлиб, баъзи сак уруғлари массагет қабила бирлашмаси составига ҳам кирган.

Бу вақтда Урта Осиё бир қанча вилоятларга бўлинган эди. Булар — Гиргания, Парфия, Маргиана, Ария, Бактрия, Хоразм, Суғд, Парикан вилоятларидир. Қабила ва уруғлар ҳам жойларига кўра, суғдлар, хоразмликлар, парфияликлар деб номлангандир. Суғдияга — ҳозирги Зарафшон водийси (Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаси); Париканга — Фарғона водийси, Бактрияга — Амударёнинг ўнг томони (ҳозирги Узбекистоннинг жануби, Тожикистон, Шимолий Афғонистон) киради; Мурғаб дарёси водийсида Маргиана жойлашади.

Бу уруғлардан ташқари икки дарё оралиғида ва Тошкент воҳасида туркий бўлган *қангуй* ёки *қангли* уруғлари ҳам бўлган.

Сак ва массагет халқларининг ўз ёзуви бўлиб, у оромий ёзувидан келиб чиққан эди. Бу ёзувдан кейинроқ хоразм ва суғд ёзувлари тузилади.

Милодгача III асрларда Хитойнинг шимолий қисмида истиқомат қилган *юе-чжи* ва *хунн* уруғ бирлашмалари ўзаро тўқнашувлар туфайли Урта Осиёга кўчадилар ва маҳаллий сак ва массагет уруғлари билан аралашиб кетадилар. Юе-чжи ва хунн уруғлари туркий (кенг маънода олтой) тилида сўзлашганлар. Натижада Урта Осиё (хусусан, ҳозирги Узбекистон) территориясида туркий этник элементлар таъсири кучая борди.

Милодгача II асрда Урта Осиёда бўлган хитой сайёҳи Чжан Цяннинг айтишича, бу ерда *қангуй* (ёки қангха) давлати бўлган. Бу давлатга Бухоро, Шаҳрисабз ва Тошкент воҳаси, Хоразмнинг шимолий қисми кирган. Бундан ташқари, Фарғона вилоятида алоҳида бир давлат ва Бактрияда (Узбекистоннинг жанубий қисми, Тожикистоннинг бир қисми, Афғонистоннинг шимоли) алоҳида бир давлат бўлган. Кейинроқ бу давлатлар юе-чжи уруғлари томонидан бирлаштирилади, бу бирлашма *кушонлар* давлати номи билан IV асргача ҳукмронлик қилади (I—IV асрлар). V асрда кушон давлати *эфталитлар* давлати билан алмашади, бу давлат VI

www.ziyouz.com kutubxonasi

асргача ҳукм суради. Эфталит уруғлари хуннларнинг таъсири билан турклашган бўлиб, тиллари ҳам туркий эди.

VI асрнинг ўрталарида Олтой, Еттисув ва Марказий Осиёдаги уруғ ва халқларнинг бирикишидан Ўрта ва Марказий Осиё территориясини ўз ичига олган *Турк хоқонлиги* вужудга келди (VI—VII асрлар). Бу давлат VIII асргача (араблар истилосигача) ҳукмронлик қилди. Тили туркий, ёзуви — рун ва суғд ёзувлари эди. VI асрнинг 80- йиллари Турк хоқонлиги шарқий (маркази—Монголия) ва ғарбий хоқонлик (маркази — Еттисув) га бўлинади.

Ғарбий Турк хоқонлигида дастлаб *тургеш*, сўнгра *қарлуқ* уруғлари ҳукмронлик қилдилар. Хоқонлик бўлингач, Сирдарёнинг жанубий оқимида ўғузлар ўз давлатларини ташкил этадилар. Шарқий хоқонлик 745 йилда уйғурлар томонидан емирилади. Уйғур давлати 840 йилгача ҳукм суриб, сўнг давлат қирғизлар қўлига ўтади. Уйғурлар Жунғорияда ўз давлатларини барпо қиладилар, бу давлат мўғуллар истилосигача ҳукмронлик қилди. Уйғурлар давлатида маданият ва адабиёт юксак даражада эди. Уйғур маданияти, адабиёти ва тили Ўрта Осиё туркий тили ва маданиятининг шаклланишида катта роль ўйнади. Қорахонийлар даври адабий тили (X—XII асрлар), ўғиз-қипчоқ (XII—XIII асрлар), Олтин Ўрда (XIII—XIV асрлар) ва бошқа туркий адабий тилларнинг шаклланишида қадимги уйғур тили ва маданиятининг роли каттадир.

Қадимги туркий қабилалар кўпроқ Фарғона ва Шош водийсида ўтроқлашади. VIII асрлардан бошлаб Фарғонада қарлуқ ва чигил уруғлари, Шошда ўғуз уруғлари асосий ўринни эгаллар эди. Ўғузлар асосан Еттисувда ва Сирдарё атрофларига жойлашади. Бу даврга келиб қадимги суғд уруғлари туркий уруғларга қўшилиб кетади. Маҳмуд Кошғарийнинг айтишича, унинг даврида ҳам туркча, ҳам суғдча ёки ёлғиз туркча гапирувчилар бўлса ҳам, аммо ёлғиз суғдча гапирувчи уруғлар бўлган эмас.

Турк хоқонлигида уруғлар ва қабилалар янада жипслашади ва халқ бўлиб шаклланишига шароит туғилади. Бу вақтда ғарбий хоқонликда қарлуқ, қангли, тургеш, чигил, уйғур уруғлари бирлашган эдилар. Булар ичида қарлуқлар катта ўринни эгаллайди. Бу уруғлар қадимда Олтойнинг ғарбий қисмидан келиб, Фарғона ва Тошкент ҳавзасига жойлашади. Халаж ва қарлуқ уруғлари аввало Еттисувда, қанглилар Қозоғистон ва Қирғизистон ерларида, яғмолар Иссиққўлнинг жануби ва шарқий Туркистонда, тургешлар Балхаш кўлининг жанубида, чигил (чигли)лар эса Иссиққўл атрофида яшаб, кейинроқ Ўзбекистон территориясига ҳам кўчадилар ва маҳаллий уруғлар билан қўшилиб кетадилар. Туркий уруғ ва қабилаларнинг ўтроқлашиши, катта шаҳарларнинг пайдо бўлиши турк халқи

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамда умумтуркий халқ тилининг шаклланишида катта роль ўйнади. Бу вақтда уч хил ёзув (хоразм, суғд, рун ёзувлари) мавжуд эди. Бу даврга оид бўлган машҳур ўрхун-енисей ёдномалари рун ёзувида ёзилган.

Шундай қилиб, энг қадимги маҳаллий сак ва массагет уруғларига юе-чжи ва хунн уруғлари ҳамда бошқа туркий қабилалар — қангли, қарлуқ, чигил, халаж, қисман уйғур уруғлари қўшилишиб, аралашиб кетдилар ва VI—X асрлар мобайнида ягона бир халқ бўлиб, тиллари ягона халқ тили бўлиб шаклланишга замин ҳозирлана бошлади.

VII аср охирларидан (674 йил) Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги бошланди. VIII аср мобайнида арабларга қарши туркий қабила ва уруғлар кураш олиб борадилар. IX—X асрлар мобайнида сомонийлар давлати ҳукмрон бўлади. Бу даврда маданият анча ўсади. Агар араблар ҳукмронлиги даврида араб тили расмий тил ҳисобланган бўлса, сомонийлар даврида расмий тил форс тили эди.

X аср охирларида Еттисув ва Қашқарда **қорахонийлар давлати** вужудга келади. Бу давлат асосан *қарлуқ* ва *чигил* уруғларидан ташкил топади. Қорахонийлар ғарбга юриш қилиб, 999 йилда сомонийлар давлатини емириб, Мовароуннаҳрда ҳам ўз ҳукмронликларини ўрнатадилар. Бу давлатнинг маркази аввало Қашқар бўлиб, XI аср ярмиларидан марказ Самарқандга кўчирилади. Шу вақтларда (қорахонийлар ҳукмронлиги бошланиши билан) ғарбда ғазнавийлар давлати ҳам пайдо бўлади. Шундай қилиб, икки давлат вужудга келди: Қашқардан Амударёгача — Шарқий Туркистоннинг бир қисми, Еттисув, Шош, Фарғона, Суғд ерларини ўз ичига олган **қорахонийлар** давлати ва шимолий Ҳиндистондан Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача — ҳозирги Афғонистон ва Шимоли-шарқий Эронни ўз ичига олган **ғазнавийлар** давлати барпо бўлди. 1017 йилда ғазнавийлар Хоразмни ҳам ўз тасаррруфига олади. 1040 йилга келиб туркман уруғларидан бўлмиш **салжуқийлар** Хуросонда ғазнавийлар давлатини енгиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатади, 1130 йилда салжуқийлар Самарқандни оладилар.

XII аср бошларида **қора хитойлар** салжуқийларни енгиб, Мовароуннаҳрни қўлга киритадилар.

Қорахонийлар даврида турли туркий уруғ тиллари бир-бирига яқинлашди. Бу уруғ тиллари ичида қарлуқ, чигил ва уйғур уруғ тиллари катта роль ўйнади.

Лекин XI асрда ҳам ҳали туркий уруғ тиллари бирлашиб, халқ тилини ташкил этган эмас эди. Маҳмуд Кошғарий қипчоқ, ўғуз, уйғур тилларини бир-биридан фарқлайди, ҳар бир уруғ тилининг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб ўтади. Шундай бўлса ҳам кичик уруғлар катта уруғлар таркибига

www.ziyouz.com kutubxonasi

кира бошлаган эди. Масалан, XI асрда чигиллар қарлуқ уруғи бирлашмаси составига кирган. Шу билан кичик уруғ тилларининг каттароқ уруғ тилларига сингиб кетиши ва катта уруғ бирлашмалари тилларининг шаклланишига шароит туғилган.

Қорахонийлар даврида фан, маданият ва адабиёт ўсади. Бу даврда машҳур «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк», «Ҳибатул ҳақойиқ» ва Яссавийнинг «Ҳикмат»лари яратилади.

Маҳмуд Кошғарий ўз давридаги уруғ тилларига тўхтар экан, ўғуз, яғмо, тухси тилларини нозик ва тўғри тил деб билади. Бу тилларнинг ичида энг яхшиси ҳоқоний тил деб таъкидлайди. Ҳоқоний тил деб, қораҳонийлар авлоди мансуб бўлган уруғ тили (Бартольд фикрича, яғмо уруғи тили) тушунилади.

XIII аср охири ва XIV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлик қилдилар. Бу даврда илм, маданият ва адабиёт анча тушкунликка учради.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан Темур бошчилигида катта территорияда қудратли давлат вужудга келди. Бу даврда илм, маданият ва адабиёт равнақ топади. Темур ва унинг авлодлари ўз саройларида адабиёт ва илм аҳлларини тўплайдилар. Темурнинг ўз ташаббуси билан давлат ишлари туркий (эски ўзбек) тилида юргизилади, шоир ва ёзувчиларни туркий (эски ўзбек) тилида ёзишга даъват этилади. Бу соҳада Алишер Навоийнинг ташаббуси ва ўрнаги ўз даври ва кейинги даврлар учун жуда катта роль ўйнади. Навоий ўзбек тилида гўзал ғазаллар ва достонлар яратди, бу тилнинг қудратини назарий жиҳатдан ҳам исботлаб берди («Муҳокаматул луғатайн» асарида).

Темур ўлимидан сўнг (1405 йил 18 февраль) унинг ворислари ўртасида тахт учун кураш кучайиб кетди, парокандалик бошланди. Бунинг устига Ўрта Осиё шимолида жойлашган Дашти Қипчоқдаги[1] кўчманчи ўзбек уруғлари доимо ҳужум қилиб турар эди. Уларнинг айрим қисмлари Сирдарё атрофини, Туркистон, Ўзган, Сузоқ ва бошқа жойларни эгаллаб, аста-секин ўтроқлаша бошлайди. Кўчманчилар ўзларини ўзбеклар деб номлар, уларнинг асли этник составида мўғул, турк, хунн, сак-массагет уруғлари бор эди. XV асрнинг охирларида Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбек уруғлари Мовароуннаҳрни босиб олди ва улар маҳаллий уруғлар билан аралашиб кетди, маҳаллий уруғлар ҳам ўзбеклар деб атала бошлади.

---

[1] *Дашти қипчоқ* — Днепр ва Қора денгизнинг шимолий қирғоғидан Иртиш ва Балхаш кўлигача, жанубда — Хоразм ва Сирдарёнинг қуйи оқимигача бўлган территория.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай қилиб, ўзбек номини олган бу қабилаларнинг этник составида сак-массагет, хунн, турк ва мўғул уруғларининг қони бор эди. Дашти қипчоқдан келиб, маҳаллий уругларга қўшилган туркий уруғлар (ўзбек уруглари) ҳозирги замон ўзбек халқининг шаклланишида сўнгги этник элемент бўлдилар. Умуман, ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши XI асрдан бошланди. Ўзбек халқи ва тили XI—XIV асрларда турк номи билан (туркман ва қипчоқ номларига қарши ўлароқ), XV асрдан чиғатой турки номи билан аталди.

XVI асрда маданият ва адабиёт анча тараққий этади. Адабий асарлар асосан ўзбек тилида ёзилади. Мутрибнинг «Тазкиратуш шуаро» асарида ўнлаб шоирларнинг номи айтилади. Муҳаммад Солиҳ, Бобир, Восифий, Шайбонийхон, Султон Ҳусайн каби шоирлар ва таржимонлар шу даврда яшади.

1599 йили Шайбонийнинг ягона ўғли Абдумўмин ўлгач, Мовароуннаҳрда астрахонлик Жонибек ҳукмрон бўлди ва аштархонийлар сулоласига асос солди, бу сулола XVIII асрнинг бошларигача ҳукмронлик қилди. XVIII асрнинг охирларидан Ўзбекистон территориясида учта хонлик: Бухоро, Хива ва Қўқон хонлиги таркиб топди. Уч хонлик орасидаги доимий низолар, урушлар бу давлатларни заифлаштирди, халқни хароб қилди. Бу ҳол табиий равишда диалектал хусусиятларнинг янада кучайишига олиб келди. Хонликларга қарашли қишлоқ ва шаҳарларда асосий халқ ўзбеклар бўлиб, улардан ташқари, тожик, қирғиз, қозоқ, туркманлар ҳам яшар эди.

Бу уч хонликнинг Россияга қўшилиши XIX асрнинг 70-йилларида рўй беради. Бухоро ва Хива хонлиги Россия билан шартнома тузиб, унинг вассалига айланади. Қўқон хонлиги эса тугатилиб, Туркистон генерал губернаторлигига қўшилиб кетади. Хонликларнинг Россияга қўшиб олиниши билан ўзаро уруш ва низоларга, халқ хўжалиги ва давлат тузумидаги парокандаликка маълум даражада барҳам берилди.

Октябрь социалистик революциясидан сўнг 1920 йилда Хива ва Бухоро хонликлари тугатилди ва 1924 йилга келиб Ўзбекистон территориясида ягона мустақил давлат — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси барпо бўлди.

Шундай қилиб, ўзбек ва бошқа туркий халқлар ва тилларининг шаклланишини XI—XV асрлар деб билмоқ керак. Турк ҳоқонлиги давридан бошлаб маҳаллий уруғ ва қабилалар бир-бирига яқинлашади ва жипслашади, бу жараён айниқса қорахонийлар давридан бошлаб кучаяди. Бунга уруғ ва қабилаларнинг ўтроқлашиши, шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ягона турк давлатининг шаклланиши сабаб бўлди. XI—XIV асрлар мобайнида бу ўтроқлашиш туфайли территориал диалектлар шаклланади, шу билан бирга, айрим қабила ва уруғлар тиллари ҳам сақланади. Бу даврда уруғларнинг катта бирлашма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари пайдо бўлади. Мовароуннаҳр, Фарғона, Хоразмда уч хил уруғ бирлашмаси вужудга келди, булар: қарлуқ-уйғур-чигил, ўғуз, қипчоқ уруғ бирлашмаларидир. Бу уруғ бирлашмаларнинг ҳар бири ўз ичида бир қанча уруғ ва қабилалардан ташкил топади (масалан, Маҳмуд Кошғарий ўғуз уруғларининг 22 хил номини келтиради). Бу катта уруғ бирлашмаларидан XI—XV асрлар мобайнида турли турк халқлари шаклланган: қарлуқ-уйғур бирлашмасидан — ўзбеклар, уйғурлар; ўғуз бирлашмасидан — туркманлар, озарбайжонлар, турклар шаклланади. Ҳар бир халқ турли уруғлар бирлашмасидан шаклланганини учун унинг таркибида бошқа уруғ бирлашмасининг баъзи хусусиятлари ҳам бўлади. Бу жиҳатдан ўзбек халқи ва тили анча мураккаб бўлиб, унинг таркибида ўғуз ва қипчоқ уруғларининг хусусиятлари ҳам мавжуддир.

## Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласи

Туркшунос олимлар ўзбек тили тарихини турлича даврлаштирадилар.

С. Е. Малов ўзбек тили тарихини уч даврга бўлади: уйғур адабий тили, чиғатой адабий тили, совет даври ўзбек адабий тили. Бу даврлаштиришга кўра, ҳозирги (совет даври) ўзбек адабий тили чиғатой адабий тилидан, бу тил эса ўз навбатида уйғур адабий тилидан келиб чиқади. С. Е. Малов туркий тиллар тараққиётини уч босқичга бўлади:

1-босқич. Туркий тилларнинг *д*-лаш босқичи. Бу босқичда сўз боши ва ўртасидаги ҳозирги й товуши д бўлиб талаффуз қилинади. Бу тилга рун ва қадимги уйғур ёзувида маълум бўлган ёдномаларнинг тили киради.

2- босқич. Ўткинчи давр. Бу даврда *д*-ловчи тиллар *й*-лашга ўтади: *қадин>қайин, адақ>айақ, кэдин>кейин* каби. Бу хусусият олдин жанубий тилда рўй бериб, кейинроқ ёзма адабий тилга кўчади[1].

А. Н. Самойлович ўзбек тили тарихини қуйидаги даврларга бўлади:

1- давр: қорахоний даври адабий тили (X—XI асрлар). Бу давр адабий тилини қорахонийлар даврида ёзилган адабий асарлар тили ташкил этади.

2- давр: ўғуз-қипчоқ адабий тили (XII—XIV асрлар). Сирдарёнинг қуйи оқими ва Хоразмда шаклланган адабий тил бу давр тилини ташкил этади.

3- давр: Ўрта Осиё туркий адабий тили (XIV—XX асрлар). Бу давр тилини XIV асрдан XX аср бошларигача ёзилган

---

[1] *С. Е. Малов*. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, 221—222-бетлар.

2 Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

асарлар тили ташкил этади. А. Н. Самойлович ҳозирги замон ўзбек адабий тилини учинчи давр адабий тилининг давоми деб тушунтиради[1].

А. К. Боровков бу даврлаштиришни баъзи ўзгаришлар билан қабул қилади[2].

Н. А. Баскаков туркий тилларнинг тарихига тўхтаб, уларнинг тарихий тараққиётини қуйидагича даврлаштиради:

I — Алтай даври (эрагача III асрлар). Бу давр туркий уруғларнинг Марказий Осиёда яшаган даврларини ўз ичига олади.

II — Хунн даври (эрамизнинг V асригача).

III — Қадимги турк даври (V—X асрлар).

IV — Ўрта турк даври (X—XV асрлар).

V — Янги турк даври (XV—XIX асрлар).

VI — Энг янги давр (XX аср)[3].

А. М. Шчербак ўзбек тили тарихида қуйидаги босқичларни белгилайди:

1) биринчи босқич — ўзбек адабий тилининг энг қадимги даври (X—XIII асрлар);

2) иккинчи босқич — ўзбек адабий тилининг ўрта — «чиғатой» тили даври (XIV—XVII асрлар);

3) учинчи, «янги» босқич (XVII—XVIII асрлар);

4) энг янги босқич (XIX асрдан бошланади).

Олим Усмонов ўзбек тили тарихини қуйидагича даврлаштиради:

I — қадимги тугю тили (VI—IX асрлар).

II — қадимги ўзбек тили (IX—XII асрлар).

III — эски ўзбек тилининг илк даври (XIII—XIV).

IV — эски ўзбек тили (XIV—XIX).

V — ҳозирги замон ўзбек адабий тили[4].

Ўзбек тили тарихини даврлаштирилар экан, икки масала ёддан кўтарилмаслиги керак. Биринчидан, ўзбек тили тарихини ўзбек халқи шаклланган даврдангина (XIV—XV асрлар) бошлаш нотўғри бўлар эди. Чунки XIV—XV асрга келиб шаклланган ўзбек тили узоқ йиллик тарихий тараққиёт маҳсули эди, қадимги туркий қабила ва уруғ тиллари ўзбек тилининг шаклланишида асос бўлдилар. Иккинчидан, қадимги ва эски (VII—XIII асрлар) туркий тилни қадимги ёки эски ўзбек тили деб фақат ўзбек тилига нисбат бериш ҳам хато бўлар эди, чун-

---

[1] *А. Н. Самойлович.* К истории литературного среднеазиатско-турецкого языка, Сб. «Мир—Али—Шир». Л., 1928, 1—23-бетлар.

[2] *А. К. Боровков.* Очерки истории узбекского языка, Ученые записки ИВАН СССР, XVI, М.—Л., 1958, 213—214-бетлар.

[3] *Н. А. Баскаков.* Алтайский язык, М., 1958.

[4] Ўрта Осиё Давлат университети асарлари, Ўзбек тили масалалари, Тошкент, 1957.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ки VII—XIII асрлардаги туркий қабила ва уруғ тиллари фақат ўзбек тили учун эмас, балки бошқа туркий тиллар (уйғур, туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ в. б.) учун ҳам асос бўлгандир.

Ўзбек адабий тили тарихида қуйидаги даврлар ажралиб туради:

I. Энг қадимги туркий тил (VII асргача бўлган давр).

II. Қадимги туркий тил (VII асрдан XI асргача).

III. Эски туркий тил (XI асрдан, XIII асргача).

IV. Эски ўзбек адабий тили (XIV асрдан XIX асргача).

V. Янги ўзбек адабий тили (XIX асрдан XX асрнинг бошларигача).

VI. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

I босқич. *Энг қадимги туркий тилни* Ўрта Осиё территориясида яшаган энг қадимги сак ва массагет қабилалари тилига хунн ва юе-чжи ҳамда бошқа туркий қабила ва уруғларнинг тили аралашувидан ҳосил бўлган тил ташкил этади. Бу тиллар бўйича бирор ёзма ёдгорлик қолган эмас, аммо бу уруғ тиллари ҳозирги замон туркий тилларининг, жумладан, ўзбек тилининг шаклланишига асос бўлган. Кейинги даврдаги туркий тиллар ана шу маҳаллий тиллар билан аралашган.

II босқич. *Қадимги туркий тил*—турк ҳоқонлиги барпо бўлгандан (VII аср) то қораҳонийлар давригача (X—XI асрлар) бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда рун, уйғур, суғд, манихей, брахма ёзувларида ёзилган ёдгорликлар ҳозиргача етиб келган. Бу ёдгорликлар тошларга, ёғочларга, териларга ёзилган. Ёзма ёдномалардан энг машҳури турк хонлари Култегин ва Тонюқуқ (732 йил) шаънига қўйилган тош ёзмадир. Тошга ёзилган бу ёдномалар Ўрхун дарёси ёнидан (Мўғулистон) топилгани учун Ўрхун ёдномалари ёки турк — рун ёдномалари дейилади. Ёдномалар ўтган аср иккинчи ярмида топилган. Уларни В. Томсен ўқиди ва биринчи марта В. Радлов таржима қилди. Бундай ёдномалар кейинроқ бошқа ерлардан ҳам (Енисей дарёси бўйлари, Талас водийси в. б.) кўплаб топилди.

Қадимги турк тили ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу тил *д*-ловчи тил ҳисобланиб, морфологик томондан ҳам алоҳида хусусиятга эга бўлган. Чунончи, тушум келишиги *-ғ/-г* қўшимчасига, жўналиш келишиги эса *-ғару/-гәру* шаклига ҳам эга бўлган, ҳозирги чиқиш келишиги қўшимчаси қўлланмаган. Сифатдош ва равишдошнинг ўзига хос шакллари ишлатилган (*-дуқ, -ғма; -у, -ти* в. б.), шарт феъли *-сар* шаклига эга бўлган ва ҳоказо. Шу билан бирга, ўрхун-енисей ёдномалари тили ҳозирги замон тилига кўп жиҳатдан яқин туради.

2*

www.ziyouz.com kutubxonasi

III босқич. *Эски туркий тил.* Тил тараққиётининг бу босқичи қорахонийлар давлати барпо бўлиш даври билан бошланади.

Бу босқичда ўзбек халқи ва унинг умум тилининг шаклланишига замин тайёрлана бошлайди. Бошқа қардош туркий халқ ва тилларининг шаклланиши ҳам шу даврга тўғри келади.

Қорахонийлар сулоласи даврида Мовароуннаҳр ва Қашқарда қарлуқ-уйғур ва қисман қипчоқ-ўғуз уруғ тиллари хусусиятини ўз ичига олган туркий адабий тил мавжуд эди. Бу адабий тилда «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк», «Ҳибатул ҳақойиқ», Яссавийнинг «Ҳикмат»и, «Тафсир», «Ўғузнома», «Қисасул анбиё» каби асарлар ёзилган.

«Қутадғу билиг» дидактик характердаги асар бўлиб, Ҳиротда Юсуф Хос Ҳожиб томонидан 1069—70 йилларн ёзиб тугатилган. Ҳозир бу асарнинг уч нусхаси мавжуддир (Фарғона ва Қоҳира нусхалари араб ёзувида, Вена нусхаси уйғур ёзувида). Асар қарлуқ тили хусусиятларини кўпроқ акс эттиради.

«Девону луғотит турк» асари Маҳмуд Кошғарий томонидан 1073—74 йиллари ёзиб тугалланади. Кошғарий бу асарида ўз замонасидаги туркий уруғ тилларининг хусусиятлари, жойланиши ҳақида маълумот беради ва луғатини тузади.

Яссавий «Ҳикмат»ининг ҳозирги нусхаси тил жиҳатдан жуда ўзгартиб юборилган, ўз даврининг тил хусусиятини акс эттирмайди. Яссавий ҳозирги Туркистон шаҳри ёнида (Яссада) яшаб, 1166 йили ўлган.

«Ҳибатул ҳақойиқ» асари XII асрларда Аҳмад Югнакий томонидан ёзилган. Асар тил жиҳатдан, бир томондан, эски туркий тилга, баъзи хусусиятлари билан эски ўзбек тилига яқин туради.

«Уғизнома»нинг ёзилган вақти XIII аср ҳисобланса-да, тил жиҳатдан «Ҳибатул ҳақойиқ»қа нисбатан эскироқдир. Шунинг учун асарни мўғуллаpгача бўлган даврда яратилган деб тахминланади. Асар қипчоқ, қангли, қарлуқ тили хусусиятларини ўзида акс эттиради.

«Қисасул анбиё» асари Қаршига яқин Рабати ўғуз деган жойда қози Бурхониддин ўғли Насриддин Рабғўзий томонидан 1310 йили ёзилган.

Бу даврга оид ёзма манбаларнинг яна бири «Тафсир» дир. «Тафсир» нинг дунёда бир неча нусхалари маълум. Шу нусхалардан бири Қаршида топилган. А. К. Боровковнинг айтишича, асар тил жиҳатдан турли турк уруғларининг тил хусусиятини ифодалайди (қўл ёзмани тахминан XII—XIII асрларга оид деб билади).

www.ziyouz.com kutubxonasi

IV босқич. *Эски ўзбек адабий тили* (XIV асрдан XIX асргача). XIV асрга келиб умумхалқ ўзбек адабий тили вужудга келди. Шу билан бирга, ёзма адабиётнинг кам тарқалгани туфайли диалект хусусиятлари ҳам тўлиқ сақланиб қолди. Бу диалект хусусиятлари адабий асарларда ҳам маълум даражада ўз аксини топди. Фарғона ва Мовароуннаҳрда ёзилган адабий асарлар тилидан Хоразмда ёзилган адабий асарлар тилида маълум диалектал фарқлар сезилиб турди. Эски ўзбек тилининг шакллана бошлаган даврида (XIII аср охири — XIV аср боши), айниқса, уруғ тилларининг хусусиятлари адабий асарларда яққол кўринар эди. Мовароуннаҳр, Фарғона ва Хоразмда қарлуқ-уйғур, уйғур-ўғуз ва қипчоқ диалект группаларининг хусусиятлари сақланиши билан бирга, улар аралашиб ҳам кетадилар. Масалан, «Муҳаббатнома» ва «Таашшуқнома»да ўғуз диалект хусусиятлари, «Хисрав ва Ширин»да қипчоқ диалект хусусияти ўз аксини топади. XVI асрга оид «Бобирнома»да кўрсатиб ўтилган диалектларнинг хусусиятлари аралаш ҳолда қўлланади. Демак, мавжуд диалект хусусиятларини ўз ичига қамраб олган умумий адабий тилни шакллантириш тенденцияси кучая боради ва умумий ўзбек адабий тили шаклланади. Адабий тил соҳасида рўй берган бу тенденция, албатта, жонли тилда бўлаётган жараённи акс эттирар эди.

Маълумки, XII аср бошларида Хоразм давлатининг мавқеи кўтарилиб, давлат мустаҳкамланиб, бутун Мовароуннаҳрни ўз тасарруфига олади. Хоразм фан, маданият ва адабиёт марказига айланади. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида ҳам (XIII асрдан XIV асрнинг биринчи ярмигача) бу традиция давом этади. Бу даврда Хоразм Олтин Ўрда хонлиги таркибига кирган эди. XIII аср охирида Олтин Ўрда хонлиги таркибидан Хоразм ерлари, рус, булгор ерлари, Дашти қипчоқ, Қрим, Қозон, Астрахан хонлигига бўлиниб кетади.

Олтин Ўрдада XIII—XIV асрлар мобайнида адабий марказ вужудга келади. Бу ерда ёзилган асарлар тил жиҳатдан кўпроқ қипчоқ-ўғуз уруғ тиллари хусусиятини ўзида ифодалайди. Ўғуз уруғлари кўпчиликни ташкил этиб, улар Сирдарёнинг қуйи оқими ва Хоразмда жойлашган эди. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си, Қутбнинг «Хисрав ва Ширин» асари, диний характердаги «Роҳатул қулуб», «Наҳжул фародис», Алининг «Қиссаи Юсуф»и (XIII асрда Хоразмда ёзилган), Тўхтамиш ва Темур Қутлуқ ёрлиқлари Олтин Ўрда адабий тилини ташкил этади. Олтин Ўрда хонлигининг Урганч, Сорай, Сиғнақ шаҳарлари бўлиб, бу асарлар ўша ерларда ёзилган.

Олтин Ўрда адабий тилига оид асарларнинг айримлари Мисрда ва Сурияда мамлюклар даврида яратилди. Қипчоқ тили хусусиятларини кўпроқ ўзида акс эттирган «Кодекс куманикус», Сайфи Саройининг «Гулистон» таржимаси ва шеър-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари, турли туркча ва арабча-туркча луғатлар шулар жумласидандир.

Олтин Ўрда адабий тили қорахонийлар давридаги адабий тил билан боғланган бўлиб, унинг давоми ҳисобланади. Бу икки адабий тил орасидаги фарқ — асарларнинг яратилиш ўрни ва Олтин Ўрда тилининг кўпроқ ўғуз ва қисман қипчоқ тиллари хусусиятларига асосланишидадир. Бу даврда Мовароуннаҳрда — Бухоро, Самарқанд ва шу территориядаги бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам эски адабий тил (Қорахонийлар даври адабий тили) традициялари давом этиб, Дурбек, Лутфий, Саккокий каби шоирлар ижод этади. Бу шоирлар яратган адабий асарлар кўпроқ қарлуқ-уйғур тил хусусиятларини акс эттиради. Бу диалектал хусусиятлар аста-секин йўқола борди ва XV асрга келиб ягона, умумий адабий тил хусусиятлари асосий ўринни эгаллади.

Асосий ёзма манбалар. Олтин Ўрдада яратилган адабий манбалар:

**Хоразмийнинг** «Муҳаббатнома» асари 1353 йилда ёзиб тугатилган бўлиб, тил жиҳатдан кўпроқ ўғуз тили хусусиятларини акс эттиради.

**Сиди Аҳмаднинг** «Таашшуқнома»си «Муҳаббатнома»га ўхшатиб тузилган бўлиб, 1435 йили ёзилган. Сиди Аҳмад Мироншоҳнинг ўғли деб тахмин қилинади. Асарда қипчоқ хусусиятлари камроқ учрайди.

**Алининг** «Қиссаи Юсуф» асари XIII асрда ёзилган, асарда ўғуз-қипчоқ тили хусусиятлари акс этади. Асар Ўрта Осиёда ёзилган деб тахмин қилинади.

**Қутбнинг** «Хисрав ва Ширин» асари 1340 йили Олтин Ўрда хонларидан Ўзбекхон ўғли Тинибекка атаб ёзилган. Тил жиҳатдан ўғуз-қипчоқ тил хусусиятларини акслантиради. Асар Низомийнинг шу номли достонининг эски туркий тилга таржимаси эди.

**Сайфи Саройининг** «Гулистон» асари 1391 йили Мисрда ёзилади. Асар қипчоқ-ўғуз тили хусусиятларини акс эттиради. Мазкур асар Саъдийнинг «Гулистон» асарининг таржимаси эди.

Навоийгача бўлган шоирлар:

**Дурбек.** XIV асрнинг иккинчи ярмида ижод этган, унинг «Юсуф ва Зулайҳо» асари бизга етиб келган (асар Балхда ёзилган деб тахмин қилинади).

**Лутфий.** XIV аср охири ва XV аср ўрталарида Ҳиротда яшаган ва ижод этган, ғазаллари ва «Гул ва Наврўз» достони бизга етиб келган.

**Отойи.** XV асрнинг биринчи ярмида ижод этган.

**Саккокий.** XV асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда (асосан Самарқандда) ижод этган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Яқиний.** XV асрнинг биринчи ярмида Ҳиротда ижод этган, унинг «Ўқ-ёйнинг мунозараси» асари маълум.

**Аҳмадий.** XV асрда ижод этиб, «Созлар мунозараси» асари билан машҳур.

**Юсуф Амирий.** XV асрнинг бошлари Ҳиротда Шоҳруҳнинг ўғли Байсунғур Мирзо саройида ижод этган. Унинг девони, «Даҳнома» (1429—30), «Банг ва чағир мунозараси» асарлари бизга маълум.

**Мир Ҳайдар.** XV аср бошларида «Телба» тахаллуси билан ижод этган. Унинг диний мазмундаги «Маҳзанул асрор» асари етиб келган.

**Хўжандий.** XIV аср охири ва XV аср бошларида Хўжандда (тахаллусига кўра, асл исми маълум эмас) ижод этган. «Латофатнома» асари билан машҳурдир.

**Ҳусайний.** Темурийлар сулоласидан бўлмиш Абулғози Ҳусайн Бойқаронинг тахаллусидир. (1438—39 йили туғилиб, 1469—1506 йилларда Хуросонда ҳукмронлик қилди). Унинг девонлари бизга етиб келган.

XV аср бошларида ижод этган шоирлардан яна Жавҳарий, Қамбар ўғли, Қосим, Мансур бахши, Гадоий, Мир Сайид, Омоний ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Шуниси характерлики, Навоийгача бўлган бу шоирларнинг асарларида эски туркий тил традициялари давом эттирилиши билан бирга, уларда жонли тил хусусиятлари кўпроқ ўрин эгаллайди.

XV асрнинг биринчи ярмида диний мазмундаги бир қанча прозаик асарлар ҳам яратилди. Булар «Сиражул қулуб» (1432 йил Йазд шаҳрида Мансур бахши томонидан тузилган, уйғур ёзувида ёзилган), «Миражнома» (1436 йили Мансур бахши Ҳиротий томонидан тузилган), «Тазкираи авлиё» (Мансур бахши тузган), «Бахтиёрнома» (бир нусхаси 1435 йили тузилган) в. б.

Бу асарлар содда ва жонли тилга жуда яқиндир. Улар эски ўзбек тилининг ривожланишида катта роль ўйнадилар. Эски ўзбек адабий тили аввал қорахонийлар даврида, кейинроқ Олтин Ўрда ва Мовароуннаҳрда қўлланган адабий тилнинг давоми, унинг янги тараққиёт босқичи эди. Эски ўзбек адабий тили маҳаллий туркий ва қисман эрон уруғлари тилига қипчоқ ва ўғуз тилларининг таъсири ва аралашиши натижасида шаклланди. Эски ўзбек адабий тили бутун Ўрта Осиёга, Қозоғистон, Туркманистон, Озарбайжон, Татаристон. Бошқирдистон, Қашқар, Ҳирот ва бошқа ерларгача ёйилади. Эски ўзбек адабий тили нормалари асосида ёзувчи ва шоирлар XIX асрларгача ижод қилиб келдилар. Бу адабий тил традициялари айниқса шеъриятда узоқ асрларгача давом этди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эски ўзбек адабий тили чиғатой тили номи билан ҳам юритилади. Мўғуллар даврида Мовароуннаҳр ва Мўғулистон (Шарқий Туркистон ва Еттисув территорияси) Чингизнинг ўғли Чиғатойга қарашли бўлиб, Чиғатой улуси деб номланар эди. XIII асрнинг охирида бу улус Мовароуннаҳр ва Мўғулистонга бўлиниб кетади. Шу тарихий сабабга кўра, бу катта территорияга ёйилган адабий тилни айрим олимлар томонидан чиғатой тили деб юритилган, аммо эски адабий тилнинг Чиғатойга, мўғулларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, ўша давр ёзувчи ва шоирлари ўз тилларини туркий тил деб номлаганлар.

*Навоий, Бобир ва замондошлари.* **Алишер Навоий** (1441—1501) асарларида эски ўзбек адабий тили ўз ривожининг энг юқори нуқтасига кўтарилди. Навоий жуда катта адабий ва илмий мерос қолдирди. Унинг «Чор девон» ва «Хамса» номли поэтик асарлари, «Маҳбубул қулуб», «Хамсатул мутаҳаййирин», «Мажолисун нафоис», «Мезонул авзон», «Вақфиййа ва ихласиййа», «Муҳокаматул луғатайн», «Ҳолати паҳлавон Муҳаммад» каби ўнлаб прозаик асарлари бизга маълум. Бу асарларида Навоий эски ўзбек адабий тилини камолотга етказди. Алишер Навоийдан кейин унинг традициялари давом этади.

**Заҳириддин Бобир** (1483—1530) ўзининг автобиографик асари «Бобирнома» билан машҳур. Бу прозаик асар тил жиҳатдан анча содда, жонли тилга анча яқин. Навоийнинг прозаик асарларига нисбатан Бобир асарларининг тили ҳозирги замон ўқувчисига кўпроқ тушунарли.

**Муҳаммад Солиҳ** XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошларида яшаб ижод этган, унинг «Шайбонийнома» асари 1510 йили ёзилиб тугатилган. Асар назм йўли билан ёзилган бўлишига қарамай, тили содда ва ҳозирги замон тилига анча яқин. Асар тилида Хоразм диалектининг баъзи хусусиятлари ҳам акс этган.

Алишер Навоийдан кейин яратилган прозаик асарлар ва баъзи достонларда эски ўзбек тилининг традицион нормаларидан узоқлашиш, халқ тилига яқинлаштириш тенденциясини кўрамиз. Мажлисий (XVI асрнинг биринчи ярмида Хоразмда ижод этган)нинг «Қиссаи Сайфулмулк» достони, Абдулваҳоб хўжа ўғли Пошохожанинг (тахаллуси — Хожа, XVI асрда ижод этган) «Гулзор» ва «Мифтоҳул адл» асарлари, Умар Боқийнинг (XVIII аср охирларида Хоразмда ижод этган) «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари, Нишотийнинг (XVIII асрнинг охирида Хоразмда ижод этган) «Ҳусну дил» достони, Гулханийнинг (XVIII асрнинг охири ва XIX аср бошларида Қўқонда ижод этган) «Зарбулмасал» асари, Фазлийнинг (XIX аср бошларида ижод этган) «Мажмуатуш шуаро» асари ана шундай хусусиятга эгадир. Айниқса, Абдулғози Ба-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳодирхоннинг (1603—1664) «Шажараи тарокима», «Шажараи турк» асарлари бу жиҳатдан характерлидир.

Шеърий асарларда, ғазалларда эски ўзбек адабий тили традицияси давом этади.

**Эски ўзбек тилининг эски туркий тилга муносабати.** Эски ўзбек тили эски туркий тилнинг бевосита давомидир. Эски туркий тилдаги асосий хусусиятлар эски ўзбек тилида давом этади. Шу билан бирга, баъзи хусусиятлар эски ўзбек тилида ўзгаради. Бу ҳол тил тараққиёти туфайли рўй берган табиий ва қонуний ҳодисадир. Масалан, эски ўзбек тилида д товуши асосан й билан алмашади; шарт феълининг қўшимчаси — *-сар* тамоман *-са* шаклига ўтади; келишик аффиксларидан олдин қўлланадиган н товуши эски ўзбек тилида камая боради; соннинг *тўртинч, бешинч* шакллари *тўртинчи, бешинчи* шаклида ишлатилади; туршум келишигининг *-иғ/-иг* шакли, жўналиш келишигининг *-ғару/-гәру* шакли, восита келишиги қўшимчаси тамоман қўлланмайди; равишдош ва сифатдошнинг шакллари камайди; янги кўмакчилар келиб чиқди (*кўра, бақа, яраша* ва бошқалар); ҳаракат номининг *-моқ* шакли камроқ қўлланиб, унинг ўрнида *-иш* шакли кўпроқ ишлатила бошлайди ва бошқалар.

V б о с қ и ч. *Янги ўзбек адабий тили.*

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб прозаик асарларгина эмас, поэтик асарлар ҳам жонли тилга яқинлашади. Муқимий, Фурқат, Завқий каби шоирларнинг асарлари ана шулар жумласидандир.

Бу вақтга келиб адабиётнинг янги форма ва жанрлари, маҳаллий матбуот ва театр келиб чиқади. Бу ҳол миллий буржуазиянинг шаклланиши ва ҳокимиятни қўлга олишга интилиши билан изоҳланади. Миллий буржуазия ислом динини, эски традицияларни янгилаш «замонавийлаштириш» учун курашади. Буржуа миллатчилари пантуркизм ғоясини тарғиб қиладилар, бу ғояга кўра, туркий халқлар учун ягона умумий адабий тил жорий қилиш керак эди. Бу ғоя сиёсий мақсадларни кўзлар эди. Ўзбекистонда нашр қилинадиган газета, журнал ва айрим китоблар тилида ўзбек халқига тушунарсиз бўлган турк ва татар тилига хос формалар, сўзлар, конструкциялар қўллана бошлади. Шунинг учун ҳам XIX асрнинг охири, айниқса XX асрнинг бошларида газета, журналларнинг тили турк, озарбайжон ёки татар тили хусусиятларини ўзида акс эттирган чалкаш бир аҳволда эди. Октябрь революциясидан сўнг эски пантуркистик «ғоя»лардан воз кечилган бўлса ҳам, 20-йилларгача адабий тил масаласи узил-кесил ҳал бўлмади. Адабий тил сифатида жонли тилдан узоқ бўлган эски ўзбек тили («чиғатой тили»)ни қабул қилиш ёки адабий тилни жонли тилга яқинлаштирмоқчи бўлиб, уни шева тилига айланти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риш тенденциялари, ёхуд янги сўз, форма ва бирикмалар ясаб, тилни сунъийлаштириш ҳаракатлари бўлди. Фақат 30- йиллар ичида бутун халқ оммасига тушунарли бўлган, эски ўзбек тили анъаналарининг энг яхши томонларини ўзига сингдирган ҳозирги ўзбек адабий тили шаклланди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# МОРФОЛОГИЯ

1-§. Ўзбек тилининг морфологик қурилиши асрлар давомида ривожланиб, такомиллашиб келди.

Эски ўзбек тилининг кўп асрлик тараққиёти давомида унинг морфологик қурилишида ҳам маълум ўзгаришлар юз берди: янги-янги грамматик формалар вужудга келди, натижада қадимдан актив истеъмолда бўлиб келган формаларнинг бир группаси ўзининг мавқеини йўқота борди, айримлари эса маълум даврларга келиб истеъмолдан чиқиб қолди; параллел равишда қўлланиб келаётган функциядош грамматик формалар вазифаси жиҳатдан дифференциялаша борди, тартибга туша борди; айрим грамматик формалар шаклан ўзгариб, такомиллаша борди ва ҳоказо (бу хилдаги ўзгаришлар ўз ўрнида баён қилинади).

Ёзма манбаларнинг кўрсатишича, эски ўзбек тилининг морфологик қурилиши тараққиётини учта катта босқичга бўлиш мумкин: 1. Биринчи босқични XIV асрнинг охирларигача бўлган давр ташкил этади. Бу давр эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш арафаси бўлиб, параллел равишда қўлланувчи функциядош формаларнинг кўплиги, қадимги формаларнинг актив қўлланиб келиши, диалектал ёки бошқа туркий тилларга мансуб бўлган формаларнинг кўплаб истеъмолда бўлиши каби ҳолатлар билан характерланади. 2. Иккинчи босқич XIV аср охирларидан XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда эски ўзбек адабий тили вужудга келган бўлиб. унинг грамматик қурилиши, хусусан, морфологик структураси маълум даражада нормага тушганлиги кўринади. 3. Эски ўзбек тилининг морфологик қурилиши тараққиётидаги учинчи босқич XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Бу даврда адабиётда демократик оқим пайдо бўлди, матбуот вужудга келди ва ўзбек тилида газета, журнал, китоблар нашр этила бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу эса ўз навбатида адабий тил билан халқ сўзлашув тилининг янада яқинлаша боришига ва адабий тилнинг, хусусан, унинг морфологик қурилишининг халқ сўзлашув тили ҳисобига янада бойиб боришига замин яратди.

2-§. Эски ўзбек тилида ҳам сўз туркумлари даставвал икки катта группага бўлинади: мустақил сўзлар ва ёрдамчи сўзлар.

Мустақил сўзлар қуйидаги уч группага бўлинади: исм, феъл, равиш. Исм группасидаги сўзлар ўз навбатида қуйидаги туркумларга бўлинади: от, сифат, сон, олмош. Бу туркумлар учун сўз ўзгартувчи категориялар (келишик, эгалик ва шу кабилар) умумий бўлиб, бу жиҳатдан улар бир группага — исм группасига бирлашадилар. Лекин уларнинг ҳар бири учун махсус сўз ясовчи аффикслари бўлиши ва семантикаси жиҳатдан ҳар қайсиси мустақил сўз туркумини ташкил этади.

Ёрдамчи сўзлар синтактик функцияларига кўра қуйидаги уч туркумга бўлинади: кўмакчилар, боғловчилар, юкламалар. Ундовларни ҳам шартли равишда ёрдамчи сўзлар группасига киритиш мумкин.

## ОТ

3-§. Эски ўзбек тилида ҳам от кўплик, эгалик, келишик каби грамматик категорияларга эга бўлиши билан характерланади. Бу категориялар махсус аффикслар билан ифодаланади ва бу аффиксларнинг қўшилишида маълум тартиб мавжуд, яъни: от (ўзак-негиз) + кўплик аффикси + эгалик аффикси + келишик аффикси (*аға+лар+ым+ны* каби).

Кўплик, эгалик, келишик аффикслари от туркумига хос грамматик категориялар бўлиб, бошқа туркумдаги сўзларга қўшилганда, бу сўзлар отлашади (субстантивлашади) ва гапда от вазифасини бажаради.

### КЎПЛИК ФОРМАЛАРИ

4-§. Отларда кўплик формаси асосан *-лар/-лəр* аффикси билан ясалади. Эски ўзбек тилида ҳам *-лар/-лəр* аффиксининг асосий функцияси грамматик кўплик маъносини ифодалашдан иборат бўлган. Мас.: *Д о с т л а р ы м н ы кулдурдум* (УН, 63). *Салман назарны өзгə с а н а м л а р җамāлына* (Отойи, 69б). *Т а ш л а р н ы тамāм бу тағдын элтəрлəр* (БН, 61). *К э н д л ə р салдылар* (Ш. тар., 9). *Н а в б а ҳ ā р ачылды г у л л а р, сабза болды б ā ғ л а р//суҳбат əйлəйлик, кэлиңлəр, җ о р а л и р, о р т а ғ л а р* (Муқ., 170).

Келтирилган мисолларда *-лар/-лэр* аффикси кўплик маъносини ифодалайди. Айрим ҳолларда бу аффикс кўпликдан бошқа маъноларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан, ҳолатни, мавҳум тушунчани билдирадиган отларга қўшилганда, кўпликни эмас, балки кучайтириш, таъкидлаш каби маъноларни ифодалайди. Қиёсланг: *Аның душманлары көп қайғулар тапты* (УН, 55—56). *Мир Хисравның бу дақиқ ҳайāлыға āфаринлар оқудум* (Нав. МН, 252). *Аҳмад Йусуф бэг нэтирāблар қылыб, ҳар замāн айтадур ким,..* (БН, 200). *Мунисға йэтэр дамбадам āзāрлар андын* (Мунис, 107). *Бāиси тахир хат болды бу лāхасликлэрим* (Муқ., 108).

*-лар/-лэр* аффикси баъзан ҳурмат маъносини ҳам ифодалайди. Мас.: *Аталары эзгү киши эрди* (Таф., 11 *а*). *Мэниң вāлидаларым ва Хожа Қāзи ва ул жамāатның арзадāшты кэлиб эрди ким...* (БН, 66).

Сон, умуман, миқдор билдирувчи сўзлар билан бирга келган отларга одатда *-лар/-лэр* аффикси қўшилмайди. Лекин баъзан бундай ҳолларда ҳам *-лар/-лэр* аффикси қўшилиши учрайди. Мас.: *Он фариштэлар йигитлэр суратынча болуб...* (Рабғ., 39б). *Мунда көп кийиклэри, көп қушлары бар турур* (УН, 55). *Йэтмиш-сэксэн обдāн йигитлэрни таъин қылдуқ* (БН, 244). *Мунлар йигирми төрт кишилэр эрдилэр* (Ш. тар., 34).

5-§. Туркий тиллар тараққиётининг қадимги даврларида отларда кўплик формаси *-т* аффикси билан ҳам ясалган. Лекин бу форма анча олдинги даврлардаёқ истеъмолдан чиққан. Қадимги ёдгорликларда бу аффикс билан айрим сўзлардангина кўплик формаси ясалиши учрайди. Масалан, *тэгит* — «шоҳзодалар» (*тэгин* — «шоҳзода» сўзининг кўплик формаси). «Девону луғотит турк»да ҳам *тэгит* сўзи *тэгин* (шоҳзода) сўзининг кўплик формаси эканлиги қайд қилинган (Қар.: МК, I том, 337, 391-бетлар).

Эски ўзбек тилига оид ёзма манбаларнинг айримларида, асосан, «Бобирнома»да таркибида *-т* аффикси бўлган айрим сўзлар мавжуд. Лекин бу сўзлар грамматик кўплик маъносини эмас, балки жамлик тушунчасини билдиради. Масалан, *бэгэт* (БН, 46) — *бэг* сўзидан, *туманат* (БН, 60) — *туман* сўзидан, *бāғат* (БН, 172) — *бāғ* сўзидан.

Ҳозир бу аффикс айрим жой номлари, қабила, уруғ номлари таркибида сақланган. Масалан, *Тэвэт* (тэпэ+т>тэпэт>тэвэт) — қишлоқ номи, *Бағат* (бағ+ат>бағат) — қишлоқ номи, *топағат* (топ+ағ+ат>топағат) — уруғ-аймоғ маъносида.

6-§. Туркий тиллар тараққиётининг маълум даврларида *-ан/-эн* аффикси билан ясалган кўплик формаси ҳам қўлланган. Бу форма кам маҳсул бўлган ва унинг истеъмол доираси айрим сўзлар билангина чегараланган. Масалан, «Дево-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ну луғотит турк»да бу аффикс билан *оғул* ва *әр (эр)* сўзларидангина кўплик формаси ясалган: *Оғлан ығрашды* — «Болалар йиғлашди». *Оғлан йүгрүшди* — «Болалар югуришди». *Әрән үрпәшди* — «Ботирлар (бир-бирларига) ғазабланишди». *Әрән қамуғ қақышды* — «Одамларнинг ҳаммаси (бир-бирларини) койишди».

«Девону луғотит турк»да *оғлан, әрән* формалари бирлик маъносида ҳам қўлланган: *Оғлан әритти.* — «Бола балоғатга етди, эрлар сафига ўтди». *Оғлан сув төкди* — «Бола сувни тўкди». *Қурч әрән* — «Чидамли, пишиқ одам». Шунинг учун кўплик формасидаги бу сўзларга *-лар/-ләр* аффикси ҳам қўшила берган, яъни бир сўзга бирданига икки хил кўплик аффикси қўшилган: *Әрди үзә әрәнләр* — «Илгариги кишилар эди».

Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳлашича, XI аср тилида кўплик кўрсаткичи *-лар/ ләр* бўлиб, *оғул, әр* сўзларининг кўплик формаси *оғлан, әрән* тарзида бўлиши одатдан ташқари ҳодиса бўлган (Қар.: МК, I том, 71, 103-бетлар).

Эски ўзбек тилига оид манбаларда ҳам *оғлан, эрән* формалари қўлланган, лекин булар фақат бирлик маъносини ифодалаган. Бу сўзларнинг кўплигини ифодалаш учун *-лар/-ләр* аффикси қўшилган. Мас.: *Бир оғланны анда қойды* (Таф., 49 *б*). *Оғланлары қорқтылар* (Рабғ., 41 *а*). *Эрәнләр айтурлар* (Таф., 91 *а*). *Йалған айтмақ эрәнләр иши эмәс* (Нав. МҚ, 162). *Йығыңыз бәгләр-у ағланларны* (ШН, 155). *Андағ айтиб-мэн ким, бэш йашар оғлан тушунур* (Ш. турк, 23). *Көп оғланлары бар эрди* (Ш. тар., 16).

7-§. Маълумки, ўзбек тили лексик таркибининг маълум қисмини араб тилидан ўзлаштирилган сўзлар ташкил этади. Бу сўзларнинг асосий қисми от туркумига мансуб бўлиб, уларнинг кўпчилиги кўплик формаларида ўзлаштирилган. Масалан: *аҳвол* (бирлиги — *ҳол), авлод* (бирлиги—*валад*), *аъзо* (бирлиги— *узв*), *халойиқ* (бирлиги — *холиқа*), *уламо* (бирлиги — *олим*), *аҳбоб* (бирлиги — *ҳабиб*), *ажойиб* (бирлиги — *ажиб*).

Кўплик формадаги бундай сўзлар ҳозирги ўзбек тилида бирлик формасида уқилиб, уларнинг кўплик маъноси *-лар* аффиксини қўшиш билан ифодаланади: *аҳволлар, авлодлар, аъзолар* каби.

Эски ўзбек тилида араб тилидан ўзлаштирилган кўплик формасидаги сўзлар кўплик маъносида қўлланган. Лекин бундай сўзларни баъзан бирлик маъносида уқилиб, уларга *-лар/ -ләр* аффиксини қўшиб ишлатилиш ҳоллари ҳам учрайди. Мас.: *Йолда аҗāйиблар көрдиләр* (Рабғ., 99*а*). *Бурунғы шуъарā акāбирлар зайлыда мазкур болғайлар* (Нав. МН, 4).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЭГАЛИК ФОРМАЛАРИ

8-§. Отларда эгалик формаларининг ясалиши ва эгалик муносабатларининг ифодаланиш усуллари бўйича эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тили ўртасида деярли фарқ йўқ.

Эгалик формалари эски ўзбек тилида ҳам махсус аффикслар билан ясалган. Бу аффиксларнинг турли фонетик вариантларга эга бўлиши билан эски ўзбек тили ҳозирги ўзбек тилидан фарқланади.

Эски ўзбек тилида эгалик аффикслари қуйидагича фонетик вариантларда ишлатилган:

| Сон | Шахс | Аффикслар | Мисоллар |
|---|---|---|---|
| Бирлик | I шахс | -м<br>-ым/-им<br>-ум/-үм | *ата-м, киши-м*<br>*ат-ым, тил-им*<br>*оғ(у)л-ум, сөз-үм* |
| | II шахс | -ң<br>-ың/-иң<br>-уң/-үң | *ата-ң, киши-ң*<br>*ат-ың, тил-иң*<br>*оғ(у)л-уң, сөз-үң* |
| | III шахс | -сы/-си<br>-ы/-и | *ата-сы, киши-си*<br>*оғ(у)л-ы, сөз-и*<br>*бир-и//бир-и-си* |
| Кўплик | I шахс | -мыз/-миз<br>-ымыз/-имиз<br>-умыз/-үмиз<br>-умуз/-үмүз | *ата-мыз, киши-миз*<br>*ат-ымыз, тил-имиз*<br>*оғ(у)л-умыз, сөз-үмиз*<br>*оғ(у)л-умуз, сөз-үмүз* |
| | II шахс | -ңыз/-ңиз<br>-ыңыз/-иңиз<br>-уңыз/-үңиз<br>-уңуз/-үңүз | *ата-ңыз, киши-ңиз*<br>*ат-ыңыз, тил-иңиз*<br>*оғ(у)л-уңыз, сөз-үңиз*<br>*оғ(у)л-уңуз, сөз-үңүз* |
| | III шахс | -лары/-ләри | *ата-лар-ы, киши-ләр-и*<br>*ат-лар-ы, тил-ләр-и*<br>*оғул-лар-ы, сөз-ләр-и* |

9-§. Эгалик муносабатлари эски ўзбек тилида ҳам қуйидаги усуллар билан ифодаланган:

1. Морфологик усул, яъни эгалик маъноси эгалик аффикси орқали ифодаланиб, қаратувчи сўз келтирилмайди: *сөзүм, сөзүң, сөзи; сөзүмиз//сөзүмүз, сөзүңиз//сөзүңүз, сөзләри* каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мисоллар: *Кѳзләри кѳңлүм алур, ҳāлы қойар жāнынма дāғ* (Отойи, 6 *а*). *Кәмишгил тайақыңны, эй Мусā!* (Таф., 19 *б*). *Ат билә тәвәмиз асру кѳптүр* (ШН, 52). *Сачны кәтәриң йанақыңыздын* (Лутф., 217 *а*). *Барыб оғланларыңны кѳргил, сѳңүкләри синиб бири-бири үзә йатурлар* (Рабғ., 77 *б*).

2. **Морфологик-синтактик усул,** яъни қаратувчи сўз (эгалик субъекти) қаратқич келишигида, қаралмиш (эгалик объекти) эгалик формасида келади: *мәниң сѳзүм, сәниң сѳзүң, аның сѳзи//элчиниң сѳзи, бизниң сѳзүмиз, сизниң сѳзүңиз, уларның сѳзи* каби.

Мисоллар: *Ул мәниң сѳзүмни кѳңүл бирлә тыңлағыл* (Отойи, 2 *б*). *Сәниң йолуңда болғай азмаған аз* (Лутф., 189 *б*). *Аның достлары кѳп сәвинчлиг эрди* (ЎН, 55). *Бизниң маликимиз мундағларны тиләйүр* (Рабғ., 29 *б*). *Агар сизниң хāтириңиз үчүн алсам ҳам...* (Нав. МҚ, 70). *Қара ҳāнның иниләриниң кѳп оғланлары бар эрди* (Ш. тар., 16).

3. **Синтактик усул.** Бу усул қуйидагича икки кўринишга эга:

а) қаратувчи (эгалик субъекти) қаратқич келишигида, қаралмиш (эгалик объекти) аффикссиз келади. Бу усул асосан I ва II шахсларнинг кўплиги учун хос бўлиб, эски ўзбек тилида кам қўлланган. Мас.: *Бизниң чәрикни ғавғāсыны эшитиб...* (БН, 129). *Әйләди ҳукм бизиң султāнға* (ШН, 118). *Бизиң-у сизиң ара болмады қан* (ШН, 15);

б) қаратувчи (эгалик субъекти) аффикссиз, қаралмиш (эгалик объекти) эгалик формасида келади. Бу усул III шахс учун хос бўлиб, қаратувчи сўз (эгалик субъекти) от билан ифодаланади: *Султāн буйруғы, бэгләр сѳзи* каби.

Мисоллар: *Йусуф жамāлын кѳрүб* (Рабғ., 46*б*). *Тутқай жаҳāнны Лутфий сѳзи* (Лутф., 160*б*). *Йāр койыда түшкән созан кѳңлин кә...* (Нав. МН, 249). *Хāнға Султāн сѳзи түшти маъқул* (ШН, 94).

Эски ўзбек тилида қўлланган эгалик муносабатларини ифодаловчи усуллар қадимдан мавжуд бўлиб, булар қадимги туркий ёдгорликлар тилида ҳам акс этган.

10-§. **Абстракт эгалик.** Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида абстракт эгалик формаси *-ники* аффикси билан ясалади: *меники, сеники, Аҳмадники* каби.

Эски ўзбек тилида эса абстракт эгалик маъноси қаратқич келишиги формаси билан ифодаланган. Қаратқич келишиги формаси абстракт эгалик маъносида қўлланганда, кесим вазифасида келади. Бунда қаратқич келишигига одатда кесимлик аффикси қўшилади. Мас.: *Бу тайақ Мусāның турур* (Таф., 28 *б*). *Бу қамуғ кимнүң турур? Айды: бу оғланнуң турур. Оғлан кимнүң турур? Айды: Ибрā-*

*ҳимнуң* (Рабғ., 31 б). *Бу матла аныңдур* (Нав. МН, 32). *Ҳукм аның, талиб аның, пир аның//раъй аның, сағайш-у тадбир аның* (ШН, 4).

Мисоллардаги *Мусаның турур, кимнуң турур, оғланнуң турур, аныңдур, аның* формалари абстракт эгалик маъносида қўлланган бўлиб, ҳозирги ўзбек тилидаги «Мусоникидир», «кимникидир», «ўғлонникидир», «уникидир», «уники» формаларига тўғри келади.

Қаратқич келишиги формаси билан абстракт эгалик маъносини ифодалаш қадимги ёдгорликлардан «Девону луғотит турк»да мавжуд. Мас.: *Қалмыш тавар азынның* — «Қолган товар бошқаники». *Бу ат сәниң-му?* — «Бу от сеникими».

Абстракт эгалик маъносининг қаратқич келишиги формаси билан ифодаланиши тасодифий ҳодиса эмас. Чунки абстракт эгалик формасини ясовчи *-ники* аффикси тарихан қаратқич келишиги аффикси асосида ривожланган. Яъни, юқорида кўрганимиздек, абстракт эгалик маъноси эски ўзбек тилида қаратқич келишиги формаси орқали ифодаланган бўлиб, кейинчалик бу маънони ифодалаш учун қаратқич келишиги аффиксига хослик, муносабат каби маъноларни билдирадиган сифат ясовчи *-ки* (*-қы/-ғы/-ги*) аффикси қўшилган. Шу йўл билан абстракт эгалик маъносини ифодаловчи *-ниңки* (*-иңки*) аффикси вужудга келган. Ҳозирги туркман тилида ва айрим ўзбек шеваларида абстракт эгалик формаси мана шу *-ниңки (-иңки)* аффикси билан ясалади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу аффикс *-ники* формасига айланган: *-ниңки>-ники (кишиниңки>кишиники*).

Абстракт эгалик маъносининг *-ники* ёки *-ниңки* (*-иңки*) аффикси билан ифодаланиши эски ўзбек тилида йўқ даражада бўлган. Бу аффиксларнинг қўлланиши XV асрдан кейинги даврларга оид ёдгорликларнинг айримларида баъзан учраб қолади. Бунда ҳам асосан кишилик олмошларига қўшилган. Мас.: *Көңүлдә ул эди ким... Шайх Байазидни Танбалдын айырыб бизники болғай* (БН, 135). *Тадж-у тахт ва эл сәниңки турур* (Ш. тар., 46).

## ОТЛАРДА ТУСЛАНИШ ВА ПРЕДИКАТИВ АФФИКСЛАРИ

11-§. Эски ўзбек тилида ҳам от ва от туркумидаги сўзлар (сифат, сон, олмош) кесим вазифасида келганда, феъллар каби тусланади, яъни шахс-сон аффиксларини қабул қилади. (Бу ўринда «тусланиш» термини тор маънода — кесим вазифасида келган сўзларнинг шахс-сон аффикслари билан ўзгариши маъносида қўлланди.)

От ва от туркумидаги сўзларнинг тусланиши шахс-сон аффиксларининг тўла вариантлари *-мэн, -сэн, -миз* (*-биз*), *-сиз* орқали бўлади. Мас.: *Үч күн болды ач-мэн* (Рабғ., 47б).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Сэн ҳусн элиниң хāны-сэн* (Лутф., 167 *а*). *Атам орнығa эмди атам-сиз* (Ш. тар., 28).

12-§. Отваоттуркумидаги сўзларнинг кесим вазифасида келиши олдинги даврларда предикатив аффикси (боғлама) орқали бўлган. Яъни кесим вазифасида келган от қуйидагича уч морфемадан иборат бўлган: от+предикатив аффикси+шахс-сон аффикси. Бу ҳолат эски ўзбек тилида ҳам маълум даражада сақланган.

Эски ўзбек тилида предикатив аффикси вазифасини *тур-* (турмоқ), *эр-* (эмоқ) феъллари бажарган.

1. *тур-* феъли предикатив аффикси функциясида *тyрyр*// *дурур* (ҳозирги-келаси замон формаси) ёки қисқарган *дур*//*дүр* (баъзан *тур*//*түр*) формаларида келади. Бу формалардан қайси бирининг ишлатилиши эски ўзбек тили тараққиётининг маълум даврлари билан боғлиқдир.

XIV аср охирларига қадар *турур* формасида қўшилган. Мас.: *Мэн мухлис турур мэн* (Таф., 91 *а*). *Исмāил айды: ул атам турур* (Рабғ., 31*б*). *Йалған сөзлəгəнниң җазāсы бу турур* (Рабғ., 82*а*).

XV аср ва ундан кейинги даврларда асосан *дур*//*дүр* кўринишида қўшилган бўлиб, баъзан *турур, дурур, тур*//*түр* формаларида қўшилиши ҳам учрайди. Мас.: *Бу сэвишмəк икки йандын хуш турур* (Лутф., 221*а*). *Дэй алур-мэн кэ, барча рāст дурур*//*уйладур ким, көңүлга хаст дурур* (Нав. СС, 43). *Сэн ушбу ҳарам маҳрамыдур-сэн* (Отойи, 49 *а*). *Арзға йэткүрдилəр ким, дашт йавуқтур, эли ҳам җамъийатлық элдүр, йолы ҳам йахшыдур* (БН, 183).

Айрим ёдгорликлар бундан мустасно. Масалан, XVII асрга оид бўлган «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларида фақат *турур* формасида қўшилган. Мас.: *Мэн сanға āшиқ турур мэн* (Ш. тар., 54). *Сэн мэниң анам турур сэн* (Ш. тар., 53). *Биз түрк халқы турур биз* (Ш. тар., 73).

2. *Эр-* феъли предикатив функцияда *эрүр* (ҳозирги-келаси замон) формасида келиб, асосан III шахс таркибида қўлланади. Мас.: *Бу мэним шāгирдим эрүр* (Таф., 132*б*). *Үстүнрəк нэъматны тилəмəк маҳал эрүр* (Рабғ., 94 *б*).

XV аср ва ундан кейинги даврларда *эрүр* феълининг предикатив функцияда қўлланиши шеърий асарларда учрайди. Мисоллар: *Бу ишкə зулфуң дāл эрүр* (Сакк., 19 *б*). *Бири ул җумладын имāрат эрүр* (Нав. СС, 73). *Йадур қашың, мижҗиң оқ, ғамзаң қылыч эрүр* (Мунис, 103).

Дастлабки вақтларда предикатив аффикси ҳар учала шахсда мавжуд бўлган. Кейинчалик I ва II шахслар таркибидан тушиб қолган: *атам турур сэн* (>*атамдур-сэн*)>*атам-сэн* каби. III шахсда эса шахс-сон аффикси йўқлиги учун асосан сақ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган. Ҳозирги ўзбек тилида III шахсда ҳам кўпинча тушириб қолдирилади: *бу аның оғлы турур* (>*оғлыдур*)>*оғлы* каби. Лекин от кесим таркибида предикатив аффикснинг бўлиши ёки бўлмаслиги маънога таъсир қилмайди.

### ОТЛАРДА БУЛИШСИЗЛИК ФОРМАСИ

13-§. От ва от группасидаги сўзлар кесим вазифасида қўлланганда, бўлишли ёки бўлишсиз формада бўлади.

Эски ўзбек тилида ҳам отларнинг бўлишсизлиги *эр-* феълининг бўлишсиз формаси (*эрмәз*//*эрмәс*//*эмәс*) қўшилиши билан ҳосил бўлади. Мас.: *Сизниң илмиңиз мундағ қаранғу эрмәс турур* (Рабғ., 148 *а*). *Мәңә сэн болмасаң, җāн ҳāҗат эрмәс* (Отойи, 27 *б*). *Йалғанчы киши эмәс ва йалған айтмақ эрәнләр иши эмәс* (Нав. МҚ, 162). *Анча бэәътидāл ыссық эмәстүр* (БН, 378). *Қāзи ҳукмига рāзи эмәс-мэн* (Фурқ. II, 148).

Отларда бўлишсизлик маъноси *тэгүл* (*дэгүл*) сўзи ёрдамида ҳам ифодаланган. Бу форма XV асрдан олдинги, баъзан XV асрга оид манбаларда учрайди. Мас.: *Мундын илгәрү андағ тэгүл эрди* (Таф., 134*б*). *Висāлың қадрыны билмәс дәгүл-мэн* (МН, 307 *б*). *Гар қылса вафā дилбар, аҗаб дәгүл* (Лутф., 168 *б*). *Шубҳа бирлә бармағы мушкил дэгүл* (Нав. ЛТ, 98).

Отларда бўлишсизлик маъносини ифодалашнинг бу формаси ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли. Бу форманинг эски ўзбек тили тараққиётининг олдинги даврларида мавжуд бўлишини шу тилларнинг таъсири натижаси деб тушунмоқ керак.

### КЕЛИШИК ФОРМАЛАРИ

14-§. Эски ўзбек тилида асосан олтита келишик бўлган: *бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги, чиқиш келишиги.*

Эски ўзбек тили тараққиётининг олдинги даврларида еттинчи келишик — *восита келишиги* ҳам истеъмолда бўлган.

Утмишда баъзи келишик аффикслари грамматик маъноларидан ташқари сўз ясашда ҳам иштирок этган. Масалан, ҳозирги тилимиздаги *ташқари, ичкари, сўнгра, ичра, нари, бери* каби равиш ёки кўмакчилар туркумига оид сўзлар жўналиш келишигининг қадимдан актив истеъмолда бўлган *-қару*//*-кәрү*/*-ғару*//*-гәрү, -ра*/*-рә, -ру*/*-рү* аффикслари билан ҳосил бўлган. *Қишин, ёзин* типидаги равишлар қадимги восита келишиги аффикси билан ясалган (бу ҳақда ўз ўрнида гапирилади).

Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек тилидагидек келишик формалари функциясини кўмакчилар ҳам бажарган («Кўмакчилар» бўлимига қаранг).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Бош келишик

15-§. Эски ўзбек тилида ҳам бош келишик морфологик кўрсаткичи бўлмаслиги билан характерланади. Бошқа келишиклар бош келишикка махсус аффикслар қўшилиб ясалади.

Бош келишикнинг синтактик функцияси асосан эга вазифасида келишидир. Мас.: *Ул йигитлэр айдылар* (Рабғ., 142 б). *Мавлāнāның йашы тоқсандын өтүбдүр* (Нав. МН, 126). *Йахшы-йу йаман икки йуз кишимиз бар эди* (БН, 101). *Мэни хāн эйлэди мундақ āҗиз* (ШН, 17).

Бош келишикдаги сўз кесим вазифасида ёки составли кесимнинг компоненти бўлиб ҳам келади. (Қар.: §§ 11, 12).

Қаратқич, тушум ҳамда жўналиш келишиклари белгисиз қўлланганда, формал жиҳатдан бош келишикка ўхшайди, лекин маъноси ва функцияси бўйича бутунлай фарқ қилади.

## Қаратқич келишиги

16-§. Қаратқич келишиги аффикси эски ўзбек тилида *-ның/-нин, -нуң/-нүң, -ың/-иң, -уң/-үң* формаларида ишлатилган. Бу формалар бир аффикснинг турлича фонетик кўринишлари бўлиб, булар ўртасидаги фарқ, биринчидан, таркибида [н] ундошининг мавжудлиги [-ның/-ниң, -нуң/-нүң] ёки йўқлигида [-ың/-иң, -уң/-үң] бўлса, иккинчидан, таркибидаги унлининг лабланган [-нуң/-нүң, -уң/-үң] ёки лабланмаган [-ның/-ниң, -ың/-иң] ҳолда келишидадир.

Қаратқич келишиги аффиксининг бундай турлича фонетик вариантларда ишлатилишининг сабаби асосан шу аффиксни қабул қилган сўзнинг характерига, фонетик қурилишига боғлиқ.

Айрим ёдгорликларда кишилик олмошларининг I шахс бирлиги ва кўплигига қаратқич келишиги аффикси *-им* формасида ҳам қўшилган: *мэним атам, бизим атамыз* каби (Қар.: § 107).

1. Қаратқич келишиги аффиксининг *-ның/-ниң* формасида ишлатилиши эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврлари учун умумий бўлиб, барча ёзма ёдгорликлар учун характерли бўлган. Мас.: *қойчының ити* (Таф., 9 *а*), *Исмāилниң эви* (Рабғ., 31 *б*), *Урус бэгниң оғлы* (УН, 41—42), *ҳусн элиниң хāны-сэн* (Лутф., 167 *а*), *васлның ниҳāйаты* (Нав. МҚ, 99) *дараның ағзы* (БН, 246), *Қаршының қушлары* (ШН, 97), *өркэниң эшиги* (Ш. тар., 53), *элниң назары* (Мунис, 355).

Қаратқич келишиги аффиксининг *-ның/-ниң* формаси XV асргача одатда таркибида (охирги бўғинида) унлиси лабланмаган сўзларга қўшилади. Кейинги даврларда эса таркибида

www.ziyouz.com kutubxonasi

(охирги бўғинида) лабланган унли билан келган сўзларга ҳам асосан шу форма қўшилган (бу ҳақда қуйида гапирилади).

2. Қаратқич келишиги аффиксининг *-нуң -нүң* формаси лаб гармонияси таъсирида вужудга келган, яъни сўз таркибидаги (охирги бўғинидаги) унли лабланган бўлса, қаратқич келишиги аффикси таркибидаги унли ҳам лабланган [у, ү] унлиси билан келади. Мас.: *Расулнуң сөзи, күннүң шуъласы* (Таф., 105 *а*, 132 *б*), *Йусуфнуң қасды, Ҳāрунnуң ақлы* (Рабғ., 39 *б*, 54 *а*), *оғулнуң чырағы* (ЎН, 22), *көзүмнүң йашы* (Лутф., 224 *б*), *йүзүмнүң сарығы* (Отойи, 15 *б*), *сөзнүң ҳāсили* (Сакк., 15 *б*), *сөзүмнүң маънисu* (Нав. МҚ, 85), *мулкнуң малики* (ШН, 66).

Қаратқич келишиги аффиксида лаб гармониясининг акс этиши, яъни унинг *-нуң/-нүң* формасида ишлатилиши ўзбек тилида асосан XV—XVI асрларгача давом этган. Шу билан бирга, бу даврда қаратқич келишиги таркибидаги лаб гармониясининг бузилиш ҳоллари ҳам кузатилади. Бу қуйидагича икки хил кўринишга эга:

а) таркибида (охирги бўғинида) лаб унлиси бўлган сўзларга қаратқич келишиги аффикси баъзан *-ның/-ниң* формасида ҳам қўшилган. Мас.: *қузуғның суwы, Расулның йāранлары* (Таф., 29 *а*, 77 *б*), *отның қызығы, хатунның сөзи* (Рабғ., 28 *а*, 60 *б*), *улусның қыйаты, көзниң нийаты* (Отойи, 64 *а*), *сөзниң аслы, қара йүзлүкниң тақбиҳи* (Нав. МҚ, 166, 55);

б) таркибида (охирги бўғинида) лаб унлиси бўлмаган сўзларга ҳам қаратқич келишиги аффикси баъзан *-нуң/-нүң* формасида қўшилган. Мас.: *тәңринүң расулы, изинүң азāбы, халқнуң ранжы, шифāат қылғанларнуң шифāаты* (Таф., 91 *а*, 107 *а*, 112 *а*, 118 *б*), *Адамнуң икки оғланлары, Ибрāҳимнуң āдаты, кимнүң йүки* (Рабғ., 9*б*, 39*а*, 65*а*), *талнуң чубуғы, йығачнуң қабуғы, қағаннуң чэрики* (ЎН, 25, 29, 35), *āламнуң бағры, йāрымнуң қадды* (Сакк., 22*а*, 30*а*).

Қадимги ёдгорликлар тилида ҳам қаратқич келишиги аффиксига лаб гармониясининг таъсири асосан шу тартибда бўлган. Мас.: *ажунnуң төри, өлүмнүң фирāқы* (ҚБ), *күн түннүң қаршысы ол* (МК), *түлүмнүң бәлгүси* (Қад. уйғ.) — «тушумнинг аломати», *көлниң суwы* (МК), *тилкүниң ашы* (Қад. уйғ.).

Ўзбек тилида XVI асрдан бошлаб қаратқич келишиги аффикси таркибида (охирги бўғинида) лаб унлиси бўлган сўзларга ҳам, айрим ҳоллардан ташқари, *-ның/-ниң* формасида қўшила берган. Мас.: *Шатуның кэңлиги, улусның кочалары, қушның эти, Ҳумайунның оғлы* (БН, 113, 179, 263, 448); *зулфның ҳалқасы, көзүмниң көзи-сэн* (ШН, 17, 190), *суwның йақасы, чөлниң авы, сөзниң рāсты* (Ш. тар., 23, 27, 61), *уйғурның*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*маъниси, қудуқның усти* (Ш. турк, 25, 178), *гул йузуңниң ҳасраты* (Мунис, 194).

3. Қаратқич келишиги аффиксининг *-ың/-иң, -уң/-үң* формалари ундош билан тугаган сўзларга қўшилади. Бу формаларнинг қўлланиши эски ўзбек тили тараққиётининг маълум даврлари билан чегараланган ёки айрим сўзлар учунгина характерли бўлган.

*-ың/-иң* формаси асосан кишилик олмошларининг I ва II шахс кўплигига қўшилган. Мас.: *бизиң аталарымыз, сизиң қадрыңыз, сизләриң душманларыңыз* (Таф., 70*а*, 71*б*, 31*а*), *бизиң җаныммыз* (Нав. Мнш., 2), *бизиң хан, сизиң җанларыңыз* (ШН, 91, 148), *бизиң җанана* (Мунис, 309).

Бу форма XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир»да анча кенг қўлланган бўлиб, бошқа сўзларга ҳам қўшилган. Мас.: *Моъминларың аййллары* (Таф., 56 *б*), *ул элиң эвләри* (Таф., 9*б*), *анларың эвләри* (Таф., 63*а*).

XI аср ёдгорликларида қаратқич келишиги аффиксининг *-ың/-иң* формасида ишлатилиши кишилик олмошлари ва *ким* сўроқ олмоши билан чегараланган. Мас.: *бизиңә тәгү* (ҚБ), *көңул кимиң болса* (МК), *бизиң әв* (МК).

Ўрхун-енисей ёдгорликларида қаратқич келишиги аффикси асосан шу формада ишлатилган. Мас.: *Билгә қағаның будуны* — «Билга ҳоқоннинг халқы», *әлимиң бәнгүси* — «элимнинг хотираси», *бизиң сү* — «бизнинг аскар». Бу форма баъзан қадимги уйғур тили ёдгорликларида ҳам учрайди: Мас.: *адығың қарны* — «айиғнинг қорни».

Қаратқич келишиги аффиксининг *-уң/-үң* формаси эски ўзбек тилида *ким* олмоши билан ишлатилган. Мас.: *Сэн кимүң оғлы-сэн?* (Таф., 9 *б*).

Қиёсланг: *кимүң давлаты* (ҚБ), *тоңузуң азығы* (Қад. уйғ.) — «тонғизнинг озиғ тиши».

Қаратқич келишиги аффикси ҳозирги ўзбек адабий тилида *-нинг* формасида қабул қилинган бўлиб, эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган фонетик вариантлари ҳозир ўзбек халқ шеваларида мавжуд.

Қаратқич келишиги аффиксининг турли фонетик вариантларда ишлатилиши ҳозир кўпчилик туркий тиллар учун, биринчи навбатда, сингармонизмли туркий тиллар учун характерли. Бу келишик аффиксининг қисқа вариантлари, яъни унинг *-ың/-иң, -ун/-үң, -им* формаларида ишлатилиши озарбайжон, турк, туркман, гагавуз каби ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли ҳодисадир.

17-§. Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тиллардаги каби қаратқич келишиги белгисиз ҳам қўлланган. Бундай ҳолларда қаралмишнинг қаратқичга умумий хослиги (шахсга, ўринга, пайтга муносабати) ифодаланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мас.: *йығач будақлары* (Таф., 137*а*), *аталарымыз дини* (Рабғ., 21 *а*), *көзүң қарасы* (Лутф., 181 *а*), *көзум йашы* (Отойи, 34 *б*). *Ҳиндустāн дарйāлары* (БН, 365), *хāн кишиси* (ШН, 203), *моғул лашкары* (Ш. турк, 71), *чаманлар сайрыға* (Мунис, 287).

Қаратқич келишигининг белгисиз қўлланиши XI—XII асрларга оид ёдгорликлар тили учун ҳам характерли бўлган. Мас.: *ажун көрки* — «дунё кўрки» (ҚБ), *тағлар сувы, эр таварı* (МҚ), *бу тил бушлығы* — «бу тил ғазаби» (ҲҲ).

Қаратқич келишигининг белгисиз қўлланиши ҳамма вақт ҳам мумкин бўла бермайди. Эски ўзбек тилида қуйидаги ўринларда қаратқич келишиги асосан белгили қўлланган:

1) қаратқич олмошлардан, асосан, кишилик олмошларидан бўлганда. Мас.: *мэниң//мэним, сэниң, аның, бизниң//бизиң//бизим, сизниң//сизиң, уларның//уларың, аларның//аларың, анларның//анларың, кимниң//кимүң* каби;

2) қаратқич келишигидаги сўз сифат, сон, сифатдош каби сўзлардан бўлганда. Мас.: *эзгүлүк қылығлыларның савāбы* (Таф., 3 *а*), *сэвмишниң тиләгинчә* (Рабғ., 45 *б*), *баъзиниң суҳбаты* (Нав. МН, 34), *кэтмәгиниң сабабы, қачқанларның баъзиси, улуғның аты,* (БН, 202, 200, 209) *қайсының көңли, бириниң аты, бирисиниң қолы* (ШН, 56, 109, 211), *барчасының атлары* (Ш. тар., 34);

3) қаралмиш сифат, сон, сифатдош, ҳаракат номи каби сўзлардан бўлганда. Мас.: *Йусуфнуң ографмақы* (Рабғ., 54 *а*), *таймның қамуғы* (Таф., 89*б*), *йāрның сэвмәслиги* (Лутф., 211*а*), *āдамийниң йахшырағы* (Нав. МҚ, 155), *йағының көпи, айның йэттисидә* (БН, 129, 282), *йығачларның барчасы, элниң йахшы-йу йаманы* (Ш. тар., 4, 48);

4) қаратқич билан қаралмиш ўртасида сўз ёки сўзлар бўлганда. Мас.: *йығачның йуқару учундин* (Рабғ., 136*а*), *элниң өткән гунāҳы* (Нав. МҚ, 128), *дарйāның айрылур йолы* (БН, 141), *Кашмирниң маҳкам тағлары, өзбәкниң бир йахшы уруқы* (Ш. турк, 14, 125). *Афғāнийаның бу тариқа ҳуҗумы* (Фурқ. II, 157);

5) қаратқич атоқли отлардан, асосан, киши номларидан бўлганда. Мас.: *Марйамның қарны* (Таф., 18 *а*), *Ҳāбилниң қойлары* (Рабғ., 10 *б*), *Шайх Баҳлул бэгниң оғлы* (Нав. МН, 174). *Йунус хāнның анасы* (БН, 12), *Султāн Муҳаммадның нокарлары* (Ш. турк, 71);

6) қаратқичнинг сифатловчиси бўлганда. Мас.: *эр кишиниң зикри* (Рабғ., 141 *б*), *ҳар кишиниң ҳимматы* (Сакк., 27 *а*), *көп элниң көңли* (Нав. МН, 12), *мундақ кишиниң вāқэъи* (БН, 99), *өзгә кишиниң қолы* (Ш. турк, 105), *мазкур дāруның қувваты* (Фурқ. II, 143).

Баъзан бу тартибнинг бузилиши ҳам учрайди. Мас.: *З и к р и й ā к и ш и с и Марйам анасы бирлә ака балдыз эрди-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*лэр, бири Зикрийāның кишиси эрди* (Таф., 17 *а*). Юқорида айтилганидек, қаратқич киши номларидан бўлганда, белгили қўлланиши керак эди. Лекин келтирилган мисолда *Зикрийā* бир ўринда белгисиз, иккинчи ўринда белгили қаратқичда қўлланган. Қуйидаги мисолларда ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кўрамиз: *Шайбāний хāн қашыға кэлиб эди... Шайбāний хāнның атыға бир туркий маснавий битиб эрди* (БН, 227). *Тайақның изиси кэлсэ,.. тайақ изиси кэлсэ* (Таф., 28 *б*).

Қаратқич келишигидаги отлар уюшиб келганда, келишик аффикси ҳар бир бўлакка ёки охирги бўлаккагина қўшилиши ҳам мумкин. Қиёсланг: *Башының ва бойнының туки йоқтур* (БН, 363). *Қызылбаш ва қалмавның ғазāтыда* (Ш. турк, 183).

Қаратқичнинг белгисиз қўлланиши кўпроқ шеърий асарларда учрайди. Прозаик асарларда эса, айниқса, «Бобирнома», «Шажараи тарокима», «Шажараи турк» каби асарларда қаратқич келишигини асосан белгили қўллашга ҳаракат қилинган. Бу манбаларда ҳатто қаратқичнинг қаралмиши ҳам белгили қўлланган. Мас.: *Самарқандның қорғанының ичидэ* (БН, 59). *Қарахāнның оғланларының көп оғланлары бар эрди* (Ш. тар., 16). *Тақы анасының очақының эгэси болур* (Ш. турк, 39).

18-§. Эски ўзбек тилида ҳам қаратқич келишигининг асосий функцияси аниқловчи вазифасида келишдир. Бунда у қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Қаралмиш формасидаги сўз ифодалаган шахс, предмет, воқеа-ҳодисага эгаликни билдиради. Мас.: *Ул қойчының ити бар эрди* (Таф., 9 *а*). *Бāғның эшикини тапарға фурсат қылмай* (БН, 145). *Бэглэрниң сөзин қабул қылмай... уруштьы* (Ш. турк, 57). *Ул малāҳат мулкының султāныға махсусдур* (Фурқ. I, 27).

2. Бутуннинг қисми, бўлаги англашилади. Мас.: *Туннуң уч улушында бири кэчмишдэ эрди* (Рабғ., 39б). *Қара йығачның сарығ баргларын йэл учурғаны* (Нав. Мнш., 2). *Мэвасы узумның хошасыдэк болур* (БН, 369). *Ийул айының бири болған эди* (Фурқ. II, 26).

3. Қаратқич ўрин ёки пайт билдирган сўзлардан бўлганда, қаралмишнинг шу ўрин ёки пайтга мансублиги кўрсатилади. Мас.: *Каабаның ташын ташыб...* (Рабғ., 31*а*). *Бу тағның буғу мирāлы қап-қара ранглиг боладур* (БН, 280). *Урганчның өзбэки олтуруб кэңэш қылыбдурлар* (Ш. турк, 163).

4. Эски ўзбек тилида қаратқич келишигидаги сўз абстракт эгаликни билдириб, кесим вазифасида ҳам келади (Қар.: § 10).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## Тушум келишиги

19-§. Эски ўзбек тилида тушум келишигининг *-ны/-ни* аффиксли формаси қўлланган бўлиб, айрим ўринларда бу аффикс *-н, -ы/-и* вариантларида ҳам ишлатилган.

Туркий тилларда қадимда тушум келишигининг *-ғ/-г* (ундошдан кейин: *-ығ/-иг//-уғ/-үг*) аффикси билан ясалган формаси ҳам мавжуд бўлиб, бу форма маълум даврларгачагина яшаб келган.

1. Тумуш келишигининг ***-ны -ни*** аффикси билан ясалган формаси эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврлари учун умумий бўлиб, барча ёдгорликларда актив қўлланган. Мас.: *Ибрāҳимни кэлтүрдилэр* (Таф., 38б). *Мāлым, таварым, алтунумны, күмүшүмни, йақутумны, җавҳарымны қамуғ чығайларға бэргэй-мэн* (Рабғ., 52 *б*—53 *а*). *Җамāл мулкыны алдың* (Отойи, 6*а*). *Чықарыб тутқуныны өлтүргэй* (Нав. СС, 123). *Ахир барчасыны алды* (Ш. тар., 17). *Арзымны айтай бāди сабāга* (Муқ., 121).

Тушум келишигининг *-ны/-ни* аффикси билан ясалган формаси қадимги ёдгорликларда ҳам актив қўлланган. Мас.: *Айығ қылынчымны кэнтү өкүнүп эрди* (Қад. уйғ). «Ёмон қилмишимдан ўзимни ўзим койиган эдим». *Көрүб сэвди Ҳāҗиб бу Айтолдыны* (ҚБ) — «Ҳожиб бу Ойтўлдини кўриб севинди». *Чақ ол атны тутғыл* (МК) — «Худди ўша отни тутгин». *Эгилмэс көңулни ахы эр эгэр* (ҲҲ) — «Қаттиқ кўнгилни сахий киши юмшатади».

2. Тушум келишиги аффиксининг *-н* варианти ҳам эски ўзбек тилида анча актив қўлланган. Лекин у фақат III шахс эгалик аффиксидан кейин қўшилган. Мас.: *Вазир тонын чықарды* (Таф., 65 *б*). *Аның атасын өлтүрүб*,.. (Рабғ., 30 *а*). *Қылыч бирлэ башын кэсти* (ЎН, 26). *Эшикиң тупрақын көзгэ тапылмас тотийā қылма* (Сакк., 16б). *Анҗумāнда бир қасидасын оқуйдур эрди* (Нав. МН, 62). *Барчасын эмди байāн эткүмдүр* (ШН, 144). *Бэглэрин чақырыб кэңэшти* (Ш. турк, 11). *Җāнларын қылсун фидā* (Мунис, 63).

Эски ўзбек тилида тушум келишигининг бу формаси шеърий асарлар учун характерли бўлиб, прозаик асарларда кам учрайди.

Тушум келишиги аффиксининг *-н* формаси қадимги ёдгорликларнинг барчасида истеъмолда бўлган. Мас.: *Иниси эчисин билмэз эрти, оғлы қаңын билмэз эрти* (Ўрх.-ен.) — «Укаси акасини билмас эди, ўғли отасини билмас эди». *Бирөк ол киши билигин, өгин, көңулин ычғынсар*,.. (Қад. уйғ.) — «Агар у киши ўзининг билимидан, ўйларидан, ҳис-туйғусидан ажралса». *Сөзин кэсти, оғлын қучуб йығлады*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ҚБ) — «Сўзини тўхтатди ва ўғлини қучоқлаб йиғлади». *Ол қулын тэпик тэпди* (МҚ) — «У қулини тепкилади».

Урхун-енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида тушум келишиги аффиксининг *-н* формасида қўлланиши анча характерли бўлиб, I ва II шахс эгалик аффиксларидан кейин ҳам қўшилган. Мас.: *Бу сабымын эсид* (Урх.-ен.) — «Бу сўзимни эшит». *Түрк будун, илиңин, төрүңин ким артаты?* (Урх.-ен.) — «Турк халқи, сенинг элингни, давлатингни ким ҳалок қилди?». *Этөзүмин, исиг өзүмин титкүлүг, ыдалағулуқ од қолу соқа кэлти* (Қад. уйғ.). — «Танамни, иссиқ жонимни титиб, бурдалаб ташлайдиган вақт келди».

3. Тушум келишиги аффиксининг *-ы / -и* формасида ишлатилиши эски ўзбек тилида чегараланган бўлиб, асосан, шеърий асарларда учрайди. Бу форма эски ўзбек тилида асосан I шахс, баъзан II шахс эгалик аффиксидан кейин қўшилган. Мас.: *Айды айāлынға: уқлатқыл оғланларыңы* (Таф., 81 б). *Салайын өзүми өзгэ адйāра* (МН, 308'б). *Адл қулағыла эшит ҳāлымы* (Муқ., 37). *Ақлымы тамāм алды түгмэи гирибāның* (Фурқ. I, 68).

Тушум келишиги аффиксининг *-ы/-и* формасида ишлатилиши XI—XII асрлар ёдгорликлари тили учун характерли бўлиб, фақат эгалик аффиксларидан кейин эмас, умуман ундош билан тугаган сўзларга қўшила берган. Мас.: *Йақын тутты Илик, көр, Өгдөлмиши* (ҚБ) — «Кўр, Илик Ўгдулмишни ўзига яқин тутди». *Сурды мэниң қойумы* (МҚ) — «Менинг қўйларимни ҳайдаб кетди». *Түзэттим бу он төрт бāб ичрэ сөзи* (ҲҲ) — «Бу ўн тўрт бобда сўзни ..яздим».

Бу форма ўрхун-енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида учрамайди.

Тушум келишиги аффиксининг *-ы/-и* (унлидан кейин: *-йы/-йи*) формасида ишлатилиши озарбайжон, турк, туркман, гагавуз каби ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли. Бу тилларнинг ўтмишида ҳам тушум келишиги аффикси асосан шу формада ишлатилган.

Бу форма ҳозир айрим ўзбек шеваларида, масалан, хоразм шеваларининг баъзиларида мавжуд.

20-§. Тушум келишигининг *-ғ/-г* (ундошдан кейин: *-ығ/-иг/-уғ-үг*) аффикси билан ясалган формаси туркий тилларнинг қадимги даврлари учун характерли бўлиб, ўрхун-енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида кенг истеъмолда бўлган. Мас.: *Төрт булундақы будунығ қоп алмыш,.. башлығығ йүкүнтүрмиш* (Урх.-ен.) — «Тўрт тарафдаги халқларни босиб олган, ...бошлиқларини бўйсундирган». *Барсығ, көкмэгиг өлүрмэдим* (Урх.-ен.) — «Қоплонни, буғуни ўлдирмадим». *Улуғы тигин бу савығ эшитип...* (Қад. уйғ.) — «Катта шаҳзода бу сўзни эшитиб». *Илиг бэгиг, қа-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*тунуғ... өгләнтүрдиләр* (Қад. уйғ.) — «Илик бегни, хотинини ҳушига келтирдилар».

Бу форма XI—XII асрларга оид ёдгорликларда ҳам анча кенг қўлланган. Мас.: *Әр ышығ ыртады* (МҚ) — «Киши ишни истади». *Күн тонуғ қурытты* (МҚ) — «Кун тўнни қуритди». *Ол сөзүг аңлады* (МҚ) — «У сўзни тушунди». *Атығ өгсә, йүгрүр, учарығ йәтәр* (ҚБ) — «Отни парвариш қилсанг, тез чопади ва учар (қуш)ни ҳам қолдиради». *Муңуқмыш кишиләр өлүмүг қолур* (ҚБ) — «Ғамгин бўлган кишилар ўлимни тилайдилар». *Билиглик кәрәклиг сөзүг сөзләйүр* (ҲҲ) — «Билимли керакли сўзни айтади».

Тушум келишигининг *-ғ/-г* аффикси билан ясалган формаси XII асрдан кейинги ёдгорликларда учрамайди.

21-§. Тушум келишигидаги сўз воситасиз тўлдирувчи вазифасида келиб, ҳаракатни ўз устига олган объектни ифодалайди.

Эски ўзбек тилида ҳам тушум келишиги белгили ёки белгисиз қўлланган. Белгили қўлланганда конкрет объектни ифодалайди, белгисиз қўлланганда эса умуман шу турдаги объектни кўрсатади.

Тушум келишигининг белгисиз қўлланишига мисоллар: *Ҳәч иш рāст қылу билмәди* (Таф., 47 *а*). *Турғыл, нәъматлар йәгил* (Рабғ., 52*б*). *Төкәр бир күн қызыл қаным ошал көңүл қара ғамда* (Сакк., 5*б*). *Қабул этсүн дуā бирлә салāмым* (Нав. ФШ, 67). *Йүз бәгиләргә дәдим бар сөзүм* (ШН, 209). *Арз этәйин эмди йазыб нāмалар* (Муқ., 37).

Тушум келишигининг белгисиз қўлланиши қадимги ёдгорликлар, айниқса, XI—XII асрларга оид ёдгорликлар тили учун ҳам характерли бўлган. Мас.: *Бәңгү таш тоқытдым* (Ўрх.-ен.). — «Мангу тош (ёдгорлик) қўйдим». *Тәтрү сақынч тарқатғыл* (Қад. уйғ.) — «Ёмон хаёлларни қўйгин». *Билиглик билир ол билигниң атығ//билигсиз нә билгә билиг қимматы* (ҚБ) — «Билимнинг отини билимлигина билади, билимсиз билим қадрини қайдан билсин». *Ол өрүк чап-чап йәди* (МҚ) — «У ўрикни чап-чап қилиб еди». *Агар билсә кāшғар тилин ҳар киши//билүр ол адибниң нә ким аймышы* (ҲҲ) — «Агар ким кошғар тилини билса, у адибнинг нима деганини англайди, тушунади».

Эски ўзбек тилида қуйидаги ўринларда тушум келишиги асосан белгили қўлланган:

1) тушум келишигидаги сўз атоқли отлардан бўлганда. Мас.: *Йусуфны зиндāнға кәлтүрди эрсә,..* (Рабғ., 57*б*). *Йāр өлтүрәдүр Лутфийни ва чāрасы йоқтур* (Лутф., 207 *б*). *...чу Ширинни тапмағай Фарҳāд* (Нав. СС, 64). *Эмди Хоразмны ҳам бәрдиң аңа* (ШН, 224). *Қозы тәгинни чақырыб айтдылар* (Ш. тар., 54);

www.ziyouz.com kutubxonasi

2) тушум келишигидаги сўз сифат, сон, сифатдош, ҳаракат номи каби сўзлар бўлганда. Мас.: *Барча ашны йэб тойдылар, қалмышыны қоздылар* (Таф., 146 *а*). *Тилэгусин алды* (УН, 29). *Йузумнуң сарығын билмэс* (Сакк., 15 *б*). *Билмэгэнни соруб өргэнгэн āлим* (Нав. МҚ, 145). *Ул икэвни ҳам аңа қошты хāн* (ШН, 102). *Бармақны ихтийāр қылмадым* (Фурқ. II, 138);

3) тушум келишигидаги сўз билан уни бошқарувчи феъл ўртасида сўз ёки сўзлар бўлганда. Мас.: *Васлыны дуā бирлэ саҳар этмэгэй эрдим* (Лутф., 193*а*). *Бу тāрихни хоб айтыбдур* (Нав. МН, 148). *Элни тоғры йол билэ йибэрилди* (БН, 299). *Алды хāн барча вилāйатларны* (ШН, 204);

4) тушум келишигидаги сўзнинг кўрсатиш олмошларидан ёки ўрин ё пайт билдирадиган сўзлардан аниқловчиси бўлганда. Мас.: *Мэн бу сөзни айтмадым* (Таф., 91 *а*). *Икки йуз йолыдын төккэй йурэкимдэги қанымны* (Сакк., 22 *а*). *Самарқандтақы хатарны сақлаб, ..бу қасдын қылған болғай* (БН, 120). *Сықтабан ушбу ҳикāйатны дэмиш* (ШН, 17). *Бу китāбны айтқандын он йэтти йыл илгэри* (Ш. тар., 5);

5) олмошларда, асосан, кишилик олмошларида ҳам тушум келишиги белгили қўлланади: *Мэни, сэни, аны, бизни, сизни, уларны, кимни, барчаны, қамуғны* ва шунга ўхшашлар («Олмош» бўлимига қаранг).

22-§. Тушум келишигининг *-ны/-ни* аффикси билан ясалган формаси қаратқич келишиги ўрнида ҳам қўлланган. Бу ҳол «Бобирнома» тили учун характерли бўлиб, бошқа манбаларда кам учрайди. Мас.: *Агар отны урушын көруб элкини отқа сунса,..* (Рабғ., 83 *а*). *Атайини көзи тоймас* (Отойи, 54 *б*). *Лутфийни нийаты улдур кэ,..* (Лутфий). *Бир қырғавулны ускунэсини төрт киши йэб тугэтэ алмайдур* (БН, 3). *Ушбу йэрдэ санг тоданы устигэ чықыб* (БН, 140). *Тақы қалған вилāйатыны барчасыны алғай* (Ш. турк, 53). *Мэни ҳāлымға... кулмэңлэр* (Фурқ. I, 131).

Тушум келишиги формасининг қаратқич келишиги ўрнида қўлланиши ҳозир шаҳар типидаги ўзбек шевалари учун характерли. Маълумки, бу шеваларда тушум келишиги билан қаратқич келишиги формал жиҳатдан фарқланмайди, яъни қаратқич келишиги ҳам тушум келишиги формаси орқали ифодаланади.

## Жўналиш келишиги

23-§. Эски ўзбек тилида жўналиш келишигининг *-қа/-ға//-кэ/-гэ* ва *-а/-э* аффикслари билан ясалган формалари қўлланган. Қадимги ёдгорликлар тилида жўналиш келишигининг *-ғару/-гэрү//-қару/-кэру, -ра/-рэ, -ру/-ру* аффикслари билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ясалган формалари ҳам мавжуд бўлиб, булардан биринчиси ва иккинчиси ўзбек тилида маълум даврларгача истеъмолда бўлган.

Эски ўзбек тилида жўналиш келишигининг асосан *-қа -ға*/*-кә -гә* аффикси билан ясалган формаси қўлланган. Бу аффикснинг турли фонетик вариантларда келиши шу аффиксни олган сўзнинг характерига, яъни унинг қаттиқ ё юмшоқ ўзакли бўлишига ёки қандай товуш билан тугалланган бўлишига боғлиқ.

1) *-ға, -қа* вариантлари қаттиқ ўзакли сўзларга қўшилади. *-ға* варианти унли ёки жарангли ундош билан тугаган сўзларга қўшилади: *Хāнға, қолға, бāзāрға, тамға, қойға, атамға, балаға, аслыға* каби. *-қа* варианти эса жарангсиз ундошлар ва [ғ], [х] ундошлари билан тугаган сўзларга қўшилади: *айаққа, отқа, қуйашқа, қылычқа, тарафқа, шāҳқа, таққа* (<*таға+қа*), *баққа* (<*бағ+қа*) каби.

XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда бу тартибнинг бузилиш ҳоллари ҳам учрайди, яъни баъзан *-ға* ўрнида *-қа*, аксинча *-қа* ўрнида *-ға* ёки бир сўзга гоҳ у, гоҳ бу варианти қўшилиши ҳам кузатилади. Қиёсланг: *Алиқа, Зикриййāқа, қойчықа, барғуқа, Фиръавнқа, йаратмақға; отқа//отға, Мусāқа// Мусāға, тағқа//тағға, учмаққа//учмақға//уштмаҳқа//уштмаҳға, вақтқа//вақтға, сувға//сувқа, авға//авқа, тағқа//тағға, қапуғқа//қапуғға, йалавачқа//йалавачға, Ҳāмāнға//Ҳāмāнқа, Ибрāҳимға//Ибрāҳимқа.*

Бу ҳолат баъзан (лекин нисбатан жуда кам) XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларда ҳам кузатилади. Мас.: *гадāқа, мақсудқа, хāнларқа, Маҳмудқа; бахтға, Хāрутға, қышлақға, йайлақға; ҳаққа, шайҳқа//шайҳға, отқа//отға, тағқа//тағға, Хоҗандға//Хоҗандқа, бағрымға//бағрымқа.*

2) жўналиш келишиги аффиксининг *-кә/-гә* вариантлари юмшоқ ўзакли сўзларга қўшилади.

Эски ўзбек тилида бу вариантларнинг ишлатилиш ўрнини аниқлаш қийин. Чунки араб ёзувида бу вариантларнинг ҳар иккаласи ҳам бир хил шаклда, яъни коф ва алиф (کا) орқали берилади. Лекин *-кә/-гә* вариантлари *-қа/-ға* вариантларининг фонетик кўринишлари эканлигини ҳисобга олсак, юмшоқ вариантларининг ишлатилиш ўрни қуйидагича бўлади: жарангсиз ундош билан тугаган юмшоқ ўзакли сўзларга *-кә* варианти қўшилиб, унли ва жарангли ундош билан тугаган сўзларга *-гә* вариантда қўшилган: *көккә, ишкә, тилгә, элгә, кунгә, кишигә, сөзгә, билимгә, көзумгә* каби.

III шахс эгалик аффиксидан сўнг қўшилганда, жўналиш келишиги аффикси олдидан баъзан [н] товуши орттирилиши ҳам учрайди. Бу ҳол ўзбек тилида XV аср бошларигача мавжуд бўлган. Мас.: *ғāр қапуғынға, улус ташынға, Фиръавн ва-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*зирингэ, қузуғ түбингэ* (Таф., 10 *а*, 11 *а*, 30 *а*, 29 *а*), *Зулайҳāның йүзингэ, өз бэглэрингэ, Фиръавн сарāйынға* (Рабғ., 54 *б*, 62 *б*, 82 *а*), *қазā қылычынға* (Сакк., 13 *а*).

Бу ҳодиса қадимги ёдгорликлар тилида ҳам мавжуд. Мас.: *эвингэ кэлиб, эвингэ йуз урды* (ҚБ).

24-§. Жўналиш келишигининг *-а/-э* аффикси билан ясалган формаси ҳам эски ўзбек тилида анча кенг истеъмолда бўлган. Лекин унинг қўлланиши жанрлар бўйича чегараланган. Бу форма XIII—XIV асрларда шеърий асарларда ҳам, прозаик асарларда ҳам қўлланганн ҳолда, XV аср ва ундан кейинги даврларда асосан шеърий асарларда учрайди.

*-а/-э* аффикси ундош билан тугаган сўзларга қўшилади. Мас.: *Өзгэ йэрэ баран йағмур* (Таф., 65 *а*). *Салайын өзүми өзгэ адйāра//көңүлни бағлағайын өзгэ йāра* (МН, 308 *б*). *Қачан йэткэй-мэн ул дилбанда мэн* (Лутф., 224*б*). *Нафсы үчүн өлүмэ бэрди оғул* (ШН, 31). *Сэн агар ышанмас эсэң фирāқ ара ҳāли зāрымыза бизиң* (Мунис, 146). *Башлара ишқың түшүб савдā болур-му мунча ҳам* (Муқ., 219).

Жўналиш келишигининг *-а/-э* аффикси эски ўзбек тилида асосан I, II шахс эгалик аффиксларининг бирлик формалари ва III шахс эгалик аффиксининг бирлик ва кўплик формаларидан сўнг қўшилган.

I шахс эгалик аффиксининг бирлик формасидан сўнг қўшилишига мисоллар: *Орнума йанайын* (Таф., 18 *б*). *Тақы бойнума-му мунар-сэн?* (Рабғ., 45 *б*). *Нэчэ жāнума жафā қылур-сэн?* (Лутф., 220 *а*). *Қойдум эрсэ бу машаққат жāнымa//күч билэ кирмэк дурур қанымa* (Нав. ЛТ, 44). *Башларыны қашыма йэткүрүңиз* (ШН, 210). *Қойнума кирди* (Ш. тар., 53). *Дармāн йэтүрди дардыма* (Мунис, 80).

II шахс эгалик аффиксининг бирлик формасидан сўнг қўшилишига мисоллар: *Сэниң йавуқыңа кэлсэ,..* (Таф., 79*а*). *Эвүңэ барғыл* (Рабғ., 86*б*). *Түшкүсидүр икки айағыңа бинд* (Нав. СС, 115). *Сэниң хāтириңэ нэ йэтэдүр?* (БН, 143). *Хизматыңа йарамадым* (Ш. тар., 56). *Нэ ҳад кэ, күн жамāлыңа болғай муқāбил* (Мунис, 57).

III шахс эгалик аффикси унли билан тугагани учун *-а/-э* аффикси олдидан [н] орттирилади. Мас.: *Вазиринэ буйурды* (Таф., 65 *б*). *Элини йүзинэ уруб йығлайур эрди* (Рабғ., 30*а*). *Саккāкий ул ай манзилинэ худ йэтэ билмэс* (Сакк., 18 *а*). *Сабзадур ким, түшүбтүр āби ҳайвāн үстинэ* (Нав. МН, 240). *Кишилэринэ хат бэрэлиң* (Ш. турк, 143—144) *Бағлаб қаш йасына ҳар дам нишāн эйлэр көзүң* (Фурқ. I, 60).

Жўналиш келишигининг *-а/-э* аффикси қадимги ёдгорликлар тилида ҳам асосан эгалик аффиксларидан сўнг қўшилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мас.: *Инимә, оғлыма өтләдим* (Урх.-ен.). — «Инимга, ўғлимга насиҳат бердим». *Өзүм āрзуладьı аның қапғуна* (ҚБ)—«Унинг саройига [келишни] ўзим истадим». *Ол мәни атама охшатты* (МҚ) — «У мени отамга ўхшатди». *Усуқмыша сақығ қамуғ сув көрүнүр* (МК) — «Чанқаганга ҳар қандай сароб ҳам сув бўлиб кўринади». *Татурмас әсанында туз достына* (ҲҲ) — «[Бахил, нокас одам] тириклигида дўстига ҳам туз тоттирмайди».

Бу форма ҳозир айрим ўзбек шеваларида, масалан, Хоразм шеваларининг ўғуз группасида ва ж-ловчи шеваларда мавжуд.

Уғуз группасига мансуб бўлган туркий тилларда жўналиш келишигининг асосан мана шу *-а/-ә* (унлидан кейин: *-йа/-йә*) аффикси билан ясалган формаси қўлланади. Ёзма манбаларнинг кўрсатишича, бу тилларда мазкур форма қадим даврлардан бошлаб жўналиш келишигининг асосий формаси сифатида актив қўлланиб келган.

25-§. *-ғару/-гәрү//-қару/-кәрү, -ра/-рә, -ру/-рү* аффикслари билан ясалган формалар жўналиш келишигининг қадимги формалари бўлиб, туркий тиллар тараққиётининг маълум даврларигача истеъмолда бўлиб келган. Бу аффикслар айрим ҳолларда ўзининг грамматик маъносини йўқотиб, сўзнинг ажралмас қисмига айланган ва бундай сўзлар равиш ёки ёрдамчи сўзлар категориясига ўтган.

Мавжуд фактларнинг кўрсатишича, қадимги ёдгорликлар тилидаёқ бу формаларнинг маъноси чегараланган бўлиб, асосан, бир предметнинг бошқа предмет (объект) томонга йўналишини ифодалаган.

1) *-ғару/-гәрү/-қару -кәрү* аффикси билан ясалган форманинг истеъмол доираси ўрхун-енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликларидаёқ анча чегараланган. Мисоллар: *Оғузғару сү ташықдымыз* (Урх.-ен.) — «Уғузларга томон аскар билан бордик». *Йириңәрү, субыңару қонты* (Урх.-ен.) — «[Уша] ерга, сувга томон қўнди, жойлашди» (*йириңәрү<йирин+гәрү, субыңару<субын+ғару*). *Биз уйғурғару кәлтүк* (Қад. уйғ.) — «Биз уйғурга томон келдик». *Йавлақ йиргәрү барыр-миз* (Қад. уйғ.) — «Ёмон ерга боряпмиз».

Бу форма XI аср ёдгорликларида ҳам қўлланган: *Байāт тапғыңару илинмиш өзүм* (ҚБ) — «Мен худонинг хизматига мойил бўлганман» (*тапғыңару<тапғын+ғару*). *Қыш йайғару сувланур* (МК) — «Қиш ёзга шивирлайди». *Йағықару кириш қылдым* (МК) — «Душманга [қарши] уруш қилдим».

Бу форма XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримларида учрайди: *Қойчы анларқа айды: сизләр кимләр-сизләр, қайғару барур-сизләр?* (Таф., 9 *а*). *Йусуф йүз авурды, Зу-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*лайхāны көрмәйин тэб* *а р т қ а р у* *бақты, өз сувратын көрди* (Рабғ., 53 *б*).

Кейинги даврларда *-ғару/-гәрү//-қару/-кәрү* аффикси *ташқары* (*<ташқару<таш+қару*), *ичкәри* (*<ичкәрү<ич+кәрү*) каби сўзлар таркибида сақланган бўлиб, бу сўзлар равиш категориясига ўтган. Бу процесс анча қадимдан бошланган. Масалан, ўрхун-енисей ёдгорликларида *қурығару* «орқага (ғарбга)», *илгәрү* «олдинга (шарққа)» каби сўзлар равиш маъносида қўлланган.

2. *-ра/-рә* аффиксининг келишик функциясида ишлатилиши қадимги ёдгорликларнинг айримларида кузатилади. Мас.: *Ағулуғ оқын* *й ү р ә к р ә* *урун...* (Қад. уйғ.) — «Заҳарли ўқини юракка уриб». *Аны* *б а ш р а* *қақты* (МК) — «Уни бошига урди». *Татны* *к ө з р ә,* *тикәнни* *т ү б р ә* (МК) — «Тотнинг кўзига [ур], тиканнинг тубидан [уз]». *Тамға сувы* *т а ш р а* *чықыб тағығ өтәр* (МК) — «Бу сувнинг тармоғи ташқарига чиқиб, тоғ ва унинг атрофларига тарқалади».

*-ра/-рә* аффиксининг келишиқ функциясини бажариши XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир»да учрайди. Мас.: *Йā Муҳаммад,* *т а ш р а* *чық* (Таф., 45*а*). *Дарудан* *т а ш р а* *чықмадуқ* (Таф., 67 *б*).

Бу аффикс анча қадим даврларданоқ ўзининг грамматик хусусиятини йўқота борган ва айрим сўзлар таркибида сақланиб, уларнинг ажралмас қисмига айланган. Қадимги ёдгорликлар тилидаги бир бутунликни ташкил этган *оңра* (олдин), *асра* (пастки, қуйи), *ичрә* (ичкари) каби сўзлар таркибидаги *-ра/-рә* ана шу аффикснинг қолдиғидир. Ҳозирги тилимизда бу хилдаги сўзлар доираси анча кенгайган.

3. *-ру/-рү* аффиксининг ҳам келишик функциясида ишлатилиши қадимги ёдгорликлардаёқ чегараланган. Мисоллар: *ә б и м р ү* *барды* (Қад. уйғ.) — «Уйимга борди (келди)». *ә б р ү* *кәлтүртим* (Қад. уйғ.) — «Уйга келтирдим». *Ол мәниң* *т а б а р у* *кәлди* (МК) — «У менга томон келди».

Бу аффикс анча қадим даврларданоқ ўзининг грамматик хусусиятини йўқотиб, айрим сўзларнинг таркибида сақланган. Қадимги ёдгорликлар тилида равиш ёки кўмакчи маъносида қўлланган *бәрү* (бу ёққа), *йағру* (яқин), *ынару* (у ёққа) каби сўзлар таркибидаги *-ру/-рү* ана шу аффикснинг ўзидир. Ҳозирги тилимизда бу типдаги сўзлар анчагина катта группани ташкил этади.

**26-§.** Жўналиш келишиги белгисиз ҳам қўлланади. Лекин бу ҳар вақт ҳам мумкин бўла бермайди. Эски ўзбек тилида ҳам жўналиш келишигининг белгисиз қўлланиши иш-ҳаракатнинг йўналган томони кўрсатилган ҳолларда мумкин бўлган. Мас.: *Машруқдын кәлди, йолы* *М а д и н а* *эрди* (Таф., 49 *б*). *Сән·кә* *у л* *й а н* *азимат эткүңдүр,..* (Нав. СС, 123). *А н д и-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*җāн барурға рухсат тиләдиләр* (БН, 119). *Бир инисин йибәрүр болды Ҳ и с ā р* (ШН, 103). *Мундын У р г а н ч барайын* (Ш. турк, 142). *Чыҡмаң, Муҡимий, б ā з ā р, эйләргә дафъи савдā* (Муқ., 81).

27-§. Эски ўзбек тили жўналиш келишигининг маънолари ва функцияси бўйича ҳозирги ўзбек тилидан деярли фарқ қилмайди. Эски ўзбек тилида ҳам жўналиш келишиги асосан воситали тўлдирувчи, ҳол, баъзан кесим функциясида келиб, қуйидаги маъноларда қўлланган:

1. Ҳаракат йўналган томон, шахс ёки предметни кўрсатади. Мас.: *К э м и г ә сув кирди* (Таф., 11*а*). *Зулайҳā Й у с у ф ғ а кэлди* (Рабғ., 52 *б*). *Йаҡында таҳсил үчүн ш а ҳ а р ғ а кэлибтүр* (Нав. МН, 127). *М у ҡ и м ғ а хатлар йибәрилди* (БН, 264). *К у л б а м ғ а ҡой ҡадам, эй дилрабā* (Мунис, 218).

2. Бирор шахсга ёки предметга аталганликни билдиради. Мас.: *Ҡамуғыны м у с у л м ā н л а р ғ а нафаҡа ҡылды* (Таф., 136 *б*). *Шайбāний хāнның а т ы ғ а бир түркий маснавий битибдүр* (БН, 227). *Ҡылдылар х ā н ғ а дуā җāн бирлә* (ШН, 76). *А т ы м ы з ғ а йэм алыб бэр, тэб ҡолына он тэнгә бэрдим* (Ш. турк, 169). *Андиҗāн шаҳрыда йүргән ā ш н ā л а р ғ а салāм* (Муқ., 118).

3. Эваз, тенглик, қиммат, баробарлик каби маъноларни билдиради. Мас.: *Али он к и ш и г ә йэтмишчә аш этмиш эрди* (Таф., 146 *а*). *Ҡул тэб он сэккиз й а р м а ҡ ҡ а саттылар* (Рабғ., 48). *Агар к ө ң у л г ә мувāфиҡ нигāр болса эди* (Сакк., 24 *б*). *Жāнны й а р м а ҡ ҡ а сатты хоҗаи хас* (Нав. СС, 51). *Болды чу ҳāки сийāҳ з а р г а барāбар уруғ* (Муқ., 62). *Мың в а ф ā ғ а бир вафā ҳам көрмәдим āлам ара* (Фурқ. II, 80).

4. Ўхшатиш, қиёслаш, нисбат бериш каби маъноларни ифодалайди. Мас.: *Ай йүзүңни к у н г ә охшатҡан үчүн...* (Лутф., 225 *а*). *Ҳилмни... инсāнийат т а ш ы ғ а нисбат ҡылса болур* (Нав. МҚ, 115-116). *Тағлары э л л ә р и г ә мунāсиб түшүбтүр* (БН, 174). *Андағ киши бир т а ш ғ а охшар* (Ш. турк, 77).

5. Бирор предметга ёки ҳолатга етишиш, эришиш каби маъноларни билдиради. Мас.: *Ҡачан йашы с э к с ә н ғ а тэгсә,..* (Таф., 188 *а*). *Азм этибдүрләр-у м а т л у б ғ а йэтүбдүрләр* (Нав. МҚ, 152). *Э л и к к ә мэниң йашым йэтипти* (Ш. турк, 140). *Чу ҡатл ҡылды мэни йāр, к ā м ы м а йэтдим* (Мунис, 130).

6. Ишнинг, ҳолатнинг юзага чиқишидаги биргалик, қурол, восита каби маъноларни ифодалайди. Мас.: *Бу икки й и г и т к ә маслаҳат ҡылылды* (БН, 142). *Чэрики олҗаға болды машғул* (ШН, 112). *Таҡы к и ш и л ә р и г ә кэңәш ҡылды* (Ш. турк, 105). *Ҡ а н ғ а бағрым толды-йу сормай-сэн ҳануз* (Муқ., 138).

7. Мақсадни ифодалайди. Бунда жўналиш келишигидаги сўз кўпинча ҳаракат номи, сифатдош формаларида бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мас.: *Сөз айтғуға Каабаға тэгдилэр* (Таф., 27*а*). *Нэ ишкэ кэлдиңиз тэб сорды* (Рабғ., 42*а*). *Зийāратқа кэлгэн эрмиш* (Нав. МН, 46). *Биз сэңэ чāра қылурға кэлдүк//душман āвāра қылурға кэлдүк* (ШН, 129). *Биз хāнны көрмэккэ бара-миз* (Ш. турк, 82).

8. Бирор предмет ёки шахснинг жўналиш келишигидаги сўз англатган предметга ёки шахсга қарашли, тааллуқли эканлиги, мансублиги кўрсатилади. Бундай ҳолларда жўналиш келишигидаги сўз воситали тўлдирувчи ёки кесим вазифасида келади. Мас.: *Бу āйат Расулның йāрāнлары ҳақынға турур* (Таф., 77*б*). *Шэър ҳам чун кишигэдүр фарзанд//көңлигэ қувват-у бағрыға пайванд* (Нав. СС, 205). *Ошал булақдын йуқары Мусийҳāйға тааллуқ болур* (БН, 121).

28-§. Жўналиш келишиги формаси эски ўзбек тилида бошқа келишиклар ўрнида ҳам қўлланган.

1. Жўналиш келишиги формаси ўрин-пайт келишиги ўрнида ҳам қўлланган. Мас.: *Шāҳқа тā давлат бар, душман эрүр хāр-у зāр* (Нав. МҚ, 70). *Йэтмиш-ҫэксэн обдāн кадхудалар там астыға қалыб өлдилэр* (БН, 195). *Йазға шаҳр олды улусдын хāлы* (ШН, 101). *Тā өлгүнчэ киши уйуна аш йэмэс* (Ш. турк, 139). *Нэ сабабдын олтурур-сэн йāр башыға, табиб?* (Фурқ. II, 97).

2. Жўналиш келишиги формаси чиқиш келишиги ўрнида ҳам қўлланган. Мас.: *Ул эликлэрин кэскэн хатунларға сорсун, эликлэрин нэчүн кэсүрлэр* (Рабғ., 60 *а*). *Сормағыл ақлға ким, өсрүкни билмэс сāғлар* (Отойи, 14 *б*). *Мэҳр қылды фасāнасын бунйāд//башыға нэ ким өтти, эйлэди йāд* (Нав. СС, 155). *Ҳайāлыға бу кэчибтүр ким, Аҳмад мирзā улуғ пāдшāҳдур,..* (БН, 19). *Алар ҳар қайсылары бир илмгэ дарс айтур экэнлэр* (Фурқ. II, 129).

3. Жўналиш келишиги формаси тушум келишиги ўрнида ҳам қўлланган. Мас.: *Ул кимэрсэгэ фāсиқ атайурлар* (Таф., 46 *б*). *Бэгим, лутфуңға «шайҳлиллāҳ» дэр-мэн* (Отойи, 43 *б*). *Көз қамар бақған йүзүнэ мāҳи тāбāн атады* (Сакк., 24 *а*). *Дарунға йазыр йурты дэрлэр* (Ш. тар., 61).

## Ўрин-пайт келишиги

29-§. Эски ўзбек тилида ўрин-пайт келишиги формаси *-да/-дэ//-та/-тэ* аффикси билан ясалган. Бу аффикс таркибидаги ундошнинг жарангли [-да/-дэ] ёки жарангсиз [-та/-тэ] ҳолда келиши шу аффиксни олган сўзнинг қандай товуш билан тугаган бўлишига боғлиқ.

1) унли ёки жарангли ундош билан тугаган сўзларга одатда жарангли *-да/-дэ* вариантлари қўшилади. Мас.: *Қай-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*ғуда заъиф болды* (Рабғ., 53 *а*), *йузүңдә нури таҗалли, лабыңда җавҳари руҳ* (Лутф., 194 *а*), *барур чāғда* (Нав. ФШ, 171), *ушбу навāҳида экәндә* (БН, 468), *шул тойда бар эрди* (Ш. тар., 32), *бāғларда экмишләр тариқ* (Муқ., 98).

2) жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга одатда жарангсиз *-та, тә* вариантлари қўшилади. Мас.: *Сув ташыб ақарын көрмиштә* (Рабғ., 31 *б*). *Бу иштә ихтийāрым йоқ турур* (Отойи, 14 *а*). *Танымақта магар йаңылмыш-сэн* (Нав. СС, 175). *Бу йуртта битилди* (БН, 464).

Лекин ўрин-пайт келишиги аффиксининг жарангсиз *-та/-тә* вариантларида ишлатилиши эски ўзбек тили учун одатдаги ҳодиса бўлмаган. «Бобирнома»дан бошқа ёдгорликларда жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга ҳам кўпинча *-да/-дә* қўшила берган. Мас.: *Жāҳиллықда қалыб* (Таф., 93 *а*), *таңатар вақтда* (Рабғ., 80 *б*), *улуғ урушда* (ШН, 143), *қылычда дағы исмидүр битиглик* (Нав. ФШ, 73), *бир нафасда* (Отойи, 51 *а*), *ул хатда айтадур* (Фурқ. II, 154).

Ўрин-пайт келишигининг жарангли ва жарангсиз вариантларда ишлатилиши бўйича «Бобирнома»да анча изчиллик сақланган, яъни унли ва жарангли ундош билан тугаган сўзларга *-да/-дә*, жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга *-та/-тә* қўшилган. Шу билан бирга, бу асарда жарангли [д] ундоши билан тугаган кўпчилик сўзларга ҳам жарангсиз *-та/-тә* вариантлари қўшилган. Мас.: *Самарқандта эди* (БН, 213), *Қаҳмартдта эди* (БН, 154), *Савадта экән* (БН, 303), *нечә бандта эди* (БН, 331).

Қадимги ёдгорликларда ҳам ўрин-пайт келишиги аффикси *-да/-дә//-та/-тә* вариантларида ишлатилган. Лекин бу манбаларда ўрин-пайт келишиги аффикси вариантларининг ишлатилиш ўрнига кўра бошқачароқ тартиб бўлган. Масалан, ўрхун-енисей ёдгорликларида [л], [н], [м] ундошлари билан тугаган сўзларга жарангсиз *-та/-тә* вариантлари қўшилган: *йолта, көлтә, будунта, қағанта, будунымта, элимтә* каби. Қолган ўринларда жарангли *-да/-дә* вариантлари қўшилган: *йышда, сөңүшдә, йирдә, қышладуқда, тэгдүкдә, буңда* (ғамда), *сиздә, өздә, абда* (овда) каби.

XI аср ёдгорликлари «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» тилида ўрин-пайт келишиги аффикси вариантларининг ишлатилишида қатъий принцип бўлмаган. Лекин бу манбаларда ўрхун-енисей ёдгорликларидан фарқ қилиб, ўрин-пайт келишиги аффикси вариантларининг ишлатилиши бўйича маълум даражада товушлар уйғунлиги принципига асосланилган, яъни унли ва жарангли ундош билан тугаган сўзларга асосан *-да/-дә*, жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга эса асосан *-та/-тә* вариантлари қўшилган. Мас.: *көңүлдә, ажунда,*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*таңда, кимдә, йағуда, ичкудә, кишидә, эвдә, бәгдә, чықарда, сөздә//сөзтә, башда, иштә, сақышта, сөзләмиштә, өзтә, улуғта, ұқыдуқта, әмгәктә, тәдуктә.*

30-§. III шахс эгалик аффиксидан кейин қўшилганда, ўрин-пайт келишиги аффикси олдидан [н] орттирилиши ҳам мумкин. Бунда келишик аффикси одатда жарангли *-да/-дә* вариантларида қўшилади. Бу ҳол XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлар учун характерли бўлиб, кейинги даврларга оид ёдгорликларда ҳам учрайди. Мас.: *улус ташында* (Таф., 11 *а*), *Йаъқуб қойнында, тағ башында, қол ичиндә* (Рабғ., 45 *а*), *көңул баҳрында* (МН, 292*а*), *йығачның түбиндә* (ЎН, 26), *дилбар эшикиндә* (Лутф., 190 *а*), *ҳусн ордасында* (Отойи, 43 *б*), *нāр қашында* (Сакк., 18*а*), *алында, қашында* (Нав. МҚ, 91), *хāн қашында* (ШН, 222), *сувның йақасында* (Ш. тар., 23), *уй ичиндә* (Фурқ. II, 130).

XVII аср ёдгорликлари «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларида кўпинча [н] орттирилгани ҳолда, «Бобирнома»да (XVI аср) деярли йўқ даражада.

Ўрин-пайт келишиги аффикси олдидан [н] орттирилиши қадимги ёдгорликларда ҳам мавжуд бўлган. Мас.: *йити йашынта* (Ўрх.-ен.) — «етти ёшида», *киши ашунынта* (Қад. уйғ.) — «кишилик дунёсида», *тилиндә йорынты* (ҚБ) — «тилида гапирди», *бәг қысығында* (МК) — «бек қисувида», *салāбат ичиндә* (ҲҲ) — «салобат ичида».

31-§. Ўрин-пайт келишиги эски ўзбек тилида ўрин ҳоли, пайт ҳоли, воситали тўлдирувчи, баъзан кесим вазифасида келиб, қуйидаги маъноларни ифодалайди.

1. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини ёки предметнинг жойини билдиради. Мас.: *Ҳамза Маккада йоқ эрди* (Таф., 27 *б*). *Чэрикдә бир йақшы чэбәр эр бар эрди* (ЎН, 49). *Фақир бир мажлисда... аны көрдум* (Нав. МН, 62). *Бу йуртта фармāн болды ким,..* (БН, 341). *Ул дарсхāналарда... оқулур экән* (Фурқ. II, 128).

2. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини, вақтини билдиради. Бундай ҳолларда ўрин-пайт келишиги формасидаги сўзнинг ўзи пайт маъносини англатган бўлади. Мас.: *Ул вақтда Мусā өгсиз мэңизлиг эрди* (Таф., 29*б*). *Мавлāнā Малик... улғайғанда назмға машғул болды* (Нав. МН, 108). *Түн йарымында кэчәр-биз мундын* (ШН, 133). *Саҳар вақтында хатун қычқыра башлады* (Ш. тар., 53). *Баҳāр аййāмыда гул гашт этәргә бир чаман болса* (Фурқ. I, 21).

3. Ўрин-пайт келишигидаги сўз иш-ҳаракатнинг юзага чиқишида сабаб, восита, қурол бўлиши мумкин. Мас.: *Көзгудә көрәр-тэк көрәр эрди* (Рабғ., 56 *б*). *Ҳар бир назарда өлдүрәдүр Лутфийни қөзуң* (Лутф., 174 *б*). *Бу пари сөздә көргүзүр моъжиз* (Нав. СС, 19). *Йэң учидә қойулды тоқ-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*қыз нāн* (Муқ., 54). *Иуқарыда дэгэн икки тамāшā//г а з э т д а эйлэйин минбаъд иншā* (Фурқ. II, 33).

4. Урин-пайт келишигидаги сўз иш-ҳаракатнинг нима бўйича, нима жиҳатдан юз берганини кўрсатади, яъни иш-ҳаракатнинг ўрин-пайт келишигидаги сўз англатган соҳа бўйича юз бериши ифодаланади. Мас.: *Улар җ ā ҳ и л л ы қ д а қалыб турур эрди* (Таф., 93 *а*). *Гул йүзүң ҳ а җ р ы н д а өздин кэткэй эрдим дамāдам* (Лутф., 164*а*). *Фāрсий назмда «Фāний» тахаллус қылыбтур* (БН, 214). *Ул чэрик в а с ф ы д а тил эврүлмэс* (ШН, 56). *Ғам о т ы д а болды бу җāнлар кабāб* (Фурқ. I, 50).

5. Урин-пайт келишигидаги сўз предикатив аффиксини қабул қилиб, кесим функциясида келади ёки таркибли кесимнинг компоненти бўлиб келади. Бунда ҳолат ёки ўрин маъноси ифодаланади. Мас.: *Тақы буларның қ а т ы н д а-м у т у р у р?* (Таф., 57 *б*). *Бу қул бир нэчэ күн з и й ā р а т г ā ҳ д а э р д и м ким,..* (Нав. Мнш., 10). *Бу чашма наҳлистāнның й а н ы д а д у р, йан й э р д э д ү р* (БН, 324). *Үч ҳарāбатий, барыб көрдүк кэ, йāр у й қ у д а д у р* (Фурқ. II, 97).

32-§. Эски ўзбек тилида ўрин-пайт келишиги баъзан бошқа келишиклар ўрнида ҳам қўлланган.

1. Урин-пайт келишиги жўналиш келишиги ўрнида ҳам қўлланган. Мас.: *Сизлэр а н д а тэгмиштэ мэн Лотны көрсэм эрди* (Рабғ., 39*б*). *Мэн Қāбулға кэлгэндэ,.. Хурāсāндын Қ ā б у л д а кэлдилэр* (БН, 140). *Чун Самарқанд э ш и к и д э кэлди* (ШН, 55). *Өз нокарларыңыз бирлэн а н д а барыб, отав соқуб кэлиңлэр* (Ш. тар., 27).

Маълумки, ўрин-пайт келишигининг жўналиш келишиги ўрнида қўлланиши ҳозир ўзбек тилининг Самарқанд-Бухоро шевалари учун характерли. Шу билан бирга, бу шеваларда ўрин-пайт келишиги ўрнида жўналиш келишиги формаси қўлланиши ҳам характерли ҳодисадир.

Урин-пайт келишигининг жўналиш келишиги ўрнида қўлланиши қадимги ёдгорликлар тилида ҳам мавжуд. Мас.: *Йақын турма а н д а* (ҚБ). *Отру эстүп и ч и н т э бэклэдилэр* (Қад., уйғ.). — «Сўнг махсус биногa беклӑдилар». *Эр э р д э м и м д э бөкмэдим, қырқ йашымда адырылдым* (Урх.-ен) — «Ботирлик шон-шавкатимга тўймадим (завқланмадим), қирқ ёшимда ўлдим». Қиёсланг: *Элим қаңым с и з э бөкмэдим* (Урх.-ен.) — «Менинг элим, хоним, сизга тўймадим».

2. Урин-пайт келишиги чиқиш келишиги ўрнида ҳам қўлланган (Қар.: § 35).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## Чиқиш келишиги

33-§. Эски ўзбек тилида чиқиш келишиги формаси *-дын/-дин//-тын/-тин* аффикси билан ясалган. Бу аффикс баъзан *-дан/-дән//-тан/-тән, -дун/-дүн//-тун/-түн* кўринишларида ҳам учрайди. Чиқиш келишиги аффиксининг турли фонетик вариантларда ишлатилиши асосан шу аффиксни олган сўзнинг характерига боғлиқ.

1. Чиқиш келишиги аффиксининг жарангли ***-дын -дин*** ёки жарангсиз ***-тын/-тин*** вариантларда келишида ҳам ўрин-пайт келишигининг жарангли ёки жарангсиз вариантларда ишлатилишидаги тартиб мавжуд, яъни:

а) унли ёки жарангли ундош билан тугаган сўзларга жарангли *-дын/-дин* вариантлари қўшилган. Мас.: *Зикрийāдын сув қолды* (Таф., 17 *б*). *Атамдын, анамдын айрулдум* (Рабғ., 52 *а*). *Истәли матлуб нурыдын нишāн* (Нав. ЛТ, 179). *Көздин уйқусы қачқан болды* (ШН, 133). *Самарқанддын икки куруҳ болғай* (БН, 56). *Авдын кәлүр күни хāн өлди* (Ш. тар., 56). *Йоқ-у барыңны алур қолдын* (Мунис, 93);

б) жарангсиз *-тын/-тин* вариантлари жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга қўшилган. Мас.: *Муҳаббаттын туғар...* (МН, 303 а). *Сэн баштын айақ җāн-сэн* (Лутф., 208 *б*). *Өтәр... тоққуз фалактын* (Отойи, 61 *а*). *Бир тарафтын қачқалы...* (БН, 260). *Бэтāқатлықтын сутунға йапушты* (БН, 46).

Лекин жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга ҳам кўпинча жарангли *-дын/-дин* вариантлари қўшила берган. Қиёсланг: *Машруқдын кәлди* (Таф., 49 *б*). *Бу ишдин йағмадың эрсә,..* (Рабғ., 26 *а*). *Бу кәлмәкдин нэ эркән нийаты* (Нав. ФШ, 186). *Ҳар тарафдын... кириштиләр* (БН, 292). *Бу фурсатдын соң* (Ш. тар., 48). *Хоҗайин бэрди Ташкәнтдин сим* (Муқ., 51).

Шу билан бирга, айрим ёдгорликларда, асосан, «Бобирнома»да жарангли ундош билан тугаган сўзларга баъзан жарангсиз *-тын/-тин* вариантлари қўшилиши ҳам учрайди. Мас.: *Ағзың үчүн вуҗудтын кэчәли* (Лутф., 215*б*). *Мурғāбтын өтүб* (БН, 260). *Хоҗандтын Ахсиға кэлүр* (БН, 96). *Самарқандтын бир йығач болғай* (БН, 60).

Демак, чиқиш келишиги аффиксининг жарангли ва жарангсиз вариантларда ишлатилиши бўйича эски ўзбек тилида қатъий чегара бўлмаган.

Чиқиш келишиги аффикси қадимги ёдгорликларда ҳам жарангли ва жарангсиз вариантларга эга бўлиб, буларнинг ишлатилиши шу ёдгорликларнинг фонетик қонуниятларига мувофиқлашган. Масалан, ҚБ: *тилдин, билигдин, тоғардын, киши-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*дин, йәриндин, байатдын, ташыртын;* МК: *әвдин, сувдын, йуздин, тамдын, аттын, йанақтын, оттын, кәйиктин, йазуқтын, әмгәктин;* ҲҲ; *баштын, өлуктин, харамтын.*

2. Чиқиш келишиги аффиксининг *-дан -дән/-тан -тән* вариантларида ишлатилиши XV асрдан олдинги даврларга оид ёдгорликларда кузатилади, лекин буларда ҳам нисбатан кам учрайди. Мисоллар: *Үч кундән соң зиндāндан чықардылар* (Рабғ., 58 *б*). *Зиндāнға измиштән соң* (Рабғ., 60 *б*). *Кунләрдән соң, кэчәләрдән соң* (ЎН, 23). *Чалаң булаңдан қоруқмас турур эрди* (ЎН, 47). *Элини аштан чэкиб* (Саройи). *Тоқуз йашындан соң* (Хиср. Шир.).

Чиқиш келишиги аффиксининг *-дан/-дән//-тан/-тән* вариантларида ишлатилиши қадимги уйғур тилининг «Н» диалекти учун характерли бўлган.

Бу вариантлар XI аср ёдгорликларида ҳам маълум даражада учрайди. Масалан, МК: *сувдан, сөздән, көздән, иштән, туңлуктән, йавлақтан;* ҚБ: *атадан, ағудан, кишидән, битигдән көзумдән.*

3. Чиқиш келишиги аффиксининг *-дун/-дүн -тун/-түн* вариантлари таркибида (охирги бўғинида) лаб унлиси бўлган сўзларга қўшилади. Бу вариантларнинг ишлатилиши XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Ўғузнома»да учрайди: *Қырқ кундун соң* (ЎН, 23), *көп тоқушғудун соң* (ЎН, 54). *Ул җаруқтун... чықты* (ЎН, 37). *Аниң көзү көктүн көкрәк эрди* (ЎН, 30).

Қадимги ёдгорликлардан «Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билиг»да *-дун//-дүн* вариантлари учрайди: *Аның тиши буздун сызлады* (МК) — «Унинг тиши муздан сизиди (музнинг совуғидан оғриди)». *Ол мәни оруңдун турғурды* (МК) — «У мени ўрнимдан турғазди». *Йағы йатсә өңдүн осаллар өлүр* (ҚБ) — «Душман олдиндан етса (ғолиб келса), ғофиллар ўлади».

34-§. Чиқиш келишиги аффикси III шахс эгалик аффиксидан сўнг қўшилганда, жўналиш ва ўрин-пайт келишикларидаги каби келишик қўшимчаси олдидан [н] орттирилиш ҳоллари ҳам мавжуд. Бундай ҳолларда келишик аффикси одатда жарангли вариантда қўшилади. Бу ҳодиса кўпроқ XIII—XIV асрлар учун характерли бўлган. Кейинги даврларда эса кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, асосан, шеърий асарларда кузатилади. «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» (XVII аср) асарлари бундан мустасно. Бу асарларда қарийб барча ўринларда чиқиш келишиги аффиксидан олдин [н] орттирилади. Мисоллар: *Ул кун қачқайлар эрәнләр қарындашларындын, кэндү аналарындын, аталарындын, урағутларындын, оғланларындын* (Таф., 125 *а*). *Йаъқуб тағ башындын бақар* (Рабғ., 45 *а*). *Хоразмийниң кэтиб ақлы башын-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*дын* (МН, 295 *а*). *Жāным чықадур фирāқ отындын* (Лутф., 220 *а*). *Қүйдүм мэн аның зулмундын* (Сакк., 22 *б*). *Кāмил олмыш эрди алдындын ниҳāн* (Нав. ЛТ, 39). *Субҳ йаруғындын алды фāл* (ШН, 134). *Көңлимиз буғдай унындын болған ашны тилəй турур* (Ш. тар., 51). *Аның артындын бармақ болдылар* (Ш. турк, 28).

III шахс аффиксидан кейин қўшилганда, чиқиш келишиги аффикси олдидан [н] орттирилиши қадимги ёдгорликлар тилида ҳам кузатилади. Масалан, Қад. уйғ.: *тəңри йəринтəн, икки көзүнтин, əмгəклəринтин,* ҚБ: *анасындан, давлатындан, бəглигиндин, башындан, тилиндин, йəриндин.*

35-§. Туркий тилларда чиқиш келишиги формаси нисбатан кейинги даврларда шаклланган бўлиб, маълум даврларгача бу келишик ўрнида ҳам ўрин-пайт келишиги формаси қўлланган. Бу ҳол қадимги ёдгорликларда акс этган. Масалан, ўрхун-енисей ёдгорликларида чиқиш келишиги маънолари ҳам ўрин-пайт келишиги формаси орқали ифодаланган. Мас.: *Сиздə... идырылдым* — «Сиздан айрилдим». *Түргəс қағанта көрүг кэлди* — «Тургаш ҳоқондан айғоқчи келди». *Анта кисрə иниси қаған болмыс эринч* — «Ундан кейин иниси ҳоқон бўлган эмиш».

Бу манбаларда ҳам чиқиш келишиги формаси бор, албатта. Лекин *қан* (қаер), *оң* (ўнг, шарқ) каби айрим сўзлар билангина ишлатилган. Мас.: *Йарықлығ қантан кəлип йана əлтди? Сүнүглүг қантан кəлип сүрə əлтди?* — «Қуроллилар қаердан келиб сени тарқатиб юборди, тор-мор қилди? Найзаликлар қаердан келиб сени чалғитди, эс-ҳушингни олди?» *Оңдан қағанғару сү йорылым* — «Ўнгдан (шарқдан) ҳоқон томонга қўшин тортайлик».

Қадимги уйғур тили ёдгорликларида чиқиш келишиги формаси шаклланган бўлиб, турли фонетик вариантларда анча кенг истеъмолда бўлган (Қар.: § 33). Шу билан бирга, бу манбаларда ҳам чиқиш келишиги ўрнида ўрин-пайт келишиги қўлланиши анча характерли бўлган. Мас.: *Йазуқда бош болалым* — «Гуноҳдан халос бўлайлик». *Көзүнтə исиг йашы төкүйү* — «Кўзидан иссиқ ёшини тўкиб». *Əмгəктə қуртулзунлар* — «Қийинчиликлардан қутулсинлар». *Бəг əбинтə онут бардылар* — «Бег уйидан қайтиб кетдилар».

Чиқиш келишиги маъносида ўрин-пайт келишиги формаси қўлланиши XI аср ёдгорликларида ҳам акс этган. Мас.: *Тилдə чықар əзгү сөз* (МҚ) — «Тилдан яхши сўзлар чиқаргин». *Көни барыр кэйикниң көзиндə азын башы йоқ* (МҚ) — «Тўғри кетаётган кийикнинг кўзидан бошқа яраси йўқ». *Бузунда талусы, кишидə чыны* (ҚБ) — «Халқдан етуги, кишилардан соф дили». *Маңа-оқ тапундуң кичикдə бəрү* (ҚБ) — «Кичиклигингдан бери фақат менга хизмат қилдинг».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чиқиш келишиги маъносида ўрин-пайт келишиги формаси қўлланиши эски ўзбек тилида ҳам маълум даражада давом этган. Мас.: *Башыны үч йэрдэ йардылар* (Таф., 27 *б*). *Бу ишлэрдэ бирини қылсаңыз* (Рабғ., 23 *б*). *Күнлэрдэ бир күн авға чықты* (УН, 24). *Сафар қылмаған āрāм фарāғатын қайда билсүн* (Нав. МҚ, 154—155). *Икки қағазда бири-дэ Али йā Ҳасан битиб, йана бирида* Фатима *битиб...* (БН). *Күнлэрдэ бир күн авқа чықыб* (Ш. тар., 11).

Чиқиш келишиги маъносида ўрин-пайт келишиги формаси қўлланиши эски ўзбек тилида асосан XIII—XIV асрлар учун характерли бўлган. Бу даврга оид манбаларда чиқиш келишиги кўмакчилар билан бошқарилганда, кўпинча ўрин-пайт келишиги формасида келади. Мас.: *Мунда оңдын айғай эрдилэр* (Таф., 26 *а*). *Розгāр кэчмишдэ кэзин йана бир күн* (Рабғ., 83 *а*). *Адамны йаратмазда ашну... халифа йаратур-мэн* (Рабғ., 6 *а*).

36-§. Чиқиш келишиги эски ўзбек тилида ҳам ўрин ҳоли, пайт ҳоли, воситали тўлдирувчи, баъзан кесим вазифасида келиб, асосан қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Иш-ҳаракатнинг бошланиш нуқтасини, чиқиш ўрнини, манбаини кўрсатади. Мас.: *Мэн Йусуфдын кэлдим* (Рабғ., 52 *а*). *Эрнинэ бақған киши көздин салур маржāнны* (Сакк., 29 *б*). *Тэгирмāндын уйуңгэ ун кэлтүрүр, аны пышурурға йазыдын отун кэлтүрүр* (Нав. МҚ, 133). *Көп карāмат көрүб-мэн хāндын* (ШН, 144). *Улуғ аталарымыз Түркистāндын кэлгэн турурлар* (Ш. тар., 62).

2. Иш-ҳаракатнинг бошланиш пайтини, ўтган муддатини билдиради. Мас.: *Аны эшитти ким, оңдын эшитмиши йоқ эрди* (Таф., 29 *б*). *Күн түшдин өтүб эрди ким,..* (БН, 142). *Хāн дағы субҳдын олды хушҳāл* (ШН, 134).

Чиқиш келишиги *соң//соңра, бурун, илгэрү//илгэри, бэрү //бэри, нару//нары* каби кўмакчилар билан бошқарилганда ҳам пайт маъноси ифодаланади («Кўмакчилар» бўлимига қаранг).

3. Иш-ҳаракатнинг юзага чиқишидаги сабабни билдиради. Мас.: *Қорқунчымдын сачым, сақалым өриңэрди* (Таф., 18 *б*). *Бу уйатдын асру ҳāлымдур табāҳ* (Нав. ЛТ, 102). *Риъāйат тапмағанымдын рухсат тилэган болғай-мэн* (БН, 125). *Тили кэлмэслигиндин нэ айтурын билмэй турур* (Ш. тар., 14). *Шāдлығымдын дэб йубарыб-мэн, Муқимий, йā āнāр* (Муқ., 174).

4. Иш-ҳаракатнинг юзага чиқишида восита бўлган предмет, воқеа-ҳодисани билдиради, яъни иш-ҳаракатнинг амалга ошуви чиқиш келишигидаги сўз ифодалаган предмет, воқеа-ҳодиса иштирокида бўлади. Мас.: *Күн туғса эрди, ул өңүргэ оң йарудын күн түшэр эрди, қачан күн батса, сол йарудын*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*битар эрди* (Таф., 9 *а*). *Ҳар кишиниң аслыны билсә болур ахлāқдын* (Лутф., 213 *б*). *Сүчүк тилдин аччық сөзләр ҳамиша* (Отойи, 54б). *Машруҳ битиб, бир кишидин йибәргәйләр* (БН, 315). *Ғам йукидин, āҳ, қаддым йа болур-му мунча хам?* (Муқ., 219).

5. Бутуннинг қисмини, тўда ёки гуруҳнинг маълум бўлагини ажратиб кўрсатади. Мас.: *Йақутдын алыб чықды* (Таф., 132 *а*). *Жамāатның кайфийатын маълум қылмақ үчүн атфāлдын бирини тиләдиләр* (Нав. МН, 34—35). *Аны өлтүрүб, гоштыдын бир пāра кабāб қылдук* (БН, 199). *Ҳар йылда мāлындын бир ат ва йā бир тәвә алурлар* (Ш. турк, 42). *Сачыңдын алмыш эркин бир-ики тāр* (Фурқ. II, 108).

6. Предметнинг нимадан ишланганини, материалини кўрсатади. Мас.: *Бир кирпичи алтундын, бир(и) күмүшдин йаратмыш турур* (Таф., 132 *б*). *Бу уйнуң тағамы алтундан эрди, түңлүкләри тақы күмүштүн, қалық(а)лары тэмурдун эрдиләр эрди* (ЎН, 49). *Қара тупрақдын сунбул төрәтти* (МН, 390 *б*). *Қылға-сиз сарв-у санубардын аның тāбутын* (Отойи, 67 *а*). *Ҳар йэрдә ташдын панāҳлар йасабтурлар* (БН, 172). *Шаҳар-у вилāйаты таш-у тупрақдын болур* (Ш. турк, 119).

7. Икки предмет ёки шахснинг бирор белгиси, хусусияти, ҳолатига кўра бир-бири билан қиёслаш, чоғиштириш, ортиқ ёки камлигини кўрсатишда қўлланади. Мас.: *Ануң көзи көктүн көкрәк эрди* (ЎН, 30). *Улус ҳақыда мың қурла атадын мәҳрибāн* (Сакк., 3 *б*). *Қадаҳ шāҳлығдын артуқдур көзүмгә* (Нав. ФШ, 57). *Қāбул узумыдын Ғазни узумы йахшырақ болур* (БН, 169). *Барча ишләриндин йаманрақ бу ким,..* (Ш. тар., 13). *Йүзүң ҳам māҳи тāбāндын қалышмас* (Муқ., 183).

8. Бирор нарсадан ажралиш, халос бўлиш, қочиш, узоқлашиш, маҳрум бўлиш каби маъноларни билдиради. Мас.: *Тавба қылсун, йазуқдын азрылсун* (Рабғ., 49 *а*). *Эмди үчәр көзүмдин ул йүрүш-у хāки рāҳ ҳам* (Отойи, 38 *б*). *Тā аны нош әйләбән җāндын кэчәй//ақл-у хуш-у дин-у имāндын кэчәй* (Нав. ЛТ, 67). *Ул сафардын қылайын сэни халāс* (ШН, 73). *Бу хāла түшмәйин-му, гул бадандын айрылыб қалдым* (Фурқ. I, 131).

9. Иш-ҳаракатнинг йўналиш объектини кўрсатади, яъни иш-ҳаракатнинг йўналиши чиқиш келишигидаги сўз англатган предмет, нарса бўйича юз беради. Мас.: *Бирәгү йолдын айайын, тэб кэлди* (Рабғ., 51 *б*). *Ғайри лутфуң ким, кэчүргәй ушбу дарйāдын мэни,..* (Отойи, 60 *б*). *Икки көз йолыдын төккәй йүрәкимдәги қанымны* (Сакк., 22 *а*). *Сайхун дарйāсы қорғанның астыдын ақар* (БН, 6). *Ошул йолдын барыб Тибэтни чапыб кэлди* (Ш. тар., 24).

www.ziyouz.com kutubxonasi

10. Чиқиш келишиги бирор нарса, ҳодиса тўғрисида хабар, маълумот берганда ҳам қўлланади. Мас.: *Мусāдын ҳикāйат қылу йарлықады* (Таф., 30*а*). *Эй сабā, йэткур мэңэ сарви равāнымдын хабар//раҳм этиб бэргил мэңэ āрāми жāнымдын хабар* (Нав. МН, 205). *Абдулазиз хāнға бу халқның кэлэ турғанындын хабар бэргэн эрмиш* (Ш. турк, 180). *Элни йығыб вāқиф этэр зāтыдын* (Муқ., 37). *Өз аҳвāлымдын сиз ҳурматликкэ бир хат йазыб эрдим* (Фурқ. II, 155).

11. Юқоридаги ўринларда чиқиш келишиги ўрин ҳоли, пайт ҳоли, воситали тўлдирувчи вазифасида келган. Бундан ташқари, чиқиш келишиги эски ўзбек тилида кесим вазифасида ҳам қўлланиб, ўринга ёки бирор гуруҳга мансубликни билдиради. Бунда чиқиш келишигидаги сўз кесимлик аффиксини қабул қилади ёки таркибли кесимнинг компоненти сифатида келади. Мас.: *Анлар бу қалғанлардын эрүрлэр* (Таф., 78 *а*). *Мавлāнā Қавсарий Бухāрāдындур* (Нав. МН, 65). *Фэзил тархāн ким, ул тархāнлардын эмэс, Түркистāн савдāгар тархāнларыдын болур* (БН, 103). *Бу киши Өзбэк шāҳның тутғунларыдын турур* (Ш. турк, 170).

## Восита келишиги

37-§. Восита келишиги формаси *-н* (ундошдан кейин: *-ын/-ин//-ун/-үн*) аффикси билан ясалади: *арзу-н, азақ-ын, тил-ин, қол-ун, көз-үн* каби.

Восита келишиги туркий тиллар тараққиётининг қадимги даврлари учун характерли бўлган. Бу келишик, ўрхун-енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида, «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» асарларида анча актив истеъмол қилинган бўлиб, маъноси ҳам анча кенг бўлган. Масалан:

1. Қурол, восита билдиради, яъни иш-ҳаракатнинг амалга ошуви восита келишигидаги сўз ифодалаган предмет ёрдамида, воситасида бўлади. Мас.: *Аз тутуқығ элигин тутды* (Ўрх.-ен). — «Азлар тутуқини қўли билан тутды». *Көзүн көрүп, құлқақын эсидип, тилин сөзлэп, элгин сүнүп, адақын йорып, үркэ үзлүксиз эмгэтир-биз* (Қад. уйғ.) — «Кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитиб, тил билан сўзлаб, қўл билан ушлаб кўриб, оёқда юриб, илгаридан узлуксиз уринтириб келамиз». *Башында кэчүрмиш, көзүн көрмиш эр* (ҚБ) — «Бошидан (кўпни) кечирган, ўз кўзи билан (кўп нарсаларни) кўрган киши». *Билигин улуғлуққа тэгдим* (МК) — «Билим, ақл билан мартабага эришдим». *Ол аны бичэкин санчды* (МК) — «У уни пичоқ билан санчди».

2. Биргаликни билдиради, яъни иш-ҳаракатнинг биргаликда бажарилишини англатади. Мас.: *Күл тэгиниг аз эрин иртэ-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*ру ытымыз* (Ўрх.-ен.) — «Култегинни оз одам билан (душман орқасидан) кузатиш учун юбордик». *Отру ики айлығ киши оғлун соқушмыш* (Қад. уйғ.) — «Сўнг икки ойлик одам боласи билан учрашган». *Туруб барса авға хылын, қолдашын* (ҚБ) — «Овга ўз тенги ва дўсти билан борса».

3. Иш-ҳаракатнинг бўлиш пайтини, вақтини билдиради. Бу маъно пайт билдирувчи сўзларга қўшилганда юзага келади. Мас.: *Йайын сүләдим, будунығ анта буздым* (Ўрх.-ен.) — «Ёзда лашкар тортдим, [душман] халқни ўшанда тор-мор қилдим». *Ол өдүн қатылды* (Қад. уйғ.) — «Ўша вақтда қўшилди». *Күнүн йәмәди, көр, түнүн йатмады* (ҚБ) — «Қара, кундуз емади, кеча ётмади (дам олмади)».

4. Иш-ҳаракатнинг бўлиш ўрнини билдиради. Мас.: *Өтүкән йирин қышладым* (Ўрх.-ен.) — «Ўтикан ерида қишладим». *Киши ажунын булмыш йалңуқларығ...* (Қад. уйғ.) — «Киши дунёда орттирган гуноҳларни...». *Кәрәк йәр үзә тур, кәрәк йәр қатын* (ҚБ) — «Хоҳ ер устида тур, хоҳ ер остида».

5. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш усулини, ҳолатини билдиради. Мас.: *Күл тәгин йадағын оплайу тәгди* (Ўрх.-ен.) — «Култегин яёв ҳужумга ташланди». *Қаттығ үнин қычқырды* (Қад. уйғ.) — «Қаттиқ овоз билан қичқирди». *Бәлиңләб узуды өзи йалғузун* (ҚБ) — «Ўзи ёлғизликда қўрқиб уйғонди». *Әзгүлүкин кәл, әсизликин кәлмә* (МҚ) — «Яхшилик билан кел, ёмонлик билан келма».

38-§. Восита келишиги эски ўзбек тили тараққиётининг олдинги даврларида истеъмолда бўлган.

Бу келишик XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда анча кенг қўлланган бўлиб, XV асрга оид айрим манбаларда ҳам учрайди.

XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда восита келишиги қуйидаги маъноларда қўлланган:

1. Қурол, восита билдиради. Мас.: *Фāсиҳ тилин жавāб бәрди* (Таф., 18 *а*). *Баҳил кәлди, қызындын йырақрақ тизин чөкүб олтурды* (Рабғ., 75 *а*). *Аны кишиләр көзин көрән бар-му?* (Таф., 38 *б*). *Тақы шарбат бәрдиләр, ичмәди, күчүн ичүрдиләр* (Наҳж. фар.). *Өз элкин башынға тупрақ сачты* (Хиср. Шир.).

2. Иш-ҳаракатнинг бўлиш пайтини, вақтини, баъзан ўрнини билдиради. Мас.: *Аның бирлә олтурур икки фариштә түнүн, икки фариштә күнүн* (Таф., 50*а*). *Ахшāм намāзы вақтын тәгдиләр, булар намāз оқыдылар* (Таф., 45 *б*). *Ахшāмын кāрвāн бир йәргә йәтти* (Саройи). *Кәнә ташқарун қалмасун, биллүг болсун* (ЎН, 54).

3. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш усулини, ҳолатини билдиради. Мас.: *Үнин йығлады* (Таф., 29 *б*). *Йол йаңылыб йолсызын бардылар* (Таф., 29 *а*). *Зинҳāр эрклиг қылмаң,*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*йумшақын сөзләң* (Рабғ., 85б). *Йалғузун барурда... ун эшиттим* (Рабғ., 7б). *Хэч қарынларыны көтру билмәсләр, йузун сурыйу йā тақы йанын сурыйу йурирләр* (Нaҳж. фар.). *Қой аны йалғузун, тамāшā қыл* (Саройи).

Мисоллардан кўриниб турибдики, восита келишигининг қадимги ёдгорликлардаги маънолари XIII—XIV асрларда ҳам асосан сақланган.

Восита келишиги XV асрга оид манбаларда, масалан, Лутфий, Отойи асарларида ҳам учрайди. Лекин бу даврда восита келишигининг истеъмол доираси чегараланган бўлиб, маъноси ҳам торайган. Мас.: *Фарйāд этәрәм тушкәли мэн йалғузун андын//ҳэч олды таным, қалды ҳамин йалғуз ун андын* (Лутф., 216 б). *Аҳ уруб, фарийāд этәр-мэн сэнсизин//бу вуҗудумдын қалыбтур йалғуз ун* (Лутф., 225 б). *Эй Атайи, гарчэ сэн дуйāи қылур-сэн қуллуғын...* (Отойи, 63 б). *Кэрәкмәс сэнсизин ваāллāҳ, мэңә җāн миннаты* (Отойи, 64 а).

Бу мисолларда восита келишиги формасидаги *йалғузун, сэнсизин, қуллуғын* сўзлари иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини, усулини, ҳолатини ифодалашига кўра равишга ўхшайди.

39-§. Туркий тиллар тараққиётининг кейинги даврларида восита келишиги ўзининг грамматик хусусиятини йўқотган ва келишик категорияси сифатида истеъмолдан чиққан. Эски ўзбек тилида, юқорида айтилганидек, бу форма XV асргача яшаб келган.

Восита келишиги формасидаги сўзларнинг бир қисми равиш категориясига ўтган. Равиш категориясига ўтиш асосан пайт билдирувчи сўзлар доирасида бўлган: *қышын, йазын, эртән, кэчин, кунун, тунун* каби. Бу сўзлар таркибидаги *-ын, -ин, -ун, -н* восита келишиги аффикси бўлиб, кейинчалик сўзнинг таркибий қисмига айланган ва бундай сўзлар равиш сифатида шаклланган.

Юқорида кўрсатганимиздек, восита келишигининг пайт маъносида қўлланиши қадимги ёдгорликлар тилида ҳам мавжуд бўлган. Демак, восита келишиги формасидаги сўзларнинг равиш категориясига ўтиш процесси қадимги ёдгорликлар ёзилган даврларданоқ бошланган.

## ОТ ЯСАЛИШИ

40-§. Эски ўзбек тилида асосан қуйидаги икки усул билан от ясалган: 1) морфологик усул (аффиксация); 2) синтактик усул (композиция).

Синтактик усул билан от ясалиши ҳозирги ўзбек тилидан деярли фарқланмайди. Мас.: *Қарабаш* (Таф., 27 б; Рағб., 30 а), *шабчырағ* (Нав. МҚ, 64), *алмабаш, чақырқанāт, тэмурқанāт* (Нав. МЛ, 185), *ичкуйәр* (Отойи, 65 б), *таш көңул*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Лутф., 185 *а*), *таш бағыр* (Отойи, 33 *б*), *оғул-қыз* (Таф., 16 *б*), *оғлан-ушақ* (Рабғ., 17 *б;* БН, 247; Ш. турк, 178), *ата-ана* (Ш. тар., 36), *аға-ини* (ШН, 166), *уруш-тоқуш* (ЎН, 51).

Эски ўзбек тилида ясама отларнинг асосий қисмини морфологик, яъни аффиксация усули билан ясалган отлар ташкил этади. Ясама отларнинг қандай маъно ифодалаши уларнинг қайси сўз туркумидан қандай аффикс билан ясалишига боғлиқ.

От ясовчи аффикслар қайси сўз туркумидан от ясашларига кўра қуйидаги икки группага бўлинади: 1) исмдан от ясовчи аффикслар; 2) феълдан от ясовчи аффикслар.

Кичрайтиш, эркалаш формаларини ясовчи аффикслар ҳам биринчи группага киради.

## Исмдан от ясовчи аффикслар

Эски ўзбек тилида асосан қуйидаги аффикслар билан исмдан от ясалган.

**41-§.** *-лық -лик//-лығ -лиг* аффикси. Таркибида (охирги бўғинида) лаб унлиси бўлган сўзларга *-луқ/-лук//-луғ/-луг* формаларида қўшилади. Мас.: *йоқлуқ, йаруқлуқ, улуғлуқ, мәнгүлүк//мәнгүлүг, көңүллүк//көңүллүг, муңлуғ, достлуғ, куруғлуғ* каби. Баъзан бу тартиб бузилади. Мас.: *күзәгүлик* (Таф., 26 *б*), *үзәгүлик* (Рабғ., 44 *а*), *йохсуллық* (Нав. МҚ, 137), *йарулық* (Ш. тар., 51).

Бу аффикснинг охирги ундоши жарангли [ғ, г] ёки жарангсиз [қ, к] тарзида келиши тарихан маъно фарқлаш билан боғлиқ бўлган, яъни жарангсиз ундошлар билан келган *-лық/ -лик//-луқ/-лук* вариантлари от ясовчи бўлиб, жарангли ундошлар билан келган *-лығ/-лиг//-луғ/-луг* вариантлари сифат ясаган. Бу ҳол «Девону луғотит турк»да акс этган. Маҳмуд Қошғарийнинг ўзи ҳам бу ҳодисага алоҳида эътибор бериб, XI аср тилида бу аффикснинг жарангсиз [қ, к] ундошлари билан келган вариантлари от ясаш учун, жарангли [ғ, г] ундошлари билан келган вариантлари сифат ясаш учун хизмат қилганини уқтирган (Қар.: МҚ, I том, 167, 459—460, 467—486-бетлар).

Кейинчалик бу тартиб туркий тилларда турлича акс этган. Масалан, ўғуз группасига оид туркий тилларда бу тартиб сақланган, яъни от ва сифат ясашда бу аффикс охиридаги ундошнинг жарангли ёки жарангсиз ҳолда келишига амал қилинган.

Ўзбек тилининг XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларида бу принципга асосан амал қилинган бўлса ҳам, баъзан унинг бузилиш ҳоллари ҳам учрайди. Мас.: *Маккалығларға ҳайр қылдылар* (Таф., 145 *б*). *Азāрлығ қылған турур* (Рабғ., 100 *а*). Бу мисоллардаги *маккалығ, āзāрлығ* сўзлари от бўлиб, одатда *маккалық, āзāрлық* формасида бўлиши керак

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. Қуйидаги мисолларда эса сифат ясовчи *-лығ* ўрнида от ясовчи *-лық* қўшилган: *М а з а л ы қ таāмлар йэдүрүр эрди* (Рабғ., 52 *а*). *Й а з у қ л у қ л а р н ы қорқутғачылар* (Таф., 4 *б*). Яна қиёсланг: *Қ а з ғ у л у ғ болды* (Рабғ., 58 *б*) — *Қ а з ғ у л у қ болды* (Рабғ., 89 *а*). *Ж ā ҳ и л л ы қ вақтында д у ш м а н л ы ғ бар эрди* (Таф., 45 *б*).

Юқорида бу аффикснинг қаттиқ вариантлари [-лық, -лығ] қўлланишига мисоллар келтирилди. Юмшоқ вариантлари [-лик, -лиг] нинг ҳар иккаласи хам араб ёзувида бир хил шаклда, яъни лому (ёю) коф (لیک ،لیگ) орқали ифодаланади. Шунинг учун бу вариантларнинг қўлланиш ўринларини қаттиқ вариантларга нисбатангина аниқлаш мумкин бўлади.

Ўзбек тилининг XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларида бу аффикснинг жарангли ёки жарангсиз вариантда қўлланиши чегараланмаган. Қиёсланг: *Й а х ш ы л ы қ қыла алмасаң* (Нав. МҚ, '156) — *Й а х ш ы л ы ғ н ы билмәсәң* (Нав. МҚ, 156). *Султāн Маҳмуд б а ш л ы қ афғāнлар* (БН, 476) — *Қāсим бэг б а ш л ы ғ бэгләрни йибәрилди* (БН, 101). *А ш л ы қ үчүн барды* (ШН, 81) — *А ш л ы ғ н ы алур болды* (ШН, 90). *Д о с т л у қ сөзини* (ШН, 129) — *д о с т л ц ғ гулшаныда* (Нав. МҚ, 81).

Келтирилган мисолларда *йахшы, баш, аш, дост* сўзларига бир ўринда *-лық*, бошқа ўринда *-лығ* қўшилган. Лекин ҳар иккала ҳолда ҳам от ясалган. Бу ҳолат XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларда кўп учрайди. Демак, эски ўзбек тилида от ясашда бу аффикснинг жарангли ёки жарангсиз вариантда қўлланиши деярли фарқсиз бўлган.

Сифат ясалиши ҳам шу хилда бўлган. Мисолларни қиёсланг: *Моъмин а т л ы қ бир оғлы бар эди* (БН). *«Ҳайāл ва висāл» а т л ы ғ китāбыда бир байты бар* (Нав. МН, 20). Бу мисолларнинг биринчисида *ат* сўзига *-лық*, иккинчисида *-лығ* қўшилиб сифат ясалган.

**42-§.** *-лық/-лик//-лығ/-лиг* (*-луқ/-лук//-луғ/-луг*) аффикси асосан от ва сифатларга, баъзан ҳаракат номи ва сифатдошга ҳам қўшилади.

Эски ўзбек тилида бу аффикс билан асосан қуйидаги отлар ясалган.

1. Абстракт белгини ифодаловчи от ясалади. Бу маъно асосан абстракт тушунчани билдирувчи отлар ёки аслий сифатларга қўшилганда англашилади. Мас.: *С а л ā м а т л ы қ болсун сизләргә* (Таф., 69 *а*). *Мэңә э з г ү л ү к қылды* (Рабғ., 53). *Йақшы бэгү бирлә д о с т л у қ қылды* (ЎН, 35). *Мэниң ш а й д ā л ы қ ы м н ы қылма айб* (Сакк., 26 *б*). *Көп қ а т т ы қ л ы қ тарттым* (БН, 124). *Қалдым ж у д ā л ы ғ дардыға* (Фурқ. I, 40).

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Конкрет тушунчани билдирувчи отларга қўшилганда, ҳолат, муносабат, алоқадорлик, бурч, вазифа каби маъноларни ифодаловчи отлар ясалади. Мас.: *Бу нэ хатунлуқ болур?* (Рабғ., 56*а*). *Фарзандлығ тарҳыны салыб* (Нав. ФШ, 145). *Аҳбāб, йигитликни ғанимат тутуңуз* (Нав. МҚ, 148). *Қылсун оғлумны оғуллуққа қабул* (ШН, 29). *Төрт ай хāнлық қылғандын соң* (Ш. тар., 49).

3. Шахс отларига қўшилганда, касб, ҳунар, мансаб маъносидаги от ясалади. Мас.: *Мусāны қойчылыққа тутды эрсэ,..* (Таф., 28 *б*). *Биз ма бөзчилик өгрэнэлим* (Рабғ., 11 *б*). *Мавлāнā Зулāлий... ғазлфурушлуқ қылур* (Нав. МН, 105). *Сангтарашлық қылур* (БН, 61). *Соңра сипāҳийлықны тарк қылыб* (БН, 203). *Элгэ көргүзгэй чопанлық* (ШН, 81).

*Қойчылық, бөзчилик* каби сўзлар таркибидаги *-чылық/чилик* аффикси икки мустақил аффикснинг бирикувидан ташкил топган: 1) *-чы/-чи* — шахс оти ясовчи аффикс (*қой-чы, бөз-чи*); 2) *-лық/-лик* эса бу ўринда шахс отидан касб, ҳунар маъносидаги от ясайди (*қойчы-лық, бөзчи-лик*).

Айрим ҳолларда бу аффикслар бир аффикс сифатида тасаввур қилинади. Мас.: *Ул вилāйат халқының уч хиссасы дэҳқāнчылық билэ тириклик қылсалар,..* (Фурқ. II, 126). *Қорқа-мэн улфатчилик барҳам йэгэй деб ортада* (Муқ., 69). *Бузуқчылық қылған... бу жамāат эдилэр* (БН, 203).

Бу мисолларда *дэҳқāнчылық, улфатчилик, бузуқчылық* сўзларидаги *-чылық* аслида икки аффиксдан (*-чы+лық*) иборат бўлса ҳам, бу ўринда бир аффиксга айланган, яъни бу сўзларни *деҳқāнчы, улфатчи, бузуқчы* формаларида ишлатилмайди.

Бундай сўзлар эски ўзбек тилида жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида анча кўпайган. Мас.: *деҳқончилик, пишиқчилик, хурсандчилик, қурғоқчилик, лойгарчилик, одамгарчилик, ўртоқчилик, хафачилик//хафагарчилик, тирикчилик.*

4. *-лық/-лик//-лығ/-лиг* аффикси ўрин билдирувчи отларга қўшилганда, шу ўринга алоқадорликни, муносабатни ифодаловчи от ясалади. Мас.: *Қалғанын маккалығларға хайр қылдылар* (Таф., 143 *б*). *Мир Ҳусайн машҳадлығдур* (Нав. МН, 127). *Анасы андижāнлық эди* (БН, 10). *Савдāгар исфахāнлық-мэн, тэди* (Ш. тар., 25).

43-§. *-чы/-чи* аффикси. Бу аффикс отга қўшилиб, касб, ҳунар маъносини ифодаловчи от ясайди. Мас.: *Ул қойчы анлар бирлэ барды* (Таф., 9*а*). *Зиндāнчы урмақны унамас эрди* (Рабғ., 60 *б*). *Хожа Фаҳриддин битигчи бāбыда ҳам нишāнлар ким, битилиб эрди,...* (Нав. Мнш., 9). *Андағ фурсат болмады ким, туғчы туғыны бағлағай* (БН, 131). *Кэмэчилэр кэмэ кэлтүрдилэр* (ШН, 130). *Андын соң*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*тэвэчилэр ачлық сабабдын балық авлар-биз тэб,..* (Ш. тар., 77). *Сабаб сорды ҳ а м м ā м ч ы қачқаныдын* (Муқ., 42).

Навоий *-чы/-чи* аффикси билан мансаб, ҳунар маъносидаги отлар ясалиши ҳақида гапириб, қуйидаги мисолларни келтирган: мансабни билдирувчи сўзлар: *қорчы, сувчы, хазиначы, кэрэк-йарағчы, чавғанчы, найзачы, шукурчы, йуртчы, шиланчы, ахтачы;* ҳунарни билдирувчи сўзлар: *қушчы, барсчы, қоруқчы, тамғачы, җибэчи, йорғачы, ҳāлвачы, кэмэчи, қойчы.* Қушчилик бўйича ишлатиладиган сўзлар: *қазчы, қувчы, турначы, кийикчи, товушқанчы* (Қар.: Нав. МЛ, 187).

*-ғу/-гү* аффиксли ҳаракат номи формасига *-чы -чи* аффикси қўшилиб, ўзакдан англашилган ҳаракатни билдирувчи шахс оти ясалади. Мас.: *Биз аны с а қ л а ғ у ч ы л а р-м и з* (Рабғ., 63 *а*). *Хушнавис кāтиб... с ө з л э г ү ч и г э ва к ө з л э г ү ч и г э āсāйиш йэткүрүр* (Нав. МҚ, 30). *Ишқдур а л ғ у ч ы кишварларны//ишқдур б у з ғ у ч ы лашкарларны* (ШН, 77). *Бу китāбны о қ у ғ у ч ы ва т и ң л э г ү ч и, албатта, түрк болғусы турур* (Ш. тар., 6). *Ҳурматлы ғазэт о қ у ғ у ч ы л а р ғ а маълум* (Фурқ. II, 154).

*-чы/-чи* аффиксининг феълга қўшилиб от ясалиши ҳам учрайди. Мас.: *Сэн ҳусн элиниң ҳāны-сэн-у банда т и л э н ч и* (Лутф., 167). *Өз атамызның а т а р ч ы с ы д у р ул* (ШН, 125).

*-чы/-чи* аффикси билан от ясалиши туркий тилларда қадимдан мавжуд ва у қадимги ёдгорликлар тилида ҳам акс этган. Бу аффикс билан от ясалиши XI асрда туркий тилларнинг барчаси учун умумий ҳолат эканлигини Маҳмуд Кошғарий уқдириб ўтган (Қар.: МК, II том, 54-бет).

44-§. *-даш/-дэш (-таш -тэш)* аффикси. Бу аффикс отга қўшилиб, биргалик, яқинлик каби маъноларни ифодаловчи от ясайди. Мас.: *Мэниң қ а р ы н д а ш л а р ы м индағ сақынғайлар* (Таф., 9 *б*). *Мэн қ о л д а ш л а р ы м бирлэ кэңэшэйим* (Рабғ., 86 *б*). *Кичик қ а р д а ш ы ҳāқāн болмыш эрди* (Нав. ФШ, 208). *К ө к э л т э ш н и түркчэ тил билэ дэрлэр* (Нав. МЛ, 185). *Ушбу қыш... бизниң билэ й о л д а ш л ы қ қыла алмас эдилэр* (БН, 119). *Болма ғамнāк қ а р ы н д а ш ы ң учун* (ШН, 73). *Эмди сэниң бирлэн қ а р ы н т а ш турурмиз* (Ш. тар., 47).

*-даш/-дэш* аффикси билан от ясалиши XI аср тили учун ҳам характерли бўлган. Маҳмуд Кошғарий бу аффикс билан от ясалиши ва унинг маъноси ҳақида маълумот берган (Қар.: МК, I том, 386-бет).

45-§. *-дуқ/-дүк, -дуруқ/-дүрүк, -чақ/-чэк* аффикслари отга қўшилиб қурол оти ясайди. Лекин эски ўзбек тилида бу аффикслар билан от ясалиши жуда каммаҳсул бўлган.

Мисоллар: *бурундуқ//бурундуруқ* (туянинг бурнига ўтказиладиган ҳалқа, жилов, нўхта), *бойундуруқ* (бўйинтуруқ),



www.ziyouz.com kutubxonasi

*қалғандуруқ* (уруш асбоби), *орундуқ* (ўриндиқ, ўтиришга мўлжалланган жой), *йарғучақ* (қўл билан дон майдалайдиган асбоб, қўл тегирмон). Бу сўзлар эски ўзбек тили бўйича тузилган «Санглаҳ», «Абушқа» каби луғатларда келтирилган.

*Арқа о р у н д у қ ы узә олтуруб, тәвәни тута билмәс* (Рабғ., 51б). *Сордылар: эй арабий, нә болдуң, тәвә сәңә бойун бәрмәс, сән тақы б у р у н д у қ тута билмәс-сән?* (Рабғ., 51 *б*).

«Девону луғотит турк»дан маълум бўлишича, бу аффикслар билан от ясалиши XI аср тилида ҳам мавжуд бўлиб, булардан *-дуруқ/-дүрүк* аффикси нисбатан маҳсулдор бўлган.

46-§. Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган ясама отларнинг бир қисмини эрон тилларидан ўзлаштирилган сўзлар ташкил этади. Масалан:

**-гар/-кāр** — шахс оти ясайди. Мас.: *савдāгар* (БН, 158), *ситамкāр* (Отойи, 11 *б*), *гунаҳкāр* (Ш. тар., 72);

**-ғой/-гой** — шахс оти ясайди. Мас.: *ғазалғой* (БН, 228 — ғазалчи, ғазал ёзувчи), *туркигой* (Нав. МН, 214 — туркий тилда ёзувчи);

**-бāз** — шахс оти ясайди. Мас.: *āташбāз* (ШН, 119 — оловкор маъносида);

**-зāр** — ўрин оти ясайди. Мас.: *гулзāр* (Сакк., 10 *б*), *арғуванзāр* (БН, 168 — чиройли қизил гуллар ўсадиган жой);

**ҳам-** — биргалик маъносини ифодаловчи от ясайди. Мас.: *ҳамдард* (Лутф., 167*а*), *ҳамдам* (Отойи, 29*а*), *ҳамрāҳ* (ШН, 212).

Юқорида эски ўзбек тилига эрон тилларидан ўзлаштирилган ясама отлардан намуналар келтирилди.

**47-§. Отларда кичрайтиш, эркалаш формалари.** Бундай формалар ёзма ёдгорликларда кам учрайдиган ҳодиса. Булардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

**-(л)ақ** — *кийикниң оғлақы* (Сакк., 8 *б*), *тайлақ* (Сангл.);

**-чақ/-чәк** — *тубучақ* (Нав. МЛ, 185) — отнинг кичкинаси, *кәлинчәк* (Фурқ. I, 55). *Тубучақ аты бәшумāр болуб эди* (БН, 52). Қиёсланг: *бақачуқ* (МК, III, 246) — бақанинг кичкинаси;

**-(ә)ч** — *бәкәч* (бу форма юқори табақага мансуб бўлган аёл маъносидаги *бәкә* сўзидан ясалган бўлиб, севикли, ҳурматли қиз ёки фуқаро қизи маъносини билдиради). Мас.: *Ишқ кә болса йаман-у йахшыдын, эй көңүл//йоқ тафāвут гар б ә к ә ч болса ва йāхуд гар мирак* (Навоий).

Қиёсланг: *атач оғул* (МК, I, 86) — ўзини катта кишилардек кўрсатувчи ўғил, *улыч* (ул<оғул+ыч) (МК, I, 86) — ўғилча маъносида, *анач* (МК, I, 86) — она қиз, яъни ўзининг зийраклиги билан ҳамманинг онасидек ҳисобланувчи ёш қиз, *бәкәч* (шаҳзодаларнинг лақаби): *бәкәч арслан тәгин* (МК, I, 339), *экәч* (МК, I, 86) — зийрак қиз;

**-ча/-чә** — *Бәг-у б ә г ч ә ва нокар-у сардāры тамāм зāлим ва фāсиқ эди* (БН, 21). *Батына алмас, аңа бир ч у қ у р ч а* —

www.ziyouz.com kutubxonasi

*катта чāҳ* (Муқ., 77). *Миқдāрын бэш газ кәвләгәндә, бир к ө з ә ч ә чықыбдур* (Фурқ. II, 148);

-ғына/-гинә — *Билмәдук қайсы п а р и в а ш ғ ы н а манзур эркән* (Мунис, 144).

Бу аффикснинг отларга қўшилиб кичрайтиш формасини ясаши ҳақида Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарида берилган қуйидаги изоҳ характерли: «Ләфзи «жāн» араб тили турур. Тажик «хуш» дэр ва өзбэк «тан» тэйүр. Ул кичиккинә маънисинә болур. Өзбэк аны *-ғына* тэйүр, гāҳи *-гинә* (*-кинә*) тэйүр, нэчүк ким, кичик атны *атғына* ва кичик кишини *кишигинә* тэйүр» (Ш. турк, 103).

Кичрайтиш формасини ясовчи *-ғына/-гинә* аффикси XI асрда *-қыйа/-кийә* формасида ҳам қўлланган. Мас.: *оғулқыйа* — ўғулча, *қызқыйа* — қизча, *эркийә* — кичкина киши, *йәркийә* — кичиккина, озгина ер (МК, III, 184—185).

## Феълдан от ясовчи аффикслар

Эски ўзбек тилида феълдан от ясовчи аффикслар ҳам анчагина сонни ташкил этади. Лекин буларнинг бир қисми каммаҳсул бўлиб, айрим феъллардангина от ясайди.

48-§. *-қ -ғ /-к -г* (ундошдан кейин: *-ақ -ағ/-әк/-әг*, *-ық/ -ығ/ -ик/ -иг*, *-уқ -уғ -үк -үг*) аффикси. Мас.: *йарақ//йарағ, сорақ//соруғ, қонақ//қонуқ, қылық, сатық//сатығ, тануқ, йазуқ, өлук, төшәк, битиг.*

Бу аффикс билан ясалган отлар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Конкрет предметни билдиради: Мас.: *Т ө ш ә к д ә йатур эрди* (Таф., 28 *а*). *Пайғамбар б и т и г изә бэрди* (Рабғ., 41 *а*). *Бу й а р а ғ бирлә йэтишти лашкар* (ШН, 87). *Ағзы муҳрлуқ б и т и г н и оқуб,..* (Нав. Мнш., 10).

2. Феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатнинг процессини кўрсатади. Мас.: *Йана төрт йүз қул бирлә с а т ы ғ қылурлар эрди* (Рабғ., 77*а*). *Т и л ә к л ә р туш болур йрэ саҳарда* (Отойи, 5 *б*). *Йоқ эди мāл-у қыз алурға с о р у ғ* (ШН, 154).

3. Ҳолатни билдиради. Мас.: *Ҳэч киши т и р и к болмады эрсә,..* (Рабғ., 134 *а*). *Эл ө л ү к н и йāд этәрләр кэ,..* (Отойи, 48 *б*). *Т и р и г и м т и р и к дэмәңләр, ө л ү г ү м ө л ү к, шумарā* (Фурқ. II, 43).

4. Белги, хусусиятни билдиради. Мас.: *Бу к ө р к, бу қ ы л ы қ бирлә сатылғу қул эрмәз, бир ағырлығ пāдшāҳ турур* (Рабғ., 57 *а*). *Бу Лутфий қул нэ й а з у қ қылмыш эрди ким,..* (Лутф., 170 *а*). *Гар т а н у қ истәр эсәң бу сөзгә//Сарипул тәгрәсиди чық түзгә* (ШН, 47).

5. Шахсни билдиради. Мас.: *Ибрāҳимниң āдаты ул эрди: қ о н у қ қ а аш қойуб өзи чықар эрди, қ о н у қ л а р офта-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*мадын йэсүҳләр тэб* (Рабғ., 39 *а*). *Унамадылар ким, қ о н у қ тутсалар уларны* (Таф., 6 *б*). *Ҳар бири бир кишигә болды қ о н а қ* (ШН, 26).

*-қ/-ғ//-к/-г* аффикси *-ла/-лә* аффикси билан ҳосил бўлган феълларга қўшилганда *(-ла + қ, -ла + ғ)*, ўрин маъносидаги от ясалади: *авлақ* (ов қилинадиган жой), *қушлақ* (қуш кўп жой), *отлақ* (ўт кўп жой), *қышлақ//қышлағ* (қишлайдиган жой).

Мисоллар: *О т л а ғ ы м ы з н ы, с у в л а ғ ы м ы з н ы қурытур* (Рабғ., 30 *б*). *Умид ул ким, банда йэткүнчә й а й л а қ л а р д а болғайлар* (Нав. Мнш., 10). *Хожандның а в л а ғ ы ва қ у ш л а ғ ы бисйāр йахшыдур* (БН, 5). *Мэни өлтүрмәгил а в л а қ ичиндә* (ШН, 114). *Ул йэр т у з л а қ эрди* (Ш. тар., 11).

49-§. *-вул* аффикси маълум группа феъллардангина от ясайди. Навоий бу аффикс билан ҳарбий ва сарой лавозимларини билдирувчи от ясалишини айтиб, қуйидаги мисолларни келтирган: *хыравул* (олдинда борувчи отряд), *қаравул* (соқчи, қоровул), *чындавул* (ҳарбий юришда асосий кучлардан кейинда борадиган қисм), *йанқавул* (сув ташувчи), *сазавул* (адъютант), *патавул* (қалъа соқчиси), *йасавул* (бошлиқ, сардор), *бакавул* (дастурхончи), *шығавул* (элчини кузатиб борувчи), *дақавул* (хизматкор, кузатувчи) (Қар.: Нав. МЛ, 188).

Мисоллар: *Й а с а в у л кэ, бир мазлум иши кэйничә барғай ва ул мазлумны зāлымдын қутқарғай* (Нав. МҚ, 18). *Қул Байāзид б а к а в у л йалғуз йаланғач ат билә аларның муқāбаласыдын өзини сувға салды* (БН, 185). *Ушбу сөзләр билә у л й у р т а в у л//салыбан илгәри соң ч а ғ д а в у л* (ШН, 128). *Тоғрул бэг... тақы узақ қ а р а в у л салды* (Ш. тар., 61).

*-вул* аффикси билан баъзан қуш номлари ҳам ясалади. Қиёсланг: *Қушлуқ-у ытлық йигитләр барыб т у т қ а в у л н ы сахлаб, кийик алдурурлар* (БН, 175). *Қ ы р ғ а в у л боғларыда сансыз* (ШН, 97).

50-§. *-л* аффикси ҳам шаклан, ҳам мазмунан *-вул* аффикси билан боғлиқ. Навоий *-л* аффикси билан ясалган отлар ҳақида гапириб, қуйидаги мисолларни келтирган: *йасал* (қўшин сафи), *қабал* (қамал, ўраб олиш), *тутқал* (хазиначи, қимматбаҳо нарсаларни сақловчи), *тусқал* (соқчи, қоровул), *сойурғал* (ҳисса, инъом, мукофот) (Қар.: Нав. МЛ, 188).

Мисоллар: *Султāн инъāм-у с о й у р ғ а л ы н көзгә илмәди* (Нав. МҚ, 76). *Икки ай ким, қ а б а л эрди анда//аз киши қалды ошал қорғанда* (ШН, 43). *Й а с а л д а бири йуқары турғай* (БН, 123).

51-§. *-қақ -кәк* аффикси билан предмет ёки белги номини ифодаловчи от ясалади. Мас.: *батқақ* — ботқоқлик жой,

www.ziyouz.com kutubxonasi

*басқақ* — солиқ ундирувчи (Сангл.), *эшкэк* — қайиқ эшкаги (Абушқа).

*Бэглэриң көни аймыш... қ а ч қ а қ турур тэб* (Рабғ., 49 *а*). *Кэрэкмэс мэңэ қачқақ йүзи* (ШН, 110).

52-§. *-ғын/-қын/-ғун/-қун* аффикси билан белги, хусусиятни ифодаловчи от ясалади. Мас.: *тутғун* — асир, *қавғун* — қувғин, (Маб. луғ.). *Қ а ч ғ ы н ғ а ул элдин қачыб, тағқа йүзлэниб бардылар* (Таф., 9 *а*). *Сэни с а т ғ ы н алыб āзāд қылғам* (Рабғ.). *Сэниң үчүн с а т қ у н алалы* (Нав. МҚ, 168). *Таңласы ч а п қ у н йибэрилди* (БН, 281).

53-§. *-қыч/-кич/-ғич/-гич (-қуч/-күч/-ғуч/-гүч)* аффикси билан предмет, қурол оти ясалади. Мас.: *басқыч* — *босқич*, *сүзгүч* — сузгич (Сангл.), *салынгач* — беланчак, арғимчоқ (Абушқа). *Қапулуғ эрди, а ч қ ы ч йоқ эрди* (ЎН, 49). *Лаъим тифлниң й э л п ү г ү ч билэ варақны савурмағы кудурат йэткүрүр* (Нав. МҚ, 116). *Бэрмэгэй т у т қ у ч мисāлы сабчыбан оғры мышық* (Муқ., 76).

54-§. *-(ы)н/-(и)н* аффикси билан ҳаракат процессини, натижасини билдирувчи от ясалади. Мас.: *йығын* — йиғин, оломон, *чақын* — чақмоқ, *йағын* — ёмғиргарчилик (Маб. луғ.). *Дағы Ҳисāрның баҳāр й ы ғ ы н л а р ы җиҳатыдын ҳам чэрик ҳāлы аз ташвиш эмэс эрди* (БН, 44). *Ул й ы ғ ы н д ы н соң аларны тэрэли* (ШН, 164). *Қуртыш тэгэн җāйда э к и н экиб,..* (Ш. тар., 71).

55-§. *-ғу/-гү* аффикси билан предметни ёки ҳаракатнинг белгисини ифодаловчи от ясалади. Мас.: *сорғу* — сўроқ, талаб, *бэргү* — қайтариб бериладиган нарса (Маб. луғ.). *Т ө ш э н г ү л э р и қамуғ алтундын* (Таф., 96 *а*: *төшэнгү* — кўрпача). *Күндин-күнгэ с э в г ү с и зийāд болур эрди* (Рабғ., 52 *а*). *Көрүб к ө з г ү д э Маҗнун болмыш эрди* (Нав. ФШ, 114: *көзгү* — ойна). *Ү з э н г ү г э айағын тирэр* (Муқ., 39).

56-§. *-нч* (ундошдан кейин: *-ынч/-инч/-унч/-үнч)* аффикси билан абстракт маънодаги от ясалади. Мас.: *Маликниң көңлингэ қ о р қ у н ч түшти* (Таф., 129 *б*). *Оғуз қаған с э в и н ч бирлэ күлдү* (ЎН, 48—49). *Барған элчигэ с э в и н ч и бэриңиз* (ШН, 151). *Қ о р қ у н ч д ы н ҳэч нимэрсэ айта билмэдилэр* (Ш. тар., 25).

57-§. *-(у)ш/-(ү)ш* аффикси билан иш-ҳаракат процессини, ҳолат маъносини билдирувчи от ясалади. Мас.: *Иш т о қ у ш қ а тэгди, тоқушдылар* (Таф., 10 *а*). *Араларыда у р у ш болуб,..* (БН, 123). *Й у р у ш йарағыны қайда билгэйлэр* (БН, 343). *Ул дағы йахшы қылур эрди с а в а ш* (ШН, 138). *Йайны күн т у ғ у ш ы н д а.., оқларны күн б а т ы ш ы тарафыға... қойғыл* (Ш. тар., 26).

58-§. *-ма/-мэ* аффикси билан предметни ёки ҳолатни билдирувчи от ясалади. Мас.: *қавурма, басма* — бурилиш, мую-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиш, эгик, букик, *асма* – осма (Маб. луғ.). *Йā атамның туғмалары, йā қарындашларым, ҳэч билүр-му-сизләр ким,..* (Таф., 23 *а*). *Мэним туғмам тақы тирик болса эрди* (Рабғ., 64 *а*). *Т'рлүг сурмалар... ашадылар* (ЎН, 32). *Нэчүк ким, агар мундақ улуғ қар болмаса, индақ бэрāҳ учма ва сэкиртмәдин ким өтә алғай эди* (БН, 247).

59-§. Юқорида келтирилган феълдан от ясовчи аффиксларнинг айримлари каммаҳсул бўлган.

Эски ўзбек тилида феълдан от ясовчи яна бир группа аффикслар мавжуд бўлиб, буларнинг истеъмол доираси айрим феъллардангина от ясаш билан чегараланган:

-(а)т/-(ә)т — *Бу өләтдин мэни хāн айырсун* (ШН, 44);

-(у)м/-(ү)м — *Ҳаргэз өлүмни āрзу қылмазлар* (Таф., 88 *б*). *Байлар өлүмин унутдылар* (Ш. тар., 44);

-(ә)гәч — *күләгәч* — хушчақчақ, қувноқ (Маб. луғ.);

-чаң — *соғулчаң* — чувалчанг (Сангл.);

-чақ — *салынчақ* — беланчак, арғимчоқ (Абушқа), *тайанчақ* — тиргак, тирговуч (Сангл.);

-дақ — *боғурдақ* — бўғин (Сангл.);

-руқ/-руғ — *тутруқ* — тутам, боғлам (Сангл.), *басруғ* — пресс, исканжа, тахтакач (Абушқа);

-мур — *йағмур* — ёмғир (Таф., 71 *а*). Қиёсланг: *йамғур* (Отойи, 19 *б*);

-мач — *буламач* — ундан тайёрланган овқат, *тутмач* — угра ош (Сангл.), *қовурмач* — қовурма (Абушқа);

-мақ — *йашунмақ* — бекинмачоқ: *Тиләб көңлүм сэниң ағзыңны тапмас//кичик үчүн магар ойнар йашунмақ* (Лутф., 194 *б*); *чақмақ* — яшин, чақмоқ: *Мени өлтүргәли ул көзи отлуқ//көңүлни таш этәр, ғамзаны чақмақ* (Лутф., 194 *а*);

-шы — *қоншы* — қўшни: *Йохсуллық ул эвдин кэткәй тақы қоншылардын* (Таф., 146 *б*).

## СИФАТ

60-§. Эски ўзбек тилидаги сифатлар ҳам характерига кўра икки группага бўлинади: 1) аслий сифатлар; 2) нисбий сифатлар.

I. Аслий сифатлар эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек тилидагидек предметнинг ранги, туси, ҳажми, шакли каби маъноларни билдириш учун хизмат қилади. Мас.: *қара сач ҳалқасы* (Лутф., 174 *а*), *сарығ йүз* (Сакк., 22 *а*), *ширин сөз* (Сакк., 15 *а*), *сучук сөз* (Отойи, 73 *а*), *аччығ тил* (Нав. МҚ, 125), *йахшы мэвасы бudур* (БН, 366); *йаман кāтиб манзили* (Нав. МҚ, 31); *узун йаш* (Лутф., 213 *а*), *улуғ қабила тақы кичик қабила* (Таф., 47 *б*), *йаңы ай* (Отойи, 18 *б*), *эски шāл*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Отойи, 12 *б*), *қары киши* (Ш. тар., 47), *тоғры йол* (Лутф., 189 *б*).

II. Нисбий сифатлар турли сўзларга сифат ясовчи махсус аффикслар орттириш йўли билан ҳосил бўлади (бу ҳақда қуйида махсус тўхталади).

## СИФАТ ЯСАЛИШИ

61-§. Эски ўзбек тилида ҳам сифат морфологик (аффиксация) ва синтактик (композиция) йўллар билан ясалган.

1. Синтактик йўл билан сифат ясалиши одатдагича бўлиб, бундай сифатлар қўшма ёки жуфт сўзлар формасида бўлади. Мас.: *қара йузлук башы* (Нав. МҚ, 31); *қара тамғалық ай* (Лутф., 212 *б*); *көк йаллуғ бөри* (ЎН, 38), *түрлүк-түрлүк таӣмлар* (Рабғ., 57 *б*), *қаттиқ-қаттық āвāз* (Ш. түрк, 12); *паст-паст тикәнләр* (БН, 174).

2. Морфологик йўл билан исмлардан ва феъллардан сифат ясалади.

### Исмдан сифат ясовчи аффикслар

62-§. *-лық/-лик/-лығ/-лиг (-луқ/-лүк/-луғ/-лүг)* аффикси (фонетик вариантлари ҳақида «От ясалиши» бўлимига қаранг: § 41).

Эски ўзбек тилида бу аффикс от ясашда ҳам, сифат ясашда ҳам маҳсулдор бўлган (Қар.: §§ 41, 42).

Бу аффикс билан ясалган сифат сўз ўзагида ифодаланган предмет, белги, хусусиятга эгаликни билдиради. Мас.: *Башир а т л ы ғ оғлы бар эрди* (Рабғ., 70 *а*). *Йақшы к ө р к л ү г бир қыз эрди* (ЎН, 28). *Айā, гул ч ә ҳ р а л и к сарв-у равāным* (Отойи, 38 *а*). *Сарв б о й л у қ лāла рухсāрым қаны?* (Нав. ЛТ, 120). *Тағлары тамāм а р ч а л ы қ қалын болур* (БН, 173). *Күйди бу ғам билә м у ң л у ғ жāны* (ШН, 175).

63-§. *-лы/-ли/-лу/-лү* аффикси. Лаб унлиси билан келган *-лу/-лү* вариантлари одатда таркибида (охирги бўғинида) лаб унлиси бўлган сўзларга қўшилади. Лекин унинг аксича бўлиш ҳоллари ҳам кузатилади. Қиёсланг: *ай йүзлү дилбар* (МН, 302 *а*), *татлу хурма* (Таф., 18 *а*), *көзләри сурмалу... оттуз үч йашлу* (Таф., 69 *а*), *наргис көзли, ширин сөзли* (МН, 308 *б*), *йазуқлы Саккāкий* (Сакк., 17 *б*).

Бу аффикс билан ясалган сифатлар ҳам сўз ўзагидан англашилган предмет, белги, хусусиятга эгаликни билдиради. Мас.: *Булар халқлар ичиндә қаттық қ ө ң ү л л ү турур* (Таф., 45 *б*). *Кәл, әй ай й ү з л ү дилбар, тут бирәр қуш* (МН, 302 *а*). *Бир дам рақиб элкидин қашында//көз йашы м ә ң и з л и, турса болмас* (Лутф., 190 *а*). *Улуғ д а в л а т л ы... болғусы ту-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*рур* (Ш. тар., 14). *Ҳ у р м а т л ы газэт оқуғучыларға маълум* (Фурқ. II, 154).

«Тафсир»да бу аффикс такрорланиб қўлланиб (*-ли≈-ли*), боғловчи вазифасини ҳам бажарган. Мас.: *Йэтти т ү н л и - к ү н л и ул бостāн ичиндэ қалды* (Таф., 12 *а*). *Азрылмақлық турур м э н л и - с э н л и ара* (Таф., 11 *а*). Бу мисолларда *түнли-күнли, мэнли-сэнли* формалари «тун ва кун», «мэн ва сэн» маъносида бўлиб, бундаги *-ли≈-ли* боғловчи вазифасида келган.

*-лы/-ли//-лу/-лү* аффикси *-лығ/-лық//-лиг/-лик* (*-луғ/-луқ //-лүг/-лүк*) аффиксидан ривожланган. Юқорида айтилганидек, *-лығ/-лық//-лиг/-лик* аффикси ўтмишда ҳам от ясовчи, ҳам сифат ясовчи вазифасини бажарган (Қар.: § 41). *-лы/-ли// -лу/-лү* аффикси шакллангач, *-лығ/-лық//-лиг/-лик* аффиксининг функцияси чегараланиб, асосан, от ясаш вазифасини бажарадиган бўлган.

*-лы/-ли//-лу/-лү* аффикси билан сифат ясалиши эски ўзбек тилида жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, асосан, XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда кузатилади. Ўзбек тилида бу аффикс билан ясалган сифатларнинг актив қўлланиши кейинги даврлардан, асосан, XX аср бошларидан — ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиш даврларидан бошланган.

Ўғуз группасига оид туркий тилларда, масалан, озарбайжон тилида бу аффикс анча қадимдан шаклланган бўлиб, сифат ясашда актив қўлланиб келган.

**64-§.** *-сыз/-сиз//-суз/-сүз* аффикси маъно жиҳатдан юқоридаги аффиксларнинг антоними ҳисобланади, яъни бу аффикс билан ясалган сифат сўз ўзагидан англашилган предмет, белги, хусусиятнинг йўқлигини кўрсатади. Бу аффикс асосан от ва кишилик олмошларидан сифат ясайди. Мас.: *Қапуғың эшики й а р а ғ с ы з турур* (Рабғ., 31 *б*). *Васл ношы дунйāда болмас, Атайи, н и ш с и з* (Отойи, 44 *а*). *В а ф ā с ы з бэҳайāлар аларны унутубтурлар* (Нав. МҚ, 114). *Б ā д а с ы з йоқ эди бир вайрāна* (ШН, 104). *М ā л с ы з л ы қ ы н унутды* (Ш. тар., 44). *Жāн-у көңулдэ йоқтур с э н с и з қарāр-у āрāм* (Фурқ. II, 77).

Бу аффикс таркибидаги лаб гармониясининг таъсирида изчиллик йўқ. Қиёсланг: *йолсуз* (Рабғ., 137 *а*), *йазуқсыз* (Таф., 38 *б*; Рабғ., 90 *б*), *булутсыз* (Лутф., 217 *а*).

**65-§.** Эски ўзбек тилида *-бэ* префикси билан ясалган сифатлар ҳам анча кенг қўлланган. Бу сифатлар эрон тилларидан ўзлаштирилган бўлиб, маъно жиҳатдан *-сыз/-сиз//-суз/-сүз* аффикси билан ясалган сифатга яқин туради. Мас.: *Алдың б э ч ā р а Лутфий көңлини* (Лутф., 214 *а*). *Б э н и қ ā б чыққыл уйуңдын* (Отойи, 16 *а*). *Йалған сөз дэгүчи сөзин б э ъ - э т и б ā р қылур* (Нав. МҚ, 162). *Б э ф а ҳ м - у б э в а ф ā*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*ва харӣмнамак киши эди* (БН, 36). *Қылмасайдың бэвафāлик кāшкэ* (Фурқ, I, 97).

66-§. *-қы,-ки -ғы -ги* аффикси пайт ва ўрин билдирувчи сўзларга қўшилиб, пайтга, ўринга муносабатни, хосликни кўрсатади. Мас.: *Мэңэ қышқы нэъматны йай бэрур эрдиң, йайқы мэваны қыш бэрур эрдиң* (Таф., 18*а*). *Байақы арабий йана кэлди* (Рабғ., 52 *а*). *Ул бурунқы аҳд-у паймāн қайдадур* (Лутф., 221 *б*). *Дāимғы дастур билэ... зāҳир болғай* (Нав. Мнш., 15). *Ташқарығы лашкар мулāҳазасы билэ... бара алмаслар* (БН, 259). *Ташқы эл барча бу ишни билди* (ШН, 64). *Оғуз соңғы алған хатуныны сэвэр* (Ш. тар., 15).

67-§. *-дақы/-дэки -дағы -дэги* аффикси. Бу аффикс тузилиш жиҳатдан мураккаб бўлиб, ўрин-пайт келишиги [-да/-дэ] аффиксига сифат ясовчи *-қы/-ки//-ғы/-ги* аффикси қўшилиши билан ҳосил бўлган.

Бу аффикс ҳам ўрин ва пайт билдирувчи сўзларга қўшилиб, ўринга, пайтга муносабатни билдирувчи сифат ясайди. Мас.: *Кэлтургил таңдақы ашымызны* (Таф., 10 *б*). *Ул кэнддэги кишилэр кэлиб турур* (Рабғ., 66 *а*). *Икки көз йолыдын төккэй йурэкимдэги қанымны* (Сакк., 22 *а*). *Ҳиндустāндағы бэглэргэ ҳукм болды ким,..* (БН, 334). *Андағы эл йузидин кэткэндур* (ШН, 152). *Мэниң көңулумдэги аҳвāл бөлэк āдамларға маълум эмэсдур* (Фурқ. II, 131).

## Феълдан сифат ясовчи аффикслар

68-§. *-ғ,-қ -к* (ундошдан кейин: *-ығ-ық -ик -уғ -уқ -ук)* аффикси феъл ўзагидан англашилган ҳаракат ёки ҳолат билан боғлиқ бўлган белгини билдиради. Мас.: *Қуруғ таш узэ олтурса эрди* (Таф., 10 *а*). *Қаттық ғурбат ара ҳāлың нэ эркин//аччық фурқатда аҳвāлың нэ эркин?* (Нав. ФШ, 172). *Дэгэй-сэн ким, йатыбдур бир кэсук баш* (Нав. МҚ, 7). *Бу руд қуруқ руддур, мунда ҳаргэз сув болмас* (БН, 190). *Болман āшифта бузуқ кишвар учун* (ШН, 155). *Бузуғ эл хāтирини шāд этти* (ШН, 81).

69-§. Эски ўзбек тилида феълдан сифат ясовчи яна айрим аффикслар мавжуд бўлиб, уларнинг қўлланиши анча чегараланган ва баъзи феъллардангина сифат ясайди. Булардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

-ун — *Йузи толун ай-тэк болғай* (Таф., 61 *б*). *Нэдин толун ай йузуң илэ ҳусн талашур?* (Отойи, 20 *б*).

-ри — *Қуйы эгрилиги чыңдур* (Лутф., 180 *б*).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ

Эски ўзбек тилида ҳам сифатнинг қиёсий ва орттирма даражаларини ифодаловчи махсус формалар мавжуд бўлган.

### Қиёсий даража

70-§. Сифатларда қиёсий даражани ифодалаш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилган.

**Синтактик усул.** Бу усул сифатга *-рақ/-рәк* аффиксини орттириш йўли билан ҳосил бўлади. Қиёсий даражанинг бу формаси сифатда ифодаланган белгининг камлигини, кучсизлигини кўрсатади. Мас.: *Ул йахшырақ турур сизгә* (Таф., 77 *б*). *Қайу эт татлырақ болса,..* (Рабғ., 16 *б*). *Ул улуғрақ киши ҳуд Шайх Камāл эрмиш ким,..* (Нав. МН, 46). *Йана бир буднадур.., қызылрақ ранги бар* (БН, 362). *Бизләрға ҳалифа Аҳмадҗāн нāмлик бир каттарақ бали эрди* (Фурқ. II, 133).

*-рақ/-рәк* аффикси равишларга, миқдор билдирувчи сўзларга, умуман, ҳаракат ёки ҳолат белгисини кўрсатувчи сўзларга қўшилганда, ҳаракат ёки ҳолат белгисининг камлигини кўрсатади: *тэзрәк йүрди, көпрәк кэлтирди, азрақ бэрди* каби («Равиш» бўлимига қаранг: § 313).

**Аналитик усул.** Бу усул чиқиш келишиги аффикси ёрдамида ҳосил бўлади. Мас.: *Жāндын артуқ мэҳрибāнымға салāм* (Лутф., 222 *б*). *Эй җāндын артуқ сэвгәним, қасд этмә āхир җāныма* (Сакк., 17 *б*). *Мундын йахшы ат болмас* (Ш. тар., 44).

Эски ўзбек тилида бу усул нисбатан кам қўлланган.

**Мураккаб усул.** Бу усул синтактик ва аналитик усулларнинг бирикувидан ҳосил бўлиб, эски ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган. Мас.: *Қамуғдын азизрәк достум Муҳаммад турур* (Рабғ., 95 *а*). *Өзгәләрниң васлыдын йахшырақ мэңә бу интизāр* (Отойи, 19 *а*). *Андын қаттықрақ ҳāл бардур* (Нав. МҚ, 170). *Андын эътибāррақ ва эхтийāррақ киши йоқ эди* (БН, 197). *Йаш билә дағы кичикрәк барыдын//бахт илә бары бийикрәк барыдын* (ШН, 153). *Мундын йахшырақ гувах болмас* (Ш. тар., 54).

### Орттирма даража

71-§. Эски ўзбек тилида сифатлардаги орттирма даража маъноси асосан *бэҳад, бисйāр, ғāйат, асру* каби сўзлар ёрдамида ифодаланган. Мас.: *Ишқ бэҳад йырақ дурур андын*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Нав. СС, 60). *Тала оты бисйāр йахшы болур* (БН, 167). *Қой билә мэвамыз асру көптур* (ШН, 52).

XIII—XIV асрларда сифатлардаги орттирма даража маъноси *йавлақ* (жуда, энг) сўзи орқали ифодаланган. Мас.: *Йавлақ йахшы ҳукм қылмыш* (Таф., 39 б). *Сара йавлақ көрклүк эрди* (Рабғ., 28 б).

## Белгининг ортиқлиги ёки камлигини ифодаловчи формалар

**72-§. Белгининг ортиқлигини ифодаловчи формалар.** Булар интенсив формалар номи билан ҳам аталади.

Интенсив формаларнинг тузилиши бўйича эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тили ўртасида деярли фарқ йўқ. Навоий ўзининг «Муҳокаматул луғатайн» асарида бундай формалар ҳақида гапириб, қуйидаги мисолларни келтирган: *ап-пақ, қап-қара, қып-қызыл, йуп-йумалағ, йап-йассы, ап-ачығ, чуп-чуқур, көм-көк, йәм-йәшил, бом-боз* (Нав. МЛ, 188).

Мисоллар: *Ануң башы соғуқтан апақ турур* (УН, 47). *Ҳәч ким жаҳāнда көрмәди оқ йаны қап-қара* (Лутф., 213 а). *Бу йол түп-түз йолдур* (БН, 160). *Мэн сап-сағ туруб, бир бөләк өзини масти шарāб қылғайлар* (БН, 304). *Сухāн ташы хушранг қып-қызыл боладур* (БН, 164).

Қиёсланг: *ап-ақ, көп-көк//көм-көк, әп-әзгү, сап-сарығ, өп-өрүң* (оппоқ), *йап-йазы* (теп-текис), *йап-йашыл* (МҚ, I, 70, 71, 316, 317, 355; III, 26).

Интенсив форма бир хил сифатнинг айнан такрорланиш йўли билан ҳам ҳосил бўлади. Мас.: *Қабағлары кәң-кәң, ағызлары тар* (Нав. МЛ, 181). *Улуғ-улуғ гуллар қуйруғының учигәчә бардур* (БН, 359), *Йүргәндә қаттық-қаттық āвāз қылур* (Ш. турк, 12). *Йахшы-йахшы мунда тā биз-дәк йаманлар, ассалāм* (Муқ., 115). *Катта-катта мойсафидләр* (Муқ., 73).

**73-§. Белгининг камлигини ифодаловчи формалар** қуйидаги йўллар билан ҳосил бўлади:

а) аслий сифатларга *-(у)мтул -(ү)мтүл, -чыл, -чил* аффикслари қўшилади. Мас.: *қызымтул, қарамтул, ағымтул, йашымтул* (Маб. луғ.). *көкүмтүл* (Абушқа), *ақчыл* (Сангл.);

б) Сифатларга *-ғына/-гинә* аффикси қўшилади. Мас.: *Йахшығына табъ насиби болубтур* (Нав. МН, 124). *Йана биргинә уйдур, кичиккинә уйдур* (БН, 358). *Йахшығына мазасы бар* (БН, 368). *Катта ва йā кичкинә болмай Жожам болсун васат* (Муқ., 115).

www.ziyouz.com kutubxonasi

# СОН

74-§. Эски ўзбек тилида ҳам соннинг ҳозирги ўзбек тилидаги турлари мавжуд бўлган: *саноқ сон, тартиб сон, жамловчи сон, дона сон, чама сон, тақсим сон, каср сон.* Шу билан бирга, бу сонларнинг ифодаланиши ва формалари бўйича эски ўзбек тилининг ўзига хос томонлари ҳам бор.

## САНОҚ СОН

75-§. Саноқ сонлар эски ўзбек тилида ҳам тузилиши жиҳатдан содда ва составли бўлган.

Саноқ сонлар содда турининг умумий кўриниши қуйидагича:

| Бирликлар | Ўнликлар | Юз, минг в. б. |
|---|---|---|
| бир—1<br>ики, икки —2<br>үч—3<br>төрт—4<br>бэш—5<br>алты—6<br>йэти, йэтти —7<br>сэкиз, сэккиз —8<br>тоқуз, тоққуз —9 | он—10<br>йигирми, йигирмэ —20<br>отуз, оттуз —30<br>қырқ—40<br>элик, эллик, эли, элли —50<br>алтмыш—60<br>йэтмиш—70<br>сэксэн—80<br>тоқсан, тохсан —90 | йүз—100<br>мың—1.000<br>түмэн—10.000<br>лак—100.000<br>йүз түмэн—1.000.000 |

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида 2, 7, 8, 9, 30, 50 сонлари таркибидаги ўртада келган ундош иккиланади: *икки, етти, саккиз, тўққиз, ўттиз, эллик.* Эски ўзбек тилида эса ёзувда бир белги билан берилган бўлиб, ўрнига қараб икки хил талаффуз қилинган: *ики//икки, йэти//йэтти, сэкиз//сэккиз, тоқуз//тоққуз, отуз//оттуз, элик//эллик.*

20 сони XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда асосан *йигирми* формасида охирги унлиси [и] билан қўлланган. XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларнинг айримларида *йигирми* охирги унлиси [и] билан, айримларида *йигирмэ* охирги унлиси [э] билан учрайди.

20 сони Ўрхун-енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида ҳам *йигирми* формасида охирги унлиси [и] билан ёзилган. Маҳ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

муд Кошғарийнинг кўрсатишича, XI аср тилида асосан *йигирмә* формасида охирги унлиси [ә] билан берилган бўлиб, баъзан *йигирми* формасида охирги унлиси [и] билан ҳам талаффуз қилинган (Қар.: МК, III, 55-бет).

50 сони XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримларида охирги ундоши тушиб қолгани ҳолда *эли* (≈*элли*) формасида ҳам қўлланган. Мас.: *алты йүз э л и ики* (Таф., 118 *б*), *тоқуз йүз э л и тоқуз* (Таф., 108 *а*), *йэтти йүз э л л и төрт* (МН, 312 *а*).

50 сонининг *эли* (≈*элли*) формасида қўлланиши озарбайжон, турк ва бошқа ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли.

80, 90 сонлари *сэкиз, тоқуз* сонларига *он* сонининг қўшилиш йўли билан ҳосил бўлиб (*сэкиз он, тоқуз он*), *сэксән, тоқсан* формалари кейинги даврларда вужудга келган. *Сэкиз он, тоқуз он* формалари қадимги уйғур тили ёдгорликларида қўлланган. «Девону луғотит турк»да ҳам кўрсатилган (Қар.: МК, I том, 410-бет).

Эски ўзбек тилида саноқ сонларнинг катталари *түмән* ва *лак* бўлиб, олдидан, албатта, кичик миқдордаги сонлар бирга келади. Мас.: *Б и р т ү м ә н халқ қырылды бары* (ШН, 37). *Й ү з т ү м ә н барқи балā урдуң мэңә* (Нав. ЛТ, 83). *Ү ч-т ө р т л а к алуб қойарлар* (БН, 332). *Б и р л а к афғāн йығылыбдур* (БН, 468).

Ёзма ёдгорликларда *түмән* бирмунча актив қўлланган бўлиб, *лак* кам учрайди. Қадимги ёдгорликларда эса *лак* учрамайди.

Саноқ сонлар эски ўзбек тилида ҳам махсус морфологик белгиси (ясовчи аффикслари) бўлмаслиги билан характерланади ва соннинг бошқа турларини ҳосил қилишда асос бўлади.

76-§. **Составли саноқ сонларнинг** тузилишида эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек тилидаги тартиб мавжуд, яъни катта сон олдин, кичик сон кейин келади. Мас.: *О н и к к и вазири бар эрди* (Таф., 132 *б*). *Ул күн ү ч й ү з а л т м ы ш ү ч йолы бэҳуш болды* (Рабғ., 47 *б*). *Й ү з й и г и р м ә б э ш м ы ң тағ болғай* (БН, 353).

Составли саноқ сонларнинг компонентлари одатда ёрдамчи элементларсиз бирикади (юқоридаги мисолларга қаранг). Лекин баъзан компонентлар ўртасида боғловчи бўлиши ҳоллари ҳам учрайди. Мас.: *Йигирми дағы бир* (ШН, 223). *Йылға мың сэккиз йүз-у тоқсан эди* (Фурқ. II, 26).

Биринчи мисолда *дағы* боғловчиси, иккинчи мисолда *-у* боғловчиси составли сон компонентларини бириктириш вазифасида келган.

Қадимги ёдгорликлар тилида составли саноқ сонларнинг тузилиши бошқача тартибда бўлган. Масалан, ўрхун-енисей

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёдгорликларида составли саноқ сонлар қуйидаги икки усул билан ифодаланган:

а) кичик сонлар катта сонлардан олдин келади. Масалан, *ики йигирми* — «ўн икки» (12) маъносида, яъни «йигирмага томон икки» деган маънода. Яна мисоллар: *уч йигирми* (13), *бәш йигирми* (15), *алты йигирми* (16), *йәти йигирми* (17), *сәкиз йигирми* (18), *тоқуз йигирми* (19), *бир отуз* (21), *уч отуз* (23), *йәти отуз* (27), *бир қырқ* (31), *бәш қырқ* (35), *тоқуз қырқ* (39), *икки әлиг* (42), *уч әлиг* (43), *тоқуз әлиг* (49), *бир йәтмиш* (61), *уч йәтмиш* (63), *бәш йәтмиш* (65), *йәти йәтмиш* (67), *сәкиз йәтмиш* (68);

б) катта сон олдин, кичик сон кейин келади. Бунда составли сон компонентлари ўртасида *артуқ* сўзи III шахс эгалик формасида *(артуқы)* келади. Масалан, *отуз артуқы уч* — «ўттиз уч» (33) маъносида, яъни «ўттиздан уч ортиқ, ўттизга уч қўшилди» деган маънода. Яна мисоллар: *отуз артуқы бир* (31), *отуз артуқы төрт* (34), *отуз артуқы сәкиз* (38), *қырқ артуқы йәти* (47).

Қадимги уйғур тили ёдгорликларида асосан *уч йигирми* (13) типидаги биринчи усул қўлланган.

Туркий тиллар тараққиётининг кейинги даврларида составли саноқ сонлар *отуз артуқы уч* (33) типидаги иккинчи усул асосида ривожланган, яъни бунда *артуқы* боғловчиси тушиб қолиб *отуз уч* қолган.

*Ики йигирми* (12) типидаги биринчи усул ҳозир сариғ уйғурлар тилида сақланган: *пэр йығырма* (11), *пешығырма* (15), *пэр отус* (21) каби.

77-§. Саноқ сон одатда от билан бирга қўлланиб, унинг сонини, миқдорини кўрсатади. Мас.: *Отуз қызым бар* (Рабғ., 52 *б*). *Бу икки ишдин олғач ул ӣға̄ҳ* (Нав. СС, 12). *Икки йуз киши бар эди* (БН, 101). *Төрт йуз йыл болуб эркән айа̄м* (ШН, 54). *Сәкиз мың киши бирлән* (Ш. тар., 61).

Саноқ сон эгалик, келишик аффиксларини қабул қилиб, от ўрнида қўлланиши ҳам мумкин. Бунда абстракт миқдор англашилади. Мас.: *Улар бу иккидин йырақ турурлар* (Рабғ., 46 *а*). *Бириниң қа̄маты сарв-у санубар* (Отойи, 18 *б*). *Ка̄сим бэг сийа̄сат учун икки-учни па̄ра-па̄ра қылдурдылар* (БН, 49). *Сэн он бэшгә йәтиб...* (Ш. турк, 140). *Қырқының за эмди бэрәй бир қазан* (Муқ., 38).

Саноқ сон предметнинг сонини, аниқ миқдорини кўрсатгани учун у билан келган от одатда кўплик аффиксини олмайди. Лекин баъзан кўплик аффикси қўшилиш ҳоллари ҳам учрайди. Бунда кўплик аффикси маънони кучайтириш, таъкидлаш учун хизмат қилади (Қар.: § 4).

www.ziyouz.com kutubxonasi

78-§. Эски ўзбек тилида ҳам *бир* сони ўзининг кўп маънолилиги билан бошқа саноқ сонлардан фарқланади. *Бир* сони ўз маъносида, яъни саноқ сон сифатида қўлланишидан ташқари, яна бир қанча функцияларни бажаради. Булардан асосийлари қуйидагилар:

1. *Бир* сонининг саноқ сон сифатида қўлланишига мисоллар: *Бу сөзгә б и р ай кәчмишдин соң* (Рабғ., 41 *а*). *Б и р авуч дирам кәлтүрүб илтимāс қылдылар* (Нав. МҚ, 70). *Ичидә б и р орду түшкүчә йәр болғай* (БН, 60). *Б и р кишиниң қолыдын бу иш кәлмәс* (Ш. турк, 22). *Муддати б и р йыл Йаркәнд шаҳрыда турадур-мән* (Фурқ. II, 155).

2. *Бир* сўзи ноаниқлик маъносини билдиради. Мас.: *Оғул б и р ун қылды* (Рабғ., 42 *а*). *Урум қағанның б и р қарындашы бар эрди* (ЎН, 41). *Дашт ара Мажнунны көрди б и р киши* (Нав. ЛТ, 186). *Б и р ажаб фикр көңүлгә кәләдүр* (ШН, 27). *Б и р киши бар эрди Тоғурмыш атлы* (Ш. тар., 60).

3. *Бир* сўзи маънони кучайтириш, таъкидлаш учун хизмат қилади. Мас.: *Б и р қыйа бақсаң закāти ҳусн үчүн* (Лутф., 160 *б*). *Аҳли замāна хобларыны б и р уйалдур* (Отойи, 16 *а*). *Б и р кийәй мән ҳам* (Муқ., 115). *Б и р тараҳҳум әйләсун мән зāрға* (Фурқ. II, 45).

4. *Бир* сўзи такрорланиб келганда, икки томондан бўлган иш-ҳаракатнинг ўзаро муносабатини кўрсатади. Мас.: *Б и р-б и р и н и ң сөзигә әйләб хилāф* (Нав. ЛТ, 160). *Б и р-б и р и н и көрмәйдүрләр* (БН, 125). *Б и р-б и р и н ә ҳәч қарындашлықы болмас* (Ш. турк, 24). *Б и р-б и р л ә р и бирлә мунāзара қылурлар* (Фурқ. II, 134).

79-§. **Ноаниқ сон.** Бу сон ўзининг мазмуни билан саноқ сонларга яқин туради. Ноаниқ сон тахминий, ноаниқ миқдорни кўрсатиши билан характерланади.

Ноаниқ сон эски ўзбек тилида *к ө п, а з* каби сўзлар билан ифодаланган. Бундай сўзлар мазмунан икки группага бўлинади. Масалан *көп* сўзи шахс ёки предметнинг миқдори ортиқлигини, *аз* сўзи эса камлигини кўрсатади. Мас.: *К ө п мāллар харж қылдуқ* (Рабғ., 142 *а*). *К ө п киши даъвā қылур шамъи жамāлың мәҳрини* (Отойи, 65 *б*). *К ө п йыллар анда пāдшāҳлық қылды* (Ш. тар., 51). *Ул йәтмәгән йәр а з болғай эрди* (Нав. МН, 48). *Али Султāн а з киши билән кәлиб* (Ш. турк, 135). *Йағының к ө п и ва а з л ы ғ ы маълум эмәс* (БН, 129).

Эски ўзбек тилида ноаниқ сон маъносида форсча *бисйāр* (кўп) сўзи ҳам қўлланган. Мас.: *Эшитмиш-мән кә, Бану кāрдāндур//пари пайкар дағы б и с й ā р дāндур* (Нав. ФШ, 134). *Билмәс эл даҳрда бардур б и с й ā р* (ШН, 13). *Наранж ва турунж ва гурунжы б и с й ā р болур* (БН, 164).

Қадимги ёдгорликлар тилида ноаниқ сон маъносида *көп, аз* сўзларидан ташқари, *т ә л и м* (кўп), *ө к у ш* (кўп) сўзлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам қўлланган. Эски ўзбек тилида бу сўзларнинг қўлланиши асосан XV асргача давом этган. Мас.: *Тәлим кишиләр өлди, тәлим қан төкулди* (Таф., 10 *а*). *Мэн тәлимләрини азāбдын қутқарғай-мэн* (Рабғ., 11 *б*). *Эл кунләрниң көңулләриндә көп тәлим болды қайғу* (ЎН, 40). *Тәлим гулчәҳра, наргис көзлиләр бар* (МН, 308 *б*). *Биз сэңә өкуш мāл бэрәлиң* (Таф., 139 *б*). *Ул аз чәрик өкуш чәрикни бастылар* (Рабғ.). *Өкуш йыллар йаратқан бāқи тутсун* (МН, 295 *а*). *Аның соңыда өкуш мурāдлар болғай* (Нав. Мнш., 19).

## ТАРТИБ СОН

80-§. Эски ўзбек тилида тартиб сон саноқ сонга *-нчы/-нчи* аффиксини қўшиш йўли билан ясалган: *икинчи//иккинчи, алтынчы, йэтинчи//йэттинчи*. Ундош билан тугаган саноқ сонларга бу аффикс *-ынчи/-инчи* кўринишида қўшилади: *биринчи, бэшинчи, сэкизинчи//сэккизинчи*. Таркибида (охирги бўғинида) лаб унлиси бўлган, ундош билан тугаган саноқ сонларга одатда *-унчы/-үнчи* кўринишида қўшилади: *учүнчи, төртүнчи, тоқузунчы//тоққузунчы*. Баъзан бу аффикснинг *-нч* (*-ынч/-инч// -унч/-үнч*) вариантлари ҳам учрайди: *алтынч, бэшинч, учүнч* каби. Айрим ёдгорликларда тартиб сонинг *-ланчы/-ләнчи* аффикси билан ясалган формаси ҳам қўлланган: *бэшләнчи, йэт(т)иләнчи* каби.

81-§. *Биринчи* тартиб сонининг маъноси эски ўзбек тилида қуйидагича уч хил йўл билан ифодаланган:

1) тартиб сон формаси билан, яъни *бир* саноқ сонига тартиб сон аффиксини қўшиш билан ясалади. Мас.: *Биринчисигә Күн ат қойдылар* (ЎН, 29). *Биринчи чин алған шāгирд имтиҳāн бэрмәс экән* (Фурқ. II, 129);

2) *аввал* сўзи билан ифодаланган. Мас.: *Айдылар: аввал айбы ул турур ким, оғры турур, иккинчи айбы қачқақ турур, үчүнчи айбы йығлақ турур* (Рабғ., 48 *а*). *Түркниң төрт оғлы бар эрди: аввал Түтәк, иккинчи Жакал, учүнчи Барсаҗар, төртүнчи Ымлақ* (Ш. тар., 11);

3) *аввалғы* сўзи билан ифодаланади. Мас.: *Аввалғы нāманы айтур* (МН, 295 *б*). *Аны уч қысм қылынды: аввалғы қысм — Саируннафасның аҳвāл-у афъāл(ы)ның кайфийаты, иккинчи қысм—...* (Нав. МҚ, 8).

Қадимги ёдгорликларнинг кўрсатишича, тартиб соннинг *бир* саноқ сонидан ясалган *биринч//биринчи* формалари кейинги ҳодиса бўлиб, дастлабда бу маъно *аввалғы* типидаги форма орқали ифодаланган. Масалан, ўрхун-енисей ёдгорликларида *биринчи* тартиб сони маъносида *илки//илики* сўзи қўлланган: *илки күн* — «биринчи, олдинги кун», *илки су* — «биринчи, олдинги аскар». Қадимги уйғур тили ёдгорликларида эса *бирин-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*чи* маъносида *баштынқы* сўзи қўлланган. Урхун-енисей ёдгорликларида *йигирми* ва *отуз* саноқ сонларидан ҳам шу усулда тартиб сон ясалган: *йигирмики* — «йигирманчи», *отузқы* — «ўттизинчи».

82-§. Юқорида кўрсатилганидек, 20 саноқ сони эски ўзбек тилида *йигирмә* формасида охирги унлиси [ә] билан ёки *йигирми* формасида охирги унлиси [и] билан қўлланган. Тартиб сон аффикси бу соннинг асосан охирги унлиси [и] билан келган *йигирми* формасига қўшилади. Мас.: *йигирминчи фасл* (Нав. МҚ, 33). 20 сони тартиб сон аффиксини олган составли сонлар таркибида келганда ҳам асосан *йигирми* формасида охирида [и] унлиси билан келади. Мас.: *йигирми биринчи фасл* (Нав. МҚ, 35).

83-§. Эски ўзбек тилида *-нчы -нчи(-ынчы -инчи ; -унчы -үнчи)* аффикси билан ясалган тартиб соннинг умумий кўриниши қуйидагича:

| | |
|---|---|
| بیرینجی — биринчи | یکرمینجی — йигирминчи |
| اوّلغی — аввалғы | یکرمی بیرینجی йигирми биринчи |
| اوّل — аввал | یکرمی ایکینجی — йигирми ик(к)инчи |
| ایکینجی — ик(к)инчи | یکرمی اوچونجی — йигирми үчүнчи |
| اوچونجی — үчүнчи | یکرمی تورتونجی — йигирми төртүнчи |
| تورتونجی — төртүнчи | یکرمی بیشینجی — йигирми бэшинчи |
| بیشینجی — бэшинчи | یکرمی آلتینجی — йигирми алтынчы |
| آلتینجی — алтынчы | یکرمی یتینجی — йигирми йэт(т)инчи |
| یتینجی — йэт(т)инчи | یکرمی سیکیزینجی — йигирми сэк(к)изинчи |
| سیکیزینجی — сэк(к)изинчи | یکرمی توقوزونجی — йигирми тоқ(қ)узунчы |
| توقوزونجی — тоқ(қ)узунчы | اوتوزونجی — от(т)узунчы |
| اونونجی — онунчы | قیرقینجی — қырқынчы |

Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» асарида тартиб соннинг бирдан қирққача формалари акс этган. Юқоридаги формалар



www.ziyouz.com kutubxonasi

(*биринчи* ва *аввал* формаларидан ташқари) шу асар асосида келтирилди. Тартиб сонларнинг бошқа формалари умумий қонда асосида ҳосил бўлади: *от(т)уз биринчи, от(т)уз ик(к)инчи, қырқ биринчи, қырқ ик(к)инчи* каби. Шунинг учун булар схемада келтирилмади.

84-§. Тартиб сон аффикси қадимда ***-нч(-ынч-инч/-унч-үнч)*** кўринишида бўлган. Ўрхун-енисей ёдгорликлари ва қадимги уйғур тилига оид манбаларда шу формалар қўлланган: *үчүнч, төртүнч, бәшинч, алтынч, йәтинч, сәкизинч, тоқузунч, онунч, йигирминч* (ўрхн.-ен. — *йигирмики*).

Тартиб сон формасининг XI аср тилида ҳам шу хилда ясалишини Маҳмуд Кошғарий алоҳида кўрсатиб ўтган (Қар.: МҚ, I том, 151, 152-бетлар; III том, 450, 451-бетлар).

Лекин шу давр ёдгорлиги «Қутадғу билиг»да тартиб сон аффикси *-нчы/-нчи* (*-ынчы/-инчи//-унчы/-үнчи*) кўринишида охирида [ы, и] унлилари билан ишлатилган: *б и р—адл, и к к и н ч и—давлат, ү ч ү н ч и — ақл, т ө р т ү н ч и — қанāат* (ҚБ, 1-бет). Демак, XI аср тилида тартиб сон аффиксининг *-нч (-ынч/-инч//-унч/-үнч)* вариантлари билан бирга *-нчы/-нчи (-ынчы/-инчи//-унчы/-үнчи)* вариантлари ҳам мавжуд бўлган.

Тартиб сон аффиксининг *-нч (-ынч/-инч//-унч/-үнч)* вариантлари ўзбек тилининг XIII—XIV асрларга оид ёзма ёдгорликларида ҳам анча кенг қўлланган. Бу манбаларнинг айримларида, масалан, «Тафсир»да *-нч* (*-ынч/-инч//-унч/-үнч*) ва *-нчы/-нчи (-ынчи/-инчи//-унчы/-үнчи)* вариантлари параллел ишлатила берган. Қиёсланг: *икинч күн, бэшинч түн, он төртинч; иккинчи байрам күни, үчинчи, йэтинчи түн, төртинчи* (Таф., 31*а*, 139*а*, 56*а*, 68 *а*, 141*а*, 55*а*). «Муҳаббатнома»да фақат *-нчы/-нчи* (*-ынчы/-инчи//-унчы/-үнчи*) вариантлари ишлатилган, яъни номалар тартибини кўрсатувчи тартиб сонларнинг ҳаммаси шу формада берилган: *аввалғы, икинчи, үчүнчи, төртүнчи, бэшинчи, алтынчы, йэтинчи, сэкизинчи, тоқузунчы, онунчы, он биринчи.*

Тартиб сон аффиксининг *-нч(-ынч/-инч//-унч/-үнч)* вариантларида ишлатилишини кейинги даврларга оид манбаларнинг баъзиларида учратиш мумкин. Мас.: *Аңача өтүб эрди т ө р т ү н ч эр* (ШН, 161).

85-§. Ўрхун-енисей ёдгорликлари ва қадимги уйғур тилига оид манбаларда 2 сонидан тартиб сон ***икинти*** формасида ясалган. «Девону луғотит турк»да *икинч* формаси билан бирга шу маънода *икинди* формаси ҳам кенг қўлланган: *икинди нәң* «иккинчи нарса» (МҚ, I том, 158-бет).

*Икинди* формаси XIII—XIV асрларга оид айрим ёдгорликларда ҳам учрайди. Мас.: *И к и н д и намāзындын соң* (Рабғ., 14 *а*).

Кейинги даврларда бу форма учрамайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

86-§. Тартиб соннинг *-ланчы/-лэнчи* аффикси билан ясалган формаси айрим ёдгорликларда қўлланган. Буларда ҳам саноқли ўринлардагина учрайди. Мас.: *төртлэнчи* (Таф., 76 *б*), *Санса бэг икилэнчиси* (Рабғ.), *бэшлэнчи оғлы , йэтилэнчи арқада, тоқузланчы айда* (Ш. тар., 20, 40, 65), *пāдшāҳның бэшлэнчи оғлы болғай-мэн* (Ш. турк, 51).

Бу форма Навоий «Маҳбубул қулуб» асарининг айрим қўлёзма нусхаларида ҳам қўлланган: *алтыланчы фасл, сэкизлэнчи фасл, онланчы фасл, он бирлэнчи фасл, он йэтилэнчи фасл, он сэкизлэнчи фасл, он тоқузланчы фасл, йигирмэлэнчи фасл, йигирми бирлэнчи фасл, йигирми икилэнчи фасл,..* (Қар.: Нав. МҚ, 15, 18, 20, 21, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 42, 44, 48, 59).

## ЖАМЛОВЧИ СОН

87-§. Эски ўзбек тилида жамловчи сон саноқ сонларга *-эв, -элэ, -эвлэн, -эгү, -эгүн* аффикслари қўшилиши билан ясалган. Бу аффикслар этимологик жиҳатдан бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ бўлган.

Жамловчи сон формалари эски ўзбек тилида асосан бирдан бешгача бўлган саноқ сонлардан ясалган. *Бир* сонига фақат *-эв, -эгү* аффикслари қўшилиб (*бирэв, бирэгү*), жамловчи сонни эмас, балки гумон олмоши маъносини ифодалайди (Қар.: §§ 164, 165).

88-§. Жамловчи сон ясовчи *-эгү* аффикси тарихан ҳаракат номи ясовчи *-гү(-ғу)* аффиксидан ривожланган (Қиёсланг: *бэргү, билгү*). *-гү* аффикси *ики* сонига қўшилганда, сон охиридаги [и] унлиси [э]га ўтади: *икигү>икэгү*. Шунга асосан бу аффикс бошқа сонларга ҳам *-эгү* формасида қўшилган: *бир+ +эгү, үч+эгү, бэш+эгү* каби.

*-эгү* аффикси билан жамловчи сон ясалиши ўзбек тилида XV асргача давом этган. Мас.: *Бир анчалары айдылар ким, б э ш э г ү турур, алтынч ит бирлэ* (Таф., 10*а*). *И к э г ү хилватда олтурды* (Рабғ.). *Улар й э т э г ү, мэн йалғуз* (Рабғ.). *Андын соң ү ч э г ү с ү таң сарыға бардылар тақы ү ч э г ү с ү түн сарыға бардылар* (ЎН, 59).

89-§. Жамловчи сон ясовчи *-эгүн* аффикси юқоридаги *-эгү* аффиксига қадимги восита келишиги аффикси *-н* қўшилиши билан ҳосил бўлган (*-эгү+н>-эгүн*).

*-эгүн* аффикси билан ясалган жамловчи сон формаси ҳам XV асргача истеъмолда бўлган. Лекин бу форма нисбатан кам қўлланган. Мисоллар: *И к э г ү н намāз қылалым* (Таф., 29 *а*). *Мусāны сынағу үчүн ү ч э г ү кэми үскүнгэ кэлдилар* (Таф., 11*а*).

Қиёсланг: *и к и г ү н бостāнлар* (Таф., 3 *б*). *Барыңлар и к к и г ү н* (МК, II, 50).

www.ziyouz.com kutubxonasi

*-әгү, -әгүн* аффикслари билан ясалган формалар туркий тилларда жамловчи сон ифодаланишининг қадимги усуллари бўлган. Бу формалар қадимги уйғур тили ёдгорликлари учун ҳам характерли бўлган.

90-§. *-әв* аффикси *-әгү* аффиксидан ривожланган: *икәгү>икәү>икәв.*

*- әвлән* аффикси *-әв* аффиксига *-лән* аффикси қўшилиши асосида ҳосил бўлган: *икәв+лән>икәвлән.*

Бу формалар қадимги ёдгорликларда учрамайди.

*-әв* аффикси билан ясалган форманинг эски ўзбек тилида актив қўлланиши асосан XV асрдан бошланган. *-әвлән* аффикси билан ясалган форма эса бу даврда ҳам кам учрайди. Мисоллар: *Ул икәвгә көтәртибән аны//андақ эвгә кийүрди пинҳāни* (Нав. СС, 138). *Эй җафāгар, бир вафā қыл ким, икәвлән болға-биз//мэн җафā чэкмәктин-у сэн бэвафāдын халāс* (Навоий). *Мэн ва Муҳаммад көкәлтәш икәв кэлдүк* (БН, 11). *Бу кэңәш бирлә йүрүб ул төртәв* (ШН, 101). *Шул āрзу: икәвлән қылсәк экән тамāшā* (Фурқ. I, 54).

91-§. *-әлә* аффикси *-әвлән* аффиксининг қисқаришидан ҳосил бўлган: *икәвлән>икәвлә>икәлә.* Бу форма эгалик аффикслари билан қўлланади: *икәләмиз, икәләси* каби.

*-әлә* аффикси билан ясалган жамловчи сон формасининг қўлланиши ҳам асосан XV асрдан бошлаб кузатилади. Мисоллар: *Ва улуғ қардаш ва кичик қардашны икәләсин «бирāдар» дэрләр* (Нав. МЛ, 185). *Икәләсиниң ҳақиқаты бир* (Нав. МК, 76). *Ишқ-у ҳусн икәләси бир дурур* (ШН, 7). *Машварат әйләдиләр төртәләси//фикрини сәйләдиләр төртәләси* (ШН, 100). *Икәләси болды чунāн иттифāқ* (Муқ., 37).

92-§. Жамловчи сон маъноси эски ўзбек тилида саноқ сонларга эгалик аффикси қўшиш йўли билан ҳам ифодаланган. Бунда эгалик аффиксидан олдин [ы, и] ёки [у, ү] қўшилиб, саноқ сон субстантивлашган (отлашган) бўлади: *үч+и+миз, торт+ү+си* каби. Мас.: *Иккиңизни Фиръавн өлдүрүр* (Таф., 29 б). *Ул җāду бу иккисинә, билмән, нэ фан этти* (Сакк., 25 б). *Әйләңиз бизгә иккиңиз фармāн* (ШН, 54). Эмди *үчүңиз үч йуртда туруң* (Ш. тар., 10). *Төртүси ҳам эвли ва көп мāллы болуб* (Ш. тар., 74). *Бэрәйлик иккимиз ҳани аңа лашкар* (Фурқ. II, 36).

Мисоллардаги *иккиңиз, иккиси, үчүңиз, төртүси, иккимиз* сўзлари жамловчи сон ўрнида қўлланган бўлиб, «иккалангиз», «учаламиз», «тўрталаси», «иккаламиз» каби маъноларни англатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДОНА СОН ВА НУМЕРАТИВ СЎЗЛАР

93-§. Дона сонининг морфологик йўл билан ифодаланиши эски ўзбек тили учун характерли бўлмаган.

Эски ўзбек тилида *-та -тә* аффикси билан дона сон ясалиши асосан *бир* сони билан чегараланган. Бу ҳам ёдгорликларнинг айримларида саноқли ўринлардагина учрайди. Мас.: *Б и р т ә йармақны икки болуб, йармын ачқа бэргәнни саҳий дэй* (Нав. МҚ, 112). *Тиләсә хидматыдын б и р т ә, нāр//йүз хушунат қылур эрди аҕāз* (ШН, 60).

Мисоллардаги *биртә* сўзи дона сон маъносини ифодалайди. Лекин бу ўринда ҳозирги ўзбек тилидан фарқ қилиб, *-тә* аффикси таъсирида *бир* сўзидаги [р] ассимиляцияга учрамаган.

Қуйидаги мисолда эса *ики* сонига *-тә* қўшилиши билан ҳосил бўлган *икитә* формаси феълга боғланиб, дона сонни ифодаламайди, балки «икки марта» маъносида келган: *Киши өлгәнгә тиҕи кин сурмас//бир өлүкни и к и т ә өлтүрмәс* (Нав. СС, 183).

Эски ўзбек тилида дона сон маъноси саноқ сон билан ҳам ифодаланган. Мас.: *Ү ч тāза нāн кэлтүрди* (БН, 141)... *и к к и с и көкдә — Исā ва Идрис, и к к и с и йэрдә — Хизр, Илйāс Алайхиссалāм* (Рабғ., 13б). *Хитай йурты и к к и болур, бирисинә қара хитай дэрләр...* (Ш. турк, 29).

Мисоллардаги *үч, икки, иккиси* саноқ сонлари дона сон ўрнида қўлланган бўлиб, «учта», «иккита», «иккитаси» маъноларини ифодалайди.

94-§. **Нумератив сўзлар.** Эски ўзбек тилида ҳам нумератив сўзлар кенг истеъмолда бўлган. Бундай сўзлар саноқ сонлар билан бирга қўлланиб, маъно жиҳатдан дона сонларга яқин туради.

Эски ўзбек тилида ҳам нумератив сўзларнинг қўлланиши асосан аниқланаётган предметнинг характерига боғлиқ.

Нумератив сўзлар ва уларнинг қўлланишига мисоллар: *Алтмыш а р ш у н бойы, йэтти а р ш у н йоҕунлыҕы* (Таф., 69 б). *Кэлмиш кишиләр икки г у р у ҳ эрдиләр* (Таф., 10 а). *Ул йэтти қ а т сарайларны* (Рабғ., 68 а). *Бир с о ф р а этмәк* (Рабғ.). *Он б а т м а н ыпар* (Рабғ.). *Төрт йүз р а т л алтун* (Рабғ.). *Бир с ү р ү к қой* (Рабғ.). *Бир а в у ч тупрақ* (Лутф., 159 б). *Икки җ ā м май* (Нав. ФШ, 15). *Ики-үч йүз қ а р ы йэр* (Нав. ФШ, 108). *Бир т э г и р м ā н сув* (БН, 445). *Икки б а ҳ р а эл* (БН, 289). *Икки ш а р ъ и йол* (БН, 10). *Бир-икки к у р у ҳ йол* (БН, 339). *Бир п а р ч а йэр* (БН, 195). *Бир пāра кабāб* (БН, 199). *Бир п ā р а қой* (БН, 189). *Үч-төрт қ а р ы йыҕач* (БН, 172-173). *Бир а р ғ и м ч ы баланд қыйа* (БН, 445). *Он сәкиз йыҕач йол* (БН, 62). *Үч-төрт қ а т а р хачыр* (БН, 152). *Йүз мың э ә л у к киши* (ШН, 50).

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Иэтти йуз с а й киши* (ШН, 213). *Икки с а н лашкар* (ШН, 47). *Бир қ и с м тупрақ* (Ш. тар., 7). *Бир а й а қ сув* (Ш. тар., 56). *Он икки н а ф а р муддарис* (Фурқ. II, 129). *Бир д ā н а алмас* (Фурқ. II, 18). *Тѳкулса бир қ а ш ы қ қаным* (Фурқ. I, 111). *Қырқ ч ā р а к гурынч* (Муқ., 54). *Й у з п ā р а сѳз* (Мунис, 21).

Юқорида эски ўзбек тилида қўлланган нумератив сўзларнинг маълум қисмигина келтирилди. Буларнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибдики, эски ўзбек тилида қўлланган нумератив сўзлар жуда кўп ва хилма-хил бўлган.

Одатда нумератив сўзларнинг айримлари предметларгагина нисбатан, айримлари жониворларгагина нисбатан қўлланади. Айрим ҳолларда бу тартибнинг бузилиши ҳам учрайди. Мас.: *Анлар алты б а ш киши эрдиләр* (Таф., 9 а). *Ул кун сэксән б а ш āдамийлар эрди* (Рабғ.). *Муҳиб Али ва бир п ā р а киши қошуб, Ҳамид устигә таъйин қылдук* (БН, 339).

Бу мисолларда *баш, пāра* сўзлари кишиларга (шахсга) нисбатан нумератив сўз вазифасида келган. Аслида бундай сўзлар предметларга ёки жониворларга нисбатан нумератив вазифасида келади. Қиёсланг: *бэш баш қой, бир пāра қой, бир пāра кабāб, йуз пāра сѳз* (Юқоридаги мисолларга қаранг).

## ЧАМА СОН

95-§. Чама сон маъноси эски ўзбек тилида саноқ сонга *-ча* /*-чә* аффиксини қўшиш йўли билан ифодаланган. Мас.: *Ҳавузның атрāфыда й и г и р м ә ч ә наранж дарахтыны, буйурдум ким, қоруғайлар* (БН, 316). *Танбал и к к и й у з ч ә киши билән турубтур* (БН, 131). *Анда ким бар бир э л и к ч ә киши* (ШН, 207). *Чықты, болғай йана б э ш м ы ң ч а киши* (ШН, 40).

Мисоллардаги *йигирмәчә, икки йузчә, элликчә, бэш мыңча* сўзлари чама сон ўрнида қўлланган бўлиб, ҳозирги ўзбек тилидаги «йигирматача», «икки юзтача», «элликтача», «беш мингтача» маъносини билдиради.

Саноқ сонга *чағлы* сўзи қўшилиши билан ҳам чама сон маъноси ифодаланади. Мас.: *А л т ы м ы ң ч а ғ л ы йасақы бирлә* (ШН, 101). *Барды аның бирлә м ы ң ч а ғ л ы киши* (ШН, 179).

96-§. Иккита саноқ соннинг жуфт сўз формасида келиш йўли билан ҳам чама сон маъноси ифодаланади. Бунда одатда кичик сон олдин, катта сон кейин келади: *уч-тѳрт, он-он бэш* каби.

Эски ўзбек тилида чама сон маъносини ифодалашда бу усулдан анча кенг фойдаланилган. Мас.: *Б и р-и к к и сāат таваққуф қылды* (Рабғ., 13 б). *Дэди: б э ш-о н мубāриз сэкритиб ат//мэниң алымға аны кэлтуруң бат* (Нав. ФШ, 142).

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Он икки-он уч йашыда найны хоб чалур экəндур* (БН, 229). *Бир-икки ай фара̄ғат қылды* (ШН, 157). *Үч-төрт ай сайа̄хат қылдым* (Фурқ. II, 153).

Бундай ҳолларда жуфт сон иккитадан ортиқ саноқ сондан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин. Мас.: *Мəниң жа̄н тартқан нокарларым, он-он бəш-йигирмə киши болғай, йəтиб кəлдилəр* (БН, 145).

Жуфт сон таркибидаги саноқ сонларнинг ҳар бири билан аниқланмиш сўз такрорланиб келиши ҳам мумкин. Мас.: *Ҳар йыл бу өлəнгə чықыб бир ай, икки ай олтурурлар* (БН, 60). Бундай ҳолларда катта сон олдин, кичик сон кейин келиши ҳам мумкин. Мас.: *Бир шатуның кəңлиги анча ким, уч киши, икки киши йандаша чықа алур* (БН, 113).

Чама сон маъносини ифодаловчи жуфт сон компонентлари орасида баъзан боғловчи элементлар бўлиши ҳам мумкин. Мас.: *Он төрт йа̄ он бəш йашыда болғай, муамма̄ны андақ айтур ва ачар кə,..* (Нав. МН, 112). *Дарвиш қырқ билə эллик йаш арасыда а̄ламдын өтти* (Нав. МН, 47). *Он бəш йа̄ йигирми кишиниң аты битилмəй қалыб турур* (Ш. тар., 65). *Агар анларның ичлəриндə бир ва йа̄ икки оқуған ақл киши болса,..* (Ш. тар., 7).

## ТАҚСИМ СОН

Эски ўзбек тилида тақсим сон маъносини ифодалашда қуйидаги усуллардан фойдаланилган.

97-§. Тақсим соннинг *-ар -əр* ( унлидан кейин: *-шар/-шəр, -рар/-рəр* ) аффикси билан ясалган формаси қўлланган: *бирəр* (биттадан), *ик(к)ишəр* (иккитадан), *учəр* (учтадан), *төртəр* (тўрттадан), *бəшəр* (бештадан), *алтышар//алтырар* (олтитадан), *йəттишəр* (еттитадан), *мыңар* (мингтадан) каби.

Бу форма тақсим сон ифодаланилишининг қадимги усули бўлиб, ўзбек тилида унинг қўлланиши асосан XV асргача давом этган, кейинги даврларда баъзи ўринларда учрайди. Мас.: *Тэкмə бир урмақ орнына мəңə мыңар урғыл* (Таф., 145 *а*). *Тэкмə бири икишəр оғулға йуклуг болдылар* (Рабғ.). *Сақ солында алтырар йуз эрди* (Рабғ.). *Ҳинд эли фусулны ким, төртəр ай таъйин қылыбтурлар, ҳар фаслда иккирəр айны ыссықның ва йағынның ва савуқның зоры тутубтурлар* (БН).

Шу аффиксни олган сон такрорланиб жуфт сўз формасида келиши ҳам мумкин: *бирəр-бирəр* (битта-биттадан) каби. Мас.: *Йаңы ай қашлары ҳижа̄латыдын//айларда бирəр-бирəр көрунур* (Отойи, 23 *б*). *Йол тағның камарыда ва̄қэъ болубтур,.. атлық бирəр-бирəр өтəр* (БН, 199). *Бирəр-бирəр қолыны, бутыны, азақыны сындурды, ушатды* (Таф., 38 *а*).

Тақсим соннинг *-ар/-əр* (*-шар/-шəр, -рар/-рəр*) аффикси би-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лан ясалган формаси ҳозир турк, татар, қумиқ, бошқирд, гагавуз, қрим татарлари, қарачай-балқар, қараим каби кўпгина туркий тилларда актив қўлланади.

98-§. Тақсим сон эски ўзбек тилида саноқ сонларга *-ын- ин* аффиксини қўшиш йўли билан ҳам ифодаланган. Бу аффиксни қабул қилган сон кўпинча жуфт сўз формасида келади: *-бирин-бирин* (битта-биттадан), *бирин-иккин* (битта-иккитадан) каби. Мас.: *Сизләр икәгү бу тайақны йәргә кәмишиңләр, бирин-бирин бу тайақ үскүнгә барыңлар* (Таф., 28 б). *Кәлди йүз мың әр қамуғы бәшин, онун, отузун* (Рабғ.). *Аҳли мажлис бирин-иккин кәлдиләр* (БН, 317).

Бу форма ҳам тақсим сон маъносини ифодалашнинг қадимги усули бўлиб, ўзбек тилида асосан XV асргача истеъмолда бўлиб, кейинги даврларда кам учрайди.

Қиёсланг: *бирин-бирин мың болур* (МК. III, 372).

99-§. Саноқ соннинг ҳеч қандай қўшимчасиз такрорланиб келиши билан ҳам тақсим сон маъноси ифодаланади. Мас.: *Тәкмә нарсадын йаратдуқ икки-икки* (Таф., 54 б). *Йығачның йуқару үчүндин түбингә икки-икки йардылар* (Рабғ., 136 а). *Көргүзүр санъатын бары бир-бир* (Нав. СС, 22). *Анча билгәнимизни бир-бир айталың* (Ш. тар., 7).

## КАСР СОН

100-§. Эски ўзбек тилида ҳам каср сон синтактик усул билан ифодаланган бўлиб, олдин бутун сон чиқиш (ёки ўрин-пайт) келишигида, сўнг касрни ифодаловчи сон келади. Мас.: *Үчдә бирин түндә оқуғай* (Таф., 147 а). *Түннүң үч улушдын бири кәчмиш эрди* (Рабғ.). *Ким ул говҳардын алса халқ ҳар дам//йүз ылда болмағай мыңдын бири кам* (Нав. ФШ, 14). *Ондын икки киши болды сақлав* (ШН, 199). *Пāдшāҳ ҳар йылда элниң бу мāлылың ондын бирини алур* (Ш. турк, 42). *Аны йүздин бирин көз көрмәгәндүр* (Фурқ. II, 17).

101-§. Эски ўзбек тилида бутуннинг бўлагини ифодаловчи сўзлардан асосан *йарым* сўзи қўлланган. Мас.: *Бу чашманың суйы йарым тәгирмāн суйыға қавушур* (БН, 424). *Түн йармындын соң азғына қар йағыб эрди* (Ш. тар., 53). *Йарымы Абдуллахāн кәлсә, урушалы тәди, йарымы айды: нәчүн урушалы?* (Ш. турк, 143). *Кәләр йылга йармыча муҳлат сорай* (Муқ., 40).

*Йарым* сўзи айрим ёдгорликларда, масалан, «Шажараи тарокима»да *йарын, йарты* формаларида ҳам қўлланган: *Шāҳ Маликниң лашкары йигирми мың киши эрди, йарыны өтә бәргәндә, икки тарафдын ат салдылар* (Ш. тар., 61). *Барчасы сөзни бутун айта билмәс, йарты айтурлар* (Ш. тар., 34).

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОЛМОШ

**102-§**. Эски ўзбек тилида ҳам олмошнинг ҳозирги ўзбек тилидаги турлари мавжуд бўлган: *кишилик олмошлари, кўрсатиш олмошлари, ўзлик олмошлари, сўроқ олмошлари, биргалик олмошлари, белгилаш олмошлари, гумон олмошлари, бўлишсизлик олмошлари*. Лекин бу олмош турларини ифодалаш учун қандай формалар қўлланганн, буларнинг вариантлари, турланишдаги ўзгачаликлари бўйича эски ўзбек тилининг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд.

## КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ

**103-§**. Кишилик олмошлари эски ўзбек тилида қуйидагича кўринишда бўлган:

I шахс бирлиги — **мэн**.

Кишилик олмошининг I шахс бирлиги маъносида, яъни *мэн* ўрнида Навоий асарларида *фақир* сўзи ҳам қўлланган. Навоий бу сўзни ўзига нисбатан ишлатган. Мас.: *Ф а қ и р аны көруб-мэн, аммā шэър айтурын маълум қылмайдур эрдим* (Нав. МН, 177). *Ф а қ и р н и ң аны көрəргə көп āрзум бар эрди* (Нав. МН, 45).

Бу маънода Навоий *фақир* сўзи олдидан *бу* кўрсатиш олмошини қўшиб, *бу фақир* бирикмасини ҳам ишлатган. Мас.: *Б у ф а қ и р элкимдин кэлгəнчə саъй қылдым* (Нав. Мнш., 18). *Б у ф а қ и р аруз фаныда вāсита билə Мавлāнāның шāгирди-мэн* (Нав. МН, 16).

«Шайбонийнома» автори Муҳаммад Солиҳ ўзига нисбатан, яъни кишилик олмошининг I шахс бирлиги *мэн* ўрнида *банда* сўзини қўллаган. Мас.: *Тəңридин б а н д а тилəр-мэн дāим//гāҳ зāкир болубан, гāҳ сāим* (ШН, 74). *Б а н д а хāн сары азимат қылса,..* (ШН, 20).

Навоий эса *банда* сўзи олдидан *бу* кўрсатиш олмошини қўшиб, *бу банда* бирикмасини ишлатган. Мас.: *Умид ул ким, б у б а н д а давлатхāҳлық йузидин битиб-мэн* (Нав. Мнш.). *Б у б а н д а чун ул жавāҳири āдбāр қийматын билдим* (Нав. Мнш.).

Кишилик олмошининг I шахс бирлиги *мэн* ўрнида *фақир, банда* сўзлари ва *бу фақир, бу банда* бирикмалари сўзловчининг камтарлиги, тингловчига ҳурматини ифодалаш учун қўлланган.

II шахс бирлиги — **сэн**.

Кишилик олмошининг I ва II шахс бирлик формаларига одатда кўплик аффикси *-лар/-лəр* қўшилмайди. Чунки бу формалар якка шахсни англатиб, бу шахсларнинг кўплиги учун махсус формалар бор *(биз, сиз)*. Лекин «Ўғузнома»да II шахснинг кўплик маъноси II шахс бирлик формаси (*сэн*)га *-лəр*

www.ziyouz.com kutubxonasi

аффиксини қўшиш йўли билан ҳам ифодаланган. Мас.: *Таң сарыға с э н л ә р барың* (УН, 59). *Мэн с э н л ә р г ә болдум қаған* (УН, 32). *Ай инилэр, оқлар болсун с э н л ә р н ү ң* (УН, 61).

III шахс бирлиги — **ул**.

Бу олмош эски ўзбек тилида алифу ваву лом( ا و ل ) кўринишида ёзилган. Бу форма *ол* тарзида ёки айрим диалектларда *ул*, айримларида *ол* тарзида талаффуз қилинган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда бу олмошнинг эски ўзбек тилида қандай талаффуз қилингани ҳақида ҳозирча далиллар йўқ. Шунинг учун бу олмошни баъзи тадқиқодчилар *ул* тарзида, баъзилари *ол* тарзида транскрипция қиладилар.

I шахс кўплиги — **биз**, баъзан **бизләр**.

*Биз* олмоши баъзан I шахс бирлиги ўрнида қўлланиб, камтарлик маъносини билдиради. Мас.: *Б и з д и н эшитсун эмди жаҳāн тāза нāмалар//чун коҳна бōлды Лайли-йу Мажнун ҳикāйаты* (Сакк., 26б). *Дарвиш Али хидматы билә б и з и ң хидматымыз арасыда тафāвут йоқтур* (Нав. Мнш., 21). *Олжа хāн дэди: қой бу сөзни//б и з бу йолларда көрүб-биз өзни* (ШН, 141). *Б и з д и н бурун тāрих айтқанлар арабий луғатларны қошуб турурлар* (Ш. тар., 6).

Келтирилган мисолларда *биз* олмоши I шахс бирлик олмоши маъносида қўлланган бўлиб, якка шахсни билдиради. Шунинг учун кўпликни яна ҳам аниқроқ ифодалаш учун баъзан *биз* олмошига кўплик аффикси қўшилиб, *бизләр* формасида қўлланади. Лекин бу ҳол айрим ёдгорликларда жуда кам учрайди: Мисоллар: *Б и з л ә р тақы эзгү оғуллар дуāсы бирлә...* (Рабғ., 138 б). *Ул тирик болғай эрди, б и з л ә р өлүк* (ШН, 190). *Бу назрыңыз-у б и з л ә р мурид* (Муқ., 39). *Б и з л ә р бундақ тархи ажиб āлий имāратны ҳаргэз көрмәгән эрдүк* (Фурқ. II, 128).

II шахс кўплиги — сиз, баъзан **сизләр**.

*Сиз* формаси баъзан II шахс бирлиги маъносида қўлланиб, тингловчига нисбатан ҳурматни билдиради. Мас.: *Эй қарындашым,.. қамуғдын улуғрақ с и з-с и з* (Рабғ., 46 *а*). *Түгәнди умр-у көрмәс с и з н и Лутфий* (Лутф., 170 *а*). *Султāн Аҳмад бэг с и з н и пāдшāҳ көтәрүр* (БН, 140). *Йығлабан дэди кэ, раҳмат с и з г ә//тәңри бэрсун басэ қувват с и з г ә* (ШН, 52). *Атам орныға эмди атам-сиз, с и з нэ ишни охшатсаңыз, мэн аны қылайын* (Ш. тар., 29). *Ул вақтда с и з ҳурматлигә бир мактуб йазыб эрдим* (Фурқ. II, 153).

*Сиз* олмоши II шахс бирлиги ўрнида ҳам қўллангани туфайли II шахс кўплигини ифодалаш учун *сиз* олмошига кўплик аффикси орттирилиб, *сизләр* формасида ҳам қўлланади. Мас.: *С и з л ә р нэгү қылур-сизләр?* (Таф., 31 *а*). *С и з л ә р Йусуфны өлтүрмәккә қасд қылдыңыз* (Рабғ., 69 *б*). *С и з л ә р қай-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*дын кэлә-сиз?* (БН, 145). *Йахшылық болғусыдур сизләргә* (ШН, 208). *Сизләр йахшы билүр-сизләр* (Ш. тар., 56). *Лāақал сизләр қылыңлар бизгә йалған ассалāм* (Муқ., 108).

III шахс кўплиги — **улар, алар, анлар.**

Бу формаларнинг қўлланиши қуйидагича:

XIII—XIV асрларда асосан *улар, анлар* формалари қўлланган. Мисоллар: *Улар бир-бирингә бақышыб айдылар* (Рабғ., 7 *а*). *Улар айдылар* (Таф., 10 *б*). *Анлар... йүз авурмыш турурлар* (Таф., 33 *б*).

XV аср ва ундан кейинги даврларда *алар* формаси қўлланган. Мас.: *Йанмас аларның мэҳридин* (Лутф., 201*б*). *Аларны унутубтурлар* (Нав. МҚ, 114). *Алардын мāл алыб...* (БН, 40). *Сэн алар орнида султāн болғыл* (ШН, 54). *Алар дағы бу ишдә эрүр ағйāр мэңә* (Мунис, 44).

XVII асрга оид «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарлари бундан мустасно. Буларда асосан *анлар* формаси қўлланган бўлиб, *улар* формаси ҳам учрайди. Мас.: *Биз анларны көп чаптуқ* (Ш. тар., 5). *Ҳануз анлар кишиниң атын тутмай турурлар* (Ш. турк, 111). *Уларның көңли мэндин рāзи болсун* (Ш. тар., 59).

Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган кишилик олмошларининг умумий кўриниши қуйидагича:

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *мэн* | *биз, бизләр* |
| II шахс | *сэн* | *сиз, сизләр (сэнләр)* |
| III шахс | *ул* | *улар, алар, анлар* |

**104-§.** Туркий тилларда кишилик олмошлари қадимдан шаклланган. Эски ўзбек тилидаги ва ҳозирги туркий тиллардаги кишилик олмошларининг асосий қисми қадимги ёдгорликларда ҳам мавжуд бўлган.

Қадимги ёдгорликларнинг кўрсатишича, туркий тилларда кишилик олмошларининг дастлаб *мэн* (*бэн*), *сэн* (*син*), *биз, сиз, ул* (*ол*) формалари мавжуд бўлган. *-лар/-ләр* аффикси билан ясалган *бизләр, сизләр, улар, алар, анлар* каби формалари эса кейинчалик вужудга келган.

Кишилик олмошларининг қадимги ёдгорликлардаги кўринишлари қуйидагича: Урх.-ен.: *бэн//мэн, сэн, ол*(*ул*), *биз, сиз;* Қад. уйғ.: *мэн, сен, ол*(*ул*), *биз, сиз//сизләр, олар*(*улар*); ҚБ: *мэн, сэн, ол(ул), биз, сиз//сизләр, олар*(*улар*); МҚ: *мэн//бэн, сэн//син, ол(ул), биз, сиз, олар*(*улар*).

www.ziyouz.com kutubxonasi

XI аср тилида I ва II шахс кишилик олмошлари бирлигининг параллел формада қўлланиши, Маҳмуд Қошғарийнинг кўрсатишича, диалектал хусусиятга эга бўлган, яъни I шахс бирлиги ўғузларда *бән,* бошқа туркларда *мән* тарзида, II шахс бирлиги канжакларда *син,* бошқа туркларда *сән* тарзида талаффуз қилинган.

**105-§.** Кишилик олмошларининг бирлик ва кўплик формалари тарихан бир хил ўзакдан ривожланган. III шахс кўплик формалари *улар* (*олар*), *алар, анлар* III шахс бирлиги *ул* (*ол*) формасига кўплик аффикси қўшилиши билан ҳосил бўлганлиги маълум. I ва II шахсларнинг бирлик ва кўплик формалари ҳам бир ўзакдан ривожланган: *биз, сиз* формалари таркибидаги [з] қадимги кўплик (иккилик) формасини ясовчи аффикс бўлиб, уларнинг ўзаги *би, си* формасида бўлган. I ва II шахс бирлик формалари *бән, сән* эса *би, си* ўзакларига [н] орттирилиши билан ҳосил бўлган. Лекин бундаги [н]нинг характери туркологияда ҳали аниқланмаган. I шахс бирлиги *бән* таркибидаги [б] ундоши [н] бурун товуши таъсирида [м]га ўтган ва бу олмош *мән* формасига айланган. *Бән* формаси, юқорида айтилганидек, ўрхун-енисей ёдгорликларида, «Девону луғотит турк» ва бошқа айрим манбаларда ҳам қўлланган бўлиб, ҳозир турк, гагавуз тилларида сақланган.

**106-§.** Кишилик олмошларининг I ва II шахс бирлиги таркибидаги унли ҳозирги туркий тилларда *мен(мэн)≈мән≈мин, сен* (*сэн*)*≈сән≈син* тарзида турлича талаффуз қилинади. Кўпчилик туркологларнинг фикрича, бу олмошлар қадимда *мин* (<*бин*), *син* кўринишида бўлиб, *мен* (*мэн*)*≈мән, сен* (*сэн*)*≈сән* формалари кейинчалик пайдо бўлган.

Эски ўзбек тилида бу олмошларнинг ёзувда кўрсатилиши қуйидагича: XIV аср иккинчи ярми (масалан, «Муҳаббатнома») ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларда миму ёю нун ( مين ), сину ёю нун ( سين ) тарзида ёй ( ی ) орқали берилган. XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда, шунингдек, XVII асрга мансуб бўлган «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларида миму нун ( من ), сину нун ( سن ) тарзида фақат ундошлар билан берилган. Ёзувдаги бу икки хиллик талаффузда ҳам акс этган бўлиши мумкин. Лекин бирликни сақлаш учун биз бу олмошларни *мэн, сэн* кўринишида бердик.

**107-§.** Кишилик олмошлари ҳам отлар каби келишиклар билан турланади ва бунда айрим фонетик ўзгаришлар юз беради. Булар қуйидагича:

1. Қаратқич келишиги аффикси I ва II шахслар кўплигига қўшилганда, келишик аффикси таркибидаги [н] баъзан тушиб қолади. Мас.: *Б и з и ң азӑбымызны көрсәләр* (Таф., 31 *б*).

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Сизиң-тэк ҳурваш ādам тапылмас* (Отойн, 27*а*). *Гāҳ гāҳ бизиң жāнымыз ҳам болғай* (Нав. Мнш., 2). *Бизиң-у сизиң ара болмады қан* (ШН, 156). *Ҳāли зāрымыз бизиң*... (Мунис, 146).

Бу ҳодиса XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда кўпроқ учрайди. Бу манбаларнинг айримларида, масалан, «Тафсир»да кишилик олмошининг III шахс кўплик формасига қўшилганда ҳам қаратқич келишиги аффикси таркибидан [н] тушиб қолиши учрайди. Мас.: *Уларың имāн кэлтүрмишләрин көрди эрсә*,.. (Таф., 129*б*). *Сэн анларың тамыны көнгәрдиң* (Таф., 11*а*).

Кишилик олмошларининг I ва II шахс кўплик формаларига қўшилганда, қаратқич келишиги аффикси таркибидан [н] тушиб қолиши XI аср ёдгорликларида ҳам кузатилади. Мас.: *бизиң эв* (МК), *бизиңгә тәгү әрди* (ҚБ).

2. XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримларида кишилик олмошларининг I шахс бирлиги ва кўплигига қаратқич келишиги аффикси кўпинча *-им* формасида қўшилади. Мас.: *Ул мэним тайақым турур* (Таф., 19*б*). *Мэним йарлықым бирлә кирди* (Рабғ., 13*б*). *Бостāн бизим эрмәз эрмишдүк* (Таф., 10*а*). *Бу бизим бāғымыз эрмәз* (Рабғ., 146*б*).

Кишилик олмошларининг I шахс бирлиги ва кўплигига қаратқич келишиги аффиксининг *-им* формасида қўшилиши ҳозир озарбайжон, турк, гагавуз, қрим татарлари, нўғай каби тиллар учун характерли.

3. Кишилик олмошларининг I ва II шахс бирлигига жўналиш келишиги аффикси қўшилганда, олмош охиридаги [н] билан келишик аффиксидаги [г] бирикиб [ң] бурун товуши ҳосил бўлади: *мэңә, сэңә*. Кишилик олмоши III шахс бирлигининг жўналиш келишиги формаси эса *аңа* тарзида ўқилади.

I, II, III шахслар бирлиги айрим ёдгорликларда *манға//манқа, санға, анға//анқа* формаларида ҳам қўлланган. Мас.: *Қозы Тэгинниң манға майлы бар* (Ш. тар., 52). *Агар манқа бақсаңыз, өзүңизни алдурур-сиз* (БН, 139). *Пāдшāҳлық атаңдын санға мэрāс қалған турур* (Ш. тар., 45). *Мэн санға қырқ адад қой бэрәйин* (Фурқ. II, 147). *Пāдшāҳлықны анға бэриб*,.. (Ш. тар., 49). *Йай оқны қайсы тарафға тартыб йубарса, оқ анқа барур* (Ш. тар., 28).

XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримларида бу олмошлар жўналиш келишигида *маңар, саңар, аңар* формаларида ҳам учрайди. Мас.: *Ул икки бостāн ичиндә маңар бар*... (Таф., 67 *а*). *Бу ақар арық ким, саңар бэрдим, андын сув ичкил* (Таф., 18 *а*). *Дидāр нэъматын аңар көргүзмәгүнчә сэн ма көрмәгәй-сэн* (Рабғ., 95 *а*).

*Маңар, саңар, аңар* формалари жўналиш келишигининг қадимги аффикси *-ғару//-гәрү* қўшилиши билан ясалган (Қар.:

www.ziyouz.com kutubxonasi

§ 25): *мән+гәрү>мәнгәрү>маңару>маңар; сән+гәрү>сәнгәрү>саңару>саңар; ан+ғару>анғару+аңару>аңар.*

Кишилик олмошлари бирлик формаларидан жўналиш келишиги ясалиши қадимги ёдгорликларда қуйидагича кўринишда бўлган: Урх.-ен.: *маңа (мәңә), саңа (сәңә), аңар;* Қад. уйғ.: *маңа (мәңә), саңа (сәңә), аңар//аңа;* ҚБ: *маңар//маңа (мәңә), саңа (сәңә), аңар//аңа;* МК: *маңа (мәңә),саңа (сәңә) ≈ са(са айур-мән), аңар//аңа.*

4. Кишилик олмошининг III шахс бирлигига келишик аффикслари қўшилганда, унда қуйидагича ўзгаришлар юз беради: [л] ундоши [н] ундошига, [у] унлиси [а] унлисига ўтади: ул — *аның, аны, анда, андын.* Жўналиш келишиги, юқорида кўрсатилганидек, *аңа, аңар* формаларида бўлади.

Эски ўзбек тилида кишилик олмошлари турланишининг умумий кўриниши қуйидагича:

| сон | шахс | Бош. к. | Қар. к. | Туш. к. | Жўн. к. | Ўр.-п. к. | Чиқ. к. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Бирлик | I шахс | *мэн* | *мэниң*<br>*мэним* | *мэни* | *мэңә*<br>*манға*<br>*манқа*<br>*маңар* | *мэндә* | *мэндин* |
| | II шахс | *сэн* | *сэниң* | *сэни* | *сэңә*<br>*санға*<br>*саңар* | *сэндә* | *сэндин* |
| | III шахс | *ул* | *аның* | *аны* | *аңа*<br>*анға/анқа*<br>*аңар* | *анда* | *андын* |
| Кўплик | I шахс | *биз*<br>*бизләр* | *бизниң*<br>*бизиң*<br>*бизим* | *бизни*<br>*бизи* | *бизгә*<br>*бизә*<br>*бизләргә* | *биздә* | *биздин* |
| | II шахс | *сиз*<br>*сизләр* | *сизниң*<br>*сизиң*<br>*сизләрниң*<br>*сизләриң* | *сизни*<br>*сизи*<br>*сизләрни* | *сизгә*<br>*сизә*<br>*сизләргә* | *сиздә* | *сиздин*<br>*сизләрдин* |

www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Кўплик | III шахс | *улар*<br>*алар*<br>*анлар* | *уларның*<br>*уларың*<br>*аларның*<br>*анларның*<br>*анларың* | *уларны*<br>*аларны*<br>*анларны* | *уларға*<br>*аларға*<br>*анларқа*<br>*анларға* | *уларда*<br>*аларда*<br>*анларда* | *улардын*<br>*алардын*<br>*анлардын* |

## КУРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ

108-§. Эски ўзбек тилида кўрсатиш олмошларининг *бу, ул* (*у*), *ушбу, ошул, ошал, шул* каби формалари кенг қўлланган бўлиб, айрим ёдгорликларда *уш, шу, оша, ошу, энә, мәнә, ҳамул, ҳамин* каби формалари ҳам учрайди. Бу формалар этимологик жиҳатдан ҳам, маъно ва функцияси жиҳатдан ҳам бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирларини тўлдиради. Юқорида кўрсатилган кўрсатиш олмошлари таркиби жиҳатдан содда ва мураккабдир.

109-§. *Бу* кўрсатиш олмоши нутқ моментида мавжуд бўлган предмет, шахс, воқеа-ҳодисани кўрсатади. Мас.: *Бу оғланны нэтәк өлдүрмәк кэрәк?* (Таф., 129 *б*). *Көчүб бу йэргә кэләлим* (Рабғ., 31 *б*). *Бу байтны оқубдур* (Нав. МН, 140). *Бу бозаны ичмәк ҳайāл қылдук* (БН, 323). *Мэн бу шаҳарға кэлгән вақтда...* (Фурқ. II, 155).

*Бу* олмошининг кўплиги *-лар* аффикси билан ясалади ва бунда у субстантивлашади, яъни от ўрнида қўлланади. Мас.: *Булар күлүшүрләр эрди* (Таф., 61 *а*). *Булар лāҗарам урушурлар* (БН, 329). *Булар дағы Саййидгә кирмиш* (ШН, 159). *Урушуб эрди эр-у хатын булар* (Муқ., 49).

Қиёсланг: *Оғланларның атлары мунлар турур* (Ш. тар., 10). *Мунлар ҳам йигирми төрт кишиләр турурлар* (Ш. тар., 34).

*Бу* олмошига келишик аффикслари қўшилганда, [н] орттирилади; шу [н] нинг таъсирида [б] ундоши [м] ундошига ўтади: *мунуң//муның, муны, муңа* (<*мунға*<*бу+н+ға*), *мунда, мундын*. Мисоллар: *Мунуң түбидин ақар* (БН, 56). *Муны қыйнамақ кэрәк* (Рабғ. 75 *б*). *Тақы сөзни муңа қойдылар* (Ш. турк, 11). *Мундын артуқ қылма зāр* (Лутф., 222 *а*). *Нэ қылдым мунда?* (ШН, 17).

Қиёсланг: *Барча халқ буны эшитиб...* (Ш. тар., 44). *Йахшы-йахшы бунда...* (Муқ., 115).

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Бу* олмошининг кўплиги *булар* формасига келишик аффикслари қўшилганда, унинг таркибида одатда ўзгариш юз бермайди. Мас.: *Буларның арасында* (Рабғ., 69 б). *Буларны мэн қылғай-мэн* (БН, 92). *Буларға дастур бэргэй* (Таф., 48 б). *Буларда бирингэ бақғыл* (Рабғ., 91 б).

Айрим ёдгорликларда *булар* олмошига қаратқич келишиги аффикси қўшилганда, ундаги [б] ундошининг [м] га ўтиши ва кўплик аффикси олдидан [н] орттирилиши ҳам учрайди: *буларның>мунларның*. Мас.: *Мунларның ҳэч қайсысыны қылмадуқ* (Ш. тар., 6).

**110-§.** ***Ул*** кўрсатиш олмоши кишилик олмошининг III шахс бирлиги *(ул)* билан шаклан ўхшаш. Кўрсатиш олмошининг бу тури маъно жиҳатдан *бу* кўрсатиш олмошига қарама-қарши, яъни *ул* олмоши вақт ва масофа жиҳатдан сўзловчидан узоқ бўлган предметни, воқеа-ҳодисани кўрсатади. Мас.: *Тақы ул ҳāлда хитāб кэлди* (Рабғ., 11 а). *Ғамза бирлэ төкти қаным ул санам* (Лутф., 226 а). *Туталы ул тараф йол* (Нав. ФШ, 64). *Ул йыл Самарқандтын чықыб*,.. (БН, 343). *Ул кишиниң оғланлары*... (Ш. тар., 71).

*Ул* кўрсатиш олмоши Лутфий асарларида *у* формасида ҳам учрайди. Мас.: *Маҳшарда ғāлибā ким у күн көрмэгэй изāб* (Лутф., 160 б). *Болғай у күн баҳāрда ул барча набāт-у найшакар* (Лутф., 178 а).

*Ул* кўрсатиш олмошининг турланиши III шахс кишилик олмошининг турланиши каби (Қар.: § 107): ***Ул*** — *аның, аны, аңа, андын, анда.*

**111-§.** Эски ўзбек тилида кўрсатиш олмоши маъносида ***уш*** сўзи ҳам қўлланган. Лекин бу олмош XV асрнинг биринчи ярми ва ундан олдинги даврларга оид ёдгорликларда учрайди.

*Уш* олмоши предметнинг, шахснинг, воқеа-ҳодисанинг ёки иш-ҳаракатнинг нутқ моментида мавжуд эканлигини таъкидлаб кўрсатиш учун хизмат қилиб, ҳозирги ўзбек тилидаги *мана* кўрсатиш олмошига ўхшайди. Мас.: *Уш мэн Йусуфдын кэлдим* (Рабғ., 52 а). *Эй Малик, мэним қарындашым уш олтуруб турур* (Рабғ., 29 б). *Қадаҳ чэврулди уш бостāн ичиндэ* (МН, 294 б). *Зулфуң дағы ул кāфир уш имāн аладур-ла* (Лутф.). *Уш хуш райғāн кэлди* (Сакк., 3 б).

*Уш* сўзи «Девону луғотит турк»да «шундай», «худди», «ҳозиргина», «шу онда» каби маъноларни ифодаловчи сўз сифазида изоҳланган ва қуйидаги мисоллар келтирилган: *Уш мундағ қыл* — «Худди шундай қил». *Уш кэлдугум бу* — «Ҳозиргина келиб турганим» (МК, I том, 72-бет).

**112-§.** ***Ушбу*** кўрсатиш олмоши *уш* ва *бу* кўрсатиш олмошларининг бирикувидан ташкил топган составли олмошдир. *Ушбу* олмоши маъно жиҳатдан ҳам *уш* ва *бу* олмошларига ўхшайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ушбу* олмоши предметнинг, шахснинг, воқеа-ҳодисанинг нутқ моментида мавжудлигини таъкидлаб, уни алоҳида ажратиб кўрсатади. Мас.: *Ушбу анлар фāсиқлар эрур* (Таф., 83 *а*). *Ушбу қағанның чэриги... көп-көп эрдилəр эрди* (ЎН, 35—36). *Ушбу дам эрур жāнның футуҳи* (МН, 309 *а*). *Сизгə мужиб ушбу мāтам эрмиш* (Нав. ФШ, 90). *Бу хабарны ҳам ушбу пачы кэлтурди* (БН, 448). *Ушбу чақда ҳам бир киши бир кишидин сорса,..* (Ш. тар., 34). *Ушбу даврāн бирлə өтсəк, йоқ эрур армāнымыз* (Фурқ. II, 97).

*Ушбу* олмоши сўз ўзгартувчи қўшимчалар олмайди ва гапда аниқловчи вазифасида келади (Юқоридаги мисолларга қаранг). Баъзан кесим вазифасида ҳам келади. Мас.: *Ул йол илгəридур, аммā йол ушбудур* (БН, 141). *Билиңиз ким, қылур иш ушбудур* (ШН, 150).

**113-§.** *Ошул* кўрсатиш олмоши *уш* (≈*ош*) ва *ул* кўрсатиш олмошларининг бирикувидан ҳосил бўлган. *Ошул* олмоши маъно жиҳатдан *уш* ва *ул* кўрсатиш олмошларига яқин бўлиб, сўзловчи ва тингловчига олдиндан маълум бўлган предмет, шахс, воқеа-ҳодисани таъкидлаб, ажратиб кўрсатади. Мас.: *Ошул кун туғрулмыш* (Таф., 13 *а*). *Ошул бэг тағларға кирди* (ЎН, 48). *Ошул кун ким, сэни хāлиқ йаратты,..* (МН, 302 *а*). *Фарйāдым ошул йэргə йэтибтур* (Лутф., 166 *б*). *Ошул қарāр билə сув йақасыдын саҳар көчуб,..* (БН, 314). *Ошул қалъа ичигə кирмиш* (ШН, 206). *Ошул йэрдə йаттуқ* (Ш. тар., 22).

Қиёсланг: *Эзгурəк турур ошуллардын* (Таф., 46 *б*).

**114-§.** *Ошал* кўрсатиш олмоши ҳам *уш* ва *ул* кўрсатиш олмошларининг бирикувидан ташкил топган таркибли олмошдир: *уш+ул (ош+ол)>ошал.*

*Ошал* олмоши маъно жиҳатдан *ошул* олмошига ўхшаш. Мас.: *Ошал кун ким, сэни йаздāн йаратты,..* (МН, 293 *а*). *Ҳиндуйи сāҳиб саāдатдур ошал мэң дāнасы* (Отойи, 65 *б*). *Ошал йолдын барың* (БН, 140). *Ошал сувларның аралары нда олтурурлар эрди* (Ш. турк, 28). *Ошал уй ичиндə əйлəниб йурсə,..* (Фурқ. II, 130).

**115-§.** *Шул* кўрсатиш олмоши *ошул* кўрсатиш олмошининг қисқарган формаси *(ошул>шул)* бўлиб, маъно жиҳатдан ҳам *ошул* олмошига ўхшайди. Мас.: *Бас, чын-оқ шул өлум йатғашмыш сизгə* (Таф., 89 *а*). *Шул буғуны... бағлады* (ЎН, 25). *Шул замāн ким, алур Урганчны ол//салур, албатта, Хурāсāн сары йол* (ШН, 204). *Ул киши шул замāн өлди* (Ш. тар., 76). *Шул эрур айбым, Муқимий, мардуми Фарғāна-мэн* (Муқ., 159).

**116-§.** *Бул* кўрсатиш олмоши ўзбек тилида кейинги даврларда пайдо бўлган. Бу олмошнинг қўлланиши XIX асрдан бошлаб кузатилади.

*Бул* олмоши маъно жиҳатдан *бу* ва *шу* кўрсатиш олмошла-



www.ziyouz.com kutubxonasi

рига ўхшайди. Мас.: *Агар бул тариқа болса...* (Фурқ. II, 141). *Қошма бул даруларыңны йарым ашыға, табиб* (Фурқ, II, 97).

117-§. ***Оша, ошу, шу*** кўрсатиш олмошлари *ошал, ошул* кўрсатиш олмошларининг қисқарган формалари бўлиб, эски ўзбек тилида кам истеъмолда бўлган, айрим ёдгорликлардагина учрайди: *Ошал>оша, ошул>ошу, ошул>шул>шу.*

Мисоллар: *Оша үстүндә тоң тақы муз бар турур* (ЎН, 47). *Кэнә ошу йығачның түбиндә турды* (ЎН, 26). *Ошандын қачқан билә... Панипат навāҳисидин өтәрләр* (БН, 332). *Айтмай шу кэчә кэтәли* (Ш. турк, 145). *Сэндин нэ көрсә, ноқарың шуны қылур* (Ш. турк, 140).

118-§. ***Әнә, мәнә (муна)*** кўрсатиш олмошлари ҳам эски ўзбек тилида кам қўлланган бўлиб, кейинги даврларга оид айрим ёдгорликлардагина учрайди. Мисоллар: *Анлар муна бара-миз, дэрләр* (Ш. турк, 122). *Муна алдыңызда бара турурлар* (Ш. турк, 178). *Әнә қадд-у әнә ҳусн-у әнә хулқ// киши көргән эмас мундағ латāфат* (Фурқ. I, 207).

119-§. Юқорида келтирилган кўрсатиш олмошларидан кўпчилигига *-ча, -дэк//-дағ//-дақ* аффикслари қўшилиб равиш ясалади: *мунча, унча, анча, ушмунча, мундағ//мундақ, андағ//андақ, шундағ//шундақ, ошандағ//ошандақ, ушмундақ//ушмунэк, мунуң-дэк//мунуң-тэк* (Қар.: §§ 299, 301).

120-§. ***Ҳамул*** кўрсатиш олмоши *ул* кўрсатиш олмоши билан *ҳам* боғловчисининг бирикувидан ҳосил бўлган. Бу олмош маъно жиҳатдан *ошал* кўрсатиш олмошига ўхшайди.

*Ҳамул* олмоши асосан XV асрга оид ёдгорликларда қўлланган бўлиб, Навоий асарларида кўп учрайди. Мисоллар: *Ҳамул ғубāрны тотийāлыққа тапмайдурлар* (Нав. Мнш., 18). *Ҳамул баҳāдирлығ таврыда бу түйүғ андын машҳурдур* (Нав. МН, 197). *Ҳамул дам күйди Лутфий шамъ йаңлық* (Лутф., 198 *а*). *Ҳамул мискини саргардāн-му-дур бу* (Отойи, 54 *б*).

121-§. Эски ўзбек тилида кўрсатиш олмоши маъносида форсча ***ҳамин*** сўзи ҳам қўлланган бўлиб, айрим ёдгорликлардагина учрайди. Мисоллар: *Мэниң ҳақымда қылур-сэн ҳамин жафā ҳавасын* (Отойи, 47 *б*). *Балэ, йалғуз ҳамин āламда сэн-сэн* (Лутф., 222 *а*).

122-§. Қадимги ёдгорликлардан маълум бўлишича, эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган кўрсатиш олмошларининг бир группаси туркий тиллар тараққиётининг кейинги даврларида пайдо бўлган.

Урхун-енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида кўрсатиш олмошларидан *ул (ол), бу* қўлланган. XI—XII асрларга оид ёдгорликларда эса кўрсатиш олмошларининг *уш, ушбу, ошул* формалари ҳам истеъмолда бўлган. Мас.: *Көру бәрсә йахшы, айур ушбу сөз* (ҚБ) — «Яхшини кўрганда ушбу сўз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни айтади». *Қайу нәң қыз эрсә, ошул нәң көсүш* (ҚБ)—«Қайси нарса қимматбаҳо (нодир) бўлса, ўша нарса орзу қилинадиган (қадрли) бўлади». *Китабының аты эрүр «Ҳибатул ҳақайиқ», ибарат артабтын ошул* (ҲҲ) — «Китобининг номи «Ҳибатул ҳақойиқ» бўлиб, бу арабча иборадир».

Кўрсатиш олмошларининг *оша, ошу, шу, бул, энә, мәнә* каби формалари яна ҳам кейинроқ даврларда пайдо бўлган.

## ЎЗЛИК ОЛМОШЛАРИ

123-§. Эски ўзбек тилида ҳам ўзлик олмошининг *өз* формаси актив қўлланган бўлиб, унинг маъноси, қўлланиши, грамматик хусусиятлари асосан ҳозирги ўзбек тилидагидек. Шу билан бирга, олдинги даврларга оид ёдгорликларда ўзлик олмошининг қадимги формаси *кэнду (кэнтү)* ҳам қўлланган.

124-§. *Өз* олмоши аниқловчи вазифасида келиб, аниқланаётган предметнинг маълум шахсга қарашлигини, хослигини таъкидлаб кўрсатади. Мас.: *Йусуф көзгүгә бақды, өз йүзини көрди* (Рабғ., 48 *а*). *Өз өчүмни алмағунча олтурмағай-мэн* (Таф., 27 *б*). *Өз қылычын бойнума йэткүрсә ҳам,..* (Нав. ЛТ, 149). *Өз элини талаб,.. олжа қылурлар* (БН, 129). *Қайтыб өз йуртыға түшди* (Ш. тар., 47). *Мэни өз ҳузурыға талаб қылды* (Фурқ. II, 138).

*Өз* олмоши қадимда от туркумига мансуб бўлиб, ўзлик, вужуд, жон, руҳ каби маъноларни ифодалаган. Унинг бу хусусияти қадимги ёдгорликлар тилида ҳам маълум даражада акс этган. Бу ҳол, айниқса, «Қутадғу билиг» ва «Ҳибатул ҳақойиқ» да аниқроқ кўринади. Мас.: *Тириглик тиләсә өзүң өлмәгү* (ҚБ) — «Яшашни истасанг ўлмагин, яъни ўзлигинг кетмасин». *Қалы барса өзүм, сөзүм қалсу* (ҲҲ) — «Ўлсам (яъни ўзлигим кетса), сўзим қолсин».

*Өз* олмошининг шунга ўхшаш маъноларда қўлланиши эски ўзбек тилида ҳам мавжуд бўлган. Мас.: *Гул йүзүң ҳажрында өздин кэткэй эрдим дамадам* (Лутф., 164 *а*). *Мың йыл өткән кишиләр бирлә мудам//қырылышыб өзни қылурлар баднам* (ШН, 107).

*Өз* олмошига *-лүк* аффикси қўшилиб от ясалади. Бунда *өз* олмошининг қадимги маъноси яна ҳам аниқроқ сезилади. Мас.: *Муңа өзлүк билә нэчүк йэткэй* (Нав. МҚ, 67). *Өзлүкидин хабар қалмамыш болғай* (Нав. МҚ, 89). *Эй кэ, дилбар висалын истәр-сэн//өздин өзлүк йүкин бадар әйлә* (Мунис, 52).

*Өз* олмоши такрорланиб ҳам келади. Бунда иш-ҳаракат субъектга қайтганлиги, иш-ҳаракат субъектнинг ўзи учун бўлганлиги кўрсатилади. Мас.: *Малик өзини өзи-өк турутты*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Таф., 38 *а*). *Қулның ѳ з и н ә ѳ з и эрки болмас* (Рабғ., 54 *б*). *Толғанмағы ѳз ѳ з и н ә гирдāб* (Нав. Мнш., 2). *Ѳзүмни ѳзүм ѳлтүрүр-мэн* (Ш. тар., 56—57).

*Ѳз* олмоши эгалик аффиксларини қабул қилади:

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *ѳзүм, ѳзим* | *ѳзүмиз, ѳзимиз* |
| II шахс | *ѳзүң, ѳзиң* | *ѳзүңиз, ѳзиңиз* |
| III шахс | *ѳзи* | *ѳзләри* |

*Ѳз* олмоши келишик аффикслари билан турланади. Бунда келишик аффикслари олдидан одатда эгалик аффикслари келади. Мас.: *Ѳ з ү м н и ң икки йахшы кишимни чақырдым* (Ш. тар., 163). *Сэн ѳ з ү ң н и... ҳалāк қыла-сэн* (ШН, 145). *Ѳ з ү м и з г ә ва атларға хораксыз болмас* (БН, 141). *Равāнымны ѳ з ү ң ү з д и н қылың шāд* (Нав. ФШ, 191). *Ѳ з и д ә хушы бар āдам эшитсүн* (Фурқ. II, 7).

Тушум ва чиқиш келишик аффикслари эгалик аффикслари бўлмаган ҳолларда ҳам қўшилади. Мас.: *Ѳ з н и аслы йэринә йэткүргил* (ШН, 274). *Ҳаҗр ара ѳ з д и н барыб-сэн* (Нав. ФШ, 160).

Эски ўзбек тилида *ѳз* олмоши турланишининг умумий кўриниши қуйидагича:

| Келишиклар | Бирлик | | | Кўплик | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Бош. к. | *ѳзүм ѳзим* | *ѳзүң ѳзиң* | *ѳзи* | *ѳзүмиз ѳзимиз* | *ѳзүңиз ѳзиңиз* | *ѳзләри* |
| Қар. к. | *ѳзүм-ниң ѳзим-ниң* | *ѳзүң-ниң ѳзиң-ниң* | *ѳзиниң* | *ѳзүмиз-ниң ѳзимиз-ниң* | *ѳзүңиз-ниң ѳзиңиз-ниң* | *ѳзләри-ниң* |
| Туш. к. | *ѳзүмни ѳзимни* | *ѳзүңни ѳзиңни* | *ѳзини ѳзин* | *ѳзүмизни ѳзимизни* | *ѳзүңизни ѳзиңизни* | *ѳзләрини ѳзләрин* |

www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Жўн. к. | *өзүмгә*<br>*өзимгә* | *өзүңгә*<br>*өзүңә*<br>*өзиңә* | *өзигә*<br>*өзингә* | *өзүмүзгә*<br>*өзүмизгә*<br>*өзимизгә* | *өзүңизгә*<br>*өзиңизгә* | *өзләригә*<br>*өзләринә* |
| Ўр.-п. к. | *өзүмдә* | *өзүңдә*<br>*өзиңдә* | *өзидә* | *өзүмиздә*<br>*өзимиздә* | *өзүңиздә*<br>*өзиңиздә* | *өзләридә* |
| Чиқ. к. | *өзүмдин*<br>*өзимдин* | *өзүңдин*<br>*өзиңдин* | *өзидин*<br>*өзиндин* | *өзүмиздин*<br>*өзимиздин* | *өзүңүздин*<br>*өзүңиздин*<br>*өзиңиздин* | *өзләридин* |

125-§. *Кәндү (кәнтү)* олмоши XV асрдан олдинги даврларга оид айрим манбаларда учрайди. Бу олмош маъно жиҳатдан *өз* олмошидан фарқ қилмайди. Мас.: *Сачынурлар кәндү өфкәләриндин* (Таф., 97 *а*). *Кәрәк болсам аңа мән, кәндү кәлсүн* (Хиср. Шир.).

*Кәндү* олмоши *өз* олмоши билан бирга ҳам қўлланади. Бунда ҳар иккаласи ҳам бир маънони, яъни ўзлик олмоши маъносини ифодалайди. Мас.: *Өзи кәндү йәкрәк билүр эрди* (Таф., 29 *б*).

*Кәндү* олмошига эгалик, келишик аффикслари бевосита қўшилмайди. Бу аффикслар қўшилиши талаб қилинган ўринларда *кәндү* олмошидан кейин *өз* олмоши келтирилади. Эгалик ва келишик аффикслари кейингисига қўшилади. Мас.: *Ҳақ эрдүкин билсәм, мән кәндү өзүмни фидā қылғай эрдим* (Таф., 147 *а*). *Кәндү өзләринә аны карāмат көрәрләр* (Таф., 59 *б*).

*Кәндү* олмоши қадимги уйғур тили ёдгорликларида анча кенг қўлланган бўлиб, «Девону луғотит турк» ва «Ҳибатул ҳақойиқ»да ҳам учрайди. Мас.: *Кәнтү көңүлинтә ынча тип сақынды* (Қад. уйғ.) — «Ўз кўнглида шундай деб ўйлади». *Кәнтү өзин көрти* (Қад. уйғ.) — «Ўзи ўзини кўрди».

*Кәндү* ҳозир турк тилида ўзлик олмоши вазифасида актив қўлланади.

## СУРОҚ ОЛМОШЛАРИ

126-§. Эски ўзбек тилида қўлланган сўроқ олмошлари катта группани ташкил этиб, тузилиши жиҳатдан туб ва таркибли сўзлардан иборат. Туб сўроқ олмошлари — *ким, нә//нә*. Бошқа турлари *нә//нә* ва қадимги *қай//қан* сўроқ олмошларига форма

www.ziyouz.com kutubxonasi

ясовчи, сўз ясовчи, сўз ўзгартувчи аффиксларни қўшиш асосида вужудга келган: *нэгэ, нэдин, нимэ, нэчун//нэвчун* (<*нэучун*), *нэчук, нэлук, нэгэк, нэгу* (*нағу*), *нэшэ* (*нишэ*), *нэчэ* каби сўроқ олмошлари *нэ* сўроқ олмоши асосида, *қайсы, қайда//қанда//қайуда, қайдын//қандын, қачан, қанча* каби сўроқ олмошлари *қай//қан* сўроқ олмоши асосида ясалган.

127-§. ***Ким*** сўроқ олмоши фақат шахсга нисбатан қўлланади. Бу олмош эгалик, кўплик аффикслари билан ҳам ишлатилади, келишик аффикслари билан турланади. Мас.: *Кимиңиз улуғ эркэн, кимиңиз кичик эркэн*,.. (Таф., 70 *а*). *Фикр қыл, мулкны ким алғусыдур* (ШН, 19). *Кимгэ болғай а̄хир, эй султа̄н, бу тӣва̄ным мэниң?* (Лутф., 198 *б*). *Дэди: сордик кимдэ болса мушкулы* (Нав. ЛТ, 98). *Кимдин тилэйин дава̄йи ҳиҗра̄н?* (Отойи, 49 *а*).

128-§. ***Нэ//нэ*** сўроқ олмоши предмет, воқеа-ҳодиса, ҳайвон, жониворларга нисбатан қўлланади.

Бу олмош қуйидаги ўринларда ишлатилади:

1. Феълга боғланиб, *нима* олмоши маъносидаги сўроқни билдиради. Мас.: *Сэңэ нэ болды?* (Таф., 65*б*). *Мэңэ нэ бэргэйсэн?* (Рабғ., 23*б*). *Нэ билур-сэн хасталарның ҳа̄лыдын?* (Лутф., 226*а*). *Буны бандлатыб, нэ қылай дэй турур-сэн?* (Ш. тар., 59).

2. Феълга боғланиб, «нима учун», «нима сабабдан» каби маъноларни билдиради. Мас.: *Эй Да̄вуд, нэ йығлайур-сэн?* (Рабғ., 67 *а*). *Дэди: қопғыл, нэ йатыб-сэн, қопғыл* (ШН, 192). *Нэ дэб мурувват этиб, аввал а̄шна̄ қыла-сиз?* (Фурқ. I, 92).

3. Отга боғланиб, «қандай», «қайси» каби сўроқларни ифодалайди. Мас.: *Нэ тилэги бар эрсэ, бэргэй-мэн* (Рабғ., 16 *б*). *Нэ кун, нэ вақт, нэ са̄атқача дава̄ қылғуң* (Лутф., 197 *а*). *Мэн сордум ким, нэ киши-сэн?* (БН, 142). *Ха̄н дэди: бу нэ ҳика̄йат болғай//нэ ҳика̄йат, нэ рива̄йат болғай?* (ШН, 164). *Атсыз нэ йэргэ барур-миз?* (Ш. турк, 106).

4. Бирор нарсадан ажабланишни билдиради. Мас.: *Мунча ишимни, нэ болды, ул кифа̄йат қылмады* (Сакк., 20 *б*). *Көзуң нэ била̄ қара болубтур* (Нав. МН, 80). *Билмэн, нэ җарима билэ Ҳиридин ихра̄җ қылды* (БН, 213). *Нэ болды, душман олдуң җа̄нымға бара-бара?* (Мунис, 58).

5. Риторик сўроқ гапларни ташкил қилишда иштирок этади. Мас.: *Нэ шукр этэй аңа ким, дуа̄дын артуқ эрур* (Лутф., 186 *а*). *Сакка̄кийниң нэ көрмэди бу қатық алыны* (Сакк., 23 *а*). *Өзлэриниң бэглэригэ нэ вафа̄ қылдылар ким, бизгэ вафа̄ қылғайлар* (БН, 79). *Қул эрдилэр бары нэ қылсунлар//ша̄ҳның аллыға нэ кэлсунлэр* (ШН, 101). *Киши нэ билсун аның ҳа̄лыны* (Мунис, 61).

6. Маънони кучайтириб, таъкидлаб кўрсатиш учун хизмат қилади. Мас.: *Ваҳ, нэ йахшы кунлэр эрди ким, сэңэ ҳамдам*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*эдим* (Мунис, 178). *Н э хуш айййм экэн ошал замāнлар* (Муқ., 249). *Н э йахшы марҳаматлар эйлэмиш-сэн нāмада изҳāр* (Фурқ. I, 23).

*Нэ//нэ* сўроқ олмоши қуйидаги морфологик хусусиятларга эга:

1. Кўплик аффиксини олади: *нэлэр*. Мас.: *Ҳиндуға бақ кэ, түрк хитāны н э л э р қучар* (Лутф., 188 *а*). *Н э л э р кэлмиш башыңға ғурбат ара?* (Нав. ФШ, 203). *Мустаъмил дэсэм, н э-л э р болғусыдур?* (БН, 107). *Қазā бизгэ н э л э р салыбдур?* (ШН, 146).

2. Предикатив аффиксини олиб, кесим вазифасида келади. Мас.: *Атың н э турур?* (Таф., 9 *б*). *Битиг оқумақда мақсудуң н э т у р у р?* (Рабғ., 69 *а*). *Ҳайратта-мэн кэ, зарраи паришāнлықы н э д у р?* (Лутф., 188 *а*). *Нэтэли, нэ қылалы, чāра н э-д у р?* (ШН, 186).

3. Эгалик аффикси билан келиши ҳам учрайди. Мас.: *Бу хатун сэниң н э ң турур тэб айды эрсэ, Ибрāҳим айды мэним сиңлим турур тэб* (Таф., 38 *а*).

4. *Нэ//нэ* олмоши келишик аффикслари билан ҳам келади. Мас.: *Мэним қурбāным нэ турур. Н э н и қурбāн қылайым?* (Рабғ., 32 *б*).

*Нэгэ, нэдин* формаларидаги жўналиш ва чиқиш келишиклари аффикслари *-гэ* ва *-дин* ўзининг грамматик функциясини йўқотган бўлиб, бу формалар сўроқ олмоши сифатида шаклланган.

Бу формалар «нима учун», «нима сабабдан» каби маъноларни ифодалайди. Мас.: *Н э г э майл қылмас-сиз?* (БН, 241). *Мэни н э г э қыйнай-сэн?* (Ш. турк, 46). *Н э г э āҳым эшитмэс-сэн?* (Мунис, 136). *Көзи н э д и н көрмэс болды?* (Рабғ., 62 *б*). *Н э д и н, билдүк, өзүңни банд этиб-сэн* (Нав. ФШ, 159). *Н э д и н бизгэ йаманлық қыла-сиз?* (ШН, 147).

5. *Нэ//нэ* сўроқ олмошига *эт-* (этмоқ) ёрдамчи феъли қўшилиб, *нэт-* (<*нэ+эт*) формаси ҳосил бўлади: *нэтти, нэтэр, нэткэй* каби. Мас.: *Эй лаблары шаҳд-у шакарым, н э т т и, нэ болды?* (Отойи, 73 *б*). *Қара көл эли билэ биз н э т э л и?* (ШН, 35). *Н э т э р ул ағызда мунча йалған?* (МН, 297 *а*).

129-§. Ҳозирги ўзбек тилида сўроқ олмоши вазифасини бажарувчи ***нимэ*** сўзи эски ўзбек тилида асосан «нарса» маъносида қўлланган. Мас.: *Дэди: эйлэб мурāттиб кэмэлэрни//салың анда кэрэклик н и м э л э р н и* (Нав. ФШ, 94). *Санағулуқсыз н и м э л э р, йылқылар алды* (ЎН, 56). *Ушбу йэтти н и м э н и кэлтүрүңүз* (ШН, 143). *Жавāҳир ва алтун ва күмүш ва нафис н и м э л э р и н и йүклэб элтти* (БН, 152).

Езма ёдгорликларда *нимэ* сўзининг сўроқ олмоши маъносида қўлланиши жуда кам учрайди. Қуйидаги мисолда бу сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўроқ олмоши маъносида келган: *Инисиниң уйыда ичсэм, хāтирға н и м э кэлгэй деб,..* (БН, 239).

130-§. ***Нэчун||нэвчун*** сўроқ олмоши *нэ* сўроқ олмошига *учун* кўмакчисининг қўшилиши асосида ҳосил бўлган: *Н э учун>нэучун>нэчун, нэ учун>нэучун>нэвчун.*

Бу олмош ҳаракат ва ҳолатнинг сабаби тўғрисидаги сўроқни билдиради. Мас.: *Н э ч у н айтур эрдиңиз аны ким, қылмаз эрмиштиңиз?* (Таф., 86 *б*). *Эй йигит, н э ч у н йығлайур-сэн?* (Рабғ., 52 *а*). *Бағры қаттық болмас эрсэ, дэмэгэй ҳаргэз «н э ч у н?»* (Муқ., 138).

*Нэвчун* формаси асосан Навоий асарларида учрайди: *Н э в ч у н дāим ул шāд эрмэс эркин?* (Нав. ФШ, 38). *Билмэн, н э в ч у н қылмас тэмāр* (Мунис, 242).

Эски ўзбек тилида бу олмош кўпинча ўзининг дастлабки кўринишида, яъни *нэ учун* формасида қўлланган. Мас.: *Н э у ч у н өлтурур-мэн?* (Рабғ., 144 *б*). *Н э у ч у н бу Лутфийниң җāнын дудағың куйдурур?* (Лутф., 184 *а*). *Н э у ч у н эркэнин киши билмэс* (Нав. СС, 6). *Эмди н э у ч у н бэрмэй турур сэн?* (Ш. тар., 48). *Н э у ч у н дашт-у бийāбāнларны тинмэсдин кэзэр?* (Фурқ. I, 58).

131-§. ***Нэчук*** сўроқ олмоши ҳам *нэ* сўроқ олмоши билан боғлиқ бўлиб, ҳаракат ва ҳолатнинг юзага чиқиш усули, сабаби тўғрисида сўроқни билдиради. Мас.: *Көрэлим, ҳāл н э ч у к болурмыш* (Таф., 79 *б*). *Йусуфны н э ч у к бөригэ йэдурдуң?* (Рабғ., 69 *б*). *Н э ч у к мэҳриңни җāнымдын йойайын?* (МН, 304 *б*). *Сэн н э ч у к дам урмас-сэн?* (Нав. МҚ, 98). *Мэн н э ч у к аның қашыға барғай-мэн?* (БН, 233). *Н э ч у к тāқат қылай ким,..* (Фурқ. I, 28).

132-§. ***Нэлук*** сўроқ олмоши *нэчук* сўроқ олмошининг фонетик варианти бўлиб, ўзбек тилида XV асргача истеъмолда бўлган. Мас.: *Эмди сачың, сақалың н э л у к өруңэрди?* (Таф., 18 *б*). *Н э л у к башымға тупрақ қоймағайым?* (Хиср. Шир.). *Н э л у к ҳаддын ашурур-сиз җафāны?* (МН, 303 *а*).

133-§. ***Нэтэк*** сўроқ олмоши *нэчук, нэлук* сўроқ олмошларининг фонетик варианти бўлиб, маъно жиҳатдан ҳам булар билан ўхшаш.

*Нэтэк* ҳам эски ўзбек тили тараққиётининг асосан олдинги даврларида истеъмолда бўлган. Мас.: *Қасд қылмақ н э т э к равā болур?* (Рабғ., 53*б*). *Ул киши н э т э к ҳукм қылса,..* (Таф., 28*б*). *Шāҳиншāҳ буйруқын н э т э к сындурайын?* (Хиср. Шир.). *Қаплары йэргэ н э т э к төкулмиш?* (ШН, 47).

134-§. ***Нэгу (нағу)*** сўроқ олмоши *нэ* сўроқ олмошига ҳаракат номи ясовчи *-гу (-ғу)* аффиксини қўшиш йўли билан ҳосил бўлган.

Бу олмош ҳам олдинги даврларда истеъмолда бўлиб, айрим ёдгорликлардагина учрайди. Мас.: *Йā Омар, рāст айғыл, н э-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*гү ишкә кэлдиң?* (Таф., 27 *а*). *Эмди биз кэңәш қылалым, нэгү савāб кэлүр, көрәлим* (Таф., 146 *а*).

Лутфийда бу олмош *нағу* формасида ишлатилган. Мас.: *Нағу барур-сэн эликтин дэмә, гунāҳым йоқ* (Лутф., 194 *а*). *Нағу ҳар гошада йүз йашурурлар?* (Лутф., 178 *б*).

135-§. ***Нэшә (нишә)*** сўроқ олмоши ҳам *нэ* сўроқ олмоши асосида вужудга келган. XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримлари учун хос бўлиб, «Тафсир»да кенг қўлланган.

Бу олмош ҳам сабаб маъносидаги сўроқни билдиради. Мас.: *Нэшә йығлашур-сиз, сабр қылмаз-сиз?* (Таф., 71 *а*). *Нэшә айтур-сиз аны ким, қылмаз-сиз?* (Таф., 61 *а*). *Сизләр нэшә йығлайур-сиз?* (Наҳж. фар.). *Эй аиāлым, мэни мунда олтурмақдын нэшә манъ қылдың?* (Наҳж. фар.).

136-§. *Нэчә* сўроқ олмоши *нэ* сўроқ олмошига вақт, ўлчов билдирувчи *чағ* (*чаң*) сўзини қўшиш йўли билан ҳосил бўлган: *нэ чағ*>*нэчағ*>*нэчә*.

*Нэчә* ҳозирги ўзбек тилида миқдорга нисбатан сўроқни ифодаловчи олмош сифатида қўлланади. Эски ўзбек тилида эса бу сўз «анча», «қанча» (кўп марта маъносида), «қачонгача» каби маъноларда қўлланган. Мас.: *Ул итни йандурғалы нэчә сүрдиләр, урдылар, ул ит нима йанмады* (Таф., 9 *а*). *Нэчә биз көни сөзләр эрсәк, бизгә ынанмағай-сэн* (Рабғ., 47 *а*). *Қāматымны нэчә қашың йақылa//нэчә ҳаҗр оты җāнымда йақыла?* (Лутф., 226 *а*). *Нэчә бу ниш мазлумларға санчылғай?* (Нав. МҚ, 15). *Тоти нэчә навдур, көк боладур* (БН, 360). *Нэчә сөзи дил изҳāр әйләсәңиз, қылмағай парвā* (Муқ., 190).

*Нэчә* сўзининг миқдорга нисбатан қўлланиши ёзма ёдгорликларда кам учрайди. Қуйидаги мисолларда шу маънода қўлланган: *Муъавийа сорды, нэчә йыл мунуң үзә қалдылар тэб* (Таф., 132 *б*). *Лэк күндүзни дәгүчи кэчәдүр//билсә болғай кэ, даҳр ара нэчәдүр* (Нав. СС, 206).

137-§. ***Қайу*** сўроқ олмоши ажратиб кўрсатишда сўроқни билдиради. Эгалик, кўплик ва келишик аффикслари билан ҳам қўлланади.

Бу олмош XV асргача кенг қўлланган бўлиб, кейинги даврларда кам учрайди. Мисоллар: *Қайулары анлар бирлә болса, Иқлиманы ул алғай* (Рабғ., 10 *а*). *Қайу йэргә буйурса, сув урурлар* (МН, 291 *а*). *Нэдүр атың, қайу йэрлик парисэн?* (Лутф., 215 *а*). *Қайу эл қалдылар эркин ғамыңда?* (Нав. ФШ, 114). *Қайу хушдил, қайу маҳзун болды//қайу Лайли, қайу Маҗнун болды* (ШН, 7).

*Қайу* олмошининг асоси *қа* бўлиб, унинг таркибидаги *-йу* III шахс эгалик аффиксидир. Лекин бу олмошнинг *қа* формасида қўлланиши ёдгорликларда акс этмаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Қайу* олмоши айрим ёдгорликларда *қай* формасида ҳам учрайди: *Атаң, анаң қ а й йоллуғ турурлар?* (Рабғ., 76 б). *Дэди: қ а й чағдын олдуң ишқ ара маст?* (Нав. ФШ, 153).

138-§. *Қайсы* сўроқ олмоши *қай* сўроқ олмошига III шахс эгалик аффикси (*-сы*) қўшилиши билан ясалган. Маъно жиҳатдан *қай, қайу* олмошларига ўхшайди.

*Қайсы* олмоши ҳам эгалик, кўплик, келишик аффиксларини олади. Бу олмош асосан XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларда қўлланган. Мисоллар: *Көрэли, қ а й с ы м ы з йэңэр āхир* (Лутф., 215 б). *Қ а й с ы бири тапыб эди экин бу чāҳ* (Нав. ЛТ, 46). *Билмэн, мирзāға қ а й с ы тавры хуш йақыб, асру улуғ риāйат қылыб эди* (БН, 212—213). *Қ а й с ы н ы ң көңли чапылған болды//қ а й с ы н ы ң көңли ачылған болды* (ШН, 56).

139-§. Сўроқ олмошининг ***қайда//қанда//қайуда*** формалари *қай//қан//қайу* сўроқ олмошига ўрин-пайт келишиги аффикси қўшилиши билан ҳосил бўлган.

Бу формалар ўринга нисбатан қўлланиб, «қаерга», «қаерда» каби маъноларни ифодалайди, баъзан «қандай» маъносини ҳам билдиради. Мас.: *Қ а й д а барғусыны билмэгэйлэр* (Таф., 141 а). *Сорды: Ҳāбил қ а й д а турур?* (Рабғ., 10 б). *Көңли хушлар қ а й д а кэтсэ, мэн кэтэй* (Нав. ЛТ, 123). *Қаранғу кэчэдэ йолсыз қ а й д а бара-сиз?* (БН, 140). *Қ а й д а барсам болғай?* (Ш. турк, 105).

Юқоридаги мисоллар *қайда* формасининг қўлланишига келтирилди. *Қанда, қайуда* формалари асосан XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда ишлатилган. Мисоллар: *Қ а н д а бир заъиф банда бар эрсэ,..* (Таф., 136 а). *Эй фақир, қ а н д а кэтэр-сэн?* (Саройи). *Билүрлэр эрди ким, Ширин қ а н д а* (Хиср. Шир.). *Қуртулмағайлар йалғанчылар қ а й у д а ким, кэлсэлэр...* (Таф., 22 а).

140-§. ***Қайдын // қайдан // қандын // қандан*** формалари *қай//қан* сўроқ олмошига чиқиш келишиги аффикси қўшилиши билан ҳосил бўлган.

Бу формалар ҳам ўринга нисбатан қўлланиб, «қаердан» маъносини ифодалайди. Мас.: *Қ а й д ы н алдың?* (Таф., 129 а). *Қ а й д ы н кэлдиң, қайда барур-сэн?* (Рабғ., 70 б). *Қайда истэй, истэсэм қ а й д ы н тапай сэн йāрны?* (Нав. МН, 245). *Ичидэ болмаса эрди бу ҳāл//қ а й д ы н олғай эди зāҳир бу мақāл* (ШН, 144). *Сорарлар аңа мāл қ а н д ы н алдың, нэчэ харж қылдың тэйу* (Таф., 134 б). *Бу атасыз оғулны қ а н д ы н кэлтурдуң?* (Рабғ., 136 б). *Нэйлэйин, қ а н д ы н кэлүр зулфуң хайāлы баш уруб* (Отойи, 7 а).

Бу мисоллар *қайдын, қандын* формаларининг қўлланишига келтирилди. *Қайдан, қандан* формалари XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримларида учрайди. Мас.: *Бөри йэгэн*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юсуфны *қ а й д а н булалым?* (Рабғ., 67 *б*). *Ҳэч билмэн, бу от* *қэним эвимэ қ а н д а н тушти* (Саройи).

141-§. ***Қайан*** формаси *қа(й)* сўроқ олмошига *йан* сўзи қў-шилиши билан ҳосил бўлган: *қа(й)+йан>қайан.*

Бу олмош ҳам ўринга нисбатан сўроқни ифодалаб, «қаерга» маъносини билдиради. Мас.: *Йана дāруғадын қ а й а н қачыб* *арғанын киши билмэс* (Нав. МН, 119). *Адашган ит кэби, Фур-ат, қ а й а н барғум билалмас-мэн* (Фурқ.).

142-§. Сўроқ олмошининг ***қаны*** формаси ҳам ўринга нис-батан сўроқни билдиради. Мас.: *Айды: қ а н ы сэниң бирлэ* *олғанлар, тэди* (Таф., 129 *а*). *Эшиттим лаъл-у қаны тэйү* *ны//агар ул эрсэ, қ а н ы ул нишāны?* (Хиср. Шир.). *Таныма*й *эди: мэниң йāрым қ а н ы//сарв бойлуқ лāла рухсāрым қ а-ы?* (Нав. МН, 232).

143-§. ***Қачан*** сўроқ олмоши қадимги *қа* сўроқ олмошига вақт, ўлчовни билдирувчи *чағ* (*чаң*) сўзи қўшилиши билан ҳо-сил бўлган.

*Қачан* олмоши вақтга, пайтга нисбатан сўроқни билдиради. Мас.: *Қ а ч а н ҳалāк қылур, тэди* (Рабғ., 142 *а*). *Қ а ч а н* *сүң билэ бу қулны āшнā қылғуң?* (Лутф., 197 *а*). *Қ а ч а н* *болғай кэ, тапқай-мэн хабар йāр-у дийāрымдын* (Фурқ.). *Эй* *āй, қ а ч а н шāм-у фирāқың таңы атқай?* (Отойи, 54 *а*).

*Қачан* кўпинча пайт эргаш гапни бош гап билан боғлаш вази-фасини бажаради. Мас.: *Қ а ч а н кэлсэлэр, сэңэ салāм қылурлар* (Таф., 77*а*). *Қ а ч а н Мусā йигит болды эрсэ,.. бэш йүз эр бир-лэ атланур болды* (Рабғ., 83 *а*). *Қ а ч а н ким гири найзаңны* *тар-сэн//бу хāкэ сары ҳам гāҳи назар сал* (Отойи, 37 *а*).

144-§. ***Қанча*** сўроқ олмоши *қан* сўроқ олмошига *чағ* (*чаң*) сўзи қўшилиши билан ҳосил бўлган.

Бу олмош асосан ўринга нисбатан сўроқни билдириб, «қаер-га» маъносида қўлланган. Мас.: *Қ а н ч а барса, мэн анлар бир-лэ барайын* (Таф., 82 *а*). *Эй Абид, қ а н ч а барур-сэн* (Наҳж. фар.).

145-§. Эски ўзбек тилидаги сўроқ олмошларининг кўпчили-ги туркий тилларда қадимдан қўлланиб келади. Масалан, *ким,* *нэ//нэ, нэгү, нэчүк, нэлүк, нэтэк, нэчэ, қаны, қайу, қайда//қайу-да//қанда, қанча, қачан* каби кўпчилик формалар қадимги ёд-горликларда мавжуд. Булардаң кўпчилиги ҳозирги туркий тил-ларда ҳам актив қўлланади. Айримлари эса қадимги туркий тиллар учунгина хос бўлиб, маълум даврларга келиб истеъмол-дан чиққан ёки кам қўлланадиган бўлиб қолган. Масалан, *нэ-лүк, нэгү* формалари XV асрдан бошлаб кўпчилик туркий тил-ларда, жумладан, ўзбек тилида деярли қўлланмаган. Ҳозир эса бу формаларни айрим туркий тилларда ёки диалектларда-гина учратиш мумкин. Масалан, ҳозирги қозоқ тилидаги *нелік-тен,* ҳозирги татар тилидаги *нилектен* формаси қадимги

www.ziyouz.com kutubxonasi

*нэлук* сўроқ олмошига чиқиш келишиги аффикси қўшилиши билан ҳосил бўлган.

*Нэшэ* (*нишэ*) сўроқ олмоши ўзбек тилининг XIII—XV асрларга оид айрим ёдгорликларидагина учрайди. Бу олмош қадимги ёдгорликларда ҳам кузатилмайди. Лекин у эски озарбайжон тилида *нишэ, нишун* формаларида кенг қўлланган бўлиб, озарбайжон шеваларининг айримларида ҳозир ҳам ишлатилади.

## БИРГАЛИК ОЛМОШЛАРИ

146-§. Эски ўзбек тилида биргалик олмошларининг *барча, бары, баъзи* формалари кенг қўлланган бўлиб, баъзан *ҳамма* (*ҳама*), *жумла* формалари ҳам учрайди. Биргалик олмоши маъносида *тамāм, жамъэ* сўзлари ҳам қўлланган. Олдинги даврларга оид ёдгорликларда *қамуқ*//*қамуғ* биргалик олмоши кенг истеъмолда бўлган.

147-§. Биргалик олмошларидан ***барча*** эски ўзбек тилида кенг қўлланган. Бу олмош эгалик, кўплик, келишик аффикслари билан ҳам ишлатилади. Мас.: *Барча тапылур бизгэ, валэ йāр тапылмас* (Лутф., 189б). *Барчасы фаҳм этти ким, мушкил иши* (Нав. ЛТ, 181). *Барчалары кэлиб, арз қылдылар* (Ш. тар., 5). *Барчаңыз аның эшикигэ кэлиң* (ШН, 205). *Барчаның тамлары алтун, кумуш бирлэ бэзэклик* (Раб., 68 *а*). *Барчасыны көрди, билди* (Таф., 10 *б*). *Буйурдум ким, барчаны бāзāр башыда йасаққа йэткургэйлэр* (БН., 275). *Барчадын қылған ишин соргусыдур* (Сак., 19 *б*).

148-§. ***Бары*** ҳам маъно жиҳатдан *барча* олмошига ўхшайди. *Бары* нисбатан кам қўлланган.

*Бары* биргалик олмоши баъзан эгалик, келишик аффикслари билан ҳам келади. Мас.: *Йусуф айды: өзгэ йарағ булмас эрсэң, бары баҳāм алмағыл* (Рабғ., 51*а*). *Қалдылар ул фасāнадын бары дāң* (Нав. СС, 105). *Бизниң чэрик барысы кэтти* (БН, 129). *Барысыны басыб эрди сурāн* (ШН, 67). *Чықды, болғай йана бэш мыңча киши*//*уруш барыныңдур байыры иши* (ШН, 40).

Баъзи ёдгорликларда *барча, бары* биргалик олмошлари маъносида ***барлық*** сўзи ҳам қўлланган. Мас.: *Шаҳарны барлық эл бэркитэли* (ШН, 67). *Болдылар барлық эл бары гадāй* (ШН, 67).

149-§. Тўданинг, бутуннинг, умумнинг қисмини кўрсатувчи ***баъзи*** олмоши ҳам эски ўзбек тилида кенг қўлланган. Бу олмош эгалик, кўплик, келишик аффикслари билан ҳам ишлатилади. Мас.: *Баъзилэр аймышлар ким, йалавач эрмэс тэб* (Рабғ., 10 *а*). *Баъзи қушның бут эти йахшы болур, баъзиниң көксиниң эти йахшы болур* (БН, 363). *Баъзини*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*муңа кэлтүргэндүр ким, ул мансабны аңа бэргэйлэр* (Нав. МН, 182). *Қачқанларның б а ъ з и с и ғ а* сазā *бэргэйлэр, б а ъ з и с и н и бизниң қашымызға йибэргэйлэр* (БН, 64). *Б а ъ з и д и н гāҳи бирэр йахшы байт вāкэ болур* (Нав. МҚ, 29). *Нокар халқының ҳам б а ъ з и л э р и алыб барурлар* (Ш. турк, 18).

150-§. Биргалик олмошининг ***ҳамма (ҳама)*** формаси эски ўзбек тилида кам қўлланган бўлиб, XV асрдан кейинги даврларга оид манбаларнинг айримларидагина учрайди.

*Ҳамма* (*ҳама*) биргалик олмоши маъно жиҳатдан *барча, бары* олмошларига ўхшайди. Мисоллар: *Сэксэн мыңның ҳ а м м а с ы* (БН, 258). *Халāйиқ ҳ а м а маҳв-у ҳайрāн экэн* (Муқ., 40). *Ҳ а м а йазмышлары дилхāҳ сизгэ* (Фурқ. II, 37).

151-§. Эски ўзбек тилида биргалик олмоши маъносида ***тамāм*** сўзи, баъзан ***жумла, жамъэ*** сўзлари ҳам ишлатилган бўлиб, маъно жиҳатдан *барча, бары* олмошларига ўхшайди. Мас.: *Ичкэй-сиз аны т а м ā м сувсыз тэвэ ичэр кэби* (Таф., 70 *а*). *Т а м ā м дарйāдағы жиҳāзның ва кэмэлэрниң ҳибāлыны ушбу наргилниң постыдын қылурлар эрмиш* (БН, 370). *Ж у м л а с ы отуз тоқуз кишилэр* (Таф., 26 *а*). *Ай-тэк йүзүңни ж у м л а и жаҳāндын күнилэр-мэн* (Сакк., 15 *б*). *Ҳиндустāнның ж а м ъ э рудларының бу хāсийаты бар* (БН, 183). *Ж а м ъ э балаға икки йүз йигирмэ бэш сабақ бэрилүр* (Фурқ. II, 129).

152-§. Биргалик олмошининг ***қамуғ қамуқ*** формаси маъноси ва грамматик хусусиятлари жиҳатдан *барча, бары* олмошларига ўхшайди. Бу олмош ҳам эгалик, кўплик, келишик аффикслари билан ҳам ишлатилади.

Эски ўзбек тилида *қамуғ//қамуқ* биргалик олмоши асосан XV асргача қўлланган. Мисоллар: *Қ а м у ғ ы анда эрдилэр* (Таф., 27а). *Йарын қ а м у ғ ы м ы з имāн кэлтүрэлим* (Рабғ., 86 *б*). *Қ а м у ғ н ы ң тайақлары көклэнди, бутақланды* (Рабғ., 86 *б*). *Қ а м у ғ ы н Сыр йақасында битидим* (МН, 312 *а*). *Агар қаҳрыңға үчрэсэ, гадā болур қ а м у ғ шāҳлар* (Сакк., 6 *а*).

153-§. Туркий тиллар тараққиётининг қадимги даврларида биргалик олмошларидан *қамуғ* (турли фонетик вариантлари билан) қўлланган. Ўрхун-енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида биргалик олмошининг маъноси асосан шу сўз билан ифодаланган.

Туркий тиллардаги биргалик олмошларининг кўпчилиги эрон тилларидан ёки араб тилидан ўзлаштирилган бўлиб, буларнинг ёзма ёдгорликларда акс этиши XI—XII асрлардан бошлаб кузатилади. Масалан, «Қутадғу билиг» ва «Ҳибатул ҳақойиқ» асарларида *қамуғ* билан бир қаторда *ҳамма* (*ҳама*), *баъзи, барча* каби биргалик олмошлари ҳам анча кенг истеъмолда бўлган. Кейинги даврларда буларнинг қўлланиши яна ҳам актив-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашиб борган, *қамуғ* эса истеъмолдан чиқа борган. Кўпчилик туркий тиллар учун, масалан, ўзбек тили учун XV асрдан бошлаб *қамуғ* олмоши архаик формага айланган.

## БЕЛГИЛАШ ОЛМОШЛАРИ

154-§. Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек тилидаги каби белгилаш олмошларининг содда ва мураккаб формалари истеъмолда бўлган. Содда формаси — *ҳар*. Мураккаб формалари эса *ҳар* сўзига сўроқ олмошларидан бирини қўшиш йўли билан ҳосил бўлади: *ҳар ким, ҳар нимә, ҳар қайсы, ҳар қачан, ҳар нэчә, ҳар нэчук, ҳар қайан, ҳарнэ//ҳарнә* (*<ҳар+нэ//ҳар+нә*) каби. Олдинги даврларда белгилаш олмошининг *тэкмә* формаси ҳам истеъмолда бўлган.

155-§. *Ҳар* белгилаш олмоши предметни, шахсни, воқеа-ҳодисани ёки белгини ажратиб кўрсатади. Бу олмош ҳеч қандай сўз ўзгартувчи қўшимча олмайди. Мас.: *Ҳ а р кишигә андāза бирлә сатарларды* (Таф., 89 *б*). *Қуйаш ҳ а р кун йуз урур ул қапуққа* (МН, 304 *а*). *Тушэр ҳ а р кэчә ай замина* (Отойи, 57 *а*). *Ҳ а р йыл аны хазāна қылғайлар* (Нав. СС, 45). *Ҳ а р киши өз йэридә болды хāн* (ШН, 145). *Ҳ а р гапда йуз ичкәй қасам* (Муқ., 95).

Таъкидлаб кўрсатиш учун, маънони кучайтириш учун *ҳар* белгилаш олмошига *бир* сони қўшилиб ҳам ишлатилади. Бунда *бир* сонига эгалик, келишик аффикслари қўшилиши ҳам мумкин. Мас.: *Зулфуңуз йуз ҳалқа, ҳ а р б и р ҳалқада мың җāм ғам* (Лутф., 161 *а*). *Ҳ а р б и р и истәр эрди бир хизмат* (Нав. СС, 74). *Ҳ а р б и р и н и өз йэридә бэназар тасаввур қылғай* (Нав. МҚ, 88). *Ҳ а р б и р и д ә қайғу йуз мың* (ШН, 100). *Сөз айтыб ҳ а р б и р и с и ҳар сарыдын...* (Фурқ. II, 39).

156-§. Белгилаш олмошининг мураккаб формаларидан ***ҳар ким, ҳар нимә, ҳар қайсы*** ажратиб кўрсатиш, таъкидлаш маъносини билдиради.

Бу формалар эгалик, кўплик, келишик аффикслари билан ҳам қўлланади. Мас.: *Ҳ а р к и м аңа җаҳд қылмыш эрсә,..* (Таф., 58 *а*). *Ҳар кимниң йазған ва оқуғаныға көзум тушуб,..* (Фурқ. II, 149). *Ҳ а р к и м д ә имāн йоқ, индын āдамийлық кэлмәк йоқ* (Нав. МҚ, 114). *Ҳ а р н и м ә г ә эҳтийāҗ болса, бэглэрдин тилэр эди* (БН, 351). *Ҳ а р қ а й с ы н ы бир йэргә йибәрур-мэн* (Ш. турк, 91—92). *Алар ҳ а р қ а й с ы л а р ы бир илмгә дарс айтур экәнләр* (Фурқ. II, 129).

157-§. Белгилаш олмошларининг ***ҳар нэчә, ҳар нэчук, ҳар қачан, ҳар қайда, ҳар қайан*** формалари сўз ўзгартувчи қўшимчалар олмайди.

Бу олмошлар равишга яқин бўлиб, гапда ҳол вазифасида келади. Мас.: *Ҳ а р н э ч ә уштмаҳлық тақы тамуғлуқ боласы*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*турур,..* (Таф., 99 *а*). *Ҳ а р н э ч ә саъй қылдылар, атландуралмадылар* (БН, 317). *Ҳ а р н э ч у к болса, қурулды мажлис* (ШН, 205). *Ҳ а р қ а ч а н оғул-ушақыңыз көп болса, ул йәрләрни йурт қылыб олтуруң* (Ш. тар., 10). *Маъмур болур адл илә ҳ а р қ а й д а вилāйат,..* (Лутф., 165 *а*). *Ҳ а р қ а й а н шаҳр ичрә қылса эрди майл* (Нав. ЛТ, 99). *Ҳ а р қ а й а н хāтири истәр, барсун* (ШН, 73).

158-§. Белгилаш олмошининг *ҳарнэ//ҳарнә* формаси *ҳар* белгилаш олмошига *нэ//нә* сўроқ олмоши қўшилиши билан ҳосил бўлган.

Бу олмош ҳам сўз ўзгартувчи қўшимчалар олмайди. Мас.: *Нāзик кишидин ҳ а р н ә кэлур, йахшы көрунур* (Лутф., 185 *б*). *Ҳ а р н э дэсәм, қабул қылғай-му-сэн?* (Нав. СС, 154). *Ҳ а р н э кэ тиләб эдим,..* (БН, 114). *Дэдиләр: ҳ а р н ә қылур-сиз. қылыңыз* (ШН, 39). *Ҳ а р н э болған вāкэатын бир-бир айтыб турур* (Ш. турк, 111).

159-§. *Тэкмә* белгилаш олмоши ўзбек тилида асосан XV асргача қўлланган.

Бу олмош маъно жиҳатдан *ҳар* белгилаш олмошига ўхшайди. Эгалик, келишик аффикслари билан ҳам қўлланади. Мас.: *Т э к м ә киши булардын бэзәр болғай* (Таф., 125 *б*). *Т э к м э с и н г ә бирәр тануқ, бирәр бычақ бэрди* (Наҳж. фар.). *Сучулмыш т э к м ә л ә р г ә тан либāсын* (Хиср. Шир.). *Нэ билур қадрыңызны т э к м ә нāдāн* (МН, 302*б*). *Чыққай ҳазāр ҳалқа көңул т э к м ә сачтын* (Лутф., 219 *б*).

*Тэкмә* олмошига *бир* сони қўшилиб маънони кучайтиради, таъкидлаб кўрсатади. Мас.: *Йусуф т э к м ә б и р қарындашлары йузингә тэлмурә башлады* (Рабғ., 45 *б*). *Ул ағачның т э к м ә б и р йарақында бир фаришта көрдум* (Таф., 59 *а*). *Т э к м ә б и р и м и з н и ң бу тэглик кучумиз бар* (Рабғ., 66 *а*).

160-§. *Ҳар* ва *тэкмә* белгилаш олмошлари XI—XII асрларга оид ёдгорликларда ҳам мавжуд. Мас.: *Айтты Илик т ә к м ә түрлүг билиг* (ҚБ) — «Илик ҳар турли билимлардан сўради». *Т ә к м ә киши өз болмас* (МК) — «Ҳар бир киши (ҳам) ўзингникидай бўла бермайди». *Агар билсә кāшғар тилин ҳ а р киши//билүр ол адибниң нә ким аймышы* (ҲҲ) — «Агар ҳар киши кошғар тилини билса, адибнинг нима тўғрисида айтганини билади».

*Тэкмә* белгилаш олмоши асли туркий бўлиб, туркий тилларда қадимдан қўлланиб келади. Бу олмош ўрхун-енисей ёдгорликларида ҳам истеъмолда бўлган. Мас.: *Бир т ә к м ә сәкиз әр әрдимиз* — «[Жангда] фақат саккиз киши эдик».

*Ҳар* белгилаш олмоши эса эрон тилларидан ўзлаштирилган бўлиб, унинг ёзма манбаларда акс этиши XI—XII асрлардан бошлаб кузатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ГУМОН ОЛМОШЛАРИ

161-§. Эски ўзбек тилида гумон олмошларининг қуйидаги формалари қўлланган: *кимсә, кимэрсә* (*<ким+эрсә*), *нимәрсә*//*нэәрсә, бирәв, бирәгү, фалāн.* Бу олмошлар қадимги ёдгорликлар тили учун характерли эмас.

*Кимсә, кимэрсә, бирәв, бирәгү* шахсга нисбатан, *нимәрсә*//*нэәрсә* предметларга, жониворларга, воқеа-ҳодисаларга нисбатан, *фалāн* ҳар иккала ҳолда ҳам қўлланади.

162-§. *Кимсә, кимэрсә* формалари бир олмошнинг турли хил кўринишидир. *Кимсә* формаси *кимэрсә* формасининг қисқарган варианти бўлиб, *кимэрсә* ўз навбатида *ким* сўроқ олмошига *эрсә* қўшилиши билан ҳосил бўлган.

*Кимсә* формаси ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврларида истеъмолда бўлиб, келишик аффиксларини олади. Мас.: *Сэниң бирлә кимсә бар-му, тэди* (Таф., 133 *а*). *Қалмаған ғамда кимсәниң жāны* (Нав. СС, 156). *Кимсәгә анда истиқāмат эмәс* (Нав.. СС, 195). *Бир кимсә йоқ кэ, болмағай анда сорағда* (Мунис, 50).

*Кимэрсә* формаси XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир» ва «Қисасул анбиё»да кенг қўлланган бўлиб, XV асрга оид ёдгорликларнинг айримларида ҳам учрайди. Бу форма ҳам келишик аффиксларини олади. Мас.: *Ул кимэрсәниң савāб тарāзысыны ағыр қылу бэргәй* (Таф., 141 *а*). *Тақы бир кимэрсәни аҳд қылыб ашурдылар* (Рабғ., 147 *б*). *Бу тайақны... кимэрсәгә бэрмәгил* (Таф., 28 *б*). *Мэн ҳаргэз кимэрсәдин куч бирлә нарсā алмышым йоқ* (Рабғ., 30 *а*). *Кимэрсә ким, сэңә эгри көңүл тутар бу қадар*//*бэрүр қазā қылычынға өзин урур ғамда* (Сакк., 13 *а*).

163-§. *Нимәрсә* гумон олмоши *нимә* сўроқ олмошига *эрсә* қўшилиши билан ҳосил бўлган: *Нимә эрсә>нимә(э)рсә>нимәрсә.*

Бу олмош эгалик, кўплик, келишик аффикслари билан ҳам қўлланади. Мас.: *Көч узаб кэткәндин соң шāйад нимәрсә қалған болғай тэб...* (Ш. тар., 71—72). *Сэниң фалāн нимәрсәң фалāн болур, тэб фāл бақыб... йүрүр эрди* (Ш. турк, 108). *Мэни қолумға... ғайри мукаррар нимәрсәләр түшди* (Фурқ. II, 148). *Мундақ нимәрсәдин ким, фāйда болғай...* (БН, 263).

*Нимәрсә* маъносида *нэәрсә* формаси ҳам қўлланган бўлиб, кейингиси *нэ* сўроқ олмошига *эрсә* қўшилиши билан ҳосил бўлган: *Нэ эрсә>нэәрсә.*

*Нэәрсә* нисбатан кам қўлланган. Мисоллар: *Бир нэәрсәни мэн қылдачы-мэн...* (Таф., 2*б*). *Атлар үчүн нэәрсәләр тапмайдур* (БН, 141). *Ул тағларда расмдур ким, ташларда абийāт ва баъзи нэәрсәләр қазурлар* (БН, 121).

www.ziyouz.com kutubxonasi

**164-§.** Гумон олмошининг *бирәгү* формаси *бир* сонига *-әгү* аффикси қўшилиши билан ҳосил бўлиб, «биров» маъносини ифодалайди. Бу форма жамловчи сон ясалишининг қадимги усули асосида ҳосил бўлган (Қар.: § 87).

Бу олмош ўзбек тилида XV асрга қадар кенг истеъмолда бўлиб, кейинги даврларда қўлланмаган. Келишик аффикслари билан (асосан тушум келишигида) ҳам қўлланади. Мас.: *Бирәгү йолдын ашайын, тэб кэлди, Йусуфны көрүб тайанды* (Рабғ., 51 б). *Бақтылар йырақтын, бирәгү кэлүр, көрдиләр* (Таф., 28 б). *Изисингә тапунмақға бирәгүни дидāр көрмәк болур* (Таф., 8 б). *Сāлиҳ андын кэчти,.. бирәгүни көрди, намāз қылур* (Рабғ., 24 б).

**165-§.** Гумон олмошининг *бирәв* формаси *бирәгү* формасидан ривожланган (Қар.: § 90).

*Бирәв* формасининг қўлланиши XV асрдан бошлаб кузатилади. Бу форма ҳам келишик аффикслари билан қўлланади. Мас.: *Бу байтны āйā ул-му айтыб эркин йā бирәв-му аның үчүн дэб эркин* (Нав. МН, 252). *Бирәв үндағ дэди, бирәв мундағ* (Муқ., 52). *Бирәвдин бирәвгә руқъа йазғай йā ул киши ул руқъаға жавāб биткәй* (Нав. Мнш., 1). *...йā бирәвниң пургаҳын алғай* (ШН, 175). *Ҳар қатла ким, бирәвни тартыб чықарғайлар, анда қалғанлар өзләридин барғайлар* (Нав. МҚ, 45).

**166-§.** ***Фалāн*** гумон олмоши номаълум шахсни ёки предметни кўрсатади. Мас.: *Бу йағмурны бизгә фалāн йулдуз бэрди* (Таф., 71 а). *Бу битигни фалāн айда, фалāн күнда фалāн йылда битилди* (Рабғ., 42 б). *Ҳар нағма ким, эшитсә дэр экәндүр ким, фалāнийниң фалāк пардасы муңа āҳāнгдүр* (БН, 229). *Дэрләр: фалāн фалāнға āшиқ булубтур* (Нав. МҚ, 93). *Кэл фалāн кэчә фалāн коча сары* (ШН, 34). *Фалāн вақтда фалāн мāлыңызға мундак ҳийāнат қылды ва фалāн сириңизни халқға фāш қылды* (Ш. тар., 55).

## БЎЛИШСИЗЛИК ОЛМОШЛАРИ

**167-§.** Эски ўзбек тилида ҳам бўлишсизлик олмошлари ҳозирги ўзбек тилидаги каби содда ва мураккаб формаларга эга. Содда формаси — *ҳэч*. Мураккаб формалари эса *ҳэч* сўзига сўроқ олмошларидан ё гумон олмошларидан бирини ёки *нарса* сўзини қўшиш йўли билан ҳосил бўлади: *ҳэч ким, ҳэч кимсә, ҳэч кимэрсә, ҳэч нимәрсә, ҳэч нарса, ҳэч қайсы* каби. Бу олмошлар қадимги ёдгорликлар тилида қўлланмаган.

**168-§.** *Ҳэч*-бўлишсизлик олмоши шахс, предмет, воқеа-ҳодисанинг мутлақ инкорини билдиради. Мас.: *Биз бу кун ҳэч эт йэмәдүк* (Таф., 47 а). *Ҳэч оғлум йоқ* (Рабғ., 52 б). *Бу банда билә аларның арасыда ҳэч жудāлығ йоқ турур* (Нав.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мнш., 9). *Ҳавāсының ҳэч нисбаты йоқтур* (БН, 168). *Ҳэч мунāсиб киши тапмадуқ* (Ш. турк, 2). *Ҳусн иқлимидә ҳэч мисāлың тапылмас* (Муқ.).

**169-§.** Бўлишсизлик олмошининг *ҳэч ким, ҳэч кимсә, ҳэч кимэрсә* формалари маъно жиҳатдан бир хил бўлиб, шахсга нисбатан қўлланади. Бу олмошлар келишик аффикслари билан ҳам қўлланади.

Булардан *ҳэч ким* формаси кенг қўлланган бўлиб, ҳамма даврлар учун характерли бўлган. Мас.: *Сизиң қадрыңыз андағ, ҳэч ким йықмағай* (Таф., 71 б). *Ҳэч ким билмәс аларның ишини* (ШН, 11). *Ҳэч кимниң көңлинә кэлмәс эрди* (Ш. тар., 16). *Ҳэч кимгә фāйда ва асар аның сөзи қылмағай* (Нав. МҚ, 39). *Ҳэч кимдин көмәк ва мадади йэтишмәди* (БН, 115).

*Ҳэч кимсә* формаси нисбатан кам қўлланган бўлиб, айрим ёдгорликларда учрайди. Мас.: *Ҳэч кимсәгә дунйāда аның азāбы кәби азāб йэтмәгәй* (Таф., 134 а). *Түшмәсун гул мавсумы ҳэч кимсә җāнāндын* (Лутф., 192 а). *Дунйāда қылмай дурур ҳэч кимсә мэндин көп гунāҳ* (Отойи, 56 а).

*Ҳэч кимэрсә* формаси XIII—XIV асрларда анча кенг қўлланган бўлиб, кейинги даврларда айрим ёдгорликлардагина учрайди. Мас.: *Ҳэч кимэрсәниң сэниң бирлә иши йоқ турур* (Таф., 133 а). *Ҳэч кимэрсәни ырақ кишиси йазуқы үчүн қыйнамаз* (Таф., 56 а). *Ҳэч кимэрсә кэлмәгәй ул нāмусулмāн йүзигә* (Лутф., 163 а). *Анға ҳэч кимэрсә қол йапмасунлар* (Ш. тар., 37).

**170-§.** Бўлишсизлик олмошининг *ҳэч нимә, ҳэч нарса, ҳэч нимәрсә* формалари маъно жиҳатдан бир хил бўлиб, предмет, воқеа-ҳодисаларга нисбатан қўлланади, кейинги иккитаси нисбатан кам қўлланган.

Бу формалар баъзан келишик аффикслари билан ҳам қўлланади. Мисоллар: *Йоқ турур ҳэч нимә аллыда* (ШН, 16). *Ҳэч нимәгә ихтийāрым йоқ турур* (Нав. МҚ, 70). *Ордуларыға йэткәч ҳэч нимәгә бақмай көчәрләр* (БН, 213). *Кишиләрдә ул китāбдын ҳэч нарса қалмады* (Таф., 10 б). *Ул кишидин ҳэч нимәрсә алмағайлар* (Ш. турк, 23). *Мэн сэндин ҳэч нимәрсә алганым йоқ* (Фурқ. II, 147).

**171-§.** *Ҳэч қайсы* бўлишсизлик олмоши XV асрдан кейинги даврларга оид ёдгорликларда кузатилади.

Бу олмош эгалик, келишик аффикслари билан ҳам қўлланади. Мас.: *Оғланларыңызның ҳэч қайсысы сизгә ынанмас* (Ш. турк, 104). *Ҳэч ишқа ва ҳэч қайсы сөзгә қарāр қыла алмайдурлар* (БН, 262). *Биз мунларның ҳэч қайсысыны қылмадуқ* (Ш. тар., 6). *Ҳар фалāкат кэ, болур дунйāда//ҳэч қайсыдын эмән āзāда* (ШН, 18).

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ФЕЪЛ

172-§. Эски ўзбек тилида ҳам феълнинг ўзига хос белгиларини қуйидаги грамматик категориялар ташкил этади: феъл аспектлари, феъл даражалари, ўтимли ва ўтимсизлик, феълнинг грамматик функционал формалари (ҳаракат номлари, сифатдош, равишдош), феълларда тусланиш (майл, замон, шахс-сон формалари).

Феълга хос бу категорияларнинг ифодаланиш усуллари, маънолари бўйича эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тили ўртасида умумий ҳолатлар бўлиши билан бирга, эски ўзбек тилининг қатор ўзига хос томонлари ҳам мавжуд.

## ФЕЪЛ АСПЕКТЛАРИ

173-§. Эски ўзбек тилида ҳам феъллар қуйидаги тўрт аспектдан бирида бўлади: бўлишли ва бўлишсизлик, мумкинлик (имкон) ва номумкинлик.

Феълларда бўлишли ва бўлишсизлик аспектларининг ифодаланиши бўйича эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тили ўртасида фарқ йўқ. Яъни эски ўзбек тилида ҳам феълнинг бўлишли формаси учун ҳеч қандай қўшимча орттирилмайди: *бар-, кэлтүр-, көрсәт-* каби. Бўлишсизлик аспекти *-ма/-мә* аффикси билан ифодаланади: *барма-, кэлтүрмә-, көрсәтмә-* каби. Феълнинг айрим сифатдош формаларида эса бўлишсизлик аспекти *эмәс* ёки *йоқ* сўзлари ёрдамида ҳам ифодаланади: *бармаған//барған эмәс//барғаны йоқ, бармамыш//бармышы йоқ* каби.

Эски ўзбек тилида ҳам феълнинг мумкинлик аспекти ҳозирги тилдагидек аналитик йўл билан, яъни асосий феълнинг *-а/-ә(-й)* аффиксли равишдош формасидан кейин *ал-* (олмоқ) феъли келтирилиши билан ифодаланади: *бара ал-, ишлай ал-* каби.

Феълнинг номумкинлик аспекти ифодаланиши бўйича эски ўзбек тилида маълум ўзгачаликлар мавжуд. Феълнинг номумкинлик аспекти эски ўзбек тилида қуйидаги усуллар билан ифодаланган:

1. Асосий феъл *-а/-ә (-й)* аффиксли равишдош формасида, *ал-* (олмоқ) феъли бўлишсиз формада *(алма)* келади. Мас.: *Сэниң йайыңны ҳэч ким т а р т а  а л м а с!* (Лутф., 211 б). *Қāбулдын күч кэләдүргән җиҳатыдын султāнға қ о ш у л а  а л м а й д у р л а р* (БН, 485). *А й т а  а л м а н  санамым бэдāдын* (Мунис, 205).

Бунда баъзан равишдош кўрсаткичи *-а/-ә* ва *ал-* феъли таркибидаги унли бирикиб бир унлига айланади: *бара алма->бaрaлма-* каби. Мас.: *Хожалар дағы т у р а л м а д ы л а р*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ШН, 31). *Тиз букиб, таъзим этиб иззат қылалмай дйғмэн* (Муқ., 160).

2. Асосий феъл *-а/-э* (*-й, -у/-ү/-йу/-йү*) аффиксли равишдош формасида, *бил-* (билмоқ) феъли бўлишсизлик формасида (*билмэ-*) келади. Мас.: *Ҳэч иш рāст қылу билмэди* (Таф., 47 *а*). *Сағында тура билмэс-мэн* (Рабғ., 76 *б*). *Бу нэ үчүн сөзлэйү билмэс болды?* (Рабғ., 17 *а*). *Йүзүни көрсэ Саккāкий көзи йашын тийэ билмэс* (Сакк., 25 *б*). *Андын соң йүрий билмэй ошул йэрдэ йаттуқ* (Ш. тар., 22).

3. Асосий феълга *-у/-ү* (*-йу/-йү*) аффикси, сўнг *-ма/-мэ* бўлишсизлик аффикси орттирилади: *барумады* (бора олмади), *билүмэди* (била олмади), *сөзлэйүмэди* (сўзлай олмади) каби.

Бу форма туркий тиллар тараққиётининг қадимги даврлари учун характерли бўлиб, қадимги ёдгорликлар тилида, масалан, уйғур тили ёдгорликларида актив қўлланган.

Ўзбек тилида бу форманинг қўлланиши XV асргача давом этган. Мас.: *Сэн мэним бирлэ турумағай-сэн... сабр қылумағай-сэн* (Таф., 11 *а*). *Кэч қалмыш, қорқуб сөзлэйүмэз* (Рабғ., 17 *а*). *Муҳаммад бизгэ сэҳр қылыб турур, көрүмэз-биз* (Наҳж. фар.).

Мисоллардаги *турумағай-сэн, сабр қылумағай-сэн, сөзлүйэмэз, көрүмэз-биз* формалари ҳозирги тилимиздаги «тура олмайсан», «сабр қила олмайсан», «сўзлай олмас», «кўра олмаймиз» каби маъноларни ифодалайди.

## ФЕЪЛНИНГ ГРАММАТИК ФУНКЦИОНАЛ ФОРМАЛАРИ

174-§. Феълнинг асосий грамматик функцияси кесим вазифасида келишидир. Шу билан бирга, феълнинг айрим формалари келишик, эгалик аффиксларини ҳам қабул қилади; гапда от ва бошқа сўз туркумлари функциясини бажариб, эга, аниқловчи, тўлдирувчи ёки ҳол вазифасида ҳам кела олади. Шунга кўра, бундай формалар феълнинг грамматик функционал формалари ҳисобланади. Феълнинг грамматик функционал формаларига ҳаракат номлари, сифатдош ва равишдош формалари киради.

Феълнинг грамматик функционал формаларида, бир томондан, феълга хос белгилар мавжуд бўлса, иккинчи томондан, морфологик хусусиятлари ва синтактик функциялари бўйича бу формалар бошқа сўз туркумларига ҳам яқин туради. Бу жиҳатдан ҳаракат номи формалари отга, сифатдош формалари сифатга, равишдош формалари равишга яқин туради.

Ҳаракат маъносининг мавжудлиги, бўлишсиз формасининг *-ма/-мэ* аффикси билан ҳосил бўлиши, феъл даражалари кўрсаткичларининг мавжудлиги, замон формаларини ҳосил қилиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да иштирок этиши ва шу кабилар феълнинг функционал формаларидаги феъллик белгиларини ташкил этади.

Келишик, эгалик аффиксларини қабул қилиши ва гапда эга, аниқловчи, тўлдирувчи ёки ҳол вазифасида ҳам кела олиши бу формаларнинг бошқа сўз туркумларига грамматик ва функционал яқинлигини кўрсатади.

## Ҳаракат номи формалари

175-§. Эски ўзбек тилида ҳаракат номининг *-мақ/-мәк* аффиксли формаси кенг қўлланган бўлиб, баъзан *-(ы)ш/-(и)ш* аффиксли формаси ҳам ишлатилган. *-ғу/-гү//-қу/-кү* аффикси билан ясалган формани ҳам шартли равишда ҳаракат номи группасига қўшиш мумкин.

176-§. Ҳаракат номининг ***-мақ*** ***-мәк*** аффикси билан ясалган формаси эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврларида кенг истеъмолда бўлган.

Эгалик аффикси қўшилганда, *-мақ/-мәк* охиридаги жарангсиз [қ, к] ундошлари икки унли ўртасида жаранглилашиб, [ғ, г] ундошларига ўтади: *Қан йығламағым ...җигарны күйдүрүр* (Лутф., 199 *а*). *Аңа таш урмағың нә?* (Отойи, 63 *а*). *Жāнға күймәги хабар қылғай* (Нав. СС, 31). *Айтмағымыз ҳāжат эрмәс* (Ш. тар., 64).

*-мақ/-мәк* аффикси охиридаги ундошнинг жарангли [ғ, г] ундошларига ўтиши баъзан эгалик аффикси қўшилмаган ҳолларда ҳам учрайди. *Арығ қазмағны ким, ҳукм әйләмиш-сән,..* (Нав. ФШ, 111). *Гул сачмағны бас қылсаң* (Нав., МҚ, 110).

Эгалик аффикси қўшилганда *-мақ/-мәк* аффикси охиридаги жарангсиз [қ, к] ундошларининг жарангли [ғ, г] ундошларига ўтиши XV аср ва ундан кейинги даврлар учун хос бўлиб, олдинги даврларда асосан жарангсиз ҳолида сақланган. Қиёсланг: *йығламақы, бозламақы, кишнәмәки* (Таф., 132 *б*). *Зулайхāның оғрамақы* (Рабғ., 54 *а*), *өлмәкимни тиләр эрсәң* (Рабғ., 32 *б*).

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида бу форма асосан инфинитив вазифасини бажариб, унинг ҳаракат номи функциясида келиши жуда кам учрайди. Шу билан бирга, бу форма ҳозирги ўзбек тилида бўлишсизлик аффиксини қабул қилмайди. Эски ўзбек тилида эса, асосан, Навоий асарларида бу ҳаракат номидан *-ма/-мә* аффикси билан бўлишсиз формаси ҳам ясалади: *урмамақ* («урмаслик» маъносида), *көрмәмәк* («кўрмаслик» маъносида). Мисоллар: *Дам урмамақ кэрәк* (Нав. МҚ, 84—85). *Андақ тāатны ҳайāлға кэчүрмәмәкдүр* (Нав. МҚ, 68).

*-мақ/-мәк* аффиксли ҳаракат номи формаси келишик аффикслари билан турланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу форма бош келишикда эгани ифодалайди. Мас.: *Ишләмиш ишни сөзләмәк ғийбат болур* (Таф., 47б). *Бу сэвишмәк икки йандын хуш турур* (Лутф., 221 *а*). *Пычақ урмақ аның иши болғай* (Нав. МҚ, 48). *Барчаға қайтмақ охшаш болды* (ШН, 41). *Қайта көрмәк мумкин олсайды* (Фурқ. II, 29).

*-мақ/-мәк* аффиксли ҳаракат номи формаси бош келишикда кесим вазифасида ёки составли кесимнинг компоненти бўлиб ҳам келади. Лекин бунда ҳам бу форма ҳаракатнинг номини атаб, от кесим характерида бўлади. Мас.: *Шукр қылмақ йāд қылмақ болур* (Таф., 137 *а*). *Өртәнмәк-у көз йашы-йу өлмәк турур ишим* (Лутф., 196 *а*). *Ҳамиша сөз дэмәк эрди иши* (Нав. ЛТ, 186). *Ҳар нэчә ким аны ахтармақдур иши,..* (Мунис, 288).

*-мақ/-мәк* аффиксли ҳаракат номи келишик аффикслари билан қўлланганда, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари вазифасида келади. Мас.: *Қан төкмәкни ҳалāл көрмәдиләр* (Рабғ., 46 *а*). *Йāрāнлары қатығ сөзләмәкдин йығдылар* (Таф., 45 *а*). *Мэңә йоқтур аны көрмәккә тадбир* (Нав. ФШ, 62). *Ичләри көп йурумәкдин йанды* (ШН, 133). *Бармақны ихтийāр қылмадым* (Фурқ. II, 138).

Эски ўзбек тилида *-мақ/-мәк* аффиксли ҳаракат номи ўрин-пайт келишигида ҳаракатнинг номи билан боғлиқ бўлган тушунчани билдириб, асосан воситали тўлдирувчини ифодалаган. Мас.: *Эй Азиз, бу битиг оқымақда мақсудың нэ турур?* (Рабғ., 69 *а*). *Сэвмәгәй эрди киши āламда сэндин өзгәни//гар вафā қылмақта āшиққа осалың болмаса* (Отойи, 2 б). *Танымақта магар йаңылмыш-сэн* (Нав. СС, 175).

Ҳозирги ўзбек тилидагидек *-мақ/-мәк* аффиксли ҳаракат номи асосида *ишламоқдаман* типидаги ҳозирги замон феъли ҳосил бўлиши айрим ёдгорликларда бир неча мартагина учрайди (Қар.: § 270).

Ҳаракат номининг *-мақ/-мәк* аффиксли формаси кўмакчилар билан қўлланиб, гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади. Мас.: *Йусуфны алмақ учун Азизға бир айб қылды* (Рабғ., 50 *б*). *Көп дэмәк бирлә болмағыл нāдāн//көп йэмәк бирлә болмағыл ҳайвāн* (Нав. МҚ, 142). *Бāда ичмәк сары болмас мāйил* (ШН, 13).

*-мақ/-мәк* аффиксли ҳаракат номи *кэрәк* сўзи билан қўлланганда, иш-ҳаракатнинг бажарилиши зарурлиги каби маънолар ифодаланади. Мас.: *Бу оғланны нэтәк өлтурмәк кэрәк?* (Таф., 129 *б*). *Эй ата, бу насиҳатны йат кишигә қылмақ кэрәк* (Рабғ., 45 *б*). *Аның ишқыны бэрк тутмақ кэрәк//йана бар-у йоқны унутмәк кэрәк* (Нав. МҚ, 118).

Кейинги даврларда *-мақ/-мәк* аффиксли ҳаракат номи формаси шу маънода *лāзим, зарур* каби сўзлар билан ҳам қўллан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган. Мас.: *Бу жиҳатдын бу тағ эли билә йахшы м а й ш қ ы л м а қ в а ж и б ва л а з и м эди* (БН, 286). *Хатирда йоқ эрди ким, көздин Муқимий кэтсәң//Завқий сэни тиләбдүр, б э р м ә к з а р у р фанус* (Муқ., 89).

177-§. Ҳаракат номининг *-(ы)ш, -(и)ш* аффикси билан ясалган формаси эски ўзбек тилида кам истеъмолда бўлиб, айрим ёдгорликларда учрайди.

Бу форма грамматик хусусиятлари, функциялари жиҳатидан юқоридаги формага ўхшайди. Мисоллар: *Өтәрдә м э ң с а л ы ш ы элни мубтала қыладур* (Лутф., 168 б). *Аларның к э л и ш и н и көрдүм* (ШН, 208). *Қалмады ҳэч ч а п ы ш ы д ы н арман* (ШН, 38). *Буларның а л ы ш ы-й у уларның б э р и ш и бу муқаррардын артуқ ва өксүк эрмәс* (БН, 286). *Атлары лағар-у қақы-йу харабы-йу хариш//раҳм қылмай минәдүр, икки қадам жавр м и н и ш* (Муқ., 211).

178-§. *-ғу/-гү//-қу/-кү* аффикси билан ясалган формани ҳаракат номи формалари группасига шартли равишда киритиш мумкин. Чунки бу формада сифатдошга хос бўлган грамматик белгилар ҳам мавжуд.

*-ғу/-гү//-қу/-кү* аффикси билан ясалган форма ўрхун-енисей ёдгорликларида қўлланмаган. Лекин қадимги уйғур тили ёдгорликларида актив истеъмолда бўлган. XI аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларда ҳам бу форма кенг қўлланган.

Тарихан бу форманинг грамматик маъносида ва функцияларида маълум ўзгаришлар юз берган. Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, бу форма XI аср тилида кўп маъноли бўлган (Қар.: МК, II т., 71—73-бетлар). Шу давр ёдгорлиги бўлмиш «Қутадғу билиг» да ҳам бу форма турли маъно ва функцияларда кенг қўлланган. Лекин бу асарда унинг ҳаракат номи белгиси кучлироқ бўлган.

Кейинги даврларда *-ғу/-гү//-қу/-кү* аффиксли феъл формасининг маъно ва функциялари чегаралана борган.

Эски ўзбек тилида *-ғу/-гү//-қу/-кү* аффиксли феъл формасининг грамматик маънолари ва функциялари тараққиёти даврларини икки босқичга бўлиш мумкин: биринчи босқичга XV асргача бўлган давр, иккинчи босқичга XV аср ва ундан кейинги даврлар киради.

1. Ўзбек тилининг XV асрдан олдинги даврларида *-ғу/-гү// -қу/-кү* аффиксли феъл формасининг грамматик маънолари ва функциялари кенг бўлиб, унда ҳаракат номи белгилари ҳам, сифатдош белгилари ҳам мавжуд бўлган. Бу даврдаги унинг маъно ва функцияларидан асосийлари қуйидагилар:

а) предметнинг ҳаракат белгисини кўрсатиб, гапда аниқловчи (сифатловчи) вазифасида келади. Мас.: *Мирйамның қар-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*ны ачды, йэгү нарса тиләди* (Таф., 18 *а*). *Ҳәч урушғу йарағлары қалмады* (Рабғ., 66*а*);

б) келишик, эгалик аффикслари билан қўлланиб, гапнинг турли бўлаклари вазифасида келади. Мас.: *Сән йәкрәк билүрсән мән оғланларым арасында нәтәк қылғумны* (Таф., 39 *б*). *Йәгүгә аш азуқ алыб кәлсә тәб,..* (Таф., 9 *б*). *Тиләгүсин алды* (ЎН, 29). *Аммā қачан қавушғусыны билмәс-мән* (Рабғ., 67 *б*);

в) *кәрәк* сўзи билан қўлланиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиши зарурлиги каби маъноларни ифодалайди. Мас.: *Бир қач күн буларға замāн бәргү кәрәк* (Таф., 9 *а*). *Тақы дәди ким, балуқны қатағлағу кәрәк турур* (ЎН, 42). *Эвдә қуртқаға йол бәрмәгү кәрәк* (Рабғ., 53 *а*);

г) кўмакчилар билан ҳам қўлланган. Мас.: *Өз жāдулуқыны бизгә көргүтгү үчүн ким...* (Таф., 28 *а*). *Көп қушлар авлағуларыдан соң жолда үч күмүш оқ(ны) чаптылар* (ЎН, 60);

д) бу давр тилида *-ғу/-гү//-қу/-кү* аффиксли форма келаси замон феълини ҳосил қилишда ҳам иштирок этган (Қар.: § 278).

2. Ўзбек тилининг XV аср ва ундан кейинги даврларида *-ғу/-гү//-қу/-кү* аффиксли форманинг маъно ва функциялари чегараланган. Бу даврларда у асосан келаси замон феълини ҳосил қилишда иштирок этган (Қар.: § 278).

Шу билан бирга, эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврларида *-ғу/-гү//-қу/-кү* аффиксли феъл формасига *-чы/-чи* аффикси қўшилиб от ясалиши (*барғучы, кәлгүчи* каби. Қар.: § 43), *-дәк/-тәк* аффикси қўшилиб равиш ясалиши (*барғу-дәк, кәлгү-дәк* каби. Қар.: § 301) каби ҳолатлар ҳам характерли бўлган.

## Сифатдош формалари

179-§. Эски ўзбек тилида асосан қуйидаги аффикслар билан ясалган сифатдош формалари истеъмолда бўлган: *-мыш/-миш, -бук/-дүк, -ған/-гән//-қан/-кән (-ан/-ән, -аған/-әгән)* аффикслари ўтган замон сифатдоши формаларини, *-адурған/-әдүргән(-йдурған/-йдүргән), -р(-ар/-әр/-ур/-үр), -маз/-мәз(-мас/-мәс)* аффикслари ҳозирги-келаси замон сифатдош формаларини ясайди.

Эски ўзбек тилида *-ғлы/-гли, -дачы/-дәчи, -ғур/-гүр* каби аффикслар билан ясалган сифатдош формалари ҳам истеъмолда бўлган. Лекин улардан айримлари кам қўлланган ёки маълум даврлардагина истеъмолда бўлган, айримларининг эса функцияси чегараланган.

180-§. *-мыш/-миш* аффиксли ўтган замон сифатдошининг қадимги ёдгорликлар тилида грамматик маънолари ва функ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

циялари жуда кенг бўлган: эгалик, келишик аффиксларини қабул қилган, кўмакчилар ва *кәрәк* каби модал сўзлар билан қўлланган, унга *-тәк/-дәк, -ча/-чә* каби аффикслар қўшилиб равиш ясалган; синтактик функцияси ҳам кенг бўлиб, гапнинг ҳамма бўлаклари вазифасида келган; ўтган замон феълини ҳосил қилишда асос бўлган.

Бу сифатдошнинг қадимги маъно ва функциялари эски ўзбек тилида маълум даврларгача сақланган бўлиб, кейинги даврларда унинг маъно ва функциялари чегараланган.

*-мыш/-миш* аффиксли сифатдошнинг қадимги маъно ва функциялари ҳозир ўғуз группасига мансуб бўлган туркий тилларнинг кўпчилигида, масалан, турк тилида сақланган.

Эски ўзбек тилида *-мыш/-миш* аффиксли сифатдош формасининг грамматик маъно ва функцияларининг тараққиёт даврлари икки босқичга бўлинади: биринчи босқич XV асрдан олдинги даврларни, иккинчи босқич XV аср ва ундан кейинги даврларни ўз ичига олади.

1. Ўзбек тилининг XV асрдан олдинги даврларида *-мыш/-миш* аффиксли сифатдош формасининг қадимги грамматик маънолари ва функциялари асосан сақланган, яъни:

а) предметнинг ҳаракат белгисини кўрсатиб, аниқловчи (сифатловчи) вазифасида келади. Мас.: *К ә л м и ш йолларыңа йандылар* (Таф., 10 *б*). *Бу қ ы л м ы ш иш бирлә биз з̄алимлардын болур-миз* (Рабғ., 146*б*);

б) эгалик аффиксларини қабул қилади. Мас.: *Агар бу а й м ы ш ы ң сөз р̄аст эрсә,..* (Таф., 129 *а*). *Тәкмә к ә л м и ш л ә р и н д ә Йусуф уларны қонуқлайур эрди* (Рабғ., 68 *а*);

в) келишик аффикслари билан қўлланиб, гапнинг иккинчи даражали бўлакларини ифодалайди. Мас.: *Маккага с ы ғ ы н м ы ш л а р н ы өлтүрди, Маккага с ы ғ ы н м ы ш н ы өлтүрмәк ҳар̄ам эрди* (Таф., 134 *а*). *Мән чықмышқа булар қамуғ йығлаша турурлар* (Рабғ., 61 *а*). *Шамъун булардын қ а ч м ы ш д а сувсамыш эрди* (Рабғ., 140 *а*). *Эшиткил бу ғазалда ишләридин //Муҳаммад хоҗа бәг а й м ы ш л а р ы д ы н* (МН, 298*б*);

г) кўмакчилар билан қўлланади. Мас.: *Тәкмә бир а̄йат о қ ы м ы ш ы у ч у н... шаҳид сав̄абыны бәргәй* (Таф., 11 *б*). *Бу сөзгә бир ай к ә ч м и ш д и н с о ң битиг изә бәрди* (Рабғ., 41*а*);

д) *-мыш/-миш* аффиксли сифатдош формасига *-ча/-чә, -дәк/-тәк* аффикслари қўшилиб равиш ясалади: *Сөзләшимчә, бармышча, айтмыш-тәк, кәсилмиш-тәк* каби (Қар.: § 301);

е) *-мыш/-миш* аффиксли сифатдош *кәрәк* каби модал сўзлар билан бирикиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиши зарурлиги каби маъноларни ифодалайди. Мас.: *Кааба эвингә б а р м ы ш к ә р ә к,.. н а м а̄ з қ ы л м ы ш к ә р ә к* (Таф., 27*а*);

ё) *-мыш/-миш* аффиксли сифатдош асосида ўтган замон феълининг бир тури ҳосил бўлади (Қар.: § 242).

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Ўзбек тилининг XV аср ва ундан кейинги тараққиёт даврларида *-мыш/-миш* аффиксли сифатдошнинг грамматик маънолари ва функциялари чегараланган бўлиб, унинг асосан ўтган замон феъли сифатида қўлланиши давом этган (Қар.: § 242).

**181-§. Ўтган замон сифатдошини ясовчи *-дуқ -дук* аффикси қадимги ёдгорликлар тилида *-туқ -тук* кўринишида ҳам қўлланган.**

Бу сифатдош ҳам қадимги ёдгорликлар тилида кенг истеъмолда бўлган. Грамматик маънолари ва функциялари жиҳатдан *-мыш/-миш* аффиксли сифатдош формасига ўхшайди.

*-дуқ/-дук* аффиксли сифатдош кейинчалик туркий тилларнинг кўпчилигида, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам истеъмолдан чиққан. Уғуз группасига мансуб бўлган туркий тилларнинг кўпларида эса, масалан, озарбайжон, турк тилларида бу сифатдош қадимги маъно ва функциялари билан ҳозир ҳам актив қўлланиб келмоқда.

*-дуқ/-дук* аффиксли сифатдош ўзбек тилида XV асргача истеъмолда бўлган ва қуйидаги ўринларда қўлланган:

а) предметнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган белгисини кўрсатиб, аниқловчи (сифатловчи) вазифасида келади. Мас.: *Макка а ч ы л д у қ кун болды* (Таф., 86 *а*). *Уларға и ш л ә д у к и ишләрин ҳар ким қылмыш болса,..* (Таф., 140 *б*);

б) эгалик аффиксларини қабул қилади. Мас.: *Йусуфға йығ л а д у қ у м көзумни ақарды* (Рабғ., 67 *а*). *Тәңри т э д у к и ң йалған болмаз-му?* (Рабғ., 87 *б*). *Сизиң нэ ким т э д у к и ң и з ғалат турур* (Таф., 45 *б*). *Көңли т и л ә м ә д у к и ишләр ишләсә,..* (Таф., 128 *б*).

Эгалик аффикси қўшилганда, *-дуқ/-дук* аффикси охиридаги ундошнинг жаранглилашуви ҳам учрайди: *оқыдығы шэър* (Таф., 57*а*);

в) келишик аффиксларини олганда, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари вазифасида келади. Мас.: *Нэ и ш л ә д у к и н и тақы тануқлуқ бэргәй* (Таф., 140 *б*). *Эй, кāшкэ сэниң бирлә чықса эрдим, нэ б о л д у қ у ң н ы көзум бирлә көргәй эрдим* (Рабғ., 47*б*). *Д у ā қ ы л д у қ ы н а элик кэтургил* (Таф., 144*а*). *Оғуз қаған аны к ө р д у к т ә өзи кэтти* (УН, 30);

г) кўмакчилар билан ҳам қўлланади. Мас.: *Анд б э р д у к у ң у ч у н турдум* (Таф., 145 *а*). *Кэсилди ҳиҗрат Макка а ч ы л д у қ д ы н с о ң* (Таф., 81*б*);

д) бу даврда ҳам қадимги ёдгорликлардаги каби *-дуқ/-дук* аффиксли сифатдош баъзан ўтган замон феъли сифатида ҳам қўлланган (Қар.: § 243).

**182-§.** *-ған -гән, -қан -кән* аффиксли ўтган замон сифатдоши ўрхун-енисей ёдгорликларида учрамайди, қадимги уйғур

www.ziyouz.com kutubxonasi

тили ёдгорликларида эса *эр-* тўлиқсиз феълигагина қўшилган (*эркэн*).

*-ған/-гэн//-қан/-кэн* аффиксли сифатдошнинг ёдгорликларда акс этиши XI асрдан бошлаб кузатилади. XI аср тилида бу сифатдошнинг истеъмолда бўлганлиги ҳақида Маҳмуд Кошғарий ҳам маълумот берган (Қар., МК, I том, 61, 69, 477—478-бетлар; II том, 57—58, 298, 369—370, 416-бетлар). Лекин бу даврда унинг функцияси чегарали бўлиб, асосан атрибутив (аниқловчи) вазифасида келган. Шу билан бирга, Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, бу форма асосан предметнинг доимий белгисини кўрсатиб, «умумзамон» маъносини ифодалаган. Мас.: *күлгэн эр* — «доим куладиган одам» (МК, II, 298), *озған ат* — «тез чопадиган, ўзадиган от» (МК, I, 437). Предикатив функцияда қўлланганда ҳам шу хусусияти сақланган. Мас.: *Бу эр ол сөз унытған* — «Бу одам доим сўзини унутадиган» (МК, I, 171). *Ол эвин бэзэтгэн ол* — «У доим уйини безатадигандир» (МК, II, 370).

Кейинги даврларда, масалан, эски ўзбек тилида бу форма ўтган замон сифатдоши сифатида шаклланган ва унинг грамматик маънолари, функциялари кенгайган. Эски ўзбек тилида бу сифатдошнинг қўлланиши активлашгач, ўтган замон сифатдошининг қадимги формалари истеъмолдан чиққан ёки функцияси чегараланган. Яъни, юқорида айтилганидек, XV асрдан бошлаб эски ўзбек тилида ўтган замон сифатдошининг *-дуқ/-дук* аффиксли формаси қўлланмаган, *-мыш/-миш* аффиксли сифатдошнинг эса функцияси чегараланган.

*-ған/-гэн//-қан/-кэн* аффиксли сифатдош эски ўзбек тилида қуйидаги хусусиятларга эга бўлган:

а) предметнинг, шахснинг ҳаракати ёки ҳолати билан боғлиқ бўлган белгисини кўрсатиб, гапда аниқловчи ёки эга вазифасида келади. Мас.: *Сэн айтқан сөзни қабул қылсақ, бунларға илинмэгэй эрдук* (Рабғ., 133 *б*). *Ашуққан көп тайылур, көп тайылған көп йықылур* (Нав. МҚ, 138). *Йасавда турғанлар бир йолы суран салыб чапты*л*ар* (БН, 123). *Олтурған йэри йаман эрди* (Ш. тар. 76). *Ваҳ, нэчук хāр олмасун Мунис кэ, болмышлар азиз//билмэгэнлэр аны ким, нэдур ағыз, нэдүр бурун* (Мунис, 192);

б) эгалик аффиксларини олиб, эга вазифасида келади. Мас.: *Лаълыға жāн бэргэним ғам тағында нэ фāйда?* (Отойи, 27 *б*). *Мэниң айдғаным нэ болғай?* (Ш. тар., 4). *Вāй ким, аҳбāблар, барғанымыз бэҳудадур* (Фурқ. II, 98).;

в) келишик аффикслари билан қўлланиб, гапда иккинчи даражали бўлаклар вазифасида келади. Мас.: *Йалған сөзлэгэнниң жазāсы бу турур* (Рабғ., 82 *а*). *Түштэ көргэнин Оғуз қағанға билдүрди* (ЎН, 57). *Көрдум тэгэнгэ ҳалъат бэрди, көрмэдим тэгэнни өлтүрди* (Таф., 133 *а*). *Йықыл-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*ғанларға андын дастгирлик йэткэй* (Нав. МҚ, 131). *Қорққанындын рāстыны айтды* (Ш. тар.). *Кэлгэниңдэ дилрабā, нāгāҳ āқшāм кэтмэғыл* (Муқ., 196);

г) кўмакчилар билан қўлланиб, гапда иккинчи даражали бўлаклар вазифасида келади. Мас.: *Эшиткэн, сөзлэгэн кэби болур* (Таф., 47 б). *Қамуғ тапунғанлары бирлэ отқа сурдылар* (Рабғ., 143 а). *Ай йүзүңни кунгэ охшатқан үчүн//ғарқа болмыш-мэн уйаттын тэргэ мэн* (Лутф., 225 а). *Сэни көргэн сайын āллāҳ дэр-мэн* (Лутф., 211 б). *Бу бир қорғанны алған билэ нэ иш ачылғай* (БН, 80);

д) *-ған/-гэн//-қан/-кэн* аффиксли сифатдош формасига *-тэк/-дэк* аффикси қўшилиб равиш ясалади: *йайған-тэк, дэгэндэк* каби (қар.: § 301);

е) *-ған/-гэн//-қан/-кэн* аффиксли сифатдош асосида ўтган замон феълининг бир тури ҳосил бўлади (Қар.: § 244).

183-§. *-ған/-гэн//-қан/-кэн* аффикси *-ан/-эн,-аған -эгэн* формаларида ҳам қўлланган. Лекин кейингилари эски ўзбек тилида кам ишлатилган, функцияси ҳам чегараланган бўлиб, айрим ёдгорликларда жуда кам учрайди. Мас.: *Өзгэ йэрэ баран йағмур андақ сув болур* (Таф., 65 а). *Сэнсиз кэчирэн умрдын, эй дост, нэ ҳāсил?* (Лутф., 199а). *Арэ, Йусуфны сэвэнлэр банд-у зиндāн āрзулар* (Отойи, 16 а). *Бэмāрликни көп көрэн āхир болур табиб* (Мунис, 80). *Сайр эдэндэ бир куни рафтāрына олмышды қул* (Фурқ. I, 128).

*тутаған* — доим тутадиган, *чапаған* — доим чопадиган, *кулэгэн* — доим куладиган, *кэсэгэн* — доим кесадиган (Маб. луғ.).

Бу сифатдош аффиксининг *-ан/-эн* формасида қўлланиши ҳозир ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли. Ўтмишда ҳам шундай бўлган. Ўтган замон сифатдоши аффиксининг *-ан/-эн* формасида қўлланиши XI аср тилида ҳам мавжуд эканлиги ва бу форманинг ўғузлар тили учун хос эканлиги «Девону луғотит турк»да ҳам уқдириб ўтилган (Қар. МК, I том, 69-бет). *-аған/-эгэн* формасини эса ўғузлардан бошқа турклар тилида қўлланади, деб кўрсатилган (Қар.: МК, I том, 61, 69-бетлар; III том, 328-бет).

184-§. Ҳозирги-келаси замон сифатдошини ясовчи *-адурған/-эдургэн* (*-йдурған/-йдүргэн*) аффикси тузилиши жиҳатдан мураккаб: *-а/-э(-й)* — равишдош ясовчи аффикс; *-дур/-дүр* — ҳолат феъли (*тур-*)нинг фонетик ўзгарган формаси; *-ған/-гэн* — ўтган замон сифатдоши аффикси. Ҳозирги ўзбек тилида бу аффикс *-адиган (-йдиган)* формасига айланган (*борадиган, ишлайдиган* каби).

Бу аффикс билан ясалган сифатдош эски ўзбек тилида кам қўлланган, XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларнинг айримларида учрайди, функцияси ҳам анча чегарали. Мисоллар: *Мэни шайдā қыладурған бу көңүлдүр, бу*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*қөнүл//ҳāр-у* *расвā* *қыладурған* *бу* *көңүлдүр, бу көңүл* (Лутф., 202 б). *Кāбулдын куч кэләдүргән жиҳатыдын султāнға қошула алмайдурлар* (БН, 485). *Муважжаҳ сөзләйдүргәндә арасыда сөзи паришāн болур эрди* (Нав. МН, 164). *Барчаның баратурған йуртыға кэтди* (Ш. тар., 12). *Хāн сийāсат қылатурған болды* (ШН 69). *Анди болмыш кишиләрниң салāматыға нуқсāн йэткүрәдүрмиш* (Фурқ. II, 130).

185-§. *-р* (ундошдан кейин: *-ар/-әр//-ур/-үр*) аффикси ҳозирги-келаси замон сифатдошини ясайди (XV асрдан олдинги даврларда ундошдан кейин *-ыр/-ир* вариантларида ҳам қўшилган)

XV асрдан олдинги даврларда бу аффикс унли билан тугаган феълларга баъзан *-йур/-йүр* формасида ҳам қўшилган. Мас.: *Валэ ҳэч өзигә маңзайур нарса йоқ* (Рабғ.). *Сабā зулфын тарайурда, саҳарда салса сунбулны* (Сакк., 25а).

Бу сифатдошнинг бўлишсиз формаси *-маз/-мәз//-мас -мәс* аффикси билан ясалади (*бармаз//бармас, кэлмәз//кэлмәс* каби).

*-маз/-мәз//-мас/-мәс* аффикси икки аффикснинг бирикувидан ташкил топган: *-ма/-мә* — бўлишсизлик аффикси; *-з/-с* — ҳозирги-келаси замон сифатдоши кўрсаткичи *-р* нинг фонетик ўзгарган кўриниши, яъни бу аффикс қадимда *-мар/-мәр* (<*-ма+р/-мә+р*) кўринишида бўлиб, кейинчалик *-маз/-мәз*, сўнг *-мас/-мәс* формаларига ўтган: *-мар/-мәр*>*-маз/-мәз*>*-мас/-мәс*.

Бу аффикс ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигида *-мас/-мәс* формасида қўлланади. *-мар/-мәр* формаси туркман, озарбайжон каби айрим тилларда сақланган.

Туркий тиллар тарихида, шу жумладан, эски ўзбек тилида *-р(-ар/-әр//-ур/-үр)* аффиксли сифатдошнинг грамматик маънолари ва функциялари кенг бўлган:

а) предметнинг, шахснинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган белгисини кўрсатиб, гапда аниқловчи вазифасида келади. Мас.: *Сэндин кэзләр, йашурур сөзүмүз йоқ* (Рабғ., 140б). *Билмәс кишиләргә агар ул āри көрүнүр* (Лутф., 168 а). *Айтур сөзни айт, айтмас сөздин қайт* (Нав. МҚ, 163). *Йэр-сувны билүр кишиләр арзға йэткүрдиләр ким...* (БН, 183). *Дэди: йоқтур урушур чағлы киши* (ШН, 68). *Көчмәс-у қонмас йуртға кэтди* (Ш. тар., 9);

б) эгалик аффикси билан қўлланади. Мас.: *Лэк мумкин дурур давā қылурум//саъй этиб ҳāжатын равā қылурум* (Нав. СС, 178). *Астрāбāдның шаҳрыға банданың баруры ҳāжат болмағай* (Нав. Мнш., 10);

в) келишик аффикслари билан қўлланиб, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари вазифасида келади. Мас.: *Марйам оғул көтүрүб кэлүрин көрдиләр* (Рабғ., 136 б). *Аны көрдүң, билүрниң фикридин кэч//кэ биз ҳам көрдүк, аммā билмә-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*дук ҳэч* (Нав. ФШ, 59). *Бизниң к э л у р и м и з н и эшитиб, қачыб бу айтылған уч йуртға бардылар* (Ш. тар., 5). *Оқ а т а р-ға қарāрсыз чапты* (Нав. СС, 152). *Көңлум к у й ə р и н д и н сэңə мэн панд бэрур-мэн* (Отойи, 73 б). *Мэни а т а р д и андағ айсунлар* (Таф., 129 б);

г) кўмакчилар билан бирга қўлланиб, гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади: Мас.: *Ичкəй-сиз аны тамāм сувсыз тэвə и ч ə р к ə б и* (Таф., 70 а). *Банданың элки дуā-дын өзгəгə й э т м ə с у ч у н...* (Сакк., 14 а). *Ө л м ə с д и н б у-р у н ачыб көзумни...* (Нав. ФШ, 56). *О л т у р у р у ч у н қā-бил йэр эди* (БН, 287);

д) *-р* (*-ар/-əр//-ур/-ур*) аффиксли сифатдош формасига *-дэк/-тэк* қўшилиб равиш ясалади: *урушур-дэк, көрəр-тэк* каби (Қар.: § 301).

е) *-р* (*-ар/-əр//-ур/-ур*) аффиксли сифатдош формаси асосида ҳозирги-келаси замон феъли ясалади (Қар.: § 273).

186-§. Эски ўзбек тилида *-ғлы/-гли*, *-дачы/-дəчи*, *-ғур -гур* аффикслари билан ясалган сифатдошлар кам қўлланган ва функциялари чегараланган.

*-ғлы/-гли* аффикси билан ясалган сифатдош қадимги ёдгорликларда кенг истеъмолда бўлиб, ўзбек тилида унинг қўлланиши XV асргача давом этган. Мас.: *Ул к э л и г л и кишини... өзлəри узə ҳāким қылдылар* (Таф., 28 б). *Мэңə р а ҳ м қ ы-л ы ғ л ы киши йоқ* (Рабғ., 78 б). *Муны ма б и ч и г л и тарығ-чы қаны* (Хиср. Шир.). *Фиръавнның бузуны йарлығдын ч ы-қ ы ғ л ы л а р т у р у р* (Таф., 29 б). *Бизгə й а н ы ғ л ы э р д и* (Рабғ., 78 б).

*-дачы/-дəчи* (*-тачы/-тəчи*) аффикси билан ясалган сифатдош ҳам қадимги ёдгорликлар тилида актив истеъмолда бўлиб, ўзбек тилида XV асрга қадар қўлланиб келган. Мас.: *Биз йэрни көкни т ө р у т т ə ч и тəңригə табынур-миз* (Таф.). *Тəңриниң ө з р у н д ə ч и қулы атам, тэб йығлар эрди* (Наҳж. фар.). *Мэн сэниң т ө р у т т ə ч и ң, й а р а т т а ч ы ң-м э н* (Таф., 16 б). *Тап болғай бизгə с а қ ы ш қ ы л д а ч ы л а р* (Таф., 34б).

*-ғур/-гур* аффикси билан ясалган сифатдош эски ўзбек тилида кам қўлланган бўлиб, айрим ёдгорликлардагина учрайди. Қадимги ёдгорликларда эса учрамайди. Мисоллар: *Отқа т у ш-к у р бу көңулдур Лутфийни хāр əйлəгəн* (Лутф., 211 а). *Бу т о й м а ғ у р көзумгə турур көрмəгəн киби//ай-тэк йузигə нэчə кэ бу мутбалā бақар* (Лутф., 174 б). *Тилəр-мэн, көрмəсəм ул б о л м а ғ ы р н ы* (Мунис, 24).

*-ғур/-гур* аффиксли формани сифатдош группасига шартли равишда киритиш мумкин. Бу формада сифатдошлик белгилари кучсизланиб сифатга яқинлашган. Маъно жиҳатдан ҳозирги ўзбек тилидаги *сезгир, чопқир, кесгир, ўткир* типидаги сифатларга ўхшайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## Равишдош формалари

187-§. Эски ўзбек тилида қуйидаги аффикслар билан ясалган равишдош формалари истеъмолда бўлган: *-а/-ә (-й), -у/-ү (-йу/-йү), -б (-ыб/-иб//-уб/-үб), -бан/-бән (-ыбан/-ибән//-убан/-үбән), -мадын/-мәдин, -майын/-мәйин, -ғач/-гәч//-қач/-кәч, -ғунча/-гүнчә//-қунча/-күнчә, -ғалы/-гәли//-қалы/-кәли.*

Бу формаларнинг ҳар бири қўлланиши, маънолари, грамматик функциялари бўйича ўзига хос хусусиятларга эга.

188-§. *-а -ә* (унлидан кейин: *-й*) аффикси билан ясалган равишдош қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Якка ҳолда қўлланади. Бунда шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини билдиради. Мас.: *Йәриндин т у р а кэлди* (Таф., 91 *а*). *Бир күн Исмāил авқа бармыш эрди, Ибрāхимни к ө р ә кэлди* (Рабғ., 31 *б*). *Изи атын т у т а āнт ичти Ширин* (Хиср. Шир.). *Йүзүңдин эмди аңа āшнā т и л ә й кэлдим* (Лутф.). *Қанбар Али бэг қ ы ч қ ы р а айтты ким,..* (БН, 131).

2. *-а/-ә(й)* аффиксли равишдош кўпинча такрорланиб келади. Бунда ҳам шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати кўрсатилади. Мас.: *Манзилдин манзилгә т у ш ә қ о п а барур эрдиләр* (Таф., 132*б*). *Фирāқ отына й а н а-й а н а кэлдим* (Лутф., 205 *б*). *Т а м ш ы й-т а м ш ы й аны қылай нош* (Нав. МЛ, 179). *Б а р а-к э л ә хāнны барин қылдылар* (БН 88). *И с т ә й-и с т ә й бару бум ичрә сэни, тэлба көңүл, тутмам āрāм-у қарāр* (Мунис, 305).

3. *-а/-ә(-й)* аффиксли равишдош қўшма феълнинг компоненти бўлиб келади. Мас.: *Бу āйатны Маккаға и з ә б э р д и* (Таф., 93 *а*). *Тилигә к э л ә б а ш л а д ы* (ЎН, 23). *Тутайын тэб, қ у в а ч ы қ т ы м* (Рабғ., 55 *а*). *Қ ы л а к ө р м а ҳ з инсāнийатындын//нэким, аздāд эрүр аны мувāфиқ* (Нав. Мнш., 16). *И т т и ф ā қ қ ы л а а л м а й, паришāн барыб...* (БН, 343). *Хоҗаларны й и б ә р ә б э р д и л ә р* (ШН, 32). *Йол·башында т у р а қ а л д ы Мирзā* (ШН, 35). *Мэн қ ы ч қ ы р а б э р д и м* (Ш. тар., 53). *Ақам кэлиб, мэни а л а к ө р с ү н* (Ш. тар., 63).

4. *-а/-ә(-й)* аффиксли равишдош феълнинг айрим замон формаларини ҳосил қилишда асос бўлади: *бара турур мэн, барадур-мэн, бара-мэн, бара эрди, баратурған эрди* каби (Қар.: §§ 259, 266).

*-ма/-мә* бўлишсизлик аффикси унли билан тугагани учун *-а/-ә(-й)* аффиксли равишдошнинг бўлишсиз формаси *-й* варианти асосида ҳосил бўлади: *бармай, билмәй* каби.

Бу равишдошнинг бўлишсиз формаси кўпинча якка ҳолда қўлланади ва шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини, ҳолатини кўрсатади. Мас.: *Сэни к ө р м ә й өләр-мэн, гар йолуқсаң...* (Лутф., 180 *а*). *Сизни к ө р м ә й ба-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*рурға ихтийāр йоқлуқдын чāра т о п м а й, бэчāравāр азимат вāқэ болды* (Нав. Мнш., 19). *Азмыны б а ж ā к э л т у р м э й, ҳэч ишни б у т к э р м э й йанды* (БН, 206). *Он кун ө т м э й йана атланды хāн* (ШН, 44). *Бир сāат с ө з л э м э й олтурды* (Ш. тар., 60). *Адатым шул: аш й э м э й йатсам, касал дэвāнамэн* (Муқ., 75).

Бу равишдошнинг бўлишсиз формасига баъзан *-ын/-ин* қўшилиб, *-майын/-мэйин* кўринишига эга бўлади. Лекин маънода фарқ йўқ. Мас.: *Сөзлэри б э л г у л у к б о л м а й ы н чықмазмэн* (Рабғ., 60 *а*). *Ҳаддыңны б и л м э й и н мэни сэвди дэбэн. йазғурмағыл* (Лутф., 201 *б*). *Б и л м э й и н аңа қылурлар инкāр* (ШН, 13). *Көңулгэ тушти тугун т а п м а й ы н висāл кунин* (Мунис, 311).

*-майын/-мэйин* аффикси равишдошнинг инкор формасини ясовчи *-матын/-мэтин/-мадын/-мэдин* аффикси билан боғлиқ. Кейингиси қадимги ёдгорликлар тилида актив истеъмолда бўлиб, *-маты/-мэти//-мады/-мэди* формаларида ҳам учрайди.

XV асрдан олдинги ўзбек тилига оид ёдгорликларда бу аффикснинг *-мадын/-мэдин* формасида қўлланиши учрайди. Мас.: *Ул йазуқны қ ы л м а д ы н тақы тавбаға м у ң л у ғ б о л м а д ы н турғаның эзгурэк эрмэз-му?* (Рабг., 53 *а*). *Болған буғдайны йэгучэ төкку, қалғанны т ө к м э д и н башы бирлэ анбāрламақ кэрэк* (Таф., 60 *а*). *Бир кимэрсэ кэлди тақы бу дарбандын т и л э м э д и н сарāйқа кирди* (Наҳж. фар.).

189-§. *-у/-у* (унлидан кейин: *-йу/-йу*) аффикси билан ясалган равишдош қадимги ёдгорликларда кенг қўлланган бўлиб, эски ўзбек тилида XV асрга қадар анча актив истеъмолда бўлган, кейинги даврларда кам учрайди. Бу равишдош қўлланиши, маъноси, функцияси бўйича *-а/-э(-й)* аффиксли равишдошга яқин туради.

Эски ўзбек тилида бу равишдош қуйидаги ўринларда қўлланган:

1. Якка ҳолда келиб, шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини, пайтини кўрсатади. Мас.: *Андын Ҳадича қатына кэлди, т и т р э й у айды* (Таф., 138 *а*). *Учэлэрингэ йуклэб, й а л б а р у, и ң р э й у кэлдилэр* (Рабғ., 68 *а*). *Кэл эй сāқий, кэтургил бāдаи нāб//кулэ, о й н а й у ичсунлэр бу асҳāб* (МН, 296 *б*). *Ағзыңны тилэб, т а п м а й у болдум адам, эй жāн* (Лутф., 217 *б*). *Көз йашы й ы ғ л а й у, тушэйин дэр айақыңа* (Сакк., 23 *а*). *Т а м ā ш ā э й л э й у болсун хирāмың* (Нав. ФШ, 106).

2. Қўшма феълнинг компоненти бўлиб келади. Мас.: *Ит нима б а р у б а ш л а д ы* (Таф., 9 *а*). *Шāгирдлик қылайын, мэңэ ө г р э т у б э р г и л* (Таф., 11 *а*). *Аңа қаршу т у р у б и л м э д и* (Рабғ., 147 *а*). *Қарындашлары аны авға а л у б а р д ы л а р* (Рабғ., 52 *а*).

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. *-у/-ү (-йу/-йү)* аффиксли равишдош ҳозирги замон феъли тасвирий формасининг компоненти бўлиб ҳам келади: *бару турур мэн, сөзләйү турур мэн* каби (Қар.: § 267).

190-§. *-б* (ундошдан кейин: *-ыб -иб -уб -үб*) аффикси билан ясалган равишдош қуйидаги ўринларда қўлланади:

1. Шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини кўрсатади. Бунда равишдош ифодалаган иш-ҳаракат билан шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракат ўртасидаги вақт муносабати қуйидагича икки хил бўлиши мумкин:

а) равишдош ифодалаган иш-ҳаракат шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатдан олдин бажарилади. Мас.: *Омар эрмишин б и л и б, қапуғ ачтылар* (Таф., 27 *а*). *Агар бэрмәсәң, биз к и р и б, тартыб чықарур-биз* (Рабғ., 39 *б*). *Буйурдылар ким, ҳуҗрасын б у з у б, туфрағын хāнақāҳдын ташқару ташласунлар* (Нав. МН ,8). *Бухāрāдын қавун к э л т ү р т ү б, бир маҗлисда кэстүрдүм* (БН, 6).

б) равишдош ифодалаган иш-ҳаракат шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракат билан бир вақтда бажарилади. Бунда ҳар иккала иш-ҳаракат ҳам одатда такрорланувчи, давомли бўлади. Мас.: *Элини йүзинә у р у б йығлайур эрди* (Рабғ., 30 *а*). *Саккāкий й ы ғ л а б, көз йашын йаз йамғуры-тэк йағурур* (Сакк., 17 *б*). *Өргәтиб эрди аны көп қан й ү т и б* (Нав. ЛТ, 52). *Чықтылар қорғаныға ч а п қ у л л а ш ы б* (ШН, 46). *Қайда көрсәм наъл нақшыны, өпәр-мэн йүз с у р у б* (Фурқ. I, 65).

2. *-б (-ыб/-иб//-уб/-үб)* аффиксли равишдош баъзан такрорланиб ҳам келади. Бунда равишдош ифодалаган иш-ҳаракат такрорланувчи, давомли бўлиб, шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг юзага келиш ҳолатини, сабабини кўрсатади. Мас.: *Олтурар-сиз бэхирāдлар базмыда о й н а б-к ү л ү б* (Фурқ. I, 161). *Жудāлығ әйләр экән-сиз к э л и б-к э л и б āхир* (Фурқ. I, 92).

3. *-б(-ыб/-иб//-уб/-үб)* аффиксли равишдош қўшма феълнинг компоненти бўлиб ҳам келади. Мас.: *Оғуз қағанның аты муз тағ ичигә қ а ч ы б к э т т и* (ЎН, 47). *Төрт мың эр атланыб й э т и б к э л д и* (Рабғ., 64 *б*). *Қазан арāбасыны икки-үч фил āсāн т а р т ы б б а р а д у р* (БН, 356). *Аны хāнға а л ы б б э р д и* (Ш. тар., 52).

4. *-б(-ыб/-иб//-уб/-үб)* аффиксли равишдош ўтган замон феълининг айрим формаларини ҳосил қилишда ҳам асос бўлади: *барыб турур мэн, барыбтур-мэн//барыбдур-мэн, барыб-мэн, барыб турур эрдим, барыб эрдим* каби (Қар.: §§ 245, 256).

5 *Дэ-* феъли *-б* аффиксли равишдош формасида (*дэб*) боғловчи вазифасини бажаради (Қар.: § 362).

*-б(-ыб/-иб//-уб/-үб)* аффиксли равишдошнинг бўлишсиз формада қўлланиши фақат унинг замон формаси таркибида



www.ziyouz.com kutubxonasi

келганида учрайди. Бунда ҳам айрим ёдгорликларда ва жуда кам кузатилади. Мисоллар: *Мэн ҳам ҳаргэз к ө р м ә б-м э н* (БН, 125), *вилāйатлығы қ а л м а б д у р* (БН, 161).

Бу равишдошнинг бўлишсизлик маъноси асосан *-май/-мәй* (*-майын/-мәйин*) аффикси билан ифодаланган (Қар.: § 188).

**191-§**. Равишдош ясовчи *-бан -бән* (ундошдан кейин: *-ыбан -ибән -убан/-үбән*) аффикси *-б* (*-ыб/-иб//-уб/-үб*) аффиксига *-ан/-ән* қўшилиши билан ҳосил бўлган.

Бу равишдош қадимги ёдгорликлар тилида кенг қўлланган. Эски ўзбек тилида шеърий асарларда ишлатилган бўлиб, функцияси ҳам чегараланган.

Эски ўзбек тилида бу равишдош шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини, сабабини кўрсатади. Мас.: *Ақлы к э т и б ә н, Лутфий-тэк дэвāна болғум, аңлағыл* (Лутф., 185 *б*). *Ғам тавбасында сы з ғ у р у б а н имтиҳāн этәр* (Отойи, 60*а*). *Қ у р б ā н б о л у б а н, васлың үчүн шукр өтәгәй-биз* (Сакк., 17*б*). *Б а р ы б а н кэлтүрдиләр...* (Нав. ЛТ, 120). *Чықты ул мыңча киши а т л а н ы б а н//иш қылурға барысы қ а т л а н ы б а н* (ШН., 64). *Йығлады аллыда, дэди к у л ү б ә н* (Мунис, 279). *Қ у ч у б а н йығладым атам айағын* (Фурқ. II, 54).

**192-§**. *-ғалы -гәли//-қалы/-кәли* аффикси билан ясалган равишдош ҳам туркий тилларда қадимдан кенг қўлланиб келган бўлиб, эски ўзбек тилида ҳам актив истеъмолда бўлган. Ҳозирги ўзбек тилида бу аффикс *-гани(-қани/-кани)* кўринишида ишлатилади.

Бу равишдош шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги мақсадни билдиради. Шунинг учун уни «мақсад равишдоши» деб ҳам атайдилар. Мисоллар: *Малик анларны ө л д ү р г ә л и қасд қылды* (Таф., 9*а*). *Йусуфны к ө р г ә л и зиндāнға кәлүр эрдиләр* (Рабғ., 57 *б*). *Дарда кэ, б а қ қ а л ы йана бир җāн баданда йоқ* (Лутф., 194 *б*). *Ул хāнақāҳға о й н а ғ а л ы кирдиләр* (Нав. МН, 34). *Гузар к ө р г ә л и барыб эдиләр* (БН, 480). *...уруш с а л ғ а л ы кэлмиштүр хāн* (ШН, 72). *Мэни ө л т ү р г ә л и кэлә турур* (Ш. тар., 16). *У ч ғ а л ы пар чықарыбтур көңлүм* (Мунис, 110).

Эски ўзбек тилида *-ғалы/-гәли//-қалы/-кәли* аффиксли равишдошнинг асосий вазифаси, юқорида кўрсатилганидек, мақсад маъносини ифодалашдан иборат бўлган. Шу билан бирга, баъзан қуйидаги ўринларда ҳам қўлланган:

а) пайт маъносини ифодалайди, яъни шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг бошланган вақтини кўрсатади. Мас.: *Йусуф Канъāндын ч ы қ ғ а л ы йигирми йэтти йыл болмыш эрди* (Рабғ., 62 *а*). *Мэн ө л г ә л и мың йыл болмыш эрди* (Таф., 18 *б*). *Ө т к ә л и йүз йыл өтүбтүр эмди//көп эл аны унутубтур эмди* (ШН, 53).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мисоллардаги *чықғалы, өлгәли, өткәли* феъллари «чиққандан бери», «ўлганимдан бери», «ўтгандан (ўлгандан) бери» ёки «чиққанига», «ўлганимга», «ўтганига (ўлганига)» маъносида қўлланган;

б) қўшма феълнинг компоненти бўлиб, асосий маънога турли оттенкаларни беради. Мас.: *Мусā икки йашады эрсә,.. Фиръавнның сақалын тутуб қаттығ тартды ким, бойны ү з г ә л и т э г д и. Фиръавн қорқты* (Рабғ., 83 а). *Там көрдиләр, э г и л и б т ү ш к ә л и т у р у р,.. Хизр ул тамны көндүрди* (Рабғ., 100 *б*). *Ө л г ә л и й э т т и Атайи ул қадд-у қāмат үчүн//қылға-сиз сарв-у санубардын аның тāбутын* (Отойи, 67 *а*). *Хумāр ичрә мэн ө л г ә л и й э т м и ш ә м//қадаҳ тут мэңә, сāқийā, лаб-бāлаб* (Мунис, 82).

Бу мисолларнинг биринчисида *үзгәли тэгди* бирикмаси иш-ҳаракатнинг юз беришига оз қолганлиги, лекин бажарилмаганлигини кўрсатиб, «узилаёзди» маъносини билдиради, кейингиларида эса *эгилиб түшкәли турур, өлгәли йэтти, өлгәли йэтмишәм* бирикмалари иш-ҳаракатнинг юз беришига яқинлашиб қолганини кўрсатиб, «йиқилай деб қолган», «ўлиш ҳолатига етди», «ўлиш ҳолатига етганман» каби маъноларни билдиради;

в) *-ғалы/-гәли//-қалы/-кәли* аффиксли равишдош баъзан ҳаракат номи ўрнида ҳам қўлланган. Мас.: *Мэн унутмыш-мэн сизгә а й ғ а л ы тэб,..* (Таф., 10 *б*). *Қалмады с а б р э т к ә л и бир зарра имкāным* (Лутф., 198 *а*). *Эл айбыны айтурға бирәв ким узатур тил, өз айбыны ф ā ш ә й л ә г ә л и тил узатур, бил* (Нав. МҚ, 141).

Бу мисолларда *айғалы, сабр эткәли, фāш әйләгәли* феъллари «айтишни», «сабр қилишга (сабр қилиш учун)», «фош қилишга» каби маъноларни ифодалайди.

**193-§.** *-ғач -гәч -қач -кәч* аффикси билан ясалган равишдош қадимги ёдгорликларда учрамайди. Ўзбек тилида эса асосан XIV асрдан бошлаб кузатилади.

Бу равишдош пайт маъносини билдиради, яъни бу равишдош ифодалаган иш-ҳаракат тугаши билан шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракат бошланади. Мас.: *Йэр ө п к ә ч, айту башлады жавāбын* (Хиср. Шир.). *Йана шāм о л ғ а ч, олдылар бары маст* (Нав. СС, 133). *Икки-үч күн ө т к ә ч,.. ул навāҳиларға йибәрилди* (БН, 76). *А ч ы л ғ а ч кэлиб эртәси ҳужрасы//қылур жаң-у жанжал ҳар эртәси* (Муқ., 41).

**194-§.** *-ғунча/-гүнчә//-қунча -күнчә* аффикси билан ясалган равишдош эски ўзбек тилида анча кенг истеъмолда бўлиб, қадимги ёдгорликларда кам қўлланган, ўрхун-енисей ёдгорликларида учрамайди.

Бу равишдош ҳам пайт маъносини билдиради, яъни равишдош ифодалаган иш-ҳаракат бошлангунга қадар шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракат юзага чиққан бўлади ёки шунгача да-



www.ziyouz.com kutubxonasi

вом этган бўлади. Мас.: *Шафақ ғāйиб болғунча қыйнайурлар* (Рабғ., 14*а*). *Лутфий мискиндин өлгүнчә дуā болсун сэңә* (Лутф., 160 *б*). *Банда йэткүнчә йайлақларда болғайлар* (Нав. ФШ, 137). *Хāн йэтишкүнчә аны қуладылар* (ШН, 25). *Таң атқунча чэкиб-мэн мунда фарйāд* (Фурқ. II, 49).

Бу равишдош бўлишсиз формада келганда, унда шарт оттенкаси бўлади. Бунда шахсли феъл ҳам бўлишсиз формада келади. Мас.: *Сэн мэни өлтүрү билмәс-сэн, магар бир иш қылмағунча* (Таф., 129 *б*). *Сиз кэлмәгүнчә бу элни киши манъ қылыб болмас* (БН, 156). *Кирмәгүнчә бу улус қолумға//бармағумдур йүрүбән йолумға* (ШН, 203). *Султāн Муҳаммадны алмағунча ҳэч йэрдә турмаң, тэб йибәрди* (Ш. тар., 68). *Бир көрмәгүнчә йоқтур қарāрым* (Муқ., 158).

Бу аффикс баъзан *-ғынча/-гинчә//-қынча/-кинчә* кўринишида ҳам келади. Мас.: *Биз кэлгинчә Йусуфны бөри йэмиш* (Рабғ., 47 *а*). *Өчүмни алмағынча олтурмағай-мэн* (Таф., 27 *б*). *Ишим биткинчә сусун татмағай-мэн* (Хиср. Шир.). *Сиз көрүң, «ҳāй-ҳāй» дэгинчә болғай...* (Сакк., 13 *б*).

*-ғунча/-гүнчә//-қунча/-күнчә* тарихан ҳаракат номининг *-ғу/-гү//-қу/кү* аффиксига равиш ясовчи *-ча/-чә* аффикси қўшилиши билан ҳосил бўлган (*-ғуча/-гүчә//-қуча/-күчә*).

Бу аффикснинг дастлабки кўринишида ишлатилиши айрим ёдгорликларда акс этган. Мас.: *Жāн болмағуча аллыда парвāна ынанмас* (Отойи, 28 *а*). *Көз йумуб ачқуча жарлардын өтүб* (ШН, 45). *Өлгүчә қош-у жувāз бāбыда хам өлсүн бу ат* (Муқ., 76). *Йутмышам таң атқуча зардāб илә қан бу кэчә* (Фурқ. I, 111).

Бу аффикс таркибидаги [н] ундоши кейинчалик қўшилган, яъни бу равишдошга эгалик аффикслари қўшилганда [н] орттирилган: *кэлгү+н+имчә>кэлгүнимчә, кэлгү+н+иңчә>кэлгүниңчә, кэлгү+н+ичә>келгүничә* каби. Олдинги даврларга оид ёдгорликларнинг айримларида эгалик аффикси қўшилганда ҳам [н] орттирилмаслик ҳоллари учрайди. Мас.: *Эмди мэн өлгүмчә көзүм йашы тинмәги сэниң-тэк қарындашны қандын булғай-мэн* (Наҳж. фар.). *Йана мэн кажабақа кэлгимчә чэрик кэчмишләр* (Наҳж. фар.).

*-ғунча/-гүнчә//-қунча/-күнчә* аффикси билан ясалган равишдош айрим ҳолларда қиёслаш, миқдор каби маъноларни билдириб, равиш категориясига ўтади ёки равишга яқин туради. Мас.: *Йүз ачғыл, көз сэни тойғунча көрсүн* (Лутф., 166 *а*). *Бу сөз дэгүнчә өлтүрсәң нэ болғай?* (Нав. ФШ, 137). *Ичидә бир орду түшкүнчә йэр бар* (БН, 60). *Йусуф айды: мэни сэвгинчә өз эриңни сэвгил* (Рабғ., 52 *б*). *Али он кишигә йэткүчә аш этмиш эрди* (Таф., 146 *а*). *Мэңә мāл тавар кэрәкмәс, йэгүчә, кизгүчә мāлым бар* (Рабғ., 52*б*).

www.ziyouz.com kutubxonasi

195-§. Ўтган замон сифатдоши аффиксларига *-ча/-чә* қўшилиши асосида ҳосил бўлган *-ғанча/-гәнчә//-қанча/-кәнчә, -мышча/-мишчә, -дуқча/-дүкчә* аффикслари билан ясалган формалар ҳам баъзан юқоридаги равишдош маъносида қўлланади. Мас.: *Пāдшāҳ мутаважжиҳ болғанча иш көрүнмәйдүр* (БН, 459). *Тā кәлгәниңчә әйләр бәзāр, арāба қурсун* (Муқ., 81). *Аш бәрмишинчә болур* (Таф., 144*а*). *Күн кәлдүгинчә мәним эмгәгим арта турур* (Рабғ., 78*а*). *Қурмасун өлдүкчә гул тахты тажаммул бāғда* (Фурқ. I, 27).

Бу формаларнинг асосий функцияси равиш маъносини ифодалашдан иборат бўлиб, қуйидаги мисолларда шу маънода қўлланган: *Сиз қылa алғанча барчаны Мирзā давлатыға мунāсиб ишләргә саъй болуң* (Нав. Мнш., 16). *Ҳар йэргә айағым барғанча барсам, йахшы болғай* (БН, 124). *Күчүң йэтмишчә кимәрсәниң айбын ачмағыл* (Рабғ., 55 *б*). *Нәчә алдуқча байағы-тәк болғай, ҳэч өксүмәгәй* (Таф., 69 *а*).

## ФЕЪЛ ТУСЛАНИШИ

196-§. Феълнинг асосий грамматик белгиси тусланишдир. Тусланиш эса майл, замон ва шахс-сон категорияларини ўз ичига олади. Демак, тусланиш системасидаги феъл қуйидаги морфемалардан иборат бўлади: феъл негизи+майл ёки замон кўрсаткичи+шахс-сон аффикси. Лекин буйруқ-истак майлининг тусланиши бундан фарқ қилади (Қар.: § 204).

## *МАЙЛ ВА ЗАМОН*

197-§. Туркий тилларда, айниқса, тарихан майл ва замон категориялари бир бутунликни ташкил этиб, ўзаро дифференциялашиб етмаган. Бу ҳол, биринчи навбатда, майл ва замон категорияларининг ҳар бири учун махсус аффиксларнинг йўқлигида кўринади, яъни бир аффикснинг ҳам майл, ҳам замонни ифодалаш учун хизмат қилиши билан изоҳланади. Масалан, аниқлик майли туркумидаги феъллар иш-ҳаракатнинг қайси грамматик замонга хослигини кўрсатиши жиҳатдан классификация қилинади. Шунингдек, эски ўзбек тилида актив истеъмолда бўлган *-ғай/-гәй//-қай/-кәй* аффиксли феъл формаси истак, орзу каби маъноларни ифодалаш билан бирга, иш-ҳаракатнинг келаси замонга алоқадорлигини ҳам кўрсатади.

Демак, майл категорияси замон категориясига нисбатан кенг бўлиб, майл формалари замон маъносига кўра группаларга бўлинади. Лекин ҳамма майл формаларида ҳам грамматик замон маъноси мавжуд бўла бермайди. Аниқлик майлида ҳар учала грамматик замон мавжуд, шарт майлида замон маъноси нисбий, буйруқ-истак майлида эса грамматик замон йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Буйруқ-истак майли формалари ҳали бажарилмаган ёки нутқ моментида мавжуд бўлмаган иш-ҳаракатни кўрсатиши жиҳатдан келаси замонга ўхшайди. Лекин бу грамматик замон эмас.

Эски ўзбек тилидаги майл формалари қуйидаги уч туркумга бўлинади: *буйруқ-истак майли, шарт майли, аниқлик майли.*

198-§. Туркий тилларда феъл тусланиши тарихан сифатдош формалари асосида юзага келган, яъни майл ва замон формалари сифатдош формалари асосида шаклланган (Буйруқ-истак майли формаларининг айримлари бундан мустасно). Кейинчалик майл ва замон формаларининг кўпчилигида сифатдошлик хусусияти сезилмас даражага келиб қолган ёки айримлари таркибидан сифатдош белгиси бутунлай тушиб қолган. Масалан, ўтган замон феълининг *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксли формаси *-дуқ/-дук//-туқ/-тук* аффиксли ўтган замон сифатдоши асосида шаклланган бўлиб, ҳозир бу форманинг сифатдошлик хусусияти йўқолган. *Бораман* типидаги ҳозирги-келаси замон феъли таркибида ҳам дастлаб сифатдош кўрсаткичи бўлган, яъни бу феъл дастлаб *-а/-э(-й)* аффиксли равишдош формасига *тур-* феълининг ҳозирги-келаси замон сифатдош формаси (*турур*) қўшилиши билан ҳосил бўлган. Кейинчалик *турур* таркибидан ҳозирги-келаси замон сифатдош кўрсаткичи *-ур* тушиб қолган, сўнг бу феъл таркибидан *тур-* феъли бутунлай тушиб қолади: *бара турурмэн (>бара дурурмэн)>баратур-мэн >барадур-мэн (барадy-мэн)>бара-мэн>бараман.* Шарт феълининг кўрсаткичи дастлаб ҳозирги-келаси замон сифатдоши *-сар/-сэр* формасида бўлган. Буйруқ-истак майлининг *барайын//барай* типидаги I шахс бирлик формаси *барғай-мэн* типидаги форма асосида шаклланган. Кейингиси эса ўз навбатида *-ға/-гэ* аффиксли ҳозирги-келаси замон сифатдошидан ривожланган.

## Шахс-сон аффикслари

199-§. Майл ва замон формаларининг гапдаги функцияси ва маънолари шахс-сон аффикслари орқали реаллашади.

Эски ўзбек тилида ҳам шахс-сон аффикслари формал жиҳатдан икки группага бўлинади: 1) тўла формалар; 2) қисқарган формалар.

Шахс-сон аффикслари тўла формаларининг умумий кўриниши қуйидагича:

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *-мэн* | *-биз, -миз* |
| II шахс | *-сэн* | *-сиз (лэр)* |
| III шахс | (ноль кўрсаткич) | *-лар/-лэр* |

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шах-сон аффикслари қисқарган формаларининг умумий кўриниши қуйидагича:

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *-м* | *-қ/-к, -уз/-үз//-ыз/-из* |
| II шахс | *-ң* | *-ңыз -ңиз -ңуз/-ңүз (-лар/-лэр)* |
| III шахс | *(-сы/-си)* | *-лар/-лэр* |

Шахс-сон аффиксларининг тўла формалари қуйидаги феълларга қўшилади:

1) *-мыш/-миш* аффиксли сифатдош асосида ҳосил бўлган ўтган замон феъли: *бармыш турур мэн//бармыш дурур мэн// бармыштур-мэн//бармышдур-мэн//бармыш-мэн* каби;

2) *-ған/-гэн//-қан/-кэн* аффиксли сифатдош асосида ҳосил бўлган ўтган замон феъли: *барған-мэн* каби;

3) *-б (-ыб/-иб//-уб/-үб)* аффиксли равишдош асосида ҳосил бўлган ўтган замон феъли: *барыб турур мэн//барыбтур-мэн// барыб-мэн* каби;

4) *-а/-э (-й, -у/-ү//-йу/-йү)* аффиксли равишдош асосида ҳосил бўлган ҳозирги замон феъли: *бара турур мэн//бара дурур мэн//барадур-мэн//бара-мэн* каби;

5) ҳозирги замон феълининг *-мақда/-мэкдэ* аффиксли формаси: *бармақдадур-мэн//бармақда-мэн* каби;

6) *-р(-ар/-эр//-ур/-үр)* аффиксли сифатдош асосида ҳосил бўлган ҳозирги-келаси замон феъли: *барур-мэн, бармаз-мэн// бармас-мэн* каби;

7) *-ғай/-гэй//-қай/-кэй* аффикси билан ясалган келаси замон феъли: *барғай-мэн* каби.

Шахс-сон аффиксларининг қисқарган формалари қуйидаги феълларга қўшилади:

1) ўтган замон феълининг *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксли формаси: *бардым, бардың, барды, бардық, бардыңыз(лар), бардылар;*

2) ҳозирги-келаси замон шарт феъли: *барсам, барсаң, барса; барсақ, барсаңыз(лар), барсалар;*

3) аниқлик майлининг ўтган замон аналитик формалари: *бардым эрди, бармыш эрдим, барған эрдим, барыб турур эрдим//барыбтур эрдим//барыб эрдим, бара турур эрдим//барадур эрдим//бара эрдим, барур эрдим (бармаз эрдим//бармас эрдим)* каби;

www.ziyouz.com kutubxonasi

4) шарт феълининг аналитик формалари: *барса эрдим, барсам эрди* каби;

5) *-ғу/-гү//-қу/-ку* аффиксли келаси замон феъли: *барғум турур//барғумдур//барғум* каби.

Айрим феълларга шахс-сон аффиксларининг ҳар иккала формада қўшилиш ҳоллари ҳам мавжуд:

1. Шахс-сон аффиксларининг тўла формаларини қабул қиладиган айрим феълларнинг I шахсида баъзан қисқа формалар ҳам қўшилади:

*бармыш-мэн≈бармышам;*
*бармамыш-мэн≈бармышым йоқ(турур//тур//дур);*
*бармаған-мэн≈барғаным йоқ (турур//тур//дур);*
*барур-мэн≈бурурам;*
*бармаз-мэн//бармас-мэн≈барман;*
*барға-мэн(<барғай-мэн)≈барғам≈барам;*
*барур-миз(-биз)≈баруруз;*
*бармаз-миз≈бармазуз.*

2. Аксинча, шахс-сон аффиксларининг қисқарган формаларини қабул қиладиган айрим феълларга олдинги даврларда тўла формалар ҳам қўшилган:

а) XV асрдан олдинги даврларда шарт феълига шахс-сон аффиксларининг тўла формалари ҳам қўшилган: *барсам≈барса-мэн, барсаң≈барса-сэн, барсақ≈барса-миз//барса-биз//барсавуз, барсаңыз*(*лар*)*≈барса-сиз*(*лэр*).

Қадимги ёдгорликлар тилида шарт феъли аффикси *-сар/-сэр* формасида бўлиб, унга шахс-сон аффиксларининг қўшилиши қуйидаги кўринишда бўлган: *барсар-мэн, барсар-сэн, барсар; барсар-миз, барсар-сиз*(*лэр*), *барсарлар* (Қар.: § 232);

б) *-ды/-ди//-ты/-ти* аффикси билан ясалган ўтган замон феълининг I шахс кўплиги учун XV асрдан олдинги даврларда шахс-сон аффиксининг кўпинча тўла формаси қўшилган: *бардық≈бардымыз.*

Ўрхун-енисей, қадимги уйғур тили ёдгорликларида ва XI аср ёдгорликларида фақат *бардымыз* формасида қўлланган.

**200-§.** Шахс-сон аффикслари тарихан кишилик олмошларидан ривожланган. Бунда қуйидаги процесслар юз берган: замон формалари ва майл формаларининг ҳам кўпчилиги сифатдош формалари асосида шаклланган бўлиб (Қар.: § 198), буларда шахс-сон маънолари дастлаб кишилик олмошлари орқали ифодаланган. Масалан, ўтган замон феълининг *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксли формаси *-дуқ/-дүк//-туқ/-түк* аффиксли сифатдошдан (Қар.: § 181) ривожланган бўлиб, бу формада шахс-сон маънолари дастлаб кишилик олмошлари орқали қуйидагича ифодаланган: *мэн бардуқ* (мен бордим), *сэн бардуқ* (сен бординг), *ул бардуқ* (у борди), *биз бардуқ* (биз

www.ziyouz.com kutubxonasi

бордик), *сиз бардуқ* (сиз бордингиз), *улар бардуқ* (улар бордилар).

Маҳмуд Кошғарийнинг маълумотига кўра, бу ҳол XI аср тилида ҳам акс этган. Яъни бу даврда ўғузлар ва қипчоқларнинг айримлари ўтган замон феълининг *-ды/-ди* аффиксини *-дуқ/-дук* формасида ишлатиб, шахс-сон маъносини ифодалаш учун феъл олдидан кишилик олмошлари келтирилган: *мән йа қурдуқ* (мен ёй қурдим), *биз йа қурдуқ* (биз ёй қурдик), *ол кәлдук* (у келди), *олар әвгә кирдук* (улар уйга кирдилар) каби (Қар.: МҚ, II том, 64, 65-бетлар).

Кейинчалик кишилик олмошлари феълдан кейин ҳам келтириладиган бўлган: *мән бардуқ мән* (мен бордим), *сән бардуқ сән* (сенординг) каби. Бунда шахс-сон маъносини ифодалаш учун кишилик олмошларини икки марта келтиришга зарурат бўлмай қолган. Шунинг учун феъл олдидан келган кишилик олмошлари кўпинча тушириб қолдириладиган бўлиб, кейингиси сақланган ва шахс-сон кўрсаткичи сифатида тасаввур қилинган: *бардуқ мән* (бордим), *бардуқ сән* (бординг) каби.

Шу тарзда шахс-сон аффиксларининг тўла формалари вужудга келган.

201-§. Шахс-сон аффиксларининг қисқарган формалари тўла формалар асосида ривожланган бўлиб, кейинчалик вужудга келган. Қисқа вариантларнинг вужудга келишида феъл формасида юз берган ўзгариш асосий роль ўйнаган. Масалан, *-дуқ/-дук//-туқ/-тук* аффикси ўтган замон феъли кўрсаткичи сифатида шаклланиб *-ды/-ди//-ты/-ти* формасига айлангач, шахс-сон аффиксида ҳам қисқариш юз берган. Айрим шахсларда шахс-сон аффиксининг бошланғич товуши, айримларида эса охирги товуш сақланган: *бардуқ мән>барду(>барды) мән>бардым, бардуқ сән>барду(>барды)сән>бардын//бардың*. II шахс кўплиги II шахс бирлик (*бардың*) формасига қадимги кўплик кўрсаткичи *-ыз/-из* қўшилиши билан ҳосил бўлган: *бардың+ыз>бардыңыз*. I шахс кўплик кўрсаткичи *-қ/-к* (*бардық, кәлдик*) эса қадимда от туркумидаги сўзлардан кўплик (иккилик) формасини ясовчи аффикс бўлиб (*дудоқ, қулоқ* каби), унинг кишилик олмошларига алоқаси йўқ.

Замон ва майл формаларининг бошқа турларида ҳам шахс-сон аффиксларининг шаклланишидаги шу процесслар кузатилади. Масалан, шарт майли формасини олайлик: *барсар-мән>барса-мән>барсам, барсар-сән>барса-сән>(барсан) барсаң, барсар-биз//барсар-миз>барса-миз (барсақ), барсар-сиз>барса-сиз≈барсаң+ыз>барсаңыз* (Қар.: §§ 231, 232).

202-§. Шахс-сон аффиксларининг тўла формалари бўйича ҳозирги ўзбек тили билан эски ўзбек тили ўртасида баъзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

фарқлар бор. Бу фарқлар асосан I шахс бирлик ва кўплик формалари ва II шахс бирлик формасига оид.

1. Маълумки, I шахс кўплик формаси ҳозирги ўзбек тилида *-миз* тарзида [м] билан келади. Эски ўзбек тилида эса *-биз* тарзида [б] билан ҳам қўлланган: *бармыш-биз//бармыш-миз, барур-биз//барур-миз, барғай-биз//барғай-миз* каби.

2. Эски ўзбек тилида шахс-сон аффиксларининг I ва II шахс бирлик формалари таркибидаги унли ҳозирги ўзбек тилидагидек *-ман, -сан* тарзида [а] эмас, балки *-мэн, -сэн* тарзида [э] бўлган. Чунки бу формалар ёзгорликларда ی (ёй) орқали مین، سین тарзида ёзилган.

3. Эски ўзбек тилида I ва II шахс бирлик аффиксларининг тўла формалари (*-мэн, -сэн*) фақат юмшоқ вариантда бўлиб, сингармонизм қонунига бўйсунмайди. Шунинг учун бу формаларни, умуман, шахс-сон аффиксларининг тўла формаларини дефис орқали ёзиш мувофиқ бўлади: *барған-мэн, барған-сэн, барған-биз//барған-миз, барған-сиз; барур-мэн, барур-сэн, барур-биз//барур-миз, барур-сиз* каби.

**203-§**. Буйруқ-истак майлида шахс-сон маъноларининг ифодаланиши бутунлай бошқача характерга эга. Бу майлнинг кўплик шахслари учун, айниқса, ҳозирги тилда махсус шахс-сон кўрсаткичлари йўқ бўлиб, бу маъно майл формалари орқали ифодаланади, яъни бир аффикс майл кўрсаткичи бўлиши билан бирга, шахс-сон маъносини ҳам билдиради. Масалан, *барай* феълидаги *-ай*, ёки *ишлэй* феълидаги *-й*, бир томондан, майл кўрсаткичи бўлса, иккинчи томондан, I шахс бирлик маъносини ҳам ифодалайди, *барсун* феълидаги *-сун* эса, бир томондан, буйруқ-истак майли маъносини ифодалайди, иккинчи томондан, III шахс бирлигини билдиради.

## БУЙРУҚ-ИСТАК МАЙЛИ

**204-§**. Феъл майлларининг бу тури адабиётларда турлича номланади. Айрим авторлар «буйруқ майли» номи билан атаса, бошқалари I шахс формаларини «истак майли», II ва III шахс формаларини эса «буйруқ майли» номи билан атайдилар ва ҳоказо.

Феъл майлларининг бу турига кирувчи формаларнинг ҳар бирида ҳам истак, ҳам буйруқ оттенкалари мавжуд. Лекин айримларида истак маъноси (масалан, I шахс формаларида), айримларида буйруқ маъноси (масалан, II шахс формаларида) кучли. Шунинг учун бу формаларни умумий ном билан «буйруқ-истак майли» деб аташ маъқул бўлади.

Эски ўзбек тилида буйруқ-истак майлининг қуйидаги аффикслар билан ясалган формалари истеъмолда бўлган:

www.ziyouz.com kutubxonasi

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
| --- | --- | --- |
| I шахс | 1. *-ғайын/-гәйин*<br>2. *-ғайым/-гәйим*<br>3. *-(а)йым/-(ә)йим*<br>4. *-(а) йын -(ә) йин*<br>5. *-(а) й/-(ә) й* | 1. *-ғалым/-гәлим*<br>2. *-ғалың/-гәлиң*<br>3. *-ғалы/-гәли*<br>4. *-(й) алым/-(й) әлим*<br>5. *-(а)лың/-(ә) лиң*<br>6. *-(а) лы/-(ә) ли*<br>7. *-(а) лық/-(ә) лик*<br>8. *-(а) йлық/-(ә) йлик*<br>9. *-(а) йық/-(ә) йик* |
| II шахс | 1. *-ғыл/-гил//-қыл/-кил*<br>2. *-ғын/-гин//-қын/-кин*<br>3. *-у(-ү)*<br>4. (ноль кўрсаткич) | 1. *-(ы) ң/-(и) ң//-(у) ң/-(ү)ң*<br>2. *-(ы)ңыз/-(и)ңиз//-(у) ңуз/-(ү) ңүз//-(у) ңыз/-(ү) ңиз*<br>3. *-(ы)ңлар/-(и)ңләр//-(у)ңлар/-(ү)ңләр*<br>4. *-(ы)ңызлар/-(и)ңизләр* |
| III шахс | 1. *-сун/-сүн*<br>2. *-дик* | 1. *-сунлар/-сүнләр*<br>2. *-дикләр* |

Эски ўзбек тилида, тўғрироғи, ёзма ёдгорликлар тилида буйруқ-истак майлининг бундай кўп формали бўлиши маълум шароитлар билан боғлиқ бўлган. Булардан айримлари қадимги формалар бўлса, баъзилари диалектал хусусиятга эга. Шунинг учун ҳам бу формаларнинг кўпчилиги эски ўзбек тили тараққиётининг маълум даврларигача истеъмолда бўлиб келган ёки айрим ёдгорликлардагина акс этган.

Эски ўзбек тилида буйруқ-истак феъли маъносида *-ғай/-гәй//-қай/-кәй* аффиксли форма ҳам қўлланган (Қар.: § 281).

## Буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формалари

205-§. Буйруқ-истак майли I шахс бирлигининг ***-(а)йын -(ә)йин*** аффикси билан ясалган формаси эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврларида кенг қўлланган бўлиб, бу формани барча ёдгорликларда учратамиз. Мас.: *Мән сәңә узу б а р а й ы н* (Таф., 11 *а*). *Мән б а р а й ы н* (Рабғ., 75 *а*). *Санāдын өзгә нав атлас т о қ у й ы н* (МН, 294 *б*). *Т а р т а й ы н көзгә айақың гардыны* (Лутф., 226 *б*). *Дәдим ким, эртә күнни қ ы л а й ы н кәч* (Нав. ФШ, 186). *Мән ваъз қ ы л а й ы н* (БН, 144). *Мән атымны йибәриб к ә л т ү р ә й и н* (ШН, 92).

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Элгә барыб азуқ кәлтүрәйин* (Ш. турк, 130). *Арз этәйин эмди йазыб нāмалар* (Муқ., 37).

206-§. Эски ўзбек тилида *-(а)й -(ә)й* аффикси билан ясалган I шахс буйруқ-истак майли формасининг қўлланиши XIV аср охирларидан бошлаб кузатилади. Мас.: *Сиздин нэ йашурай* (Лутф., 168 *а*). *Замāна пāйибāсыңға йэтәй дэб..* (Отойи, 57*а*). *Дэмәй ким, навжавāни,..* (Нав. ФШ, 89). *Аз фурсатта андағ қылай ким,..* (БН, 222). *Сөз узун болды, кэләй сөз башыға* (ШН, 98). *Имāмқулы хāнға «кэтәй» дэдим* (Ш. турк, 167). *Кәлиб-мэн бир димāғым чāғ этәй дэб* (Фурқ. II, 107).

XV асрдан бошлаб ўзбек тилида бу форма ҳам актив қўллана бошлаган.

207-§. Буйруқ-истак майли I шахс бирлигининг *-ғайын/-гәйин, -ғайым -гәйим* аффикслари билан ясалган формалари XV асрдан олдинги даврларга оид ёдгорликларда учрайди. Мисоллар: *Сэңә мундын йэкрәк нарса өгрәтгәйин* (Таф., 72 *б*). *Аҳдымға хилāф қылмағайын* (Таф., 82 *а*). *Уш андын соңра нāма башлағайын* (МН, 293 *б*).

*-ғайым/-гәйим* аффикси билан ясалган форма «Хисрав ва Ширин»да учрайди: *Нэлүк башымға тупрақ қоймағайым* (Хиср. Шир.).

*-ғайын/-гәйин* аффикси билан ясалган форма баъзан кейинги даврларга оид ёдгорликларда ҳам учраб қолади: *Кэлди хāн атланыб андын филҳāл//шаҳрны әйләгәйин деб пāмāл* (ШН, 34). *Өлғайын ул сāатэ, гар әйләсәң нāз азгинә* (Фурқ. I, 42).

208-§. *-(а)йым/-(ә)йим* аффикси билан ясалган форма асосан XV асрдан олдинги даврларда қўлланган бўлиб, кейинги даврларда эса айрим ёдгорликларда баъзан учраб қолади. Мас.: *Мэн қарындашларым бирлә кэңәшәйим* (Рабғ., 86б). *Мэн сэңә аны айтмайым* (Таф., 134б). *Көрәйим ким, қайсыңыз мэниң қашымға кэлә алур-сиз* (БН, 144). *Тәңри бэрсә, сизләргә бэрәйим* (Ш. тар., 25).

209-§. Демак, эски ўзбек тилида буйруқ-истак майли I шахс бирлигининг асосан *-(а)йын/-(ә)йин* аффикси билан ясалган формаси ишлатилган бўлиб, XV асрдан бошлаб *-(а)й/-(ә)й* аффиксли форма ҳам анча актив қўлланган.

Урхун-енисей, қадимги уйғур тили ёдгорликларида ва XI аср ёдгорликларида ҳам *-(а)йын/-(ә)йин* аффиксли форма қўлланган. Шу билан бирга, «Қутадғу билиг»да бу аффикс *-(а)йы/-(ә)йи* (*барайы* — барайин, *бәрәйи* — берайин), *-(а)й/-(ә)й* (*тапай* — топай, *кәләй* — келай) формаларида ҳам қўлланган.

Эски ўзбек тили тараққиётининг олдинги даврларида *-ғайын/-гәйин, -ғайым/-гәйим, -(а)йым/-(ә)йим* аффиксли форма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг қўлланиши эса ёзма ёдгорликларда шева хусусиятларининг акс этиши ёки бошқа туркий тилларнинг таъсири натижасида юзага келган. Булардан -(*а*)*йым*/-(*ә*)*йим* аффиксли форма ўғуз ва қипчоқ группаларига оид туркий тиллар учун хос бўлиб, уларда қадимдан актив қўлланиб келади, -*ғайым*/-*гәйим* аффиксли форма олтой, чулим турклари, шўр тилларида ҳозир ҳам қўлланади.

## Буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формалари

210-§. Буйруқ-истак майли I шахс кўплигининг **-*ғалым*/-*гәлим*, -*ғалың*/-*гәлиң*, -(*й*)*алым*/-(*й*)*әлим*** аффиксли формаларининг ўзбек тилида қўлланиши XV асрдан олдинги даврларга оид.

Булардан -*ғалым*/-*гәлим*, -*ғалың*/-*гәлиң* аффиксли формалар бу даврда ҳам кам қўлланган бўлиб, айрим ёдгорликларда баъзан учраб қолади. Мисоллар: *Бизгә фармāн бәргил, көккә а ғ ғ а л ы м* (Таф., 50б). *Сәниң сөзүңчә й у р у г ә л и м* (Рабғ., 63*а*). *Сиз он қой кәлтүрүң, бишүрүң, этини й э г ә л и ң* (Рабғ., 30 *б*).

-*ғалың*/-*гәлиң* аффиксли форма Хоразм шеваларининг айримларида ҳозир ҳам қўлланади.

-(*й*)*алым*/-(*й*)*әлим* аффиксли форма нисбатан кўпроқ учрайди. Бу аффикс ундош билан тугаган феълларга -*алым*/-*әлим* кўринишида (*бар-алым, кэл-әлим* каби), унли билан тугаган феълларга -*йалым*/-*йәлим* кўринишида (*йэ-йәлим, барма-йалым* каби) қўшилади. Мисоллар.: *Көчүб бу йэргә к э л ә л и м* (Рабғ., 31 *б*). *Ҳāлымыз эзгү болмаз, н э т ә к қ ы л а л ы м?* (Рабғ., 63 *б*). *Ардымыз, ачтымыз, таāм й э й ә л и м* (Таф., 10 *б*). *Қылғыл бизиң ара сэнли ара бэлгүлүк бир ваъда, х и л ā ф қ ы л м а й а л ы м биз* (Таф. 21 *б*).

Бу аффикс баъзан лаб унлиси билан -*алум*/-*әлүм* формасида ҳам келади. Мас.: *Нэгү тэр-сэн, йā Ҳāмāн, к и р ә л ү м - м у йā азу йоқ-му?* (Таф., 31 *а*). *Бу эр улуғ сөз сөзләйү турур, к э т ә л ү м, тэдиләр* (Рабғ., 7 *а*).

-(*й*)*алым*/-(*й*)*әлим* аффиксли форма ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли бўлган. Турк, гагавуз каби тилларда ҳозир ҳам қўлланади. Қадимги ёдгорликлар тилида ҳам буйруқ-истак майли I шахс кўплик маъноси шу форма билан ифодаланган. Лекин бу манбаларда ундош билан тугаган феълларга -*алым*/-*әлим* формасида (*бар-алым, кэл-әлим* каби) қўшилгани ҳолда, унли билан тугаган феълларга -*лым*/-*лим* формасида (*ойна-лым, сэкрә-лим* каби) қўшилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

211-§. *-ғалы/-гәли* аффикси билан ясалган форма «Шайбонийнома», «Шажараи тарокима», «Шажараи турк» каби XVI—XVII асрларга оид ёдгорликларда учрайди. Мас.: *Эмди қалачларға болуб айтатурған сөзимизни қ о й ғ а л ы, мунчалық айтдуқ, йэтәр* (Ш. тар., 26). *Эмди бу кундин соң сэни Көл Эрки т э г ә л и* (Ш. тар., 45). *Ҳэч йаманлық аңа й а в у т м а ғ а л ы//сэни тәлмүртүб аны т у т м а ғ а л ы* (ШН, 73). *Эмди көп сөзләдук, сөзләрни айтыб башлаған сөзүмиздин қ а л м а ғ а л ы* (Ш. турк, 23). *Биз сэни т у т у б б э р м ә г ә л и, тэдиләр* (Ш. тар., 72).

*-ғалы/-гәли* аффиксли форма ҳозир айрим Хоразм шеваларида сақланган бўлиб, буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик маъносини ифодалаши билан бирга, пайт билдирувчи равишдош маъносида ҳам қўлланади.

212-§. *-(а)лың/-(ә)лиң* аффиксли форма ўзбек тилида асосан XVIII асргача истъемолда бўлган. XIII—XVI асрларда бу форма буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик маъносини ифодаловчи асосий формалардан бири бўлиб, ёдгорликларда анча кенг қўлланган. Мас.: *Қамуғ тан-у ма̄лымыз ф и д а̄ қ ы л а л ы ң, қ а ч а л ы ң* (Таф., 86б). *Эмди сэниң сөзүңдин ч ы қ м а л ы ң* (Рабғ., 133 *б*). *Мэн сэнләргә болдум қаған, а л а л ы ң йа тақы қалқан* (ЎН, 32). *Сура̄ҳи толса көп, ағзын а ч а л ы ң//бу күн майха̄нада йармақ с а ч а л ы ң* (МН, 303 *б*).

XV—XVIII асрларда бу форма кам қўлланган бўлиб, айрим ёдгорликларда учрайди. Мисоллар: *Гулгун атының лаълыны к ө з г ү қ ы л а л ы ң дэб//чин эли кэзәрләр йолыда ҳар бири ҳар йан* (Отойи, 43 *б*). *Булар дэдиләр ким, Ға̄зи ха̄нға нэ эътима̄д билә қ а т ы л а л ы ң* (БН, 331). *Сиз ҳар нимәрсә тэсәңиз, ҳар йылда аны биз сизгә б э р ә л и ң* (Ш. тар., 78). *Ав болғунча о л т у р а л ы ң* (Ш. турк, 103).

Буйруқ-истак майли I шахс кўплигининг *-(а)лың/-(ә)лиң* аффиксли формаси қадимги ёдгорликлардан «Қутадғу билиг»да қўлланган. Бу форма ҳозир туркман тили учун характерли бўлиб, ўзбек тилининг айрим Хоразм шеваларида ҳам қўлланади.

213-§. *-(а)лы -(ә)ли* аффиксли форма ўзбек тилида XV—XVII асрлар учун характерли бўлиб, бу даврда буйруқ-истак майли I шахс кўплик маъносини ифодалашнинг асосий формаси сифатида ёдгорликларда кенг қўлланган. Мас.: *К ө р ә л и, қайсымыз йэңәр а̄хир* (Лутф., 215 *б*). *Йа̄р қаршусыда олтурубан ба̄да и ч ә л и* (Сакк., 30 *а*). *Эмди сөзниң аслыға ш у р у қ ы л а л ы* (Нав. МҚ, 166). *Андижа̄нға ч э к ә л и бизләр лашкар//т у з а л ы ул сары а̄ҳанги сафар* (ШН, 163). *Биз аның қылған йаманлықларының қайсы бирин а й т а л ы?* (Ш. тар., 56). *Ха̄нның алдына б а р а л ы,.. а р з қ ы л а л ы* (Ш. турк, 125).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу форма XIV аср ёдгорликларидан айримларида ҳам учрайдн. Мас.: *Бизиң бэг йāдыға и ш р а т қ ы л а л ы* (МН, 295 *а*).

Буйруқ-истак майли I шахс кўплигининг бу формаси ҳозир Хазорасп, Қоракўл каби айрим ўзбек шеваларида мавжуд. Уғуз ва қипчоқ группаларига оид туркий тиллар тарихида. ҳам анча кенг истеъмолда бўлган. Озарбайжон тилида эса равишдош формаси сифатида шаклланиб, XV—XVI асрларга оид озарбайжон тили ёдгорликларида буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик маъносида ҳам қўлланган.

Ҳозир бу форма туркман, қирғиз, олтой, тува каби тилларда қўлланиб, кўплик эмас, балки иккилик (яъни ҳаракатнинг икки шахс томонидан бажарилиши) маъносини билдиради.

**214-§.** ***-(а)лық/-(ә)лик, -(а)йық/-(ә)йик*** аффиксли формалар асосан XVI—XVII асрларга оид ёдгорликларда қўлланган. Буларда ҳам кам учрайди. Мас.: *Хасмлық қылса, қ ы л а л ы қ ф ā н и* (ШН, 160). *Сэңә б э р ә й и к* (БН, 132). *Өзимизниң аҳвāлымызны а л а й ы қ* (Ш. турк. 31).

*-(а)лық/-(ә)лик* аффиксли форма ҳозир қирғиз, қозоқ, олтой каби тилларда қўлланади, айрим ўзбек шеваларида ҳам мавжуд.

*-(а)йық/-(ә)йик* аффиксли форма ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиш арафаларида, айниқса, 1920—30 йилларга оид асарларда кенг қўлланган. Ҳозир эса ўзбек шеваларининг айримларида учрайди. Бу форма ҳозирги кунда бошқирд, татар, қозоқ, қорақалпоқ, қарайим, нўғай каби кўпчилик тилларда актив қўлланади.

**215-§.** Буйруқ-истак майли I шахс кўплигининг ***-(а)йлық -(ә)йлик*** аффикси билан ясалган формаси «Шайбонийнома»да (XVI аср) учрайди: *Ҳар киши кэлсә, к ө р ә й л и к аны* (ШН, 160).

Маълумки, ҳозирги ўзбек адабий тилида буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун шу форма қабул қилинган. Бу форманинг ўзбек тилида актив қўлланиши XIX асрдан бошланган. Муқимий, Фурқат каби XIX аср ўзбек адиблари асарларида буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик маъноси шу форма орқали ифодаланган. Мисоллар: *Эй йахшылар, к э л э й л и к, бир җāйга й ы ғ ы л а й л и к//о й н а й л и к, к у л ә й л и к, ӣ м ā н б о л а й л и к* (Муқ., 146). *Агарчэ тапмасәк бир йахшы дилбар//йамандур гар ситамкāр а х т а р а й л и к* (Фурқ. I, 121).

**216-§.** Кўринадики, эски ўзбек тилида буйруқ-истак майлининг I шахс кўплигини ифодалаш учун хилма-хил формалар қўлланган бўлиб, улар тузилиши жиҳатдан жуда мураккаб бўлган. Лекин маъно жиҳатдан бу формалар ўртасида фарқ йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу формалар орқали феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатни бажаришга чақириш, истак билдириш, ваъда бериш, маслаҳат бериш, мурожаат қилиш каби маънолар ифодаланади (Юқоридаги мисолларга қаранг).

Буйруқ-истак майли I шахс кўплик формаларининг қўлланиши, юқоридаги параграфларда кўрсатиб ўтилганидек, эски ўзбек тили тараққиётининг турли даврларига тўғри келади: *-ғалым/-гәлим, -ғалың/-гәлиң, -(й)алым/-(й)әлим* аффиксли формалар XV асргача, *-ғалы/-гәли* аффиксли форма XVI—XVII асрларда, *-(а)лың/-(ә)лиң* аффиксли форма XIII—XVIII асрларда, *-(а)лы/-(ә)ли* аффиксли форма XIV—XVII асрларда, *-(а)лық/-(ә)лик, -(а)йық/-(ә)йик, -(а)йлық/-(ә)йлик* аффиксли формалар XV асрдан кейинги даврларда истеъмолда бўлган.

### Буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик формалари

**217-§.** Буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик маъноси эски ўзбек тилида асосан *-ғыл/-гил//-қыл/-кил* аффикси билан ясалган форма орқали ифодаланган. Бу аффикснинг жарангли [-ғыл/-гил] ёки жарангсиз [-қыл/-кил] вариантларда келиши асосан шу аффиксни қабул қилган феълнинг характерига боғлиқ: *барғыл, кэлгил, қорққыл, айтқыл* (баъзан: *айтғыл*), *түшкил* каби.

Мисоллар: *Хурмāны ы р ғ а ғ ы л, түшсүн, й э г и л* (Таф., 18 *а*). *Эй қызым, т у р ғ ы л, қапуғ а ч ғ ы л* (Рабғ., 147 *б*). *Э ш и т к и л эмди ҳам бир хуш ҳикāйат* (МН, 312*а*). *Арадын ч ы қ қ ы л, эй бāди сабā, сэн* (Отойи, 52 *б*). *Йүз а ч ғ ы л, көз сэни тойғунча көрсүн* (Лутф., 166 *а*). *У н у т қ ы л асл илә говҳар ҳадисин* (Нав. ФШ, 104). *Барыб ул хāнны салāмат т у т қ ы л* (ШН, 27). *Сөзниң рāстыны а й т ғ ы л* (Ш. тар., 61). *Б а р ғ ы л, эй зāҳид, сэни сэвмәс көңүл* (Мунис, 106). *Ҳаракат қылмай о л т у р ғ ы л дэб,..* (Фурқ. II, 143).

**218-§.** Буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формаси эски ўзбек тилида *-ғын/-гин//-қын/-кин* аффикси билан ҳам ясалган. Бу аффикс *-ғыл/-гил//-қыл/-кил* аффиксининг фонетик варианти бўлиб, нисбатан кейинги даврларда пайдо бўлган.

*-ғын/-гин//-қын/-кин* аффиксли форма қадимги ёдгорликларда учрамайди. Ўзбек тилида эса бу форманинг қўлланиши XIV асрдан бошлаб кузатилади ва ёдгорликларда нисбатан кам истеъмолда бўлган. Мисоллар: *Бу күн таңқа тэгин май н о ш қ ы л ғ ы н//бадиҳа бу ғазалны г о ш қ ы л ғ ы н* (МН, 292 *б*). *К э л г и н кэ, фирāқың отыда қалмады ҳāлым* (Лутф., 207 *а*). *Мэн дэдим ким, рāст а й т қ ы н* (БН, 144). *Б а қ қ ы н, экин пишәр-му тā āфтāб көрмәй* (Муқ., 145).

www.ziyouz.com kutubxonasi

219-§. Маълумки, ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда буйруқ-истак майлининг II шахс бирлиги кўпинча аффикссиз қўлланади, яъни формал жиҳатдан феъл негизига тўғри келади.

Буйруқ-истак майли II шахс бирлигини ифодалашнинг бу усули қадимги ёдгорликларда ҳам мавжуд бўлиб, эски ўзбек тилида кенг қўлланган. Мас.: *Тақы йүз мың алтун к э л т у р* (Рабғ., 30 б). *Йā хоҗа, б у т м ә ул халққа ким, Муҳаммадга тэгди* (Таф., 27 б). *Эмди чэрик бирлә мундын а т л а н, Оғуз* (УН, 46). *Баш титрәр эмди ҳиҗлаттын, аны ā з ā д қ ы л* (Лутф., 200 а). *Қарақчы көзләриңдин бир қ ы й а б а қ* (Отойи, 29 б). *Өзүңни андақ к ө р г у з* (Нав. МҚ, 143). *Эмди м а р д ā н а б о л, эй Танбал, сэн* (ШН, 196). *Мэниң бирлән ҳамрāҳ болуб б а р* (Ш. турк, 82). *Адл қулағыла э ш и т ҳāлымы* (Муқ., 37).

220-§. Шеърий асарларда буйруқ-истак майли II шахс бирлиги аффикссиз қўлланганда, баъзан *-у(-ү)* унлиси орттирилади. Бу ҳол Навоий ва Ҳусайн Бойқаро шеърларида учрайди. Мас.:

*Эй сабā, āввāра көңлүм истәйү ҳар йан б а р у,*
*Вāди-йу тағ-у бийāбāнларны бир-бир а х т а р у (Навоий).*
*Тапа көр аны, чу тарсаң, ҳар қайан азм эсә,*
*Башына эврүл қуйун-дэк дағы алдаб қ а й т а р у (Навоий).*
*Эй җафā тиғи, кэлиб маҗруҳ көксүмни й а р у,*
*Қол йалаң әйләб салыб ҳар йан ичимни а х т а р у*
*(Ҳ. Бойқаро).*
*Ахтарурда тапсаң ул көңлүм кэ, маҗнун шивадур,*
*Ҳар нэчүк болса адам саҳрāсы сары б а ш қ а р у*
*(Ҳ. Бойқаро).*

Мисоллардаги *бару, ахтару, қайтару, башқару* буйруқ-истак майлининг II шахс бирлиги ўрнида қўлланиб, «бар», «ахтар», «қайтар», «бошқар» маъносини ифодалайди.

Мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, буйруқ-истак майлининг II шахс бирлигида *-у(-ү)* орттирилиши [р] ундоши билан тугаган феъллар учунгина хос бўлиб, бундай феъллар фақат мисранинг охирида келади.

221-§. Буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик формалари ўртасида маънода фарқ йўқ. Бу формалар буюриш, илтимос қилиш, маслаҳат бериш, насиҳат қилиш, иш-ҳаракатни бажаришга чақириш, ундаш каби маъноларни ифодалайди (юқоридаги мисолларга қаранг).

### Буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик формалари

Эски ўзбек тилида буйруқ-истак майлининг II шахс кўплиги учун қуйидаги формалар қўлланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

222-§. *-ң* (ундошдан кейин: *-ың, -иң, -уң, -үң*) аффикси билан ясалган форма эски ўзбек тилида буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик маъносини ифодалашда асосий форма сифатида кенг қўлланган. Мисоллар: *Нә қылғу кәрәк, й а р л ы қ а ң* (Таф., 27 *а*). *Абдулланы т у р ғ у з у ң, қарға с а л ы ң, тәвә чықса, қ у р б а н қ ы л ы ң* (Рабғ., 32 *б*). *Эй пари рухсарлар, бизгә нигаҳ ә й л ә б өтиң//бир назар бирлә гаданы падшаҳ ә й л ә б ө т и ң* (Лутф., 195 *а*). *Буйурды ким, раванрақ к э л т ү р ү ң ат* (Нав. ФШ, 122). *Ө з г ә қ ы л м а ң бу дэгэн сөзүмни* (ШН, 151). *Бу күн т у р у ң, сабаҳ к э т и ң* (Ш. турк, 129). *...саламыңызны т а р к э т м ә й т у р ы ң* (Муқ., 114).

223-§. Буйруқ-истак майли II шахс кўплигининг *-ңыз -ңиз* (ундошдан кейин: *-ыңыз -иңиз -уңыз -үңиз -уңуз -үңүз*) аффикси билан ясалган формаси эски ўзбек тилида нисбатан кам қўлланган. Мисоллар: *Күн к э ч ү р ү ң ү з асайиш* (Таф., 70б). *Тағ қ о п а р ы ң ы'з йасағанда мазар* (Лутф., 169б). *Аҳбаб, йигитликни ғ а н и м а т т у т у ң у.з//өзни қарылық мэҳнатыдын қ о р қ у т у ң у з* (Нав. МҚ, 148—149). *Йана бир нэчә йигит қ о ш у ң ы з* (БН, 145). *Й ү р ү ң и з, Ахси төшидин өтәли* (ШН, 130). *Бу кишигә ул чақлы нимәрсә б э р и ң и з* (Ш. тар., 25). *Достлар, мэнсиз дами аҳанги и ш р а т қ ы л м а ң ы з* (Мунис, 143).

224-§. *-ңлар -ңләр* (ундошдан кейин: *-ыңлар, -иңләр -уңлар -үңләр*) аффикси билан ясалган форма эски ўзбек тилида кам қўлланган, ёдгорликларда оз учрайди. Мисоллар: *Зинҳар Ҳамзаға қ а т л м а ң л а р* (Таф., 28 *а*). *Наби амрыны т у т у ң л а р қайим* (ШН, 143). *Анда барыб, отав с у қ у б к э л и ң л ә р* (Ш. тар., 27). *Й ү г ү р ү ң л ә р,.. инъам бэрүр-мэн* (Ш. турк, 119). *Хизматымы йахшы қ ы л ы ң л а р билиб* (Муқ., 37). *Тиригим тирик д э м ә ң л ә р* (Фурқ. I, 131).

225-§. *-ңызлар -ңизләр* (ундошдан кейин: *-ыңызлар -иңизләр*) аффикси билан ясалган форма ҳам эски ўзбек тилида кам қўлланган бўлиб, ёдгорликларда оз учрайди. Мисоллар: *Эй қулларым, ишкә э в ә к л и к қ ы л м а ң ы з л а р* (Таф., 52 *а*). *Атайи ҳақын анда и с т ә ң и з л ә р* (Отойи, 20 *а*). *Бир йолға б а р ы ң ы з л а р ким,..* (БН, 140). *Фарйад қылыб айтыб турур: мэни ө т к ә з и ң и з л ә р тэб* (Ш. тар., 76).

226-§. Ёзма манбаларнинг кўрсатишича, туркий тилларда дастлаб буйруқ-истак майли II шахс кўплигининг *-ң* аффикси билан ясалган формаси қўлланган. Қолган формалари кейинчалик пайдо бўлган. Ўрхун-енисей ёдгорликларида фақат шу форма қўлланган, қадимги уйғур тили ёдгорликларида баъзан *-ңлар/-ңләр* аффиксли форма ҳам учрайди. «Қутадғу билиг»да *-ң* ва *-ңлар/-ңләр* аффиксли формалар баравар қўлланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маҳмуд Кошғарийнинг маълумотига кўра, XI асрда *-қыз/-қиз* аффиксли форма ҳам истеъмолда бўлиб, бу форма ўғуз ва қипчоқлар тили учун хос бўлган ва маълум маъно оттенкаларига эга бўлган (Қар.: МК, II том, 50—51-бетлар).

*-қызлар/-қизләр* аффиксли форманинг ёзма ёдгорликларда акс этиши эса XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади.

227-§. Буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик формалари ҳам бирлик формалари каби буюриш, илтимос қилиш, маслаҳат бериш, насиҳат қилиш, иш-ҳаракатни бажаришга чақириш, ундаш каби маъноларни билдиради. (Юқоридаги мисолларга қаранг.)

### Буйруқ-истак майлининг III шахс формалари

228-§. Буйруқ-истак майлининг III шахс бирлик формаси эски ўзбек тилида *-сун/-сүн* аффикси билан ясалган (*барсун, кэлсүн* каби), кўплик формаси эса бирлик формасига *-лар/-ләр* аффиксини қўшиш билан ҳосил бўлади (*барсунлар, кэлсүнләр* каби). Бу аффикснинг *-сын/-син* формаси ўтмишда ўғуз ва қипчоқ группасидаги туркий тиллар учун характерли бўлиб, ўзбек тилида асосан XIX асрдан бошлаб учрайди.

Урхун-енисей ёдномаларида ва кўпинча қадимги уйғур тили ёдгорликларида ҳам *-сун/-сүн* аффикси бошидаги жарангсиз [с] ундоши жарангли [з] ҳолида келади: *барзун, кәлзүн* каби. Бу ҳол ҳозир Сибирь ва Олтойдаги туркий тилларнинг кўпчилигида мавжуд.

Урхун-енисей ёдгорликларида буйруқ-истак майлининг III шахс аффикси таркибидан [н] тушиб қолиб, *-зу/-зү* кўринишида ҳам келади (*барзу, кәлзү* каби). Бу ҳодиса XI—XII асрларга оид ёдгорликлар («Қутадғу билиг» ва «Ҳибатул ҳақойиқ») тили учун ҳам характерли бўлган. Шу билан бирга, «Қутадғу билиг»да *-сун/-сүн* аффиксига [ы, и] унлиси орттирилиб, *-суны/-сүни* формасида ҳам қўлланган. Демак, буйруқ-истак майлининг III шахс бирлик аффикси «Қутадғу билиг»да уч хил кўринишда ишлатилган (*барсуны//барсун//барсу, кәлсүни//кәлсүн//кәлсү* каби). *-су/-сү* формаси кейинги даврларда ҳам айрим ёдгорликларда учрайди (Масалан, «Хисрав ва Ширин» достонида). *-суны/-сүни* формаси эса фақат «Қутадғу билиг» тилида мавжуд.

229-§. Навоий асарларида буйруқ-истак майлининг III шахс бирлик маъноси феъл негизига *-дик* қўшилиши билан ҳам ифодаланган. Бу аффикс фақат юмшоқ вариантда бўлиб, сингармонизм қонунига бўйсунмайди. Масалан:

*Чэкибтүр саъй этиб бисйāр-бисйāр,*
*П у д и к баштын айақ зинҳāр-зинҳāр.*
*Йуғандын соң суйуб айвāндын а л д и к,*
*Ҳаририн сувға йāҳуд отға с а л д и к* (Нав. ФШ, 193).



5-4

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Пешвāға тушти маъқул ул мисāл,*
*Дэди: ж̧ а м о л д и к бары аҳли савāл,..*
*Дэди: с о р д и к кимдә болса мушкили,*
*Буйла сөз салды араға сāйили* (Нав. ЛТ, 98).
*Эмди өз ҳāлыдадур, б э р д и к ж̧ а в ā б,*
*Улча биз аңа аввал қылдуқ хитāб* (Нав. ЛТ, 78).
*Ҳар кишидә болса āйини хирāд,*
*Буйла б и л д и к ким, азалдын тā абад* (Нав. ЛТ, 176).

Келтирилган мисоллардаги *йудик, алдик, салдик, ж̧ам олдик, сордик, бэрдик ж̧авāб, билдик* феъллари буйруқ-истак майлининг III шахс бирлиги ўрнида қўлланган бўлиб, «ювсин», «олсин», «солсин», «жам бўлсин», «сўрсин», «жавоб берсин», «билсин» маъносини ифодалайди.

Бу форма кўплик аффикси билан ҳам ишлатилган. Мас.:
*Ватанға йаныб халқ āсуда дил,*
*Бары биздин о л д и к л ә р аммā б и х и л* (Навоий).
*Шāми ҳиж̧рāным висāл аҳлыға бэҳад қысқадур,*
*Аны с о р д и к л ә р Навāий дидайи гирйāныдын* (Навоий).

Кейинги йилларда бу форма ўзбек тилининг қорлуқ шевасида мавжуд эканлиги аниқланди. Лекин ҳозирча *-дик* аффиксининг тарихи аниқланган эмас. Бу ҳақда баъзи олимлар томонидан тахминлар айтилган, холос.

**230-§.** Буйруқ-истак майлининг III шахс формаси эски ўзбек тилида истак, тилак, илтимос, маслаҳат, қарғаш, афсусланиш, буюриш каби маъноларни ифодалайди. Мисоллар: *Мэним бу көрмәз көзүмни к ө р ә р қ ы л с у н* (Таф., 129*а*). *И ы р а қ б о л с у н ж̧амāлыңдын йавуз көз* (МН, 296 *б*). *Бизгә ҳам й э т с ү н гāҳ, дэрләр бу чырағдын мың чырағ* (Отойи, 28 *б*). *Йүзи қ а р а б о л с у н көзүм, андын көрәр-мэн бу балā* (Сакк., 17 *б*). *Йибәрди кимсә ким, Шэруйа к э л с ү н// нэ ким сорсам, ж̧авāбын а р з а қ ы л с у н* (Нав. ФШ, 210). *Фармāн болды ким, бу ташны а т с у н йана мэн барғунча йана бир ташны таййāр қылсун* (БН, 482). *Бэгләри барчасы а т л а н с у н л а р//атланыб барчасы қ а т л а н с у н л а р* (ШН, 207). *Албатта к э л с ү н, ҳāлымны с о р с у н//а н д и ш а қ ы л с у н рози ж̧азāға* (Муқ., 121).

## *ШАРТ МАЙЛИ*

**231-§.** Шарт майли формасининг ясалишида, агар унинг фонетик вариантларини ҳисобга олмасак, эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тили ўртасида, умуман, туркий тиллар ўртасида деярли фарқ йўқ.

Шарт майли аффикси эски ўзбек тилида *-са -сә* кўринишида қўлланган: *барса, кэлсә* каби. Бу аффикс дастлаб *-сар*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*-сәр* формасида қўлланган: *барсар* (борса), *кәлсәр* (келса) каби. *-сар/-сәр* эса қуйидагича икки аффикснинг бирикувидан ҳосил бўлган: 1) *-са/-сә* — истак маъносини ифодаловчи аффикс: *барсады* (боришни истади), *ичсәди* (ичишни истади), *этсәди* (гўшт ейишни истади), *ачығсады* (аччиқ нарсани тусади) каби; 2) *-р* — ҳозирги-келаси замон сифатдошини ясовчи аффикс. Кейинчалик *-сар/-сәр* таркибидан ҳозирги-келаси замон сифатдош кўрсаткичи *-р* тушиб, *-са/-сә* формасига айланган: *барсар>барса, кәлсәр>кәлсә* каби.

Шарт майли аффикси ўрхун-енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида *-сар/-сәр* формасида қўлланган. X—XI асрлардан бошлаб *-са/-сә* формаси қўлланган бўлиб, XI—XIV асрларга оид манбаларнинг айримларида баъзан *-сар/-сәр* формаси ҳам учраб қолади.

232-§. Шарт майли формасига шахс-сон аффиксларининг қўшилиши қуйидагича бўлган:

1. Шарт майли аффикси *-сар/-сәр* формасида бўлганда, шахс-сон аффиксларининг фақат тўла вариантлари қўшилган: *барсар-мән, барсар-сән, барсар; барсар-биз, барсар-сиз (ләр), барсарлар* каби.

2. Шарт майли аффикси *-са/-сә* формасида бўлганда, шахс-сон аффиксларининг қисқарган вариантлари қўшилган: *барсам, барсаң, барса; барсақ, барсаңыз//барсаңызлар (барсаңлар), барсалар.*

XI—XIV асрларда эса шахс-сон аффиксларининг тўла вариантлари ҳам қўшилган: *барса-мән, барса-сән, барса; барса-миз, барса-сиз(ләр), барсалар.*

Демак, шарт майли аффикси *-са/-сә* формасига ўтган даврдан бошлаб шахс-сон аффикслари ҳам қисқарган формада қўшиладиган бўлган. Бу процесснинг ёзма манбаларда акс этиши XI асрдан бошлаб кузатилади. (I шахс кўплиги бундан мустасно). Лекин XV асрга қадар шахс-сон аффикслари тўла формада ҳам қўшила берган. Мисолларни солиштиринг: *Маңа кәлсә, бутсу төру б ә р с ә-м ә н* (ҚБ) — *Өзум узрын а й с а м иймәну* (ҚБ). *Тугәл сөзләдим мән муңа б у т с ә-с ә н* (ҚБ) — *Бағырсақ т и л ә с ә ң өзуңгә өзуң* (ҚБ). *Абаң қ о л с а м* (МҚ). *Абаң сән б а р с а-с ә н* (МҚ). *Нә ким мән с ө з л ә с ә-м ә н, кишиләр бутсунләр* (Таф., 29*а*) — *Агар т и л ә м ә с ә м, адл қылғам* (Таф., 60*б*). *Агар т и л ә с ә-с ә н, алғай эрдиң* (Таф., 6*а*) — *Агар т и л ә с ә ң, алғай эрдиң* (Таф., 11*а*). *Бу сөзни а й с а-с и з, йазуқуңызны кәчурур* (Таф., 28 *а*) — *Агар м у в а ф ф а қ қ а т қ ы л м а с а ң ы з, ҳалāк болғай-сиз* (Таф., 46*а*).

Лекин I шахс кўплиги XI—XII асрларга оид ёдгорликларда фақат *-миз* билан ясалган (*барса-миз, кәлсә-миз*). *-қ/-к* билан ясалган *барсақ, кәлсәк* типидаги форманинг қўлланиши

www.ziyouz.com kutubxonasi

эса XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади. Бу даврга оид ёдгорликларда, масалан, «Тафсир», «Қисасул анбиё»да *барса-миз* ва *барсақ* типидаги формалар параллел қўллана берган. Мисолларни солиштиринг: *Кимни т и л ә с ә-м и з, ҳалик қылдымыз* (Таф., 32 *а*) — *Биз Маккага б а р у р б о л с а қ, биз бурун эвләримизгә барғай-миз* (Таф., 93*а*). *Йүзүк б э р с ә-м и з, көккә аша билмәгәй-миз* (Рабғ., 14) — *Биз муңа йахшы с а қ ы н м а с а қ, йахшы болмағай* (Рабғ., 142*б*).

«Тафсир»да I шахс кўплик аффикси *-вуз/-вүз* формасида ҳам қўшилган: *Т и л ә с ә в ү з, ҳақ йолда турғайвуз* (Таф., 126*а*). Бу форма ҳозир Тошкент, Қарши каби айрим ўзбек шеваларида ҳам мавжуд.

233-§. Шарт феъли формаси қуйидаги ўринларда қўлланади:

1. Шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши (ёки юзага чиқмаслиги) учун асос бўлган шарт-шароитни кўрсатади. Мас.: *Қайуңыз қурбāныңыз қ а б у л б о л с а, Иқлиманы ул алғай* (Рабғ., 10 *а*). *Ким кэ ай д э с ә, сэниң ҳуснуңа бохтāн қыладур* (Лутф., 179*б*). *Гул йахшы ачылмас, кэчәләр й а ғ м а с а йамғур* (Отойи, 20 *б*). *Тā ҳар йэргә айағым барғунча б а р с а м, йахшы болғай* (БН, 124).

Контекстда *агар (гар)* боғловчиси бўлганда, шарт маъноси яна ҳам аниқлашади. Мас.: *А г а р мэндин азын тәңри т у т у н с а-с э н, мэн сэни зиндāнға бэрклэгэй-мэн* (Таф., 30*а*). *А г а р б э р м ә с ә ң, биз кириб, тартыб чықарур-биз* (Рабғ., 39 *б*). *Г а р рақибиң т ү ш с ә мэниң қолумға//арқасыдын тасмалар көп тилә-мэн* (Лутф., 226*б*). *А г а р Шāҳмаликни й и б ә р с ә ң өлтүрүрләр* (Ш. тар., 59). *Г а р ө л с ә м интизāрың бирлә Фурқат//йатар җисмим мэни, җāным, йолыңда* (Фурқ. I, 39).

2. Пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатади. Мас.: *Муну нэ қылур-сэн тэб с о р с а л а р, кэмә этәр-мэн,.. тэб айтур эрди* (Рабғ.). *Либāсы рангыны билмэн, й о л у қ с а, ҳайраттын* (Лутф., 179 *а*). *С ө з л ә с ә, ағзыдын шакар көрүнүр* (Отойи, 23 *б*). *Йүзүңни к ө р с ә Саккāкий, көзи йашын тийә билмәс* (Сакк, 25 *б*).

Контекстда *қачан* сўзи бўлганда, шарт формаси орқали ифодаланган пайт маъноси конкретлашади. Мас.: *Қ а ч а н үчтмаҳқа к и р с ә л ә р, намāздын ранҗ кэтүр* (Таф., 137 *б*).

3. Шарт майли формаси истак-тилак, илтимос каби маъноларда ҳам қўлланган. Мас.: *Мэн аның үчүн кэлдим ким, диниңизни мэңә а р з а қ ы л с а-с и з, м у с у л м ā н б о л с а-м э н* (Таф., 27 *а*). *Мэниң сөзүмдин ч ы қ м а с а л а р. Синд суйыының ул йүзидә пāдшāҳ қылычын ч а п с а м* (БН, 181). *Баҳāр аййāмыда гул гашт этәргә бир чаман б о л с а//қылурға шарҳи ҳāл, аҳли муҳаббат икки тан б о л с а* (Фурқ. I, 21).

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Шарт майли формаси тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида ҳам келади, яъни бу форма ифодалаган иш-ҳаракат бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқишига монелик қилмайди. Бунда кўпинча шарт формасига *ҳам* боғловчиси қўшилиб келади. Мас.: *Атайинц гар ө л т у р с ә ң, ошал айдын көңул узмәс* (Отойи, 55 б). *С а ф ā ҳ а т қ ы л с а ҳ а м, элдин қутулмас* (Нав. МН, 155). *Раҳм әйләмәди көңли эриб таш бағирлик//қан й ы ғ л а с а ҳ а м хастаи афкāр эшигидә* (Фурқ. I, 30).

5. Шарт майли формаси *кәрәк* сўзи билан қўлланганда, иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги тахмин, фараз, зарурлик каби маънолар англашилади. Мас.: *Сиздин к э р ә к ө г р ә н с ә пари āдамийликни* (Лутф., 199 а). *Чит растасыда умрум ө т с ә к э р ә к зириллəб* (Фурқ. I, 54). *Баш алыб к э т с ә ң к э р ә к бу шаҳрдын, Асрāрқул* (Муқ., 71).

6. Шарт майли формасига *-чы/-чи* юкламаси қўшилганда, сўраш, илтимос каби маънолар англашилади. Лекин бу ҳолат XIX асрдан бошлаб кузатилади. Мас.: *Гāҳ к ө р с ә т с ә ң-ч и дийдāрыңны муштāқ аҳлыға* (Муқ., 232). *Көңул қан бағлады мāнанди булбул//āйā, эй ғунча лаб, қ ы л с а ң-ч ы х а н д а* (Фурқ. I, 36).

## Шарт феълининг аналитик формалари

234-§. *-са -сә эрди* формаси. Шахс-сон аффиксларининг қўшилиши қуйидагича:

а) XV аср ва ундан кейинги даврда шахс-сон аффикслари асосий феълга қўшилган. Мас.: *Т а п с а м э р д и ким, нәдур андын мурāд* (Нав. ЛТ, 206). *Йузуңға жилва бэриб к и р с ә ң э р д и гулшан ара,..* (Мунис, 61). *Кāшкэ бир йэрдә б о л с ә к э р д и жāнāн иккимиз* (Фурқ. I, 93);

б) XV асрдан олдинги даврларга оид ёдгорликларда шахс-сон аффикслари кўпинча тўлиқсиз феълга, баъзан асосий феълга қўшилган. Айрим ёдгорликларда ҳар иккала компонентга ҳам қўшилиши учрайди. Мас.: *Кāшкэ Йусуфны к ө р м ә с ә э р д и м* (Рабғ., 52 б). *Агар т а с б и ҳ қ ы л с а э р д и ң и з,..* (Таф., 101 а). *Агар э ш и т с ә э р д у к йā б и л с ә э р д у к, болмағай эрдук...* (Таф., 97а). *Мэн Лотны к ө р с ә м э р д и,..* (Рабғ., 39 б). Агар *мунларға мундағ қ ы л с а м э р д и м, мусулмāнлықдын қайтғай эрдиләр* (Наҳж. фар.). *Т и р и к б о л с а м э р д и м, сэниң бирлә ғāзилық қылғам эрди* (Таф., 138б).

*-са/-сә эрди* формаси таркибидаги тўлиқсиз феъл баъзан қисқариб, бу форма *-сады/-сәди* кўринишида ҳам қўлланган. Лекин кейингиси XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримларида ва XIX аср ёдгорликларида учрайди. Мас.: *Кāшкэ*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*билсэмди ул тижāат қайсы,..* (Таф., 86 *б*). *Агар болсады рāст, ул вақтда āси болмазды* (Таф., 82 *б*). *Умрлар хат қылмас эрдим, кэлмэсэйди қатларың* (Муқ., 110). *Бāрэ, билдим, қылмасайдың бэвафāлик кāшкэ* (Фурқ. I, 97).

*-са/-сэ эрди* формаси қуйидаги ўринларда қўлланади:

1. Бу форма одатда эргаш гапнинг кесими вазифасида келади. Бош гапнинг кесими эса асосан *-р(-ар/-эр//-ур/-үр) эрди, -маз/-мэз//-мас/-мэс эрди, -ғай/-гэй//-қай/-кэй эрди* формалари билан ифодаланади. Бунда *-са/-сэ эрди* формаси ифодалаган иш-ҳаракат юзага чиқмаган бўлади, шунинг учун бош гапдаги иш-ҳаракат ҳам бўлмайди. Мас.: *Кāшкэ мэн тири болса эрдим, сэңэ нусрат бэргэй эрдим* (Таф., 138 *б*). *Мавлāнā тирик болса эрди, жāны бирлэ инсāф бэрүр эрди ким,..* (Нав. МН, 232). *Хуршид бикин дунйāны ҳуснуң тутар эрди// көңлүңдэ агар болса эрди зарра вафāдын* (Отойи, 45 *б*). *Гар көрсэ эди йүзүң үзэ зулфи мусалсал//Лайли дэмэс эрди араби шāҳи қабāйил* (Лутф., 199 *б*). *Ул куни бақтың кулүб мақсудыма йэттим тамāм//өткэй эрдим, гар назар салсаң эди бāз изгинэ* (Фурқ. I, 42).

*-са/-сэ эрди* формаси таркибидаги тўлиқсиз феъл баъзан тушиб қолади. Унинг маъноси бош гап кесими орқали англашилади. Мас.: *Агар буларның йэрин көрсэң, душман тутғай эрдиң* (Таф., 56 *б*). *Бизниң күчимиз йэтсэ, бу тэвэни өлтүргэй эрдүк* (Рабғ., 23 *б*). *Гар вафā болса, парида болғай эрди, көрмэдим* (Мунис, 210). *Халāйиққа қылмас эди ихтилāт//агар табъида болса нāмус-у āр* (Муқ., 50).

Мисоллардаги *көрсэң, йэтсэ, болса* феъллари «кўрсанг эди», «етса эди», «бўлса эди» маъносида қўлланган.

2. *-са/-сэ эрди* формаси баъзан пайт маъносида ҳам қўлланади, яъни пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатади.

Мас.: *Мусā йабанда сувсаса эрди,.. бу он аршун тайақ ул қузуғ түбингэ тэгэр эрди, Мусā сув тутар эрди,.. тақы Мусā ысығ күнэш йэрдэ йатса эрди, тайақны башында йэргэ тикэр эрди, тайақ бутақланур эрди, Мусāқа көлэкэ болур эрди* (Таф., 29 *а*). *Ҳар қачан самāъға кирсэ эрди, бāвужуди ул ким, усул қāидасы билэ ҳаракаты мувāфиқ эрмэс эрди, аммā халāйиққа андақ асар қылур ким, көп эл йығлар эрдилэр* (Нав. МН, 38).

Бу мисоллардаги *сувсаса эрди, йатса эрди, кирсэ эрди* феъллари «сувсаганда», «ётганда», «кирганда» маъноларида қўлланган.

3. *-са/-сэ эрди* формаси баъзан мустақил гапнинг кесими вазифасида келиб, истак, орзу каби маъноларни ифодалайди. Мас.: *Сизлэр анда тэгмиштэ мэн Лотны көрсэм эрди*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Рабғ., 39 *б*). *Тапсам эрди ким, нэдүр андын мурӣд* (Нав. ЛТ, 206). *Нэ хуштур бир түни, эй дилнавāзым//икэв болсэкэди бир пирӣханда* (Фурқ. I, 28).

235-§. *-ды -ди//-ты -ти эрсэ* формаси. Шахс-сон аффикслари асосий феълга қўшилади: *Қойдум эрсэ бу машаққат жāныма,..* (Нав. ЛТ, 44). *Бу ишдин йағмадың эрсэ, сэни ташлағай-мэн* (Рабғ., 26 *а*). *Бу күн турдымыз эрсэ, қолдашларымыз мэни аш этмэк алғалы издилэр* (Таф., 9 *б*).

Бу форма қуйидаги ўринларда қўлланади:

1. Шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши (ёки юзага чиқмаслиги) учун зарур бўлган шарт-шароитни кўрсатади. Мас.: *Ким аны йығлатды эрсэ, қийāмат күни мэн аны йығлатғам* (Таф., 137 *а*). *Идрис шāгирди бирлэ муңа тапынды эрсэ, биз ҳам тапынур-биз* (Рабғ.). *Нāгиҳāн кэлдиң эрсэ бармақ үчүн йанымдын//нэ үчүн көргүзэдүр-сэн, дэгил, эй умр, шитāб* (Мунис, 78).

Мисоллардаги *йығлатды эрсэ, тапынды эрсэ, кэлдиң эрсэ* формалари «йиғлатса», «топинса (сиғинса)», «келсанг (келган бўлсанг)» маъносида қўлланган.

2. Пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш пайтини кўрсатади. Мас.: *Дарйā қырағынға тэгдилэр эрсэ, Мусā йалавачның қарны ачты* (Таф., 10 *б*). *Тағға бару башладылар эрсэ, Ҳажир айды...* (Рабғ., 32 *б*). *Фақир жамāати касир көрдүм эрсэ, сөзлэрин сордум* (Нав. МН, 164). *Оғлан бир йашыға йэтди эрсэ, Қара хāн элгэ савун салды* (Ш. тар., 13). *Мэн йазыб тамāм қылдым эрсэ, ҳаммалары қол ачыб ҳақымда дуā қылдылар* (Фурқ. II, 135).

Бу мисоллардаги *тэгдилэр эрсэ, бару башладылар эрсэ, көрдүм эрсэ, йэтди эрсэ, тамāм қылдым эрсэ* феъллари «текканларида (етганларида)», «бора бошлаганларида», «кўрганимда», «тамом қилганимда» маъносида қўлланган.

*-ды/-ди//-ты/-ти эрсэ* формаси ифодалаган пайт маъноси контекстда *қачан* сўзи бўлганда яна ҳам конкретлашади. Мас.: *Қачан кирдилэр эрсэ кэми ичингэ, Хизр йалавач отурды* (Таф., 6 *а*). *Қачан фариштадар сажда қылдылар эрсэ, Иблисни көрдилэр* (Рабғ., 6 *а*).

236-§. *-мыш-миш эрсэ* формаси ёдгорликларда кам учрайди. Шахс-сон аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилади: *бармыш эрсэм, бармыш эрсэң* каби.

Бу форма шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши (ёки юзага чиқмаслиги) учун зарур бўлган шарт-шароитни кўрсатади. Мас.: *Агир Муҳаммад йаңы дин чықармыш эрсэ, фармāнлағай-мэн ким,..* (Таф., 26 *б*). *Кэл, мэниң бағрымны көр, йүз*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*пāра ҳар бир дағыда||к ө р м и ш э р с ә ң бāғ ара гар лāлаи садбарг кам* (Мунис, 184).

Мисоллардаги *чықармыш эрсә, көрмиш эрсәң* феъллари «чиқарган бўлса», «кўрган бўлсанг» маъносида қўлланган.

237-§. *-р(-ар|-әр -ур -үр) эрсә* формаси. Шахс-сон аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилади: *Далил и с т ә р э с ә ң, давāи суруб-мэн* (Нав. ФШ, 203). *Нэтәк ч ы қ а р у р э р с ә- ң и з, сиз билиң* (Рабғ., 77 б—78 а). *Сэн агар ы ш а н м а с э с ә ң фирāқ ара ҳāлымыза бизиң,..* (Мунис, 146). *Бурхāндын азыңа т а б ы н у р э р с ә л ә р, Муҳаммадның башыны соқғыл* (Таф., 26 б).

Бу форма ҳам шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши (ёки юзага чиқмаслиги) учун зарур бўлган шарт-шароитни кўрсатади. Мас.: *Агар эримдин қ о р қ а р э р с ә ң, бу замāнда ағу бэрәйин, өлтүрәйин йана тавба қылайын* (Рабғ., 52б). *Бу диндин қ а й т м а з э р с ә ң, мэн сэни қатығ қыйнағай-мэн* (Таф., 129 а). *Гар җāн т и л ә р э р с ә ң, йэтә көргил бурун андын* (Лутф., 217 а). *Нāмаңға т и л ә р э с ә ң гар афшāн|| қыл йāди руҳым билә зар афшāн* (Мунис, 202).

Мисоллардаги *қорқар эрсәң, қайтмаз эрсәң, тиләр эрсәң, тиләр эсәң* феъллари «қўрқсанг», «қайтмасанг», «тиласанг» маъносини билдиради.

## АНИҚЛИК МАЙЛИ

238-§. Эски ўзбек тилида ҳам аниқлик майлида ҳар учала грамматик замон мавжуд: ўтган замон, ҳозирги замон (ҳозирги-келаси замон), келаси замон. Аниқлик майлидаги ҳар бир замон бир неча формани ўз ичига олади ва бу формалар шу замон чегарасида турли маъно оттенкаларини ифодалашга хизмат қилади.

### Ўтган замон

239-§. Ўтган замон феъли тузилиши жиҳатдан даставвал қуйидаги икки группага бўлинади: 1) ўтган замон феълининг содда формалари; 2) ўтган замон феълининг аналитик формалари.

Ҳозирги ўзбек тилидаги ўтган замон феъли формаларини номлашда баъзи ноаниқликлар бор. Масалан, кўпчилик авторлар *-ган эди* (борган эди) формасини «узоқ ўтган замон феъли» номи билан атаб, нутқ моментидан анча илгари бажарилган иш-ҳаракатни билдиради, деб изоҳлайдилар. *-ган эди* формасини бундай номлаш ва изоҳлаш тўғри бўлмайди. Чунки ҳеч қандай замон формаси ўз ҳолича иш-ҳаракатнинг бажарили-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шидаги узоқ ёки яқинликни кўрсата олмайди. Бу тушунчалар грамматик категория бўлмасдан, умумий контекст орқали ёки пайт билдирувчи сўзлар ёрдамида аниқланиши мумкин.

*-ган эди* формасининг характерли хусусияти шундан иборатки, бу форма ифодалаган иш-ҳаракат кўпинча нутқ моменти билан бевосита эмас, балки билвосита боғланади.

Эски ўзбек тилидаги ўтган замон феъли формалари яна ҳам мураккаб бўлиб, булар тузилишига кўра икки группага бўлинади (содда ва аналитик формалар).

## Ўтган замон феълининг содда формалари

240-§. Ўтган замон феъли содда формаларининг аксарияти ўтган замон сифатдоши формалари асосида ҳосил бўлади. Ўтган замон феълининг *-мыш/-миш, -дуқ/-дук, -ған/-гән//-қан/-кән* аффиксли формалари ўтган замон сифатдоши формалари эканлиги аниқ. Ўтган замон феълини ясовчи *-ды/-ди//-ты/-ти* аффикси эса ўтган замон сифатдошининг *-дуқ/-дук//-туқ/-тук* аффиксидан ривожланган (Қар.: §§ 200, 201). *-б(-ыб/-иб //-уб/-уб)* аффиксли равишдош асосида ҳосил бўлган *барыб-мэн* типидаги ўтган замон феъли таркибида ҳам дастлаб сифатдош кўрсаткичи бўлган (Қар.: § 245).

### *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксли форма

241-§. Ўтган замон феълининг *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксли формаси барча туркий тиллар учун умумий бўлиб, бу форманинг маъноси бўйича ҳам туркий тиллар ўртасида деярли фарқ йўқ.

*-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксининг қайси вариантда қўшилиши эски ўзбек тилида ҳам, бошқа туркий тиллардаги каби, асосан шу аффиксни қабул қилган феълнинг характерига боғлиқ: *барды, кэлди, қачты, кэтти* каби.

Ўтган замон феълининг бу формасига эски ўзбек тилида ҳам шахс-сон аффиксларининг қисқарган формалари қўшилган: *бардым, бардың, барды, бардық (бардуқ), бардыңыз(лар), бардылар.* Таркибида (охирги бўғинида) лаб унлиси бўлган феълларга қўшилганда, бу аффикс таркибидаги унли I ва II шахсларда [у, ү] унлисига ўтади: *көрдүм, көрдүң, көрдүк, көрдүңүз//көрдүңиз//көрдүңизләр.*

I шахс кўплигининг *бардық, кэлдик* типидаги *-қ/-к* аффикси билан ясалган формаси туркий тилларда кейинги ҳодиса бўлиб, олдинги даврларда бу форма ўрнида *-мыз/-миз* билан ясалган *бардымыз, кэлдимиз* типидаги форма ишлатилган. Қадимги ёдгорликлар тилида фақат *бардымыз, кэлдимиз* типидаги форма қўлланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XIII—XIV асрларга оид ўзбек тили ёдгорликларида ҳам кўпинча *бардымыз, кэлдимиз* типидаги форма қўлланган. Мас.: *Йā оғул, сэн айдың, биз э ш и т д и м и з* (Таф., 28 *а*). *Э ш и т т и м и з тақы б и л д и м и з тэдилэр* (Рабғ., 93 *б*).

Ҳозир бу форма Сибирь ва Олтойдаги туркий тилларнинг кўпчилигида турли фонетик вариантларда қўлланади. Масалан, тува тилида: *алдывыс* (олдик), *келдивис* (келдик), *уштувус* (учдик), *өстүвүс* (ўсдик). Айрим ўзбек шеваларида ҳам бу форма турли фонетик вариантларда мавжуд. Масалан, Тошкент шевасида: *бардувуз//бардувзә//бардуз,* Қарши шевасида: *йаздувуз, башладувуз.*

*Бардық, кэлдик* типидаги форманинг ёзма ёдгорликларда акс этиши XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади. Масалан, шу даврларга оид «Тафсир», «Қисасул анбиё» каби ёдгорликларда *бардымыз, кэлдимиз* типидаги форма билан бир қаторда *бардық, кэлдик* типидаги форма ҳам қўлланган. Мас.: *Андын т а в б а қ ы л д у қ, гунāҳымызға мақар к э л д у к* (Таф., 101 *а*). *Йусуф арығ эрди, туҳмат биз й у к л э д у к, өзүмиз ни аңа а р з а қ ы л д у қ, аны өзүмүзгэ биз у н д э д у к,.. биз андын ҳэч айб к ө р м э д у к* (Рабғ., 60 *а*).

Ўзбек тилида XV асрдан бошлаб фақат *бардық, кэлдик* типидаги форма қўлланган.

Ўтган замон феълининг *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксли формаси иш-ҳаракатнинг аниқ бўлганлигини (ёки бўлмаганлигини) кўрсатади, яъни сўзловчи иш-ҳаракатнинг бажарилганини (ёки бажарилмаганини) ўзи кўрган, билган ёки бунда ўзи иштирок этган бўлади. Мас.: *Азиз Йусуфға б а қ т ы, а й д ы: мэн сэни с а т ғ ы н а л д ы м,.. оғул т у т у н д у м* (Рабғ., 55 *а*). *Элчи бу сөзлэрниң барчасын а й т д ы* (Ш. тар., 47). *Видāлашыб мурāҗиат марāсымыны а д ā қ ы л д у к* (Фурқ. II, 125).

## *-мыш -миш* аффиксли форма

242-§. *-мыш/-миш* аффиксли ўтган замон сифатдоши (Қар.: § 180) асосида ясалган ўтган замон феъли туркий тилларда қадимдан актив қўлланиб келган бўлиб, эски ўзбек тилида ҳам анча кенг истеъмолда бўлган.

Бу формада (I шахс бирлигидан ташқари) шахс-сон аффиксларининг тўла вариантлари қўшилади: *бармыш-сэн, бармыш-биз//бармыш-миз, бармыш-сиз(лэр), бармышлар* каби.

I шахс бирлиги эса қуйидагича икки йўл билан ясалган:

а) I шахс бирлик аффиксининг тўла формаси *-мэн* қўшилади. Мас.: *Аруқны ул таш ускүндэ йолда у н у т м ы ш-м э н* (Рабғ., 100 *а*). *Роза т у т м ы ш-м э н* (Таф., 18 *а*). *Ғ а р қ и б о л м ы ш-м э н уйаттын тэргэ мэн* (Лутф., 225 *а*). *Мэн ис-*

*тиқбāлларыға* *чықмыш-мэн* (БН, 102). *Зийāрат әйләмиш-мэн мунда ҳāла* (Фурқ. II, 55);

б) I шахс бирлик аффиксининг қисқарган формаси *-м* қўшилади: *бармышам, кэлмишәм* каби. Бу форма эски ўзбек тилида шеърий асарларда қўлланган. Мас.: *Фурқатыңдын болмышам зāр-у заиф* (Лутф., 222 *а*). *Дайр ара бу нав ким, зāр олмышам//ишқ бандыға гирифтāр олмышам* (Нав. ЛТ, 79). *Розғāрым тийра-йу зāр-у паришāн олмышам//сāйа-дэк афтāдалығда нāтавāн җāн олмышам* (Муқ., 250).

Бу феълнинг III шахс формасига баъзан *тур-* ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон формаси *турур* ёки унинг қисқарган формалари *тур//дур* қўшилиб ҳам келади. Лекин маънода ўзгариш бўлмайди.

XV асргача *турур* формасида қўшилган. Мас.: *Муҳаммад бизни нэ үчүн уқымыш турур?* (Таф., 28 *а*). *...тақы улғаймыш турур* (Рабғ., 62 *б*).

XV аср ва ундан кейинги даврларда *тур//түр* ёки *дур//дүр*, баъзан *дурур* формасида қўшилган. Мас.: *Чун йашунмыштур қамышлар ичрә...* (Лутф., 216 *а*). *Гул уэарымны чаман ара көрмишдүр* (Мунис, 53). *Бу йаңлығ хабар болмыш дурур...* (Нав. ФШ, 208). *...мэни йықмыш дурур дардисарым* (Мунис, 185).

Айрим манбаларда ҳолат феъли баъзан I ва II шахсларда ҳам қўшилган. Мас.: *Мэн бирәгуни өлдүрмиш турур мэн* (Таф., 29 *б*). *Сэн ганҗ булмуш турур сэн* (Таф., 9 *б*).

*-мыш/-миш* аффиксли ўтган замон феълининг бўлишсиз формаси қуйидагича икки йўл билан ясалади:

а) *-ма/-мә* аффикси билан ясалади. Мас.: *Мэн аны билмәмиш-мэн* (Таф., 129б). *Көңләкни нэ үчүн алыб кэтмәмиш?* (Рабғ., 47 *б*). *Мэни өлдүр кэ, сэнсиз өлмәмишәм* (Лутф., 216 *а*). *Қилмамышдур сажда қылғунча макāн* (Нав. ЛТ, 126). *...болмамыш хāн қатыда ул мақбул* (ШН, 17);

б) *йоқ* сўзи ёрдамида ҳосил бўлади. Бу форма асосан XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда қўлланган. Мас.: *Мэн мунуң-тэк эшитмишим йоқ, көрмишим ҳам йоқ* (Рабғ., 38 *а*). *Айдылар көрмишимиз, эшитмишимиз йоқ тэб* (Таф., 28 *а*).

*-мыш/-миш* аффиксли форма ҳам иш-ҳаракатнинг аниқ бўлганлигини (ёки бўлмаганлигини) кўрсатади. Лекин бу форманинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари бор: биринчидан, иш-ҳаракатнинг натижасинигина кўрсатади, иккинчидан, иш-ҳаракатнинг бўлганини сўзловчи ўзи кўрган, билган бўлиши шарт эмас. Бу ҳақда бошқалардан эшитгани ва манбаларга асослангани ҳолда маълумот беради. Мас.: *Баъзилар аймышлар*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*ким, йалавач эрмәди* (Таф., 10 *а*). *Биз йол йазмыш-биз* (Рабғ., 146 *б*). *Атайи қул гадāйымдур дэмиш-сэн* (Отойи, 43 *б*). *Жāнвафā эрди бириниң аты//ким вафāдын йаратылмыш зāты* (ШН, 109). *Көп āдамидин Бэшарық//бāғларда экмишләр тарық* (Муқ., 98).

**-*дуқ/-дук* аффиксли форма**

243-§. Ўтган замон сифатдошининг *-дуқ/-дук* аффиксли формаси қадимги ёдгорликлар тилида кенг истеъмолда бўлиб, ўтган замон феъли функциясида ҳам қўлланган. Лекин бу манбаларда мазкур сифатдош ўтган замон феъли функциясида қўлланганда ҳам шахс-сон аффиксларини олмайди (Қар.: § 200).

Бу сифатдош ўтган замон феъли функциясида XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир»да ҳам қўлланган бўлиб, фақат бўлишсиз формада учрайди. Унинг бўлишсиз формаси қуйидагича икки йўл билан ҳосил бўлган:

а) *-ма/-мә* аффикси билан: *Ҳурлар пардалик жāдулар ичиндә дурдан ташра чықмадуқ* (Таф., 67 *б*);

б) эгалик аффикси+*йоқ* сўзи ёрдамида: *Тэгинмәдук йинжулар-тэк кимәрсә андағ көрдуки йоқ* (Таф., 68*б*).

«Тафсир»да бу феъл III шахс формасида қўлланган бўлиб, унга кўпинча *турур* ҳолат феъли қўшилиб келган. Мас.: *Мунда айтур қылдым тэб, валэкин қылмадуқ турур* (Таф., 130 *а*). *Ҳэч көз андағ көрмәдук турурлар, ҳэч көңул аның-дэк санмадуқ болур* (Таф., 67 *а*).

*-дуқ/-дук* аффиксли сифатдош маъно жиҳатдан *-мыш/-миш, -ған/-гән//-қан/-кән* аффиксли сифатдошларга ўхшайди. Ўтган замон феъли функциясида қўлланганда ҳам бу ўхшашлик сақланган. Юқорида келтирилган мисоллардаги *чықмадуқ, көрдуки йоқ, қылмадуқ турур, көрмәдук турурлар* феъллари маъно жиҳатдан ҳозирги ўзбек тилидаги «чиқмаган», «кўргани йўқ», «қилмаган», «кўрмаганлар» феълларига тўғри келади.

**-*ған/-гән//-қан/-кән* аффиксли форма**

244-§. *-ған/-гән//-қан/-кән* аффиксли ўтган замон сифатдошининг (Қар.: § 182) ўтган замон феъли функциясида қўлланиши асосан XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади.

Бу феълда шахс-сон аффиксларининг тўла формалари қўшилади. Мас.: *Тақы ҳақиқатда мэн қорқутған-мэн* (Таф., 98 *б*). *Ғарибы бу вилāйат хāнимāныдын әдәшгән-мэн* (Фурқ. I, 150). *Ақл-у жāн āламыға ишқ отыны салған-сэн* (Лутф., 208 *б*).

Бўлишсизлик формаси қуйидагича уч йўл билан ҳосил бўлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

а) бўлишсизлик аффикси *-ма/-мә* билан. Мас.: *Көрмәгән бир сэн-дэк аҳли розгāр* (Нав. ЛТ, 5). *Баъзи āдамларға мэниң ошандақ мазмунларым марғуб болмағандур* (Фурқ. II, 131);

б) *эр-* феълининг ҳозирги-келаси замон бўлишсиз формаси *эрмәс(түр)* билан. Мас.: *Хожа мажлисида тизи тизигә йавутған эмәстүр* (БН, 23). *Моғулның ҳэч атасы араб тилини эшиткән эрмәс* (Ш. тар., 14). *Киши көргән эмәс мундағ латāфат* (Фурқ. I, 207);

в) [эгалик аффикси+] *йоқ* сўзи ёрдамида. Мас.: *Бир йашар оғланның мундақ сөзни сөзләгәнини ҳэч замāнда ҳэч ким эшиткән ва көргән йоқ турур* (Ш. тар., 14). *Мэн сэндин ҳэч нимәрсә алғаным йоқ* (Фурқ. II, 147).

III шахс бирлигида, баъзан III шахс кўплигида ҳам *тур-* ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон формаси *турур(дурур)* ёки унинг қисқарган формаси *дур//дүр* қўшилиб келади:

а) XIII—XIV асрларда *турур* формасида қўшилган. Мас.: *Аңар көкләр, йэрләр өртүклүки йэмә көргән турур, эшиткән турур* (Таф., 2б). *Арығларны улаш эмгәкдә тутған турур* ( Рабғ., 100 *а*).

Шу даврга оид ёдгорликларнинг айримларида, асосан, «Тафсир»да бу ўринда кўпинча *эр-* феълининг ҳозирги-келаси замон формаси *эрүр,* баъзан *ул* олмоши қўшилган. Мас.: *Ул эшиткән, билгән ул* (Таф., 32*а*). *Аның үзә он тоқуз фариштa күйдүргән эрүр* (Таф., 117*а*). *Мэндин аны қабул қылғыл ким, эшиткән, көргән, билгән эрүр-сэн, тэб өтүнди* (Таф., 17*а*);

б) XV аср ва ундан кейинги даврларда *дур//дүр,* баъзан *дурур* формасида қўшилади. Мас.: *Софи Атайи ҳāлатыны өткәндүр, валэ...* (Отойи, 69 *б*). *Мирахур кэлгән дурур* (Нав. Мнш., 10). *Йығлағандурлар хāн ҳāлыға зāр* (ШН, 152). *Қызыл қағазға мушкин нуқталар қойғандур* (Мунис, 232).

Лекин XVII асрга оид «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларида фақат *турур* формаси қўшилган: *Пāдшāҳлық атаңдын санға мэрāс қалған турур* (Ш. тар.. 45). *Улуғ аталарымыз Түркистāндын кэлгән турурлар* (Ш. тар., 62).

XV аср ва ундан кейинги даврларда *эрүр* қўшилиши баъзан шеърий асарларда учраб қолади. Мас.: *Бу сифат-у āйин билә болған эрүр дарвиш* (Нав. МҚ, 63). *Ғāйати шарм билә болған эрүр қан көзгү* (Мунис, 276).

*-ған/-гән//-қан/-кән* аффиксли ўтган замон феъли таркибида *турур//дурур* ёки *эрүр* бўлиши эски ўзбек тилида маънога таъсир этмаган. (Юқоридаги мисолларга қаранг.) Ҳозирги ўзбек тилида бу феълга *дир(<дур)* қўшилганда, гумон, ноаниқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик, шубҳа, тусмол, тахмин каби маънолар англашилади. Бу ҳол ёзма ёдгорликларда XIX аср охирларидан бошлаб баъзан кузатилади. Мас.: *Сиз ҳурматликкә бир мактуб йазыб эрдим. Барыб маълум болғандур* (Фурқ. II, 155). Бу мисолда *маълум болғандур* формаси сўзловчида иш-ҳаракатнинг бажарилганлиги (ёки бажарилмаганлиги) ҳақида аниқ маълумот йўқлигини англатади.

*-ған/-гән//-қан/-кән* аффиксли ўтган замон феъли маъно жиҳатдан ўтган замон феълининг *-мыш/-миш* аффиксли формасига яқин туради, яъни иш-ҳаракат процессини эмас, балки унинг натижасини кўрсатади. Сўзловчи иш-ҳаракатнинг бўлганлиги ҳақида асосан бошқалардан эшитгани ва манбаларга асосланганн ҳолда маълумот беради. Мас.: *Йусуф айды: қазғурмағыл, ул ғāйиб болған турур* (Рабғ., 64 *а*). *Өзи дағы сипāҳи шива йигитдүр, китāбы, дәрләр ким, җам қылғандур ва атын «Абдалнāма» қойғандур. Аммā фақир көрмәдим* (Нав. МН, 173). *Чун бу Хоразмға қол салғандур//ушбу ай ичрә кәлиб алғандур* (ШН, 223).

### -б(-ыб -иб -уб -үб) аффиксли равишдош асосида ясалган ўтган замон феъли

245-§. *-б(-ыб/-иб//-ур/-үб)* аффиксли равишдош асосида ясалган ўтган замон феъли эски ўзбек тилида қуйидагича уч хил кўринишда қўлланган:

а) *барыб турур мэн* (равишдош формаси+*тур* ҳолат феъли ҳозирги-келаси замон формасида (*турур*) + шахс-сон кўрсаткичи);

б) *барыбтур-мэн//барыбдур-мэн* (равишдош формаси+*тур //түр* ёки *дур//дүр*+шахс-сон кўрсаткичи);

в) *барыб-мэн* (равишдош формаси+шахс-сон кўрсаткичи).

Буларнинг ҳар учаласида ҳам шахс-сон аффиксларининг тўла формалари қўшилади.

Бу формалар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бири иккинчисидан ривожланган. Бу процесс қуйидагича юз берган: ўтган замон феълининг бу тури таркибида дастлаб *турур* (*тур*-ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон формаси) бўлган (*барыб турур мэн*), кейинчалик *турур* қисқаришга учраб, унинг таркибидан ҳозирги-келаси замон кўрсаткичи *-ур* тушиб қолади (*барыб турур мэн>барыбтур-мэн>барыбдур-мэн*). Сўнг I ва II шахсларда *тур(дур)* бутунлай тушиб қолади (*барыбтур-мэн//барыбдур-мэн>барыб-мэн*), III шахсда шахс кўрсаткичи бўлмаганлиги учун сақланган (*барыбтур//барыбдур, барыбтурлар//барыбдурлар*). Ҳозирги ўзбек адабий тилида эса *-ди* формасига айланган (*барыбтур//барыбдур>барыбтыр//барыбдыр>барыбты//барыбды>борибди*).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Демак, ҳозирги ўзбек тилидаги *борибман* типидаги ўтган замон феъли дастлаб *барыб турур мэн* кўринишида бўлиб, сифатдош формаси асосида ҳосил бўлган. Лекин бу ўринда сифатдош кўрсаткичи *тур-* ҳолат феъли орқали қўшилган.

Ўтган замон феълининг *барыб турур мэн, барыбтур-мэн*//*барыбдур-мэн, барыб-мэн* типидаги формалари қадимги ёдгорликлар тилида қўлланмаган. Эски ўзбек тилида эса бу формаларнинг қўлланиши турли даврларга тўғри келади.

246-§. ***Барыб турур мэн*** типидаги форма асосан XV асргача қўлланган бўлиб, баъзан XV асрга оид ёдгорликларда ҳам (фақат III шахс бирлигида) учраб қолади. Мас.: *Ибрāҳим тэвэдин инмэккэ а н т и ч и б т у р у р м э н, тэди* (Рабғ., 32*а*). *Қачан көрсэлэр аны ким, в а ъ д а қ ы л ы б т у р у р л а р,..* (Таф., 112 *а*). *Мэңэ атам бу балықны б э р и б т у р у р* (ЎН, 42). *Ай-тэк йүзүңдэ ағыз муважжаҳ т ү ш ү б т у р у р* (Лутф., 203 *а*).

Бу форма XVII асрга оид «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларида ҳам кенг қўлланган. Мас.: *Аның үчүн Туман ат қ о й у б т у р у р м э н ким,..* (Ш. тар., 44). *Барчасының атларыны йуқарыда бир-бир а й т ы б т у р у р м и з* (Ш. тар., 34). *Худāй таāлā Машрықдын тā сэниң вилāйатыңгэчэ мэңэ б э р и б т у р у р* (Ш. турк 85).

247-§. ***Барыбтур-мэн барыбдур-мэн*** типидаги формаларнинг ёдгорликларда акс этиши XIV аср иккинчи ярмидан бошлаб кузатилади. Лекин бу формаларнинг актив қўлланиши XV асрдан бошланган. Мас.: *Чэчэк йапрақлары йэргэ т ү ш ү б т ү р* (МН, 297 *б*). *Б о л у б т у р-м э н бу күн бэгāналар-дэк* (Отойи, 34 *б*). *Бу камāлың ким, қ ы л ы б т у р-с э н гумāн,..* (Нав. ЛТ, 140). *Маслаҳат бирлэ й а р а ш ы б т у р б и з* (ШН, 115). *Баъзи жāйда шалы э к и б т ү р л э р* (БН, 336). *Учғалы пар ч ы қ а р ы б т у р көңлүм* (Мунис, 110).

248-§. ***Барыб-мэн*** типидаги форма XV асрдан бошлаб кенг қўлланган. Мисоллар: *Жамāлыңда к ө р ү б-м э н аны* (Лутф., 212 *б*). *Бағāйат көңлүмизни шā д э т и б-с э н* (Нав. ФШ, 113). *Йāт йуртға к э л и б-м э н* (Ш. тар., 27). *Биз бу йолларда к ө р ү б-б и з өзни* (ШН, 141). *Сиз ҳам туна күн урушуб б а с т у р у б-с и з* (БН, 331).

Бу форма XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда ҳам баъзан учраб қолади. Мас.: *Ул, нэ ким сэн к ө р ү б-с э н, сэниң розиңдур* (Таф., 133 *а*). *Балықны йақшы с а қ л а б-с э н* (ЎН, 44).

249-§. *-б (-ыб/-иб/-уб/-үб)* аффиксли равишдош асосида ясалган ўтган замон феълининг бўлишсиз формада қўлланиши эски ўзбек тили учун характерли бўлмаган. Чунки бу равиш-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дошнинг ўзи бўлишсиз формада қарийб ишлатилмаган (Қар.: § 190).

Ўтган замон феъли бу турининг бўлишсиз формада қўлланиши айрим ёдгорликларда баъзан учраб қолади. Мисоллар: *Нэдэйим ким, жаҳāндан тоймайыб-мэн* (Саройи). *Мэн ҳам ҳэч көрмэб-мэн* (БН, 125). *Ҳэч тарафдын ғāлиб ва мағлуб болмабдур* (БН, 128).

250-§. *Барыб турур мэн, барыбтур-мэн//барыбдур-мэн, барыб-мэн* типидаги формалар ўртасида маънода фарқ йўқ. Эски ўзбек тилида бу формалар ўтган замон феълининг *-мыш/-миш, -ған/-гэн//-қан/-кэн* аффиксли формалари каби иш-ҳаракатнинг бўлгани ҳақида бошқалардан эшитгани ва манбаларга асослангани ҳолда маълумот беради. Қиёсланг: *Эриң қайда тэб сорды эрсэ, авқа барыб турур, тэди* (Рабғ., 32 *а*). *Бурунғы өткэн билиглилэр айтыб турурлар ким, бир қынға икки қылыч сығмас* (Ш. тар., 37). *Сэн латāфат суйы бирлэ йуғрулубтур-сэн тамāм* (Отойи, 29 *а*). *Ҳар дāнасы бир сом қырқ тийиндин сатылыбдур* (Фурқ. II, 142). *Хидматымны унутуб-сэн гойā* (ШН, 92). *Йана мэн дэгэн-дэк хатларыңны битиб-сэн* (БН, 452).

## Ўтган замон феълининг аналитик формалари

251-§. Ўтган замон феълининг аналитик формалари тўлиқсиз феъл ёрдамида ҳосил бўлади.

Эски ўзбек тилида тўлиқсиз феъл *эр-* ва *э-* формаларида қўлланган: XIV аср иккинчи ярмига қадар фақат *эр-* формасида, кейинги даврларда эса ҳар иккала формада қўллана берган.

Ўтган замон феълининг аналитик формаларини ҳосил қилишда тўлиқсиз феъл ўтган замон (*эрди//эди*) формасида қўшилади. Тўлиқсиз феълнинг *эрмиш//эмиш, эркэн/экэн, эрки, эрүр, эргэй, эринч* каби формалари турли модаллик маъноларни ифодалаб, замон нуқтаи назардан янги форма ясамайди.

Эски ўзбек тилида ўтган замон феъли аналитик формаларининг қуйидаги турлари қўлланган: *-мыш/-миш эрди, -ды/-ди //-ты/-ти эрди, -р (-ар/-эр//-ур/-үр) эрди, -ғай/-гэй/-қай/-кэй эрди, -дуқ/-дүк эрди, -ған/-гэн//-қан/-кэн эрди, -б (турур) эрди, -а/-э(-й)турур эрди* [≈*-а/-э(-й)дур эрди*≈*-а/-э(-й)эрди*]. Булардан олдинги тўрттаси қадимги ёдгорликларда ҳам кенг истеъмол қилинган бўлиб, кейингиларининг қўлланиши эса XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади.

### *-мыш/-миш эрди*

252-§. Бу форма ўзбек тилида XV асрга қадар кенг қўлланган бўлиб, кейинги даврларда кам учрайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шахс-сон аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилади. Мас.: ...*көрмиш эрдим, олды āшкāра* (Нав. ФШ, 106). *Мэниң ҳарнэ ҳāлымны билмиш эрдиң* (Мунис, 329). *Йамлиҳā айды: йатмыш, узымыш эрдиңиз* (Таф., 9 *б*).

XIII—XIV асрларда III шахсда кўплик аффиксининг бир вақтда ҳар иккала компонентга қўшилиб келиши ҳам учрайди: *Омардан йашру мусулмāн болмышлар эрдилэр* (Рабғ., 26 *б*).

XIX асрда *-мышды/-мишди* кўринишида ҳам қўлланган. Мас.: *Сайр этиб йүргэндэ, йүрмишдим қанāрыңда сэни* (Муқ., 116). *Барыб кэлгүнчэ өтмишди замāн көп* (Фурқ. I, 8).

*-мыш/-миш эрди* формасидаги феъллар уюшиб келганда, тўлиқсиз феъл охиргисигагина қўшилиши ҳам мумкин. Мас.: *Мэним бир кэсэк тарығым эрди, тайанмыш, битилмиш эрди* (Таф., 39 *а*). *Өлүкни кэлтүрдилэр, күймиш, сасымыш эрди* (Рабғ., 141 *а*).

*-мыш/-миш эрди* формасининг бўлишсизлиги эски ўзбек тилида қуйидагича икки усул билан ифодаланган:

а) *-ма/-мэ* инкор аффикси қўшилиши билан. Бу форма XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларда учрайди. Мас.: *Көрмэмиш эрди аның-дэк сарвбун* (Нав. ЛТ, 145). *Агарчэ ағрымамыш эрди көргэли ҳāлым* (Мунис, 91);

б) эгалик аффикси+*йоқ* инкор сўзи ёрдамида. Бу форма асосан XV асрдан олдинги ёдгорликларда учрайди. Мас.: *Мэн сэндин бурун сэн-дэк көрклүг көрмишим йоқ эрди* (Рабғ., 75 *а*). *Анда оңдын кимэрсэ көрмиши йоқ эрди* (Таф., 38 *б*).

*-мыш/-миш эрди* формаси иш-ҳаракатнинг тугалланганини кўрсатади. Лекин унинг характерли хусусияти шундан иборатки, у ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақти нутқ моменти билан бевосита чегарадош бўлмайди, балки бу иш-ҳаракатнинг натижаси сифатида нутқ моментига қадар яна бошқа воқеа юз беради. Кейингиси одатда ўтган замон феълининг *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксли формаси билан ифодаланади. *-мыш/-миш эрди* формаси ифодалаган иш-ҳаракат ана шу кейинги иш-ҳаракат орқали нутқ моменти билан боғланади. Масалан: *Бāғ изиси йэмиш алғалы кэлмиш эрди, буларны көрди* (Рабғ., 91 *б*). Мисолдаги *кэлмиш эрди* феъли ифодалаган иш-ҳаракат нутқ моментига қадар содир бўлган, бунинг натижаси сифатида юзага келган — *көрди* феъли ифодалаган иш-ҳаракат эса уни нутқ моменти билан боғлашга хизмат қилади.

Қуйидаги мисолларда ҳам шу маъно ифодаланган: *Бир күн Исмāил авқа бармыш эрди, Ибрāҳимны көрэ кэлди*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Рабғ., 31 *а*). *Урмыш эрди ташлаған асрāри таб//көрди докāнларда нэъмат бэҳисāб* (Нав. ЛТ, 39).

*-ған|-гэн||-қан|-кэн эрди*

253-§. Эски ўзбек тилида бу форманинг ишлатилиши XIII—XIV асрлардан бошлаб маълум бўлса ҳам, унинг актив қўлланиши кейинги даврлардан бошлаб кузатилади.

Шахс-сон аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилади. Мас.: *Сағынған эрдим көп бэниҳāйат* (Муҳ., 252). *Қыйнаған эрдук анларны, куфр кэлтүрдилэр* (Таф., 42 *б*). *Өзиңиз көп ҳаракатлар билэн мути қылған эрдиңиз* (Фурқ. II, 158).

*-ған/-гэн//-қан/-кэн эрди* формасидаги феъллар уюшиб келганда, тўлиқсиз феъл охиргисигагина қўшилиши ҳам мумкин. Мас.: *Нāныны бултур йэгэн, пайлаган эрди алар* (Муқ., 62).

*-ған/-гэн//-қан/-кэн эрди* формасининг бўлишсизлиги қуйидагича икки йўл билан ифодаланган:

а) *-ма/-мэ* аффикси билан. Мас.: *Бизлэр бундақ... имāратны ҳаргэз көрмэгэн эрдук* (Фурқ. II, 128). *Астрāбāдда айтқан икки матлаи түгэнмэй қалған эрди* (Нав. МН, 31);

б) *эр-* тўлиқсиз феълининг *эрмэс//эмэс* формаси ёрдамида. Мас.: *Қуш бузмағыны ва тоғрамағыны қылған эмэс эдим, элик элтмэдим* (БН, 241). *Нэчэ йыллардын бэри мэни қолумға... бул тариқа тааҗҗублик сэкка түшкэн эмэс эрди* (Фурқ. II, 148).

*-ған/-гэн//-қан/-кэн эрди* формаси маъно жиҳатдан *-мыш/-миш эрди* формасига ўхшайди, яъни *-ған/-гэн//-қан/-кэн эрди* формаси ифодалаган иш-ҳаракат ҳам нутқ моменти билан бевосита чегарадош бўлмайди, балки бу иш-ҳаракатнинг натижаси сифатида нутқ моментига қадар яна бошқа воқеа юз берган бўлади. Мас.: *Сизлэр аңа ынанған эрдиңиз, āйатның ҳукмы мансуҳ болды* (Таф., 85б). *Анча лазиз тэвэ эти ҳаргэз йэйилгэн эмэс эди, баъзи қой этидин фарқ қыла алмадылар* (БН, 199). *Мастибэҳуд болған эрдим бāдаи лаълың ичиб//қылды āшуфта димāғымны хумāр андын бэри* (Фурқ. I, 102).

*-ды|-ди||-ты|-ти эрди*

254-§. Бу форма *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксли ўтган замон феълига *эрди* тўлиқсиз феъли қўшилиши билан ҳосил бўлади.

Қадимги ёдгорликлар тилида бу форма кенг қўлланган. Ўзбек тилида эса XV асрга қадар анча кенг истеъмолда бў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ, кейинги даврларда учрамайди. Ҳозир бу форма турк, гагауз, татар каби айрим тилларда баъзи фонетик ўзгачаликлар билан қўлланади. Ўзбек тилининг Қорабулоқ шевасида ҳам сақланган.

Шахс-сон аффикслари асосий феълга қўшилади, бўлишсизлик аспекти одатдагича *-ма/-мә* аффикси билан ҳосил бўлади. Мас.: *Бу түшни көрмәдимиз эрди*,.. (Рабғ., 58б). *Бу ул эрүр ким, ваъда қылдыңыз эрди тэкмә бир сақынған бэкчигә* (Таф., 51б). *Озақы йылда көрдүм эрди*,.. (Хиср. Шир.)

*-ды/-ди//-ты/-ти эрди* формаси маъно жиҳатдан *-мыш/-миш эрди, -ған/-гән//-қан/-кән эрди* формаларига ўхшайди, яъни *-ды/-ди//-ты/-ти эрди* формаси ифодалаган иш-ҳаракат ҳам нутқ моменти билан бевосита чегарадош бўлмайди, балки бу иш-ҳаракатнинг натижаси сифатида нутқ моментига қадар яна бошқа воқеа юз берган бўлади. Мас.: *Анлар қачтылар эрди, малик Дāқйунус йарын билди қачмышларыны* (Таф., 9а). *Йусуфны отағда қойдуқ эрди, биз кэлгинчә Йусуфны бөри йэмиш* (Рабғ., 47 а). *Душманлық бирлә бардым эрди, дост болуб кэлдим* (Наҳж. фар.).

### -дуқ/-дук эрди

255-§. Бу форма *-дуқ/-дук* аффиксли сифатдошга *эрди* тўлиқсиз феъли қўшилиши билан ҳосил бўлади.

*-дуқ/-дук эрди* формаси XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир»да анча кенг қўлланган бўлиб, «Қисасул анбиё»да ҳам учрайди. Шахс-сон аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилади, бўлишсиз аспекти *-ма/-мә* аффикси билан ҳосил бўлади. Мас.: *Мэн бутларны ҳақиқат көмәдүк эрдим, түрдүм, Маккага бардым, көрдүм* (Таф., 73а).

*-дуқ/-дук эрди* формаси кўпинча III шахсда ишлатилган бўлиб, асосан бўлишсиз аспектда келади. Маъноси жиҳатдан юқоридаги формаларга ўхшайди. Мисолларни қиёсланг: *Сāра қары урағут эрди, аның иләрү айāлы болмадуқ эрди*,.. (Таф., 54 а. *Айāл* — «фарзанд» маъносида). *Эмдигә тэги ашлық қолуб, садақа қылғыл, тэдук эрди*,.. *эмди бизгә тэгди* (Рабғ., 69а). *Ҳэч кимэрсә аның кәби көрмәдүк эрди андын илгәрү ва андын соңра*... (Таф., 142 б).

Мисоллардаги *көрмәдүк эрди, болмадуқ эрди, тэдүк эрди* феъллари ҳозирги ўзбек тилидаги «кўрмаган эди», «бўлмаган эди», «деган эди» маъносида қўлланган.

*-дуқ/-дук эрди* формаси XIV асрдан кейинги даврларга оид манбаларда учрамайди. Ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда ҳам қўлланмайди. Бу форма қадимги ёдгорликлар тили учун ҳам характерли бўлмаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*-б(турур) эрди*

256-§. Бу форма *-б(-ыб/-иб//-уб/-үб)* аффиксли равишдошга *эрди* тўлиқсиз феъли қўшилиши билан ҳосил бўлган: *-б эрди.*

*-б эрди* формаси дастлаб *-б турур эрди* кўринишида қўлланган, яъни унинг таркибида *тур-* ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон формаси *турур* бўлган.

*-б турур эрди* формасининг *-б эрди* формасига айланишида унинг таркибидан *турур* бирданига тушиб қолмаган, албатта. Бунда олдин *турур* таркибидан ҳозирги-келаси замон кўрсаткичи *-ур* тушиб, *тур* формасига айланган (*-б турур эрди*>*-бтур эрди*), сўнг *тур* ҳам тушиб қолган (*-бтур эрди*>*-б эрди*). *-бтур эрди* формаси ёзма ёдгорликларнинг айримларида баъзан учраб қолади. Мас.: *Ҳэч чапқунда мунча қой т ү ш м э б- т ү р э д и* (БН).

*-бтур эрди* формаси ҳозир олтой тилида қўлланади.

257-§. ***-б турур эрди*** формаси XIII—XIV асрларда кенг қўлланган бўлиб, кейинги даврларда учрамайди.

Бу форма бўлишсиз аспектда ишлатилмаган. Шахс-сон аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилади. Мас.: *Сизгэ н а з а̄ р а қ ы л ы б т у р у р э р д и м,..* (Рабғ., 7*а*). *Тақы анда ким, сиз к э з л э н и б т у р у р э р д и ң и з,..* (Таф., 60 *а*). *Қэчэлэр уйумайын зуҳд-у тақва̄ға көңүл б о ғ л а б т у р у р э р д и м* (Саройи).

III шахс кўплигини ҳосил қилишда *-лар/-лэр* аффикси баъзан *турур* феълига, баъзан *эрди* феълига қўшилади. Мас.: *Эликлэриндэ қылычлар т а й а н ы б т у р у р л а р э р д и* (Рабғ., 62*б*). *Нэчэ халқ йығылыб манжҗиниқни б а с ы б т у р у р э р д и л э р,..* (Рабғ., 27*а*).

*-б турур эрди* формаси таркибида *эрди* баъзан қисқариб, *-ды(-ди)* формасида қўшилади. Мас.: *Тақы улар җа̄ҳиллықта қ а л ы б т у р у р л а р д ы тақы ғамгин болдылар* (Таф., 93*а*).

*-б турур эрди* формаси маъно жиҳатдан *-мыш/-миш эрди, -ған/-гэн//-қан/-кэн эрди* формаларига ўхшайди. Мас.: *Бу бизниң қулумыз турур. Үч күн болды биздин қ а ч ы б т у р у р э р д и, алур болсаң, сатар-миз тэдилэр* (Рабғ., 48*а*). *Хабар бэрди аны ким, э ш и т и б т у р у р э р д и муна̄фиқлардын* (Таф., 91 *а*). *Бир парча йэр қ а л ы б т у р у р э р д и бир киши олтур чақлы, ул айақын узатды, ул йэри тутды* (Таф., 79 *а*).

Мисоллардаги *қачыб турур эрди, эшитиб турур эрди, қалыб турур эрди* феъллари маъно жиҳатдан ҳозирги ўзбек тилидаги «қочган эди», «эшитган эди», «қолган эди» феълларига тўғри келади.

258-§. ***-б эрди*** формаси XV асрдан бошлаб кенг қўлланган бўлиб, XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда ҳам баъзан учраб қолади. Мас.: *Йинчкэ, йуғқа на̄зук тонлар к и з и б*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*эрди*,.. (Рабғ., 53*а*). *Тақы мушриклэр таба кэтиб эрдилэр* (Таф., 85*б*). *Бэркэ эмгэк эл кунни басыб эрди* (ЎН, 24).

Бу формада шахс-сон аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилади. Мас.: ...*Шарҳ билэ айтыб эрдим. Шāйад кэ арз қылмыш болғайлар* (Нав. Мнш., 13). *Бир-икки куруҳ йол барыб эдук ким, бир қара суйға йэтилди* (БН, 141). *Хāн ул кишидин сорды ким, нэ учун кэйин қалыб эрдиң тэб* (Ш. тар., 23). *Йағыдын алыб кэлиб эрдиңиз, аслыға тарта турур* (Ш. тар., 56). *Эл сөзи дағы билиб эрдилэр//иш йарағыны қылыб эрдилэр* (ШН, 74).

*-б эрди* формасининг бўлишсиз аспектда қўлланиши айрим ёдгорликларда жуда кам учрайди. Мисоллар: ...*андын көпрэк киши жәам қылмабдур эрди* (Нав. МН, 48). *Киши қоймаб эдилэр ким, қалъаны мазбут қылғай* (БН, 269). *Ҳэч йэр қоймаб эди шатуға* (ШН, 89).

Бу форманинг бўлишсиз аспектда кам қўлланиши *-б(-ыб/-иб//-уб/-үб)* аффиксли равишдошнинг бўлишсиз формада ишлатилмаслиги билан боғлиқ (Қар.: § 190).

*-б эрди* формаси маъноси бўйича *-б турур эрди* формасидан фарқ қилмайди, яъни *-б эрди* ҳам маъно жиҳатдан *-мыш/-миш эрди, -ған/-гэн//-қан/-кэн эрди* формаларига ўхшайди. Мас.: *Чун āстāнбослуқ иштийāқы ҳаддын өтүб эрди. Бу васила билэ ҳайāл қылылды ким*,.. (Нав. Мнш., 10). *Шāҳ Мансур бир нэчэ хушхор ва кайфийатлик камāли кэлтүрүб эрди, бир камāлыны үч болуб, бир хиссасыны мэн йэдим* (БН, 280). *Султāн ордуда йаланғач йатыб эрди, ат айақыниң āвāзы кэлди* (Ш. турк, 107). *Достлар, аҳбāблар, барыб эдим майхāнаға//нāгаҳāн түшти көзүм бир маҳлиқā жәāнāнаға* (Фурқ. I, 37).

### *-а/-э (-й) турур эрди*, *-а/-э (-й) дур эрди*

259-§. Бу формалар бир форманинг икки хил кўриниши бўлиб, бири иккинчисидан ривожланган.

*-а/-э(-й) турур эрди* формаси уч мустақил компонентнинг бирикувидан ташкил топган: *-а/-э(-й)* аффиксли равишдош + *турур* (*тур-* ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон формаси) +*эрди*. Кейинчалик *турур* таркибидан ҳозирги-келаси замон кўрсаткичи *-ур* тушиб, *тур* қолади, сўнг *дур* формасига айланади (Қар.: § 266). Шундай қилиб, *-а/-э(-й)дур эрди* формаси вужудга келади.

260-§. Бу форма таркибидан ҳолат феъли баъзан бутунлай тушиб қолиб, *-а/-э(-й) эрди* кўринишида қўлланади. Лекин *-а/-э(-й) эрди* эски ўзбек тили учун характерли бўлмаган. Бу форма «Шажараи тарокима», «Шажараи турк» (XVII

www.ziyouz.com kutubxonasi

аср) асарларида учрайди. Мас.: *Оғуз хāн авға чықыб қайтыб к э л ә э р д и, көрди ким,..* (Ш. тар., 15). *Тәвәгә миниб кэйниңдин б а р а э р д и м, қабарыб ит бэчәнә изимдин йэтди* (Ш. тар., 70). *Биз сизни Ирāқда тапар-миз, тэб б а р а э р д ү к,.. сизниң түркмән ичинә кэлгәниңизни эшитдүк* (Ш. турк, 149). *Бу хатунны у н а м а й э р д и м,.. сэн мэниң ихтийāрымға қоймадың* (Ш. тар., 54). *Ҳануз анлар кишиниң атын т у т м а й э р д и л ә р* (Ш. турк, 111).

Бу форма ҳозир қумиқ, татар, нўғай каби айрим тилларда қўлланади.

261-§. *-а -ә (-й) турур эрди* формаси XIII—XIV асрларда ва XVII аср ёдгорликлари «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк»да қўлланган.

XIII—XIV асрларда бу форма *-у/-ү* (унлидан кейин: *-йу/ -йү, -йа/-йә)* аффиксли равишдош асосида ҳам ҳосил бўлган. Мас.: *Бир оғлан бирлә к э л ү т у р у р э р д и* (Рабғ., 143*а*). *Сағ қолында көккә тэгинчә й ы л д ы р а й у т у р у р э р д и* (Таф., 68*а*). *...йылқылар к ү т ә й ә т у р у р э р д и,.. ки(йи)к ив а в л а й а т у р у р э р д и* (ЎН, 23).

*-а/-ә(-й) турур эрди* формасининг бўлишсизлиги *-ма/-мә* аффикси билан ясалади, шахс-сон аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилади: *бармай турур эрдим* каби.

*-а/-ә(-й) турур эрди* формасининг асосий белгиси нутқ моментидан олдин давом этиб турган иш-ҳаракатни кўрсатишдан иборат. Кўпинча бу иш-ҳаракат фонида бошқа иш-ҳаракат юзага келган бўлади, яъни *-а/-ә(-й) турур эрди* формаси ифодалаган иш-ҳаракат бошқа иш-ҳаракатнинг юзага келиш пайтини, шароитини кўрсатади. Мас.: *Қарун Мусāға салāм қылғалы к э л ә т у р у р э р д и, ырақдын Мусāны дарвиш бирлә көрди* (Рабғ., 95*б*). *Мунлар қанға йүрүмәктә «қанға-қинға» сөз б э р ә т у р у р э р д и л ә р э р д и. Аның үчүн аларға «қанға» ат қойдылар* (ЎН, 53). *Лашкарның соңындын к э л ә т у р у р э р д и м, хатунум ҳāмла эрди, туғурды* (Ш. тар., 23).

262-§. *-а/-ә(-й)дур эрди* формасининг қўлланиши XV асрдан бошлаб кузатилади. Шахс-сон аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилади, бўлишсиз аспекти *-ма/-мә* аффикси билан ясалади. Мас.: *Бу фурсатта ким, «Мубāйин»ни н а з м қ ы л а д у р э д и м,..* (БН, 326). *...аммā шэър айтурын м аъ л у м қ ы л м а й д у р э р д и м* (Нав. МН, 177). *Умрумызда мунча ф а р ā ғ а т қ ы л м а й д у р э д ү к* (БН, 116).

Бу форма XV—XVI асрларда кенг қўлланган бўлиб, кўпинча III шахснинг бўлишсиз формасида учрайди.

*-а/-ә(-й)дур эрди* формаси иш-ҳаракатнинг нутқ моментидан олдин давом этиб турганини кўрсатади. Мас.: *Мавлāнā Малик оттуз йашға йақынғача назм а й т м а й д у р э р д и*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Нав. МН, 108). *Мэни қышлаң дэб Муҳаммад Бурундуқ бэг ва Зуннун бэг бажид саъй қыладурлар эди, валэ қышлақ йэри ва қышламақ асбāбыны йахшы сāмāн бэрмэйдурлэр эди* (БН, 242). *Қайсылар чаң чаладурлар эди//бандадын хуш аладурлар эди* (ШН, 172).

*-а/-э(-й)дур эрди* формаси ифодалаган иш-ҳаракат кўпинча бошқа иш-ҳаракатнинг юзага келиш пайтини, шароитини кўрсатади, яъни бу форма ифодалаган иш-ҳаракат давомида бошқа иш-ҳаракат юзага келган бўлади. Мас.: *Бир кочада кэлэдүр эдим, байакбар бāбурий робару учрай түшти* (БН, 92). *Қачыб кэлгэн киши ҳануз көрүнмэйдүр эрди, ул жиҳатдын ҳануз ул бā б ҳэч нав ҳукм болмады* (Нав. Мнш., 10). *Башымны мунāжāтқа қойуб, тилэк тилэйдүр эдим ким, көзүм уйқуға барыбтур* (БН, 144).

Мисоллардан кўриниб турибдики, *-а/-э(-й) дур эрди* формаси билан *-а/-э(-й) турур эрди* формаси ўртасида маънода деярли фарқ йўқ.

*-р(-ар/-эр//-ур -үр) эрди*

263-§. Бу форма *-р(-ар/-эр//-ур/-үр)* аффиксли ҳозирги-келаси замон феълига *эрди* тўлиқсиз феъли қўшилиши билан ҳосил бўлган.

Бу форманинг бўлишсизлиги *-маз/-мэз//-мас/-мэс* аффиксли феъл формаси (Қар.: § 185) асосида ҳосил бўлади: *бармаз эрдим//бармас эрдим, кэлмэз эрдим//кэлмэс эрдим* каби.

XIII—XIV асрларда унли билан тугаган феълларга бу форма *-йур/-йүр эрди* кўринишида ҳам қўшилган (*-йур/-йүр* аффикси ҳақида қар.: § 185). Мас.: *Атасын сақыныб йығлайур эрди* (Рабғ., 52*а*). *Мунуң қатында сөз сөзлэйүр эрдилэр* (Таф., 133*а*). *Ошал айғыр атны бэг чоқ сэвэйүр эрди* (ЎН, 47). *...бāзāрда, урамларда йүрийүр эрди* (Наҳж. фар.).

*-р(-ар/-эр//-ур/-үр) эрди* формасидаги феъллар уюшиб келганда, тўлиқсиз феъл охирги бўлаккагина қўшилиб келиши ҳам мумкин. Бу ҳол асосан XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда учрайди. Мас.: *Зулайхā Йусуфны қатығ сэвэр эрди, башыны йувар, сачыны тарайур, инжу бирлэ өрэр эрди* (Рабғ., 52*а*). *Мусā ул тайақны көтэрсэ, ул бийүк йығач тэпэсингэ тэгэр, йапурғақ йығыб қойларынғи кэлишүр эрди* (Таф., 29*а*). *Йусуф аңа бақмаз, сөзлэмэс эрди* (Рабғ., 72*а*).

Айрим ўринларда *эрди* тўлиқсиз феъли қисқариб, *-ды/-ди* формасида қўшилиши ҳам учрайди. Мас.: *Ҳар кишигэ андāза бирлэ таāм сатарларды* (Таф., 89*б*). *Мулки Ҳинд-у*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Марвдын кэлсэм, т а п а р д ы м эътибāр* (Муқ., 159). *Мэни й а х ш ы к ө р э р д и мың оғулдын* (Фурқ. II, 50).

*-р(-ар/-эр//-ур/-үр) эрди* формасида шахс-сон аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилади: *барур эрдим, барур эрдиң* каби. III шахс кўплигини ҳосил қилишда *-лар/-лэр* аффикси гоҳ асосий феълга, гоҳ тўлиқсиз феълга қўшилади, баъзан бир вақтда ҳар иккала компонентга қўшилиши ҳам учрайди. Мас.: *Йыл сайу м у н д а ғ қ ы л у р л а р э р д и* (Рабғ., 31б). *Кочадын кочага с у р а р л а р э р д и* (Нав. МҚ, 87). *Башларын қуйы салыб к э л ү р л э р э д и* (БН, 245). *Өз азуқларын бэлгүлүк б и л ү р э р д и л э р* (Рабғ., 92а). *Көп эл й ы ғ л а р э р д и л э р* (Нав. МН, 38). *Йүз ташвишлэр билэ и ч э р э д и л э р* (БН, 241). *Йана төрт йүз қул бирлэ с а т ы ғ қ ы л у р л а р э р д и л э р* (Рабғ., 77а). *Нэ айтурын билмэй турур, д э р л э р э р д и л э р* (Ш. турк, 10).

*-р(-ар/-эр//-ур/-үр) эрди* формаси қуйидаги ўринларда қўлланади:

1. Иш-ҳаракатнинг нутқ моментидан олдин давом этиб турганини кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу форма адабиётларда «ўтган замон давом феъли» номи билан аталади. Мас.: *Ул салиҳ бирлэ т о қ у ш м а з э р д и, тэвэ ингэки бирлэ т о қ у ш у р э р д и* (Таф., 139б). *Миср элиниң халқы түрлүк-түрлүк таāмлар алыб, Йусуфны көргэли зиндāнға к э л ү р э р д и л э р* (Рабғ., 57б). *Шайх маҳзāл болды дайр атфāлыға//ким к ү л э р л э р э р д и аның ҳāлыға* (Нав. ЛТ, 77). *Ата ағасыдын умидвāрлық бар жиҳатыдын д а р а ң қ ы л у р э р д и* (БН, 155). *Бу сөзни мэн сэндин бурунрақ айтур, тэб у м и д қ ы л у р э р д и м* (Ш. тар., 48).

2. *-р(-ар/-эр//-ур/-үр) эрди* формаси ифодалаган иш-ҳаракат кўпинча бошқа иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш пайтини, шароитини кўрсатади, яъни бу форма ифодалаган иш-ҳаракат давомида бошқа иш-ҳаракат юзага келган бўлади. Кейингиси асосан ўтган замон феълининг *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксли формаси билан ифодаланади. Мас.: *Күнлэрдэ бир күн бу Абдуллā қапуғындын к э ч э р э р д и үн эшитди* (Таф., 129а). *Мэн бу сāат эвдэ й а т у р э р д и м Йусуф кирди, мэни көрди* (Рабғ., 55а). *Ө т э р э р д и оқуб ҳар бирни бат-бат//көрүнди бир эшик ҳайҳāт-ҳайҳāт* (Нав. ФШ, 77). *Йāр и с т э р э д и м учрады нāгāҳ рақиби* (Лутф., 208б). *Бир күн бāзāрға барыб, расталарны тамāшā қылыб й у р у р э р д и м... бир хожандлик киши йолуқуб, мусāҳаба эйлэди* (Фурқ. II, 124).

*-р(-ар/-эр//-ур/-үр) эрди* формаси бу маъноси билан *-а/-э(-й)турур эрди, -а/-э(-й)дур эрди* формаларига ўхшайди (Қар.: §§ 261, 262).

3. *-р(-ар/-эр//-ур/-үр) эрди* формаси эргаш гапли қўшма гапдаги бош гапнинг кесими вазифасида келиб, бажарилиши

www.ziyouz.com kutubxonasi

мумкин бўлган, лекин эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошмаганлиги туфайли юзага чиқмаган иш-ҳаракатни кўрсатади. Мас.: *Агар Адам бармаса,.. Ҳавā Адамға к э л у р э р д и* (Рабғ., 5а). *Агар ул маълум болса эди, ушбу сэкиз киши билэн хоб у р у ш у р э д у к* (БН, 139). *Көзим бағир қаныдын йүз нигāр қ ы л м а с э д и//агар көңүлгэ мувāфиқ нигāр болса эди* (Сакк., 24б). *Агар гунāҳымдын өтсэлэр, мэн барыб к ө р э р э р д и м* (Ш. турк, 75).

### -ғай/-гэй//-қай/-кэй эрди

264-§. Бу форма *-ғай/-гэй//-қай/-кэй* аффиксли феълга *эрди* тўлиқсиз феъли қўшилиши билан ҳосил бўлади. Шахс-сон аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилади, бўлишсизлиги *-ма/-мэ* аффикси билан ҳосил бўлади: *барғай эрдим, бармағай эрдим* каби.

Айрим ёдгорликларда *эрди* тўлиқсиз феъли қисқариб, *-ды/-ди* формасида ҳам қўшилади. Мас.: *Мубāрак болмасады, бу ат хабары к э л м э г э й д и* (Таф., 96б). *Қ ы л м а ғ а й д ы м сэңэ ул күн ā ш н ā л и к кāшкэ//йана көңлум қ ы л м а ғ а й д ы м у б т а л ā л и к кāшкэ* (Фурқ. I, 97).

*-ғай/-гэй//-қай/-кэй эрди* формаси ҳам *-р(-ар/-эр//-ур/-үр) эрди* формаси каби (Қар.: § 263) эргаш гапли қўшма гапдаги бош гапнинг кесими вазифасида келиб, эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошмаганлиги туфайли юзага чиқмаган иш-ҳаракатни кўрсатади. Мас.: *Агар буларның йэрин көрсэң, душман т у т ғ а й э р д и ң* (Таф., 56б). *Бизниң күчүмиз йэтсэ, бу тэвэни ө л т ү р г э й э р д ү к* (Рабғ., 23б). *Жāн н э т к э й э р д и, дард аңа ҳамрāҳ болмаса* (Лутф., 161а). *Агар бурунрақ айтылмыш болса эрди, фақир ҳаргэз өз матлаимни а й т м а ғ а й э р д и м* (Нав. МН, 233). *Хат болмаса, б о л ғ а й э р д и н ā б у д* (Мунис, 349).

*-ғай/-гэй//-қай/-кэй эрди* формаси *кāшкэ* сўзи билан биргаликда истак, орзу каби маъноларни ифодалашда ҳам қўлланади. Мас.: *К ā ш к э илгэрү й а н ғ а й э р д ү м* (Таф., 134а). *К ā ш к э мэниң бирлэ сэниң араңда Машруқдын Мағрубқа тэги йырақлық б о л ғ а й э р д и* (Рабғ.). *Бэвафāлықтын м у х а м м а р б о л ғ а й э р д и м к ā ш к э//ҫ ы қ қ а й э р д и м бāрэ ул нāмэҳрибāным көңлигэ* (Отойи, 3а). *Қ ы л м а ғ а й э р д и м йүзин көрмэк т а м а н н ā к ā ш к э//с а л м а ғ а й э р д и м көңүл мулкигэ ғавғā к ā ш к э* (Нав. МН, 247). *К ā ш к э аллыда гардун т ө к к э й э р д и қанымыз* (Мунис, 138).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## Ҳозирги замон

265-§. Ҳозирги замон маъносини ифодаловчи формалар ва уларнинг ясалиш усуллари бўйича эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тили ўртасида маълум ўзгачаликлар мавжуд. Ҳозирги ўзбек тилидаги *-яп, -ётир, -ётиб* аффикслари билан ясалган *ишлаяпман, ишлаётирман, ишлаётибман* типидаги конкрет ҳозирги замон феъллари эски ўзбек тилида қўлланмаган. *-моқда* аффикси билан ясалган *ишламоқдаман* типидаги ҳозирги замон давом феъли эса айрим ёдгорликларда баъзан учраб қолади. *Тур-, йур-, йат-, олтур-* ҳолат феъллари билан ҳозирги замон феълининг тасвирий формалари ясалиши бўйича ҳам эски ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари бор.

Эски ўзбек тилида ҳозирги замон феъли маъноси асосан *-а/-ә(-й)* аффиксли равишдош асосида ясалган формалар билан ифодаланган.

### Ҳозирги замон феълининг *-а/-ә(-й)* аффиксли равишдош асосида ясалган формалари

266-§. *-а/-ә(-й)* аффиксли равишдош асосида ясалган ҳозирги замон феъли эски ўзбек тилида қуйидагича уч хил формада қўлланган:

1. *-а/-ә(-й) турур мэн* (бара турур мэн, сөзләй турур мэн);
2. *-а/-ә(-й)дур+мэн* (барадур-мэн, сөзләйдүр-мэн);
3. *-а/-ә(-й) + мэн* (бара-мэн, сөзләй-мэн).

Кўриниб турибдики, бу формаларнинг ясалиш асоси бир хил бўлиб, улар бири иккинчисидан ривожланган, яъни: *бара турур мэн>барадур-мэн>бара-мэн*. Ҳозирги ўзбек тилидаги «ҳозирги-келаси замон феъли» номи билан аталувчи *бораман* типидаги форма шу йўл билан вужудга келган. Демак, ҳозирги ўзбек тилидаги бу феъл дастлаб *бара турур мэн* формасида бўлиб, унинг таркибида *турур* ҳолат феъли мавжуд бўлган. Кейинчалик ҳолат феъли таркибидан ҳозирги-келаси замон кўрсаткичи *-ур* тушиб қолган (*бара турур мэн>бара-тур-мэн*) ва ундаги жарангсиз [т] жарангли [д]га ўтган (*бара-тур-мэн>барадур-мэн*). Сўнг I ва II шахсларда ҳолат феъли бутунлай тушиб қолган (*барадур-мэн>бара-мэн, барадур-сэн>бара-сэн* каби). III шахсда эса шахс кўрсаткичи бўлмаганлиги учун сақланган ва ҳозирги ўзбек тилида *-ди* формасига айланган (*барадур>барадыр>барады>боради, барадурлар>барадырлар>барадылар>борадилар*). III шахс формасининг *барады, барадылар* кўринишида қўлланиши XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кузатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

267-§. *Бара турур мэн* типидаги форма XIII—XIV асрларда кенг қўлланган бўлиб, баъзан XV асрга оид ёдгорликларда ҳам учрайди. «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» (XVII аср) асарларида ҳам кенг қўлланган. Бу форма қадимги уйғур тили ёдгорликларида ҳам мавжуд бўлиб, ўрхун-енисей ёдгорликларида учрамайди.

XIII—XIV асрларда ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида бу форма *-у/-ү* (унлидан кейин: *-йу/-йү, -йа/-йә)* аффиксли равишдош асосида ҳам ҳосил бўлган: *бару турур мэн, билү турур мэн, башлайу турур мэн//башлайа турур мэн, ишләйү турур мэн//ишләйә турур мэн* каби.

*Бара турур мэн* типидаги форма конкрет ҳозирги замон маъносини ифодалайди, яъни иш-ҳаракатнинг нутқ моментида бўлиб турганини кўрсатади. Мас.: *Сорды: бу нэ үн турур? Айттылар: Омаййā қулы Билāлға азāб қылу турур* (Таф., 136*а*). *Ул ҳāлда хитāб кэлди: Эй Иблис, тамуғлуғлар сэни истәйү турурлар. Иблис айғай: мэн ҳам уларны тиләйү турур мэн* (Рабғ., 11*а*).

«Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларида *бара турур мэн* типидаги форманинг маъноси анча кенгайган, яъни бу асарларда асосан конкрет ҳозирги замон маъносида қўлланган бўлиб, баъзан «умумзамон», келаси замон каби маъноларда ҳам ишлатилган. Мисолларни қиёсланг: 1. *Соруб турурлар: ким болур-сэн ва қайдын кэлә турур сэн?* (Ш. тар., 76). 2. *Динмуҳаммад хāн улуғ лашкар бирлән кэлә турур* (Ш. турк, 132). 3. *Ул вақтдын тā бу күнғача барча түркмәнләр ул китāбның масалаларыға амал қыла турурлар* (Ш. тар., 73). 4. *Имāм олтурса, олтура турурлар; турса, тура турурлар* (Ш. турк, 25). 5. *Тэз оғуз элиниң ичиндә уруш болуб, қызыл қан қара сув-тэк ақа турур, Али хāн өлә турур, аның орныға бир киши пāдшāҳ бола турур* (Ш. тар., 60).

Мисолларнинг биринчи ва иккинчисидаги *кэлә турур сэн, кэлә турур* феъллари конкрет ҳозирги замон маъносида, учинчисидаги *амал қыла турурлар* — ҳозирги замон давом феъли, тўртинчисидаги *олтура турурлар, тура турурлар* — «умумзамон», бешинчисидаги *ақа турур, өлә турур, пāдшāҳ бола турур* келаси замон маъносида қўлланган.

268-§. *Барадур-мэн* типидаги форма эски ўзбек тилида кенг қўлланган бўлиб, унинг ёзма ёдгорликларда акс этиши XIV аср охирларидан бошлаб кузатилади. Бу форма XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда ҳам, қадимги ёдгорликларда ҳам учрамайди.

*Барадур-мэн* типидаги форма ҳам асосан конкрет ҳозирги замон феъли маъносида қўлланган. Мас.: *Бу йуртта хабар*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*кэлди ким, шāҳ Мансурның қызы Йусуф зайның мāлы билә к э л ә д у р* (БН, 282). *Дэди: қопғыл, нә йатыб-сэн, қопғыл!..//ким бир атыңны о ғ у р л а й д у р л а р//сэни уйқу бирлә а й д а й д у р л а р* (ШН, 192). *Түшкән-му мадрасаға ағз-у бэлиң ҳадиси//ҳар ҳужрадын ч ы қ а д у р āвāз қийл-у қāла* (Фурқ. I, 31).

Шу билан бирга, бу форма «умумзамон», келаси замон каби маъноларни ифодалашда ҳам қўлланган. Мас.: *Хāн бу сөз билә у р у ш қ ы л м а й д у р//чэрики қалъа сары к э л м ә й д ү р* (ШН, 69). *Лутфийни т и р г ү з ә д ү р ҳар нафас ул лаъл лабың* (Лутф., 190б). *Баъзи йэрдә шалы экибтүрләр. Ортасыдын үч-төрт тэгирмāн сув а қ ы б б а р а д у р* (БН, 336). *Алыб йāдыға, сормас кимсә Зāкирҗāн Фурқатны//агар-чә а й т а д у р дāим дуā бāди сабāлардын* (Фурқ. II, 120). *Бу җинс будна чэрик ҳайл-ҳайл у ч а д у р* (БН, 362).

**269-§.** ***Бара-мэн*** типидаги форма асосан XV аср ва ундан кейинги даврларда қўлланган. Лекин *барадур-мэн* формасига нисбатан кам учрайди.

Бу форма қадимги ёдгорликларда қўлланмаган. XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда баъзан учраб қолади. Мас.: *Киру қ а й т м а й-м э н* (Таф., 143 *а*). *Сиз к ө р м ә й-с и з, сиз э ш и т м ә й-с и з* (Рабғ.). *Сизләргә б э р ә-м э н йуртум* **(УН, 63)**.

*Бара-мэн* типидаги форма ҳам эски ўзбек тилида асосан конкрет ҳозирги замон феъли маъносида қўлланган. Мас.: *Аҳмад Йусуф бэг изтирāблар қылыб, ҳар замāн айтадур ким, йаланғач мундақ к и р и б б а р а-с и з, икки-үч оқны көрдум ким, башыңыздын өтди* (БН, 200). *Кимниң умиди билә и ш қ ы л а-с и з//бэркитиб қалъаны с а н ч ы ш қ ы л а-с и з?* (ШН, 211). *Муңа нә үчүн рухсат б э р ә-с и з? Бизни аз көрүб, қызылбашға қошулмаққа бара турур* (Ш. турк, 136).

*Бара-мэн* типидаги форма эски ўзбек тилида келаси замон, «умумзамон» каби маъноларда ҳам қўлланган. Мас.: *Хāтирымға йэтти ким, Аҳмад Қавчынны чарлаб,.. атларыны т и л ә б а л а-м э н* (БН, 142). *Дэди: ҳар куни бэрсәң он сом ҳам//б а р ы л м а й д ы, қой завутыны, хоҗам* (Муқ., 41). *Қарахāн элгә киши йубарды, тэз кэлсүнләр, авға ч ы қ а-м э н тэб* (Ш. тар., 16). *...нэдин бизгә й а м а н л ы қ қ ы л а-с и з// башымыз үстигә ҳардам к э л ә-с и з* (ШН, 147). *Шāмдын тā субҳидам ҳаҗрыңда өртәб й а н а-м э н...//ҳар кэчә йāдыңда мың йол уйқудын у й ғ а н а-м э н* (Муқ., 159).

### Ҳозирги замон феълининг *-мақда/-мәкдә* аффиксли формаси

**270-§.** Ҳозирги замон феълининг *-мақда/-мәкдә* аффиксли формаси ёзма ёдгорликларнинг айримларида учрайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу форма олдинги даврларга оид ёдгорликлардан «Ўғузнома»да учрайди: *Оғуз җыда бирлә қыатның башын урды, аны өлтурди, қылыч бирлә башын кэсти, алды кэтти. Кәнә кәлиб көрди ким, бир шунқар қыатның ичәгүсин йэмәктә турур* (ЎН, 26).

Бу форма кейинги даврларга оид ёдгорликлардан Навоий ва Мунис асарларида учрайди:

*Маст олуб бир дам шабāб аййāмыны тут муғтанам,*
*Ким йигитлик дамбадам өтмәктәдур аййāм ара*
(Навоий. Ғаройибус сиғар).

*Айни инāйатыңдын ҳāлымға қыл назāра,*
*Өлмәкдә-мэн ғамыңдын, дардымға әйлә чāра*
(Мунис, 58).

*-мақда/-мәкдә* аффиксли ҳозирги замон феълининг актив қўлланиши ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиш даврларидан, яъни 1920 йиллардан бошланган.

### Ҳозирги замон феълининг тасвирий формалари

271-§. Ҳозирги замон феълининг *тур-, йүр-, йат-, олтур-* ҳолат феъллари иштирокида ҳосил бўлган тасвирий формалари эски ўзбек тилида қуйидаги икки кўринишда қўлланган:

1. Асосий феъл *-б(-ыб/-иб//-уб/-үб)* аффиксли равишдош формасида, ҳолат феъли *-ур/-үр* аффиксли сифатдош формасида келади. Мас.: *Биз уларны сақлаб турурмиз* (Рабғ., 28б). *Нэчә йылдын бэри сиз — халқның түзын йэйүб йүрүр мэн* (Ш. турк, 111). *Көрдүм ким, наълин йаныда бир шарāк түшүб йатур, мэн тааҗҗуб йүзидин ул шарāкны наълинға тарттым* (Нав. МҚ, 73).

2. Асосий феъл ҳам, ҳолат феъли ҳам *-б(-ыб/-иб//-уб/-үб)* аффиксли равишдош формасида келади. Бу форма асосан III шахсда қўлланган бўлиб, ҳолат феълидан кейин *турур* ёки унинг қисқарган формалари *тур//дур* қўшилади: Мас.: *Шакар ағзың қашында лаъл кāнын//мэңиң ҳиндулары сақлаб турубтур* (Отойи, 15*а*). *Йүрүбдүр ойнаб Истанбулда хушнуд//эрүр аҳвāлы күндин-күнгә бэҳбуд* (Фурқ. II, 111). *Көрди ким, бир нэчәләри йана қазыб олтуруб турурлар* (Ш. турк, 35).

272-§. *тур-, йүр-, йат-, олтур-* ҳолат феъллари мустақил қўлланиб, ҳозирги замон маъносини ифодалаганда ҳам эски ўзбек тилида қуйидагича икки хил формада келган:

1. *-ур/-үр* аффиксли сифатдош формасида келади. Мас.: *Сиз бāтил йолда турур-сиз* (Рабғ.). *Йүгүрүб ташқары чықды эрсә, көрди: йав турур* (Ш. турк, 107). *Йүрүр-мэн йэрдә изни көрмәк үчүн* (МН, 303*а*). *Қашыңызға охшатайын дэб йүрүр бир ай тамāм* (Отойи, 43*а*). *Султāн Муҳаммад көрди ким, Қабал ва Қамач тэгән икки сувның ара-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*сында көп өлүкләр* *йатур* (Ш. турк, 57). *Сач йа̄ сунбул, йа̄ ганж̧ устидә йатур ылан*//*йа̄ кәлибтүр Рум элигә Чин-мачин лашкары* (Отойи, 67 *а*). *Балқис бу кара̄мат бирлә Сулаймā̄н ҳазратында кирди, көрди: Сулаймā̄н тахт үзә олтурур* (Рабғ.). *Ул санам ким сув йақасында пари-тэк олтурур*//*ға̄йати на̄зуклукиндин сув билә йутса болур* (Отойи, 24*а*).

2. -*уб*/-*үб* аффиксли равишдош формасида келади. Мас.: *Дэсәң ким, ж̧а̄н сипа̄р қылгыл, Атайым*//*туруб-мэн ушунақ өлдүр, ат, айым* (Отойи, 39*а*). *Йүрүб-мэн хасратыңда мунда йығлаб,..* (Фурқ. I, 28). *Ха̄нға айтды ким, аж̧аб ға̄фил йатыб-сиз. Туруң, атланмақ кэрәк!* (Ш. турк, 180). *Қызылбаш вила̄йатының ичиндә олтуруб-миз* (Ш. турк, 172).

III шахсда *турур* ёки унинг қисқарган формалари *тур*//*дур* қўшилади. Мас.: *Ибра̄ҳим айды: Малик, мэним қарындашым уш олтуруб турур* (Рабғ., 29*б*). *Турубтур көздә қаддыңыз хийа̄лы* (МН, 302*б*). *Көрди ким, очақ ичиндә бир йаш оғлан йатыб турур* (Ш. тар., 72). *Анда көп ула̄ма̄лар давра алыб олтурубдурлар* (Фурқ. II, 134).

*Турур (тур*//*дур)* баъзан I шахсда ҳам қўшилади. Мас.: *Иккинчи йыл элгә ж̧ар қылдурды: Эра̄н сары йүрүб турур мэн, нэчә йыллық гамларын йэсүнләр тэб* (Ш. тар., 22—23). *Ошал күнэки сэни көрдим-у асир олдум*//*қылур ишимни билалмай йүрүбдүр-мэн на̄ча̄р* (Фурқ. I, 189).

## Ҳозирги-келаси замон

273-§. Ҳозирги-келаси замон феъли эски ўзбек тилида -*р* (унлошдан кейин: -*ар*/-*әр*//-*ур*/-*үр*) аффикси билан ясалган. Бу формада шахс-сон аффиксларининг тўла формалари қўшилади: *барур-мэн, барур-сэн* каби. Лекин I шахс формаларини ҳосил қилишда шахс-сон аффиксларининг қисқа вариантлари ҳам қўшилган, яъни:

1. Шеърий асарларда I шахс бирлигининг *барур-мэн* типидаги формаси ўрнида *барурам* типидаги формаси ҳам қўлланган. Мас.:

*Қашы үчүн ж̧а̄н бэрүрәм, достлар,*
*Тағ қопарыңыз йасағанда ма̄за̄р* (Лутф., 169*б*).
*Нэ асығ, чун йа̄р көңли айламас буйан кашиш,*
*Эй Нава̄ий, нэчә ким дилкаштара̄на әйләрәм* (Навоий).
*Ҳар нэчә эл тиләмәс, мэн тиләрәм,*
*Эл мэни сийләмәмәсә, мэн сийләрәм* (ШН, 75).
*Бинафшаза̄рны сайр әйләрәм баҳа̄р ичрә,*
*Нэ суд ким, аны көрмән бинафшаза̄р ичрә* (Мунис, 54)
*Заба̄ни ҳа̄маны сөз қылса тақрир,*
*Газэтда әйләрәм минбаъд таҳрир* (Фурқ. II, 16).

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Барурам* типидаги форма ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли бўлиб, бу тилларнинг ўтмишида ҳам кенг қўлланган. Бу форма ҳозир олтой, шўр каби тилларда ҳам қўлланади.

2. «Тафсир»да ҳозирги-келаси замон феъли I шахс кўплигининг ясалишида *-миз* (*-биз*) қўшилиши билан бирга, баъзан *-уз*/*-үз* ёки *-ыз*/*-из* қўшилиши ҳам учрайди, яъни *барур-миз*//*барур-биз* формаси ўрнида *баруруз* ёки *барурыз* формаси ҳам қўлланган. Мас.: *Б и л ү р ү з ким, бар ва тақы бар болғай* (Таф., 72*а*). *Аны сиз-му битрүр-сиз йā биз-му б и т р ү р и з* (Таф., 70*б*). *Баруруз*//*барурыз* типидаги форма ўғуз группасига оид туркий тиллар тарихида кенг истеъмолда бўлган. Ҳозир бу форма турк ва туркман тиллари учун характерли.

274-§. Ҳозирги-келаси замон феъли аффикси унли билан тугаган феълларга *-р* кўринишида қўшилади: *башла+р, сөзлә+р*. Ўрхун-енисей ёдгорликларида ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида *-йур*/*-йүр* формасида қўшилган: *башла+йур, сөзлә+йүр* каби. XI—XII асрларга оид ёдгорликларда эса бундай феълларга баъзан *-р*, баъзан *-йур*/*-йүр* формасида қўшилган: *башла+йур*//*башла+р, сөзлә+йүр*//*сөзлә+р*.

Унли билан тугаган феълларга ҳозирги-келаси замон феъли аффиксининг *-йур*/*-йүр* формасида қўшилиши XIII—XIV асрлар тили учун ҳам анча характерли бўлган. Мас.: *Сэн-му бизгә бу сөзни с ө з л ә й ү р-с э н?* (Рабғ.). *Биз ҳақ динни к э з л ә й ү р-б и з* (Рабғ.). *Мэн билүр-мэн аны ким, к э з л ә й ү р-с и з* (Таф., 83*б*). *Қачан ким ики саф болса муқāбил*//*сэниң чāкарларың-оқ к ө к р ә й ү р, бил* (МН, 294*а*).

Бу даврда ҳам *-р* ва *-йур*/*-йүр* параллел равишда ишлатила берган. Мисолларни қиёсланг: *Нэ тиләйүр-сэн?* (Рабғ., 16*б*).— *Нэ тиләр-сэн?* (Рабғ., 6*а*). *Қыйнайур мунāфиқларны* (Таф., 41*а*) — *Сизләрни қыйнар* (Таф., 28*а*).

XV аср ва ундан кейинги даврларда ҳозирги-келаси замон феъли аффикси унли билан тугаган феълларга *-р* кўринишида қўшилган бўлиб, *-йур*/*-йүр* формасида қўшилиши айрим шеърий асарларда баъзан учраб қолади. Мас.:

*Ҳардам йүзиниң мулкыны зулфы чэрики қ а п с а й у р,*
*Күйдүм мэн аның зулмыдын, субҳымны ул шāм эйләди*
(Сакк., 22 *а*).

*Муддаи көрмәк тиләр күлгәндә тишиң говҳарын,*
*Көрмәс ул дур й ы ғ л а й у р, көзләри Уммāн болмаған*
(Лутф., 218*а*).

*Кэчәни имрозға кэлтүрдиң, эй аййāри шох,*
*Бāз алдаб а л д а й у р-с э н ваъдаи фардāи нāз* (Фурқ. I, 89).
*Бирәвгә ҳ и л а-й у м а к р э й л э й ү р, афъāлы шайтāнлық,*
*Болур хурсанд өз қылған ишигә буйла нāдāнлық* (Муқ., 45).



www.ziyouz.com kutubxonasi

275-§. Ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз формаси *-маз/-мэз//-мас/-мэс* аффикси билан ҳосил бўлади (Бу аффикс вариантларининг қўлланиши ҳақида қаранг: § 185).

Бу формада ҳам шахс-сон аффиксларининг тўла вариантлари қўшилади: *бармаз-мэн//бармас-мэн, бармаз-сэн//бармас-сэн* каби.

I шахс формаларининг ясалишида қуйидаги ўзгачаликлар мавжуд:

1. I шахс бирлиги *-ман/-мэн, -мам/-мэм* аффикслари билан ҳам ясалади, яъни *бармаз-мэн//бармас-мэн* типидаги форма қисқариб, *барман* ёки *бармам* формасида ҳам қўлланган.

*-ман/-мэн* аффикси билан ясалган *барман* типидаги форма эски ўзбек тилида кенг қўлланган бўлиб, ёзма ёдгорликларнинг қарийб ҳаммасида учрайди. Мас.: *Анамдын дастурсыз сатман* (Рабғ., 99б). *Нэтэк билмэн мэн йаратқанымны* (Таф., 97б). *Көңүлгэ өзгэниң мэҳрин йавутман* (МН, 297б). *Шакардур ул ағыз йā писта, билмэн* (Лутф., 194 *а*). *Салман назарны өзгэ санамлар жамāлына* (Отойи, 69б). *Дағы нэ қылғусы, билмэн, āхир бу маккāра* (Сакк., 16*а*). *Аңламан, Жайхунда ул ай кэмэ бирлэ сайр этэр//йā ҳилāл-у мэҳр аксын эл көрэр Жайхун ара* (Навоий). *Кэчэрэм жāндын-у кэчмэн андын* (ШН, 157). *Билмэн, нэ жарима билэ Султāн Абусаид мирзā Ҳиридин ахрāж қылды* (БН, 213). *Мэн бу ишни қыла алман* (Ш. турк., 155). *Равзаи ризвāн гулистāныға қылман илтифāт* (Мунис, 151).

*-мам/-мэм* аффикси билан ясалган *бармам* типидаги форма эски ўзбек тилида кам қўлланган бўлиб, асосан кейинги даврларга оид ёдгорликларда учрайди. Мас.: *Истэй-истэй бāру бум ичрэ сэни, тэлба көңул, тутмам āрāму қарāр* (Мунис, 305). *Тақдир азалдын, билэ алмам, нэ рақам бар?* (Ҳувайдо). *Көңүлгэ йүз түмэн ниш урса ҳижрāн, эйлэмэм нāла* (Муқ., 193). *Субҳ оланча башым алмам дашлары занусыдын* (Фурқ. I, 171).

Бу форма олдинги даврларга оид ёдгорликлардан «Тафсир»да учрайди: *Ҳаргэз қайғурмым* (Таф., 45*а*).

Ҳозирги-келаси замон феъли бўлишсизлигининг *барман, бармам* типидаги I шахс бирлик формалари ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли.

2. «Тафсир»да ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз формасига I шахс кўплик аффикси *-уз/-үз* формасида ҳам қўшилган. Мас.: *Өлдүки үчүн йығлашмазуз* (Таф., 71б). *Биз аны йэңэ билмэзүз* (Таф., 139б).

Бу форма ҳам ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли.

3. Ҳозирги-келаси замон феъли бўлишсиз формасининг III шахс бирлигига айрим ўринларда *турур* ҳолат феъли ёки

www.ziyouz.com kutubxonasi

унинг қисқарган формалари *тур//дур* қўшилиб келади. Лекин маънода ўзгариш бўлмайди. Мас.: *Эмди йарлық й а р л ы қ а м а с т у р у р* (Таф., 30*а*). *Тақы уштмаҳқа киргү вақт б о л м а с т у р у р* (Рабғ., 13*б*). *Шайбāний хāн көрди ким, ҳэч иш қ ы л а а л м а с т у р, андын-оқ йанды* (БН, 103). *Қалъаларны худ а л а а л м а с т у р//қол ситам бирлә с а л а а л м а с т у р* (ШН, 128). *Кашмиргә и т ā а т қ ы л м а с д у р* (БН, 352).

*Турур (тур//дур)* ҳолат феълининг баъзан I шахс формасига қўшилиб келиши ҳам учрайди. Мас.: *Бэргү бэриб достлуқтын ч ы қ м а с т у р у р м э н* (ЎН, 43). *Лэк Султāн дэди ким, йарлығсыз//ҳэч āдамны й у б а р м а с д у р-б и з* (ШН, 179).

276-§. Ҳозирги-келаси замон феълининг *-р(-ар/-әр//-ур/-үр)* аффиксли формаси эски ўзбек тилида ҳозирги замон, келаси замон, «умумзамон» каби турли маъноларни ифодалашда қўлланган. Мас.:

1. *Мусā бақты, [тағ] тэпәсиндә от көрүнди, кишисингә айды: мэн бу тағ үзә от к ө р ә р-м э н* (Таф., 29*а*).
2. *К ү й ә р жāным, нэтәй, дилхāҳ унутты//көңүл аҳвāлыдын āгāҳ унутты* (Отойи, 71*а*).
3. *Бир киши айтды кэ, бу оғлан улуғ п ā д ш ā ҳ б о л у р, йэр йүзиниң барчасын а л у р, көп элләрни ва вилāйатларны қ а т л қ ы л у р* (Ш. турк, 41).
4. *У л а л у р ушбу вилāйатларны//к ө р с ә т ү р элгә инāйатларны* (ШН, 19).
5. *Мэңә ж а в р ә й л ә р ул дилбар ҳамиша//сүчүк тилдин ачық с ө з л ә р ҳамиша* (Отойи, 54*б*.)
6. *Дард бирлә кэчәләр й ы ғ л а р зāр//кэчәләр йығламағыда иш бар* (ШН, 14).
7. *Қамуқ йақут эринли сөзи дурлар//вафāсызлықны сиздин ө г р ә н ү р л ә р* (МН, 308*а*).
8. *Ашуқған көп т а й ы л у р, көп тайылған көп й ы қ ы л у р* (Нав. МҚ, 138).
9. *Хāн дэди: ким кэ қ ы л у р б и з г ә р а з м//бил кэ, āхир башы мундақ кэсилүр* (ШН, 215).
10. *Эйки, дилбар висāлын и с т ә р-с э н//өздин өзлик йүкин бадар әйлә* (Мунис, 52).

Мисолларнинг биринчи ва иккинчисидаги *көрәр-мэн, күйәр* феъллари ҳозирги замон, учинчи ва тўртинчисидаги *пāдшāҳ болур, алур, қатл қылур, көрсәтүр* — келаси замон маъносини ифодалайди, бешинчи ва олтинчисидаги *жавр әйләр, сөзләр, йығлар* — доимий, такрорланиб турувчи ҳаракатни, еттинчи ва саккизинчисидаги *өгрәнүрләр, тайылур, йықылур* — одатдаги ҳаракатни кўрсатади, тўққизинчи ва ўнинчисидаги *разм қылур, истәр-сэн* феъллари эса шарт феъли ўрнида қўл-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган бўлиб, «разм қилса», «истасанг» маъносини ифодалайди.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида бу форма келаси замон гумон феъли сифатида шаклланган.

## Келаси замон

277-§. Эски ўзбек тилида келаси замон феълининг *-ғу/-гу//-қу/-ку* аффиксли формаси қўлланган бўлиб, бу маъно кўпинча *-ғай/-гәй//-қай/-кәй* аффиксли форма билан ҳам ифодаланган. Юқорида кўрганимиздек, эски ўзбек тилида келаси замон маъносини ифодалаш учун баъзан *аладур-мән, ала-мән* типидаги ҳозирги замон формалари ва *алур-мән* типидаги ҳозирги-келаси замон формасидан ҳам фойдаланилган.

Келаси замон феълининг *-ажақ/-әжәк* аффикси билан ясалган *баражақ-мән, сөзләйәжәк-мән* типидаги форма XIX аср хоразм шоирлари асарларида баъзан учраб қолади. Олдинги даврларга оид ёдгорликларда бу форма қўлланмаган. Бу форма ўзбек адабий тилига 1929 йил Самарқандда бўлиб ўтган тил-имло конференциясида қабул қилинган бўлиб, 1930 йиллар давомида адабиётнинг барча жанрларида кенг қўлланиб келган. Ҳозир эса жуда кам қўлланади.

### *-ғу/-гу//-қу/-ку* аффиксли форма

278-§. *-ғу/-гу//-қу/-ку* аффиксининг қандай вариантда ишлатилиши шу аффиксни олган феълнинг характерига боғлиқ: *ал+ғу, бәр+гу, қорқ+қу, туқ+қу (<туғ+қу), кәт+ку* каби.

*-ғу/-гу//-қу/-ку* аффикси билан ясалган келаси замон феъли XI—XII аср ёдгорликларида ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида ҳам кенг қўлланган бўлиб, Ўрхун-енисей ёдгорликларида учрамайди.

Бу формага шахс-сон аффикслари қуйидаги кўринишда қўшилади: *барғу-м, барғу-ң, барғу-сы; барғу-мыз, барғу-ңыз, барғу-лары.*

Бўлишсизлиги қуйидагича икки йўл билан ҳосил бўлади:

а) *-ма/-мә* аффикси билан: *бармағум, бармағуң, бармағусы; бармағумыз, бармағуңыз, бармағулары.* Мас.: *Бāғ ичрә кириб сарв-у равāнға аслā//көз салмағум, эй сарв-у равāным, сән-сиз* (Ҳувайдо). *Аның-дәк олды фанā ишқ ара вужудым ким//адам дийāрыға ҳам тапмағуң хабар мәндин* (Навоий). *Айытмақ мунда ҳāжат олмағусы//ким кә ул йәргә йәтсә, аңлағусы* (Нав. СС, 32);

б) *йоқ* сўзи ёрдамида ифодаланади: *барғум йоқ, барғуң йоқ, барғусы йоқ; барғумыз йоқ, барғуңыз йоқ, барғулары*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*йоқ*. Мас.: *Айытмаққа агарчэ қ а л ғ у м й о қ//ул айытқанча а й т а а л ғ у м й о қ* (Нав. СС, 42). *Истэсэң, эй ишқ, Мажнун орныға саркашта//бил кэ, т а п қ у ң й о қ бу расвāи жаҳāндын йахшырақ* (Навоий). *Аны алмай бэри ул к э л г ү с и й о қ//сиримизни басэ ул б и л г ү с и й о қ* (ШН, 124).

*-ғу/-гү//-қу/-кү* аффиксли келаси замон феълига шахс-сон кўрсаткичларидан кейин баъзан *турур (дурур)* ҳолат феъли ёки унинг қисқарган формалари *тур//дур* қўшилиб келади. Лекин маънода ўзгариш бўлмайди.

XV асргача ва XVII аср ёдгорликлари «Шажараи тарокима», «Шажараи турк» асарларида *турур* формасида қўшилган. Мас.: *Сизлэрни уруғуңыз бирлэ ө л д ү р г ү с и т у р у р* (Рабғ., 8 *б*). *Нэ ким, йэр үзрэ болдачы турур, ҳ а л ā к б о л ғ у с ы т у р у р* (Таф., 65*а*). *Бу сөзниң рāстлығы сизгэ ҳам тэз м а ъ л у м б о л ғ у с ы т у р у р* (Ш. турк, 55). *Тэңрим буйурса, а й т қ у м т у р у р* (Ш. тар., 62).

XV аср ва ундан кейинги даврларда *тур//дур* формаларида, баъзан *дурур* формасида қўшилган. Мас.: *Түгэнди умр-у көрмэс сизни Лутфий//бу хасрат бирлэ āхир ө л г ү с и д ү р* (Лутф., 170*а*). *Кирмэгүнчэ бу улус қолумға//б а р м а ғ у м д у р йүрүбэн йолумға* (ШН, 203). *Нишāна болсун ким, Минāр тағыдын өткэч, улуқ от й а н д у р ғ у м ы з д у р* (БН, 249). *Көңлүм ҳавā қылур йана ул зулфи хам сары//б а ш л а ғ у с ы д у р у р мэни ташвиш-у ғам сары* (Отойи, 67*б*). *Эмди кишидэ ақл-у хирад қ а л ғ у с ы й о қ т у р//бу тавр кэ, сэн фитначы дилбар йэтилиб-сэн* (Отойи, 51*б*).

*-ғу/-гү//-қу/-кү* аффиксли келаси замон феъли иш-ҳаракатнинг нутқ моментидан кейин бажарилиши (ёки бажарилмаслиги) аниқ, қатъий эканлигини кўрсатади. Мас.: *Омар билди ким, Расулға барыб, андын ш и к ā й а т қ ы л ғ у с ы т у р у р* (Рабғ.). *Ҳажрыңда, бэгим, «ах!» д э г ү м д ү р дағы ө л г ү м //«йāд эйлэгил, эй шāҳ», д э г ү м д ү р дағы ө л г ү м* (Отойи, 41*а*). *Ул жамāатға бу нав эрди хайāл//ким аңа б о л ғ у с ы й о қ ҳ э ч з а в ā л* (ШН, 90). *Бу китāбны оқуғучы ва тыңлағучы, албатта, түрк б о л ғ у с ы т у р у р* (Ш. тар., 6). *Уйла муътāд олмышам тартарға дарди ишқ ким//āқибат жāнымны б э р г ү м д ү р бу афъйун үстидэ* (Мунис, 48).

279-§. XIII—XIV асрларга оид айрим ёдгорликларда келаси замон феълининг *-асы/-эси* аффиксли формаси ҳам учрайди. Мас.: *Бу шаҳарга бир пайғамбар ҳ и ж р а т қ ы л а с ы т у р у р, йаъни к э л э с и т у р у р* (Таф., 49*б*). *Билүрсэн ким, ул имāн к э л т ү р э с и д э г ү л* (Таф., 124*а*). *Қāбил Ҳāбилни өлтүрмэкингэ мэн сабаб эрдим. Мавлā таāлā мэңэ жазā б э р э с и т у р у р. Андын қорқуб башым ақарды* (Рабғ.).

Мисоллардан кўриниб турибдики, бу форма маъно жиҳат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан *-ғу/-гу//-қу/-ку* аффиксли формадан фарқ қилмайди, яъни *-асы/-әси* аффиксли форма ҳам иш-ҳаракатнинг бажарилиши (ёки бажарилмаслиги) аниқ, қатъий эканлигини кўрсатади.

*-асы/-әси* аффиксли форма ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли бўлиб, бу тилларда *-ғу/-гу//-қу/-ку* аффиксли форманинг қўлланиши йўқ даражада бўлган. Бу ҳақда Маҳмуд Кошғарий ҳам уқдириб ўтган. Унинг кўрсатишича, XI асрда *-ғу/-гу//-қу/-ку* аффиксли форма чигил, яғма, тухсий, арғу, уйғур ва бошқа кўпчилик қабилалар тилига хос бўлиб, ўғузлар, қипчоқлар, бажанаклар, булғорлар тилида бу ўринда *-асы/-әси* аффиксли форма қўлланган (МК, II том, 71-бет).

280-§. XIV асрга оид айрим ёдгорликларда келаси замон феълининг *-ысар -исәр* аффиксли формаси ҳам учрайди: *Бу жавр-у жафā нэчә б о л у с а р//сэндин ҳақ аның өчин а л ы с а р* (Саройи). *Ичәлиң бāданы, гуллар с о л ы с а р// танымыз āқибат тупрақ б о л ы с а р* (МН, 309*а*).

*-ысар-/-исәр* аффиксли форма маъно жиҳатдан *-ғу/-гу// -қу/-ку* ва *-асы/-әси* аффиксли формалардан фарқ қилмайди. *-ысар/-исәр* аффиксли форма ҳам ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли бўлган.

### *-ғай/-гәй//-қай/-кәй* аффиксли форма

281-§. *-ғай/-гәй//-қай/-кәй* аффиксининг ҳам қандай вариантда ишлатилиши шу аффиксни олган феълнинг характерига боғлиқ: *ал+ғай, бәр+гәй, қорқ+қай, туқ+қай (<туғ+қай) кәт+кәй* каби.

Бу форма XI аср ёдгорликлари ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида ҳам кенг қўлланган бўлиб, ўрхун-енисей ёдгорликларида йўқ даражада бўлган (ўрхун текстларида учрамайди, енисей текстларида эса бир ўринда *әр-* тўлиқсиз феълига қўшилиши [*әр + гәй*] учрайди, холос).

Бу формада шахс-сон аффиксларининг тўла вариантлари қўшилади: *барғай-мэн, барғай-сэн, барғай; барғай-миз//барғай-биз, барғай-сиз, барғайлар.*

«Тафсир»да I шахс кўплик аффиксининг *-вуз/-вуз* формасида қўшилиши ҳам учрайди: *Тиләсәвуз, ҳақ йолда т у р ғ а й в у з* (Таф., 126*б*).

I ва II шахсларда *-ғай/-гәй//-қай/-кәй* аффикси баъзан [й] ундошсиз *-ға/-гә/-қа -кә* кўринишида ҳам қўлланади. Эски ўзбек тилида бу ҳол шеърий асарлар учун хос бўлган. Мас.:

*Истәбән тәңридин сөзүмгә кушāд,*
*Дāстāн тарҳин э т г ә-м э н б у н й ā д* (Нав. СС, 44).
*Эй жафāчы, мэн сэни сэвдүм кэ, ж ā н ā н б о л ғ а-с э н,*
*Билмәдим, мундақ вафāсыз душмани ж ā н б о л ғ а-с э н*
(Отойи, 49 *а*).

*Эй җафāгар, бир вафā қыл ким, икәвлән* б о л ғ а-б и з:
*Мән җафā чәкмәктин-у сән бәвафāдын халāс* (Навоий).
Б о л ғ а-с и з *улуғ урушда* м а н с у р,
*Нафси аммāраны әйләб мақҳур* (ШН, 143).

XI—XII асрларга оид ёдгорликлардан «Қутадғу билиг» ва «Ҳибатул ҳақойиқ» асарларида *-ғай/-гәй//-қай/-кәй* аффиксининг III шахсда ҳам [й] ундошисиз қўлланиши мавжуд. Мас.:

*Билиглик билир ул билигниң аты,*
*Билигсиз нә* б и л г ә *билиг қимматы* (ҚБ).
*Бу күн кәндү сүчүк бу тәрмәк саңа*
А ч ы қ б о л ғ а *йарын қойуб бардуғуң* (ҲҲ).

Бу ҳақда Ибн Муҳаннанинг «Араб филолог о турецком языке» (XIV аср) номли асарида ҳам гапирилиб, *қонғай, көчгәй* типидаги форма баъзан *қонға, көчгә* кўринишида ҳам қўлланади, деб кўрсатилган.

Эски ўзбек тилида (бошқа туркий тилларда ҳам) *-ғай/-гәй //-қай/-кәй* аффиксли форма кўп маъноли бўлган. Шунинг учун туркологик адабиётларда бу форма ҳар хил номлар билан аталиб келмоқда: *келаси замон феъли, истак майли, келаси замон истак феъли, ҳозирги-келаси замон истак формаси, қадимги келаси замон феъли* ва шунга ўхшашлар.

Маҳмуд Кошғарий ва Ибн Муҳанналар бу формани «келаси замон феъли» номи билан атаганлар. Қадимги уйғур тили ёдгорликларида эса бу форма келаси замон маъносини ифодалаши билан бирга, унда истак, орзу оттенкалари ҳам бўлган. Эски ўзбек тилида унинг маънолари яна ҳам кенгайган ва мураккаблашган. Лекин қандай маънода қўлланса ҳам унда келаси замон тушунчаси мавжуд бўлган. Шунинг учун бу формани келаси замон феъли системасига киритилиши тўғри бўлади.

*-ғай/-гәй//-қай/-кәй* аффиксли форманинг эски ўзбек тилида қўлланишига мисоллар келтирамиз:

1. *Муқаррар болды ким, таңласы болған нокар-у сардāр, мāл-у җиҳаты билән чықыб, қорғанны* т а п ш у р ғ а й (БН, 156).

2. *Ул вақтда моғуллар хāҳладылар ким, Жайхунны* б а ғ л а ғ а й л а р, *тā Урганчга сув* б а р м а ғ а й (Ш. турк, 64).

3. *Достлар, көңлүмдәкиң қабрым ташыға* й а з ғ а й-с и з,
*Тāкә бир-дәк болғай ул ай ишқыда ичим ташым*
(Отойи, 67 *а*).

4. *Қорқут башлығ барча халқ Туманға айтдылар: ...пāдшāҳлықны анға бәриб, өзүң айш-у ишратға* м а ш ғ у л б о л ғ а й-с ә н (Ш. тар., 49).

5. *Йолыда туфрақ олайын от үчүн,*
*Тā мәңә* қ ы л ғ а й г у з а р *ул шаҳсувар*
(Лутф., 169*б*).

www.ziyouz.com kutubxonasi

6. *Ҳар киши ким, бирәвгә қ а з ғ а й чāҳ,*
*Түшкәй ул чāҳ ара өзи нāгāҳ* (Нав. СС, 156).

Келтирилган мисолларнинг биринчисидаги *тапшурғай* феъли келаси замон маъносини ифодалайди, иккинчисидаги *бағлағайлар, бармағай* — истак, учинчисидаги *йазғай-сиз* — илтимос, тўртинчисидаги *машғул болғай-сэн* — маслаҳат, бешинчисидаги *қылғай гузар* — мақсад маъносини ифодалайди. Охирги мисолдаги *қазғай* феъли шарт феъли (қазса) маъносида қўлланган.

Эски ўзбек тилида *-ғай/-гәй//-қай/-кәй* аффиксли форманинг маъноси шу билан чегараланмайди. Бу форманинг ҳар бир маъноси контекстда аниқланади.

## ФЕЪЛ ЯСАЛИШИ

282-§. Эски ўзбек тилида ҳам феъл ясалишининг қуйидаги икки усули мавжуд бўлган: 1) морфологик усул (аффиксация); 2) синтактик усул (қўшма феъллар).

I. Синтактик усул билан ясалган феъллар, яъни қўшма феъллар компонентларининг қайси сўз туркумига алоқадор эканлиги, маъноси, боғланиш йўлларига кўра икки группага бўлинади:

Биринчи группани *от* (ёки от туркумидаги сўзлар)+*ёрдамчи феъл* типидаги қўшма феъллар ташкил этади: *қабул қылды//қабул этди, тамāм болды* каби.

Иккинчи группани *феъл+феъл* типидаги аналитик феъл формалари ташкил этади. Бу феъллар *-а/-ә(-й)* ёки *-б(-иб/-иб//-уб/-үб)* аффиксли равишдошга кўмакчи феъл қўшилиши билан ҳосил бўлади: (Қар.: §§ 188, 190): *кэлә башлады, кэтә бэрди, сорай бэрди, қача билди, бара алды, ала кэлди, ала көрсүн, қачыб кэтди, қайтыб кэлди, алыб бэрди, барыб турды* каби. Бу типдаги феъллар асосан вид оттенкасини ифодалайди, яъни ҳаракатнинг бошланиши, тугаллангани, давомийлиги, такрорланиб туриши каби тушунчаларни ифодалашга хизмат қилади.

II. Эски ўзбек тилида морфологик усул билан феъл ясалишида асосан қуйидаги аффикслар амалда бўлган:

283-§. *ла,-лә* - аффикси маҳсулдор ясовчи бўлиб, асосан от туркумидаги сўзлардан феъл ясайди. Бу аффикс билан ясалган феъллар ишнинг ўзакдан англашилган предмет воситасида бажарилиши, шу предметга эга бўлиш, шу предмет ҳолатига ўтиш, шу предметга ёки ҳолатга, белгига ўхшаш каби хилма-хил маъноларни англатади. Мас.: *Бу эр мэни й а н а қ л а д ы* (Рабғ., 49а). *Ҳуҗра қапуғыны б э р к л ә д и* (Таф.,

www.ziyouz.com kutubxonasi

17б). *Қырық кундин соң бэдуклэди* (УН, 23). *Аны ким аңласун,..* (Лутф., 197а). *Тэш-тэштин пычақлаб, чапқулаб пāраладылар* (БН, 307). *Тойлады аны-йу мэҳмāн қылды* (ШН, 171). *Ав авламаққа қолум йэтишмэй турур* (Ш. тар., 27).

Баъзан бу аффиксга даража ясовчи аффикслар қўшилиб, *-лан/-лэн, -лаш/-лэш, -лат/-лэт* формасида келади. Мас.: *Кэркләнди, бутақланды, чэчэкләнди* (Рабғ., 44а), *йузләнгэй* (Нав. МҚ, 93), *атланды* (ШН, 48), *сөзлэшиб* (БН, 203), *тайағлаттым* (БН, 154).

284-§. *-да/-дэ* аффикси *-ла/-лэ* аффиксининг фонетик варианти бўлиб, бу аффикс билан феъл ясалиши кам учрайди. Мисоллар: *Пāдшāҳ бу ғулāмны индэди* (Таф., 65б). *Магар қолдағай аны инāйатың мадады* (Отойи, 68б). *...қолдады ва товба ҳидāйатыға йолдады* (Нав. МҚ, 67).

285-§. *-а/-э* аффикси билан асосан от туркумидаги сўзлардан феъл ясалади. Бу аффикс билан ясалган феъллар маъно жиҳатдан *-ла/-лэ* аффикси билан ясалган феълларга яқин туради. Мас.: *Йарлықаң тэб өтүнди* (Таф., 27а). *Қырық күн, қырық кэчэ ашадылар* (УН, 62). *Көзи қашы билэ ойнар* (Лутф., 175а). *Түнэди лашкар анда* (ШН, 163). *Ашларыны ашаб ва йашларыны йашаб, аталары кэйниндин кэтди* (Ш. тар., 11—12).

286-§. *-й* (ундошдан кейин: *-ай, -эй*) аффикси билан асосан сифатдан феъл ясалади ва ўзакдан англашилган белгига, ҳолатга ўтишни кўрсатади. Мас.: *Ул фақир қашыда улғайыбдур* (Нав. МН, 162). *Барча сағайтланыб атландылар* (ШН, 48).

287-§. *-р* (ундошдан кейин: *-ар/-эр)* аффикси билан асосан сифатдан феъл ясалади ва ўзакдан англашилган белгига, ҳолатга ўтишни кўрсатади. Мас.: *Йусуфның тайақы йашарды* (Рабғ., 44а). *Сақалың нэлүк өрүңэрди?* (Таф., 18б). *Жаҳāн мундағ түнэрди* (Рабғ., 49 а). *Йузүңни көрди сарғарыб...* (Лутф., 212б). *Башым ақарды* (Отойи, 58б). *Көкэргэн йығачларның барчасы...* (Ш. тар., 4).

288-§. *-қар/-ғар/-кэр/-гэр* аффикси асосан отдан феъл ясайди ва ўзакдан англашилган предметга, ҳолатга эга бўлишни билдиради. Мас.: *Отғаруңлар йылқыларыңызны* (Таф., 21а). *Сэн анларың тамыны көнгэрдиң* (Таф., 11а). *Нажāт сары башқарур* (Нав. МҚ, 101). *Элни мундақ икки балāдын өткэрүр* (Нав. МҚ, 75).

289-§. Эски ўзбек тилида феъл ясовчи яна айрим аффикслар мавжуд бўлиб, булар билан феъл ясалиши анча чегараланган, баъзилари эса айрим сўзлардангина феъл ясайди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

*-қ/-к* (ундошдан кейин: *-ық/-ик -уқ -ук*) аффикси билан от ва бошқа сўзлардан феъл ясалади. Мас.: *Либāсы рангын билмэн, й о л у қ с а, ҳайраттын* (Лутф., 179а). *Ҳақның йақынларыға й о л у қ у ш т ы* (Нав. МҚ, 158). *Мэниң билә ...й а ғ ы қ м ы ш болғайлар* (БН, 80). *Ким й а ғ ы қ с а шāҳи Шайбāнийға,..* (ШН, 47).

*-т* (ундошдан кейин: *-ыт/-ит*) аффикси сифатдан феъл ясайди. Мас.: *Қапуғларны мэн б э р к и т т и м* (Рабғ., 57а). *Ул тамны т ү з ә т д и* (Таф., 11а). *Ошны б э р к и т т и л ә р* (БН, 81).

*-са/-сә* аффикси билан отдан феъл ясалади. Мас.: *Мусā йабанда с у в с а с а эрди,..* (Таф., 29а). *Дилрабā, āби ҳайāт эрниң үчүн җāн с у в с а д ы* (Лутф.).

*-сын -син* аффикси билан от ва сифатдан феъл ясалади. Мас.: *Б о й у н с у н м а д ы, у л у ғ с ы н д ы* (Рабғ. 6а). *Й ы ғ л а м с ы н у р-у көзигә кэлмәс йаш* (Нав. МЛ, 179).

## ФЕЪЛ ДАРАЖАЛАРИ

290-§. Эски ўзбек тилида ҳам феъл даражаларининг қуйидаги турлари мавжуд бўлган: *бош даража, ўзлик даража, мажҳул даража, биргалик даража, орттирма даража.*

Феъл даражаларининг ясалиши ва уларнинг маънолари бўйича айрим ўзгачаликлардан ташқари, эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тили ўртасида деярли фарқ йўқ.

Феълнинг бош даражаси учун эски ўзбек тилида ҳам махсус аффикслар қўшилмайди. Бошқа даража формалари бош даражадаги феълларга махсус аффикслар орттирилиши билан ҳосил бўлади.

291-§. Ўзлик даража *-н* (ундошдан кейин: *-ын/-ин/ -ун/-үн*) аффикси билан ясалади. Мас.: *Йусуф ул бөләккә с э в ү н д и* (Рабғ., 64а). *Күйди, ө р т ә н д и ғам отында ичим ташым мэниң* (Отойи, 33б). *Ҳаргэз андақ дилпазир к ө р ү н м ә с ким,..* (Нав. Мнш., 3). *Он алты қатла ч у м у н д у м* (БН, 120). *Оғуз хāнға б а қ ы н м а д ы* (Ш. тар., 22).

Ўзлик даражадаги феъл одатда бош келишикдаги сўз билан муносабатда бўлади. Лекин ўзлик даража формасидаги ўтимли феъллар баъзан тушум келишигини бошқариб келиши ҳам учрайди. Мас.: *Мэниң ғанимим қорғанда эди, ҳам қ о р ғ а н ы н ы а л ы н д ы,..* (БН, 105). *А н ы үч қисм қ ы л ы н д ы* (Нав. МҚ, 8). *Омар атлығ э р н и өзләригә малик т у т у н д ы л а р* (Рабғ.).

Ўзлик даража маъноси баъзан мажҳул даража аффикси *-л(-ыл/-ил//-ул/-үл)* билан ҳам ифодаланади. Мас.: *Бу васила*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*билә ҳ а й ā л қ ы л ы л д ы ким,..* (Нав. МН, 10). *Талхлығыдын ичә алмай, маъҷун ихтиййāр қылылды* (БН, 323).

292-§. Мажҳул даража *-л* (ундошдан кейин: *-ыл/-ил*, *-ул*/*- үл*)аффикси билан ясалади. Мас.: *Үн эшитилди* (Таф., 18*а*). *Атамдын, анамдын айрулдум, қул болуб сатылдым* (Рабғ., 52*а*). *Қуллуқ арзадāшт йәкшанба күни битилди* (Нав. Мнш., 6). *Сөз билә āлам эшиги ачылур//сөз билә мунча жавāҳир сачылур* (ШН, 11). *Айтылған йәрләрниң ичиндә... олтурдылар* (Ш. тар., 40).

Мажҳул даража формасидаги феъл ҳам одатда бош келишикдаги сўз билан алоқага киришади. Айрим ўринларда эса тушум келишигидаги сўзни бошқариб келади. Мас.: *Буйурған ғазаллардын тайййāрӷ болғанларны йибәрилди* (Нав. Мнш., 10). *Муҷавирларны бу ҳаракаттын таҳдид билә ман қылылды* (БН, 171).

293-§. Биргалик даража *-ш* (ундошдан кейин: *-ыш/-иш*//*-уш/-үш)* аффикси билан ясалади. Бу форма иш-ҳаракатни бажаришда ёрдамлашиш, иш-ҳаракатни биргалашиб бажариш каби маъноларни ифодалайди. Мас.: *Фāтима Али бирлә отурды, йығлашдылар* (Таф., 146*а*). *Икки қашы баш бир қылыб, билмән, нә сөз сөзләшиләр* (Лутф., 185*б*). *Бирикки қатла ул тараф бу тарафдын қылыч алыштылар* (БН, 53). *Барчасы қол тутушуб чықдылар* (ШН, 67). *Ва тақы бири-бири бирлән йағы болуб чапышурлар эрди* (Ш. тар., 41). *Қышлақ җувāны йығылышыб//ыссығда ойнашғай пишиб* (Муқ., 100).

294-§. Орттирма даража кўп формали бўлиши билан бошқа даражалардан ажралиб туради.

Орттирма даража ясовчи аффиксларнинг кўпчилиги бир аффикснинг фонетик вариантлари сифатида вужудга келган. Иккинчидан, орттирма даража аффиксларининг ишлатилиши айрим ўринларда феъл негизининг характерига ҳам боғлиқ. Учинчидан, орттирма даража ясовчи аффиксларнинг бир групласи актив қўлланса, баъзилари айрим феълларгагина қўшилади.

Эски ўзбек тилида орттирма даража қуйидаги аффикслар билан ясалган:

*-т* (ундошдан кейин: *-ыт/-ит*//*-ут/-үт*) аффикси асосан икки бўғинли феълларга қўшилади: *Мән аны йығлатғам* (Таф., 137*а*). *Көп Лутфийни қорқутма* (Лутф., 218*а*). *Охшатты қāматыңға санāвбарны бāғбāн* (Нав. МН, 76). *Чықарыб элни йүруттиләр тәз* (ШН, 64);

*-р* (ундошдан кейин: *-ур/-үр*//*-ар/-әр*) аффикси асосан бир бўғинли феълларга қўшилади. Мас.: *Қамуғны буздьı, кәтәрди,* (Рабғ., 134*а*). *Кәчүргәй ушбу дарйāдын мәни* (Отойи, 60*б*). *Шайдāлыққа баш чықарур* (Нав. МҚ, 87);

www.ziyouz.com kutubxonasi

*-тур/-түр/-дур/-дүр* аффикси *-т* ва *-ур/-үр* аффиксларининг бирикуви асосида ҳосил бўлган. Бу аффикс ундош билан тугаган феълларга қўшилади: сонор товушлари, умуман, жарангли ундош билан тугаган феълларга *-дур/-дүр,* жарангсиз ундош билан тугаган феълларга *-тур/-түр* кўринишида қўшилади. Лекин [л] сонори билан тугаган айрим феълларга *-тур/-түр* кўринишида қўшилади: *кэлтүр, өлтүр* каби. Мисоллар: *Ҳакимларны йығдурды* (Рабғ., 28*а*). *Ҳаҗр оты бу күн ичимни күйдүрүр* (Сакк., 26*б*). *Бир пāра қой кэлтүрди* (БН, 199). *Алтун уйны тиктүрди* (Ш. тар., 30).

*Кэл-* феълига *-түр* қўшилганда, баъзан феъл охиридаги [л] тушиб, *кэтүр* формасида қўлланади: *Имāн кэтүрмиш болур* (Таф., 73*б*). *Кэтүр, сāқий, мэңә бир җāм рангин* (Нав. ФШ, 43);

*-ғур/-гүр, -қур, -күр -қар, -кәр* аффикси асосан бир бўғинли феълларга қўшилади. Мас.: *Нэ мунча йазғурадур шайхи пāрсā бизни* (Отойи, 64*а*). *Билгүрүр майдāн ичиндә ҳар кишиниң пāйасы* (Сакк., 20*б*). *Башларын көккә йәткүрүлүр* (Нав. МҚ, 116). *Инсāфсыз адувны йаманлықдын өткәрүр* (Нав. МҚ, 81);

*-ғуз -гүз, -қаз, -кәз* аффикси *-ғур/-гүр...* аффиксининг фонетик варианти сифатида вужудга келган. Мисоллар: *Ул тиқы көргүзди* (Рабғ., 90*а*). *Самарқанд тахтыға олтурғуздылар* (БН, 38). *Аллыда бир нэчәни турғузды* (ШН, 31). *Көргүзүр-сэн ағызны ҳанда биләэ* (Лутф., 220*б*). *Мэни өткәзиңизләр тэб,..* (Ш. тар., 76);

*-ыз/-из* аффикси ҳам бир бўғинли феълларга қўшилади. Бу аффикснинг ишлатилиши эски ўзбек тилида айрим феъллар билан чегараланган. Мас.: *тамызды, ақызды, эмизди* (Санг.);

*-гүт, -сәт* аффиксларининг ишлатилиши *көр-* феъли билан чегараланган. *-гүт* аффиксли форманинг ишлатилиши XV асрдан олдинги даврларга оид бўлиб, *-сәт* аффиксли форма эса XV аср ва ундан кейинги даврларда кузатилади. Мисоллар: *Учмақны, тамуғны мэңә көргүтсә-сэн, тэб айды* (Таф., 10*б*). *Сэн агар руҳ көрсәтүр болсаң,..* (Отойи, 59*а*). *Кэмәни нэчүк йасарын көрсәтди* (Ш. тар., 10).

295-§. Ҳозирги ўзбек тилидаги каби эски ўзбек тилида ҳам бир феълга бирданига икки ва ундан ортиқ даража аффикси қўшилиб келган. Мас.: *Мунтазирлар көзин йарутулса, тағдын қуйаш чыққан-дэк болғай* (Нав. Мнш., 1—2). *Ул биридин башын, айағын йығыштурғай* (Нав. МҚ, 89). *Ганимни қачурулды* (БН, 105). *Ҳусайн мирзā биләэ ҳам ушбу нав көрүшүлди* (БН, 234). *Хāн ун кэлтүртти* (Ш. тар., 51).

www.ziyouz.com kutubxonasi

# РАВИШ

296-§. Эски ўзбек тилида ҳам равиш категорияси сўз ўзгартувчи аффикслар қабул қилмаслиги билан характерланади. Бу ҳол равиш туркумининг бошқа мустақил сўз туркумларидан фарқловчи ўзига хос белгисини ташкил этади. Гапда равишлар бошқа сўзлар билан битишув йўли билан боғланади. Айрим равишларнинг таркибидаги келишик аффикслари эса ўзининг грамматик хусусиятини йўқотиб, сўзнинг таркибий қисмига айланиб қолган.

Туркий тиллардаги, шу жумладан, ўзбек тилидаги равишларнинг бир группасини бошқа сўз туркумларидан ажраб чиққан сўзлар ташкил этади. Бундай равишларнинг кўпчилиги исмлар, айримлари феъллар асосида шаклланган. Равишларнинг бошқа сўз туркумларидан ажраб чиқиши маълум тарихий даврларда ҳар хил йўллар билан юзага келган. Масалан, ҳозирги *ташқари, ичкари* типидаги сўзлар таркибидаги *-қари/-кари* элементлари тарихан жўналиш келишиги аффикси бўлган (Қар.: §§ 25, 308). *Кеч, кеча, эрта* каби пайт билдирувчи сўзлар эса қўлланиш ўрнига қараб равиш маъносини ҳам ифодалайди (Қар.: § 311).

297-§. Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган равишларнинг ва равиш маъносида қўлланувчи сўзларнинг маълум қисми бошқа системадаги тиллардан ўзлаштирилган. Бундай сўзларнинг кўпчилиги эрон тилларига, айримлари араб тилига мансуб. Ўзлаштирилган равишлар тузилиш жиҳатдан турлича.

Эски ўзбек тилига эрон тилларидан ва араб тилидан ўзлаштирилган равишлар ва равиш маъносида қўлланувчи сўзларнинг ишлатилишига мисоллар келтирамиз: *А ҳ и с т а айтдуқымызны ҳам эшитүр* (Таф., 97б). *Мэн ҳ а р г э з... алмышым йоқ* (Рабғ., 30а). *Үчрэди н ā г ā ҳ рақиби* (Лутф., 208б). *Д ā и м ā маст-у бэхабар көрүнүр* (Отойи, 23б). *Көңүл аҳвāлыдын ā г ā ҳ унутты* (Отойи, 71а). *Көңүл ичрэ д ā и м салур йол* (ШН, 80). *Күзэтүр-мэн ҳ а м и ш а ҳāлыңны* (Нав. СС, 177). *Бадиханы р а в ā н айтур эрди* (Нав. МН, 26). *Бу матла ҳам х о б вāқэ болубтур* (Нав. МН, 96). *Көрэли, қайсымыз йэңэр ā х и р* (Лутф., 215б). *Тэз сувлардын... ā с ā н өтэдүр* (БН, 356). *Ҳ а н у з тааллум қыладур* (БН, 334). *Элимизни чападур п а й в а с т а* (ШН, 91). *Оң сарыдын тапса п а й д а р п а й//болмағай кам киши ичэрдин май* (Нав. СС, 132). *Н ā г а ҳ ā н түшти көзүм бир маҳлиқā җāнāнға* (Фурқ. I, 37). *Җāн қасды үчүн кэлүр д а м ā д а м* (Лутф., 207б). *Көзүм йашын назардын д а м б а д а м салғум* (Сакк., 5б). *С у б ҳ и д а м мэҳрāбларда сураи йāсин оқур* (Отойи, 24а). *Ҳ а р д а м җамāлың өтэр-у ҳуснуңа йоқ назар* (Лутф., 194б). *Чықар ҳ а р л а ҳ з а йүз мың шива бирлэ* (Отойи, 54б). *Ҳ а р*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*саҳар элкимни көтәрсәм,..* (Лутф., 191б). *Көз йашындын ҳар замāн ғам кәлүр* (Отойи, 15б). *Ҳар нафас көккә йэтәр... тутун* (Лутф.). *Зāҳирā халқ ара сөз айтылмас* (ШН, 12). *Маҳшарда ғāлибā ким, у күн көрмәгәй азāб* (Лутф., 160б). *Ҳāлā ушбу фурсатта рухсат бэрмәсә ким,..* (БН, 148). *Аввал аңа қылдуқ хитāб* (Нав. ЛТ, 78).

## РАВИШ ЯСАЛИШИ

298-§. Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган равишларнинг асосий қисми ясама сўзлардан иборат бўлиб, булар морфологик (аффиксация) ва синтактик усуллар билан ҳосил бўлган.

Асли ўзбекча (туркий) туб равишлар жуда кам сонни ташкил этади. Булардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: *Бизниң аталарымыз ким, ашну өлдиләр,..* (Таф., 70а). *Бат бол, башың ал, қач* (Отойи, 10а). *Чықыбан қалъаны бэрсүнләр бат* (ШН, 25). *Сизиңдә кэзин биз тэк турмағай-миз* (Таф., 39б). *Йығачыны тик тутуб турадур* (БН, 457).

Эски ўзбек тилида туб сўз сифатида тасаввур қилинган айрим равишлар аслида ясама равиш бўлган. Масалан, *нару* (нари), *бэрү* (бери) равишлари узоқликни англатувчи *на* ва яқинликни англатувчи *бэ* сўзларига қадимги жўналиш келишиги аффикси *-ру/-рү* қўшилиши билан ҳосил бўлган. Шунингдек, *эмди//эмти* (ҳозирги ўзбек тилида *энди*) равиши тарихан «яна», «ва» каби маъноларни ифодаловчи *эм* сўзига *-ди (-ти)* қўшилиши билан ҳосил бўлган. Қадимги ёдгорликлар тилида *-ти(-ты)* аффикси билан бошқа сўзлардан ҳам равиш ясалиши учрайди. Масалан, *эдгүти(эдгү*—яхши), *түкәти*(бутунлай, тамоман), *қатығты* (маҳкам, кучли), *узаты* (узоқ, анча вақтгача), *улаты*(бирга, биргаликда), *арыты*(бутунлай, тамоман, батамом).

### Морфологик усул билан равиш ясалиши

Эски ўзбек тилида қуйидаги аффикслар билан турли сўз туркумларидан равиш ясалган.

299-§. *-ча/-чә* аффикси билан ясалган равиш иш-ҳаракатнинг ҳолати, миқдори, даражаси каби маъноларни ифодалайди ёки бирор ҳаракат белгисининг бошқа ҳаракат белгисига ўхшашлигини кўрсатади. Бу аффикс турли сўзларга қўшилиб равиш ясайди:

1. Отга қўшилади. Мас.: *Алар ҳам түркчә айтурлар* (Нав. МЛ, 187). *Улуғлуғы бургутча болғай* (БН, 364). *Алардын мың йылча өтүбдүр* (Фурқ. II, 42).

*-ча/-чә* аффикси қўшилган от эгалик аффикси билан келган бўлиши ҳам мумкин. Мас.: *Өз көңлүмчә кэлмишим йоқ*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Рабғ., 91б). *Имāратлары атасыны* *и м ā р а т л а р ы ч а эмәс* (БН, 44). *Кийдиләр җуббаларыны к ө з и ч ә//дәдиләр қатл сөзини й у з и ч ә* (ШН, 180).

2. Кишилик ва кўрсатиш олмошларига қўшилади. Мас.: *Дунйāда бар-му экән м э н ч ә йаман* (ШН, 181). *Ҳэч кимгә с э н ч ә бэрмәди, аййāр, қаш-у көз* (Лутф., 188б). *Аз қыл җафā-ву җаврны, м у н ч а фарāвāн эйләмә* (Сакк., 19б). *Ҳар кэчә йүзи йāды билә йығларам а н ч а* (Лутф., 185а). *У л ч а биз аввал аңа қылдуқ хитāб* (Нав. ЛТ, 78).

*-ча/-чә* аффикси *ушбу* кўрсатиш олмошига қўшилганда, *ушмунча* (ушмун+ча<ушму+ча<ушбу+ча) формаси ҳосил бўлади. Мас.: *Мәҳмāнлық ҳам олғай у ш м у н ч а* (Нав. СС, 133). *У ш м у н ч а дәйдүрләр ким,..* (БН, 353).

3. Сифатга ва равишга қўшилади. Мас.: *Пāдшāҳзāдаларның улуғына у л у ғ ч а ва кичигинә к и ч и к ч ә бәрди* (Ш. тар., 30). *Аның а р д ы н ч а йүрүр эрдүк* (Таф., 45а). *Сэн с о ң у м ч а йүгрүр эрдиң* (Рабғ., 73а). *Өзләри с о ң ы ч а бардылар бат* (ШН, 30). *Й а ш у р у н ч а барыб, атларны чықаралың* (БН, 142). *К э й н и ч ә ихтийāрсыз чапты* (Нав. СС, 152). *Бир нишāна к э й н и м и з ч ә кэлдиләр* (БН, 131).

4. *-ча/-чә* аффикси сифатдош формасига қўшилганда, равишдош ёки равиш маъноси ифодаланади (Қар.: § 195).

*-ча/-чә* аффикси билан ясалган равиш предметнинг (шахснинг) белгисини билдириб, сифат маъносида ҳам қўлланади. Мас.: *Т у р к ч ә шэъри йахшы вāкэ болубдур* (Нав. МН, 23). *Қ ы л ч а җāным бар, қылай ҳиндуйи зулфуңа фидā* (Отойи, 14а). *Рубъи маскунда С а м а р қ а н д ч а латиф шаҳар камрақдур* (БН, 55). *Ф р а н с у з ч а ва а л м а н ч а хат ва лисāн билмақны өзләриға лāзим билүр экәнләр* (Фурқ. II, 149).

**300-§.** *-ғача -гәчә қача/-кәчә* аффикси жўналиш келишигига *-ча/-чә* аффикси қўшилиши билан ҳосил бўлган қўшма аффикс бўлиб, от, сифат, олмош, равиш туркумидаги сўзлардан равиш ясайди. Бу аффикс билан ясалган равишларнинг қандай маъно англатиши асосан сўз ўзагининг характерига боғлиқ:

1. Пайт билдирувчи сўзларга қўшилганда, пайт чегараси кўрсатилади. Мас.: *Т у н г ә ч ә урмақ эди көксигә таш* (Нав. ЛТ, 169). *Тā намāз х у ф т ā н ғ а ч а йол барылды* (БН, 140). *Бу күн ā х ш ā м ғ а ч а нә болуры маълум эмәс* (Нав. МҚ, 128). *Ушбу х а ф т а ғ а ч а йоқ эрди хабар* (ШН, 208). *Ҳ а н у з ғ а ч а киши эвунә түшмәй-мэн* (Ш. турк, 140).

2. Ўрин, макон билдирувчи сўзларга қўшилганда, макон чегараси кўрсатилади. Мас.: *Оқларны к ө к к ә ч ә атуң* (ЎН, 60). *Ишқның ғāйаты бу й э р г ә ч ә д у р* (Нав. МҚ, 99). *Ғ а з н и ғ а ч а чэрик элиниң атлары ға бу ҳāл эди* (БН, 189).

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Миқдор билдирувчи ва шунга ўхшаш сўзларга қўшилганда, миқдорнинг чегараси кўрсатилади. Мас.: *Говҳар қийматыға нэчук кэ, мурāтиб асру көпдур, ҳаттā кэ, бир дирамдын йуз т у м э н г э ч э дэсэ болур* (Нав. МЛ, 173). *Ашиқға васлның ниҳāйаты бу сөзни д э р г э ч э д у р* (Нав. МҚ, 99). *Бу м а р т а б а ғ а ч а сувны мушриф қылыбтурлар* (БН, 324).

301-§.*-тэк -дэк* аффикси ўхшатиш, қиёслаш каби маъноларни ифодаловчи равиш ясайди. Бу аффикснинг қайси вариантда қўшилишида маълум қонуният йўқ. Фарқ шундаки, *-тэк* варианти бу аффикснинг қадимги кўриниши бўлиб (қадимги ёдгорликларда ҳам шу вариантда қўлланган), *-дэк* варианти кейинчалик пайдо бўлган. Ўзбек тилида XIV аср ўрталаригача *-тэк* формасида, XIV аср иккинчи ярми ва XV аср биринчи ярмида *-тэк* ёки *-дэк* формасида, кейинги даврларда эса асосан *-дэк* формасида қўлланган.

Баъзи ёдгорликларда, масалан, «Шажараи тарокима»да бу аффикс *-дай(-дэй)* формасида ҳам учрайди: *Қ а н л ы Й а в л ы д а й йахшы оғлуң бар* (Ш. тар., 49). *Улуғ а қ а л а р ы н д а й давлатлы болуб,..* (Ш. тар., 76).

Бу аффикс кўрсатиш олмошларига кўпинча *-дақ/-дағ* формаларида қўшилади: *мундақ//мундағ, андақ//андағ, ошандақ //ошандағ* каби.

Эски ўзбек тилида *-тэк/-дэк* аффикси қуйидаги сўзларга қўшилиб равиш ясалган:

1. Отдан равиш ясайди. Мас.: *Саккāкий көз йашын йаз й а м ғ у р ы-т э к йағдурур* (Сакк., 17б). *А н а л а р-д э к азāсын тутмыш эрди* (Нав. ФШ, 197). *От й а л ы н-д э к чақылыб кэлгусидур* (ШН, 93). *Қанға бағрым л ā л а-д э к толды* (Муқ., 219).

2. Сифатдан равиш ясайди. Мас.: *Йана о з а қ ы-т э к йығач болур эрди* (Таф., 29а). *Б а й а қ ы-т э к көк көрэр-мэн* (Рабғ., 28б). *Б у р у н ғ ы-д э к таъзим қылмады* (БН, 236).

3. Айрим сифатдош ва ҳаракат номи формаларига қўшилиб равиш ясайди:

-мыш/-миш+-тэк/-дэк: *Абдуллā а й т м ы ш ы-т э к болды* (Таф., 129б). *Йусуфға с а б р қ ы л м ы ш-т э к мунда тақы сабр қылайын* (Рабғ., 67а);

-ған/-гэн//-қан/-кэн+-тэк/-дэк: *Тағдын қуйаш ч ы қ қ а н-д э к болғай* (Нав. Мнш., 2). *Мэн д э г э н-д э к-о қ болды* (БН, 343). *Көрунур там узэ тон й а й ғ а н-д э к* (ШН, 103);

-р(-ар/-эр//-ур/ *ур*)+-тэк/-дэк:*Башыны йылан башыны с о қ а р-т э к соқғыл* (Таф., 26б). *Көзгудэ к ө р э р-т э к көрэр эрди* (Рабғ., 56б). *Йағы бирлэ у р у ш у р-д э к болғай//разм вақты т у р у ш у р-д э к болғай* (ШН, 79);

-ғу/-гу//-қу/-ку+-тэк/-дэк: *Й а н м а ғ у-т э к болса, ул йэрдэ сувқа салың* (Таф., 129а). *Нэъмат й ... у-т э к болмыш,*

*турғыл!* (Рабғ., 52б). *Бас, ы н а н ғ у-д э к сэн ҳам аҳд бирлә паймāн қыл* (Муқ., 147).

4. Кишилик ва кўрсатиш олмошларига қўшилиб равиш ясайди. *-тэк/-дэк* аффикси қўшилганда, кишилик олмошларининг III шахс бирлиги доим қаратқич келишигида бўлади, I ва II шахс формалари эса кўпинча қаратқич келишигида, баъзан бош келишикда бўлади. Мас.:

*М э н и ң-т э к бэхабар қылсаң нэ болды* (Отойи, 60б). *Тапылмас насли āдамдын с э н и ң-т э к* (Отойи, 4б). *Хожа Абулмакарим ким, б и з н и ң-д э к жалāйи ватан эди, мэни көрә кэлди* (БН, 75);

*Олтурур тā субҳ м э н-д э к тэлмуруб* (Отойи, 7а). *Көрмәгән бир с э н-д э к аҳли розғāр* (Нав. ЛТ, 55);

*А н ы ң-д э к урды йүз шāҳзāда сары* (Нав. ФШ, 76). *Қат урмақ а н ы ң-т э к әйләгил сāз* (Мунис, 351).

Кўрсатиш олмошларига *-тэк/-дэк* аффикси қуйидагича икки хил кўринишда қўшилади:

а) кўпинча *-дағ/-дақ* формаларида қўшилади: *А н д а ғ фаҳр қылу турур* (Рабғ., 138б). *О ш а н д а ғ қолыға алыб атланды* (БН, 131). *Аны ш у н д а ғ қойғыл* (Ш. тар., 26). *Сабāдын нары а н д а ғ қылур-мэн, м у н д а ғ қылур-мэн* (Ш. турк, 139). *Мэни м у н д а қ фарāмуш әйләсәң,..* (Лутф., 223 а). *Ҳаййāлға а н д а қ кэлур ким,..* (Нав. МН, 187). *Ш у н д а қ болса кэрәк* (Фурқ. II, 150);

б) *бу, ул* кўрсатиш олмошларига баъзан *-тэк/-дэк* формаларида ҳам қўшилади. Бунда кўрсатиш олмошлари қаратқич келишигида келади. Мас.: *Ҳэч көңул а н ы ң-т э к санмадуқ болур* (Таф., 67а). *М у н у ң-т э к иш қилурны билмәмиш халқ* (Нав. ФШ, 111).

*Ушбу* кўрсатиш олмошига *-тэк/-дэк* қўшилганда, қуйидагича уч хил форма ҳосил бўлади: *ушмунуң-дэк, ушмундақ, ушмунәк.* *Мисоллар: У ш м у н у ң-д э к қыш ичиндә ул хāн қылды барча улусыға фармāн* (ШН, 85). *Ҳāлы у ш м у н д а к-о қ болғусыдур* (БН, 191). *Көзүң көңлүм алурға майл қылса//турубтур у ш м у н ә к жāн ҳам назарда* (Отойи, 4б).

*-тэк/-дэк* аффикси билан ясалган форма предмет ёки шахснинг белгисини билдириб, сифат ўрнида ҳам қўлланади. Мас.: *А й-т э к йүзүңни жумлаи жаҳāндын күниләр-мэн* (Сакк., 15б). *Көк йэмрулүб йэргә й ы қ ы л ғ у-т э к от кэлди* (Рабғ., 42а). *М у н у ң-д э к киши ҳамдам болғай* (ШН, 16). *С э н и ң-т э к нāзанин султāна кэлдим* (Лутф., 205б). *М у н д а ғ күчүң бар эркән Йусуфны нэчүк бөригә йэдүрдүң* (Рабғ., 69б). *У ш м у н д и қ улуғ шаҳарлар ким,..* (БН, 355). *О ш а н д а ғ бэрк қорғинны йавушқан экәндүрләр* (БН, 332—333).

Бу мисоллардаги *ай-тэк, йықылғу-дэк, мунуң-дэк, сэниң-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*тэк, мундаг, ушмундақ, ошандаг* сўзлари сифат маъносида қўлланган бўлиб, аниқловчи вазифасида келган.

302-§. *-ла -лә* аффикси пайт маъносидаги отларга, асосан, *таң, түн* сўзларига қўшилиб, пайт равиши ясайди. Мас.: *Т ү н л ә оқуса, фазл артуқ болгай* (Таф., 61б). *Баъзини т а ң л а бәгигә элтиб тартқай* (Нав. МҚ, 52). *Т ү н л ә-о қ йәтти ошул қоргапга* (ШН, 178). *Эмди бу күн т а ң л а бу сөз Абид хāнга йәтәр* (Ш. турк, 125).

*Таңла* равиши III шахс эгалик аффикси билан ҳам келади (*таңласы*), баъзан эгалик аффиксидан кейин жўналиш келишиги аффикси ҳам қўшилади (*таңласыга*). Лекин маънода ўзгариш бўлмайди. Мас.: *Т а ң л а с ы ул йан йана сурды җамāл* (Нав. ЛТ, 156). *Т а ң л а с ы кэлди улуг султāн* (ШН, 39). *Т а ң л а с ы г а бу йурттын көчуб...* (БН, 276).

*Ул, бу, шу* кўрсатиш олмошларига *-ла/-лә* аффикси қўшилиб, *уйла, буйла, шуйла* равишлари ҳосил бўлади. Бу равишлар «ундай», «бундай», «шундай» маъносини ифодалайди. Бу формаларнинг қўлланиши асосан XV асрдан бошлаб кузатилади. Мисоллар: *Эй қарақчы көзли дилбар, у й л а бил* (Лутф., 225а). *Сөз җавāбын б у й л а чун сāз әйләди* (Нав. ЛТ, 156). *Ш у й л а ким башта барын айтылды* (ШН, 209). *Б у й л а болмас эрди, болса мустаҗāб* (Муқ., 112).

303-§. *-āна* аффикси отга қўшилиб, ўхшатиш, қиёслаш маъносидаги равиш ясайди. Ўзбек тилига бу форма эрон тилларидан ўзлаштирилган. Мисоллар: *Сэни мэн өлтүрүр-мэн, тэб айтты т ү р к ā н а* (Сакк., 17б). *Йыгыб чин лашкары сипса м о г у л ā н а көзүң йүзгә//чагатай бирлә өзбәкни алур тарāҗ-у йагмāсы* (Отойи, 65б). *Кэлтүр, сāқий, шарāби ā ш и қ ā н а//кэ болмыш-мэн хирад бирлә фасāна* (Нав. ФШ, 91).

*-āна* аффикси билан ясалган форма предметнинг ёки шахснинг белгисини кўрсатиб, сифат ўрнида ҳам қўлланади. Мас.: *Хэйли м а р д ā н а йигит эди* (БН, 123). *Нэ ш ā и р ā н а таркибләри аҳсāн ви нэ ā ш и қ ā н а сөз-у дурлары шуъла афкāн* (Нав. МҚ, 29).

*-ан* аффикси билан ясалган *тахминан* типидаги равиш эски ўзбек тилида кам истеъмолда бўлган. Мас.: *Улуглыгы т а х м и н а н он қары болгай* (БН, 4).

## Синтактик усул билан равиш ясалиши

304-§. Синтактик усул билан равиш ясалиши эски ўзбек тилида ҳам қуйидагича уч хил йўл билан бўлган: 1) композиция йўли билан; 2) морфологик-синтактик йўл билан; 3) лексик-синтактик йўл билан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

### 1. Композиция йўли билан равиш ясалиши

**305-§. Қўшма равишлар.** Композиция йўли билан ясалган равишларнинг бу тури қуйидаги сўзлар иштирокида ҳосил бўлади.

1. *Бир* сўзига пайт, макон ва шунга ўхшаш маъноларни билдирувчи сўзларнинг қўшилиши билан пайт, ўрин ёки ҳолат маъносидаги қўшма равишлар ҳосил бўлади. Мас.: *Бир күн мушук итни көрди...* (Рабғ., 17а). *Нэ аҗаб, йэтсэң Атайи бир түн ул ай васлына* (Отойи, 32б). *Бир лаҳза сэнсиз сабр йоқ* (Лутф., 201б). *Бир сары йолыны дарйā тутты* (ШН, 49). *Бэш мың-алты мың бир хил учар* (БН, 360). *Мэни бир йэрдә муқим эткусидур* (ШН, 204). *Нāгāҳ бир тарафға қылсаң агар сафар сэн,..* (Муқ., 67).

2. *Ҳар* белгилаш олмошига пайт ёки макон билдирувчи сўзлар қўшилиб, пайт ёки ўрин маъносидаги қўшма равиш ҳосил бўлади. Мас.: *Ҳар күн салāмға барур эрдим* (Таф., 57а). *Ҳар кэчә йузи йāды биләә йығларам* (Лутф., 185а). *Өтәр йэтти фалактын ҳар саҳар āҳың сэниң* (Отойи, 32б). *Өзгә бирлә май ичәр ҳар қайда аның рашкыдын* (Фурқ. I, 32). *Ҳар йэрдә барсаңыз қуллуғда болур-сиз* (БН, 140).

3. *Ул, бу, ушбу, ошал* каби кўрсатиш олмошларига пайт ва макон билдирувчи сўзлар қўшилиб, пайт ёки ўрин маъносидаги қўшма равиш ҳосил бўлади. Мас.:

*Ул күн атғай-миз* (Таф., 51а). *Көңлүм ул йан тартадур* (Лутф., 182а). *Ул йэрдә қāзи йоқ экәндүр* (Нав. МН, 183);

*Бу кэчә Кармāнда қонарлар* (БН, 142). *Бу учурда дэрләр ким,..* (Нав. МН, 119). *Бу қыш қар бисйāр улуғ түшуб эрди* (БН, 200);

*Ушбу йыл Шайбāний хāн Чин софини Хоразмда он ай муҳāсара қылыб алды* (БН, 202). *Йоқса давлатыдын ушбу замāн//бар эди қалъаға чықмақ āсāн* (ШН, 57);

*Ошал вақт мэниң хāтирымға йэтти ким,..* (БН, 128).

4. *Ҳэч, қай* каби сўзлар иштирокида ҳам қўшма равиш ҳосил бўлади. Мас.: *Ҳэч замāнда ҳэч ким эшиткән ва көргән йоқтур* (Ш. тар., 17). *Султāн Муҳаммадны алмағунча ҳэч йэрдә турман* (Ш. турк, 68). *Рақиб уйын сорар-сэн «қай сары» дэб* (Отойи, 56а). *Дэди: қай чағдын олдуң ишқ ара маст* (Нав. ФШ, 153).

**306-§. Жуфт равишлар.** Эски ўзбек тилида ҳам турли сўз туркумларидан ҳосил бўлган жуфт равишлар қўлланган.

Эски ўзбек тилидаги жуфт равишларнинг кўпчилик қисми от. туркумидаги сўзлардан ҳосил бўлган. Мас.: *Йана түн-күн бардылар* (Таф., 28б). *Йузүңни шам көрмиш түн-кэчә*



www.ziyouz.com kutubxonasi

(Лутф., 178). *Эрур аҳвāлы кундин-кунгэ бэҳбуд* (Фурқ. II, 111). *Қазар эрди арығны кэчэ-кундуз* (Нав. ФШ, 119). *Қатра-қатра йығылыб, дарйā болур* (Нав. МҚ, 145). *Бу жинс бодана чир-дэк хайл-хайл учэдур* (БН, 362). *Бāда тāбыдын йузи ҳар лаҳза гул-гул йанадур* (Мунис, 309).

Сифат, олмош, сон, равиш, сифатдош, равишдош, тақлидий сўзлардан ҳосил бўлган жуфт равишлар эски ўзбек тилида нисбатан кам. Мисоллар: *Навҳа бирлэ йығлады аччық-аччық* (Нав. ЛТ, 157). *Анча билгэнимизни бир-бир айталың* (Ш. тар., 7). *Аз-аз өргэниб, дāнā болур* (Нав. МҚ, 145). *Дарйā ичиндэ өңин-өңин йолға кирдилэр* (Таф., 31 *а*). *Оқрын-оқрын йурий-оқ қатланды* (ШН, 164). *Танбал илгэри өзгэ эл қачар-қачмас болуб турубтур* (БН, 131). *Нэ болды, душман олдың жāнымға бара-бара* (Мунис, 58).

## 2. Морфологик-синтактик йўл билан равиш ясалиши

307-§. Туркий тилларда равишларнинг бир группаси морфологик-синтактик йўл билан, яъни айрим сўз ўзгартувчи формаларнинг синтактик функцияси ўзгара бориши натижасида вужудга келган. Равиш ясалишининг бу усули узоқ даврлар давомида юзага келади. Туркий тилларда бу процесс қадим даврлардан бошланган бўлиб, ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бу типдаги равишларнинг кўпчилиги келишик формалари, баъзилари эса айрим феъл формалари асосида пайдо бўлган.

308-§. Морфологик-синтактик йўл билан равиш ҳосил бўлишида замон ва макон келишиклари ҳамда восита келишиги иштирок этади. Бу келишик формаларидаги пайт ёки ўрин билдирувчи отлар, кўрсатиш олмошлари ва айрим сифатлар равиш туркумига ўтган ёки конкрет контекстда равиш функциясида қўлланган.

Айрим келишик формаларидаги сўзларнинг равиш туркумига ўтиши ёки равиш функциясида қўлланиши анча қадим даврлардан бошланган бўлиб, бу процесс маълум даврларгача давом этган. Восита келишиги формаси ва жўналиш келишигининг *-ру/-ру, -ра/-рэ, -ғару/-гэру//-қару/-кэру* аффиксли формалари шу группани ташкил этади. Қадимги ёдгорликлар тилидаёқ бу аффиксларнинг грамматик функцияси кучсизланиб қолганлиги ва бу аффиксларни қабул қилган сўзларнинг бир группаси равиш туркумига ўта бошлаганлиги кузатилади. XI—XII асрлардан кейинги даврларда эса бу аффикслар деярли истеъмолдан чиққан бўлиб, айрим сўзлар таркибидагина учрайди. Лекин бундай сўзлар энди равиш туркумига ўтган. Масалан, *кунун, тунун, қышын, йазын, кунун-тунун, қышын-йазын, тэркин* каби равишлар восита келишигининг *-ын/-ин//*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*-ун/-ун* аффикси ёрдамида ҳосил бўлган, *соңра, нары* (<*нару*), *бэри* (<*бэру*), *ташқару//ташқари, ичкэру//ичкэри, йуқару// йуқары, илгэру//илгэри* каби равишлар таркибидаги *-ра/рэ, -ру/-ру, -гэру/-қару/-кэру* эса жўналиш келишигининг қадимги аффиксларидир.

Мисоллар: *Т э р к и н йығылыб, аны өлдуруң* (Рабғ., 8б). *Ул кишилэр барча о ң ы н болмышлар* (Таф., 9б). *С о ң р а маълум қылдылар* (БН, 291). *Йол йаңылыб, й о л с ы з ы н бардылар* (Таф., 29а). *Өзин и ч к э р у салды* (Рабғ., 147б). *Сув барчасыны й у қ а р у көтурди* (Таф., 31б). *Өзни қалъадын т а ш қ а р ы салдым* (Нав. ФШ, 170). *Йигитлэрни и л г э р и йибэрдук* (БН, 102—103).

Чиқиш ва ўрин-пайт келишиклари формасидаги, шунингдек, жўналиш келишигининг *-ға/-гэ//-қа/-кэ* аффиксли формасидаги сўзларнинг равиш туркумига ўтиши ёки равиш маъносида қўлланиши нисбатан кейинроқ бошланган. Бу ҳол ҳозирги тил учун анча характерли ҳодиса бўлиб, эски ўзбек тилида ҳам (асосан XV асрдан бошлаб) маълум даражада кузатилади. Мас.: *А з а л д ы н āшнāңыз-мэн, валэкин...* (Отойи, 69б). *Б у р у н д ы н ишни қылмыш эрди маҳкам* (Нав. ФШ, 140). *Той нāчāр қылды й а л ғ а н д ы н* (Муқ., 51). *О ш а н д ы н қачқан билэ... Пāнипат навāҳисидин өтэрлэр* (БН, 332). *Сэн м у н д а турғыл* (Рабғ., 84б). *А н д а бармақ маҳāлдур* (БН, 140). *Хāнлар билэ төрт ай б и р г э болынды* (БН, 146).

309-§. Морфологик-синтактик йўл билан ясалган равишларнинг бир группаси баъзи феъл (асосан равишдош) формалари асосида вужудга келган. Бундай сўзларнинг айримлари бутунлай равиш туркумига ўтган. Масалан, *йана, айру* равишлари *йан-* (қайтмоқ), *айыр-* (айирмоқ) феълларига *-а, -у* аффикслари қўшилиб ясалган равишдош формаси бўлиб, кейинчалик равиш сифатида шаклланган. Шу типдаги равишдош формалари эса ўрни билан равиш маъносида қўлланиши мумкин.

Мисоллар: *Сувы қайнар-тэг т э г и н у ақар* (Таф.). *Ҳар ким алардын а й р у тушти, ҳақның йақынларыға йолуқушты* (Нав. МҚ, 158). *Ул элниң қāзиси йэмэ й а ш р у мусулмāн болмыш эрди* (Таф., 9а). *Қамбāр Али бэг қ ы ч қ ы р а айтты* (БН, 131). *Филниң... улуғ тиши бар, тамға ва йығачқа ушбу тишлэрни қойуб, з о р л а б йықытур* (БН, 356).

310-§. Айрим сўзларга ёки сўз бирикмаларига III шахс эгалик аффиксини қўшиш йўли билан ҳам равиш ясалиши ёки равиш маъноси ифодаланиши мумкин. Бу форма ҳам характерига кўра морфологик-синтактик йўл билан ясалган равишларга ўхшайди. Мас.: *Нэгэ б и р й о л ы āзāд эйлэмэс?* (Отойи, 27б). *Қ ы ш к у н л э р и кишига бу сув жузви савуқ махсус бөлэдур* (БН, 324), *Т у ш в а қ т ы болуб эрди ким,..*

(БН, 142). *Бурунғы куни арздāшт қылыб,.. йибәрилиб эрди* (Нав. Мнш., 6). *Төкүлгәй āхирu андын йәр үзрә сув бикин қаным* (Лутф., 208*а*).

### 3. Лексик-синтактик йўл билан равиш ясалиши

311-§. Лексик-синтактик йўл билан равиш ясалиши, яъни айрим сўзларнинг маълум контекстда равиш маъносида қўлланиши пайт билдирувчи отлар доирасида бўлади. Мас.: *Зулфи муанбарың ким, көздин үчәр узун кэчә* (Отойи, 18*б*). *Ахшāм андын көчүб, Али Масҗид түшүлди* (БН, 327). *Күндүз йашуныб,.. ул сары барылғай* (БН, 141). *Мэңә қышқы нэъматны йай бэрүр эрдиң, йайқы мэваны қыш бэрүр эрдиң* (Таф., 18*а*).

Равиш маъносида қўлланган бундай отлар кўпинча кўплик формасида келади. Бу ўринда кўплик аффикси маънони кучайтириш ва ҳаракат ёки ҳолатнинг такрорланиб туришини кўрсатади. Мас.: *Итиң Атайиға түнләр ачығланыб айтур* (Отойи, 64*б*). *Дард бирлә кэчәләр йығлар зāр* (ШН, 14). *Қышлар төрт-бэш ай җамъэ йоллар бағланур* (БН, 160). *Йана тотидур.., йазлар тут пышығыда Нингнаҳāр ва Ламғāнāтқа кэлүр* (БН, 360).

312-§. Сифат туркумидаги сўзларнинг, асосан, аслий сифатларнинг равиш ўрнида қўлланиб, ҳаракат ёки ҳолатнинг белгисини ифодалаши эски ўзбек тили учун ҳам характерли бўлган. Қиёсланг: *Йахшы савт билә адā қылғай* (Нав. МҚ, 33). *Қāфийасыны йахшы айтмайдур эрди* (Нав. МН, 254).

*Йахшы* сўзи биринчи мисолда сифат маъносида қўлланган бўлиб, предметнинг белгисини кўрсатади, иккинчи мисолда эса равиш маъносида қўлланган бўлиб, ҳаракатнинг белгисини кўрсатади.

Қуйидаги мисолларда ҳам *йумшақ, татлығ, күчлүк* сифатлари равиш маъносида қўлланган: *Фиръавнқа йумшақ, татлығ сөзләңләр* (Таф., 30*а*). *Шайх Дарвиш көкәлтәш... йайны күчлүк тартар эди* (БН, 199).

## Равишларда даража формаси

313-§. Равишларда ҳам сифатлардаги каби *-рақ/-рәк* аффикси қўшилиб даража формаси ҳосил бўлади. Бу форма иш-ҳаракат белгисининг кучли ё кучсизлигини кўрсатади ёки бошқа иш-ҳаракат белгиси билан қиёслайди. Мас.: *Сизләр мэниң үзә арқурақ кэлиңләр* (Таф., 9*б*). *Мундын артуқрақ ичмәди* (ЎН, 22). *Буйурды ким, равāнрақ кэлтүрүң ат* (Нав. ФШ, 122). *Бу сув түшәр йэрдин қуйырақ улуғ көл болубтур* (БН, 445). *Кэчрәк бир нэчә атлық... өтүб барадур* (БН, 305).

www.ziyouz.com kutubxonasi

# КЎМАКЧИЛАР

314-§. Туркий тилларда кўмакчилар мустақил сўз туркумларидан ривожланган. Лекин мустақил сўзларнинг кўмакчилар туркумига ўтиши узоқ даврлар давомида юз беради. Бундай сўзлар дастлаб ўз маъносида қўлланиши билан бирга, ўрни билан кўмакчи функциясини ҳам бажара беради. Даврлар ўтиши билан улар ўзининг мустақил лексик маъносини йўқотиб, кўмакчилар туркумига ўтади.

Ҳозирги туркий тилларда мавжуд бўлган кўмакчиларнинг мустақил сўз туркумларидан ажраб чиқиши нисбатан кейинги даврларда юз берган. Бу ҳол ёзма ёдгорликлар тилида ҳам маълум даражада акс этган. Масалан, ўрхун-енисей ёдгорликлари тилида кўмакчилар жуда кам сонни ташкил этади. XI асрга оид «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларида кўмакчилар сони анча кўпайган. Ёзма манбаларнинг кўрсатишича, XII—XIII асрлардан бошлаб туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам кўмакчилар группаси янада кенгая борган.

Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган кўмакчилар ҳам даставвал икки группага бўлинади: 1) соф кўмакчилар; 2) функционал кўмакчилар.

## СОФ КЎМАКЧИЛАР

315-§. Соф кўмакчиларни мустақил сўз туркумидан ажраб чиққан, мустақил қўлланиши ва лексик маъносини йўқотган сўзлар ташкил этади.

Соф кўмакчилар турли келишикдаги сўзлар билан бирга қўлланиб, келишик маъносини конкретлаштиришга хизмат қилади ёки унга қўшимча маъно оттенкалари беради, баъзан эса келишик функциясини бажаради. Эски ўзбек тилида ҳам соф кўмакчиларнинг айримлари бир хил келишик билан, баъзилари эса турли келишиклар билан қўлланган.

Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган соф кўмакчилардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

316-§. ***Учун*** кўмакчиси одатда бош келишикдаги сўз билан қўлланади. Кишилик, кўрсатиш олмошлари эса асосан қаратқич келишигида келади: *мэним учун* (Рабғ., 48б), *аның учун* (Нав. МҚ, 168), *бизниң учун* (БН, 332), *аның учун* (Лутф., 212б), *мунуң учун* (Таф., 31б).

*Учун* кўмакчиси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) аталганликни билдиради. Мас.: *Сэн Лот у ч у н қонуқ истэмәкни қойдуң* (Рабғ., 38б). *Бу ҳикайат эл у ч у н д у р бары//бу ривайат эл у ч у н д у р бары* (ШН, 80);

www.ziyouz.com kutubxonasi

б) сабабни билдиради. Мас.: *Ачлықда ҳэч нарса буғдайдын кэрэкрэк йоқ учун буғдай бэрэлим тэдилэр* (Рабғ., 65*а*). *Гойā рангыда ҳумрат бар учун бу тахаллусны ихтийāр қылыбтур* (Нав. МН, 133). *Ҳиндустāндын өзгэ йэрдэ болмас учун муны тақриб билэ зикр қылдым* (БН, 361);

в) мақсадни билдиради. Мас.: *Мусāны сынағу учун учэгун кэми ускунгэ кэлдилэр* (Таф., 11*а*). *Илм таҳсили учун шаҳрға кэлибдур* (Нав. МН, 104). *Атланыб чықты уруш эйлэр учун* (ШН, 222). *Сэни бир йэрдэ қоймақ учун турубмэн* (Ш. тар., 56).

317-§. *Бирлэ* (*бирлэн//билэ//билэн*) кўмакчиси. Бу кўмакчи дастлаб *бирлэ* формасида қўлланган бўлиб, қолган формалари кейинчалик вужудга келган.

XV аср ва ундан кейинги даврларда, асосан, шеърий асарларда бу кўмакчи *илэ* формасида ҳам анча кенг қўлланган: *Жāн ҳасрат илэ куйди* (Лутф., 189*б*). *Зулм илэ қан эйлэйин дэр* (Отойи, 57 *б*). *Кылдылар иттифāқ илэ чāра* (Нав. СС, 170). *Биз ошул сөзлэр илэ шāд олдуқ* (ШН, 147). *Нāз илэ кулбам ара кирсэң,..* (Мунис, 64). *Эйлэдим чын эътиқāд илэ салāм* (Муқ., 108).

XIX асрга оид шеърий асарларда бу кўмакчи *ла* формасида ҳам қўлланган. Мас.: *Адл қулағы-ла эшит ҳāлымы* (Муқ., 37). *Дилда васлың-ла фуруғи навбаҳāрым бар эди* (Муқ., 116).

*Бирлэ* кўмакчиси одатда бош келишикдаги сўз билан қўлланади. Кишилик, кўрсатиш олмошлари билан қўлланганда эса бу олмошлар қаратқич келишигида келади: *мэним бирлэ* (Таф., 18*б*), *мэниң бирлэн* (Ш. тар., 50), *сэниң бирлэ* (Лутф., 197*а*), *бизниң бирлэ* (Рабғ., 63*а*), *аның бирлэ* (Нав. ЛТ, 63), *муның бирлэ* (Мунис, 36).

*Бирлэ* кўмакчиси қуйидаги ўринларда қўлланади:

а) биргаликни билдиради. Мас.: *Бэш йуз эр бирлэ атланур болды* (Рабғ., 83*а*). *Шāгирдлары билэ тағ гаштыга барыб,..* (Нав. МН, 119). *Аны ҳам өзи билэ алыб барур* (БН, 331). *Өз новкарларың бирлэн анда барыб, отав суқуб кэлиңлэр* (Ш. тар., 27). *Аның бирлэ қылур эрдим тамāшā* (Фурқ. II, 49).

*Бирлэ* кўмакчиси биргалик маъносида қўлланганда, баъзан тенг боғловчига ўхшайди. Лекин бундай ўринларда ҳам биргалик маъноси устун туради. Мас.: *Чағатай бирлэ өзбэкни алур тарāж-у йағмāсы* (Отойи, 65*б*). *Мулк аҳлы башыға алтун билэ дурлар сачар* (Нав. МҚ, 9) *Туркистāн бирлэн Андижāнны алыб, атасы хизматыға кэлдилэр* (Ш. тар., 21);

б) воситани билдиради. Мас.: *Қарабашларны қамчы бирлэ, йығач бирлэ уру өлтурди* (Рабғ., 75*б*). *Оқлар бирлэ, қы-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*лычлар б и р л ә уруштылар* (ЎН, 51). *Нә тил б и р л ә дәб эркин бу мақāлын* (Нав. ФШ, 146). *Бутларына найзаның учи б и р л ә н санчдылар* (Ш. тар., 55). *Пычақ б и р л ә н өз қарныны икки йәрдин чāк қылыбдур* (Фурқ. II, 155);

в) ҳолат, сабаб каби маъноларни билдиради, яъни иш-ҳаракатнинг қандай ҳолатда ёки нима асосида юзага келиши кўрсатилади. Мас.: *Йэтмиш йыл болды нәъмат б и р л ә умр кәчүрдүм* (Рабғ., 78а). *Чықар ҳар лаҳза йүз мың шива б и р л ә* (Отойи, 54б). *Йүз ташвишлар б и л ә ичәр эдиләр* (БН, 241). *Фāтиҳа жаҳл и л ә оқышды туруб* (Муқ., 54);

г) ҳаракатнинг нима бўйича йўналишини кўрсатади. Мас.: *Йазлар сув улғайса, Шибарту коталыдын ашыб, Бāмийāн ва сайқан б и л ә йүрүрләр, қышлар Абдара б и л ә йүрүшүрләр* (БН, 160). *Бир нәчәси йол б и р л ә н ... Хоразмға кәлдиләр* (Ш. тар., 5);

д) пайтни билдиради. Бунда *бирлә* кўмакчиси пайт маъносидаги сўзлар билан келади. Мас.: *Бир манзилга т ү н л ә б и р л ә йэттиләр* (Таф., 132б). *Йалғуз жāнымға т а ң б и л ә, билмән, нә пайдā болғусы* (Сакк., 26б). *К э ч ә б и л ә обдāн иттифāқ қыла алмай, паришāн барыб тэгәрләр* (БН, 343).

**318-§.** ***Киби*** /***кәби***(كيبى ، كبى) кўмакчисининг қўлланиши XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади. Бу кўмакчи одатда бош келишикдаги сўз билан қўлланади. Кишилик, кўрсатиш олмошлари эса қаратқич келишигида ҳам келади. Қиёсланг: *Мэн киби* (Лутф., 184а) — *мэниң киби* (Лутф., 170б), *сэн киби* (Отойи, 48а), *аның киби* (Лутф., 179а), *аның кәби* (Таф., 142б).

Бу кўмакчи ўхшатиш, қиёслаш каби маъноларни билдиради. Мас.: *Он төртинч толун ай к ә б и болғай* (Таф., 56б). *Ҳар гошада мэниң к и б и йүз мың харāби бар* (Отойи, 18а). *Қылай Мажнун к и б и көңлүмни хāли* (Нав. ФШ, 178). *Өзгә хāнлар к и б и мажлис қурмас* (ШН, 13). *Сөзләриң тоти к ә б и ширин калāм этсәң нэтәр* (Муқ., 172).

**319-§.** ***Бикин*** кўмакчиси асосан XIV—XV асрларга оид ёдгорликларда (асосан шеърий асарларда) қўлланган бўлиб, одатда бош келишикдаги сўзлар билан келади. Кўрсатиш олмошлари эса қаратқич келишигида келади: *мунуң бикин* (Сакк., 20а).

Бу кўмакчи маъно жиҳатдан *киби*/*кәби* кўмакчисига ўхшайди, яъни қиёслаш, ўхшатиш каби маъноларни билдиради. Мас.: *Йаратты ай б и к и н зәбā сэни ҳақ* (МН, 307б). *Төкүлгәй āхири андын йәр үзрә сув б и к и н қаным* (Лутф., 208а). *Гул б и к и н жāн көңләкин йүз пāра қылды хāри ҳажр* (Отойи, 3а). *Мунуң б и к и н йүрүмәс ҳэч фалакта саййāра* (Сакк., 16а).

www.ziyouz.com kutubxonasi

320-§. *Йаңлығ* (*йаңлық*) кўмакчиси бош келишикдаги сўзлар билан қўлланади. Унинг қўлланиши XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади ва асосан шеърий асарларда учрайди.

Бу кўмакчи ҳам ўхшатиш, қиёслаш каби маъноларни билдиради. Мас.: *Қуйаш й а ң л ы ғ жамāлың āлам āрāй* (МН, 302б). *Ул сэниң кāфур й а ң л ы қ āрāзыңны ай дэгэй* (Лутф., 213б). *Ғунча й а ң л ы ғ чāк болмаған гирибāн қалмады* (Сакк., 21б). *Бу й а ң л ы ғ түш көрубтүрләр тамāмы* (Нав. ФШ, 207). *Йасаныб чықты пари й а ң л ы ғ бат* (ШН, 30). *Кирмәмиш ҳам кочаи ишқ ичрә мэн й а ң л ы г киши* (Мунис, 299).

321-§. *Үзрә* кўмакчиси (баъзан *үзә* формасида ҳам қўлланади) икки қисмдан иборат: «юза» маъносидаги *үз* сўзига жўналиш келишиги аффикси *-рә* қўшилиши билан ҳосил бўлган.

Бу кўмакчи XV асргача прозаик асарларда ҳам, шеърий асарларда ҳам қўлланган бўлиб, XV асрдан бошлаб асосан шеърий асарларда учрайди.

Бу кўмакчи одатда бош келишикдаги сўз билан қўлланади. XIII—XIV асрларга оид айрим ёдгорликларда, асосан, «Тафсир»да бу кўмакчи билан қўлланган кишилик олмошлари қаратқич келишигида ҳам келади: *мэниң үзә* (Таф., 9б), *мэним үзә* (Таф., 18б), *бизиң үзә* (Таф., 131б), *сизиң үзә* (Таф., 56а), *сизләриң үзә* (Таф., 19а), *аның үзә* (Таф., 24а).

*Үзрә* (*үзә*) кўмакчиси асосан қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) иш-ҳаракатнинг бирор нарса-предмет устида, юзасида бўлишини кўрсатади. Мас.: *Маликни сарāйда булдылар, тахт ү з ә олтурур* (Рабғ., 42б). *Сэни көрклүкләр ү з р ә хāн йаратты* (МН, 293а). *Эшиттим, бу қайа ү з р ә ватангāҳ//тутубсэн ул сифāт ким тахт ү з ә шāҳ* (Нав. ФШ, 150). *Бар бу тағның үстидә фалак//көрүнүр там ү з ә тон йайған-тэк* (ШН, 103). *Сунбул гул ү з ә сāйа салыбдур-му йāхуд//ҳар йан ачылыбдур-му йүзүң ү з р ә кулāла?* (Мунис, 56);

б) иш-ҳаракатнинг бирор нарса-предмет юзаси бўйича содир бўлишини ёки шу нарса-предметга қаратилишини кўрсатади. Мас.: *Ит йатды.., башыны қолы ү з ә урды* (Таф., 9а). *Қанди лабыңға гар сабā тэксә-йү өтсә йэр ү з ә//болғай у күн баҳāрда барча набāт-у найшакар* (Лутф., 178а). *Өпүб бир бармағым қаш ү з р ә қойдум//аны худ өптүм-ү баш ү з р ә қойдум* (Нав. Мнш., 6). *Саҳар-оқ қалъа ү з ә миндиләр//минибән қалъа ү з ә тиндиләр* (ШН, 222). *Тā йүзигә ул қуйаш чэкти ниқāб ү з р ә ниқāб//дуди āҳымдын болур зāҳир саҳāб үзрә саҳāб* (Мунис, 75).

322-§. *Ичрә* кўмакчиси *ич* сўзига жўналиш келишиги аффикси *-рә* қўшилиши билан ҳосил бўлган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ичрә* бош келишикдаги сўз билан қўлланади. Бу кўмакчи XV асрдан бошлаб шеърий асарларда қўлланган, олдинги даврларда эса прозаик асарларда ҳам учрайди.

*Ичрә* кўмакчиси асосан қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) иш-ҳаракатнинг бирор нарса-предмет ичида содир бўлишини кўрсатади, яъни «ичида», «ўртасида» каби маъноларни ифодалайди. Мас.: *Учтмаҳ и ч р ә нурдын тахт уҙә ағдурур* (Рабг., 7а). *Жан бирлә көңул ишқың аты и ч р ә куйубтур* (Лутф., 182а). *Чāра будур кә, коҳисāр. и ч р ә||ватан эткәй қаранғу ғāр и ч р ә* (Нав. СС, 117). *Мэн бу шаҳр и ч р ә кылур-мэн 'манзил||йоқса филҳāл чықар-мэн ҳāсил* (ШН, 53). *Бинафшазāрны сайр әйләрәм баҳāр и ч р ә||нэ суд ким, аны көрмән бинафшазāр и ч р ә* (Мунис, 54);

б) *ичрә* кўмакчиси баъзан иш-ҳаракатнинг нарса-предмет ичига йўналишини кўрсатади, яъни «ичига» маъносида қўлланади. Мас.: *Ширин лабы кә, җāн йарасыға намак салур||җāндур йā җāни җāн кә, көңул и ч р ә шак салур* (Отойи, 17а). *Бәрсәләр бэш-он дирам. ғаввāси дун||баҳр и ч р ә салур өзни сарнигун* (Нав. ЛТ, 59). *Дэди: шаҳр и ч р ә кириб эл анда||болмасун ғарат-у тарāҗ-у балā* (ШН, 32). *Кирмәмиш ҳам кочаи ишқ и ч р ә мэн йаңлығ киши||кәлмәмиш ҳам кишвари ҳусн и ч р ә сэн-дэк пāдшāҳ* (Мунис, 299).

323-§. *Сары* кўмакчисининг ёзма манбаларда акс этиши XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади. Лекин унинг актив қўлланиши XV асрдан бошланган.

*Сары* одатда бош келишикдаги сўз билан қўлланади. Баъзан қаратқич келишикдаги сўз билан қўлланиши ҳам учрайди. Мас.: *Мэниң сары* (Отойи, 43а), *бизниң сары* (БН, 81). *аның сары* (Нав. ФШ, 67). *Андиҗāн вилāйатының сары бақыб* (БН, 254).

*Сары* кўмакчиси иш-ҳаракатнинг йўналишини кўрсатади. Мас.: *Көңлум ҳавā қылур йана ул зулфи ҳам с а р ы||башлағусы дурур мэни ташвиш-у ғам с а р ы* (Отойи, 67б). *Аның-дэк урды йуз шāҳзāда с а р ы||кә сарсāр сāвсаны āзāда с а р ы* (Нав. ФШ, 76). *Хāн с а р ы азм қылур болдылар* (ШН, 47). *Самарқанд с а р ы йурди* (Ш. тар., 21). *Майхāна с а р ы бар кә, шарāфатлар андадур* (Мунис, 163).

Эски ўзбек тилида *сары* сўзи кўмакчи функциясида кенг қўлланса ҳам, ўзининг лексик маъносини бутунлай йўқотган эмас: *сары* айрим ўринларда келишик қўшимчалари, кўплик кўрсаткичи, сифат ясовчи *-ғы* аффикси билан ҳам қўлланган. Бунда у «томон», «тараф» каби маъноларни ифодалайди. Мас.: *Таң с а р ы ғ а бардылар,.. түн с а р ы ғ а бардылар* (ЎН, 59). *Ул қуруғлуғ с а р ы д ы н әйләб азм* (Нав. СС, 150). *Кāҳат с а р ы н ы маслаҳат көруб,..* (БН, 180). *Бизниң эҳтима-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*мымыз ул сарылар бармаққа бэҳад ва бэғāйаттур* (БН, 464). *Шарқ сарығы афғāнлар...* (БН, 386).

**324-§.** ***Таба, табару*** кўмакчилари эски ўзбек тилида маълум даврларгача истеъмолда бўлган.

*Таба* асосан XV асргача қўлланган бўлиб, кейинги даврларга оид айрим ёдгорликларда ҳам баъзан учраб қолади. Бу кўмакчи бош келишикдаги сўз билан қўлланади. Кишилик олмошлари эса бу кўмакчи билан қўлланганда, қаратқич келишигида бўлади. Мас., *бизиң таба* (Таф., 26*а*), *сэниң таба* (Рабғ., 66*б*), *аның таба* (Таф., 89*б*).

*Таба* кўмакчиси иш-ҳаракатнинг йўналишини кўрсатади. Мас.: *Бир күн бу оғлан өз эви таба барур эрди...* (Таф., 129*а*). *Фаластин таба барур болдылар эрсэ, йолда аҗāйибāтлар көрдилэр* (Рабғ., 99*а*). *Киши ким көк таба таш атса,..* (Хиср. Шир.). *Аввал анларны мусулмāнлық таба үндэгил* (Наҳж. фар.). *Хāн Жаҳāнгир таба азм эткэч,..* (ШН, 117).

*Табару* кўмакчиси *таба* кўмакчисига жўналиш келишиги аффикси *-ру* қўшилиши билан ҳосил бўлган. *Табару* ҳам олдинги даврларга оид манбаларда мавжуд бўлиб, нисбатан кам учрайди. Қўлланиши, маъноси бўйича *таба* кўмакчисига ўхшайди. Мас.: *Мусā табару нэлүк барур-сэн?* (Таф., 31*а*). *Барча мэним табару чықыңлар* (Таф., 146*а*). *Үчэр, бир лаҳза тындурмаз атыны//йазыб Хусрав табару қанāтыны* (Хиср. Шир.).

**325-§.** ***Тэги*** кўмакчиси *тэг-* (тегмоқ, етмоқ) феълининг равишдош формаси бўлиб, қадимги ёдгорликлар тилида кўмакчи функциясида актив истеъмолда бўлган. Ўзбек тилида бу кўмакчининг қўлланиши XV асргача давом этган.

*Тэги* кўмакчиси жўналиш келишигидаги сўз билан қўлланиб, иш-ҳаракатнинг пайт ёки ўринга нисбатан чегарасини кўрсатади. Мас.: *Йатмыш, узымыш эрдимиз бу күнгэ тэги* (Таф., 9*б*). *Ул үн барған йэргэ тэги тамлары қамуғ йэмрүлди* (Рабғ., 42*б*). *Тақы āхшāмқа тэги анда турур эрди* (Наҳж. фар.). *Қийāматқа тэги āрāм қылғай* (Хиср. Шир.).

Бу кўмакчи ***тэгин*** (***дэгин***) формасида ҳам қўлланган. Мас.: *Агар жавāб бэрсэ, қойарлар бир йэргэ тэгин* (Таф. 133*б*). *Бу күн таңқа тэгин май нош қылғын* (МН, 292*б*).

***Тэгин (дэгин)*** кўмакчисига *-чэ* қўшилиб, ***тэгинчэ//дэгинчэ*** формасида ҳам қўлланган. Мас.: *Көккэ тэгинчэ йылдырайу турур эрди* (Таф., 68*а*). *Аммā түркниң улуғдын кичигигэ дэгинчэ ва новкардын бэгигэ дэгинчэ сарт тилидин баҳрамандурлар* (Нав. МЛ, 177). *Бир айға дэгинчэ ул мартабада эрди* (Нав. Мнш., 5).

XIII—XIV асрларга оид айрим ёдгорликларда бу кўмакчи *тэгинч* формасида ҳам қўлланган. Мас.: *Эгнидин элингэ тэ-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*гинч йэтмиш аршун болур* (Таф., 104б). *Ул кунгә тэгинч ул төрт бутдын нэъматлик йэр йоқ эрди* (Рабғ.).

326-§. *Тэгру (дэгру)* кўмакчиси ҳам *тэг-* (тегмоқ, етмоқ) феъли асосида вужудга келган: *тэг(и)р+у+тэгру (>дэгру)*. Бу кўмакчи XV асрга қадар кенг истеъмолда бўлиб, кейинги даврларда кам қўлланган.

*Тэгру (дэгру)* кўмакчиси ҳам жўналиш келишигидаги сўз билан қўлланиб, иш-ҳаракатнинг пайтга ёки ўринга нисбатан чегарасини кўрсатади. Мас.: *Аталмыш вақтқа тэгру йана чықарур-миз сизләрни* (Таф., 40а). *Йығачның йуқару учундин түбингә тэгру икки-икки йардылар* (Рабғ., 136а). *Нэчәгә тэгру мэни зāр-у мутбалā қылғуң* (Лутф., 196б). *Чапыб Хусравның ордусыға тэгру//қайу орду кэ, қаршусыға тэгру* (Нав. ФШ, 151). *Ики сачың билә йузуң қуйашын//кэчәләр йāд этәр-мэн таңға дэгру* (Бобир). ...*уч йылға тэгру таҳсил қылдым* (Фурқ. II, 137).

327-§. *Сайы сайын* кўмакчиси эски ўзбек тилида кам қўлланган бўлиб, айрим ёдгорликларда учрайди.

Эски ўзбек тилида бу кўмакчи асосан *-ған/-гән//-қан/-кән* аффиксли сифатдош билан қўлланиб, иш-ҳаракатнинг давомийлигини кўрсатади. Мас.: *Қамуғын Исмāилға бэрдиләр. Йыл сайу мундағ қылурлар эрдиләр* (Рабғ., 31б). *Сэни көргән сайын «āллāҳ» дэр-мэн* (Лутф., 211б). *Ва ҳар нэчә зулм қылған сайы аңа осанмақ йоқ ва ҳар нэчә қан қылған сайы аңа қанмақ йоқ* (Нав. МҚ, 91). *Ул қызыр эрди йургән сайы* (ШН, 86).

## ФУНКЦИОНАЛ КЎМАКЧИЛАР

328-§. Айрим мустақил сўзлар қўлланиш ўрнига қараб кўмакчи функциясини ҳам бажаради. Бундай сўзларнинг кўпчилиги от туркумига, айримлари равиш ёки феъл туркумига оид.

Функционал кўмакчилар қайси сўз туркумига алоқадор бўлишига кўра қуйидаги группаларга бўлинади: 1) от-кўмакчилар; 2) равиш-кўмакчилар; 3) феъл-кўмакчилар.

### От-кўмакчилар

329-§. От-кўмакчилар қуйидаги умумий белгиларга эга: эгалик аффиксини қабул қилади ва замон-макон келишикларидан бирида келади.

От-кўмакчиларнинг айримлари фақат ўрин-пайт келишиги формасида (*бāбыда, ҳақыда, бāрасыда, хусусыда, васфыда, василасыда* каби), баъзилари фақат чиқиш келишиги формасида (*жиҳатыдын* каби) келади. От-кўмакчиларнинг кўпчилиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

III шахс эгалик аффикси билан қўлланади, айримлари I ва II шахс эгалик аффикслари билан ҳам келади (*қатымға, қатыңда, қашымда, қашыңға* каби).

От-кўмакчилар билан бошқарилган сўз одатда белгисиз қаратқич келишигида бўлади (*атасы қатында, мирзй қашыда*), лекин олмошлар асосан белгили қаратқич келишигида келади (*мэниң қатымда, сэниң қатыңда, аның қатында, барчаның қатында* каби).

От-кўмакчилар келишик маъносини конкретлаштиради. От-кўмакчиларнинг қандай маъно англатиши шу сўзнинг маъносига ва унинг қайси келишик формасида келишига боғлиқ.

Эски ўзбек тилида асосан қуйидаги от-кўмакчилар истеъмолда бўлган.

330-§. *Алд, йан, қат, қаш, оң* сўзлари кўмакчи функциясида қўлланганда, маъно жиҳатдан бир-бирига яқин туради.

1. *Алд* сўзининг кўмакчи функциясида қўлланиши асосан XV асрдан бошлаб кузатилади:

алдыда//алдында — *Валэ иш билур киши алдыда равшан ва...* (БН, 104). *Төшни аның алдында қойдылар* (Ш. тар., 32);

алдыға — *Көп авны хāн алдыға кэлтурдилəр* (Ш. тар., 27). *Кэлмəс эдиң бу идам алдыға билгəниңдə* (Муқ., 66);

алдыдын — *Хожанд дарйасыдын Бичратаның алдыдын кэчиб,..* (БН, 133).

*Алд* кўмакчи функциясида қўлланганда, кўпинча *алл-* (*аллыда//аллында, аллыға, аллыдын*) формасида келади. Мас.: *Күн йузүң аллында зулфуң кибидур зулматы* (Лутф., 179б). *Баш қойуб аллыда шукр эттим* (ШН, 21). *Барчасын аллыма равāн қылғай* (Нав. СС, 107). *Мэни аллыңда муътабар əйлə* (Мунис, 52).

*Алд* кўмакчи функциясида баъзан *алн-, анл-* формаларида ҳам учрайди: *Ҳар фитна кэ, ангиз қыладур ул қара қашы// йалғуз мэни алнымга азалдын йазылыбтур* (Лутф., 174а). *Сызға-сэн анлында мэн Мажнуни ҳайрāн суратын* (Отойи, 43а).

2. *Йан* сўзи кўмакчи функциясида кам қўлланган бўлиб, асосан ўрин-пайт келишигида келади:

йаныда//йанында — *Малик Ибрāҳимға йанында орун бэрди* (Таф., 29б). *Йана Самарқандның қуйы йаныда Бāғи Шамāл ва Бāғи Бэҳиштүр* (БН, 57). *Хйным йаныда йатқан хатунларны хāн илдыга кэлтүрүб сордылар, айтмадылар* (Ш. тар., 54). *Тā йэтмəгəй ғубарэ, дэб қорқа-мэн йаныңда* (Муқ., 66)

3. *Қат* сўзининг кўмакчи функциясида қўлланиши XIII—XIV асрлар учун анча характерли бўлиб, кейинги даврларда айрим ёдгорликларда учрайди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

қатыда//қатында—*Сāра тақы Ибрāҳим қатында олтурды* (Рабғ., 29б). *Омар кирди, сорды: нэгү оқыр эрдиңизлэр, мэним қатымда офра оқыңлар тэб. Анлар айдылар: йā Омар, сэниң қатыңда оқымаз-миз* (Таф., 27а). *Болмамыш хин қатында ул мақбул* (ШН, 17);

қатыға//қатына — *Андын Ҳадича қатына кэлди* (Таф., 138а). *Йибэриб қардашыны қатымға//хутба оқуды мэниң атымға* (ШН, 126). *Оғуз хāн қатыға бардылар* (Ш. тар., 16).

қатыдын — *Чықыбан бэглэр аның қатыдын//...йэтдилэр Қара көлгэ илғир* (ШН, 36).

4. *Қаш* сўзининг кўмакчи функциясида қўлланиши XV асрдан бошлаб кузатилади:

қашыда//қашында -- *Калāми сөзлэмэс ағзың қашында* (Отойи, 42а). *Агар қашымда ошал гулузāр болса эди,..* (Сакк., 24б). *Чун бу сөз хāн қашыда айтылды...* (ШН, 30). *Ул көзи қāтил қашыда көңлүм эйлэр изтирāб* (Мунис. 66);

қашыға -- *Дэвāнын сэниң қашыңға кэлтүрүб-биз* (Нав. МН, 60). *Өзни мирзā қашыға йэткүрди* (ШН, 62);

қашыдын — *Улуғ хāнның қашыдын атланыб,..* (БН, 132).

5. *Оң* сўзининг кўмакчи функциясида қўлланиши асосан XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда учрайди:

оңында — *Бу масхара Фиръавн оңында масхаралык қылур эрди* (Таф., 30а). *Фāтима тақы тэкмэлэри оңында бирэр этмэк қойды* (Наҳж. фар.) *Йэр өпти оңында өру турды* (Хиср. Шир.);

оңуна — *Икэгүни Фиръавн оңуңа кивүрди* (Таф., 30а).

331-§. *Ич, орта, ара* сўзлари кўмакчи функциясида қўлланганда, маъно англатиши жиҳатдан бир-бирига яқин туради.

1. *Ич* сўзи кўмакчи функциясида кенг истеъмолда бўлган:

ичидэ//ичиндэ — *Там ичиндэ нарса көрсэң, бизгэ айтғыл* (Рабғ., 147б). *Халқ ичиндэ бар эди бэғайраты* (Нав. ЛТ, 46). *Шаҳр ичиндэ турубтур ғāфил* (ШН, 34). *Түрклэр ичидэ ким, баъзи рисмлар бар, андын қалды* (Ш. тар., 11);

ичигэ//ичинэ — *Ҳалима Макка ичинэ кирдүктэ тонын кийэр эркэн* (Таф., 137а). *Чун қазақ шаҳр ичигэ көп кирди* (ШН, 32). *Шāҳ Малик эл ичигэ кэлди* (Ш. тар., 58).

*Ичидэ//ичиндэ* одатда иш-ҳаракатнинг бўлиш ўрнини кўрсатади (юқоридаги мисолларга қаранг). Пайт маъносидаги сўзлар билан қўлланганда эса иш-ҳаракатнинг маълум вақт давомида бўлишини билдиради. Мас.: *Эвдин эвгэ түн ичиндэ йүрир эрди* (Рабғ., 39б). *Ул сāат ичиндэ тилэсэ, равā болғай* (Таф., 128 б). *Уш муның-дэк қыш ичиндэ ул хāн// қылды барча улусыға фармāн* (ШН, 85). *Йэтти йүз йылның ичидэ... дуāи бад қылды* (Ш. тар., 9—10).

2. *Орта* сўзининг кўмакчи функциясида қўлланиши XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

ортасыда//ортасында — *Эмди от о р т а с ы н д а бостāн көрәр-мән* (Таф., 38б). *Бу бāғның о р т а с ы д а бир āлий имāрат қылыбтур* (БН, 58). *Туманны кэлтуртуб, уйның о р т а с ы н д а олтуртуб айтды* (Ш. тар., 44);

ортасынға//ортасына — *Ул җāдуны аның о р т а с ы н ғ а атсунлар* (Таф., 38б). *Балық анда тирилди, сув о р т а с ы н а кирди* (Таф., 10б);

ортасыдын — *Бир тэгирмāн суйы бу бāғның о р т а с ы д ы н... ҳамиша җāрийдур* (БН, 162).

3. *Ара* сўзининг ҳам кўмакчи функциясида қўлланиши XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади:

арасыда//арасында — *Анларның а р а с ы н д а хусумат түшти* (Таф., 28б). *Миср халқы а р а с ы н д а хабар түшди* (Рабғ., 49б). ... *түшкәй а р а м ы з д а фирāқ* (Нав. ЛТ, 94). *Бу икки элниң а р а с ы н д а душманлық бар эрди* (Ш. тар., 41);

арасыдын — *Илāҳā, аны йахшылар а р а с ы д ы н ҳур этмә* (Нав. МҚ, 171).

*Арасыда//арасында* одатда иш-ҳаракатнинг бўлиш ўрнини кўрсатади. Баъзан иш-ҳаракатнинг бўлиш пайтини ҳам билдиради. Мас.: *Бэш-илты айның а р а с ы д а тәңриниң инāйаты билә анча кишим болды* (БН, 107). *Дарвиш қырқ билә эллик йаш а р а с ы д а āламдын өтти* (Нав. МН, 47). *Намāз шāм билә хуфтāн а р а с ы д а Андиҗāнға кэлдим* (БН, 40).

332-§. *Ара* эгалик ва келишик аффиксларини олмасдан ҳам кўмакчи функциясида қўлланади. Бу ҳол айниқса шеърий асарлар учун характерли бўлган.

*Ара* бош келишикдаги сўз билан келиб, қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) иш-ҳаракатнинг бўлиш ўрнини кўрсатади. Мас.: *Тэз қылычны элгә ал, тутмағыл аны қын а р а* (Лутф., 160а). *Йаман кāтиб манзили қаламдāны-дэк чāҳ а р а болсун* (Нав. МҚ, 31). *Базм а р а турфа луъбати көрдум* (Мунис, 29). *Қазāрā Рум а р а болмыш мусāфир* (Фурқ. II, 108);

б) иш-ҳаракатнинг йўналишини кўрсатади. Мас.: *Ҳар киши ким бирәвгә қазғай чāҳ//түшкәй ул чāҳ а р а өзи н ā г ā ҳ* (Нав. СС, 156). *Өзни тартар эрди дашт-у тағ а р а* (Нав. СС, 153). *Нāз илә кулбам а р а кирсәң, бэрур-мэн җāн сәңә* (Мунис, 64);

в) иш-ҳаракатнинг гуруҳ, тўда ёки предмет ўртасида бўлишини кўрсатади. Мас.: *Кучәйликләр бар анлар а р а қатығ* (Таф., 82а). *Мэни ул қылды халқ а р а муну-тэк бир йолы расвā* (Сакк., 5б). *Зāҳирāн халқ а р а сөз айтылмас* (ШН, 12);

г) иш-ҳаракатнинг бирор нарса, соҳа бўйича бўлишини кўрсатади. Мас.: *Ишқ а р а өлмәк дурур мақсуд аңа* (Нав. ЛТ, 101). *Нэ үчүн айни каламы ҳусн а р а тапмыш завāл* (Мунис, 88).

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Укамыз Эрмуҳаммад «Сим» ара тилмач олуб эрмиш* (Фурқ. II, 119).

333-§. *Үст, үск, тэпэ, баш* сўзлари кўмакчи функциясида қўлланганда, маъно жиҳатдан бир-бирига ўхшайди.

1. *Үст* сўзи кўмакчи функциясида анча кенг истеъмолда бўлиб, унинг қўлланиши XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади:

**үстидә//үстиндә** — *Тамуғ үстиндә сирāт көпрусин көргәйләр* (Таф., 133*а*). *Көрмиш қара сач үстиндә мәңиңни* (Лутф., 174*а*). *Қабрның үстидә гунбаз қылдылар* (БН, 171). *Жилва әйләр дилбарым заврāқда Жайхун үстидә* (Мунис, 49);

**үстигә//үстинә** — *Оғуз қаған аның үстигә атланды* (ЎН, 55). *Кэл, бэниқāб чыққыл уйүңдын там үстинә* (Отойи, 16*а*). *Атланур болды Хисāр үстигә* (ШН, 96). *Андын соң Кашмир үстигә йүрди* (Ш. тар., 32);

**үстидин** — *Бир тэгирмāн суйы... бāғның ичидәги пуштаның үстидин ҳамиша жāрийдур* (БН, 162).

2. *Үск* кўмакчиси шаклан *үст* сўзи билан ўхшаш бўлса ҳам, маъносига кўра *алд* кўмакчисига ўхшайди, яъни иш-ҳаракатнинг предмет олдида юз бериши ёки шу томонга йўналиши каби маъноларни ифодалайди.

*Үск* кўмакчиси XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримларида кузатилади:

**үскиндә//үскүндә** — *Қачан ким Марйамның үскүндә йэмиш көрди эрсә, көңүлүндә тафаккур қылды* (Таф/, 17*а*). *Бу сөзни айту қалмады мажāлы//паришāн болды йāр үскиндә ҳāлы* (Хиср. Шир.);

**үскүнгә** — *Сизләр мунда туруңлар, мэн от үскәнгә барайын, сизләрә от кэлтүрәйин* (Таф., 29*а*).

3. *Тэпэ* сўзининг кўмакчи функциясида қўлланиши айрим ёдгорликлардагина учраб қолади:

**тэпэсиндә, тэпэсингә** — *Мусā бақты, [тағ] тэпэсиндә от көрүнди* (Таф., 29*а*). *Барча тағ тэпэсингә йуқлады* (Таф., 28*а*).

4. *Баш* сўзининг кўмакчи функциясида қўлланиши олдинги даврларга оид ёдгорликларда кўпроқ учрайди:

**башыда//башында** — *Ул улусның башында түштиләр* (Таф., 11*а*). *Түшиндә көрәр: өзи тағ башында, Йусуф қол ичиндә* (Рабғ., 45*а*). *Чāҳ башыда қойды бир кишини* (Нав. СС, 137);

**башыдын//башындын** — *Тағның башындын йэргә чалыңлар* (Таф., 129*а*). *Йаъқуб тағ башындын бақар* (Рабғ., 45*а*).

334-§. *Аст (алт), түб* сўзлари кўмакчи функциясида қўлланганда, бир хил маънони ифодалайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1. *Аст* сўзининг кўмакчи функциясида қўлланиши XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади:

астыда//астында — *Мэним қудратым а с т ы н д а қалғайсиз* (Таф., 65б). *Гулның йығачы а с т ы д а олтур кэ, қопар йэл...* (Лутф., 185б). *Болды сал а с т ы д а пинҳан Жайхун* (ШН, 158). *Чарх а с т ы д а букулди, болды қаддым чун ҳилāл...* (Муқ., 225);

астыға — *Пэтмиш-сэксэн кадхудāлар там а с т ы г а қалыб өлдилэр* (БН, 195);

астыдын — *Сайхун дарйāсы қорғанның а с т ы д ы н ақар* (БН, 6).

*Аст* кўмакчиси XIII—XIV асрларга оид айрим ёдгорликларда *алт* формасида ҳам қўлланган. Мас.: *Бу арықлар ким көрэр-сэн, мэним тахтым а л т ы н д а ақар* (Таф., 31*а*). *Ақар аның а л т ы н д ы н арықлар мэнгу* (Таф., 22б).

2. *Түб* сўзининг кўмакчи функциясида қўлланиши XIII—XIV асрлар учун анча характерли бўлиб, кейинги даврларда айрим ёдгорликларда учрайди:

түбидэ//түбиндэ — *Бир түп қурымыш хурмā йығачы көрди, аның т ү б и н д э олтурды* (Таф., 18*а*). *Бирэгу ул там т ү б и н д э кэчэрдэ ул қавушдын тоныңи сув тамды* (Рабғ., 67*а*). *Кэнэ ошу йығачның т ү б и н д э турды* (ЎН, 26). *Андиҗāнның шарқы тарафыдағы тағларның т ү б и д э мың үйлүк кāрвāнны андағ қар басты ким,...* (БН, 9);

түбидин//түбиндин — *Ул минāрлар сувы йыпар тағы т ү б и н д и н чықар болғай* (Таф., 66б).

335-§. *Ҳақ, бāб* сўзлари кўмакчи функциясида қўлланганда, маъно жиҳатдан фарқ қилмайди. Фарқ шундаки, *ҳақ* I ва II шахс эгалик аффикслари билан ҳам кела олади.

Бу сўзларнинг ҳар иккаласи ҳам кўмакчи функциясида қўлланганда, ўрин-пайт келишигида келади: *ҳақыда, бāбыда*

*Ҳақыда* кўмакчиси ёдгорликларда кам учрайди. Мисоллар: *Йусуф айды: эй қарындашларым ким, мэним ҳ а қ ы м д а қылдыңыз, өзгэлэр ҳ а қ ы н д а қылмаңыз* (Рабғ., 48б). *Мэниң ҳ а қ ы м д а қылур-сэн ҳимин жафā ҳавāсын* (Отойи, 47б). *Улус ҳ а қ ы д а мың қурла атадын мэҳрибāн* (Сакк., 3б).

*Бāбыда* кўмакчисининг қўлланиши XV асрдан бошлаб кузатилади. Мисоллар: *Банда мэн ул ким, вафā б ā б ы н д а дэрлэр бэназир* (Отойи, 37*а*). *Самарқанддын қачыб кэлгэн киши б ā б ы д а сөзлэр битилиб эрди* (Нав. Мнш. 10). *Йана бир маснавийси бар мэвалар б ā б ы д а, мутақāриб баҳрыда...* (БН, 225). *Анчунāн лāғар харāби ким, заифлик б ā б ы д а...* (Муқ. 79).

336-§. Эски ўзбек тилида юқорида келтирилганлардан ташқари, яна бир группа от-кўмакчилар истеъмолда бўлган. Лекин буларнинг истеъмол доираси анча чегараланган: булар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан баъзилари эски ўзбек тили тараққиётининг маълум даврлари учун хос бўлса, баъзилари айрим ёдгорликлардагина учраб қолади. Шу билан бирга, буларнинг бир қисми эрон тилларидан ёки араб тилидан ўзлаштирилган сўзлардан иборат. Шундай от-кўмакчилардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

тараф — *Бāғның ғарби-җанубий т а р а ф ы д а дāҳи дардāҳ ҳавзыдур* (БН, 162). *Йāр Ҳусайн Баҳра т а р а ф ы д ы н қуллуққа кэлди* (БН). *Ҳамза султāн т а р а ф ы болды равāн* (ШН, 44);

атрāф — *Бу чашманың а т р ā ф ы д а үч нав дарахтлардур* (БН, 168);

тэгрэ — *Бу тāифа дāим аның т э г р э с и д э эрдилэр* (Нав. МН, 42). *Шаҳарның т э г р э с и г э чун кэлди//шаҳар аҳлыға насиҳат қылды* (ШН, 39). *Андиҗāн т э г р э с и д и н...* (БН, 132);

тоғры — *Ушбу кэнт т о ғ р ы с ы д а бир арал бар эди* (БН, 186). *Бақиниң истэъдāдыдын Тэрмиз т о ғ р ы с ы ғ а кэлиб,..* (БН, 147) *Ушбу арал т о ғ р ы с ы д ы н өткэнлэр бир пāрасы сувның улуғлуғыға эътимāд қылыб,..* (БН, 187);

қаршы — *Шāҳ қ а р ш ы с ы н д а олтурур ул* (Хиср. Шир.);

кэт, арт — *Хāнның лашкары к э т и н д э (а р т ы н д а) қойған кишилэри бар эди* (Ш. тар., 23). *Ул йигит бир кāрвāн а р т ы н а түшүб кэтти* (Саройи);

йүз — *Сиз ма йэр й ү з и н д э болсаңыз... андағ қылғай эрдиңиз* (Рабғ., 13б). *Сэниң ишқыңда Хоразмий йоқалды//валэкин йэр й ү з ү н д э аты қалды* (МН, 302 *а*). *Ҳазл й ү з ү д и н бу байтны айтыбдур* (Нав. МН, 183);

хизмат — *Бу байтны Абдураҳмāн Җāмий х и з м а т ы д а оқубтур* (БН, 218). *Атасы х и з м а т ы ғ а барды* (Ш. тар., 20);

бāрасыда — *Бу фақир б ā р а с ы д а көп фāтиҳалар оқубдурлар* (Нав. МН, 73);

хусусыда — *Ул мактабдын қачған х у с у с ы д а таптурыб кэлиб,..* (Фурқ. II, 133);

васфыда — *Мэн Атайи-мэн, лаълың в а с ф ы д а ким таҳсин оқур* (Отойи, 6б);

василасыда — *Маҳбуб в а с и л а с ы н д а оқур-мэн муҳиб сөзи* (Отойи, 42*а*);

җиҳатыдын — *Йағын җ и ҳ а т ы д ы н йэр балчық болмыш болғай* (Нав. МН, 252). *Ул вилāйатларда моғул ва өзбэк җ и ҳ а т ы д ы н ҳэч кэнт йоқтур ким, қорғаны болмағай* (БН, 74).

## Равиш-кўмакчилар

337-§. Эски ўзбек тилидаги равиш-кўмакчилар чиқиш келишигидаги сўз билан қўлланиб, асосан пайт маъносини ифодалайди. Бундай кўмакчиларнинг айримлари қадимги ёдгорлик-

14*

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар тилида актив истеъмолда бўлиб, эски ўзбек тилида маълум даврларгача қўлланиб келган.

Эски ўзбек тилида асосан қуйидаги равиш-кўмакчилар истеъмолда бўлган.

338-§. *Бурун//бурна, илгәрү//илгәри, ашну, өң* равишлари кўмакчи функциясида қўлланганда, маъно жиҳатдан бир группани ташкил этади, яъни бу кўмакчилар чиқиш (ёки ўринпайт) келишигидаги сўз билан қўлланиб, иш-ҳаракатнинг шу сўз ифодалаган нарса, воқеа-ҳодиса ёки ҳаракатдан олдин бўлишини кўрсатади.

1. ***Бурун*** сўзининг кўмакчи функциясида қўлланиши асосан XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади. Мас.: *Йусуф қуйуғ түбингә йэтмәсдин б у р у н... йарлығ болды* (Рабғ., 46б). *Пайғамбар алайҳиссаламның ҳиҗратындын б у р у н имāна кэлиб эрдиләр* (Таф., 81а). *Аны көргәч, фиғāны җāндын б у р у н чыққай* (Нав. МН, 233). *Бэгләр җавāб бэрмәсдин б у р у н оғлан айтды* (Ш. тар., 13).

*Бурун* кўмакчиси айрим ёдгорликларда ***бурна*** формасида ҳам қўлланган. Мас.: *Чун ҳайāлыңны шāҳ әйләди җазм// б у р н а қатран биләә буйурғусы разм* (Нав. СС, 120). *Нәчә йыл хāн кэлишидин б у р н а//қабал-у разм ишидин б у р н а* (ШН, 78). *Хабардын б у р н а... өзимизгә кэлтүрүб сахлабтурлар* (БН, 282).

2. ***Илгәрү илгәри*** сўзининг кўмакчи функциясида қўлланиши ҳам асосан XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади. Мас.: *Мундын и л г ә р ү андағ тэгүл эрди* (Таф., 134б). *Бу китāбны айтқындын он йэтти йыл и л г ә р и... бизгә йағы болуб эрдиләр* (Ш. тар., 5).

3. ***Ашну, өң*** равишларининг кўмакчи функциясида қўлланиши қадимги ёдгорликлар тилида ҳам мавжуд бўлиб, ўзбек тилида XV асргача истеъмолда бўлган. Мас.: *Адамны йаратмазда а ш н у йэр й ү з и н г ә халифа йаратур-мэн* (Рабғ., 6а). *Тәңри алқынмасдан а ш н у изим сөзләри ким...* (Таф., 8б). *Пайғамбарның атасы Абдуллāҳ пайғамбар туғмаздын а ш н у вафāт болуб турур эрди* (Наҳж. фар.). *Мундын ө ң муҳāҗирлар... имāна кэлиб эрдиләр* (Таф., 81а). *Йā Фāтима, атаңқа бу күндин ө ң эмгәк тэгмәгәй* (Наҳж. фар.). *Тиләмәз эрди андын ө ң йэгәси* (Хиср. Шир.).

339-§. *Кэйин (кэзин), соң, соңра* равишлари кўмакчи функциясида бир хил маънони ифодалайди, яъни булар чиқиш (ёки ўрин-пайт) келишигидаги сўз билан қўлланиб, шу сўз ифодалаган воқеа-ҳодиса ёки иш-ҳаракатдан сўнг яна бошқасининг бўлишини кўрсатади.

1. ***Кэйин*** кўмакчиси XIII—XIV аср ёдгорликларида ***кэзин*** (қадимги ёдгорликларда *кэдин*) формасида қўлланган. Мисоллар: *Мэн бу күндә к э з и н эртә кәчә сэңә кэләйин* (Таф.,

www.ziyouz.com kutubxonasi

129а). *Розгāр кэчмиштэ к э з и н йана бир күн Мусā элгэ кирди* (Рабғ., 83а). *Уш эмдидин к э з и н бэл бағлағайын* (Хиср. Шир.). *Үч-төрт күндин к э й и н захм билэ-оқ барды* (БН, 81).
Ёдгорликларда *кэйин* формаси кам қўлланган.

2. ***Соң*** кўмакчиси қадимги ёдгорликлар тили учун характерли бўлмаган. Эски ўзбек тилида эса бу кўмакчи актив истеъмолда бўлган. Мас.: *Зулайхā Йусуфны зиндāнға салмыштан с о ң зиндāн қапуғына барур эрди* (Рабғ., 60б). *Андан с о ң эртэ болды* (ЎН, 25). *Бу күндин с о ң йүз элик йыл йашағыл* (МН, 295а). *Йалғаны зāҳир болғандын соң аңа расвāлығ йэткэй* (Нав. МҚ, 132). *Баҳāр болғандын с о ң пийāда кэлэ турур миз* (Ш. тар., 22).

3. ***Соңра*** кўмакчиси *соң* сўзига қадимги жўналиш келишиги аффикси *-ра* қўшилиши билан ҳосил бўлган бўлиб, булар ўртасида қўлланиши ва маъноси жиҳатдан фарқ йўқ. *Соңра* ҳам эски ўзбек тилида актив истеъмолда бўлган. Мас.: *Мэндин с о ң р а аның фармāнындын чықмаң* (Таф., 145а). *Уш андын с о ң р а нāма башлағайын* (МН, 293б). *Йана бир нэчэ қадам барғандын с о ң р а шайх муридға йана айтты* (Нав. МҚ, 73). *Андын с о ң р а Султāн Абусаид мирзā алды* (БН, 63).

340-§. *Бэри (бэрү, бәрү), нары (нару)* равишларининг кўмакчи функциясида қўлланиши анча илгари даврлардан бошланган бўлиб, қадимги ёдгорликларда ҳам кузатилади.

1. ***Бэри*** кўмакчиси чиқиш келишигидаги сўз билан қўлланиб, иш-ҳаракатнинг шу сўз ифодалаган вақтдан бошлаб давом этиб келаётганини кўрсатади. Мас.: *Мир Муртāз кичик йашдын б э р и ким, илм касбыға машғулдур,..* (Нав. МН, 142). *Андын б э р и бу бāдийаны «Хāдарваш» дэрлэр* (БН, 5). *Түнэ күндин б э р и барча йэрим ағрый турур* (Ш. тар., 56). *Қай күни көрдүм җамāлыңны, нигāр, андын б э р и//интизāрам хаста җāн-у дилфигāр андын б э р и* (Фурқ. I, 102).

Бу кўмакчи XV асргача *бәрү* (بارو) формасида қўлланган. Мас.: *Бу төрэ анчадын б ә р ү қалмыш турур* (Таф., 29а). *Ибрāҳим он күндин б ә р ү йатмышы йоқ эрди* (Рабғ., 38б). *Мэн сэни өкүш замāндын б ә р ү āрзу қылур эрдим* (Наҳж. фар.). *Уш андын б ә р ү ким, қурды бу базāр,..* (Хиср. Шир.).

2. ***Нары*(*нару*)** равишининг кўмакчи функциясида қўлланиши ёдгорликларда нисбатан кам учрайди. Бу кўмакчи чиқиш келишигидаги сўз билан бирга қўлланиб, иш-ҳаракатнинг шу сўз ифодалаган нуқтадан узоқлашувини кўрсатади. Мас.: *Илгэри кэлэ алмады, дāмāнадын-оқ н а р ы йанды* (БН, 82). *Валэ Кāбул сарыға йүз қойды//балкэ андын н а р ы ғ а йүз қойды* (*ШН, 176*). *Ул вақтда түркмэндин н*[illegible] *тарафында олтурған эллэр көп эрди* (Ш. тар., 42).

www.ziyouz.com kutubxonasi

341-§. *Өтру, ташқары (ташқару), айру* равишларининг кўмакчи функциясида қўлланиши нисбатан кам учрайди. Бу сўзлар ҳам кўмакчи функциясида чиқиш келишигидаги сўз билан бирга келади.

1. *Өтру* равишининг кўмакчи функциясида қўлланиши қадимги ёдгорликлар тили учун характерли бўлган. Ўзбек тилида эса бу кўмакчи асосан XV асргача истеъмолда бўлиб, сабаб маъносини ифодалайди. Мас.: *Андын өтру айтур-мэн ким, хабар эшитдүм* (Таф., 73а). *Бу маънидин өтру алайхиссаламқа Мустафā ат бэрилди* (Ңаҳж. фар.). *Димāғынға аның-тэк толды савдā//ким ул савдāдын өтру тутты саҳрā* (Хиср. Шир.).

2. *Ташқары* сўзи қадимги ёдгорликларда *ташкару* формасида бўлиб, асосан равиш маъносида қўлланган. Бу сўзнинг кўмакчи функциясида қўлланиши кейинги даврлардан бошлаб кузатилади. Мас.: *Мундақ киши... йигитлик дāирасыдын ташқарыдур* (Нав. МҚ, 52). *Шāҳруҳийадын ташқары Ҳайдар бэг салған бāғда хāнға мулāзамат қылдым* (БН, 39). *Атасы йолындын ташқары чықмады* (Ш. тар., 12).

3. *Айру* равиши кўмакчи функциясида кам қўлланган бўлиб, айрим ёдгорликлардагина учрайди. Мисоллар: *Сэндин айру нэ кэрэк бизгэ* (ШН, 185). *Көйиңдин айру нахуни ғам тирнэтүр йүзин* (Мунис, 50).

342-§. Сифат туркумига оид бўлган *башқа, өзгэ, азын* сўзлари ҳам кўмакчи функциясида келганда, қўлланиши ва маъносига кўра равиш-кўмакчиларга яқин туради. Булар ҳам *ташқары, айру* равиш-кўмакчилари каби чиқиш келишигидаги сўз билан бирга келиб, шу сўз ифодалаган предмет, воқеа-ҳодисани бошқалардан ажратиб кўрсатади.

1. *Башқа, өзгэ* сўзларининг кўмакчи функциясида қўлланиши XIII—XIV асрлардан бошлаб маълум бўлса ҳам, актив қўлланиши XV асрдан бошлаб кузатилади. Мисоллар:

башқа — *Бу күн төрт күн болды сиздин башқа айрылғалы* (Рабғ., 48б). *Шивадын башқа җамāлыңда көрүб-мэн аны* (Лутф., 212б). *Уқабайндын башқа йана парчағына тағ түшүбтүр* (БН, 157). *Қорқутдын башқа икки инақ бэги бар эрди* (Ш. тар., 43). *Йана андын башқа икки-үч йэрдэ хэйли қаттығ муҳāрибалар болубдур* (Фурқ. II, 157);

өзгэ — *Булмағай-мэн андын өзгэ сығынғу йэр* (Таф., 111б). *Мундын өзгэ айш-у кāмың нэ экин?* (Нав. ЛТ, 44). *Аның буйурғанындын өзгэ ишни қылмағыл* (Ш. тар., 14). *Сэндин өзгэ ишқ бэмāрыға йоқ ҳāзиқ, табиб* (Фурқ. II, 63).

2. *Азын* кўмакчиси қадимги ёдгорликларда (*адын* формасида) кенг қўлланган бўлиб, XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлар[illegible] айримларида ҳам учрайди. Мас.: *Агар Муҳаммад*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*аталары дининдин* *а з ы н* *йаңы дин чықармыш эрсә*,.. (Таф., 26б). *Аныңда* *а з ы н* *изилэр нэлук кэлтүрмәсләр?* (Таф., 1б).

**Феъл-кўмакчилар**

343-§. Эски ўзбек тилида *-а/-ә* аффиксли равишдош формасидаги феъллар қўлланиш ўрнига қараб кўмакчи функциясини ҳам бажарган. Лекин бундай феъл-кўмакчилар жуда кам сонни ташкил этади. Булардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

*Көрә* (көр+ә) равишдоши кўмакчи функциясида қўлланганда, жўналиш келишигидаги сўз билан келиб, сабаб, чоғиштириш, иш-ҳаракатнинг чегарасини кўрсатиш каби маъноларни ифодалайди. Мас.: *Оғуз қаған Улуғ Түрүкнүң сөзүн йақшы көрди, өгүдүн тиләди. Өгүдүгә* *к ө р ә* *қылды* (ЎН, 58). *Умид ул ким, чун оқуғучылар... ҳар қайсы өз идрāкларыға* *к ө р ә* *баҳра алғайлар* (Нав. МҚ, 8). *...Ва аның қиймаҭы жавҳарыға* *к ө р ә* *зāҳир болур* (Нав. МЛ, 173). *Йана бир маслаҳат рой бэрсә, аңа* *к ө р ә* *амал қылгай-биз* (БН, 147).

*Йараша* (йараш+а) равишдоши ҳам жўналиш келишигидаги сўз билан қўлланади ва иш-ҳаракатнинг чегарасини кўрсатади. Мас.: *Қуллық-у изтирāбда аңа* *й а р а ш а* *кэрәк болғай* (Нав. МҚ, 119). *Масканыға* *й а р а ш а* *түшти нур//ҳимматыға* *й а р а ш а* *тапты ҳузур* (ШН, 118). *Андын йана нэ маслаҳат рой бэрсә, аңа* *й а р а ш а* *амал қылылғай* (БН, 154).

*Бақа* (бақ+а) равишдоши жўналиш келишигидаги сўз билан қўлланиб, иш-ҳаракатнинг йўналиш томонини кўрсатиш, нарса ва ҳодисаларни қиёслаш каби маъноларни ифодалайди. Мас.: *...ва аның қиймаҭы ҳам мартабасы нисбатыға* *б а қ а* *интишāр-у иштиҳāр тапар* (Нав. МЛ, 173). *Ул дāманадын көчүб, ғарбқа* *б а қ а* *йүрүб.., бир сувсыз көлдә түшүлди* (БН, 184). *Түлкүси өзгә йэрниң түлкүсигә* *б а қ а* *йүгүрүк болур* (БН, 87).

## БОҒЛОВЧИЛАР

344-§. Боғловчилар ҳам бошқа ёрдамчи сўзлар каби тарихан мустақил сўз туркумлари асосида ривожланган. Масалан, *ким* боғловчиси *ким* сўроқ олмоши асосида шаклланган, *тақы//дағы* боғловчиси аслида равиш туркумига оид бўлган, *нэ... нэ...* боғловчиси *нэ* сўроқ олмоши асосида вужудга келган, *шуның үчүн(ким), аның үчүн(ким)* каби боғловчилар эса кўрсатиш олмошларига *үчүн* кўмакчиси қўшилиши асосида ҳосил бўлган. Лекин бундай боғловчилар туркий ти[лларда] жуда кам сонни ташкил этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги туркий тилларда истеъмолда бўлган боғловчиларнинг аксарияти эрон тилларидан ёки араб тилидан ўзлаштирилган. Ёзма манбаларнинг кўрсатишича, бундай боғловчилар туркий тиллар тараққиётининг маълум даврларида ўзлаштирилган бўлиб, уларнинг сони аста-секин кўпая борган ва қўлланиши активлаша борган. Ўзлаштирилган боғловчиларнинг бир группаси XI асрга оид ёдгорликларда ҳам учрайди. Лекин улар XIII—XIV асрлардан актив қўллана бошлаган.

Эски ўзбек тилидаги боғловчилар ҳам функциясига кўра дастлабки икки группага бўлинади: 1) тенг боғловчилар; 2) эргаштирувчи боғловчилар.

## ТЕНГ БОҒЛОВЧИЛАР

345-§. Эски ўзбек тилида қўлланган тенг боғловчилар функциясига ва маъносига кўра қуйидаги группаларга бўлинади:

а) бириктирувчи боғловчилар: *ва, -у(-йу, -ву), ҳам (ҳам... ҳам), тақы//дағы, йәмә, ма;*

б) айирувчи боғловчилар: *йā(йā.., йā...), йāки, йāхуд (йāхуд.., йāхуд...), хāҳ.., хāҳ... (хāҳи.., хāҳи...), азу, гāҳ(гāҳ.., гāҳ...; гāҳ.., гāҳи...; гāҳи.., гāҳ...; гāҳи.., гāҳи...);*

в) зидловчи боғловчилар: *аммā, лэкин, лэк, валэкин, валэк, валэ;*

г) инкор боғловчилари: *нэ.., нэ...; чи.., чи...*

Кўрсатилган тенг боғловчиларнинг кўпчилиги эрон тилларидан ёки араб тилидан ўзлаштирилган бўлиб, асли туркий тенг боғловчилар жуда кам сонни ташкил этади. Булар асосан қуйидагилар: *тақы//дағы, нэ.., нэ...; йәмә, ма, азу.* Булардан кейинги учтаси ўзбек тилида XV асргача истеъмолда бўлган, *нэ... нэ...* инкор боғловчисининг қўлланиши эса асосан XV асрдан бошлаб кузатилади.

### Бириктирувчи боғловчилар

346-§. *Ва, -у(-йу,-ву)* боғловчилари эски ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган. Бу боғловчиларнинг ҳар иккаласи ҳам араб ёзувида бир хил белги билан, яъни و (вав) орқали ифодаланади. Лекин келиб чиқиши, қисман қўлланиши ва функцияси бўйича ҳам булар бир-биридан фарқ қилади.

1. *-у(-йу, -ву)* боғловчиси эрон тилларига мансуб бўлиб, эски ўзбек тилида қуйидаги ўринларда қўлланган:

а) гапнинг уюшиқ бўлакларини бир-бирига боғлаб келади. Мас.: *П[illegible]и-йу āдами мундақ хоб эрмәс* (Лутф., 172б). *Рақи[illegible]āҳид āҳымдын күйәрләр* (Отойи, 74а). *Аны көрм[illegible]билмәс, аммā...* (Нав. МҚ, 147). *Тишләб-у*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*т э п и б өтәр умры мудāм, өлсүн бу ат* (Муқ., 76). *Шаҳардын қ а ч қ а й-у к э т к ә й Мирзā* (ШН, 70);

б) жуфт сўз таркибидаги сўзларни бир-бирига бириктириб келади. Мас.: *Ҳ а й ā-в у ā д ā б бирлә түзгил маāш* (Нав. МҚ, 143). *Жаҳāнда тапмағай ҳаргэз киши н ā м-у н и ш ā н ы м* (Сакк., 22*а*). *Барча эл ара т а в а з у-в у и з з а т ы бар* (Нав. МҚ, 76). *Тинмәдиләр сув ичиндә т ү н-у к ү н* (ШН, 178);

в) баъзан қўшма гап таркибидаги содда гапларни ҳам боғлаб келади. Лекин бунда у зидловчи боғловчи функциясини бажаради. Мас.: *Умр барды-й у ҳануз ул ранжи ҳижрāн тартадур* (Лутф., 183*а*). *Фалакка йэтти-й у ул ай эшитмәс*// *Атайи, нэчә бу фарйāд-у нāла* (Отойи, 58*б*). *Ғунчалар ачылды-й у көңлүм ачылмайдур ҳануз* (Мунис, 133);

г) баъзан бирин-кетин бўладиган иш-ҳаракатни боғлаб келади. Мас.: *Бойуңны көрди-й у сарви саҳи равāн кэчти* (Сакк., 26*б*). *Нāгиҳāн кэлди-й у гардымны фалактāз этти дост* (Мунис, 265).

2. *Ва* боғловчиси араб тилига мансуб бўлиб, эски ўзбек тилида асосан қуйидаги ўринларда қўлланган:

а) қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади. Мас.: *Жоҷы хāн өлди в а йурт оғлы Сайы хāнға қалды* (Ш. тар., 20). *...бир хоҷандлик киши йолуқуб, мусāҳаба әйләди в а суҳбат қылдым* (Фурқ. II, 124);

б) уюшган бўлакларнинг бир группасини иккинчи группаси билан боғлаш вазифасини бажаради. Мас.: *Бар-у йоқ в а йоғ-у бар аның эҳсāныдын умидвāр* (Нав. МҚ, 2). *Афғāнларның савдāгарларыны йолуқтуруб, қалын ақ рахт-у ақāқир в а қанд-у набāт... кэлтүрдиләр* (БН, 184);

в) юқорида кўрсатилганидек, гапнинг уюшган бўлакларини боғлаш учун *-у(-йу, -ву)* боғловчиси ишлатилади. Бу вазифани *ва* боғловчиси ҳам бажарган. Мас.: *Йā Муҳаммад өңүкиләр в а соңуқылар қамуғ жам болғайлар* (Таф., 70*а*). *Сөзләгүчигә в а көзләгүчигә āсāйиш йэткүргәй* (Нав. МҚ, 30). *Бу китāбны оқуғучы в а тыңлағучы, албатта, түрк болғусы турур* (Ш. тар., 6). *Франсузча в а алманча хат в а лисāн билүрни өзләригә лāзим билүрләр* (Фурқ. II, 149).

347-§. *Ҳам* боғловчиси уюшган бўлаклар ёки қўшма гап таркибидаги содда гаплар олдидан такрорланиб келади. Бунда у боғловчи вазифасини бажариши билан бирга, маънони кучайтириш учун ҳам хизмат қилади. Мас.: *Мавлāнā Али Шиҳāб... ҳ а м равāн, ҳ а м пухта айтур экәндүр* (Нав. МН, 21). *Мэниң ғанимим қорғанда эди, ҳ а м қорғаныны алынды, ҳ а м ғанимни қачурулды* (БН, 105). *Ҳ а м Хисāр элини қылдың инъāм*//*ҳ а м Бадахшāн ара бэрдиң инъāм* (ШН, 224). *Ҳ а м қылур талхкāм, ҳ а м нафсын*//*ҳ а м йық*[illegible]*ушыны қылыб мафқуд* (Мунис, 29).

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ҳам* кўпинча бирор предметни, воқеа-ҳодисани ёки иш-ҳаракатни ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш, маънони кучайтириш учун хизмат қилади. Мас.: *Узунлуқы қырқ йығач, эни ҳ а м мундақ-оқ* (Таф., 132б). *Бу хāкэ сары ҳ а м гāҳи назар сал* (Отойи, 37*а*). *Ҳусн малāҳатын идрāк қылғучы ҳ а м көңул ва ишқ оты йалыныға йақылғучы ҳ а м көңул* (Нав. МҚ, 125). *Шāх ҳ а м йоқтур, боғзыдағы түки ҳ а м йоқтур* (БН, 357). *Агар ҳар лаҳза қан йуттурса ҳ а м ақлы расā кэлсүн* (Муқ., 165).

348-§. *Тақы, дағы* боғловчиси қадимги ёдгорликлар тили учун характерли бўлиб, эски ўзбек тилида ҳам анча кенг қўлланган (XIV асрга қадар *тақы*, кейинги даврларда кўпинча *дағы*, баъзан *тақы* формасида учрайди).

*Тақы//дағы* ҳам уюшган бўлакларни ва қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлайди. Мас.: *Оқ йа алсунлар т а қ ы мэни атсунлар* (Таф., 129б). *Ҳажрыңда, бэгим, «аҳ!» дэгүм д а ғ ы өлгүм* (Отойи, 41б). *Тағны эритүр āҳым, асар қылғусы бир күн//көңлүң нэчə ким болса тэмур таш д а ғ ы полад* (Лутф., 166б). *Шаҳрдын чық т а қ ы қыл хизмати хāн* (ШН, 30). *Жожы хāн басты т а қ ы кыпчақның қолға түшкəнин өлтүрдилəр* (Ш. тар., 20).

*Тақы//дағы* боғловчиси ҳам кўпинча бирор предметни, воқеа-ҳодисани ёки иш-ҳаракатни ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш, маънони кучайтириш учун хизмат қилади. Мас.: *Аңа т а қ ы буғдай бэрəйин* (Рабғ., 63*а*). *Оғуз қаған т а қ ы турды* (ЎН, 50). *Ҳамāнā шāҳ д а ғ ы аны көрүбтүр* (Нав. ФШ, 200). *Ҳамза султāнға д а ғ ы барды хабар* (ШН, 64). *Лаззаты артар д а ғ ы қадрыға тапмас рāҳ* (Мунис, 20).

XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда бу боғловчи баъзан *даҳы, тақын* формаларида ҳам учрайди: *Йусуф д а ҳ ы Зулайхāға қасд қылды* (Рабғ., 49*а*). *Эшиттим йүз т а қ ы н көрклүклəри бар* (Хиср. Шир.).

349-§. *Йэмə, ма* боғловчилари қадимги ёдгорликларда кенг қўлланган бўлиб, XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда ҳам учрайди. Қўлланиши ва маъноси бўйича *ҳам, тақы//дағы* боғловчиларига ўхшайди. Мас.: *Бу қисса й э м ə түгəл шарҳ қылынмыш турур* (Таф., 18б). *Нэчүк кэ кэзди йалғуз тағлар ара//й э м ə чимгəн чэчəклəр, бāғлар ара* (Хиср. Шир.). *Биз м а бөзчилик қылалым, тэдилəр* (Рабғ., 11б). *Нэчə м а тилəнчи элиндə ики қолы алтун болса...* (Таф., 137*а*).

## Айирувчи боғловчилар

350-§. *Йā* боғловчиси уюшган бўлакларнинг ёки қўшма гап тар[illegible]аги содда гапларнинг бирини иккинчисидан ажратиб [illegible]иш учун хизмат қилади. Мас.: *Аны сиз-му йара-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*тур-сиз йā бизму йаратур-миз* (Таф., 70*а*). *Шакардур ул ағыз йā писта, билмән* (Лутф., 194*а*). *Хожасы аны йā ул хожасыны āзāд қылыбдур* (Нав. МН, 123). *Бар эди башыда бир турфа каниз//йā моғулның элидин алған қыз* (ШН, 113). *Ул лаби майгун узә хатдурму, болмыш āщкāр//йā магар гул барғы узрә бащ чықармыш хāрлар* (Мунис, 243).

*Йā* богловчиси уюшган бўлаклар ёки қўшма гап таркибидаги содда гаплар олдидан такрорланиб (*йā.., йā...*) ҳам келади. Бунда айириш маъноси таъкидланиб, кучайтириб кўрсатилади. Мас.: *Й ā висāлыңдын карам қыл, й ā мэни ө л т у р равāн.* (Отойи, 64*а*). *Мунуң қабāхатын й ā билмәс ва й ā билиб көзигә илмәс* (Нав. МҚ, 41). *Й ā бэлигә бағлар эди, й ā қолыға алыб йүрүр эди* (БН, 127). *Бу савдā билән башыда кэчқурун//барур коҳи й ā арқадын, й ā бурун* (Муқ., 41).

Кейинги даврларга оид ёдгорликларда бу боғловчи *йаки* формасида ҳам учрайди: *Осмалық қашлар-му йā шамшир қандын занглық//й ā к и пистāқи төкүлмиш ранги аҳзāр үстидә* (Фурқ. I, 24).

***Йāхуд*** (*йāхуд.., йāхуд...*) боғловчиси ҳам қўлланиши ва маъноси бўйича *йā* боғловчисига ўхшайди. Мас.: *Бурун бәрмиш турур й ā х у д эмди бәрәси турур* (Таф., 133*а*). *Биз қарындашымызны ач-му қойғай-миз й ā х у д сувсыз-му қойғай-миз тэдиләр* (Рабғ., 45*б*). *Билмән, ул мактуб эрур й ā х у д алифдур жāн ара* (Нав. Мнш., 6). *Сунбул гул узә сāйа салыбдур-му й ā х у д//ҳар йан ачылыбдур-му йүзүң үзрә кулāла* (Мунис, 56).

Эски ўзбек тилида айирувчи боғловчи функциясини баъзан *хāҳ* сўзи ҳам бажарган.

Бу сўз богловчи функциясида қўлланганда такрорланиб келади: *хāҳ... хāҳ..*, баъзан *хāҳи... хāҳи...* формасида ҳам учрайди. Мас.: *Сэн билүр-сэн х ā ҳ лутф эт, х ā ҳ қыл киб-у димāғ* (Отойи, 29*а*). *Сэн-сэн сэвәрим, х ā ҳ и ынан, х ā ҳ и ынанма//қандур жигарым, х ā ҳ и ынан, х ā ҳ и ынанма* (Лутф., 162*а*). *Болса ҳар йэрдә, ул болур аңа жам//х ā ҳ и ғамгин-у х ā ҳ и эрур хушнуд* (Мунис, 29). *Х ā ҳ өлиң, х ā ҳ қалың, баччағар...* (Муқ., 39).

Қадимги ёдгорликлар тилида айирувчи богловчи вазифасида *азу* ( اذو ، ازو ) сўзи кенг қўлланган. Бу боғловчи XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг [illegible]римларида ҳам баъзан учраб қолади. *А з у* боғловчиси *йā* богловчиси билан бирга ҳам келади. Мас.: *А з у қыйнар-му-сэн, а з у тутар-му-сэн анларың ичиндә эзгүлүк* (Таф., 7*а*). *Нэгү тэр-сэн, йā Ҳāмāн, кирәлүм-му йа а з у йоқ-му?* (Таф., 31*а*).

www.ziyouz.com kutubxonasi

351-§. *Гāҳ* боғловчиси одатда такрорланиб қўлланади ва қуйидаги формаларда келади: *гāҳ.., гāҳ...; гāҳ.., гāҳи...; гāҳи..; гāҳ...; гāҳи.., гāҳи....*

Бу боғловчи қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) уюшган бўлаклар ва қўшма гап таркибидаги содда гаплар олдидан такрорланиб келганда, икки иш-ҳаракатнинг ёки икки воқеа-ҳодисанинг галма-гал бўлишини кўрсатади.

Мас.: *Гāҳ қылур жавр-у жафā, гāҳ кэ көргүзүр мэҳри вафā* (Отойи, 17а). *Гāҳ сачын силәр эди, гāҳ йүзин||гāҳ қашын сайлар эди, гāҳ көзин* (ШН, 26). *Гāҳи көзүмдин ақар йаш-у гāҳ лаъл тамар* (Сакк., 25а). *Күләрдә көргәли эрни билә тишин йығыдын көз||гāҳи болур Бадахшāн-у гāҳи Уммāн дарйāсы* (Сакк., 20а). *Гāҳ йығлаб, гāҳ. аҳвāлымға күлмишәм асир* (Муқ., 191);

б) *гāҳ* боғловчиси бир ўринда такрорланиб келганда, бирор иш-ҳаракатнинг ёки воқеа-ҳодисанинг вақти-вақти билан такрорланиб туришини кўрсатади. Мас.: *Ғамза оқыны гāҳ-гāҳ жāныма раҳм этиб атар* (Лутф., 177б). *Тапарда āстāнықда панāҳи||мэни көзләр-му эркин гāҳ-гāҳи* (Нав. ФШ, 179). *Атайиға инāйат қыл кэ, шāҳлар||сорарлар гāҳи-гāҳи ҳам гадāны* (Отойи, 66б).

*Гāҳ* боғловчиси баъзан якка ҳолда ҳам қўлланади. Бунда бирор иш-ҳаракатнинг ё воқеа-ҳодисанинг баъзан-баъзан бўлиши ёки қарама-қарши маънодаги икки тушунча ўртасидаги боғланиш кўрсатилади. Мас.: *Ул кэ дәрләр сув қызы кэ, гāҳ көзгә көрүнүр* (Отойи, 24а). *Биби Убайдā боладур хāламыз|| гāҳ кэлүр эрди кичик баламыз* (Муқ., 38). *Ышаныб гāҳ ышанмай турды анда||ким аның кэлмиши дэб бизгә қанда* (Фурқ. II, 38).

## Зидловчи боғловчилар

352-§. *Аммā* боғловчиси қарама-қарши маънога эга бўлган икки сўз ёки икки гап ўртасидаги ўзаро муносабатни кўрсатади. Мас.: *Сатығчы эр-мэн, мāлым тәлим, аммā оғланым йоқ* (Рабғ., 51а). *...биз ҳам көрдүк, аммā билмәдүк ҳэч* (Нав. ФШ, 59). *Ул қыш асру савуқ эрди, аммā||йоқ эди ҳэч аларға парвā* (ШН, 87). *Хоб айтыб эди, аммā мэн рāзи болмадым* (БН, 139). *Бизниң ичимиздә «Оғузнāма» көп турур, аммā ҳэч йахшысы йоқ* (Ш. тар., 5).

353-§. ***Лэкин, лэк, валэкин, валэк, валэ*** боғловчилари шаклан бир-бири билан боғлиқ бўлиб, қўлланиши ва маъноси бўйича ҳам бир хил, яъни булар қарама-қарши маънога эга бўлган гаплар ўртасида келиб, улар ўртасидаги ўзаро муносабатни кўрсатади. *Лэк, валэк* формалари шеърий асарлардагина [illegible]йди. Мисоллар:

www.ziyouz.com kutubxonasi

лэкин — *Ашкāра фитнадур, л э к и н қылур пинҳāн балā* (Лутф., 161*а*). *Атланыб йол сары мāйил болды//л э к и н ул шаҳр чэрикдин толды* (ШН, 133);

лэк — *Йāрдын өзгэ ҳарнэ дэб Мāни//эшитиб, л э к аңламай аны* (Нав. СС, 52). *Шаҳр эли бу хабардын хушҳāл//л э к хāнның чэрики фāриғбāл* (ШН, 62). *Нāла тартар-мэн висāлың āрзусы бирлэ, л э к//йэтмэс, эй кāфирвашым, мэн тартған афғāн сэңэ* (Мунис, 64);

валэкин — *Мэн йэсир-мэн, в а л э к и н бир достум бар* (Таф., 143*а*). *Сэниң ишқыңда Хоразмий йоқалды//в а л э к и н йэр йүзиндэ аты қалды* (МН, 302*а*). *Аммā хуш таб ва йахшы йигитдүр, в а л э к и н атасы маҳдийлик даъвā қылғандын нэ балāлар ким, башыға кэлди,..* (Нав. МН, 150). *Көп җадал қылдым, в а л э к и н тапмадым базмыңға йол* (Фурқ. I, 42).

валэк — *Қазар-мэн уйла кэ Фархāд дард-у ғам тағын//в а л э к тырнағым олды қазарда тэшэ мэңэ* (Мунис, 45).

валэ — *Мың җāным болса сэниң үчүн бэргэй-мэн, в а л э бу ишни қылмай-мэн* (Рабғ., 75*а*). *Барча тапылур бизгэ, в а л э йāр тапылмас* (Лутф., 189б). *Йана бир дурраҗ җинси қушдур,.. үни кабкның үнигэ хэйли охшар, в а л э муның үни көп тэздүр* (БН, 361). *Дамы аччығ, в а л э тапылмас эл//җāны ширин бэриб қылур мавҗуд* (Мунис, 29).

## Инкор боғловчиси

354-§. Эски ўзбек тилида асосан **нэ.., нэ...** инкор боғловчиси қўлланган. Бу боғловчи уюшган бўлаклар ёки қўшма гап таркибидаги содда гаплар олдидан такрорланиб келиб, инкор маъносини ифодалайди. Мас.: *Н э пари охшар сэңэ ҳусн ичрэ, н э унс-у малак//...н э суйуб сэндин тойар көңлүм, н э бақыб көзлэрим* (Отойи, 52б). *Н э кэйин йаныб, н э илгэри йүрүб, сөзни бир йэргэ қойалмай... кэлүрлэр* (БН, 332). *Н э ата оғлыны тапты ул дам//н э оғулға атадын қалды ғам* (ШН, 105). *Н э шэър иртифāи тападур, нэ шāир//н э фазл эътибāри тападур, н э фāзил* (Мунис, 36).

«Шайбонийнома» асарида **чи.., чи...** инкор боғловчиси ҳам қўлланган. Бу боғловчи кўпинча инкор боғловчиси *нэ.., нэ...* ўрнида қўлланиб, баъзан *ҳам.., ҳам...* боғловчиси маъносида келади. Мас.: *Түркмэндин ч и сиғāр-у ч и кибāр//қалмады қалъа ичиндэ дийāр* (ШН, 223). *Чун вилāйатға кирди ул султāн//қылды йарлығ кэ, ч и йахшы, ч и йаман* (ШН, 174).

## ЭРГАШТИРУВЧИ БОҒЛОВЧИЛАР

355-§. Қадимги ёдгорликлар тилида эргаштирувчи боғловчилар жуда кам сонни ташкил этади: *ким, қалты, ...алы, абам, абаң, бирөк(бирүк), тэб//тийин, аны үчүн, аны...* ...улар ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

асосан қадимги уйғур тилига онд манбаларда қўлланган бўлиб, ўрхун-енисей ёдгорликларида айримларигина учрайди. Бу боғловчиларнинг кўпчилиги кейинчалик истеъмолдан чиққан.

Ҳозирги туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида мавжуд бўлган эргаштирувчи боғловчиларнинг аксарияти маълум тарихий даврларда эрон тилларидан ёки араб тилидан ўзлаштирилган. Буларнинг айримлари XI—XII асрларга онд ёдгорликларда ҳам қўлланган бўлиб, кўпчилиги кейинги даврларга онд манбаларда учрайди.

356-§. Эски ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчилардан *ким, кэ* актив истеъмолда бўлган. *Ким* асл туркий бўлиб, *кэ* эрон тилларидан ўзлаштирилган.

***Ким*** боғловчиси турли типдаги эргаш гапларни бош гап билан боглаш учун хизмат қилади. Мисоллар:

1. *Ул тағларда расмдур к и м, ташларда абйāт... битиб қазурлар* (БН, 121)
2. *Эрлик ва инсāнийат улдур к и м, муқāбаласыда қуллуқ-у хидматкāрлық, балкэ йэкжиҳатлық-у жāн сипāрлық қылғай* (Нав. МҚ, 53).
3. *Буйла маъни к и м, мэңә болды āйāн//әйләдим қушлар тили бирлә байāн* (Нав. ЛТ, 189).
4. *Нэчук айтур эрдиңиз аны к и м, қылмаз эрмиштиңиз* (Таф., 86б).
5. *Ул гимназийа башлығыға пайғāм йубәрдук к и м,.. кириб ушбу мадрасаны тамāшā қылсак экән дэб* (Фурқ. II, 128).
6. *Ваҳ. нэдиндур к и м, йубирмас-сэн навāзиш нāмаи...* (Мунис, 75).
7. *Йэтти-сэкиз қадам қылыб эдим к и м, уч пийāда кэлиб қошулды* (БН, 132).
8. *Мэн ул шарт бирлә мусулмāн болур-мән к и м, мэни алсаң* (Рабғ., 28б).
9. *Андақ қыл к и м, соңра пушаймāн болма* (БН, 45).
10. *Бу пари сөздә көргүзүр можиз//к и м қылур элни нуқтасы āжиз* (Нав. СС, 19).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида *ким* богловчиси эга эргаш гапни бош гапга боглаб келган, иккинчисида — кесим эргаш гапни, учинчисида — аниқловчи эргаш гапни, тўртинчисида — тўлдирувчи эргаш гапни, бешинчисида — мақсад эргаш гапни, олтинчисида — сабаб эргаш гапни, еттинчисида — пайт эргаш гапни, саккизинчисида — шарт эргаш гапни, тўққизинчисида — ҳол эргаш гапни, ўнинчисида — натижа эргаш гапни бош гап билан боғлаб келган.

Кўринадики, эски ўзбек тилида *ким* боғловчисининг функцияси кенг бўлиб, эргаш гапли қўшма гапларнинг қарийб барча турлари таркибида иштирок этган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундан ташқари, *ким* боғловчиси эски ўзбек тилида ўзлаштирма гаплар таркибида ҳам кенг қўлланган, яъни автор гапини кўчирма гап билан боғлаш вазифасини бажарган. Мас.: *Баъзи дэдиләр ким, йазға алғай-биз* (БН, 102). *Хāн ҳукм қылды ким, ҳэч ким мэндин қалмасун тэб* (Ш. тар., 21—22).

*Кэ* боғловчиси XIII—XIV асрлардан бошлаб учрайди. Лекин унинг актив қўлланиши XV асрдан бошлаб кузатилади. Бу боғловчи маъноси ва функцияси бўйича *ким* боғловчисига ўхшайди. Фарқ шундаки, *кэ* шеърий асарда актив қўлланган бўлиб, прозаик асарларда кам учрайди, *ким* эса ҳар иккала жанрда ҳам кенг қўлланган. Эски ўзбек тили тараққиётининг кейинги даврларида *кэ* боғловчиси прозаик асарларда ҳам кенг қўллана бошлаган.

Эски ўзбек тилида *кэ* ҳам *ким* боғловчиси каби турли типдаги эргаш гапларни бош гап билан боғлаш учун хизмат қилган. Мас.: *Сэвмәкиң далили ул болур кэ, сэвмишиниң тиләгинчә йүрисә,..* (Рабғ., 45б). *Ул йаманлар кэ, бу иш башладылар//өзләрин шаҳр ичигә ташладылар* (ШН, 65). *Қылыч кэ мэниң башымға йэтти, ошал қылыч болды* (БН, 119). *Фирāқ дарды танымны, басэ, заиф этмиш//бэриң хабар кэ, аңа бармуу анқариб илāж* (Мунис, 130). *Атайиға инāйат қыл кэ, шāҳлар//сорарлар гāҳ гāҳи ҳам гадāны* (Отойи, 66б). *Ул күн кэ, Дуйлы Қайы хāн өлди эрсә, бизниң йуртымызны туман тутуб, қарангу болды* (Ш. тар., 44). *Киши кэ өз жāнығa қасд этәр, сэни сэвсун* (Лутф., 161б). *Лāф урармыш гул тарāват бāбыда гулшан ара//бир барыб йуз ач кэ, болсун шармсāр, эй сарвнāз* (Фурқ. I, 85). *Дэр-сэн кэ, фирāқымда мэниң сабр эт, Атайи//сабр эткäли чун қалмады имкāн, нэтәйин мэн* (Отойи, 45). *Хāн айтды: андақ хатун нэ йэрдин тапылур кэ, кэлиб анаңның орнын тутғай, тэди* (Ш. тар., 52).

*Ким, кэ* боғловчилари айрим сўзларга ёки боғловчиларга қўшилиб составли боғловчилар ҳосил бўлади: *тāкэ, чунким// чункэ, нэтәк ким, нэчук ким* каби (Қар.: §§ 360, 361, 363, 364).

357-§. *Агар* боғловчиси XI—XII асрларга оид ёдгорликларда ҳам истеъмолда бўлган. Лекин унинг қўлланиши XIII—XIV асрлардан бошлаб активлаша борган.

Эски ўзбек тилида бу боғловчи асосан шарт эргаш гапни бош гап билан боғлаш функциясини бажарган. Мас.: *Агар бэрмәсәң, биз кириб, тартыб чықарур-биз* (Рабғ., 39б). *Агар көңлүң тиләр жāнымны алмақ//қарақчы көзләриңдин бир қыйа бақ* (Отойи, 29б). *Агар киши пāдишāҳ йасағлықдур, иши илгәри баруры инāйатқа бағлықдур* (Нав. МҚ, 117). *Агар мэңә бақсаңыз, өзүңизни алдурур-сиз* (БН, 139). *Агар йандурмасаңыз,.. муҳāрибадын өзгә кāрсāзлик йоқтур* (Фурқ. II, 158).

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Агар* боғловчиси баъзан тўсиқсиз эргаш гапни бош гап билан боғлаш вазифасини ҳам бажаради. Мас.: *Йардын а г а р кэлсэ қылыч башыма//зарра фирāқ этмэгэ-мэн ихтийāр* (Лутф., 169*а*). *Ваҳ, нэдиндур ким, йубармас-сэн навāзиш нāмаи//мэн нэчэ ирсāл а г а р қылсам китāб узрэ китāб* (Мунис, 75).

*Агар* боғловчиси баъзан пайт-шарт маъносидаги эргаш гапларни бош гап билан боғлаш вазифасини ҳам бажаради. Мас.: *Мэн кэтмэн эшикиңдин, а г а р чықмаса җāным* (Лутф., 204*а*). *А г а р ул устадымыз балаларны урған вақтда ташқарыдаги тāлибул илмлар кириб, махласыны илтимāс қылсалар, қабулға алмай, балкэ зийāда танбэҳ қылур эрди* (Фурқ. II, 133).

·*Агар* боғловчиси XIX асрдан бошлаб ***агарда*** формасида ҳам учрайди. Мас.: *Туйнугиңдин а г а р д а чықса тутун//мунда бэр дастмāйаларны бутун* (Муқ., 51).

XV асрдан бошлаб бу боғловчининг ***гар*** формаси ҳам кенг қўлланган. Лекин кейингиси шеърий асарлар тили учунгина хос бўлган. Мас.: *Г а р рақибиң тушсэ мэниң қолума//арқасыдын тасмалар көп тилэ-мэн* (Лутф., 226*б*). *Г а р барур болсаң, мэни өлтур дағы болғыл равāн* (Отойи, 8*а*). *Г а р аңа банда мададкāр олдум//йаман эл сөзи билэ йāр олдум* (ШН, 92). *Мэн қазар-мэн коҳи ғам, қылғай эди көп фахрлар//г а р бу иш мыңдын бирин умрыда Фарҳāд эйлэсэ* (Мунис, 42). *Г а р қылыч башыма ҳам кэлсэ, дэгэй-мэн рāстын* (Муқ., 224).

Айрим шеърий асарларда бу боғловчи ***ар*** формасида ҳам қўлланган. Мас.: *Ул йол а р бағланды, ачуғдур бу йол* (Нав. МҚ, 124). *Өлгэним йахшы бу нав, а р өтсэ элликдин йашым* (Бобир). *Сарв-сэн, эй гулузāр, а р болса хуşрафтāр сарв* (Муқ., 218).

*Агар(гар, ар)* боғловчиси баъзан такрорланиб қўлланган ва *хāҳ.., хāҳ...* айирув боғловчиси маъносини ифодалаган. Мас.: *Башыңдын эврулур садқа болғалы қамар//бандаң дурур а г а р мāҳ-у г а р āфтāб эрур* (Лутф., 168*а*). *Сөз тэргучиниң а г а р улуғы, а г а р кичиги, бил кэ, эрурлэр тамуғ отының тутруғы* (Нав. МҚ, 128). *Жавҳари җāным эйлэрэм эйсāр//г а р қабул эйлэ, рад а г а р эйлэ* (Мунис, 52). *Бу маънидин а р зулмат, а р нурдур//сөзи гāҳ тиллэрдэ мазкур дурур* (Навоий. Садди Искандарий).

358-§. *Агарчэ, гарчэ, арчэ, гарчанд, ҳарчанд, агарчанд* боғловчилари *агар, гар, ар* боғловчиларига ёки *ҳар* белгилаш олмошига *-чэ* ёки *-чанд* қўшимчалари орттирилиши билан ҳосил бўлган. Бу боғловчилар тўсиқсиз эргаш гапни бош гап билан боғлаш вазифасини бажаради.

***Агарчэ*** XV асрдан бошлаб кенг қўлланган бўлиб, XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримларида ҳам учрайди. Мас.: *А г а р ч э мэн улардын болмасам,.. анларны дост*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*билур-мэн* (Таф., 81б). *Фақир аны* *а г а р ч э* *көрмәй-мэн, аммā Мавлāнā Муҳаммад Бадахшāнийдин эшитмиш-мэн* (Нав. МН, 186). *А г а р ч э мардāналығы бар эди, валэ бир нимэ тэлбарәк ва гол киши эди* (БН, 216). *Алыб йāдыға, сормас кимсә Зāкирҗāн Фурқатны//а г а р ч э айтадур дāим дуā бāди сабāлардын* (Фурқ. II, 120).

XV асрдан бошлаб *гарчэ* боғловчиси ҳам анча кенг қўлланган бўлиб, асосан шеърий асарларда учрайди. Мас.: *Г а р ч э сэн дашнāм этәр-сэн, мэн дуъāчы-мэн сэңә* (Отойи, 40а). *Г а р ч э итләргә мулāзим болмышам//лэк ул хайл үзрә ҳāким болмышам* (Нав. ЛТ, 153). *Чықтылар барчасы шатулардын// г а р ч э көп кэлди таш отрулардын* (ШН, 69). *Сабā кāш эрди сөз кэлтүрсә мэңә ул шакар лабдын//алурдым кāми ширин, г а р ч э болса талх пайғāмы* (Фурқ. I, 113).

*Арчэ* боғловчиси кам қўлланган бўлиб, айрим шеърий асарларда баъзан учраб қолади: *Латāфат гулшаныда гул киби сэн сабза-ву хуррам қал//мэн а р ч э даҳр бағыдын хазāн йафрағы-дэк бардым* (Бобир).

***Агарчанд, гарчанд*** боғловчилари кам қўлланган бўлиб, XVIII—XIX асрларга оид ёдгорликларда учрайди. Булар ***агарчандэ, агарчандэ кэ, гарчанд ким*** каби формаларда ҳам қўлланган. Мисоллар: *Қайу шаҳрыда ким болса хунарманд// ҳама кэлди, йырақ эрди а г а р ч а н д* (Фурқ. II, 11). *Инъāм болды сизгә г а р ч а н д Ташкәнтдин//бэргәй-му-дик дэгәндә Шайхантахур фāнус* (Муқ., 89). *А г а р ч а н д э бу йана кэлмәсәң ҳам//қылыб махзи тамāшā бир кэлиб кэт* (Фурқ. I, 209). *А г а р ч а н д э к э Русийа халқының гимназийа дэгән мадрасасыға барыб-кэлиб йүрсәм ҳам, Русийа хаттыны ва лисāныны парвā қылыб йахшы өргәнмәдим* (Фурқ. II, 149). *Болса кирāйи, түшсәң пуржиналик каласка//г а р ч а н д к и м, қылурлар гулдāр, арāба қурсын* (Муқ., 81).

***Ҳарчанд*** боғловчиси асосан XVI—XVIII асрларга оид манбаларда учрайди. Мисоллар: *Ҳ а р ч а н д саъй қылды ким, Астрāбāдны инисигә бэрмәккә ризā болмады* (БН, 51). *Ҳ а р ч а н д э к и м вāриси ҳāзир йоқ эди, ..мāлларыны салим тапшурды* (БН, 9). *Ҳ а р ч а н д мусулмāн болуң тэдим, қабул қылмадылар* (Ш. тар., 15).

359-§. ***Чун, чу*** боғловчилари бир сўзнинг икки хил кўриниши бўлиб, булар ўртасида маънода фарқ йўқ. Қўлланиши жиҳатдан эса қуйидаги ўзгачаликлар мавжуд: *чун* XV асрдан бошлаб кенг қўлланган бўлиб, XIII—XIV асрларга оид айрим ёдгорликларда ҳам учрайди, *чу* эса XV асрдан бошлаб қўлланган бўлиб, фақат шеърий асарларда учрайди.

*Чун, чу* асосан қуйидаги ўринларда қўлланади:

а) сабаб ёки сабаб-натижа маъносидаги эргаш гапларни бош гап билан боғлайди. Мисоллар:



www.ziyouz.com kutubxonasi

чун — *Биздин эшитсүн эмди жаҳāн тāза қиссалар//ч у н коҳна болды Лайли-йу Мажнун ҳикāйаты* (Сакк., 26б). *Умид ул ким, ч у н дарвиш киши эрди, баъзи мустажāб болмыш болғай* (Нав. МН, 73). *Адам эрмәс ҳар киши, гар әйләмәс йāд Андижāн//ч у н мусāфир хāтирин әйләб турар шāд Андижāң* (Фурқ. I, 147);

чу — *Кәтти хирāдым башта, ч у ул қашыны көрдүм* (Лутф., 167а). *Ташқары мэва ч у бисийāр олды//ичкәри халқ дилафкāр олды* (ШН, 61). *Мән ким ҳамиша йығлар эдим, йықты күлгүдин//сормақға зāҳир олды ч у нутқың зарāфаты* (Мунис, 163);

б) пайт эргаш гапни бош гап билан боғлайди. Мисоллар:

чун — *Ч у н тишләсә эрнин, көрүнүр шивасы ширин* (Лутф., 185б). *Ч у н бу сөздин йана өтти бир ай//болдылар барлық эл бары гадāй* (ШН, 67). *Ч у н байāн маърāзыға йэткүрди, ҳамма вақт ул қāзада олтуруб сайди мāҳий қылур экән* (Фурқ. II, 125);

чу — *Кәтүр, сāқий, қадаҳ хилватда бир дам//ч у кәтүрдүң, эшикни бағла маҳкам* (Нав. ФШ, 21). *Ч у Самарқандны алды Бāбир//халқ ара тафриққа салды Бāбир* (ШН, 47). *Ч у йэтдим ҳузурыңға, қылдың итāб//дэсәм ҳар нәчә эмди ҳāлы харāб* (Мунис, 330).

*Чун* боғловчиси баъзан содда гап таркибида қўлланиб, ўхшатиш, қиёслаш маъносини ифодалайди. Мас.: *Сачыб қан йашы ч у н абри баҳāры...* (Лутфий. Гул ва Навруз). *Аңа бақыб кишнәгәй ағзын ачыб ч у н аждаҳāр* (Муқ., 77).

**360-§.** ***Чунким, чункэ*** боғловчилари *чун* боғловчисига *ким, кэ* боғловчилари қўшилиши билан ҳосил бўлган. Бу боғловчилар сабаб эргаш гапни бош гап билан боғлаш вазифасини бажаради.

*Чункэ* боғловчисининг қўлланиши XV асрдан бошлаб кузатилади. Мисоллар: *Ағзың үчүн вужудтын кэчәли//ч у н к э таптуқ рāйи адам сэндин* (Лутф., 215б). *Васли ҳажрың қиссасын бир күн сэңә шарҳ әйләгәй//ч у н к э вāқифдур мэниң йахшыйаманымдын көңүл* (Отойи, 36а). *Әйләмән ҳаргэз сэниң ғайри сары наззāраи//ч у н к э сэн-сэн āлам ара ҳусн элиниң эҳсāны* (Мунис, 151).

*Чунким* боғловчисининг қўлланиши XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади. Лекин бу боғловчи айрим ёдгорликлардагина учрайди. Мас.: *Ч у н к и м навбат, Муҳаммадға йэтилүшди, фармāн кэлди* (Таф., 116а). *Ч у н к и м бизни алдымызга ғаным көп эди, киши айырыб йубара билмәдүк* (БН, 267).

**361-§.** *Тā, тāкэ* боғловчилари.

***Тā*** боғловчиси эски ўзбек тилида XIII—XIV асрлардан бошлабоқ актив истеъмолда бўлган ва асосан қуйидаги ўринларда қўлланган:

www.ziyouz.com kutubxonasi

а) мақсад эргаш гапни бош гап билан боғлайди. Мас.: ...*пайғамбарға көңлүндә көз йаратды, т а̄ ул көзи бирлә тәңрини көрди* (Таф., 59*а*). *Йолыда тупрақ олайын ат үчүн//т а̄ мәңә қылғай гузар ул шаҳсувар* (Лутф., 169*б*). *Тиләдүк ким, бу қыш а̄рийат бәргәй, т а̄ анда олтуруб Самарқанд вила̄йатыға эликдин кәлгәнчә йүрүшгәй-биз* (БН, 73). *Йахшыларыны тутуб өлтүрсүн, т а̄ йаманлары ҳукмга бойун қойғай тэди* (Ш. тар., 59);

б) пайт эргаш гапни бош гапга боғлайди. Мас.: *Т а̄ йүзүңнүң васфыны Лутфий битиди, дафтары//болды рангин-у насими гул кәлүр авра̄қдын* (Лутф., 213*б*). *Т а̄ бу бары тийра түндә маҳбуб олғай//мажмуъи сэниң ҳа̄лыңа мансуб олғай* (Нав. Мнш., 4). *Т а̄ ул қышлақда эдүк, қырғавул эти фара̄ван эди* (БН, 87). *Т а̄ дарди ишқың ақлымны алды//түрлүк бала̄лар башымға салды* (Мунис, 161).

*Та̄* баъзан кўмакчи функциясида ҳам қўлланади. Бунда у иш-ҳаракатнинг пайтга нисбатан чегарасини кўрсатиш учун хизмат қилади. Мас.: *Бир тойа көргәй-му-мэн дэб талъатыңны толун ай//түңлүкүңдә олтурур т а̄ субҳ мэн-дэк тэлмүрүб* (Отойи, 7*а*). *Т а̄ нама̄з хуфта̄нғача йол барылды* (БН, 140). *Ша̄мдын т а̄ субҳидам ҳажрыңда өртәб йана-мэн* (Муқ., 159).

*Та̄кэ* богловчиси *та̄* ва *кэ* боғловчиларининг бирикувидан ҳосил бўлган. Ўзбек тилида бу богловчининг қўлланиши асосан XV асрдан бошлаб кузатилади.

*Та̄кэ* маъно жиҳатдан *та̄* боғловчисидан фарқ қилмайди, яъни:

а) мақсад эргаш гапни бош гап билан боғлаш учун хизмат қилади. Мас.: *Ишчиләр он күн этти жаҳд-у шита̄б//т а̄ к э болды мураттаб ул асба̄б* (Нав. СС, 112). *Болдылар душман аның ха̄ныға//т а̄ к э киргәйләр аның қаныға* (ШН, 126). *Гарчэ жа̄н бэрмәй виса̄лың ичрә қылдым бир гуна̄ҳ//кэч гуна̄ҳым т а̄ к э тапғай-сэн сава̄б узрә сава̄б* (Мунис, 75);

б) пайт эргаш гапни бош гап билан боғлайди. Мас.: *Көзум назары т а̄ к э йүзүңүзгә түшүбтүр//жа̄н бирлә көңул ишқың оты ичрә куйубтүр* (Лутф., 182*а*). *Ҳа̄силан қышлады ха̄ни ойа̄м//т а̄ к э Хоразм иши тапты анжа̄м* (ШН, 200).

362-§. *Тэб дэб* боғловчиси эски ўзбек тилида ҳам кенг истеъмолда бўлган. XV асргача асосан *тэб* (баъзан *тэйу*) формасида ишлатилган, кейинги даврларда асосан *дэб* формасида қўлланган бўлиб, айрим манбаларда (масалан, «Шажараи тарокима», «Шажараи турк») *тэб* формасида ишлатилган. Бу боғловчи баъзан *дэбән* формасида ҳам учрайди. Қадимги ёдгорликларда эса *тәйин* (*тийин*), *тәб, тәйу, тәпән* каби формаларда учрайди.

*Тэб//дэб* боғловчиси кўп маъноли бўлиб, кўпинча қуйидаги ўринларда қўлланган:

www.ziyouz.com kutubxonasi

а) мақсад эргаш гапни бош гап билан боғлайди. Мас.: *Йусуф тәкмә бир қарындашлары йузингә тэлмурә башлады, албатта, бири раҳм қылғай* *т э б* (Рабғ., 45б). *Бәкә, сувны пāк болсун* *д э б ә н,* *әлики бирлә йувур* (Отойи, 24а). *Бир кун Қозы тэгин атасын көрәйин* *т э б* *кэлди* (Ш. тар., 52). *Лэк мэндин кэтмиш эрди ақл-у хуш...//қайта көрмақ мумкин олсайды* *д э б ә н*... (Фурқ. II, 29);

б) сабаб эргаш гапни бош гап билан боғлайди. Мас.: *Учтмаҳдақы орнумны алдурғай-мэн,* *т э й у* *қорқар-мэн* (Рабғ., 53б). *Шāд олма, өлди* *т э й у,* *āшиқи мискин* (Сакк., 30а). *Ул оғлан ағач ичиндә туғды* *т э б,* *атын Қыпчақ қойдылар* (Ш. тар., 19). *Бақалмас-мэн йузигә, баҳайāликдин уйалғай* *д э б* (Муқ., 193);

в) автор гапи билан ўзлаштирма гапни боғлаш вазифасини бажаради. Мас.: *Сорарлар аңа мāл қандын алдың, нэчә харж қылдың* *т э й у* (Таф., 134б). *Нэ ишкә кэлдиңиз,* *т э б* *сорды* (Рабғ., 42а). *Хāн ҳукм қылды, ул жамāатқа «қарлық» дэсунләр* *т э б* (Ш. тар., 22). *Ул қой жаллāв айтыбдур кэ, ушбу тиллаларны мэңә бэргил, мэн санға қырқ адад қой бэрәйин* *т э б* (Фурқ. II, 147).

363-§. Айрим сўроқ олмошларига ва шунга ўхшаш баъзи сўзларга *ким* ёки *кэ* боғловчиси қўшилиши билан мураккаб типдаги эргаштирувчи боғловчилар ҳосил бўлади. Бу типдаги боғловчиларнинг кўпчилиги сабаб эргаш гапларни, айримлари ўхшатиш-қиёслаш маъносидаги эргаш гапларни бош гапга боғлаш вазифасини бажаради. Бундай боғловчилардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

**нэчук ким//нэчук кэ** — *Навāий фāний ол, истәр эсәң кāм//* *н э ч у к* *к и м* *болдылар Фарҳāд-у* Баҳрāм (Нав. ФШ, 211). *Жулъйā тэбрәнгәч, қабр тэбрәнгән-дэк маҳсус боладур,* *н э ч у к* *к и м* *кэмәгә кирмәгән эл кэмәгә киргәч, сāҳил мутаҳаррик маҳсус болур* (БН, 171). *Тапылмады мэңә йэкранглик замāн элидин//* *н э ч у к* *к э* *эйләмишәм сайри āлами ашбāҳ* (Мунис, 38);

**нэчун ким//нэвчун ким** — *Йалған сөз дэгучи сөзин бэъэтибāр қылур,* *н э ч у н* *к и м* *ул говҳарны хазаф-дэк хāр қылур* (Нав. МҚ, 162). *Бэфāйда эл билә мусāҳиблық қылмас,* *н э в ч у н* *к и м* *бэжиҳат машаққатларны өзигә равā көрмәс* (Нав. МН, 116). *Хасад аҳлы бу сөз тоғры дэмәсләр...//* *н э ч у н* *к и м* *бур халқыда ҳунар йоқ* (Фурқ. II, 42);

**нэгә ким** — *Хожа Калāнны тиләб эдук,* *н э г ә* *к и м* *Хожа мусāҳиб эди* (БН, 328);

**нэчә ким** — *Ҳэч кимэрсә көрмәди аны,* *н э ч ә* *к и м* *йалған қылмыш болғай* (Таф., 134б). *Хаста көңлумдин хайāлың бир замāн кэтмәс, бэгим//* *н э ч ә* *к и м* *васлың этәгигә қолум йэтишмәс, бэгим* (Отойи, 39б);

www.ziyouz.com kutubxonasi

уйла ким — *Фақир аҳлыға пāдшāҳ муҳтāжс//у й л а к и м шāҳға гадā муҳтāж* (Навоий). *Кэ бурун сал ики қолыға шакāл//у й л а к и м турғай өз йэридə ғазāл* (Нав. СС, 65);

андақ (андағ) ким//андақ кэ — *Баъэилар аймышлар ким, йалавач эрмəс тэб, а н д а ғ к и м тəңри таāлā йарлықамыш турур* (Таф., 10*а*). *Вафāға ҳайā билə пайвасталық, а н д а қ к э ҳайāға вафā билə вāбасталық* (Нав. МҚ, 114).

364-§. *Аның үчүн (ким), шуның үчүн (ким)* типидаги эргаштирувчи боғловчилар кўрсатиш олмошларига *үчүн* кўмакчиси қўшилиши билан ҳосил бўлиб, асосан сабаб эргаш гапларни бош гап билан боғлаш вазифасини бажаради. Мисоллар: *Қāсим хāн рāзи болмады, а н ы ң ү ч ү н к и м Қара Булақта забт-у сийāсат үчүн моғулны өлтүрүб эди* (БН, 121). *Аның фазлы артуқ, а н ы ң ү ч ү н к и м аввал мусулмāн ул болды* (Таф., 73*а*). *Бу вақтғача Туман йаш эрди, а н ы ң ү ч ү н мэн ишни қыла турур эрдим* (Ш. тар., 45). *Нэчүк ким ул вилāйатда сув көпдүр, ш у н ы ң ү ч ү н анда б ā ғ л а р көп* («Туркистон вилоятининг газети»).

365-§. Эски ўзбек тилида яна бир қатор эргаштирувчи боғловчилар мавжуд бўлиб, улар нисбатан кам истеъмолда бўлган ёки маълум даврлар учунгина характерли бўлган. Қуйида бундай боғловчилардан айримларини кўрсатиб ўтамиз.

мабāдā — *Таъбиқ м а б ā д ā чāй тилəр//димлашлары ишқāр экəн* (Муқ., 96). *Кэ анда Авлийā хожа м а б ā д ā//отырған болса, қылма āшкāра* (Фурқ. II, 112);

башарти — *Ҳэч бир сормас-му-ды, нāкāм даврāнлар өтəр//қулларыи ичрə б а ш а р т и эътибāрым бар эди* (Муқ., 138);

вагарна — *Дили āзурда мэндин болды нāҳақ//в а г а р н а йоқ гунāҳэ мэндə мутлāқ* (Фурқ. II, 111). *Дэди ким, қаны үч мыңымны бэриң//в а г а р н а шариат дэсəңиз, йүриң* (Муқ.);

варна — *Маст-мэн бу кэчə, сāқий, лутф илə өлтүр мэни//в а р н а қойсаң таңлага, ранжи хумāр олтырғусы* (Муқ.);

зэрāкэ — *...эҳтийāт бирлə йаруқдын махсус асбāб ичрə саҳлар экəнлəр, з э р ā к э шуъла тэксə, мазкур дāруның қувваты кэтəр эмиш* (Фурқ. II, 143);

бāвужуди — *Дāим түркчə айтыб қуш сала атланғай ва.., б ā в у ж у д и бу ишлəр табъи йахшыдур* (Нав. МН, 185). *Б ā в у ж у д и бу жамāл истəр вафāсындын көңул//вах, нə тадбир эйлəйин мэн бу мажāл андин үчүн* (Отойи, 44*а*).

бāвужуди ким — *Б ā в у ж у д и к и м атымны айттым ҳам, муддатын соңра таныдылар* (БН, 11). *Б ā в у ж у д и к и м, билүр-сэн, йāри сāдиқ-мэн сэңə//ҳар замāн дэр-сэн мэни ағйāр, тақсирим, нэдур* (Отойи, 21*б*);

бāвужуди ул ким — *Б ā в у ж у д и у л к и м усул-қāидасы билə ҳаракаты мувāфиқ эрмəс эрди, аммā халāйиқға андақ асар қылур ким, көп эл йығлар эдилəр* (Нав. МН, 38).

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЮКЛАМАЛАР

366-§. Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган юкламалар тузилиши ва қўлланиши жиҳатдан икки группага бўлинади: 1) бир группа юкламалар тузилиши жиҳатдан аффиксларга ўхшаб бирор сўзга қўшилиб келади ва ўзи қўшилиб келган сўзга ёки бутун гапга турли маъно оттенкаларини беради; 2) юкламаларнинг иккинчи группаси сўз ёки гап олдидан келиб, мустақил сўз сифатида қўлланади. Лекин бундай сўзлар мустақил лексик маънога эга бўлмасдан, гап мазмунига турли қўшимча маъно оттенкаларини беради.

367-§. Сўзга қўшилиб қўлланадиган юкламалардан эски ўзбек тилида асосан қуйидагилар истеъмолда бўлган:

-му юкламаси сўроқ маъносини ифодалайди. Мас.: *Сэни от күйдүрмәс-м у?* (Рабғ., 28б). *Өсрүк киши билүр-м у кишиниң гунāҳыны?* (Отойи, 68б). *Шайх җанāби муридға айтты ким, сэндә ҳэч маълум бар-м у?* (Нав. МҚ, 72). *Дэдиләр: қызларыдын қалды-м у ҳэч?* (ШН, 153). *Дилрабā, сэңә кэрәкмәс-м у савāб?* (Фурқ. I, 50).

-му юкламаси одатда кесим вазифасида келган сўзга қўшилади (юқоридаги мисолларга қаранг). Баъзан бошқа сўзларга ҳам қўшилиб келади ва шу сўзни таъкидлаб, алоҳида ажратиб кўрсатади. Бу ҳолат асосан XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлар тили учун характерли бўлган. Мас.: *Мэни қамчы бирлә урдуң... қасд бирлә-м у урдуң?* (Таф., 145а). *Аҳмақлар ишин-м у қылур-сэн?* (Рабғ., 54б). *Биз қарындашымызны ач-м у қойғай-миз йāхуд сувсыз-м у қойғай-миз?* (Рабғ., 45б). *Хоблар җавр-у җафāсын мэн-м у тартар-мэн мудāм?* (Отойи, 69а). *Ашиқ-м у гул йаңақы шавқыда мардум?* (Лутф., 205а).

-оқ юкламаси гапнинг ҳар қандай бўлаги билан кела олади ва шу бўлакни таъкидлаб, алоҳида ажратиб кўрсатади. Мас.: *Афра бу тайақ-о қ Мусāның элкингә кирди* (Таф., 28б). *Мэни мунда булар бирлә-о қ қойсун* (Рабғ., 61а). *Дунйāны кэздим-у, зэбā, сэни-о қ көрдүм, бас* (Лутф., 190б). *Қабры Машҳадда-о қ вāкэдур* (Нав. МН, 37). *Саҳар-о қ қалъа үзә миндиләр* (ШН, 222). *Өзләрин хāн сары-о қ ташлады эл* (ШН, 219). *Ушбу ҳавāл қашыда-о қ түшүлди* (БН, 245).

*-оқ* юкламаси равишдошга қўшилганда бир иш-ҳаракат кетидан тезлик билан иккинчиси бўлишини кўрсатади. Мас.: *Чун аның баргāҳигә йэттим//й э т к ә ч-о қ ҳазратыға арз эттим* (ШН, 100). *Султāн Маҳмуд мирзāға бу хабар й э т к ә ч-о қ,.. тахтқа олтурды* (БН, 29).

XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда *-оқ* юкламаси юмшоқ ўзакли сўзларга баъзан юмшоқ *-өк* вариантида ҳам қўшилган. Мас.: *Йусуф айды: āламда эр биз-ө к-му тэб сақынур-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*сиз, мунда йэмә эрәнләр бар* (Рабғ., 66*а*). *Сэн-ө к-сэн барча āҗизлар панāҳы* (Хиср. Шир.).

3. *-ла* юкламаси эски ўзбек тилида айрим шеърий асарларда қўлланган бўлиб, феълга қўшилиб келади (кўпинча мисра охирида келган феълга қўшилади). Бу юклама ўзи қўшилган феълдан англашилган иш-ҳаракатга аниқлик, қатъийлик маъносини беради. Мас.: *Эй йузи пари, җāду көзуң җāн аладур-л а//зулфуң дағы ул кāфир уш имāн аладур-л а* (Лутфий). *Насибим ғусса-ву дард әйләдиң-л а//вуҗудым туфрағын гард әйләдиң-л а* (Нав. ФШ, 209). *Той башлаб кэләдүр-л а оғлуң// ғамны ташлаб кэләдүр-л а оғлуң* (ШН, 186). *Мэңә бары ишқың фузун болды-л а//бу бāр астыда қад нигун болды-л а* (Мунис, 219).

Маҳмуд Қошғарий бу юклама XI асрда ўғузлар тили учун хос бўлиб, бошқа турклар буни билмайдилар, деб уқдирган ва қуйидаги мисолларни келтирган: *Ол барды-л а* — «У албатта борди, унинг боргани ҳақиқатдир». *Ол кәлди-л а* — «У келди, унинг келгани аниқ бўлди» (Қар.: МҚ, III том, 231-бет).

4. *-ғына, -гинә* юкламаси ажратиб кўрсатиш, чегаралаш каби маъноларни ифодалайди. Мас.: *Б у ғ ы н а масалны й а х ш ы ғ ы н а бағлаған учун умид ул ким,..* (Нав. МН, 76). *Йолдағы б и р г и н ә ат соқмақы...* (ШН, 162). *Ҳасби ҳāл у ш б у ғ ы н а матла эди* (ШН, 100). *Агар бу қ а д а р г и н ә билмәсәм эди,.. илтиҗā қылыб йаздурур эрдим* (Фурқ. II, 150).

*-ғына/-гинә* отга қўшилганда, кичрайтиш, эркалаш каби маъноларни ифодалайди (Қар.: § 47), сифатга қўшилганда, белгининг камлигини кўрсатади (Қар.: § 73).

*-чы/-чи* юкламасининг қўлланиши XIX асрдан бошлаб кузатилади. Бунда ҳам шарт феълигагина қўшилган бўлиб, сўраш, илтимос каби маъноларни ифодалайди (Қар.: § 233).

368-§. Мустақил сўз сифатида қўлланиб, гап ёки сўз олдидан келадиган юкламалардан эски ўзбек тилида асосан қуйидагилар истеъмолда бўлган:

1) *Магар* юкламаси таажжуб, тахмин, фараз каби маъноларни ифодалайди. Мас.: *Өзиндин эрмәз ул сөзләмәки, м а г а р мэним ваҳим бирлә сөзләр* (Таф., 58*б*). *Төкәр ғамзаң дамāдам Лутфий қаныны//м а г а р көз үчидин имā қылыб-сэн* (Лутф., 212*а*). *М а г а р эл аны майпараст эткәй//рāзини аңлағай чу маст эткәй* (Нав. СС, 88). *Ул лабы майгун узә хатдур-му болмыш āшкāр//йā м а г а р гул баргы үзрә баш чықармыш хāрлар* (Мунис, 243).

2) *Кāшкэ* юкламаси истак, орзу каби маъноларни билдиради. Мас.: *Мэн к ā ш к э тири болса эрдим,..* (Таф., 138*б*). *К ā ш к э ул кун-оқ өлмиш болса эрдим,..* (Рабғ., 51*а*). *Йэргә кирсәм к ā ш к э, чун йэтмәс ул айға элиг* (Лутф., 193*а*). *Хоҗа Йахйā дэди: Бāбир мирзā//к ā ш к э кэлгәй эди ушбу*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*ара* (ШН, 31). *Эй кāшкэ болса эрди мэни бахт-у давлатым* (Муқ., 143).

*Кāшкэ* юкламаси шеърий асарларда баъзан *кāш* формасида ҳам келади. Мас.: *Кāш ҳаргэз болмағай эрдим тирик//умрны көргүнчə бу йаңлығ эрик* (Нав. ЛТ, 74). *Сабā кāш эрди сөз кэлтүрсə мэңə ул шаккар лабдын//алурдым кāми ширин гарчэ болса талх пайғāмы* (Фурқ. I, 113).

*Шāйад* юкламаси истак, тахмин, фараз каби маъноларни ифодалайди. Мас.: *Шāйад уйқу көзүмгə майл эткэй// андын āгāйиши мэңə йэткэй* (Нав. СС, 79). *Йүрүй бэриң, шāйад қутулғай-сиз* (БН, 139). *Арзымны айтай бāди сабāға// шāйад гапыргай ул гул кабāға* (Муқ., 121). *Кэчүбдүр-мэн, сэни йāр олса шāйад дэб, дийāрымдын* (Фурқ. I, 203).

*Балкэ* (*балким*) юкламаси маънони кучайтириш, таъкидлаб кўрсатиш учун хизмат қилади. Мас.: *Эмди билдим, рāст эрмиш, балкэ көрдүм көз билə* (Отойи, 24а). *Дэрлəр ким, шэърга андақ машъуфдур ким, күндə он ғазал, балкэ артуқ айтур эрмиш* (Нав. МН, 188). ...*новкар-у чāкар тамāм бу кишиниң болур, балкэ пāдшāҳының тахтыда ҳам бу ҳāсийатдур* (БН, 351). *Улум ичрə гар рифъати тапса āлим//қылур хōр, балким гирифтāри жāҳил* (Мунис, 36).

*Гойā гойӣ* юкламаси бир иш-ҳаракатни ёки воқеа-ҳодисани бошқасига ўхшатишда қўлланади. Лекин бунда тахмин, фараз, ноаниқлик маъноси бўлади. Мас.: *Пари-йу āдами мундақ хōб эрмəс//фариштa гойā көктин инибтүр* (Лутф., 172а). *Ул сипāҳийлық суратыда эрди ва элни ҳажв қылур эрди, гойā эмди иккəлəсидин мутабāид болубтур* (Нав. МН, 99). *Ошал ҳāлда мэңə андақ ҳāлат болды ким, гойā кэ мэңə йанқы баштын худā жāн бэрди* (БН, 145). *Мунисға йэтəр дамбадам āзāрлар андын//гойā кэ көрүлмиш аңа āзāр мунисиб* (Мунис, 107).

## УНДОВЛАР

369-§. Эски ўзбек тилида, тўғрироғи, ёзма ёдгорликларда истеъмолда бўлган ундовлар жуда кам сонни ташкил этади.

Эски ўзбек тилидаги ундовларнинг бир группаси сўзловчининг тингловчига мурожаати, хитоб қилиш, фикрни жалб этиш каби маъноларни ифодалайди. Булар асосан қуйидагилар:

**Эй** (э) — *Эй ата, билүр-мэн, мэни сэвəр-сэн* (Рабғ., 45б). *Бойуң-тэк бутмады бостāн ара сарви равāн, э жāн* (Сакк., 15б). *Кэл, эй сāқий кэ, тушмуш жāныма жōш* (Нав. ФШ, 15). *Эй бāбā, бу олтурған тахтың улуғ атам Дуйлы Қайының турур* (Ш. тар., 48). *Барғыл, эй зāҳид, сэни сэвмəс көңүл* (Мунис, 106).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йа ундови XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда кенг қўлланган бўлиб, кейинги даврлар учун хос эмас. Мисоллар: *Йā қызым, уқтуң-му эркин, айырғучы кэлди?* (Таф., 145б). *Йā Расулāллāҳ, билмэс-му-сэн?...* (Рабғ., 47б). *Йā Абāбакр, ҳэч қорқмағыл* (Наҳж. фар.).

**Ҳāй** — *Көзүң карашма билə, ҳāй йазуқлы Саккāкий// сэни мэн өлтүрүр-мэн, тэб айытты түркāна* (Сакк., 17 б). *Йана көңлингə айтур ким қайыт, ҳāй* (Хиср. Шир.).

**Айā** — *Айā көрк ичрə āлам пāдишāҳы//жаҳāн тутты сэчиң ҳуснуң сипāҳы* (МН, 295б). *Айā дилбар, вафā қылмас-му-сэн сэн//бу дардымга давā қылмас-му-сэн сэн?* (Лутф., 214а). *Айā гул чэҳралик сарви равāным//фидā болсун сэңə жāн-у равāным* (Отойи, 38а). *Дэр кэ Ҳакимжāн, āйā ақсақил//бизни тапыб-сэн магарам ким осал* (Муқ., 38).

Фикр қаратилган сўзга -ā унлиси қўшилиши йўли билан мурожаат қилиш, хитоб қилиш каби маънолар ифодаланади. Бу ҳол шеърий асарлар тили учун хос бўлган. Мас.: *Тирик болуң, шāҳā, даврāн барынча* (НМ, 304б). *Сāқийā, бэҳуд болуб, бир журъа төкмə жāндын* (Лутф., 226б). *Дилбарā, сэнсиз тириклик бир балāйи жāндур* (Нав. МН, 126). *Фурқатā, чāкэтиб гирибāның//йығлама розгāр аччығыдын* (Фурқ. I, 172).

370-§. Қуйидаги ундовлар сўзловчининг ҳис-ҳаяжони, таажжубланиши, афсусланиши каби маъноларни ифодалашга хизмат қилади.

**Аҳ** — *Аҳ, эмди қалмады āҳ урғалы ҳам қувватым* (Отойи, 40б). *Хирāмāн қурйāдын чықмадың, āҳ!* (Лутф., 197а). *Аҳ ким, йоқтур мэни таъбымга лāйиқ улфатым* (Фурқ. I, 132).

**Ваҳ** — *Ваҳ, қачан йэткэй-мэн ул дилбанда мэн?!* (Лутф., 224б). *Ваҳ кэ, қойды шуълаи ҳижрāн йана дāғ үзрə дāғ?* (Нав. МН, 223). *Ваҳ, нэ сөздүр бу кэ, зāҳир қылдым?!* (ШН, 144). *Сөз чу мундақ ҳāр эсə, сөз аҳлы мундақ ҳāксāр//ваҳ, нэ тил бирлə дэй алғай Мунисн бэчāра сөз?!* (Мунис, 21).

**Вāй, эй вāй** — *Вāй, йүз мың вāй ким, сарви равāным бардыла!* (Нав. МН, 245). *Эй вāй, қачан шāми фирāқың таңы атқай?!* (Отойи, 54а). *Эй вāй кэ, ҳижрāн кэчəсиниң саҳары йоқ!* (Лутф., 193а). *... вāй, аңа ҳар ғāфили ким, өзни дāмāд эйлəсə!* (Мунис, 42). *Вāй ким, аҳбāблар, барғанымыз бэҳудадур!* (Фурқ. II, 97).

**Йā рабб** — *Йā рабб, бу Лутфий қул нэ йазуқ қылмыш эрди ким,..* (Лутф., 180а). *Нэ эркин заъф ичиндə ҳāлы, йā рабб!//бу ит-дэк-му экин аҳвāлы, йā рабб?!* (Нав. ФШ, 179). *Йā рабб, бу рисāла ким, битиб-мэн//таълифида жидд-у жаҳд этиб-мэн!* (Мунис, 355).

www.ziyouz.com kutubxonasi

# МОРФОЛОГИЯ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧ

Ушбу кўрсаткичда дарсликнинг Морфология қисмида қайд қилинган сўз ясовчи, форма ясовчи ва сўз ўзгартувчи аффикслар рўйхати берилди.

Кўрсаткичда қуйидаги шартли қисқартмалар қабул қилинди: афф.— аффикс; бирл.— бирлик; буйр.-ист.— буйруқ-истак майли; вос. кел.— восита келишиги; жўн. кел.— жўналиш келишиги; кел. зам.— келаси замон; кичр.-эрк. — отларда кичрайтиш, эркалаш формаси; кўпл.— кўплик; пред. афф.— предикатив аффикси; рав. дар.— равиш даражаси; р-дош — равишдош; с-дош—сифатдош; сиф. дар.— сифат даражаси; туш. кел.—тушум келишиги; феъл дар.— феъл даражаси; чиқ. кел.— чиқиш келишиги; эг. афф.— эгалик аффикси; ўр.-п. кел. — ўрин-пайт келишиги; ўтг. зам. — ўтган замон; қар.— қаранг; қар. кел.— қаратқич келишиги; ҳоз.-кел. зам.— ҳозирги-келаси замон.

## а(ә)

-а/-ә — феъл § 285.
-а/-ә — жўн. кел. §§ 23, 24. Қар. *-йа/-йә.*
-а/-ә — р-дош §§ 173, 184, 187, 188, 189, 198, 199, 259, 265, 266, 282, 309, 343. Қар. *-й, -йа/-йә.*
-ā — ундов § 369.
-адиган — с-дош § 184. Қар. *-адурған/-әдүргән, -йдурған/-йдүргән, -йдиган.*
-адурған/-әдүргән—с-дош §§ 179, 184. Қар. *-йдурған/-йдүргән, -адиган, -йдиган.*
-ажақ/-әжәк — кел. зам. § 277.
-(а)й/-(ә)й — феъл § 286.
-(а)й/-(ә)й — буйр.-ист., I ш. бирл. §§ 203, 204, 206, 209. Қар. *-(а)йы/-(ә)йи, -(а)йын/-(ә)йин.*
-(а)йы/-(ә)йи — буйр.-ист., I ш. бирл. § 209. Қар. *-(а)й/-(ә)й, -(а)йын/-(ә)йин.*
-(а)йым/-(ә)йим — буйр.-ист., I ш. бирл. §§ 204, 208, 209.
-(а)йын/-(ә)йин — буйр.-ист., I ш бирл. §§ 204, 205, 209. Қар. *-(а)й/-(ә)й, -(а)йы/-(ә)йи.*
-(а)йық/-(ә)йик — буйр.-ист., I ш. кўпл. §§ 204, 214, 216.
-(а)йлық/-(ә)йлик — буйр.-ист., I ш кўпл. §§ 204, 215, 216.
-(а)лы/-(ә)ли — буйр.-ист., I ш. кўпл. §§ 204, 213, 216.
-(а)лым/-(ә)лим — буйр.-ист., I ш. кўпл. §§ 204, 210, 216. Қар. *-(а)лум/-(ә)лүм.*
-(а)лың/-(ә)лиң — буйр.-ист., I ш. кўпл. §§ 204, 212, 216.
-(а)лық/-(ә)лик — буйр.-ист., I ш. кўпл. §§ 204, 214, 216.
-(а)лум/-(ә)лүм — буйр.-ист., I ш. кўпл. § 210. Қар. *-(а)лым/-(ә)лим.*
-ан — равиш § 303.
-ан/-ән — кўпл. афф. § 6.
-ан/-ән — с-дош §§ 179, 183. Қар. *-ған/-гән, -аған/-әгән.*
-ан/-ән — Қар. *-бан/-бән* (<-б+ан/-б+ән) — равиш § 191.
-āна — равиш § 303.
-ар/-әр — тақсим сон § 97. Қар. *-рар/-рәр, -шар/-шәр.*
-(а)р/-(ә)р — феъл §287.
-(а)р/-(ә)р — феъл дар. § 294. Қар. -(у)р/-(ү)р.
-(а)р/-(ә)р — с-дош §§ 179, 185, 199. Қар. *-(у)р/-(ү)р, -(ы)р/-(и)р.*
-(а)р/-(ә)р — ҳоз.-кел. зам. §§ 263, 273, 276. Қар. *-(у)р/-(ү)р.*
-асы/-әси — кел. зам. §§ 279, 280.
-(а)т/-(ә)т — от § 59.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-(а)қ/-(э)к — от § 48. Қар. *-(ы)қ/-(и)к, -(у)қ/-(ү)к, -(а)ғ/-(э)г, -(ы)ғ/-(и)г, -(у)ғ/-(ү)г.*
-(а)ғ/-(э)г — от § 48. Қар. *-(ы)ғ/-(и)г, -(у)ғ/-(ү)г, -(а)қ/-(э)к, -(ы)қ/-(и)к, -(у)қ/-(ү)к.*
-аған/-эгэн — с-дош §§ 179, 183. Қар. *-ған/-гэн, -ан/-эн.*
-эв — жамловчи сон §§ 87, 90.
-эвлэн — жамловчи сон §§ 87, 90.
-(э)гэч — от § 59.
-эгү — жамловчи сон §§ 87, 88, 89, 90.
-эгү — Қар. *бирэгү* (<бир + эгү) § 164.
-эгүн — жамловчи сон §§ 87, 89.
-элэ — жамловчи сон §§ 87, 91.
-(э)ч — кичр.-эрк. § 47.

## б

-бäз — от § 46.
-биз — шахс-сон афф., I ш. кўпл. §§ 11, 199, 202, 273. Қар. *-миз, -вуз/-вүз.*
бэ- — сифат § 65.

## в

-вуз/-вүз—шахс-сон афф., I ш. кўпл. §§ 232, 281. Қар. *-биз, -миз.*
-вул — от §§ 49, 50.

## д

-да/-дэ — феъл § 284.
-да/-дэ—ўр.-п.кел. §§ 29, 30, 67. Қар- *-та/-тэ.*
-дай/-дэй — равиш § 301. Қар. *-дағ, -дақ, -дэк, -тэк.*
-дан/-дэн — чиқ. кел. § 33. Қар. *-дын/-дин, -дун/-дүн, -тын/-тин, -тан/-тэн, -тун/-түн.*
-дақ — от § 59.
-дақ — равиш §§ 119, 301, Қар. *-дағ, -дай/-дэй, -дэк, -тэк.*
-дағ — равиш, §§ 119, 301. Қар. *-дақ, -дай/-дэй, -дэк, -тэк.*
-дақы/-дэки — сифат § 67. Қар. *-дағы/-дэги.*
-дағы/-дэги — сифат § 67. Қар. *-дақы/-дэки.*
-дачы/-дэчи — с-дош §§ 179, 186. Қар. *-тачы/-тэчи.*
-даш/-дэш — от § 44. Қар. *-таш/-тэш.*
-ды/-ди — ўтг. зам. §§ 198, 199, 200, 201. 240, 241, 252, 254, 263. Қар. *-ты/-ти.*
-ды/-ди — Қар. *-б турур+ды* (<-б турур эрди) § 257; *-р+ды* (<-р эрди) § 263; *-ғай+ды* (<-ғай эрди) § 264.
-ди — Қар. *бориб+ди* (<борибтур) § 245; *бора+ди* (<борадур) § 266. Қар. *-ти.*
-ди — Қар. *эм+ди>эмди* (энди) — равиш § 298. Қар. *-ты/-ти.*
-дик — буйр.-ист., III ш. бирл. §§ 204, 229.
-дын/-дин — чиқ. кел. §§ 33, 128. Қар. *-дан/-дэн, -дун/-дүн, -тын/-тин, -тан/-тэн, -тун/-түн.*
-дун/-дүн — чиқ. кел. § 33. Қар. *-дын/-дин, -дан/-дэн, -тын/-тин, -тан/-тэн, -тун/-түн.*
-дур/-дүр — феъл дар. § 294. Қар. *-тур/-түр.*
-дуруқ/-дүрүк — от § 45.
-дуқ/-дүк — от § 45.
-дуқ/-дүк — с-дош §§ 179, 181, 198, 200, 201, 240, 255. Қар. *-туқ/-түк.*
-дуқ/-дүк — ўтг. зам. § 243.
-дуқча/-дүкчэ — р-дош, равиш § 195.
-дэк — равиш §§ 178, 180, 182, 185, 301. Қар. *-тэк, -дақ, -дағ, -дай/-дэй.*

## з

-з — кўпл. афф. § 105.
-з — Қар. *-р>-з* (-мар>-маз) — с-дош § 185.
-зäр — от § 46.
-зу/-зү — буйр. -ист., III ш. бирл. § 228. Қар. *-су/-сү, -сун/-сүн, -суны/-сүни, -зун/-зүн.*
-зун/-зүн — буйр. -ист., III ш. бирл. § 228. Қар. *-сун/-сүн, -суны/-сүни, -су/-сү, -зу/-зү.*

## ы(и)

-ы/-и — эг. афф., III ш. бирл. § 8. Қар. *-сы/-си.*
-ы/-и — туш. кел. § 19. Қар. *-йы/-йи.*
-(ы)б/-(и)б — р-дош §§ 187, 190, 191, 199, 240, 245, 249, 256, 258, 271, 282. Қар. *-(у)б/-(ү)б.*
-(ы)бан/-(и)бэн—р-дош §§ 187, 191. Қар. *-(у)бан/-(ү)бэн.*
-ыз/-из — кўпл. афф. § 201.
-ыз/-из — шахс-сон афф., I ш. кўпл. §§ 199, 273. Қар. *-уз/-үз.*
-ыз/-из — феъл дар. § 294.
-(ы)л/-(и)л — феъл. дар. §§ 291, 292. Қар. *-(у)л/-(ү)л.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

-ы(м)/-(и)м — эг. афф., I ш. бирл. § 8. Қар. *-(у)м/-(ү)м.*
-(ы)мыз/-(и)миз — эг. афф., I ш. кўпл. § 8. Қар. *-(у)мыз/-(ү)миз, -(у)муз/-(ү)мүз.*
-(ы)н/-(и)н — от § 54.
-ын/-ин — тақсим сон § 98.
-(ы)н/-(и)н — феъл. дар. § 291. Қар. *-(у)н/-(ү)н.*
-(ы)н/-(и)н — вос. кел. §§ 37, 39, 308. Қар. *-(у)н/-(ү)н.*
-ын/-ин—Қар. *майын* (<-май+ын)— р-дош § 188.
-(ы)нч/-(и)нч — от § 56. Қар. *-(у)нч/-(ү)нч.*
-(ы)нч/-(и)нч — тартиб сон §§ 80, 84. Қар. *-(у)нч/-(ү)нч, -(ы)нчы/-(и)нчи, -(у)нчы/-(ү)нчи.*
-(ы)нчы/-(и)нчи — тартиб сон §§ 80, 83, 84, Қар. *-(у)нчы/-(ү)нчи, -(ы)нч/-(и)нч, -(у)нч/-(ү)нч.*
-(ы)ң/-(и)ң — эг.афф., II ш. бирл. § 8. Қар. *-(у)ң/-(ү)ң.*
-ың/-иң — қар. кел. § 16. Қар. *-уң/-үң, -ның/-ниң, -нуң/-нүң.*
-(ы)ң/-(и)ң — буйр.-ист., II ш. кўпл. §§ 204, 222. Қар. *-(у)ң/-(ү)ң.*
-(ы)ңыз/-(и)ңиз — эг. афф., II ш. кўпл. § 8. Қар. *-(у)ңыз/-(ү)ңиз, -(у)ңуз/-(ү)ңүз.*
-(ы)ңыз/-(и)ңиз — буйр.-ист., II ш. кўпл. §§ 204, 223. Қар. *-(у)ңыз/-(ү)ңиз, -(у)ңуз/-(ү)ңүз.*
-(ы)ңызлар/-(и)ңизләр — буйр.-ист. II ш. кўпл. §§ 204, 225.
-(ы)ңлар/-(и)ңләр — буйр-ист., II ш. кўпл. §§ 204, 224. Қар. *-(у)ңлар/-(ү)ңләр.*
-(ы)р/-(и)р — с-дош § 185. Қар. *-(а)р/-(ә)р, -(у)р/-(ү)р.*
-ысар/-исәр — кел. зам. § 280.
-(ы)т/-(и)т — феъл § 289.
-(ы)т/-(и)т — феъл дар. § 294. Қар *-(у)т/-(ү)т.*
-(ы)ш/-(и)ш — ҳаракат номи §§ 175, 177.
-(ы)ш/-(и)ш — феъл дар. § 293. Қар. *-(у)ш/-(ү)ш.*
-(ы)ш/-(и)ш — от § 57.
-(ы)қ/-(и)к — от § 48. Қар. *-(а)қ/-(ә)к, -(у)қ/-(ү)к, -(а)ғ/(ә)г, -(ы)ғ/-(и)г, -(у)ғ/-(ү)г.*
-(ы)к/-(и)к — феъл § 289. Қар. *-(у)қ/-(ү)к.*
-(ы)қ/-(ы)ғ/-(и)к — сифат § 68. Қар. *-(у)қ/-(у)ғ/-(ү)к.*
-(ы)ғ/-(и)г — от § 48. Қар. *-(а)ғ/-(ә)г, -(у)ғ/-(ү)г, -(а)қ/-(ә)к, -(ы)қ/-(и)к, -(у)қ/-(ү)к.*
-(ы)г/-(и)г — туш. кел. §§ 19, 20. Қар. *-(у)ғ/-(ү)г.*
-им — қар. кел. §§ 16, 107.
-иңки — абстракт эг. § 10. Қар. *-ниңки, -ники.*

## Й

-й — р-дош §§ 173, 184,187 , 188, 189, 198, 259, 265, 266, 282. Қар. *-йа/-йә, -а/-ә.*
-йа/-йә — р-дош §§ 261, 267. Қар. *-а/-ә, -й.*
-йа/-йә — жўн. кел. § 24. Қар. *-а/-ә.*
-(й)алым/-(й)әлим — буйр.-ист., I ш. кўпл. §§ 204, 210. 216.
-йап(-яп) — ҳоз. зам. § 265.
-йдиган — с-дош § 184. Қар. *-йдурған/-йдүргән, -адурған/-әдүргән, -адиган.*
-йдурган/-йдүргән — с-дош §§ 179. 184. Қар. *-адурган/-әдүргән, -адиган, -йдиган.*
-йы/-йи — туш. кел. § 19. Қар. *-ы/-и.*
-йотиб(-ётиб) — ҳоз. зам. § 265.
-йотир(-ётир) — ҳоз. зам. § 265.
-йу/-йү — р-дош §§ 173, 187, 189, 199, 261, 267. Қар. *-у/-ү.*
-йу/-йү — феълда номумкинлик аспектини ясовчи афф. § 173. Қар. *-у/-ү.*
-йу — Қар. *қайу* (<қа+йу) — эг. афф., III ш. бирл. § 137.
-йур/-йүр — с-дош §§ 185, 263. Қар. *-(а)р/-(ә)р, -(у)р/-(ү)р, -(ы)р/-(и)р.*
-йур/-йүр — ҳоз.-кел. зам. § 274. Қар. *-(а)р/-ә(р), -(у)р/-(ү)р.*

## Л

-л — от § 50.
-ла/-лә — феъл §§ 48, 283, 284, 285.
-ла/-лә — равиш § 302.
-ла — юклама § 367.
-лан/-лән — феъл § 283.
-ланчы/-ләнчи — тартиб сон §§ 80, 86.
-лар/-ләр — кўпл. афф. §§ 4, 6, 7, 103, 104, 109, 199, 228, 263.
-лат/-ләт — феъл § 283.
-лаш/-ләш — феъл § 283.
-лақ — от § 48. Қар. *-лағ.*
-(л)ақ — кичр.-эрк. § 47.
-лағ — от § 48. Қар. *-лақ.*
-лән — Қар. *икәвлән* (<икәв+лән)— жамловчи сон § 90.
-лы/-ли — сифат § 63. Қар. *-лу/-лү.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ық/-лик — от, сифат §§ 41, 42, 62, 63. Қар. *-луқ/-лук, -лығ/-лиг, -луғ/-луг.*
ығ/-лиг — от, сифат §§ 41, 42, 62, 63. Қар. *-луғ/-луг, -лық/-лик, -луқ/-лук.*
ү/-лү — сифат § 63. Қар. *-лы/-ли.*
үк/-лүк — от, сифат §§ 41, 42, 62, 63, 124. Қар. *-лық/-лик, -луғ/-луг, -лығ/-лиг.*
үг/-лүг — от, сифат §§ 41, 42, 62, 63. Қар. *-лығ/-лиг, -луқ/-лук, -лық/-лик.*

**М**

— шахс-сон афф., I ш. бирл. §§ 199, 242.
а/-мә — от § 58.
а/-мә — бўлишсизлик афф. §§ 173, 174, 176, 185, 188, 242, 243, 244, 252, 253, 254, 255, 261, 262, 264, 278.
ады(н)/-мәди(н) — р-дош § 187, 188. Қар. *-маты(н)/-мәти(н), -майын/-мәйин.*
аз/-мәз — с-дош §§ 179, 185. Қар. *-мас/-мәс.*
аз/-мәз — ҳоз.-кел. зам. §§ 263, 275. Қар. *-мас/-мәс.*
ай/-мәй — р-дош § 190. Қар. *-майын/-мәйин.*
айын/-мәйин — р-дош §§ 187, 188, 190. Қар. *-мады(н)/-мәди(н), -маты(н)/-мәти(н), -май/-мәй.*
ам/мәм — ҳоз.-кел. зам., I ш. бирл. § 275. Қар. *-ман/-мән.*
ан/-мән — ҳоз.-кел. зам., I ш. бирл. § 275. Қар. *-мам/-мәм.*
ан — шахс-сон афф., I ш. бирл. § 202. Қар. *-мән.*
ар/-мәр — с-дош § 185. Қар. *-маз/-мәз, -мас/-мәс.*
ас/-мәс — с-дош §§ 179, 185. Қар. *-маз/-мәз.*
ас/-мәс — ҳоз.-кел. зам. § 275. Қар. *-маз/-мәз.*
маты(н)/-мәти(н) — р-дош § 188 Қар. *-мады(н)/-мәди(н), -майын/-мәйин.*
мач — от § 59.
мақ — от § 59.
мақ/-мәк — ҳара́кат номи §§ 175, 176.
мақда/-мәкдә — ҳоз. зам. §§ 199, 270. Қар. *-моқда.*
мыз/-миз — шахс-сон афф., I ш. кўпл. § 241. Қар. *-миз, -биз.*
миз — шахс-сон афф., I ш. кўпл. §§ 11, 199, 202, 232, 273. Қар. *-биз.*
-мыш/-миш — с-дош §§ 179, 180, 181, 182, 199, 240, 242, 243.
-мыш/-миш — ўтг. зам. §§ 242, 244, 250.
-мышды/-мишди — ўтг. зам. § 252.
-мышча/-мишчә — р.-дош, равиш § 195.
-моқда — ҳоз. зам. § 265. Қар. *-мақда/-мәкдә.*
-мтул/-мтүл — сиф. дар. § 73.
-мән — шахс-сон афф., I ш. бирл. §§ 11, 199, 202, 242, Қар. *-ман.*
-му — юклама § 367.
-мур — от § 59.

**Н**

-н — туш. кел. § 19. Қар. *-ны/-ни.*
-ны/-ни — туш. кел. §§ 19, 22. Қар. *-н.*
-ның/-ниң — қар. кел. § 16. Қар. *-нуң/-нүң, -ың/-иң, -уң/-үң.*
-ники — абстракт эг. § 10. Қар. *-ниңки, -иңки.*
-ниңки — абстракт эг. § 10. Қар. *-иңки, -ники,*
-нинг — қар. кел. § 16. Қар. *-ның/-ниң, -нуң/-нүң.*
-нуң/-нүң — қар. кел. § 16. Қар. *-ның/-ниң, -ың/-иң, -уң/-үң.*

**Ң**

-ң — шахс-сон афф., II ш. бирл. § 199.
-ңыз/-ңиз — шахс-сон афф., II ш. кўпл. § 199. Қар. *-ңуз/-ңүз.*
-ңуз/-ңүз — шахс-сон афф., II ш. кўпл. § 199. Қар. *-ңыз/-ңиз.*

**О(Ө)**

-оқ (-өк) — юклама § 367.

**Р**

-ра/-рә — журн. кел. §§ 14, 23, 25, 308, 321, 322, 339.
-рар/-рәр — тақсим сон § 97. Қар. *-шар/-шәр, -ар/-әр.*
-рақ/-рәк — сиф. дар. § 70.
-рақ/-рәк — рав. дар. § 313.
-ри — сифат § 69.
-ру/-рү — жўн. кел. §§ 14, 23, 25, 298, 308, 324.
-руқ — от § 59. Қар. *-руғ.*
-руғ — от § 59. Қар. *-руқ.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

## С

-с — Қар. *-с<-р*(ма+с<ма+з<-ма++р) — с-дош § 185.
-са/-сә — шарт §§ 231, 232. Қар. *-сар/-сәр*
-са/-сә — феъл §§ 231, 289.
-сады/-сәди — шарт-истак § 234.
-сан — шахс-сон афф., II ш. бирл. § 202. Қар. *-сән.*
-сар/-сәр — шарт §§ 198, 199, 231, 232. Қар. *-са/-сә.*
-сәт — феъл дар. § 294.
-сы/-си — эг. афф., III ш. бир. §§ 8, 138. Қар. *-ы/-и.*
-сыз/-сиз — сифат §§ 64, 65. Қар. *-суз/-сүз.*
-сиз — шахс-сон афф., II ш. кўпл. §§ 11, 199.
-сын/-син — феъл § 289.
-сын/-син — буйр.-ист., III ш. бирл. § 228. Қар. *-сун/-сүн, -суны/-сүни, -су/-сү, -зун/-зүн, -зу/-зү.*
-су/-сү — буйр.-ист., III ш. бирл. § 228. Қар. *-сун/-сүн, -суны/-сүни, -зу/-зү, -зун/-зүн.*
-суз/-сүз — сифат §§ 64, 65. Қар. *-сыз/-сиз.*
-сун/-сүн — буйр.-ист., III ш. бирл. §§ 203, 204, 228. Қар. *-сын/-син, -суны/-сүни, -су/-сү, -зун/-зүн, -зу/-зү.*
-суны/-сүни — буйр.-ист., III ш. бирл. § 228. Қар. *-сун/-сүн, -су/-сү, -сың/-син, -зун/-зүн, -зу/-зү.*
-сән — шахс-сон афф., II ш. бир. §§ 11, 199, 202. Қар. *-сан.*

## Т

-т кўпл. афф. § 5.
-та/-тә — дона сон § 93.
-та/-тә — ўр.-п. кел. § 29. Қар. *-да/-дә.*
-тан/-тән — чиқ. кел. § 33. Қар. *-тын/-тин, -тун/-түн, -дан/-дән, -дын/-дин, -дун/-дүн.*
-тачы/-тәчи — с-дош § 186. Қар. *-дачы/-дәчи.*
-таш/-тәш — от § 44. Қар. *-даш/-дәш.*
-ты/-ти — ўтг. зам. §§ 198, 199, 200, 201, 240, 241, 252, 254, 263. Қар. *-ды/-ди.*
-ты/-ти — Қар. *қитығты* (<қатығ+ты), *эдгүти* (<эдгү+ти) — равиш § 298. Қар. *-ди.*
-тын/-тин — чиқ. кел. § 33. Қар. *-тан/-тән, -тун/-түн, -дын/-дин, -дан/-дән, -дун/-дүн.*
-тун/-түн — чиқ. кел. § 33. Қар. *-тын/-тин, -тан/-тән, -дун/-дүн, -дын/-дин, -дан/-дән.*
-тур/-түр — феъл дар. § 294. Қар. *-дур/-дүр.*
-туқ/-түк — с-дош §§ 181, 198, 200, 201, 240. Қар. *-дуқ/-дүк.*
-тәк — равиш §§ 178, 180, 182, 185, 301. Қар. *-дәк, -дақ, -дағ, -дай/-дәй.*

## У(Ү)

-у/-ү — р-дош §§ 173, 187, 189, 199, 261, 267, 309. Қар. *-йу/-йү.*
-у/-ү—феълда номумкинлик аспектини ясовчи афф. § 173. Қар. *-йу/-йү.*
-у(-ү) — буйр.-ист., II ш. бирл. §§ 204, 220.
-(у)б/-(ү)б — р-дош §§ 187, 190, 191, 199, 240, 245, 249, 256, 258, 271, 272, 282. Қар. *-(ы)б/-(и)б.*
-(у)бан/-(ү)бән — р-дош §§ 187, 191. Қар. *-(ы)бан/-(и)бән.*
-уз/-үз — шахс-сон афф., I ш. кўпл. §§ 199, 273, 275. Қар. *-ыз/-из.*
-(у)л/-(ү)л — феъл дар. §§ 291, 292. Қар. *-(ы)л/-(и)л.*
-(у)м/-(ү)м — от § 59.
-(у)м/-(ү)м — эг. афф., I ш. бирл. § 8. Қар. *-(ы)м/-(и)м.*
-(у)мыз/-(ү)миз — эг. афф., I ш. кўпл. § 8. Қар. *-(ы)мыз/-(и)миз, -(у)муз/(ү)мүз.*
-(у)муз/-(ү)мүз — эг. афф., I ш. кўпл. § 8. Қар. *-(у)мыз/-(ү)миз, -(ы)мыз/-(и)миз.*
-(у)н/-(ү)н — феъл дар. § 291. Қар. *-(ы)н/-(и)н.*
-(у)н/-(ү)н — вос. кел. §§ 37, 39, 308. Қар. *-(ы)н/-(и)н.*
-ун — сифат § 69.
-(у)нч/-(ү)нч — от § 56. Қар. *-(ы)нч/-(и)нч.*
-(у)нч/-(ү)нч — тартиб сон §§ 80, 84. Қар. *-(ы)нч/-(и)нч, -(у)нчы/-(ү)нчи, -(ы)нчы/-(и)нчи.*
-(у)нчы/-(ү)нчи — тартиб сон §§ 80, 83, 84. Қар. *-(ы)нчы/-(и)нчи, -(у)нч/-(ү)нч, -(ы)нч/-(и)нч.*
-(у)ң/-(ү)ң — эг. афф., II ш. бирл. § 8. Қар. *-(ы)ң/-(и)ң.*
-(у)ң/-(ү)ң — буйр.-ист., II ш. кўпл. §§ 204, 222. Қар. *-(ы)ң/-(и)ң.*
-уң/-үң — қар. кел. § 16. Қар. *-ың/-иң, -ның/-ниң, -нуң/-нүң.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

-(у)ңыз/-(ү)ңиз — эг. афф., II ш. кўпл. § 8. Қар. *-(ы)ңыз/-(и)ңиз, -(у)ңуз/-(ү)ңүз.*
-(у)ңыз/-(ү)ңиз — буйр.-ист., II ш. кўпл. §§ 204, 223. Қар. *-(ы)ңыз/-(и)ңиз, -(у)ңуз/-(ү)ңүз.*
-(у)ңлар/-(ү)ңлəр — буйр.-ист., II ш. кўпл. §§ 204, 224. Қар. *-(ы)ңлар/-(и)ңлəр.*
-(у)ңуз/-(ү)ңүз — эг. афф., II ш. кўпл. § 8. Қар. *-(у)ңыз/-(ү)ңиз, -(ы)ңыз/-(и)ңиз.*
-(у)ңуз/-(ү)ңүз — буйр.-ист., II ш. кўпл. §§ 204, 223. Қар. *-(у)ңыз/-(ү)ңиз, -(ы)ңыз/-(и)ңиз.*
-(у)р/-(ү)р — с-дош §§ 179, 185, 198, 199, 271, 272. Қар. *-(а)р/-(ə)р, -(ы)р/-(и)р.*
-(у)р/-(ү)р — ҳоз.-кел. зам. §§ 245, 256, 259, 263, 266, 273, 276. Қар. *-(а)р/-(ə)р.*
-(у)р/-(ү)р — феъл дар. § 294. Қар. *-(а)р/-(ə)р.*
-(у)т/-(ү)т — феъл дар. § 294. Қар. *-(ы)т/-(и)т.*
-(у)ш/-(ү)ш — феъл дар. § 293. Қар. *-(ы)ш/-(и)ш.*
-(у)қ/-(ү)к — от § 48. Қар. *-(а)қ/-(ə)к, -(ы)қ/-(и)к, -(а)ғ/-(ə)г, -(ы)ғ/-(и)г, -(у)ғ/-(ү)г.*
-(у)қ/-(ү)к — феъл § 289. Қар. *-(ы)қ/-(и)к.*
-(у)қ/-(у)ғ/-(ү)к — сифат § 68. Қар. *-(ы)қ/-(ы)ғ/-(и)к.*
-(у)ғ/-(ү)г — от § 48. Қар. *-(а)ғ/(ə)г, -(ы)ғ/-(и)г, -(а)қ/-(ə)к, -(ы)қ/-(и)к, -(у)қ/-(ү)к.*
-(у)ғ/-(ү)г — туш. кел. §§ 19, 20. Қар. *-(ы)ғ/-(и)г.*

## Ч

-ча/-чə — равиш §§ 119, 180, 194, 195, 299, 300.
-ча/-чə — чама сон § 95.
-ча/-чə — кичр. -эрк. § 47.
-чə — Қар. *тэгинчə* (<тэгин+чə) § 325.
-чанд — Қар. *агарчанд* (*<агар+* чанд), *гарчанд* (<гар+чанд), *ҳарчанд* (<ҳар+чанд) § 358.
-чаң — от § 59.
-чақ/-чəк — от § 45, 59.
-чақ/-чəк — кич.-эрк. § 47.
-чы/-чи — от §§ 42, 43, 178.
-чы/-чи — юклама §§ 233, 367.
-чыл/-чил — сиф. дар. § 73.
-чылық/-чилик — от § 42.
-чэ — Қар. *агарчэ* (<агар+чэ), *гарчэ* (гар+чэ) *арчэ* (<ар+чэ) § 358.

## Ш

-шар/-шəр — тақсим сон § 97. Қар. *-рар/-рəр, -ар/-əр.*
-шы — от § 59.

## Қ(К)

-қ/-к — шахс-сон афф., I ш. кўпл. §§ 199, 201, 232, 241.
-қа/-кə — жўн. кел. §§ 23, 308. Қар. *-ға/-гə.*
-қа/-кə — кел. зам., буйр.-ист. § 281, Қар. *-ға/-гə, -ғай/-гəй, -қай/-кəй.*
-қаз/-кəз — феъл дар. § 294.
-қай/-кəй — кел. зам., буйр.-ист. §§ 197, 199, 204, 264, 277, 281. Қар. *-ғай/-гəй, -ға/-гə, -қа/-кə.*
-қалы/-кəли — р-дош §§ 187, 192. Қар. *-ғалы/-гəли.*
-қан/-кəн — с-дош §§ 182, 183, 199, 240, 243, 244, 327. Қар. *-ған/-гəн, -аған/-əгəн, -ан/-əн.*
-қан/-кəн — ўтг. зам. §§ 244, 250. Қар. *-ған/-гəн.*
**-қани/-кани** — р-дош § 192. Қар. *-гани -ғалы/-гəли, -қалы/-кəли.*
-қанча/-кəнчə — р-дош, равиш § 195. Қар. *-ғанча/-гəнчə.*
-қар/-кəр — феъл § 288. Қар. *-ғар/-гəр.*
-қар/-кəр — феъл дар. § 294.
-қари/-кари — жўн. кел. § 296. Қар. *-қару/-кəрү, -ғару/-гəрү.*
-қару/-кəрү — жўн. кел. §§ 14, 23, 25, 308. Қар. *-ғару/-гəрү, -қари/-кари.*
-қач/-кəч — р-дош §§ 187, 193. Қар. *-ғач/-гəч.*
-қача/-кəчə — равиш § 300. Қар. *-ғача/-гəчə.*
-қақ/-кəк — от § 51.
-қы/-ки — сифат §§ 10, 66, 67. Қар. *-ғы/-ги.*
-қыйа/-кийə — кичр.-эрк. § 47. Қар. *-ғына/-гинə.*
-қыл/-кил — буйр.-ист., II ш. бирл. §§ 204, 217, 218. Қар. *-ғыл/-гил, -ғын/-гин, -қын/-кин.*
-қын/-кин — буйр.-ист., II ш. бирл §§ 204, 218. Қар. *-ғын/-гин, -ғыл/-гил, -қыл/-кил.*
-қын — от § 52. Қар. *-қун, -ғын, -ғун.*
-қынча/-кинчə — р-дош § 194. Қар. *-қунча/-кунчə, -ғынча/-гинчə, -ғун-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*ча/-гунча, -қуча/-куча, -ғуча/-гуча.*
-қыч/-кич — от § 53. Қар. *-қуч/-куч, -ғыч/-гич, -ғуч/-гуч.*
-қу/-ку — ҳаракат номи §§ 175, 178, 194. Қар. *-ғу/-гу.*
-қу/-ку — кел. зам. §§ 199, 277, 278, 279, 280. Қар. *-ғу/-гу.*
-қун — от § 52. Қар. *-қын, -ғын, -ғун.*
-қунча/-кунчə — р-дош §§ 187, 194. Қар. *-қынча/-кинчə, -ғунча/-гунчə, -ғынча/-гинчə, -қуча/-кучə, -ғуча/-гучə.*
-қур/-кур — феъл дар. § 294. Қар. *-ғур/-гур.*
-қуч/-куч — от § 53. Қар. *-қыч/-кич, -ғыч/-гич, -ғуч/-гуч.*
-қуча/-кучə — р-дош § 194. Қар. *-ғуча/-гучə, -қунча/-кунчə, -қынча/-кинчə, -ғунча/-гунчə, -ғынча/-гинчə.*
-кäр — от § 46.

## Ғ(г)

-ға/-гə — жўн. кел. §§ 23, 128, 308. Қар. *-қа/-кə.*
-ға/-гə — с-дош § 198.
-ға/-гə — кел. зам., буйр.-ист. § 281. Қар. *-қа/-кə, -ғай/-гəй, -қай/-кəй.*
-ғай/-гəй — кел. зам., буйр.-ист. §§ 197, 199, 204, 264, 277, 281. Қар. *-қай/-кəй, .-ға/-гə, -қа/-кə.*
-ғайым/-гəйим — буйр.-ист., I ш. бирл. §§ 204, 207, 209.
-ғайын/-гəйин — буйр.-ист., I ш. бирл. §§ 204, 207, 209.
-ғалы/-гəли — р-дош §§ 187, 192. Қар. *-қалы/-кəли.*
-ғалы/-гəли — буйр.-ист., I ш. кўпл. §§ 204, 211, 216.
-ғалым/-гəлим — буйр.-ист., I ш. кўпл. §§ 204, 210, 216.
-ғалың/-гəлиң — буйр.-ист., I ш. кўпл. §§ 204, 210, 216.
-ған/-гəн — с-дош §§ 179, 182, 183, 184, 199, 240, 243, 244, 327. Қар. *-қан/-кəн, -аған/-əгəн, -ан/-əн.*
-ған/-гəн — ўтг. зам. §§ 244, 250. Қар. *-қан/-кəн.*
-ғанча/-гəнчə — р-дош, равиш § 195. Қар. *-қанча/-кəнчə.*
-ғар/-гəр — феъл § 288. Қар. *-қар/-кəр.*
-ғару/-гəру — жўн. кел. §§ 14, 23, 25, 107, 308. Қар. *-қару/-кəру, -қари/-кари.*
-ғач/-гəч — р-дош §§ 187, 193. Қар. *-қач/-кəч.*
-ғача/-гəчə — равиш § 300. Қар. *-қача/-кəча.*
-ғы/-ги — сифат §§ 10, 66, 67, 323. Қар. *-қы/-ки.*
-ғыл/-гил — буйр.-ист., II ш. бирл. §§ 204, 217, 218. Қар. *-қыл/-кил, -ғын/-гин, -қын/-кин.*
-ғын/-гин — буйр.-ист., II ш. бирл. §§ 204, 218. Қар. *-қын/-кин, -ғыл/-гил, -қыл/-кил.*
-ғын — от § 52. Қар. *-қын, -қун, -ғун.*
-ғына/-гинə — сиф. дар. § 73.
-ғына/-гинə — кичр.-эрк. §§ 47, 367. Қар. *-қыйа/-кийə.*
-ғына/-гинə — юклама § 367.
-ғынча/-гинчə — р-дош § 194. Қар. *-қынча/-кинчə, -ғунча/-гунчə, -қунча/-кунчə, -ғуча/-гучə, -қуча/-гучə.*
-ғыч/-гич — от § 53. Қар. *-ғуч/-гуч, -қыч/-кич, -қуч/-куч.*
-ғлы/-гли — с-дош §§ 179, 186.
-ғой/-гой — от § 46.
-ғу/-гу — от § 55.
-ғу/-гу — ҳаракат номи §§ 43, 88, 175, 178, 194. Қар. *-қу/-ку.*
-ғу/-гу — кел. зам. §§ 199, 277, 278, 279, 280. Қар. *-қу/-ку.*
-ғу/-гу — Қар. *нағу*(<на+ғу), *нəгу* (<нə+гу) § 134.
-ғуз/-гуз — феъл. дар. § 294.
-ғун — от § 52. Қар. *-ғын, -қын, -қун.*
-ғунча/-гунчə — р-дош §§ 187, 194. Қар. *-ғынча/-гинчə, -қынча/-кинчə, -қунча/-кунчə, -ғуча/-гучə, -қуча/-кучə.*
-ғур/-гур — с-дош §§ 179, 186.
-ғур/-гур — феъл. дар. § 294. Қар. *-қур/-кур.*
-ғуч/-гуч — от § 53. Қар. *-ғыч/-гич, -қыч/-кич, -қуч/-куч.*
-ғуча/-гучə — р-дош § 194. Қар. *-қуча/-кучə, -ғунча/-гунчə, -қунча/-кунчə, -ғынча/-гинчə, -қынча/-кинчə.*
-ғучы/-гучи — шахс оти § 43.
-гани — р-дош § 192.Қар. *-қани/-кани, -ғалы/-гəли, -қалы/-кəли.*
-гар — от § 46.
-гут — феъл. дар. § 294.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# СИНТАКСИС

1-§. Ҳозирги ўзбек тилининг сўз бирикмалари, гап бўлаклари, гап тузилиши узоқ йиллик тарихий тараққиёт маҳсулидир. Қадимги туркий ва сўнгги даврлар тилининг структураси билан ҳозирги замон тили структурасини қиёслар эканмиз, ёзма адабий тил фонетик, морфологик жиҳатдангина эмас, структура томонидан ҳам такомиллаша борганини кўрамиз. Шуниси характерлики, синтаксисдаги ўзгаришлар кўпинча морфология ва лексика составида бўлган ўзгаришлар туфайли рўй берган. Масалан, восита келишигининг истеъмолдан чиқиши сўзларнинг бошқарув муносабатини ўзгартиради ва ҳол доирасини кенгайтиради. Сифатдош — предикат билан субъект орасида қаратқич—эгалик алоқаси келиб чиқиб, субъектнинг қаратқич келишиги қўшимчасини ва сифатдошнинг—предикат эгалик қўшимчасини олиши бундай эргаш гапларнинг сўз бирикмасига ўтишига сабаб бўлади: *мен калганда, менинг келганимда* ва бошқалар. Демак, синтактик категориялар тарихи ўрганилар экан, морфологик категориялар тараққиётига ҳам аҳамият бериш керак. Шунингдек, янги сўзларнинг пайдо бўлиши янги сўз бирикмаларини келтириб чиқаради. Синтаксис тараққиётидаги иккинчи омил — бошқа тилларнинг таъсиридир. Тарихда ўзбек тилига айниқса форс-тожик тилининг таъсири сезиларли бўлган. Бу тилнинг таъсири билан янги сўз бирикмалари (*гули раънā, лаъли бадахшāн* ва б.) ва эргаш гаплар (*Йусуф Хожаким, мусиқида машҳурдур, Андижāнийдур* (БН); *йана бир жинс өрук болурким, дāнасыны алыб, ичигә мағыз салыб қурутурлар, субҳāний дэрләр, бисйāр лазиздур* (БН) вужудга келади, боғловчиларнинг қабул қилиниши билан (*йā, йāки, нә* в. б.) сўзларни ҳамда гапларни бириктиришнинг янги усули келиб чиқди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# СЎЗ БИРИКМАЛАРИ

2-§. Сўз бирикмалари икки турли бўлади: тобе бирикма ва тенг бирикма.

Қадимги туркий тилда ҳам сўз бирикмалари ана шундай икки турли бўлган. Тадрижий тараққиёт натижасида сўз бирикмаларини ташкил этган компонентларнинг шаклланиши ва ўзаро боғланиш усулидагина маълум ўзгаришлар рўй берди.

## ТОБЕ БИРИКМАЛАР

Тобе сўз бирикмаларини ташкил этган компонентларнинг бири тобе, иккинчиси ҳоким сўз бўлади. Бу хил бирикмалар уч турлидир: битишув, бошқарув, мослашув.

3-§. **Битишув.** Битишув муносабатига киришган сўзлар ҳеч қандай грамматик восита ёрдамисиз ўзаро бирикадилар.

Сифат, сон, кўрсатиш олмоши, сифатдош билан от ва от билан от, шунингдек, равиш ёки равишдош билан феъл ва от ёки олмош билан феъл битишув алоқасига киришади.

Қадимги туркий тилда сўзлар асосан битишув муносабатига киришган. Бунинг сабаби сўзларни ўзаро боғлашда хизмат қилган грамматик воситаларнинг кам бўлишидир. Грамматик воситаларнинг қўлланиши билан сўзларнинг ўзаро алоқага кириш характери ҳам ўзгаради. Масалан, қадимги туркий тилда *түрк* ва *будун* сўзлари битишув муносабатларига киришади: *Түрк будун йоқ болмазун,— тәйин* (КТ). Ҳозирги ўзбек тилида эса бундай сўзлар ўзаро изофали бирикмани ташкил этади (ҳоким сўзнинг таркибида эгалик аффикси бўлади: *турк халқи*). Ўзаро релятив муносабатда бўлган айрим бирикмаларнинг тараққиётида ҳам тобе сўзнинг маълум форма билан шаклланишга томон борганлигини кўрамиз: *Куләр йүз исиғ сөз улә нәң тавар* (ҚБ) — молу дунёни очиқ юз, иссиқ сўз билан ула. Бу жумлада битишув муносабатига киришган сўзлар ҳозирги ўзбек тилида кўмакчи ёрдамида бошқарув йўли билан алоқага киришади (*Очиқ юз билан ула, иссиқ сўз билан ула*): *йалавач барур әр* (ҚБ) — элчи бўлиб (элчиликка) борадиган одам. *Қағун буқ йәргә түшди* (МК) — қовун биқ этиб ерга тушди.

Битишув муносабатига киришган сўзларнинг тараққиётидаги иккинчи ҳодиса бундай бирикмаларнинг қўшма сўзга айланишидир: *сакиз он, тоққиз он* (қадимги туркий тил) — *саксон, тўқсон.*

Баъзи бирикмалардаги сўзларнинг маъно ва функциясидаги қисман ёки тўлиқ ўзгариш бундай бирикмаларнинг ҳам қўшма сўзга ўтишига сабаб бўлди: *Улуғ Түркнүң сөзүн й(а)қ-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*циы көрди* (УН); *йахши көрди* — ҳозирги замон тилида қўшма феълдир (*ёқтирди*).

Қадимги ва эски туркий тилда бир отга боғланган битишув муносабатидаги бўлаклар состав жиҳатдан содда — бир ёки икки аниқловчидангина иборат бўлади. Эски ўзбек тилида эса бундай сифатловчи бўлакларнинг сони ҳам, таркиби ҳам мураккаблашади: *Паст бойлуқ, булма сақаллық, қоба йузлук танбал киши* (Нав.). Бундай мураккаб составли сифатловчилар бадиий адабиётда кенг қўллана бошлайди.

Маълум сўз формасининг ёки маълум форма функциясининг ўзгариши ҳам гап бўлаклари орасидаги синтактик муносабатни ўзгартиради. Масалан, *астын, устин, кәйин, йуқару, тәгрә, чынла* каби сўзлар восита ёки жўналиш келишиги шаклида бўлиб, ҳоким сўз билан бошқарув муносабатларида бўлган. Кейинроқ бу келишик формалари ўз функцияларини йўқотгач, ҳоким сўз билан битишув муносабатига киришади. Бу процесс мазкур сўзларда эски туркий тилдаёқ рўй берган эди.

**4-§. Бошқарув.** Ҳоким сўзнинг талаби билан тобе сўз бирор формада бўлиб, шу грамматик восита орқали тобе сўз ҳоким сўзга боғланади. Бунда тобе сўз кўмакчи ва кўмакчи вазифасидаги сўз билан бирикади ёки келишик қўшимчасини олади. Одатда тобе сўз от ва от маъносидаги сўзлардан, ҳоким сўз эса феъл ва баъзан белги билдирувчи сўзлар ёки кўмакчилар билан ифодаланади.

Тил тараққиёти натижасида ана шу воситалар ўзгаради, бошқа воситалар билан алмашади, натижада тобе ва ҳоким сўзнинг грамматик алоқа характери ҳам ўзгара бошлайди.

**Кўмакчи орқали бошқариш** қадимги туркий тилда мавжуд эди. Кўмакчили бошқариш соҳасида бўлган тараққиёт айрим кўмакчи ва шу вазифадаги сўзларнинг ишлатилмай қолиб кетиши ва янгиларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Масалан, қадимги ва эски туркий тиллардаги *тәгү, ашну, өтрү, таба, баса, узу, тәгрә, ара, азын, қару* кўмакчилари орқали бошқарув эски ўзбек тилида кам ишлатилади. Эски ўзбек тилидаги *айру (биздин айру), дәгин, дәгүнчә (йарым йолға дәгин), тәгру (кәчә тәгрү), өтрү (аңа өтрү), узә* каби кўмакчили бошқарув ҳозирги замон тилида учрамайди.

Бундан ташқари, кўмакчиларнинг ўзлари ҳам маълум бир сўзларни маълум келишик формасида бошқарган. Бундай бошқариш усулида ва формасида ҳам маълум ўзгаришлар бўлганини кўрамиз.

*билән//білә* кўмакчиси бош келишикдаги сўзнигина эмас, қаратқич келишигидаги сўзни ҳам бошқарган. Ҳозирги замон тилида бу кўмакчи I, II шахс олмошларининг қаратқич келишигидаги формасини бошқара олади. Аммо эски туркий тилда олмошнинг III шахси ва бошқа турлари ҳам қаратқич ке-

лишиги формасида келган: *Аныҳ бирлә уруиды* (МК). *Буларның билә сән қатыл ҳам қарыл* (ҚБ). *Кимиҳ билә қаш болса* (МК). Ҳатто бу кўмакчи эски восита ва ўрин келишиги формасидаги сўзларни ҳам бошқарган: *Тунлә билә көчәлим* (МК). *Таҳда билә көрсә мәни өрдәк* (МК).

*Нару* (*нары*) ва *кәзин* (>*кейин*) кўмакчилари ҳозирги замон тилида чиқиш келишигидаги сўзни бошқарса, эски туркий тилда ўрин-пайт келишиги формасидаги сўзни ҳам бошқара олган: *бу йәрдин нару* (ҚБ), *сәниҳдә кәзин* (ҚБ).

Қадимги ва эски туркий тилда ҳамда эски ўзбек тилида кўмакчи ҳисобланган *тәк//дәк* ҳозирги ўзбек тилида равиш ясовчи аффиксга айланди ва сўзларни бошқарув муносабатига киритиш вазифасини йўқотди.

*учун* кўмакчиси эски туркий тилда жўналиш келишиги билан ҳам қўлланган: *халққа учун* (ҚБ), *ҳаваҳа учун* (ҚБ).

Бошқа кўмакчиларнинг бошқаришида деярли ўзгариш бўлмади[1].

**Келишик формалари** орқали бошқариш энг маҳсулдор усулдир. Бу усул билан бошқариш келишик формаларининг тараққиёти ва уларни бошқарган сўзларнинг семантик тараққиётига боғлиқдир[2].

Бош ва қаратқич келишигидан бошқа келишикдаги от ва от маъносидаги сўзлар феъл ёки белги билдирувчи сўз туркумлари томонидан бошқарилади.

Келишик аффикслари орқали бошқариш усули тараққиётида қуйидаги ҳодисаларни кўрамиз:

1. Восита келишиги *(-н//-ин//-ын//-ун//-ун)* ёрдами билан бошқариш қадимги ва эски туркий тилда кенг истеъмолда бўлиб, бу келишик эски ўзбек тилида XV аср биринчи ярмигача қўлланган. Бу келишик формасида бўлган айрим сўзлар (*қишин-ёзин, остин-устин* в. б.) ҳозирги замон тилида восита келишигида деб уқилмайди. Шунинг учун ҳам бу сўзлар ҳоким сўз билан битишув муносабатига киришади.

Худди шунингдек *-гәру//-қару* формали жўналиш келишиги воситаси билан бошқариш эски туркий тилда пассивлашади, эски ўзбек тилида истеъмолдан чиқади (бу формадаги сўзлар восита келишигидаги каби равишга ўтади). Тушум келишигининг *-иг//-уг//-ғ//-ығ//-уғ* формалари ёрдами билан бошқариш ҳам эски ўзбек тилида истеъмолдан чиқади.

2. Бошқариш муносабатини юзага чиқарган *-да//-та* қўшимчаси қадимги туркий тилда ва қисман эски туркий тилда (ҚБ, МК, ҲҲ) ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари мазмун му-

---

[1] Қайси кўмакчи қачондан қўллана бошлагани ва қандай формали сўзларни бошқаргани ҳақида «Кўмакчилар» бобига қаранг.
[2] Бу ҳақда «Келишиклар» бобига қаранг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

носабатларини ифодалаш учун хизмат қилган: *Қара көлтә суңушдимиз* (КТ). *Тубут қағанта бөлөн кәлти* (КТ). *Қуты кундә артты* (ҚБ). *Бу ат анда йик* (МҚ).

Эски туркий тилда чиқиш муносабатини ифодалаш учун махсус *-дан//-тан, -дын//-тын* формаси қўллана бошлайди, эски ўзбек тилида бу восита ёрдами билангина чиқиш муносабати ифодаланади. Шундай қилиб, тил тараққиётида бошқарув муносабатини ифодалаш учун янги бир грамматик восита ўз ўрнини эгаллайди.

3. Тушум келишигидаги от ёки олмошни ҳозирги замон тилида ўтимли феъллар бошқаради. Қадимги ва эски туркий тилларда бу келишикдаги сўзларни ўтимсиз феъллар ҳам, олмошлар ҳам бошқара олган: *Өтүкән йәриг қонтым* (Тон.). *Аны субуғ баралым* — Ани суви бўйлаб борайлик (Тон.). *Әмди аны ким йәтәр* (МҚ). *Ол бу ышығ унады* (МҚ). *Сәни тәгсә* (ҚБ). *Көрклүг тонуғ өзүңә, татлығ ашығ азынқа* (МҚ).

Тушум келишиги формасидаги сўз ҳатто феълнинг ўзлик нисбатлари билан ҳам бирика олган: *Ол·бу ышығ ағруқланды* (МҚ); *өзүңни йаңылма* — ўзингни адаштирма (ҚБ).

Тушум келишигидаги сўзнинг бундай кенг функцияси эски ўзбек тилидаёқ чегараланади.

Тушум келишиги формаси ёрдами билан тузилган бошқарув муносабати тараққиётининг яна бир хусусияти — бундай бирикмаларнинг қўшма сўзга ўтишидир (бунда тобе сўз белгисиз тушум келишиги шаклида бўлади); *овқат қилди, сўз қотди, қулоқ солди* в. б.

Қуйидаги бирикмалар XI асрдаёқ қўшма сўзга ўтган эди: *Ол киси алды* — у хотин олди (МҚ); *өкүнчләр йә* — ўкингин, ғам е (ҚБ); *өзгә әмгәк урур* — ўзига ташвиш орттиради (ҚБ).

4. Кўп йиллик тарихий тараққиёт натижасида айрим келишик формаларининг қўлланишида ҳам ўзгариш рўй берди.

Жўналиш келишиги формаси ўрнида тушум келишиги қўлланиши: *Йалыңуқ аны таңлашур* — халқ унга танг қолади (МҚ).

Жўналиш келишиги ўрин келишиги ўрнида ва аксинча (бу ҳодиса ҳозирги Самарқанд ва Бухоро шеваларида ҳам мавжуддир): *Тәлим болса әргә адаш қолдашы* — Йигитда ёру дўстлар кўп бўлса (ҚБ). *Масалға кәлир* — Масалда келур (ҚБ). *Күл тәгин қон йылқа йити йәгирмигә үчди* — Култегин қўй йили ўн еттида ўлди (КТ). *Тинәси оғлы йатығма тағда тәгмиш* — Тинаси ўғли ётган тоққа етди (Тон.). *Әр әрдәмимдә бөкмәдим* — Ботирлигимга тўймадим (Енисей ёдгорлиги).

Жўналиш келишигининг чиқиш келишиги ўрнида қўлланиши: *Уйар бәгимгә адырылтым, уйар қадашымқа адырылтым* — донгдор бегимдан айрилдим, машҳур дўстларимдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

айрилдим (Енисей ёдгорлиги). *Қары өкуз балдуқа қорқмас* — қари ҳўкиз болтадан қўрқмайди (МК).

Бу хусусиятлар аста-секин йўқола борди. Эски ўзбек тилига келиб, келишикларнинг қўлланиши маълум даражада стабиллаша борди.

Кўп ўринларда тушум келишиги қаратқич келишиги вазифасини ўтаган: *бизиң кишиләргә* (Ўрх.-ен.), *бизни таба* (МК). Бу ҳол ҳозирги замон ўзбек шеваларига ҳам хосдир.

5-§. **Мослашув.** Шахсдаги мослик. Маълум бир шахсдаги мослик эга билан кесим ўртасида бўлади: эга қайси шахсда бўлса, унга мос ҳолда кесим ҳам ана шу шахсни кўрсатади.

Кесимнинг қандай сўз туркумидан ифодаланишига кўра маълум шахсни кўрсатувчи формантлар ҳам ҳар хил бўлади.

I. Кесимлар аниқлик феъли орқали ифодаланганда, шахс қўшимчалари қуйидагича бўлади: I-шахс: -(*и*)*м*, -*к*, -(*и*)*миз*; II шахс: -(*и*)*ң*, -(*и*)*ңиз*; III шахс: ∅∅; -∅∅(*лар*).

Кесимлари аниқлик феъллари орқали ифодаланган гапларнинг эга билан кесимларининг мослашишида муҳим бир ўзгариш рўй берган эмас. Аслида, бу феъл формаси сифатдош бўлиб, қадимги туркий тилдаёқ феълга ўтган эди. Унинг сифатдошлик хусусияти баъзи аниқловчилик функциясидагина кўринади: *амушды әр* — шошилган киши (МК); *узрынды нәң* — айрилган (ажратиб, сайлаб олинган) нарса (МК).

Бу феъл формасининг сифатдошлик хусусияти ҳозирги замон сариқ уйғурлар тилида сақланган. Шунинг учун ҳам бу тилда кўрсатиб ўтилган форма шахс қўшимчасини олмайди. Демак, эга билан шахсда мослашмайди: *Мен пылты, сен пылты, ол пылты, мыс пылты*[1].

Одатда, кесим таркибида шахс кўрсатувчи белгилар бўлгани учун эга ифодаланмайди. Бу хусусият айниқса тарихий ёдномалар тили учун характерлидир. Баъзан эганинг маъносини янада таъкидлаш учун эганинг ифодаланиши эски туркий тилга ҳам мос бўлган: *қулуб бўлмадым мән* — истаб топмадим мен (ҚБ). *Хусумат қылурлар сәңә анын узә көрдуң сән* (Таф).

Кўпликнинг биринчи шахси икки хил форма орқали эга билан мослашган: -*к* ва -(*и*)*миз*.

Қадимги ва эски туркий тилда асосан -(*и*)*миз* формаси орқали мослашади: *Қамуғы бәш отуз суләдимиз, уч йәгирми сүңүшдимиз, әлигиг әлсирәтдимиз* (КТ) — ҳаммаси бўлиб 25 марта юриш қилдик, 13 марта жанг қилдик, элини олдик; *ақтымыз* (МК); *бастымыз* (МК).

Эски ўзбек тилида эса эга ва кесимнинг мослашиши -*к* аффикси орқали бўлади.

---

[1] *С. Е. Малов.* Язык желтых уйгуров, Алма-Ата, 1957, 6-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги замон тилида *-(и)миз* шакли орқали мослашиш Тошкент шевасида қўлланади.

Шарт феъли билан ифодаланган кесим ҳамма вақт ҳам эга билан мослаша бермаган. Қадимги турк тилида шарт феъли аффикси *-сар//-сәр* шаклида бўлиб, шахс қўшимчаларини олмайди, бинобарин, эга билан шаклан мослашмайди. Феъл кесимининг қайси шахсга оидлигини кўрсатиш зарур бўлса, I ва II шахс олмошларини қўллаганлар: *кәлсәр мән, кәлсәр сән.* III шахсда ҳеч қандай кўрсаткич бўлган эмас.

Ҳатто XI аср ёзма ёдгорликлари (ҚБ, МҚ) тилида ҳам шарт феъли мунтазам равишда шахс қўшимчалари билан тусланмаган (бу вақтда шарт феъли *-са//-сә* шаклида қўллана бошлайди). Шарт феълининг қайси шахсга оидлиги контекстдан англашилган ёки I ва II шахс кишилик олмошлари қўлланган. Масалан: *Өзум барса ма йасы кәлгәй кәзин* — ўзим борсам ҳам, кейин кулфат келади (ҚБ). *Нару барса мән* — нари борсам (ҚБ). *Қачан барса сән* — қачон борсанг (МҚ).

Шу билан бирга, шарт феълининг шахс аффикслари билан тусланган шакллари ҳам қўлланади: *Қалы кәлсәң* — агар келсанг (ҚБ); *қалы булсам* — агар топсам (ҚБ).

Худди шундай ҳол «Тафсир»да ҳам учрайди: *динимгә кирсә сиз; мусулмāн болса мән.*

Эски туркий тилга оид бошқа ёдномаларда, эски ўзбек тилида шарт феъли мунтазам равишда шахс қўшимчаларини олади ва эга билан шаклан мослашади.

II. Кесимлар исм туркумидаги сўзлар, сифатдошлар орқали ифодаланганда, шахс қўшимчалари қуйидагича бўлади: I шахс: *-ман, -миз;* II шахс: *-сан, -сиз;* III шахс: *турур* ва *ол* элементлари воситаси билан ёки белгисиз қўлланади.

I ва II шахс кесимларининг эга билан мослашувида тарихий тараққиёт процессида муҳим бир ўзгариш рўй берган эмас. Бу тараққиёт процессида кесимларнинг шахс қўшимчаси билан шаклланган формасини қўллаш тобора стабиллаша боради.

III шахсдаги кесимларнинг эга билан мослашув усулида маълум ўзгариш рўй берган. Эски туркий тилда III шахс *ол* воситаси билан эгага мослашади. Бу элемент гап охирида кесимдан кейин ҳам, гап ўртасида эгадан кейин ҳам қўлланиши мумкин бўлган: *Сөз асқы ол ол* — сўзнинг фойдаси удир (ки) (ҚБ). *Бу ажун рабāт ол* — бу дунё бир саройдир (ҚБ). *Бу йып ол әшилгән* (МҚ). *Бу әр сугә битилгән ол* — бу эрнинг исми аскарлар рўйхатига ёзилади (МҚ). *Айтқыл, мәниң тәңрим ким ол* (ҚР). *Идрис алайҳиссалāм ол илми өкуш* (Рабғ.).

Эски туркий тилда (ҚБ, МҚ) III шахс белгиси бўлмиш *ол* ҳар вақт ҳам қўллана бермаган: *Әт өзлук кишигә кәрәги бу*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*ол//бириси тылын сөз бириси көңул* (ҚБ) — саҳоватли кишига шу нарса керак: бири тилидаги сўзи, бириси — кўнгил.

Иккинчи томондан, *ол* III шахс белгиси эмас, мазмунни кучайтирувчи юклама вазифасида ҳам қўлланган: *Мән айдым. әшиттиң сән өгрәндиң ол* (ҚБ).

Эски ўзбек тилида *ол* III шахс белгиси сифатида қўлланмайди. Аммо баъзи ҳозирги замон туркий тилларида бу белги сақланган: Татар: *Ул эшүг ул;* бошқирд: *Хәсән языусы ул*; тува: *Мал хавуда чор ол* (Мол далада ўтлаяпти); турк: *ол түрк ол.*

Шуниси характерлики, ўрхун-енисей ёдномаларида *ол* III шахсни кўрсатувчи грамматик восита сифатида қўлланмайди.

От кесимларнинг III шахс формаси ва равишдош кесимлар *турур//дурур* боғламаси орқали ҳам эга билан мослашган: *Буларда әң әзгү йорық бу турур* (ҚБ). *Итил сувы ақа турур* (МК). *Булар кимләр турур* (Рабғ.). *Сэн мэниң анам турур сэн* (Ш. тар.).

Сифатдош кесимлар эга билан от кесимлардагидек белгилар ёрдами билан мослашади. Сифатдош кесим ҳар вақт ҳам эга билан шаклан мослашавермаган. Сифатдошнинг *-дуқ/-дүк* шакли қадимги туркий тилда ҳам, эски туркий тилда ҳам эга билан мослашган эмас. Сифатдошнинг *-р, -миш//-мыш* формалари эга билан мослашган: *Өлүр мән өгүнчүн* — ўкунч билан ўламан (ҚБ). *Йазуқ биз қылур-биз* — гуноҳни биз қиламиз (ҚБ). *Мән унытмыш мән әзгү әшиг* — мен яхши дўстимни унутибман (ҚБ). *Йитүрмиш сән өз* — ўзинг йўқотибсан (ҚБ).

Кўринадики, бу даврда кишилик олмошлари ҳали шаклан шахс қўшимчаси бўлиб шаклланмайди, улар мустақил сўзлар сифатида уқилади ва шунинг учун ҳам кесимдан алоҳида ёзилади (мустақил урғу олади).

Сифатдошнинг *-гү//-ғу* формаси қадимги туркий ва эски туркий тилда (ҚБ, МК) мунтазам равишда эга билан мослашмайди. *Өтәгү кәрәк мән бу ҳақлар сәңә* — Бу ҳақларингни мен ўташим керак (ҚБ).

Сифатдошнинг бу формаси эгалик аффикси орқали эга билан мослашади.

Сифатдош кесимларнинг эга билан мунтазам равишда шаклан мослашиши асосан эски ўзбек тилидан бошланади.

III. Кесимлар буйруқ-истак майли орқали ифодаланганда, эга билан кесимнинг мослашишида ўзгариш жуда кам бўлган. Эга билан кесим орасидаги мослашиш тарихда характерли хусусиятлардан бири *өз* олмоши орқали ифодаланган эга билан кесим орасидаги мосликдир. *Өз* олмоши ҳозирги ўзбек тилида қайси шахсдаги эгалик аффиксини олишига кўра кесим билан мослашади (*ўзим келдим, ўзинг келдинг, ўзи келди, ўзи-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*миз келдик, ўзингиз келдингиз, ўзлари келдилар).* Эски туркий тилда (ҚБ, МК) ана шундай мослик бўлмаган: *өз* олмоши қайси шахсдаги эгалик билан турланган бўлса ҳам, кесим у билан шахсда мослашмаган: *Өзүм сөзүңни эшитти* (ҚБ). *Нәгү әзгү қолса сәңә бу өзүң* — бу ўзлигинг сенга нима яхшиликни истаса (ҚБ). *Тақы йақшы аймыш билиглик өзи* — билимдоннинг ўзи яхшироқ айтибди... (ҚБ).

Бу ҳол *өз* олмошининг XI аср тилида ўзига хос маъно (ўзлик, вужуд)га эга бўлиши билан боғлиқдир.

**Сондаги мослик.** Эга билан кесим орасида сондаги мослик кўп ўринда шаклан ифодаланмайди, эга кўпликда бўлса ҳам, кесим бирлик шаклида қўллана беради: *Тоқуз оғуз бәгләри будуны бу сабымын әдгүти эшид, қатығды тыңла*—тўққиз ўғиз беклари, халқи, бу сўзимни яхшилаб эшит, қаттиқ тингла (КТ). *Бәгләр бир-биригә йағықты* — беглар бир-бири билан душман бўлди (МК). *Әсиз әзгүләр өлсә тупраг болур* — Ёмон, яхшилар ўлса, тупроқ бўлади (ҚБ). *Өләрдә нәгүгә өгунди олар* (ҚБ).

Шу билан бирга қадимги ёзма ёдгорликлардаёқ эга билан кесимнинг шаклан мослашган ўринларини ҳам кўрамиз. Бу ҳол кўпроқ эга шахсларини билдирувчи сўзлар билан ифодаланганда рўй беради: *Кишиләр бир-биригә игәшдиләр* — Кишилар бир-бирига суяндилар (МК). *Улар бу ышыг уқуштылар* — Улар бу иш бўйича келишиб олдилар (МК). *Улар бармаслар* (МК). *Кāфирлар аны көруб күләрләр эрди* (Рабғ.). *Бу үч көлни бәркитмишләр эрдиләр* (Рабғ.). *Бизниң эл тайийāр эмәс эрдиләр* (БН).

Сондаги мослик жонли шахс бўлмаган предметлар устида гап борганда ҳам шаклан ифодаланади: *Ушбу қағанниң балықлары көб көб эрдиләр эрди* (ЎН). *Бурнындын ики мушук чықты, ул сычқанларны йәдиләр* (ҚР). *Дашт ҳайвāны қачарлар суҳбатымдын* (Нав.).

Эгалар *билән* боғловчиси орқали бирикиб, уюшиб келганда ҳам, кесим унга мос ҳолда кўпликда қўлланади (бу ҳол эски ўзбек тили учун характерлидир). *Қачан Адам бирлә Ҳавā жуфт болдылар* (ҚР).

Кесимда кўпликни ифодалаш учун *-лар* аффиксидан ташқари, биргалик даражаси ҳам хизмат қилган: *Олар икки таварын улашди* (МК). *Бөри барча улишди* (МК).

Шуниси характерлики, эски туркий ва эски ўзбек тилига нисбатан ҳозирги замон ўзбек адабий тилида кесимнинг эга билан сонда мослашуви камроқ учрайди. Бу ҳол адабий тилга жонли тилнинг таъсири билан изоҳланади.

Эски туркий тилда аниқловчи ва аниқланмиш ҳам баъзан сонда мослашганини кўрамиз: *Ики чәчәкләр* (Рабғ.); *отуз бөзчиләр* (Рабғ.); *он фариштaлар йигитләр суратынча болуб* (ҚР); *мунда көп кийикләр, көп қўшлары бар турурлар* (ҚР);

www.ziyouz.com kutubxonasi

*көп тәлим әрдәниләр йибәриб* (ЎН); *ануң душманлары көп қайғулар тапты* (ЎН).

Аниқловчи ва аниқланмишнинг сондаги мослиги бошқа ёдномаларда учрамайди.

## ИЗОФА

6-§. Изофа икки отнинг аниқловчилик муносабатига киришувидир. Бундай муносабатда бирор шахс, предмет ёки тушунчанинг бошқа бир шахс, предмет ёки тушунчага қарашлилиги кўрсатилади. Икки от орасидаги бундай муносабат махсус аффикслар орқали ифодаланади: бирор тобе сўзда қаратқич келишиги қўшимчаси (*-нинг*), ҳоким сўзда эгалик аффикслари -(*и*)*м*, -(*и*)*нг*, *-и*(*си*); -(*и*)*миз*, -(*и*)*нгиз*, -(*лар*)*и* бўлади: *сенинг китобинг, бизнинг дафтаримиз.*

Одатда, ҳоким сўз қайси шахсни кўрсатса, тобе сўз ҳам лексик маъносига кўра ўша шахсни кўрсатади. Шунинг учун ҳам изофа бирикмаси мослашув алоқасининг бир тури ҳисобланади.

Изофа сўз бирикмаси компонентларнинг шаклланишига кўра уч хил бўлади:

1. Изофа бирикмасининг ҳар икки компонентида қўшимчалар мавжуд бўлади (белгили бўлади). *Чустнинг дўпписи.*

2. Изофа бирикмасининг бирор компоненти белгисиз бўлади: *чуст дўпписи; бизнинг мактаб.*

3. Изофа бирикмасининг ҳар икки компоненти белгисиз бўлади: *чуст дўппи.*

Қадимги туркий тилда ва ундан кейинги даврга оид ёдгорликларда ҳам изофа сўз бирикмаси ана шундай уч хил кўринишга эга бўлиб, улар параллел қўлланган. Шунинг учун ҳам изофа бирикмасининг белгисиз шаклларидан белгили шакллари келиб чиқади, деб ҳукм чиқариш қийин (*ат баш*>*ат башы*>*атның башы*). Айрим белгисиз бирикмалар белгилига айланган бўлса, баъзи белгили изофа бирикмалар белгисизга ҳам ўтган.

Изофа бирикмаси таркибидаги компонентларнинг белгили ёки белгисиз бўлиши (қўшимча олиши ёки олмаслиги) шу компонентларнинг конкрет (аниқ) бўлиши ёки бўлмаслигига боғлиқ: Масалан: *Наманганнинг олмаси* (конкрет қарашлилик), *Наманган олмаси* (умуман қарашлилик), *наманган олма* (қарашлилик эмас, олманинг тури ифодаланади).

Тарихий тараққиёт жараёнида изофали бирикмани ташкил этган сўзларнинг семантик ва грамматик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган маълум ўзгаришлар содир бўлган.

Изофа сўз бирикмасининг биринчи группаси (сўз бирикмасининг ҳар икки компоненти белгили бўлиши) қадимги туркий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилда кам қўлланади: *Түрк будуның әлин, төрусин тута бәрмиш* (КТ) — турк халқининг қабила тузумини ва қонун-қоидаларини улар қувватладилар. *Култәгиниң алтунын, күмүшин, ағышын, барымын...* (КТ) — Култегиннинг олтини, кумуши, совғалари, молини...

Эски туркий тилнинг илк обидалари (ҚБ, МҚ, ҲҲ)да изофа конструкциясининг биринчи группаси бирмунча кўпроқ учрайди: *Аның тәлим йасы тәгди* — унинг кўп зарари тегди (МҚ); *Мәниң йоқ сақынчым* — менинг ғамим йўқ (ҚБ); *Аның атасы* — унинг отаси (МҚ); *Кишиниң сөзи* (ҚБ); *Адибниң көзи* (ҲҲ); *Сәниң раҳматыңдын* (ҲҲ).

Кўринадики, бу давр ёдномалари тилида изофа конструкциясининг биринчи группаси: 1) асосан бирликнинг I ва III шахсига оид бўлиб, II шахс ва кўплик жуда кам қўлланилади; 2) изофа бирикмаси компонентларининг ўрни анча эркин бўлган.

Эски туркий тилнинг сўнгги давр ёдномалари («Ўғузнома», ҚР) тилида ва айниқса эски ўзбек тилида изофа конструкцияси ҳамма шахслар бўйича ҳам қўллана бошлайди ва ўрни анча қатъийлашади: *Мәниң көңүлүм* (ЎН); *Бизниң қут(ы)биз* (ЎН); *сәниң қутуң* (ЎН); *сәниң пайғамбарыңға* (ҚР); *Абдуллāның атасы қарындашлары* (Рабғ.); *Уларның арасында* (Рабғ.); *кимнуң фармāны* (Рабғ.); *фақирның тажрибасы аларға бас болғай* (Нав.); *Адамның йахшырағы улдур* (Нав. МҚ).

Эски туркий ва эски ўзбек тилида қаратқичнинг ғарбий туркий формаси ҳам қўлланади: *Мәним мың йыл умрымдын қырқын Давудға бағышладым* (Рабғ.); *мәним зикримни* (Рабғ.); *бизиң үчүн* (Бобир).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида изофа сўз бирикмасининг бундай шакли ишлатилмайди.

Изофа сўз бирикмасининг **иккинчи группаси** икки хил кўринишга эга:

1) Аниқловчи белгили бўлиб, аниқланмиш белгисиз бўлади. Бундай конструкциялар асосан қадимги туркий ва эски туркий тил обидалари тилида учрайди: *Бизниң су* (КТ); *мәниң әр* — менинг ботирлигим (Ўрх.-ен.); *бәгиң ат* (КТ); *Қара тәмирниң борлуқ* — Қора темирнинг узумзори (Ўрх.-ен.); *Мәниң тавары саттурды* (МҚ); *Бу бизниң өз киши ол* (МҚ); *тиләк йоқ мәниң* (ҚБ); *Тавар кимиң өкүлсә* — кимнинг моли кўпайса (МҚ).

Мисоллардан кўринадики, бу хил изофа бирикмасининг бири — аниқловчиси, асосан кишилик олмошларидан, баъзан отлардан ифодаланади. Баъзан аниқланмиш ёрдамчи сўз ёки шу вазифадаги от бўлиши мумкин. *Аның бирлә* (МҚ); *аның табару* (МҚ); *мәниң соңда кәл* — менинг сўнгимдан кел (МҚ).

Эски ўзбек тилида изофа бирикмасининг иккинчи группа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сига оид баъзи мисоллар учраб қолади: *Барчынның көк кāшāна* — Барчиннинг кўк кошонаси (Ш. тар.).

Аниқланмиши ёрдамчи сўзлар билан ифодаланган бу хил изофа бирикмаларининг баъзи турлари ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам қўлланади: ***менинг учун, сенинг билан.***

2) Аниқловчи белгисиз бўлиб, аниқланмиш белгили бўлади. Изофа бирикмасининг бу тури учинчи шахс формасида қўлланади ва аниқловчи ҳамда аниқланмиш умумий бир тушунчани ифодалашга яқинлашади, конкрет қарашлилик ифодаланмайди. Изофа бирикмасининг бу тури ёзма ёдгорликлар тилида ҳам, ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам кенг қўлланади: *түрк атын, табғач атын* (КТ); *Будун боғзы тоқ әрти* (Тон.); *тириглиг йолы* (ҚБ); *Адиблар адиби фāзиллар башы* (ҲҲ); *Сөз башы* (Мбн.); *сирāт көпругин* (Рабғ.); *шаҳарда қойлар пасбāны ул, йазыда қойлар шубаны ҳам ул* (Нав. МҚ).

Ҳозирги замон ўзбек тилида изофа бирикмаси қуйидаги ҳолларда доим белгили бўлади (яъни аниқловчи таркибида албатта қаратқич келишиги қўшимчаси, аниқланмишда эгалик аффикси бўлади): 1) агар аниқловчининг ўз аниқловчиси бўлса, 2) аниқловчининг таркибида эгалик аффикси бўлса, 3) аниқловчи ва аниқланмиш дистант ҳолатда бўлса, 4) аниқловчи атоқли от ёки отлашган сўздан ифодаланса в. б.

Қадимги ва эски туркий тилда юқоридаги ҳолат мавжуд бўлганда ҳам, изофа бирикмасининг аниқловчи қисми белгисиз бўлаверади: *Қаңым қаған суси бөри тәг әрмиш* (КТ). *Қыз киши савы йорықлы болмас* — қизғанчиқ кишининг шуҳрати тарқалмайди (МК). *Билиглиг киши орны* (ҚБ). *Атасы аты Маҳмуд* (ҲҲ). *Сафиҳ әр тили өз башы душманы* (ҲҲ). *Мән атаң қарындашы оғлы-мән* (Рабғ.).

Бу ҳолат баъзан эски ўзбек тилида ҳам учраб қолади: *Дарилбақāның узун йолы йарағыны қыл* (Нав. МҚ); *атасы тахтында*; *қызым оғлы* (Ш. тар).

Изофа бирикмасининг **учинчи группасини** ташкил этган ҳар икки компонент ҳам белгисиз бўлади (яъни аниқловчида қаратқич келишиги, аниқланмишда эгалик аффикслари бўлмайди). Бу хил изофа бирикмалар қадимги ёзма адабий тилда кўпроқ учрайди. Масалан: *Кун орту* — куннинг ўртаси (МК); *халқ йан* — халқ одатлари (ҚБ); *тириглиг йәгу* — тириклик емиши (ҚБ); *олар икки а:рышды* — уларнинг иккови бир-бирини алдади (МК); *бу ики бириксә* — буларнинг иккови бирлашса (ҚБ).

Бу хил изофа бирикмалари ҳозирги замон ўзбек тилида изофа бирикмаларининг биринчи ёки иккинчи группасига ўтади (ҳар иккиси ёки аниқланмиш белгили бўлади). Аникланмиши *барча, ҳамма* (*қамуғ*) олмошлари билан ифодаланган изофа бирикмалари ҳозирги замон тилида белгили қўлланса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадимги туркий тилда белгисиз бўлган: *Атлар қамуғ сөчуш-ди* — Отларнинг ҳаммаси чўчиди (МК). *Бузун қамуғ кулуш-ди* — Халқнинг ҳаммаси кулишди (МК). *Сөзуң барча чин* — сўзингнинг барчаси чин (ҚБ).

Ҳозирги замон ўзбек тилида кўриб ўтилган туркий изофа бирикмаларидан ташқари тожикча изофалар ҳам қўлланади (*гули раъно* каби). Бу хил изофалар эски ўзбек тилида кенг қўлланган: *Ҳāки пāйи, савдāйи хам* (Лутф.); *дури Оммāн*; *лаъли бадахшāн* (Жавҳарий); *Пāраи нāнға* (Нав. Чд.); *āби ҳайвāн* (Лутф.); *булбули гулшан* (Қамбар ўғли); *ғунчайи хан-дāн* (Хоразмий); *булбули бостāн* (Хоразмий); *мāҳи тāбāн* (Сиди Аҳмад).

Шуниси характерлики, XVI. аср ёдномаси «Бобирнома» асарида тожикча изофа жуда кам қўлланади. Умуман, бу хил изофанинг қўлланиши тобора камайиб боради (ҳатто назмий— поэтик асарларда ҳам кам ишлатила боради). Фақат қўшма сўзга айланиб, яхлит бир бирикма деб тушуниладиган айрим тожикча изофалар сақланади, холос: *Қутби шимāлий, Дашти қипчақ* (Ш. тар.); *аъзойи бадан, қатъи назар, аҳли аёл, гули раъно* (ҳозирги замон тилида).

Қадимги туркий тилда тожикча ёки арабча изофалар учрамайди. Фақат тожикча изофага ўхшаш бирикмалар борки, улар кейинги даврларга оид ёзма ёдгорликларда бутунлай учрамайди: *Улуғы хатун* — хотинлар улуғи; *қалмышы будун*— қолиб кетган халқ; *сыңары будун* — халқнинг ярми (Габэн, Alt).

Аниқланмиш ҳаракат номлари ёки сифатдошлардан ифодаланган изофа бирикмалари тараққиётида анча ўзгаришлар рўй берди. Мазкур изофа бирикмалари қадимги туркий тилда ва эски туркий тилнинг илк обидалари тилида белгисиз бўлиб (изофанинг учинчи группаси), баъзилари мазмунан эргаш гапга яқинлашади. Масалан: *Тәңри куч бәртук учун, қаған суси бөри-тәг әрмис* — тангри куч бергани учун, хоқон аскарлари бўридек бўлди (КТ). *Анта кисрә иниси әчисин-тәг қылынмадуқ әринч, билигсиз қаған олурмыс әринч* — Ундан кейин укаси акасидек иш тутмагани учун, билимсиз хоқонлар (подшоликка) ўтирган экан (КТ). *Тәңри йарлуқадуқ учун, биз қарқмадымыз*—Тангри ярлақагани учун, биз қўрқмадик (Тон).

Кўринадики, қадимги туркий тилда аниқланмиш — сифатдошлар таркибида эгалик қўшимчаси қўлланмайди (қўлланган ўринлари жуда кам учрайди), ҳозирги замон тилида эса кўпинча эгалик аффиксини олади.

XI аср ёдномалари тилида ҳам бу хусусият асосан сақланади: *Байāт фазлы қолғу кәрәк кул қамуғ* — қулларнинг ҳаммаси тангри фазмини исташи керак (ҚБ). *Сийāсат йаратғу кәрәк су башы* — Аскар бошлиғи сиёсат юргизиши керак (ҚБ).

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Таз кәлиги бөркчигә* — Калнинг келиши (келадиган жойи) дўппифурушнинг (дўконидир) (МК).

Бу мисоллардан изофа бирикмасининг аниқланмиши эгалик қўшимчасини олгани, аниқловчи эса қаратқич қўшимчасини олгани кўриниб турибди. Натижада мустақил гап ёки эргаш гап бўлган конструкциялар сўз бирикмасига ўта боради.

## ГАП БЎЛАКЛАРИ

### Эга

7-§. Эга — ҳаракат, ҳолат ёки белги-хусусиятга тааллуқли бўлган тушунчани ифодаловчи гап бўлагидир. Эга шаклан бош келишик шаклида бўлган сўзлар орқали ифодаланади.

Эски ва айниқса қадимги туркий тилда эга жумлада ифодаланмайди, аммо унинг мавжудлиги, қандай тушунча эканлиги жумланинг умумий мазмунидан билиниб туради. *Тәңритәг тәңридә болмыш түрк билгә қаған бу өдкә олуртым. Сабымын түгәти әсидгүл* (КТ). *Нәгү-тәк табынғу түгәл билдиң ол* (ҚБ) — Қандай хизмат қилишни тугал билиб олдинг. *Түнлә билә көчәлим* (МК) — Кечаси кўчайлик.

Эганинг қайси шахсга тааллуқли экани жумланинг умумий мазмунидан англашилади ёки эга I ёки II шахсга оид бўлганда, кесимнинг шахс кўрсатувчи формалари орқали билиниб туради. Кесим таркибида шахс қўшимчаларининг бўлиши тараққиётнинг сўнгги босқичларига оиддир. Қадимги туркий тилда сифатдош ва шарт феъли кўп ўринларда шахс кўрсаткичларига эга эмас. Бу белгилар муттасил равишда XIII—XIV аср ёдномаларида қўллана бошлайди. Учинчи шахсга оид кесимларнинг шахс қўшимчалари бўлмайди. Шунинг учун бундай конструкцияларда эганинг ифодаланмаслиги фикрни тез тушуниб олишни қийинлаштиради:

*Изимни өгәр мән, билигни йүгәр-мән. Көңүлни түгәр-мән, әрдәм үзә түрлүнүр* (МК) — Эгамни мақтайман, билимни йиғаман, кўнгилни (шунга) боғлайман, яхши хислатларни тўплашга кўнглим берилгандир.

Бу шеър парчасининг тўртинчи жумласининг эгаси *кўнгил* экани олдинги жумлалардан билиниб туради.

*Тәгдимиз, йайудымиз. Әкинди күн кәлти* (Тон.) — (Душманга) ташландик, (уни) ҳайдаб юбордик. Иккинчи кун (душман) келди.

Бу жумланинг эгаси *душман* экани контекстдан билиниб туради.

*Ол сүг анта йоққышдымыз. Бир отуз йашына Чача сәңүнкә сүңүшдимиз. Әң илки тадықын Чурын боз (атығ бинип тәгди, ол ат онта) өлти* (КТ) — У қўшинни у ерда йўқотдик. (Култе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гин) йигирма бир ёшида биз Чача сангун билан урушдик. (Култегин) энг олдин Тадиқин—чурнинг бўз отига миниб (ёвга) ташланди, у от у ерда ўлди.

Бу парчада ҳам охирги жумланинг эгаси *Култэгин* олдинги жумлалар ва контекстдан аниқланади.

Бу хил конструкциялар эски ўзбек тилида жуда кам учрайди, ҳозирги замон тилида қўлланмайди.

Эга I ва II шахсда ҳам ифодаланиши мумкин. Бунда эганинг маъноси таъкидланади, логик урғу олади. *Қалтачы биз өз ичи ташын тутмыш-тэг биз* (Тон.) — Биз ич ва ташимизни ушлаб қоӣа берамиз (ҳеч нарсага эга бўлмай, қуруқ қоламиз). *Қаған ат бунта биз бэртимиз* (КТ). *Қамуғ āрзу булдум, киши булмадым мэн* (ҚБ) — Бутун орзу(ларимни) топдим, (аммо) киши топмадим ман. *Тāбэ мэн болайын бу эзгу башы* (ҚБ) — Бу эзгу боши(га) мен тобе бўлайин.

Эга одатда от, отлашган сўз ёки олмош орқали ифодаланади. Бу хусусият ҳозирги ва эски давр тили учун бир хилдир. Аммо қадимги ва эски туркий тилда асосан от туркумидаги сўзлар билан кўпроқ ифодаланади. Эганинг ҳаракат номлари ва олмошлар билан ифодаланиши камроқ, аммо отлашган сўзлар билан ифодаланиши кўпроқ учрайди: *Әр өз нэъмат бу қозмақ қамуғ* (ҚБ) — Бу — ҳамма неъмат ва орзулардан воз кечмоқдир. *Олардын усанмақ қачан ол мэңэ* (ХҲ). *Фариштa бирлэ икэгу чықтылар* (ҚР). *Үчэгүсү түн сарыға бардылар* (ЎН). *Балықдақы тағықмыс, тағдақы инмис* (КТ) — Шаҳардагилар тоққа чиқди, тоғликлар пастга тушди.

Қадимги ва эски туркий тилда айниқса отлашган сифатдошнинг эга вазифасида келиши кўпроқ учрайди: *Уда ташда қалмышы қобраныб, йэти йуз болты* (Тон.) — Дарахт, тошда қолгани тўпланиб, етти юз бўлди. *Йэти йуз кишиг удузуғма, улуғы шад эрти* (Тон.) — Етти юз кишини эргаштиргани, улуғи шод эди.

Қадимги туркий тилда эганинг жўналиш келишиги формасида келиши характерлидир: *Ичрэ ашсыз, ташра тонсыз* (КТ) — ичи ошсиз, таши тўнсиз.

Қадимги ва эски туркий ҳамда қисман эски ўзбек тилида эганинг аниқловчили сўз бирикмалари билан келган мураккаб шакллари кўп учрайди. Одатда, бундай мураккаб аниқловчиларни сифатдош бошқаради: *Әрни отқа йузи атқучы тил ол* (ХҲ), *Қазāлар йөритгэн йаратқан малик* (ХҲ). Бу ҳолат мураккаб фикрни содда гап конструкцияси орқали ифодалаш имкониятини берган. Ҳозирги замон тилида бу хил содда гаплар қўшма гап шаклида берилади.

Эга одатда кўплик ва эгалик аффикслари билан келиши мумкин. Бундай шаклланиш қадимги ва эски туркий тилда кам учрайди: *Көб муранлар көб өгузлэр бар эрди* (ЎН, 3).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## Кесим

8-§. Кесим гапнинг шаклланишида асосий ролни ўйнайди. Унинг бу хусусияти айниқса қадимги ва эски туркий тилда яққол кўринади. Бу давр тилида кесимларни қатор, кетма-кет келтириш йўли билан мураккаб фикрлар ифодаланади: *Қағанқа қырқыз будуны ичикди, йүкүнти, йантымыз* (Тон.) — Қирғиз халқи бўйсунди, (шу сабабдан биз) қайтдик. *Йақын тәгти, түшти, йүрип барды ол//қапуққа тәгип үндәди, қолды йол* (ҚБ). *Өлди, тирилди, тамуғқа кирди, чықты ул йана. Учмаҳ ичрә кирди, қалды бу күн анда мәңләйүр* (Рабғ.).

Кесим ҳамма сўз туркумлари орқали ҳам ифодаланади. Бу хусусият ҳар'вақт сақланиб келган. Аммо эски, айниқса, қадимги туркий тилда кесим кўпроқ от ва от маъносидаги сўзлар билан ифодаланган.

От ва от маъносидаги сўз туркумлари билан ифодаланган кесимлар одатда боғламалар билан бирикади. Боғлама ёрдамчи сўз вазифасидаги бўлак бўлиб, кесимнинг маъносига оид, эганинг семантик ҳамда грамматик хусусиятига оид қўшимча грамматик маъноларни (шахси, замони, сони, майли ва бошқаларни) ифодалайди.

Қадимги ва илк эски туркий тилнинг хусусияти шундаки, бу тилда от кесимлар кўпинча боғламасиз келади. Бу ҳолда эга билан кесим ўрнига кўра фарқланади: кесим вазифасидаги от (исм) гапнинг охирида жойлашади: *Бахил нākас отун тавар пāсбāны* (ҲҲ). *Үч нарса йөқ эрди кәми ичиндә зийāда болды: бири мушук, иккинчиси сычқан, үчүнчиси тоңуз* (ҚР). *Сәниң-дәг бир шāҳның марҳабāсы — Мәниң-дәг мың гадāниң хун баҳāсы* (МН). *Көрүг сабы антағ* (Тон.) — айғоқчининг сўзи шундай эди. *Көни сөз асал-дәк бу йалған басал* (ҲҲ).

**Боғлама** вазифасида *әр, тур* каби ўз семантик маъносини йўқотиб, грамматик маъно кўрсаткичига айланган сўзлар, *бол-, кәрәк, сан-, көр-, бил-, тә-* каби мустақил, гап бўлаги вазифасида ҳам, боғлама вазифасида ҳам қўлланувчи сўзлар хизмат қилади.

**әр- боғламаси.** Бу боғлама от, сифат, олмош, ҳаракат номи каби сўз туркумларига қўшилиб келади. Бу боғламанинг *әринч, әрки, әрсәр* формалари қадимги ва илк эски туркий тилда қўлланади, *әрди (әрти), әрүр, әрмиш, әрсә, әркән* формалари тил тарихининг ҳамма даврларида ишлатилади, ҳозирги замон тилида унинг янги, *эса* формаси вужудга келади: *Иниси әчисинтәг қылынмадуқ әринч...* (КТ) — Укалари акаларидек иш қилмагани учун бўлса керак... *әдгүг ол әринч* (КТ) — (Кўрган) яхшилигинг шу эди... *Йату қалур әрич* (Тон.). *Билигсизгә ҳақ сөз тарығсыз әрүр, ...насиҳат асығсыз әрүр* (ҲҲ).

Қадимий ва илк эски туркий тилда *әр-* боғламасининг кетмакет келиши характерлидир: *Будун йәмә йоқ әртәчи әрти* (Тон.). *Ағызы аташ қызыл әрди, көзләри ал, сачлары, қашлары қара әрдиләр әрди* (ЎН).

*әрсә* боғламаси аниқлиқ феълига ҳам қўшилиб келади: *Йақын тәгди әрсә қадашқа барыб* (ҚБ). Бундай конструкция қадимги туркий тилда учрамайди. Бу бирикма XIX асрга қадар ёзма адабиётда қўлланиб келган.

*әр-* сўзи қадимги ва эски туркий тилда мустақил кесим вазифасида ҳам ишлатилган: *Нәң нәң сабым әрсәр бәнгү ташқа уртым* (КТ) — Нимаики сўзим бўлса, мангу тошга ёздим. *Абаң әрсә давлат йā булса қутуғ* (ҚБ) — Агар давлат бўлса (келса) ва бахт топса... *Нәчә дāнā әрди нәчә файласуф* (ҲҲ). *Машриқдан мағрибқа тәгү тутуш тамдын әвләр әрди* (Рабғ.).

**Турур боғламаси.** Бу боғлама илк туркий тилда қўллана бошлайди. Одатда *турур* боғламаси от, сифат, сон, олмош, сифатдошларгагина эмас, равишдош ва *-мақда* аффиксли феълга ҳам қўшилиб кела олади: *Кәрәклик сәңә әзгү атын турур* (ҚБ); *әр сөгәл турур* (МҚ) — У касал; *әтил сувы ақа турур* (МҚ); *йәмәктә турур* (ЎН); *күлә турур, йиғлайа турур* (ЎН); *ағыз тыл бәзәги көни сөз дурур* (ҲҲ); *бу нә турур* (Рабғ.); *сән намāз қылғыл, халфа сән турур сән* (Рабғ.); *нәчә буйла иш намунāсыб дурур* (Нав. Чд.); *Нә қылай дэй турур сән* (Ш. тар.).

*Турур* боғламаси қўшилган от кесим бош келишикдан бошқа келишиклар шаклида ҳам бўла олади: *Бизиңә турур иш йарын* (ҚБ) — эртага бизнинг ишимиз бор. *Ол әвдә турур* (МҚ). *Сөңүкләри Жадда тағында турур* (Рабғ.).

*Турур* боғламасининг қисқарган шакли *тур//дур* эски туркий тилдаёқ қўлланар эди. Кейинги даврларда ҳам бу икки форма параллел ишлатилади (қисқарган шакл тобора кўпроқ учрайди): *Айбқа қойыбтур халāйиқ ара* (ҲҲ). *Унут бирлә йалңуқ отун қанғы тур* (ҚБ) — Уят кишига бутун ёмон ишлардан эшик бўлади. *Нә көрүклүг дур бу көзүң* (ҚР).

Илк туркий тилда *турур* боғламасининг *-р/-с* сифатдоши ва *кәрәк* модал сўзи билан бирикиши характерлидир: *Ағызумға бақар турур болса.., ағызумға бақмас турур болса* (ЎН). *Йәрниң төрт булуңынуң қағаны болсам кәрәк турур* (ЎН).

Боғлама вазифасида қўлланувчи *бол-* сўзи ҳам қадимги туркий тилдан бошлаб от кесим составида боғлама вазифасида ишлатилиб келади: *Күлтәгин кәргәк болты* (КТ) — Култегин ўлди. *Йигит хожа болур...* (ҲҲ). *Сән мунда бәгләргә болғыл башлығ* (ЎН).

Эски туркий тилда *кәрәк* модал сўзи кесим составида бевосита етакчи сўзга қўшилади. *Бәги бай кәрәксиз, будун тоқ кәрәк* (ҚБ).— Бекнинг бой бўлиши керак эмас, халқнинг бой



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиши керак. *Ачун тутқучы эр уқушлуқ кэрэк* (ҚБ) — Дунёни (мамлакатни) идора қилувчи эр уқувли бўлиши керак.

Боғлама вазифасидаги *қыл-* сўзи ҳам қадимги даврлардан бошлаб қўлланиб келади: *Чығай будунығ бай қылтым* (КТ). *Бāйāт кимгэ қылса инāйат улуг* (ҚБ) — Кимга худо иноятини қилса... *Йақшы бэги бирлэ достлуқ қылды* (ЎН).

Кўрсатиб ўтилган боғламалардан ташқари, шу вазифада айрим мустақил сўзлар ҳам қўлланади:

**Көр-**: *Тушуг инжу көр* (ҚБ) — Тушни инжу деб бил. *Усуқмыша сақығ қамуғ сув көрунур* (МҚ) — Чанқаганга сароб тамом сув бўлиб кўринади.

**Бил-**: *Асығсыз оғулны йағы бил* (ҚБ) — Фойдасиз ўғилни душман деб бил.

**Тэ-**: *Сэни сиз тэсэлэр, аны сиз тэгил* (ҚБ).

**Ата-**: *Билигсиз кишини билгэ йылқы атар* (ҚБ) — Билимсиз кишини доно киши йилқи деб атайди.

**Сан-**: *йылқы саны* (ҚА) — йилқи деб сана.

Кесим вазифасида бош келишикдан бошқа келишикдаги сўзлар ҳам кела олади. Бу хусусият тарихий ёдномалар тилида ҳам, ҳозирги замон тилида ҳам қўлланади: *Қатығлық мэңэ* (ҲҲ). *Билиглик бирингэ билигсиз мыңын* (ҲҲ). *Қамуғ тэгдэчи нэң қазāдын эрур* (ҲҲ). *Бу иш мэним илкимдэ эрмэс* (Рабғ.).

Қаратқич келишиги билан келган сўзнинг кесим вазифасида келиши эски адабий тил учун характерлидир: *Бу от сэниңму? Бу оғул сэниңму?* (МҚ). *Аның болды дунйā* (ҚБ). *Ол ачигу бир қара хатунныӊ эрди* (Нав.). *Самарқанд эли худ бизниңдур* (БН). *Эл сэниң, мулк сэниң* (ШН).

Қаратқич келишигидаги сўзнинг кесим вазифасида келиши традиция бўйича XIX асрнинг охирларигача давом этиб келди: *Гошты сизниң ва устухāны мэниң болғай* (Фурқат).

Феъл кесимлар феълнинг аниқлик ёки бошқа майл формалари орқали ифодаланади.

Ҳозирги замон тилига нисбатан қадимги туркий ва илк эски ўзбек тилида сифатдош ва равишдош кесим вазифасида кенгроқ қўлланади.

Сифатдошнинг турли шакллари кесим вазифасида қўлланади: *Турк будун, өлтиг* (КТ) — Турк халқи, ўлдинг. *Йэр сайу бардығ, қон анта алқынтығ, арылтығ* (КТ) — (Турли) ерларда сарсон бўлиб юрдинг, у ерларда кўп соврилдинг. *Ол йэргэру барсар, турк будун, өлтэчисэн* (КТ) — У ерга борсанг, турк халқи, ўласан. *Киси оғлы қоп өлгэли төрумис* (КТ). *Нэгу-тэк табунғу бэкинчэ қулы* (ҚБ) — Бегига қули қандай хизмат қилиши керак.

Сифатдошнинг кўрсатиб ўтилган формалари эски ўзбек тилидаёқ кесим функциясида қўлланмайди, сифатдошнинг қол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган шакллари *-ган, -р* ҳозир ҳам кесим вазифасида ишлатилиб келади.

Сифатдош эргаш гапнинг кесими вазифасида ҳам кенг қўлланган (эргаш гапли қўшма гаплар бобига қаранг).

Қадимги ва эски туркий тилда равишдош кесим вазифасида қўлланган: *Кәлигмә бәгләрин будунун итип йығын азча будун тәзмис әрти* (Тон.) — Келган бекларни ва халқни йиғиб юрганимда, озгина халқ тарқаб кетди.

• Кесим орқали турли мураккаб ва нозик фикрларни ифодалаш мумкин. Бунда кесим турли формалар ва ёрдамчи сўзлар билан бирикиб, мураккаблашиб келади. Бу хил мураккаб составли кесимлар қадимги туркий тилда ҳам мавжуд эди: *Йоқаду барыр әрмис* (КТ) — Йўқала борар эди. *Йолта йату қалтачы әртиңиз* (КТ) — Йўлда ётиб қолар эдингиз.

## Тўлдирувчи

9-§. Тўлдирувчининг даврлар бўйича тараққиёти икки масала билан — тўлдирувчи вазифасида келган сўзнинг шаклий тараққиёти ва бу хил сўзнинг кесим билан семантик муносабатидаги ўзгаришлар билан боғлангандир.

Маълумки, тўлдирувчи (воситасиз ва воситали) маълум келишик қўшимчасини олган ёки кўмакчи билан бириккан от, олмош ва отлашган сўзлар орқали ифодаланади. Бизга маълум бўлган қадимий ёзма ёдгорликлар тилида ҳам бу хусусият бўлган.

Маълум келишик формасини олган сўзлар билан ифодаланган тўлдирувчиларнинг тараққиётида айрим тўлдирувчиларнинг ишлатилмай қолиб кетишини кўрамиз, бу ҳол айрим келишик қўшимчаларининг архаиклашиши билан боғлиқ.

Қадимги ва эски туркий тилларда қўлланиб келган восита келишиги қўшимчаси: *-н, -ин, -ун,* тушум келишигининг айрим формалари (*-иг*), жўналиш келишигининг баъзи формалари (*-ғару*) эски ўзбек тилида ишлатилмайди.

Мисоллар: *Тағығ уқруқын әгмәс, тәңизни қайғықын букмәс* (МК) — Тоғни арқон билан эгиб бўлмас, денгизни қайиқ билан бекитиб бўлмас. *Уры оғлын қул болты, силик қыз оғлын күң болты* (КТ) — Зотдор ўғиллари билан қул бўлди, гўзал қизлари билан қул бўлди. *Сабығ алып* (КТ) — Сўзини олиб. *Қыш йайғару савланур* (МК) — Қиш баҳорга дейди.

Қадимги ва эски туркий тилда воситасиз тўлдирувчи кўп вақт қўшимчасиз бўлади. Бу хусусият ҳозирги замон тилида ҳам мавжуд, аммо тушум келишигидаги сўз қуйидаги ўринларда доим белгили бўлади: агар тушум келишигидаги сўз эгалик қўшимчасини олса, ўз аниқловчисига эга бўлса, кесим билан дистант ҳолатда бўлса, атоқли от, отлашган сўз ёки олмош би-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лан ифодаланса ва бошқалар. Қадимги ва илк эски туркий тилда эса юқоридаги ҳолатларда ҳам воситасиз тўлдирувчи белгисиз бўлиб келади:

*Өд тәңри йасар* (КТ) — Вақтини тангри белгилайди. *Қызыл қаным төкти, қара тәрим йүгүрти* (Тон.) — Қизил қонимни тўкди, қора теримни тўкди. *Ачсық, тағсық өмәзсән* (КТ) — Очни, тўқни билмайсан. *Мунуң шукры сән қыл* (ҚБ) — Бунинг шукрини сен қил. *Ол қағун әвгә уләтти* (МҚ) — У уйига қовун олиб борди.

Умуман, бу давр тилида воситасиз тўлдирувчини белгисиз қўллашга интилиш кўпроқ сезилади. Бу хусусият бошқа келишиклар (жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш)да ҳам рўй беради: *Атасы анасы йарунғу болур* (ҚБ) — Отаси, онасига ёқади. *Адыз қум түнәй* (ҚБ) — Баланд қумларда тунай. *Тәңри узалмазыб* (МҚ) — Тангридан уялмай. *Йол азылды* (МҚ) — Йўлдан озилди.

Тарихий тараққиёт натижасида маълум келишикда келган сўз билан феъл орасидаги семантик муносабатда ҳам баъзи ўзгаришлар рўй берди.

Ҳозирги замон тилида тушум келишик шаклидаги сўзни ўтимли феъл бошқаради. Қадимги ва илк туркий тилда бу хил сўзларни ўтимсиз феъллар ҳам бошқара олган: *Әмди аны ким йәтәр* (МҚ) — Энди унга ким ета олади? *Бу ышығ унәшдиләр* (МҚ) — Бу ишга унашдилар. *Сәни тәгсә* (ҚБ) — Сенга етса. *Ол аның бойнын тоқутты* (МҚ) —у унинг бўйнига урдирди. *Тәңриг өгүш өгдимиз* (МҚ) — Тангрига мақтовлар айтдик.

Ўрин, мақсад, сабаб, восита ифодалаган сўзлар жўналиш келишигида кела олган ва шундай мазмунни талаб этган феъл билан бирика олган: *Сәвинч болса кимгә* (ҚБ) — Кимда севинч бўлса. *Масалда кәлир* (ҚБ) — Масалда келади. *Бәк йағықа пусды* (МҚ) — Бек душмандан писди.

Маълум кўмакчили сўзлар билан ифодаланган воситали тўлдирувчилар ҳам қадимги даврлардан бошлаб қўлланиб келади. Даврлар ўтиши билан айрим кўмакчили конструкциялар ишлатилмай қолиб кетди, янгилари пайдо бўлди; баъзиларининг шакли бир оз ўзгарди.

*Бирлә//билә//билән, үчүн* кўмакчили тўлдирувчи қадимги туркий тилдан бошлаб қўлланиб келади: *Изгил будун бирлә сүңүшдимиз* (КТ) — Изгил халқи билан урушдик. *Қыз анасы бирлә ип әгришди* (МҚ) — Қиз онаси билан ип йигиришди. *Түрк будун үчүн удымадым* (КТ) — Турк халқи учун ухламадим.

*үзә* кўмакчили тўлдирувчи қадимги туркий тилда ўрин-пайт келишиги шаклидаги сўз билан бирикиб кела олган: *Йабыз йаблақ будунта үзә олуртым* (КТ) — Оч-яланғоч халқ устига ўтирдим. Аммо илк туркий тилда *үзә* кўмакчиси асосан бош

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва қаратқич келишиги шаклидаги сўзни бошқаради: *Жахшақ үзә от болмас* (МК) — Тошлиқ ер устида ўт бўлмайди. *Тәңри қарғышы аның үзә* (МК) — Тангрининг қарғиши унинг устига.

Бундан ташқари, қадимги туркий тилда қўлланувчи *таба* ва илк туркий тилда ишлатилган *азын, таба* кўмакчили тўлдирувчилар эски ўзбек тилидаёқ ишлатилмай қолиб кетади: *Оғуз будун таба... сүңүшдим* (КТ) — Ўғуз халқига қарши урушдим. *Сәниңдән азын йөқ йөләгим мәңә* (КБ) — Сендан бошқа менинг таянчим йўқ.

Қадимги туркий тилда кўп ўринларда кўмакчи қўлланмайди, шу бўлак бирор келишик шаклида ҳеч қандай қўшимча олмай келади. Бундай сўзлар эски ва ҳозирги ўзбек тилида кўмакчи билан ишлатилади. Қуйидаги мисолларга диққат қилинг: *Табғачқа йәти йәгирмә сүңүшди, қытаңқа йәти сүңүшди, оғузқа бәс сүңүсди* (Тон.) — Табғачга қарши йигирма марта урушди, қатангга қарши етти марта урушди, ўғузга қарши беш марта урушди. *Табғач таба улуғ су әки йәгирмә сүңүшдим* (КТ) — Табғачга қарши катта қўшин билан йигирма марта урушдим. *Су баруң* (Тон.) — қўшин билан боринг.

Умуман, тарихий тараққиёт процессида воситали тўлдирувчининг ҳол ва аниқловчига ўтиши, шу гап бўлакларининг доирасини тўлдириш тенденцияси сезилади.

### Аниқловчи

10-§. Аниқловчининг ҳар икки тури (сифатловчили ва қаратқичли аниқловчилар) қадимги ёзма ёдгорликларда ҳам қўлланади: *Силик қыз* (КТ) — чиройли қиз, *Көк җүвүт* (МК) — кўк ранг. *Күн батсықдақы соғд* (КТ) — кун ботишдаги суғд. *Ики түрлүг киши* (КБ) — икки турли киши. *Андағ өдкә* (КТ) — ундай пайтда. *Умай тәг өгим* (КТ) — Умайдай онам. *Йәти йәгирми әрин* (КТ) — Ун етти баҳодир билан. *Қырқ артуқы йәти йолы сүләдимис* (КТ) — Қирқ етти марта урушдик.

Қадимги ва илк туркий тилда айниқса сифатдош билан ифодаланган аниқловчилар кўп қўлланади. Бу ҳол ўша давр тилида сифатдош формаларининг кўплиги билан ҳам изоҳланади: *Бардуқ йәрдә* (КТ) — борган ерда; *өлтәчи будуның* (КТ); *кәлигмә бәгләрин* (Тон.) — келган бекларни; *бармыш будун* (КТ) — кетиб қолган халқ; *айытғу сөзүм* (КБ) — айтадиган сўзим; *өлдәчи сычған* (МК) — ўладиган сичқон; *кәмдүк сөңүк* — кемилган суяк; *көчүгли киши* (КБ) — кўчадиган одам.

Сифатловчили аниқловчи илк эски туркий тилда ҳозиргига қараганда кўпроқ ажратилади.

11-§. **Изоҳловчи.** Қадимги ва эски туркий тилда бир от иккинчисини ҳеч қандай қўшимчасиз аниқлайди. Бундай аниқловчи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар изоҳловчиларга яқин туради. *Билгә кисиг, алп кисиг* (КТ) — билимдон одамни, баҳодир одамни; *Қыз оғлың* (КТ) — қиз боланг; *Қаған ат биз бәртимиз* (КТ) — ҳоқон унвонини биз берлик; *Он оқ будун* (КТ) — ўн ўқ халқи; *Қырғыз будунығ* (КТ) — қирғиз халқини; *Оғуз йағы* (КТ) — ўғиз душман.

Бундай изоҳловчилар состав жиҳатдан кенг, мазмунан анча мураккаб бўлиши ҳам мумкин: *Суси басы Ынал қаған* (Тон.) — қўшин бошлиғи Инал; *Баз қаған тоқуз оғуз будун йағы әрмис* (КТ) — Боз ҳақан бошлиқ тўққиз ўғиз халқи душман эди. *Анта кисрә йәр Байырқу улуғ Иркин йағы болты* (КТ) — Ер Бойирку (уруғидан бўлган) улуғ Иркин душман бўлди. *Йашыл оғуз Шантуң йазықа тәги* (КТ) — Яшил дарё (сугорадиган) Шантунг текислигигача. *Сүңүг батымы қарыг сөкипән* (КТ) — Найза ботими (қалинлигидаги) қорни кечиб.

Бундай мураккаб конструкциялар соддалашади.

Изоҳловчига эгалик қўшимчасининг қўшилиши (фақат I шахс шакли) қадимги туркий тилда ҳам мумкин эди: *Қаным қағанығ, өгим қатунығ* (КТ) — отам ҳоқонни, онам хотинни. *Сиңлим кунчуйуғ бәртимиз* (КТ) — синглим маликани бердик.

Состави мураккаб аниқловчилар қадимги туркий тилда қўлланиб, мураккаб фикрни содда гап конструкцияси орқали ифодалашда хизмат қилган: *Әкин ара иди оқсыз көк түрк* (ити) *анча олурур әрмис* (КТ) — иккисининг орасида эгасиз, вакилсиз кўк турклар ўтирар эди.

Состави мураккаб аниқловчилар кўпинча сифатдош формалари орқали бошқарилади: *Көргүниң үчүн игидмис билгә қағаныңа* (КТ) — содиқлигинг учун сени улуғлаган билимдон ҳоқонингга; *Тәңри тәк тәңридә болмыш түрк билгә қаған* (КТ) — тангридек осмонда бўлган доно турк ҳоқони.

Состави мураккаб сифатдош аниқловчилар ва изоҳловчилар айниқса «Қутадғу билиг»да кенг қўлланади.

**12-§.** Қаратқичли аниқловчи қадимги даврлардан бошлаб қўлланиб келади. Қаратқичли аниқловчининг қўшимчасиз шакли (қаратқичли аниқловчи ва аниқланмишнинг қўшимчаси бўлмайди) қадимги ва илк эски туркий тилда кўпроқ қўлланган ва бундай аниқловчи изоҳловчига яқин турган: *қаған ат* (КТ) — ҳоқон оти; *он оқ будун* (КТ) — ўн ўқ халқи, *кун орту* (МК) — кун ўртаси (пешин вақти), *халқ йан* (ҚБ) — халқ одатлари ва бошқалар.

Қаратқичли аниқловчининг бундай қўшимчасиз шакли эски ўзбек тилида қўшимча олади.

Ҳар икки компоненти белгили бўлган аниқловчили бирикма (аниқловчининг қаратқич қўшимчасини ва аниқланмишнинг эгалик қўшимчасини олиб келиши) қадимги туркий тилда жуда кам. Илк эски туркий тилда ҳам кам учрайди: *түрк*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*будуның әлин төрүсин* (КТ) — турк халқининг эли ва қонун-қоидаларини; *аның атасы, аның оғлы* (МК), *мәниң йоқ сақынчым* (ҚБ) — менинг ғамим йўқ, *йарды мәниң йүрәк* (МК).

Аниқловчи қўшимчали бўлиб, аниқланмиш белгисиз бўлган қаратқичли синтагма илк эски туркий тилда кўпроқ қўлланади: *Мәниң йүздән ытлын* (МК) — менинг кўзимдан йўқол. *Бу бизниң өз киши ол* (МК) — бу бизнинг ўз кишимиз. *Сәниң сап кәлди* (МК) — сенинг навбатинг келди. *Аның қойунда* (МК) — унинг қўйнида. Эски ва ҳозирги замон тилида бу хил аниқловчилар фақат кўпликнинг биринчи шахсида қўлланади (*бизнинг мактаб*).

Аниқловчили синтагманинг бошқа бир тури — аниқловчи қўшимчасиз бўлиб, аниқланмиш қўшимчали бўлган тури — қадимги туркий ва илк эски туркий тилда анча кенг қўлланади: *киси оғлы* (КТ) — одам боласи; *тириклик йолы* (ҚБ).

Бу хил конструкциялар ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам қўлланади. Аммо ўз аниқловчиси бўлган ёки эгалик қўшимчасини олган, аниқланмиш билан дистант ҳолатда бўлган, ёки атоқли от ёхуд отлашган сўз билан ифодаланган аниқловчилар ҳозирги замон тилида доим қаратқич қўшимчасини олади. Бундай ҳолларда ҳам қадимги ва илк туркий тилда аниқловчи қўшимчасиз кела берган: *Қыз киши савы йорығлы болмас* (МК) — хасис кишининг шуҳрати ёйилмайди, *өзи асғы* (ҚБ) — ўзининг фойдаси, *өзим қутым бар үчүн* (КТ) — ўзимнинг бахтим бор учун.

## Ҳол

13-§. Ҳол турли сўз туркумлари — равиш, от, равишдош орқали ифодаланади. Қадимги ёзма ёдгорликлар тилида ҳам ҳол ана шу сўз туркумлари орқали ифодаланиб келар эди. Даврлар ўтиши билан ҳол вазифасида келган сўзнинг шаклида ва кесим билан бўлган семантик муносабатида маълум ўзгаришлар рўй берди.

Равиш орқали ифодаланган ҳолнинг ўрни эркин бўлиб, феъл кесим билан дистант ҳолатда бўла олган: *Әңгү әл тута олуртачы сән* (КТ) — Элни абадий бошқариб турасан; *Өкүс түрк будун өлтиг* (КТ) — турк халқи, кўп ўлдинг.

Равишнинг *-ча* аффикси орқали ясалган формаси ҳол вазифасида кенг қўлланган. Бу форманинг маъно доираси ҳозиргига нисбатан кенг бўлган: *Анча тәмис* (КТ) — шундай дейди; *Күлтәгин өзинчә кәргәк болты* (КТ) — Кўлтегин ўз ажали билан ўлди. *Қаның субча йүгүрти, сөңүкүң тағча йатды* (КТ) — қонинг сувдек оқди, суягинг тоғдек (уюлиб) ётди. (*Араб*) *тилинчә Ҳибатиллā тәмәк болур* (ҚР). *Бу бәгләр нә йолча йорыса қалы* (ҚБ) — Агар бу беклар қандай йўл билан юрса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Йасавул кэ бир мазлум иши кэйничэ барғай* (Нав. МҚ) — Бир мазлумнинг иши кетидан борган ясовул. *Кэйинимизчэ кэлгэн* (БН). *Лашкарым болды көзүмчэ бир-бир* (ШН) — Кўз олдимда лашкарим тарқалиб кетди.

Ҳолнинг бу тури тобора кам қўллана боради.

Бош келишикдаги от орқали ифодаланган ҳоллар қадимги ва илк эски туркий тилда кенг қўлланган: *түрк қаған өтүкэн йыш олурсар* (КТ) — Турк ҳоқони Ўтикан яйловида бўлса. *Ол суб қоду бардымыз* (Тон.) — У сувни қуйилаб бордик. *Ажун түни күндузи йэлкин кэчэр* (МК) — Оламнинг туни ва кундузи мусофирдек ўта беради.

Ҳол вазифасидаги бу хил бош келишик шаклидаги отлар эски ўзбек ва ҳозирги замон ўзбек тилида бирор қўшимча олади ёки ёрдамчи сўзлар билан бирикади. Ҳозирги замон тилида пайт англатувчи отлар ва баъзан ўрин билдирувчи атоқли отлар ҳол вазифасида ҳам бош келишик шаклида қўлланади. Бу хусусият эски ўзбек тилида ҳам мавжуд эди: *Ҳинддин Гарм бардыңыз* (Бобир). *Чағыр ичмэс күнлэри нашты кэзэр эди* (БН) — Арақ ичмаган кунлари наша чекар эди. *Бухāрā барды* (БН). *Хорāсāн йэтти* (ШН).

Равишдош ҳол вазифасида кенг қўлланади. Қадимги туркий тилда равишдошнинг *-у(-йу)* аффиксли формаси ҳол вазифасида кўпроқ ишлатилади: *Туру өлү йорыйур эртиг* (КТ) — Тирилиб, ўлиб юрар эди. *Болчуқа таң үнтүрү тэгдимиз* (Тон.) — Бўлчуққа тонг отганда етдик.

Қадимги туркий тилда равишдошнинг бошқа формалари ҳам ҳол вазифасида келади: *Көгмэн аша қырқыз йэриңэ тэги сүлэдимиз* (КТ) — Кўгман (ерини) ошиб, қиргиз элига қарши қўшин тортдик. *Санағалы түсүртимиз* (Тон.) — (Қўшинларни) санагани (санаш мақсадида) тўхтатдик.

Илк эски туркий тилда *-у(-йу)* формали равишдош ҳол вазифасида камроқ қўлланади, равишдошнинг қолган формалари эса бу вазифада кенг ишлатилади (*-ғунча, -мышча, -бан*). Бу давр тилида *-а/-э* равишдошининг ҳол вазифасида қўлланиши характерлидир: *Тэгрэ йүрэ қуш учар* (МК) — атрофида юриб, қушлар учади.

Эски ўзбек тилида равишдошнинг *-ғач* шакли ҳам ҳол вазифасида қўллана бошлайди.

Равишдошнинг *-а(-май)* формаси эски ўзбек тилида (айниқса, «Бобирнома»да) ҳол вазифасида кенг қўлланади. Ҳозирги замон ўзбек тилида бу равишдош ҳол вазифасида келмайди (фақат жуфт ҳолда ишлатилади: *юра-юра чарчади*): *Көмэк тилэй Ташкандқа бардым* (БН). *Мэни көрэ кэлди* (БН). *Изи атын тута ант ичти Ширин* (Хиср. Шир.). Ўрин келишиклари формаси билан келган отлар ҳол вазифасида қўлланиши мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимги туркий тилда восита, жўналиш ва ўрин келишигидаги отлар ҳол вазифасида ишлатилган: *Йадағын йалаңын йана кәлти* (КТ) — (Халқ) пиёда ва яланғоч ҳолда келди. *Йазыңа оғузғару су ташықдымыз* (КТ) — Ёзда ўғузларга қарши қўшин тортдик. *Күлтәгин қой йылқа йәти йәгирмигә үчди* (КТ) — Култегин қўй йилида ўн еттида ўлди. *Күн тоғсықда* (КТ)—Кун чиқарда. *Табғач қағанта бәдизчи кәлтүртим* (КТ)— Табғач ҳоқонлигидан ўймакор келтирдим.

Эски туркий тилда ҳолнинг восита келишиги билан ифодаланиши чекланади. Махсус чиқиш келишиги шаклланиб, ўрин келишигидан ажралиб чиқади. Аммо илк эски туркий тилда қадимги туркий тилнинг хусусияти қисман сақланади: *Суси отун орулды* (МК) — Қўшини ўтдек урилди. *Күз кәлиги йазын бәлгүрәр* (МК) — Кузнинг келиши ёзда билинади. *Бақғыл аңар әзгүлүгүн* (МК) — Унга эзгулик билан боққин. *Тәркин кәл* (МК) — тез кел. *Ташра чықыб* (МК) — ташқарига чиқиб. *Өлүмдә кәзин* (ҚБ) — Ўлимдан кейин. *Аны бәлиндә тут* (МК)— Уни белидан тут.

Эски ўзбек тилида жўналиш, ўрин ва чиқиш келишиклари билан келган отлар мунтазам равишда ҳол вазифасида келади ва бу билан ҳозирги замон тилига яқинлашади.

Кўмакчи ёки шу вазифадаги сўз билан бириккан отлар ҳам ҳол вазифасида қўлланиб келган. Қадимги туркий тилда *тәг, ара, сайу, тәгү, үчүн, үзә, ашну, отру, кин, асра, ич, уст, бәру, оңра* каби кўмакчи ва кўмакчи вазифасидаги сўзлар билан бириккан отлар ўрин, ҳолат, сабаб, мақсад, пайт билдириб, ҳол вазифасини ўтайди: *Иниси әчисин тәг қылымадуқ әринч* (КТ) — Укалари акаларидек иш тутмагани сабабли. *Әкин ара қылынмыс* (КТ) — Иккисининг орасида яратилди. *Йәр сайу бардығ* (КТ) — Ер (дунё) бўйлаб кетдинг. *Шантуң йазықа тәги сүләдимиз* (КТ) — Шантунг текислигигача қўшин тортиб бордик. *Көргүңин үчүн игидмис* (КТ) — Содиқлигинг учун улуғлаган. *Ол төрүдә үзә әчим қаған олурты* (КТ) — У ҳокимият устига менинг тоғам ҳоқон ўтирди.

Эски турк тилида ҳам *қару, қатын, отру, тәгрә, үзү, асра (исрә), оң, баса, өзә, бурун, тәгү, ашну* каби ҳозирги замон тилида архаиклашган кўмакчили отлар, *үзә, ичрә, кәйин, сары, тәк, киби (кәби), ара, нары* каби ҳозирги замон тилида ҳам қўлланувчи кўмакчили отлар билан ифодаланган ҳоллар қўлланади: *Тағ үзә талғағ болды* (МК) — Тоғ устида бўрон бўлди. *Йағу қару кәриш қурдум* (МК) — Ёвга қарши камон қурдим. *Мунда нару кәслинүр* (МК) — Бундан нари кесилади. *Ол мәңә отру кәлди* (МК) — У менга қарши келди. *Мән аңа баса кәлдим* (МК) — Мен ундан кейин келдим. *Ажун бәкләри өлди биздин оза* (ҚБ) — Дунё беклари биздан олдин ҳам ўлган. *Кушлар киби үчтимиз* (МК) — Қушлар каби учдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эски ўзбек тилида *алд, аст, уст, ич, ара, бәри, ич, сайын, сары, үзә, кәйин, тәгрә, үчүн, қаршы, көрә, тәги, отру, сөң, бурун, нары* ва бошқа кўмакчи ва кўмакчи вазифасидаги отлар ҳол вазифасида кенг қўлланади. Умуман, эски ўзбек тилида кўмакчи ва кўмакчи вазифасидаги сўзларнинг доираси жуда кенгаяди. Бу кўмакчиларнинг кўпи ҳозирги замон тилида қўлланмайди (*отру, тәги, бақа, тәгрү, қатыға, бикин* в. б.). Мисоллар: *аңа отру* (Нав.), *Кыйāматқа тәги* (Саккокий), *Ош сары бақа* (БН), *Кәчә тәгрү* (Даҳнома), *Шамъи рухсāрың қатында* (Қамбар ўғли), *Гул бикин* (Отойи).

Умуман, тарихий тараққиётда ҳол доирасининг воситали тўлдирувчилар ҳисобига кенгайиб бориш тенденцияси сезилади. Бу ҳолат кўмакчи ва кўмакчи вазифасидаги сўзларнинг конкрет маъно ифодалашдан абстракт маъно ифодалаш томонига тараққий этиши билан боғлиқдир. Чунки ҳол абстракт тушунча ифодалайди.

### УЮШИҚ БЎЛАКЛАР

14-§. Гап бўлакларининг уюшиши қадимги ёзма ёдгорликлар тилида ҳозиргига нисбатан кенгроқ қўлланган. Аммо бу уюшиш асосан боғловчисиз, фақат интонация ёрдами билан бўлган. Бундай уюшган бўлаклар кўпинча маъно жиҳатдан бир-биридан фарқланиб, турли семантик категорияни ташкил этади. Шунинг учун мазмунни тушуниш, уюшиқ бўлакларни дарҳол пайқаб олиш қийин: *Алты чуб соғдақ таба сүләдимиз* (КТ) — Олти чуб (уруғи) ва суғдоқ (уруғи)га қарши қўшин тортдик. *Қара түргис будунығ анта өлүрмиш алмыш* (КТ) — Қора тургиш халқини унда ўлдирди, қолганларини асир олди. *Он оқ оғлым түргис қағанта мақрач тамғачы кәлти* (КТ) — Ун ўқ (халқидан ва) тургиш ҳоқони — ўғлимдан Мақрач тамғачи келди. *Сәмиз болса ит тоқ авин авламас* (ҚБ) — ит семиз (ва) тўқ бўлса, ов овламайди.

Албатта, бундай мазмунли уюшиқ бўлаклар билан баробар, мазмунан бир типли, маънодош уюшиқ бўлаклар ҳам қўлланган. Ҳатто қадимги туркий тилда уюшган аниқловчилар умумлаштирувчи сўзлар билан ҳам келганини кўрамиз: *Қырқыз, үч қурықан, отуз татар, қытай, татабы — бунча будун кәлипән сығтамыс* (КТ) — Қирғиз, уч қуриқан, ўттиз татар, хитой, татаби — шунча халқ келиб йиғлашди.

Кейинги давр ёдномалари тилида уюшиқ бўлакларнинг ҳар бири ўз аниқловчилари билан, ўз грамматик белгилари билан бирикиб келиши мумкин; бундай уюшиқ бўлаклар семантик жиҳатдан бир группага киради: *Қылыч бирлә башын кәсти, алды кәтди* (ЎН). *Сөзимгә шартымға йәт(т)им* (Рабғ.). *Адамийларның, йылқы қараларның нажāсатлары* (Рабғ.) — Одамлар ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

қора молларнинг нажосатлари. *Ул қатығ қорқунчларны, улуғ изāбдарны көрәйин, тәди* (Рабғ.).

Тенг боғловчилар ёрдами билан бириккан уюшиқ бўлаклар қадимги туркий тилда кам учрайди. Чунки бу даврда тенг боғловчиларнинг ўзи кам эди (*-ли/-ли* (ва), *Йәмә* (йана, ҳам), *Тақы* (йана, ҳам), *ма* (ҳам), *азу* (ёки): *Инили әчили қынишуртукин үчүн* (КТ) — Ини ва акани бир-бирига қарши қўйгани учун. *Күн йәмә, түн йәмә йәлү бардумуз* (Тан.) — Кун ҳам, тун ҳам елиб бордик. *Манистан тақы кичиг динтар* (Ирқ битиг) — Манистан ҳамда кичик диндор. *Тигәй тайшы ма тақы өзгә кишиләр* — Тигай тайши ва бошқа кишилар.

Илк туркий тилда бу тенг боғловчилар уюшиқ бўлакларни бириктиришда хизмат қилади, фақат *-ли/-ли, азу* боғловчилари камроқ ишлатилади. Бундан ташқари *йана, ҳам, йā* боғловчилари ҳам шаклланиб, уюшиқ бўлакларни боғлаш учун қўлланади. *Киши нәңи алма йана төкмә қан* (ҚБ). *Муңар ҳам қазар* (ҚБ) — Ирғийди ва қазади. *Асығ йоқ сәңә йā мәңә* (ҚБ) — Сенга ёки менга фойдаси йўқ.

Эски ўзбек тилида *-ли/-ли, азу, тақы, йәмә* боғловчилари қўлланмайди, аммо *ҳам, йā* боғловчилари уюшиқ бўлакларни бириктиришда давом этади. Булардан ташқари бу вазифада *ва, валә, гāҳ, йāҳуд, нә, хāҳ* боғловчилари кенг қўлланади: *Көпрәк улум ва фунун ҳам билүр эрди* (Нав. МН) — Кўп илмлар ва фанларни ҳам билар эди. *Йā бәлигә бағлар эди, йā қолыға алып турур эди* (БН). *Дард ва ғамым* (Бобир). *Мән сәни агарчә йахшы билмән, валә йахшы билүр-мән* (Амирий). *Гāҳ қылыч бирлә, гāҳ пычақ бирлә* (Аҳмадий). *Йāхуд арманы, йāҳуд араб* (Нав. Чд.). *Нә атта мажāл қалыптур нә кишидә* (БН). *Хāҳ ынан, хāҳ ынанма* (Лутф.).

Ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам эски ўзбек тилидаги боғловчилар уюшиқ бўлакларни бириктиришда хизмат қилади. Булардан ташқари боғловчилар ҳам (*аммā, лэкин, бирақ, балкэ*) уюшиқ бўлакларни боғлашда қўлланади.

## ГАП БЎЛАКЛАРИНИНГ ТАРТИБИ

Гап бўлакларининг гапдаги тартиби прозаик ва поэтик асарларда кескин фарқ қилади. Прозаик асарларда гап бўлаклари маълум бир тартибининг ўзгариши шу гап бўлагининг маъноси ва функциясининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, бу ўзгаришнинг маълум бир стилистик роли бордир.

**15-§. Эга ва кесимнинг ўринлашиши.** Прозаик асарларда кесим одатда гапнинг охирида, эга эса ундан олдин келади. Бу қоида ҳозирги замон ўзбек тили учун норма ҳисобланади, ёзма ёдгорликлар тилида ҳам бу ҳол норма эди. Аммо бундай тартибнинг бузилиши — кесимнинг гап охирида келмас-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиги — ёдгорликлар тилида учрайди: *Өңәкәй ырналды ыш* (МК) — ўнгай иш бузилди. *Кәк көрди әр* (МК) — киши қийинчилик кўрди. *Көп тәлим болды қайғу* (ЎН). *Фāйда қылмады Абу Лаҳаб кә мāлы* (Наҳж. фар.). *Лāзим көрунди түрк тили шарҳыда бир нәчә вараққа зәб-āрāйиш бәрмәк* (Нав. МН).

Юқоридаги мисолларда кесимнинг маъносини биринчи планга қўйиш учун у гап бошида келтирилади, эганинг маъноси иккинчи планга ўтгани учун гап охирига кўчирилган.

Эски туркий тилнинг хусусиятларидан бири шуки, маълум шахсни кўрсатмаган феъл формалари (иш отлари, сифатдош, шарт феъли)нинг қайси шахсга оидлигини таъкидлаш учун гап охирида олмош эгалар келтирилади (бу олмош эгалар кейинчалик шахс қўшимчаларига айланади): *Тапуғ қозса мән* (ҚБ) — Мен хизматни қўйсам. *Қачан барса сән* (МҚ). *Йәтүрмиш сән өз; әвүрмиш сән йүз* (ҚБ) — етказибсан, юз ўгирибсан. *Тиләб мән турур* (ЎН).

Кесимнинг биринчи планга қўйилиши тўлдирувчининг ўрнини ҳам ўзгартиради: тўлдирувчи кесимдан кейинга — гап охирига ўтиб қолади: *Ол ануқлады нәңни* (МК) — У нарсани тайёрланган ҳолда топди ва олди. *Ол аңар сайратты сөзүг* (МК) — У уни сайратди. *Атамқа бәрдим йармақ* (МК) — отамга пул бердим. *Өгдүлмиш җавāбы Иликкә* (ҚБ). *Сәвәр-му сизләрдә бириңиз қарындашыңызның этини йәмәк* (Наҳж. фар.). *Васийат қылғыл оғланларыңа* (ҚР).

Ҳол одатда кесимдан олдин келади. Унинг кесимдан кейин, гап охирида қўлланиши кам учрайди. Бундай ўринларда ҳолнинг маъносига диққат жалб қилинади ёки унинг маъноси иккинчи планга ўтади: *Оғрар түңүр барғалы* (МК) — у кетмоқчи бўляпти. *Алты күн таāм тапмадуқ йәгәли* (Нав.). *Кәлди йүгрүб* (ҚР). *Муңар мәңзәр әмди байтығ оқы* (ҚБ) — энди бунга ўхшайдиган байтни ўқи.

**16-§. Аниқловчи ва аниқланмишнинг ўринлашиши.** Ҳозирги замон ўзбек тилида сифатловчили аниқловчи ҳар вақт сифатланмишдан олдин келади, бу тартиб прозаик асарларда ҳам, поэтик асарларда ҳам ўзгармайди. Аммо бу тартиб эски туркий тилда қатъий бўлган эмас: сифатловчи сифатланмишдан сўнг ҳам қўллана берган. Бу ҳол бундай сифатловчига диққатни жалб этиш, маъносини бўрттириш учун қўлланади ёки бу хил конструкциялар умумий бир тушунчани ифодалаган барқарор бирикмалар бўлади: *Йалавач тәтиг ыз* (ҚБ) — бамаъни элчи юбор. *Ыш әзгү кәрәк* (ҚБ) — яхши иш керак. *Тушунда нәчә болғай арғыш күни* (ҚБ) — карвон саройда неча кун бўлади. *Тәгмәди бу сав ушақ* (МҚ) — менга бу майда гап тегмади. *Тәгди оқы өлдүрүр* (МҚ) — ўлдирадиган ўқи тегди. *Идишчи арығ* (ҚБ) — покиза шаробчи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сифатланмиш *қамуғ, барча* олмошлари орқали ифодаланганда белгисиз қаратқичнинг белгисиз қаралмишдан сўнг келиши қатъий норма бўлган: *Қамлар қамуғ арвашды* (МҚ) — Ҳамма сеҳргарлар авращди. *Этим барча эмришди* (МҚ) — Бутун этим қичишди. *Йоқ эрсэ бу ғафлат кишигэ қамуғ* (ҚБ) — Бу ҳамма ғафлат кишида бўлмаса эди...

XI аср ёдномалари тилида бу хил конструкциялар кенг қўлланади. Кейинги давр ёдномалари тилида уларнинг қўлланиши камаяди, эски ўзбек тилида эса деярли учрамайди: *Ажунда ат эзгү қозуб* (ҲҲ) — Дунёда яхши от қолдириб. *Йэр қарыш халāйиқдын халы йоқ эрди* (Рабғ.). *Он ат ала, он ат қара, он ат боз* (ҚР). *Куфл алтун* (Қиссаи Сайфулмулк). *Лавҳ алтун. Қубба алтун* (ўша асар).

Қаратқичли аниқловчи ҳам аниқланмишдан сўнг келиши мумкин: *Мэн эктиш қулуң мэн табуқчы сэниң//йолуқ болсу жāным Иликкэ мэниң* (ҚБ) — Мен сенинг хизматкор уй қулингман, Эликка менинг жоним фидо бўлсин. *Өзүм мэниң бүдурсын* (МҚ) — менинг ўзим беданаман.

Белгили қаратқичли аниқловчининг аниқланмишдан кейин қўлланган бундай конструкциялари асосан поэтик тилга хос бўлиб, ҳозирги замон тилида ҳам қўлланади. Бундай конструкциялар билан бир қаторда эски туркий тилда (асосан XI аср ёдномалари тилида) белгисиз қаратқичли синтагма (компонентларнинг бири белгисиз бўлади) компонентларининг ҳам ўрин алмашганини кўрамиз: *Тылы ачса маъни сөзи бэлгүлүк* (ҚБ) — Тил очса (гапирса) сўзининг маъноси белгили (маълум бўлади). *Мэниңдэ жафāсы бу дунйā сэңэ* (ҚБ) — Бу дунёнинг жафоси мендан сенга. *Тавар кимиң өкүлсэ* (МҚ) — Кимнинг моли кўпайса. *Асығ йоқ аның* (ҚБ) — унинг фойдаси йўқ.

Бу давр ёзма ёдгорлиги тилида қўшимчасиз қаратқичли синтагма (ҳар икки компонентнинг белгиси бўлмайди) компонентларининг ўрин алмашиши характерлидир: *Асғы қаны эзгү қылқым* (ҚБ) — Яхши хулқимнинг фойдаси қани? *Асығ йоқ өгүнч* (ҚБ) — Ўкунчнинг фойдаси йўқ.

Қаратқичли синтагма компонентлари орасида кесимнинг қўлланиши ҳам эски туркий тилнинг ўзига хос хусусиятидир: *Мэниң йоқ сақынчым* (ҚБ) — Менинг ғамим йўқ. *Абāдāнның харāб ол соңы* (ҲҲ) — Ободончиликнинг охири хароблиқдир.

## СОДДА ГАП ТИПЛАРИ

17-§. Ҳозирги замон тилида дарак, сўроқ, буйруқ, ундов гаплар кенг қўлланади. Ёзма ёдгорликлар тилида ҳам гаплар ана шу турларга бўлинади. Қадимги ва эски туркий тилларда кўпроқ дарак гаплар учрайди, иккинчи ўринда сўроқ гаплар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва буйруқ гаплар қўлланади: *Өзи йаңылты, қаганы өлти, будуны күң қул болты* (КТ) — Ўзи (йўлидан) адашди, ҳоқони ўлди, халқи қул бўлди. *Әлтә буң йоқ* (КТ) — Элда камчилик йўқ. *Билгә қаған әрмис, алп қаған әрмис* (КТ) — Билимдон ҳоқон экан, баҳодир ҳоқон экан.

Дарак гапларнинг кесими кўпинча от, сифат, сон, олмош, равиш ва сифатдош ҳамда равишдош билан ифодаланган.

Буйруқ гапларнинг кесими буйруқ феъли билан ифодаланади: *Сабымын түгәти әситгил* (КТ) — Сўзимни тамом эшитинг. *Бән йурдан-тайан тәгәйин, түрк сир будун йәринтә иди йорумазун, усар иди йоққусалум* (Тон.) — Мен шарқдан ҳужум қилай, сир турк халқи ерида хўжайинлик қилмасин, бу хўжайинни иложи борича йўқотайлик. *Аны субуғ баралым* (Тон.) —Ани суви бўйлаб борайлик.

Сўроқ гаплар қадимги туркий тилда сўроқ олмоши орқали ифодаланади: *Қағаным қаны* (КТ) — Ҳоқоним қани? Сўроқ юкламаси орқали тузилган сўроқ гаплар кам учрайди: *бар му нә* (Тон). — шундай бўлиши мумкинми?

Кейинги давр ёдномалари тилида сўроқ гапларнинг турли шакллари келиб чиқади ва ривожланади.

Ундов гаплар ёзма ёдгорликлар тилида кам учрайди: *Әсизим тириклик, әсизим тириклик* (ҚБ) — Эсиз тириклик, эсиз тириклик. Ундов гапнинг турли шакллари совет даврида вужудга келди.

## БИР СОСТАВЛИ ГАПЛАР

18-§. **Ноаниқ шахсли гаплар.** Ноаниқ шахсли гапларда маълум бир ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарувчиси ноаниқ бўлади, бу хил гапларда умуман бўладиган воқеа-ҳодисалар устида фикр юритилади. Шунинг учун ҳам ноаниқ шахсли гапларнинг кесими учинчи шахс кўплик шаклида бўлади.

Бир составли гапларнинг бу тури қадимги даврлардан бери қўлланиб келади: *Киши тәб айурлар қайу ол киши* (ҚБ) — (Кимнидир) одам деб айтилади, одам (ўзи) ким? *Бычғас битиг қылурлар, Әндгәй йәмә бәрүрләр, Хандан басут тиләрләр, Басмыл чумул тиркәшүр* (МК) — Аҳдномалар тузишадилар, қасам ҳам ичадилар, Хондан ёрдам истайдилар. (Аммо) Басмил, чумул (қабилалари) тўпланишмоқда. *Ким ол мāлсыз әрсә ол әрни көрүб йүз әвүрүб қачарлар йүмүб көзләрин* (ҲҲ). *Тәрәк йығачы ма тәмишләр* (Рабғ.). *Андын соң фариштәлик атын көтүрдиләр, Ҳāрут ва Мāрут ат бәрдиләр* (Рабғ.). *Ҳақ мāлын күйдүргәнни дәвāна дәрләр* (Нав.).

Эски туркий ва эски ўзбек тилида ноаниқ шахсли гапларнинг кесимлари кўпинча *дәрләр* феъли орқали ифодаланади. Ҳозирги замон ўзбек тилидан фарқланиб, бу гапларнинг ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сими баъзан III шахснинг бирлик формасида ҳам бўлади. *Иағысыз киши аты қопмаз тәйур* (ҚБ) — Душмансиз кишининг оти (шуҳрати) кўтарилмайди, дейишади.

Ҳозирги замон тилида ноаниқ шахсли гапларнинг турли шакллари қўллана бошлади (сўзлашув тилига хос формалар, феълнинг биргалик нисбати формаси орқали ифодаланган кесимлар ва бошқалар).

**19-§. Шахссиз гаплар.** Эгаси грамматик жиҳатдан ифодаланмаган шахссиз гапларнинг турли-туман формалари қадимги даврдан бошлаб қўлланиб келади.

1. Шахссиз гапларнинг кесимлари феълнинг мажҳул формаси (пассив) орқали ифодаланади: *Қурва чувач курулды; Туғум тикиб өрулди; Сүси отун орулды; Қанчуқ қачар ол тутар* (МК) — Хон чодири қурилди, туғ тикилиб, довуллар чалинди. (Душман) аскари (ўтдек) урилди, қаёққа қочса ҳам, у тутилади. *Кудәзилсә бу тыл кудәзлур өзуң* (ҲҲ) — Тилингни тийсанг, ўзингни сақлайсан. *Йилигсиз соңаққа сунулмас әлик* (ҲҲ).

Эски туркий ва айниқса эски ўзбек тилида пассив формадаги феъллар кенг қўлланади, ҳатто, ўтимсиз феъллар ҳам пассив шаклга эга бўлади: *әвгә барылды; тағдын инилди* (МК); *чықылди* (БН).

Бу хил пассив формали кесимларнинг субъектини *томонидан, тарафидан* кўмакчилари билан бирга ифодалаш эски ўзбек тилидан бошланади (*Шаҳар Акбар томонидан олинди* каби).

2. Эски туркий тилда шахссиз гапларнинг кесими *-ғу//-қу //-гү* формали ҳаракат номлари орқали ҳам ифодаланган; бундай ҳаракат номлари *кәрәк, әр-, бол-* каби ёрдамчи сўзлар билан бирикади ёки ёлғиз қўлланади: *Қатығланғу ашну тыл алғу кәрәк//бу тылдын йағы қылқын билгү кәрәк* (ҚБ) — Аввало мустаҳкам ўринлашиб олиб, тил тутмоқ керак; бу тилдан душманнинг ҳолини билиб олмоқ керак. *Саңа барғу әрсә әтингил әтиг* (ҚБ) — Санга бориш зарур бўлса, тайёрлан. *Ары заҳры татку асалдын оза* (ҲҲ). *Йырақ турғу йумшақ дәб ынанмағу* (ҲҲ).

Қадимги ва эски туркий тилда сифатдошнинг *-миш* формаси ҳам шахссиз гапнинг кесими бўлиб кела олади: *Өпмиш кәрәк* (МК). *Тәлим көрмишим бар* (ҚБ) — Кўп кўрганим бор.

Шахссиз гапларнинг бундай турлари эски ўзбек тилидаёқ архаиклашади, ҳозирги замон тилида эса қўлланмайди.

Шахссиз гапларнинг кесими *-мақ//-мәк* формали иш отлари билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бу хил шахссиз гаплар айниқса эски ўзбек тилида кенгроқ қўлланади: *Өтүнмәк кәргәк әрди, бардумуз* (Урх.-ен.). *Ул кишини қутлуғ эвдин ташқары сүрмәк кәрәк* (Нав. МК.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шахссиз гапларнинг бу турини қўллаш тобора кенгаяди. Ҳозирги замон тилида бундай конструкциялар шахссиз гапларнинг асосий қисмини ташкил этиб, кесим кўпинча иш отининг *-(и)ш* формаси орқали ифодаланади.

3. Табиат ҳодисаларини ифодаловчи шахссиз гаплар баъзан учраб ҳам қолади: *Кутлуғқа қоша йағар* (МК) — Бахтлига ёмғир қўша ёғади. *Йағди* (БН) — ёмғир ёғди.

Шахссиз гапнинг бу формаси ҳозирги замон тилида ишлатилмайди. Ҳозирги замон тилида кишининг руҳий ҳолатини ифодаловчи айрим шахссиз гаплар эски туркий ва эски ўзбек тилида кенг қўлланади. Бу хил гапларнинг кесими аниқлик майли шаклида бўлади: *оқығу кәлир ачлур көңүл, авнур көңүл* (ҚБ) — ўқигуси келади; кўнгил очилади; кўнгил овунади. *Адамның ачығы кәлди* (ҚР).

4. Эски туркий тилнинг хусусиятларидан бири шуки, бу тилда шахссиз гапларнинг кесими аниқлик феъли орқали ҳам ифодалана берган: *Азын киши нәңи нәң санмас* (МК) — Бегона кишининг нарсаси нарса саналмайди. *Ай толун болса, әлигин имләмәс* (МК) — Ой тўлин бўлса, қўл билан имланмайди (кўрсатилмайди).

Эргаш гап кесими вазифасида бўлган қуйидаги шарт феъли ва сифатдошлар ҳозирги замон тилида ҳам шахссиз (пассив) феъл маъносида қўлланади: *Тоқышығ узатса, йағы өгләнүр* (ҚБ) — Уруш чўзиб юборилса, душман ақлини йиғиштириб олади. *Уқыса татыр тыл йәмиш дәк асал* (ҲҲ) — Уқса, тил асал егандек татийди. *Қайу йәрдә ҳавāға тайақ атса, киши башынға инәр әрди* (Рабғ.).

5. Шахссиз гапнинг кесими шарт феълининг *бол-* боғламаси билан бирикуви орқали ифодаланиши мумкин. Бу хил шахссиз гаплар эски туркий ва эски ўзбек тилида ҳам кенг қўлланган: *Тал әркән йығач әгсә тутса болур* (ҚБ). *Аның йүзинә титину бақса болмас* (МК) — Унинг юзига тик қараб бўлмайди. *Аңар бәрсә болғай йалавач аты* (ҚБ) — Унга пайғамбар номини берса бўлади. *Машриқдин мағрибға тәйү йүрсә болур әрди* (Рабғ.). *Умид көзни йарутса болмас* (Нав. МҚ).

**20-§. Шахси умумлашган гаплар.** Бир составли гапларнинг бу турида иш-ҳаракат умумга оид бўлади. Бу хил гапларда грамматик эга кўпинча ифодаланмайди. Бу ҳолат ёзма ёдгорликлар тилида кўпроқ учрайди. Эски туркий тилда шахси умумлашган гапларнинг кесимлари кўпроқ учинчи шахс формасида бўлади: *Нәгү йәргә әксә йана ол орур* (ҚБ) — Нимани ерга эксанг, яна ўшани оласан.

Ҳозирги замон ўзбек тилида шахси умумлашган гаплар иккинчи шахсга оид бўлади. Бу хил гаплар эски туркий тилда жуда оз учрайди (қадимий туркий тилда учрамайди), эски

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзбек тилида қўлланиш доираси нисбатан кўпаяди: ...*ҳайрға ышанма* (Нав. МҚ).

Навоий асарларида шахси умумлашган гапларнинг кесимлари ўтган замон аниқлик феъли орқали ҳам ифодаланганини кўрамиз: *Ҳар кимгә кэ бир хизмат қылдың, он шиддатға муҳаййā турмақ кэрәк* (Нав. МҚ).

21-§. **Атов гаплар.** Елғиз эга ва баъзан унга оид бўлаклардан таркиб топган бир составли гаплар эски даврлардан бошлаб бадиий ва дидактик асарлар тилида қўлланиб келган. Бу хил асарларда улар асосан сарлавҳаларни ташкил этади: *Муҳаммад Хоҗа бэг сифаты* (Мбн.). *Ғазал. Сөз башы* (Мбн.). *Ҳикāйат* (Рабғ.). *Қисса* (Рабғ.). *Шэър* (Рабғ.).

Ҳозирги замон ўзбек тилида атов гапларнинг турли типлари келиб чиқди ва қўлланиш доираси кенгайди.

Бир составли гапларнинг бошқа турлари (вокатив гаплар, эмоционал гаплар) ҳам ёзма адабиётларда учраб туради: *Төзү төрт әшиңә туман мың салāм* (ҚБ) — Ҳамма тўрт ўртоқларига туман минг салом. *Ҳайҳāт, ҳайҳāт, уйат, йүз мың уйат* (Нав. МҚ).

22-§. **Тўлиқсиз гаплар.** Тўлиқсиз гап — бирор бўлаги шаклан ифодаланмаган ўзига хос гап туридир. Бундай гапларнинг тўлиқсизлиги шаклан бўлиб, мазмунан улар тўлиқ бўлади, бирор гап бўлагининг йўқлиги сезилмайди.

Тўлиқсиз гаплар қадимги ёзма ёдгорликлар тилида кенг қўлланади, унинг турли-туман шакллари кўп учрайди.

Тўлиқсиз гаплар икки хил вазиятда: қўшма гап таркибида ва мустақил шаклда учрайди. Қўшма гап таркибида қўлланган тўлиқсиз гаплар одатда иккинчи қисмни ташкил этади ва бу хил гаплар таркибидаги у ёки бу бўлакнинг тушиб қолгани қўшма гапнинг биринчи қисмидан аён бўлиб туради: *Осал йаңлуқ оғлы өгүш нәң тәрәр//нәгүгә, тәгәр-му — сақымаз бир* (ҚБ) — Ғофил одам боласи кўп нарса йиғади (аммо бу нарсалар) нима учун (керак), (ўзига улар) тегадими — бирор (марта киши бу ҳақда) ўйламайди.

Эски туркий тилда кўпинча тўлиқсиз гапнинг эгаси ифодаланмайди, эга қўшма гапнинг олдинги қисмларидан ёки контекстдан аён бўлиб туради: *Исиг йүзлүг ол, көр, қамуғқа сәвүг* (ҚБ) — (У) иссиқ юзлидир, (у) ҳаммага севимли. *Бу сөзгә хат битди, тануқ қылдылар, бөлдиләр* (ҚР). *Кәчүр сән йарақлық сәниңдин маңар* (ҚБ) — Сен (мени) кечир, (бу нарса) сендан менга яроқли (иш шудир).

Кейинги давр ёзма ёдгорликларида ва айниқса ҳозирги замон тилида бу хил гапларда гап бўлакларини (айниқса эгаларни) тўлиқ ифодалашга интилиш сезилади; бунда қўшма гапнинг иккинчи қисмида эга айнан такрорланади ёки олмош билан алмашади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўлиқсиз гап ёлғиз эгалардан таркиб топади. Бу хил тўлиқсиз гаплар қўшма гапнинг биринчи қисмини ташкил этади. *Бири сөз әшитсә қатық тутса бәрк* (ҚБ) — Бири (шуки), (бирор) сўзни эшитса, (уни) маҳкам тутса (сир сақласа). *Тақы бир сабаб қолса оғлан билиг* (ҚБ) — Яна бир сабаб (шуки), ўғлон билимни истаса...

Бундай тўлиқсиз гапларни ҳам тўлиқ шаклда ифодалашга интилиш сезилади.

Кесимлари ифодаланмаган тўлиқсиз гаплар ҳам қадимги туркий тилда кенг қўлланади. Одатда *бар, кәрәк, бол, турур* каби мавжудлик ифодаловчи сўзлардан ифодаланган кесимлар яширинади: *Көру бәрсә тәкмә ишиндә хатар* (ҚБ) — Қарасанг, ҳамма ишда ҳам хатар (бор).

Ёлғиз қўлланувчи тўлиқсиз гаплар одатда ҳикматли ибора, табиат ҳодисалари, ҳаётий воқеаларни ифодаловчи гаплар шаклида бўлади: *Бу әки билә әрән қийматы* (ҚБ) — Бу икки (нарса) билан кишиларнинг қиммати (билинади). *Даҳр бәҳайāлары зулмыдын фиғāн ва фарйāд* (Нав.).

Бу хил тўлиқсиз гаплар бирикиб қўшма гапни ҳам ташкил этади: *Татығ көзрә, тикәниг тубрә* (МК) — Тотнинг кўзига, тиканнинг тубига (ур). *Татығқа татығсыз сучуггә ачығ* (ҚБ) — Ёқимлига ёқимсиз, ширинга аччиғ (келади).

Диалог типидаги тўлиқсиз гаплар қадимги туркий ва эски туркий тилда кам учрайди, бу хил гапларнинг баъзи содда формалари эски ўзбек тилида қўлланади.

## АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАР

Гапнинг ажратилган бўлаклари тилда кўп замонлардан бери қўлланиб келади. Ажратилган бўлаклар фикрни тўлиқ ва ифодали баён қилиш учун ишлатилади. Бундай бўлаклар асосан шеърий асарларда, баъзи турлари насрий асарларда ҳам қўлланади. Ажратилган гап бўлаклари ўринлашиши, тузилиши ва маъносига кўра ажралиб туради.

**23-§. Ажратилган сифатловчилар.** Ажратилган сифатловчилар эски туркий тил намуналари бўлмиш шеърий асарларда учрайди. Ажратилган сифатловчилар ўз сифатланмишларидан кейин қўлланади, кўп ўринларда сифатловчи ва сифатланмиш орасида бошқа гап бўлаклари ҳам бўлади: *Кәчтиң йазы кәрик, қырлар әзиз бәзук* (МК) — Кенг саҳролардан баланд, буюк қирлардан ўтдинг. *Чибун болды душман йаңанқа бәзук* (ҚБ) — Чибин буюк филга душман бўлди. *Үч бөләк болуб йыбардыы, ақ, қызыл, қара* (ҚР).

Прозаик асарларда кўпинча шахс номини изоҳловчи *атлы* сўзи билан бириккан мураккаб сифатловчи ажратилади: *Ол*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*тагда қавл* (бар) *эрди Каина атлық* (ҚР). *Дуйлы қайының бир йақын қарындашы бар эрди Эрки атлы* (Ш. тар.).

24-§. **Ажратилган изоҳлар.** Гапнинг бошқа ажратилган бўлакларига нисбатан ажратилган изоҳлар ёзма адабиётда кўпроқ қўлланиб келган. Айниқса, «Қутадғу билиг»да ажратилган изоҳловчили конструкциялар айрим шахсларни таърифлаш, изоҳлаш учун алоҳида стилистик усул сифатида кенг ишлатилади: *Бу Ай Толды эшин кэчүрди Илик* — Бу ой Тўлди дўсти тўғрисида ўйлади, Илик (ҚБ). *Туру қалды оғлум — бу бағрым оты* (ҚБ). *Али төртилэнчи ол — эрсиг тоң-а* (ХҲ) — Али — тўртинчисидир — паҳлавон, шижоатли. *Төрт пайғамбар тирик турурлар, икиси көкдэ: Исā ва Идрис, икиси йэрдэ Ҳизр, Илйāс ал-м* (Рабғ.). *Чу ҳар ким кэлүр йā заиф йāки эр//надāмат билэ мэңэ афсус йэр* (Нав. Чд.).

Кишилик олмошларига оид ажратилган изоҳлар ҳам қадимги ёзма ёдгорликда қўлланган. Улар субъектни таърифлаш ва изоҳлаш учун хизмат қилган: *Йолуқ қылсу тэңри сэңэ мэн қулуғ* (ҚБ) — Худо мен, қулни, сенга фидо қилсин. *Муну мэн атасы өлүр-мэн бу күн* (ҚБ). Бундай конструкция айниқса эски ўзбек тилида кенг қўлланади: *Мэн бэчāрағa бэргил* (Нав. МҚ). *Мэни, дардкаш* (Нав. Чд.). *Мэн, бэчāраны* (ШН).

Қадимги туркий тилда кишилик олмошига оид изоҳловчи бўлак олмошдан олдин ҳам қўлланган: *Тэр — апа ичрэки бэн бэш йэгирми йашда алынмышым* (Енисей ёдгорлиги). — Мен, Тер опа ичраки, ўн беш ёшимда қўлга олиндим.

Ажратилган изоҳларнинг бошқа бир группаси ўрин ёки пайтни ва бошқа тушунчаларни изоҳлайди: *Илгэрү, күн тогсық(қ)а, биргэрү, күн орту сыңару, қурықару күн батсықыңа йырғару, түн ортусыңару, анта ичрэки будун қоп м(аңа көрүр, анч)а будун қоп итдим* (КТ) — Олдинда — кун чиқарда, ўнгда — кун ўртаси (мамлакати)да, орқада — кун ботишда, чапда — тун ўртаси (мамлакати)да яшайдиган кўп халқлар менга қарам, шунча кўп халқларни ўрнаштирдим. *Тағ башыда Тэрэң муран арасыда й(а)қшы бэрик балыққа йумшады* (ЎН) — Тоғ бошида. Теранг дарёси орасида яхши мустаҳкамланган шаҳарга юборди. *Бэчкэм уруб атлақа, Уйғур дақы татлақа, Оғры йавуз ытлақа, Қушлар кэби учтимиз* (МК) — отларга тамға уриб, уйғур ва тотларга — ўғри, ёвуз итларга қарши қушлардек учиб юриш қилдик. *Бизни бэш нарсадан йығмыш эрди: қан төкмэкдин, ришват алмақдын, хамир ичмэкдин, күч тэгүрмэкдин, бу қамуқны қылдуқ* (Рабғ.).

Бу хил ажратилган изоҳларни баъзан *йаъни* сўзи ёрдами билан киритилади: *Чаман фаррāши, йаъни таң насими, гулафшāнлық қылур бостāн ичиндэ* (Мбн.). *Ҳибатуллā тэмэк болур, йаъни тэңри атасы* (Рабғ.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги замон тилида ажратилган бўлаклар турли кўмакчилар ёрдами билан кенг қўлланади. Ёзма ёдгорликлар тилида кўмакчилар ёрдами билан гап бўлакларини ажратиш жуда кам қўлланади. Бу вазифада асосан *көрү//көр-ә, азын* (бошқа), *кәби* кўмакчилари ишлатилиб, бунга мисоллар ҳам жуда кам учрайди: *Әшитмәк кәз ол сөвләмәктә көрү* (КБ) — Сўзлашдан кўра, эшитмоқ яхшироқдир. *Муңа көрә алар билә ..болмақ кәрәк* (ҚР). *Кәмидәги мусулма̄н кишидин азын а̄лам ичиндә ҳәч ким әрсә қалмады* (Рабғ.). *Әвә ишләмә иш магар дин иши* (КБ) — Дин ишидан ташқари (бошқа ҳар қандай) ишда шошилиб ишлама.

## СИФАТДОШ ОБОРОТЛАРИ

25-§. Сифатдош тилда энг актив қўлланиб келган сўз тури бўлиб, у гапларни ёки маълум нутқ оборотини тузишда бош ролни ўйнайди. Сифатдош энг қадимги сўз тури бўлиб, у турли феъл формаларининг келиб чиқишига асос бўлади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги *ол-а-ман* феъли сифатдошдан келиб чиққан: *ол-а-ман*<*ол-а-дур-ман*<*ол-а-тур-ур-ман*. Шунингдек, *-ди* формали ўтган замон аниқ феъли ҳам қадимда сифатдош бўлган: унинг сифатдошлик хусусияти XI асргача сақланиб келган: *қазынды тупрақ* — қазилган тупроқ, *тамынды сув* — томган сув (МҚ). Ҳозирги *-ган, -ар* формали сўзлар ҳам сифатдошлик, ҳам феъллик вазифасида қўлланадилар, улар ўткинчи бир даврни бошдан кечирмоқдалар. Сифатдошнинг феъллик хусусияти жуда қадимги даврлардан бошланган. Қадимги туркий тилдаёқ унинг феъллашган шаклларини кўрамиз.

Сифатдош ҳол ва тўлдирувчи каби гап бўлакларини (ҳамда уларга қарашли бўлган гап бўлакларини) бошқариб, маълум бир нутқ оборотини ташкил эта олади. Қадимги туркий тилда сифатдош мустақил гапларни ҳам ташкил эта олган. Масалан: *Мән йа қурдуқ, биз йа қурдуқ, ол йа қурдуқ* (МҚ) — Мен ёй ясадим, биз ёй ясадик, у ёй ясади. *Оғлын кишисин утузмадуқ* — ўғлини, хотинини ютқизмади.

Сифатдош эргаш гапларни тузишда ҳам хизмат қилади («Қўшма гап» бобига қаранг). Сифатдош кўпинча феъллик бирикмаларни — оборотларни ташкил қилади. Сифатдош оборотларининг қўлланиши тобора орта боради. Ҳатто улар баъзи синтактик конструкциялар ўрнини ҳам эгаллайди. Масалан, *ким* боғловчиси билан тузилган айрим гаплар ёки бирикмалар сифатдош обороти билан алмашади: *Озгандның ким, бурун Фарға̄наның па̄йтахты ул экәндур, йахшы қорғаны бар* (БН) — Бурун Фарғонанинг пойтахти бўлган Ўзганднинг яхши қўрғони бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**26-§. Сифатдош обороти тараққиёти тарихидаги ўзгаришлар.** Тил тараққиёти жараёнида баъзи сифатдош формалари истеъмолдан чиқди, баъзиларида шаклий ва семантик ўзгаришлар рўй берди, айримларининг қўлланиши торайди ёки кенгайди.

*-ғулуқ, -сығ, -ғалыр, -ғлы, -ғма, -тачы, -ды, -дуқ* формали сифатдош оборотлари XII—XIII асрга келиб деярли қўлланмайди. Булар ичида *-дуқ* формали сифатдош обороти тилда кенг қўлланиб келган, бу хил оборотлар XIII аср ёдномаси «Қиссаи Рабғузий»да ҳам учрайди.

Қадимги туркий тилда *-дуқ* шаклли сифатдош турли келишик ёки кўмакчи ҳамда кўмакчи вазифасидаги сўзлар билан бирикиб, тўлдирувчи ва ҳолни бошқарган. Ёзма ёдгорликларда бундай конструкциялар кенг қўлланган: *Тәгдукин түрк бәгләр қоп билир-сиз* (КТ) — Турк беклари (унинг ёвга) тегишини (ҳужумини) яхши биласиз. *Бунча исиг күчиг бәртүкгәрү сақынматы* (КТ) — Бунча иши ва кучини беришни ўйламади. *Йағру қонтуқта кисрә айығ билиг анта өйүр әрмис* (КТ) — Яқин қўнгандан кейин ёмон ният қилдилар.

Қадимги туркий тил учун бу хил сифатдошнинг бош келишикда келиши, сифатдош оборотини ташкил қилиши характерлидир: *Йағы болып итину йаратуну умадуқ йана ичикмис* (КТ) — Ёв бўлиб, (бирор нарса) қила олмай (ва) ярата олмай, яна (улар) бўйсунди.

Бу хусусият кейинги давр ёдномаларида ҳам жуда кам кўринади. Аммо илк эски туркий тилда *-дуқ* формали сифатдош турли келишик ва кўмакчилар билан бирикиб, сифатдош оборотини ташкил эта олган: *Сақыш бәрдүкиндә өлир башчылар* (ҚБ) — Ҳисоб берганда (адашса), бошлиқлар ўлади. *Өзи билмәдүкин аныңдын қолур* (ҚБ) — Ўзининг билмаганини ундан сўрайди. *Билиглик, уқушлуғ тәдүкүң үчүн аны арзуладым* (ҚБ) — Билимли, ақлли деганинг учун, уни (кўришни) орзу қилдим.

Бу сифатдош эгалик аффиксини олганда эга ёки кесим вазифасида келади, у бошқарган бўлак бош келишик шаклида бўлади: *Өзүм йиглəдүки бу қуллуқ аты* (ҚБ) — Менинг яхшилаганим (мақтаганим) — қуллик отидир. *Ачық болға йарын қозуб бардуғуң* (ҲҲ) — Эртага ташлаб кетишинг аччиқ бўлади.

Кейинги аср ёдномалари («Уғузнома», «Тафсир», «Қиссаи Рабғузий») тилида бу сифатдош обороти жуда кам қўлланади: *Аны көрдүктә өзи қалмады* (УН) — Уни кўриб, ўзидан кетди. *Макка ачылдуқ күн болды* (Таф.) — Макка очиладиган кун бўлди. *Тирилиб ваъда қылдуқым йәргә кәлгәнләр* (Таф.) — Тўпланиб, ваъда қилган жойимга келишсин. *Фаришта әрдүкин Идрис билмәди* (ҚР) — Фаришта эканини Идрис билмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўринадики, *-дуқ* формали сифатдош обороти ўрнини вишдош ёки ҳаракат номи оборотлари эгаллайди. Эски тур тилда энг кўп қўлланадиган *-ар, -мыш, -ғу* формали сифат оборотлари эди. Эски ўзбек тилида эса *-ар, -мыш, -ган* ф мали сифатдош оборотлари кўпроқ ишлатилади.

Сифатдош оборотининг қуйидаги турлари қадимги ё ёдгорликлардан бошлаб ҳозиргача қўлланиб келади. Ўз раққиётида бу хил сифатдош оборотлари баъзи бир шак ва мазмун ўзгаришларига учради.

27-§. **-ғу формали сифатдош обороти.** Сифатдош обор нинг бу тури қадимги туркий тилда жуда кам қўлланган: хун ва Тунюқуқ ёдномалари тилида учрамайди, фақат тур текстларида баъзи ўринларда учрайди: *сөзләгү тәг* (ТТ); гү үчүн (ТТ); *өзгү үзә* (ТТ) — бўшалиш учун.

*-ғу* формали сифатдош обороти эски туркий тилда к қўлланган. Бундай сифатдош оборот тўлдирувчи ва ҳо бошқариб, шаклан бош келишикда келади ҳамда ҳол, а ловчи, кесим, эга вазифасини ўтайди: *Киши алғу туғса о қыз өгүш* (ҚБ) — Хотин олганда, кўп ўғил-қиз кўрса. *Ат зәзгү оғур* (МК) — От пойлайдиган вақт. *Ағыз ачғу вақт б ды* (Рабғ.). *Йазуғум өгүш тәп умунч кәсмәгү* (ҚБ) — Гуно кўп деб умидингни узма. *Йалавач тәдүгүм бу тылчы ту* (ҚБ) — Элчи деганим — тилчи бўлади. *Балуқны қатағл кәрәк* (ЎН) — Шаҳарни мустаҳкамлаш керак. *Сәңә жаи болсунғыл узун* (ЎН).

Сифатдош обороти тушум (белгили ёки белгисиз) жў лиш, ўрин, чиқиш келишикларининг бирида келиб, тўлди чи вазифасини ўтайди: *Өгдүлмиш қара ъāм билә нәтәк қа ғусын айур* (ҚБ) — Ўгдулмиш қора омий халқ билан қан алоқада бўлишини айтади. *Аңа атлағу тиләди* (ЎН) — Ў қарши отланишни тилади. *Билиг билгүгә бир тылын йорса* (ҚБ) — Билимини билиб олиш учун, бир марта гапириши фоя. *Кәминиң қузруқын тутғуға кимәрсәниң қуввате йә әрди* (Рабғ.). *Қары болғумдан мәниң қағазлуғум йоқ ту* (ЎН) — Қари бўлганим сабабли, баҳодирлигим йўқ.

Сифатдош обороти кўмакчи билан ҳам бирикиши ва кесим ёки аниқловчи вазифасида келиши мумкин: *Буғдай йәдиләр... чықмаққа сабаб болғу үчүн* (ҚР). *Көб қушлар лағуларыдан соң* (ЎН). *Ҳалāк қылғудәк болды* (ҚР). (*мурнының) тәкмә бир қатрасы тәгирмāн йүритгүчә сув* (Рабғ.).

*-ғу* формали сифатдошнинг эгалик аффиксини олган ли эски туркий тилда кенг қўлланади. Бу шаклдаги сифат обороти эга, кесим ёки тўлдирувчи вазифасини ўтайди, б у аниқловчи (қаратқичли), ҳол, тўлдирувчини бошқариб лади: *Бизиң кәлгүмизни күзәзиб йатур* (ҚБ). *Сөзүг өггүси*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*йәмә сөкгүси* (ҚБ) — Сўзнинг мақтайдигани ҳам, сўкадигани ҳам бор. *Дунйāда āдамийниң йәми буғдай болғусы* (ҚР).*Нуҳ вақтындақы āбāдāнлық қыйāматқа тәгү болғусы йоқ* (Рабғ.).

Эски ўзбек тилида *-ғу* формали сифатдош обороти кам қўлланади. Бу сифатдош эгалик аффиксини олиб, кесим вазифасида келади: *бэргү сэн ким* (Нав. Чд.); *этмәгүм* (Нав. Чд.); *ҳар сарыға элчиләри барғусыдур* (ШН).

Ҳозирги замон тилида *-ғу* формали сифатдош *көргим кәләди, барғусы йоқ* каби фразеологик бирикмаларда ва *сәни көргүдәк аҳвалы йоқ* каби бирикмаларда сақланади.

Бу сифатдош оборотининг турли формалари ҳозирги замон тилида аниқлик феъли билан, *-ган* формали сифатдош обороти билан, ҳаракат номи ёки равишдош обороти билан алмашди.

28-§. **-миш формали сифатдош обороти.** *-миш* формали сифатдош қадимги туркий тилда кенг қўлланади. У асосан кесим вазифасида келади. Бош келишик шаклидаги *-миш* формали сифатдош обороти аниқловчи функциясини бажаради: *Өгим қатунығ көтүрмиш тәңри* (КТ). Баъзан сифатдош обороти отлашганда эга вазифасида келиши мумкин: *Анта қалмышы... йорыйур эртиг* (КТ) — Унда қолгани юрар эди(нг).

Бу сифатдош обороти тушум ёки жўналиш келишиги қўшимчасини олиши мумкин. Бу ҳолда сифатдош обороти тўлдирувчи вазифасини бажаради: *Наң (бу киши) бәлгүлүг утқурақ тушинә тәгмишләрин ити көртүкүм йоқ эрти* (Олтун йоруқ) — Бундай кишиларнинг аниқ ва табиий қасосга дучор бўлишларини аниқ кўрмаган эдим. *Мән тирилмишгә сизләр нәлүк анча кәд қачар-сизләр* (Сувр.) — Менинг тирилганимга сизлар нега шунча шошилиб қочасизлар.

Сифатдош обороти кўмакчи (*үчүн, кин, тәг*) билан келганда тўлдирувчи ва ҳол вазифасида қўлланади: *Будун ара болмышын үчүн элиг уйамға адырылтым* — (бегона) халқ орасида бўлганим учун, эллик қардошимдан айрилдим; *Бәрмиштә кин* (Сувр.); *туғмышығ тәг* (ТТ).

Эски туркий тилда ҳам *-миш* формали сифатдош анча кўп учрайди. Бош келишик шаклида сифатдош обороти аниқловчи, ҳол ва эга вазифасида келади: *Сән өз билмишиң сөзни айдың* (ҚБ). *Қарын ачмыш өзгә йүзи көрсә аш* (ҚБ) — Қорни очган кишига унинг юзини кўрса, ош бўлади. *Озағы урулмыш масал* (ХҲ) — Олдин айтилган масал. *Тутмыш сәни умналым* (МК) — Уни тутган деб ўйлайлик. *Йүзләрин қарармыш көрдиләр* (ҚР). *Айдылар көрмишимиз, эшитмишимиз йоқ тәб* (Таф.).

Тушум, жўналиш, ўрин келишиги формасидаги сифатдош оборотлари тўлдирувчи вазифасида келади: *Айу бәрдим эмди көңүл булмышын* (ҚБ) — Энди кўнгил топганини айта бердим. *Кәч қалмышын қорқуб сөзләйүмәс* (Рабғ.) — Кеч қолга-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нидан қўрқиб сўзлай олмайди. *Усуб сувсамышқа көрүб қанғусуз* (ҚБ) — Сувсаб чанқаганларга (у) кўриб қонғусиз. *Төрәтмишдә йоқ, бил, аңа туш тәңә* (ҲҲ) — яратилганда унга тенг йўқ, билгин. *Эшитгил бир ғазал йāр ишләриндин // Муҳаммад Хоҗа бәг аймышларындын* (Мбн.).

Кўмакчи билан бириккан сифатдош обороти ҳол вазифасида келади: *Мәңә кәлмишиңдә бәрү мән бу күн табуғдын кәсилдим* (ҚБ) — Менга келганингдан бери мен бу кунгача хизматдан айрилдим. *Аның йормышы тәк сөзи кәлсә түш* (ҚБ) — Унинг йўйганидек туш тўғри келса. *Кәмидин чықмыштын соң, йылан кәлиб* (Рабғ.). *Йаратмышдын бурун* (ҚР). *Өкүш дарс қылмыш үчүн Идрис атанды* (Рабғ.).

(Ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам *-миш* формали сифатдош оборотни ташкил этмайди. Қадимги ва эски туркий тилдаги бу хил оборотлар *-ган* формали сифатдош обороти орқали ифодаланади.)

29-§. *-(а)р, -с* **формали сифатдош обороти** қадимги даврлардан бошлаб қўлланиб келади.

Қадимги туркий тилда *-р/-с≈-з* формали сифатдош оборот бош келишик формасида аниқловчи ёки ҳол вазифасида келади: *Исиг күчиг бәрүр бунча төрүг қазғанып иним Күлтәгин өзинчә кәргәк болты* (КТ) — Иши ва хизматини бериб, шунча ҳокимиятни қизғаниб, иним Култегин ўз ажали билан ўлди. *Билиг билмәз киси ол сабығ алып* (КТ) — Билим билмас киши ул сўзни қулоғига олиб.

Баъзан бу сифатдош *тәг* кўмакчисини олади: *Кәлүр көзүм көрмәз тәг болты* (КТ).

*-р//-с* формали сифатдош оборотининг келишик аффикслари ёки кўмакчилар билан бирикиши қадимий туркий тилда учрамайди, бу сифатдош асосан кесим бўлиб келади. Эски туркий тилда бу хил сифатдош оборотлари кенг қўлланади, турли келишик формалари ва кўмакчилар билан бирикиб кела олади.

Бош келишик формасида сифатдош обороти аниқловчи, баъзан ҳол вазифасида келади: *Сү башлар әр* (ҚБ) — Қўшин бошлайдиган киши. *Бурун башқа бөркни киймәр баш кәрәк* (ҲҲ) — Олдин бошга қалпоқни киядиган бош керак. *Талай турур йәрни уругуңға бәрдүрсүн* (ЎН) — Талаб турган (босиб олган) ерни уругингга бердирсин. *Роза ачар вақт болды* (ҚР). *Адамларға ғарқ болур қорқунчы болды* (ҚР); *Қарлуғач* (сингак) *ағзын ызлар болуб, тилини үзүб алды* (Рабғ.).

*-р//-с* формали сифатдош тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари қўшимчалари ва кўмакчилар (*бурун, дәк*) билан бирикиб, ҳол ёки тўлдирувчи вазифасида келади: *Киши қайда өләрин билсә болмас* (Мбн.). *Андағ қылурын билди әрсә* (Рабғ.). *Бу ажун көрәргә көрүмлүк ташы* (ҲҲ). *Қабуқта*

*чықарда* (ҚБ). *Атасының әлигин тутуб йүрүрдә Қābил отру кәлди* (ҚР). *Йазар қол күчәр дәк* (ҲҲ) — Ёзилган қўл кучоқлайдигандек. *Аллāҳи, биз āдамны йаратмаздын бурун дәгәнимиз ким* (Рабғ.).

Эски туркий тилда ҳам бу форма кесим вазифасида кенг қўлланади. Эски ўзбек тилида *-р/|-с* формали сўз ҳозирги-келаси замон феъли ва сифатдош вазифасида олдинги даврга нисбатан ҳам кенг қўлланади. Сифатдош оборот сифатида бош келишик формасида аниқловчи вазифасини, бошқа келишик ва кўмакчилар билан тўлдирувчи ва ҳол вазифасини ўтайди. *Бу йәргә кәлтүрүр афъāлдын йырақ тутсун* (Нав. МҚ). *Экин экәр йәри йоқ эрди* (Ш. тар.). *Дам урмас шаҳрыға кирди* (Ш. тар.). *Сарф қылурын билмәди* (Нав. МҚ). *Сәниң билүриңни эшитиб турурлар* (Ш. тар.). *Нә йәрдин турарға қалыб тāқатым* (Нав. Чд.). *Анга йәтәрдә бәдāду ситам* (Нав. МҚ). *Сувны йылдам барурыдын муз бағламайдур* (БН). *Фāйдалығ сөзни көб эшитүрдин қайтма* (Нав. МҚ). *Сабз болур үчүн шаҳри сабз ҳам дәрләр* (БН).

Тарихий ёзма ёдномаларда қўлланиб келган сифатдош оборотлари ҳозирги замон ўзбек тилида *-диган, -аётган, -ган, -мас* формали сифатдош ёки ҳаракат номи оборотлари орқали ифодаланади.

30-§. **-ган формали сифатдош обороти.** Сифатдош оборотининг бу тури ҳозирги замон ўзбек тилида кенг қўлланади, бу форма сифатдош обороти бошқа шаклларининг ўрнини ҳам эгаллаган.

Сифатдош оборотининг бу формаси қадимги туркий тилда ишлатилмайди. Илк эски туркий тил намуналари бўлмиш «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»да *-ган* формали сифатдош обороти жуда кам, «Ҳибатул ҳақойиқ»да бирмунча кўпроқ, «Қиссаи Рабғузий»да эса анча кенг қўлланган. Бош келишик формасидаги сифатдош обороти аниқловчи ёки эга вазифасида келади: *Сувқа чөмгән әр* (МК); *өзүн тутқан әр* (ҚБ); *Китāбымны көргән, әшитгән киши* (ҲҲ); *Алтун бирлә зарбāп қылған хилъатлар кийгүрди* (ҚР).

«Ўғузнома», «Муҳаббатнома» ва «Қиссаи Рабғузий» асарларида бу хил сифатдош обороти тушум келишигида келиши ҳам мумкин. Бунда сифатдош обороти тўлдирувчи функциясини ўтайди: *Түштә көргәнин билдүрди* (ЎН). *Ҳийāлың көздә учқанын билүрмән* (Мбн.). *Сув үзә өрдәк йүзгәнин көргүзди* (Рабғ.).

Эски ўзбек тилида, айниқса, ҳозирги замон тилига яқин бўлган «Шажараи тарокима»да *-ган* формали сифатдош оборотини қўллаш яна кенгаяди, турли келишик (қаратқич, ўрин, чиқиш келишиклари) қўшимчасини ҳам олади, баъзи кўмакчилар билан ҳам бирикади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сифатдош обороти бош ёки қаратқич келишикда келиб, аниқловчи ёки эга вазифасини ўтайди. *Бизниң айтған сөзимизни билсәләр* (Ш. тар.). *Йаңыкәнтдин кәтиб Урганчда олтурған элниң ичигә кәлди* (Ш. тар.). *Мәни тәгән мәнгә кәлиң, атамны тәгән атамға барың* (Ш. тар.). *Тәгрәсигә йавумаған йахшырақ* (Нав. МҚ.). *Оғуз ҳāнның ҳāн болғаныныӊ зикри* (Ш. тар.).

(Сифатдош обороти тушум, ўрин, чиқиш келишигида бўлиб ёки кўмакчи билан бирикиб, тўлдирувчи ёки ҳол вазифасида келади: *Агар атасы мусулмāн болғаныи эшитсә* (Ш. тар.) ...*Кимниң болғаныи ва кимниң болмағаныи билмәй турурмиз* (Ш. тар). *Мажлисга гирифтāр болғанны қутулмағы нāмумкин* (Нав. МҚ). *Қарыған чақында Маккага барыб* (Ш. тар.). *Аның буйурғанындын өзгә ишни қылмағыл* (Ш. тар.). *Бир сағар май бэргәндин қадаҳ-қадаҳ хунāб йутмақ кэрәк* (Нав МҚ). *Аның өтүб кэтгәндин көңүлдә дағдаға түшти* (БН). *Киши өзини йасаған билә болур-му āшиқ* (Нав. МҚ).

Ҳозирги ўзбек тилидаги -*(а)ётган* формали сифатдош обороти эски ўзбек тилида учрамайди; -*диган* формали сифатдош обороти эса ўзининг асл шаклида эски ўзбек тилидан (Навоийдан бошлаб) қўлланиб келади: *Көңүлгә йазғум кэлӘдурған болса* (Нав. МҚ). *Аш тартадурған йэрдә* (БН). *Қылатурған болды* (ШН). *Туркмәнниң тāрих биләтурған йахшылары* (Ш. тар.).

## РАВИШДОШ ОБОРОТЛАРИ

31-§. Равишдош обороти бизга маълум бўлган қадимий ёзма ёдгорликлар тилида ҳам қўлланган.

Тарихий тараққиёт натижасида равишдош оборотларининг мазмунида, равишдош шаклларида маълум ўзгаришлар рўй берди: параллел, маънодош равишдош оборотларининг бир формаси қолиб кетди (-*б* ва -*йу*), айрим равишдошлар оборот тузишдан чиқди (-*а*), баъзиларининг мазмунида айрим ўзгаришлар рўй берди.

Қадимги ёзма ёдномалар тилида кўп ўринларда равишдош оборотини сифатдош оборотидан фарқлаб олиш қийин; бу ҳол равишдошнинг сифатдошдан шаклланиши ва бу шаклланишнинг у даврда ҳам тугалланмаганлигидан далолат беради (-*гәнчә*//-*гүнчә*>*гән*+*чә*; -*гәч*<*ган*+*чоғ*; -*гәли*<*ган*+*ли*). Ҳатто баъзи равишдошлар келишик аффикси билан турланади: *Андан соң эртә болупта ақаларны инилэрни чарлап кәлтүрди* (УН). *Шāдийāна ул ара чалғачдын; Қалъадын халқ тавуш алғачдын* (ШН).

Эски ўзбек тилида -*маты*, -*матын*, -*майын* ва -*у*//-*йу* формали равишдош оборотлари асосан қўлланмайди. Аммо эски

www.ziyouz.com kutubxonasi

туркий тилда кенг ишлатилади. Мисоллар: *Сабын алматын* (КТ) — сўзини олмай. *Билигсиз нэ айса айур уқматын* (ҲҲ) — Билимсиз нима деса билмай айтади. *Эркәк бөри йүрүмәйин турды* (ЎН). *Сажда қылмайын туруб турур* (ҚР). *Күлтәгин әбиг башлайу қытымыз* (КТ) — Култегинни уй бошлиғи қилиб қолдирдик. *Атымны әшиду бирлә* (Сувр.). *Чықыб көрү барча тылдағ турур* (ҚБ) — Чиқиб кўрилса, ҳаммаси ёлғондир. *Мәңә көргиту бәр тылын сөзләйү* (ҚБ) — (Ўз) тилинг билан сўзлаб, менга тушунтириб бер. *Бақа көргил эмди уқа синәйү* (ҲҲ) — Энди уни уқиб, синаб қараб кўргин. *Ат көздин йиту қачты, кәтти* (ЎН) — От кўздан йўқолиб қочди, кетди. *Сингакни тиләйү қарлуғачны сингакка изди* (Рабғ.) — Чивинни тилаб, қалдирғочни чивинни келтиришга юборди. *Ваъда қылышғанларын йашурмадын бири-бирингә айту бәрдиләр* (Рабғ.).

Бу равишдош оборотлари равишдошнинг бошқа формалари ёки шарт феъли, ҳаракат номи оборотлари билан алмашади.

*-(и)бан//-пан* формали равишдош обороти қадимги туркий ва эски туркий тилда қўлланган, эски ўзбек тилида поэтик асарлардагина учрайди. Ҳозирги замон тилида ҳам баъзан стиль талаби билан шеъриятда учраб туради. Ёдномалар тилида бу хил равишдош оборотлар *-(и)б* формали равишдош обороти билан алмашади. Мисоллар: *Табғач атын тутупан, табғач қағанқа көрмис* (КТ). — Табғач номини олиб, табғач ҳоқонига бўйсунди. *Барчын кәзибән* (МҚ) — Шоҳи кийиб. *Ул анда йатыбан бәрүр саныны* (ҲҲ) — У ерда етиб, ҳисобини беради. *Оқубан фāтиҳа хур қибла йаны* (Мбн.). *Кудуқ ичиндә йәтибән асмышлар* (ҚР). *Айлабан бу тарықны варзиш* (Нав. МҚ).

**32-§. -гәли формали равишдош обороти.** Бу равишдош обороти қадимги туркий тилдан бошлаб қўлланиб келади. Бу давр тилида *-гәли* формали равишдош обороти мақсад, баъзан пайт мазмунини ифодалайди: *Түрк будун олурғалы, Түрк қаған олурғалы, Сантуң балуққа талуй өкүзгә тәгмис йоқ эрмис* (Тон.) — Турк халқи ва турк ҳоқони яшаш учун то Шантун шаҳарларигача, денгиз ва дарёларгача бормади.

Равишдош обороти эски туркий тилда мақсад, шарт, баъзан пайт маъноларини ифодалайди: *Сәни алғалы кәлдим андын йүрүб* (ҚБ). *Йазыдақы сувлын изәргәли, эвдәги тақағу ычғынма* (МҚ) — Даладаги қирғовул овига чиқсанг, уйдаги товуқни унутма. *Йәр йүзиндә ашлық салғалы йәр қалмады* (ҚР) — Ер юзида уруғлик экадиган ер қолмади.

Эски ўзбек тилида бу хил равишдош обороти мақсад, баъзан пайт маъносини ифодалайди: *олдырғалы* (Нав. Чд.). *Ҳәч йаманлық йавутмағалы* (ШН). *Көргәли ҳусныңны зāру муб-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*талā болдым сэңә* (Нав.). *Ҳурāсāнға кэлгәли бәри* (Нав. Куллиёт); *Бу таāмдын йэгәли қорқар-быз* (Саккокий).

Ҳозирги тилда бу хил равишдош оборотлари ҳаракат номи, сифатдош, шарт феъли, баъзан равишдош оборотлари билан алмашади.

**33-§. -а, -й//-ай шаклли равишдош обороти.** Бу хил равишдош ҳозирги тилда фақат жуфт ҳолда оборот ташкил этади: *сени ўйлай-ўйлай.* Аммо тарихий ёдномалар тилида бу равишдош кенг қўлланган ва турли маъноларни ифодалаб келган.

Қадимги туркий тилда *-а* формали равишдош обороти ҳолат, усул ифодалаган: *Әртис өкүзүг кәчә йорыдымыз* (КТ) — Иртиш дарёсини кечиб, юрдик... *йинчү өкүзүг кәчә Тәмир қапығқа тәги сүләдимиз* (КТ) — Инжу дарёсини кечиб, Темир дарвозагача қўшин тортиб бордик.

Эски туркий тилда бу равишдош обороти ҳолат, пайт, санаш мазмунини ифодалайди: *Әсәнин тиригликөгүш мың йаша, Қуванчын авынчын өгүш әл аша* (ҚБ) — Саломат ҳаёт кечир, кўп минг йил яша, Шодлик ва хуррамлик билан кўп элларга эга бўлиб. *Бу күн сорғай әрдиң мәни мың сөкә* (ҚБ) — Минг мартабалаб сўкиб, мени сўрар эдинг. *Бөгү билги кәтти өлүмүг көрә* (ҚБ) — Ўлимни кўриб, олимнинг илми учди. *Хусумат қылыб талаша, ғарға кәлдиләр* (ҚР):

(Эски ўзбек тилида *-а* формали равишдош оборотининг қўлланиши янада кенгаяди. Равишдош мустақил гапларнинг, эргаш гапларнинг кесими вазифасида ҳам қўлланади: *Ыссық савуқ танларыға тафāвут қылмай, ачлығ ва йаланғачлы зарарын җисмлары билмәй* (Нав. МҚ)) *Аҳсигә кирә эмиш* (БН). *Үч йуртда бир уйлы қалмай барчасы Хāразмға кәлдиләр* (Ш. тар.).

Равишдош оборот сифатида ҳолат, пайт, сабаб, мақсад ифодалайди: *Ҳам Хумāйунны узата ва ҳам бу йэрләрни сайр қыла йакшанба күни ордуны ошул йэрдә қойыб ордудын атландым* (БН). *Чингиз хāн бирлән уруша билмәй, қачыб Мазандаран кэтди* (Ш. тар.).

*-а, -й//-ай* формали равишдош оборотлари ҳозирги тилда *-(и)б* формали равишдош обороти билан алмашади; инкор шакли эса (*-май*) кўпинча айнан сақланади.

**34-§. -(и)п/б формали равишдош обороти.** Равишдош оборотининг бу тури ҳозирги тилда ҳам кенг қўлланади ва турли мазмунни ифодалайди. Тарихий ёдномалар тилида бу хил равишдош оборотлари янада кўпроқ қўлланган, мазмун доираси кенгроқ бўлган ва баъзан алоҳида мазмун ифодалаб, мустақил гапга тенг бўлган: *Қамуғ нәңә тәңри қылур ул сабаб, Қамуғ әзгү әсиз аңар өз улаб* (ҚБ) — Тангри ҳамма нарсага сабаб яратади, Барча яхши-ёмон (ишларни) унга боғлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўяди. *Анбийā ким эл аларға өкүлуп, ишқның сирридин āгāҳ олуп* (ШН).

Қадимги туркий тилда *-(и)п/б* формали равишдош обороти асосий кесим билан мустақил, тенг муносабатга киришиб, иккинчи даражали кесим вазифасини ўтайди (бунда пайт ва қиёслаш каби тенг мазмун муносабатлари ифодаланади): *Бу йәрдә олурып, табғач будун бирлә түзәлтим* (КТ) — Бу ерда бўлиб, табғач халқи билан ҳаётимни боғладим.

Бу хусусият эски туркий тилда ҳам тўлиқ сақланади: *Бутун булды илиг, көр, өгдүлмиши//сәсигсиз көни тәб нәгү қылмышы* (ҚБ) — Илиг Ўгдилмишни бутун (одам деб) билди, унинг бутун ишларини, шубҳасиз, тўғри деб билди. *Оғузны ичип мундун артығрақ ичмәди* (ЎН) — Ўғизни ичди, мундан (ичганидан) ортиқроқ ичмади.

Эски ўзбек тилида ҳам равишдош оборотининг иккинчи даражали кесимлик функцияси кенг қўлланади: *Эчкү йүгүрүб, кийик болмас* (Нав. МҚ). *Ахсидин, Бухāрāдын қавун кэлтүрүп бир мажлисда кэстүрдүм* (БН). *Болма учуз алып ағыр сатқучы* (Мир Ҳайдар).

Ҳозирги тилда ҳам *-(и)б* формали равишдош иккинчи даражали кесим вазифасида қўлланади. Ёндомалар тилидаги бу хил конструкциялар ҳозир айнан сақланади ёки улар аниқлик феъли билан шарт феъли ёки сифатдош обороти билан алмашади.

*-и(б)* формали равишдош сабаб — натижа муносабатини ифодалаши мумкин. Бу хусусият қадимги туркий тилдан мавжуд бўлиб, ҳозир ҳам қўлланади: *Ол сабығ алып, йағру барып, өкүш киши өлти* (КТ) — У сўзни олиб (ишониб), яқин бориб, кўп киши ўлди. *Басал йәб ачытма ағыз* (ҲҲ). *Аз-аз өргәниб дāнā болур* (Нав. МҚ).

Равишдош обороти турли тобе мазмун муносабатларини — пайт, тўсиқсиз шарт, ҳолат ва бошқаларни ифодалаши ҳам мумкин. Бу муносабатларни ифодалаш қадимдан маълум бўлса-да, эски ўзбек тилида кенг ривож топади. Мисоллар: *Кәлигмә бәгләрин будунун итип йығын, азға будун тәзмис әртиј* (Тон.) — Келган бекларни ва халқларни йиғиб, жойлаб юрганимда, озгина халқ қочиб кетди. *Кичик болуб йағыны йәргү эмәс* (МК) — Кичик бўлса ҳам, душманни писанд қилмаслик яхши эмас. *Тавар йығыб, сув ақын инди сақын* (МК) — Молдунё йиққан бўлсанг, уни оқин сел ҳисоблай бер. *Андан соң эртә болубда ақаларны инилэрни чарлаб кәлдүрди* (ЎН); *Әзгүлүгүг көрмәзиб ажун чықар* (МК) — Яхшилик кўрмай, дунёдан чиқади. *Чамат чақыб чәриг чәкиб душман тутар-мэн* (ЎН) — Ғазабим келиб, қўшин тортиб, душманни тутаман. *Кāбилның азақың тутуб йәти қаърла әвүрди* (Рабғ.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу хил равишдош оборотларининг баъзилари ҳозирги замон тилида айнан сақланади, баъзилари аниқлик феъли, шарт феъли, сифатдош оборотлари билан алмашади.

35-§. **-гүнчә (-гәнчә, -гинчә, -гичә) формали равишдош обороти.** Равишдош оборотининг бу тури қадимги туркий тилдан бошлаб қўлланиб келади. Тарихий тараққиёт процессида бу равишдош оборотининг мазмуни ва тузилишида кам ўзгариш рўй беради. Равишдош обороти пайт муносабатини ифодалайди: *Көзүг йумуп ачқынча* (ТТ). *Күчи йәтгүнчә* (ТТ).

Эски туркий тилда: *Сүнүп тутмышынча азырдым сөзүг* (ҚБ) — Суниб тушгунча, сўз танлаб олдим. *Қарыб әлмәгинчә унутмас аны* (ҚБ). *Улуғ болдуғунча... сылық тут сөзүң* (ҲҲ). *Сэниң атың эшиткәч йэрләр өпкәй* (Мбн.). *Фариштәлар йолуқмышынча* (ҚР).

Эски ўзбек тилида: *Адаб ва ҳурмат аҳлын бэбак қыла алғанча таъзим ва адаб бинāсын йықма* (Нав. МҚ). *Сөзни көңлүңдә пышқармағынча тилгә кэлтүрмә* (Нав. МҚ). *Пāдшāҳ болғунча түркмәнниң қынық уруғыдынмыз тэдиләр* (Ш. тар.).

*-гүнчә* равишдош обороти айрим ҳолларда қиёслаш ёки даража-миқдор мазмунини ҳам ифодалаган: *Әлик тутғынча от тут* (МК) — Қафил бўлгунча, оловни тут. *Өкуз азақы болғынча бузағу башы болса йиг* (МК) — Ҳўкиз оёғи бўлгунча, бузоқ боши бўлган яхши. *Дарада тамāм гуллары ачылыбтур, агарчә таъриф қылғанча эмәс* (БН). *Дақиқаның миқдāры тақрибан алты фāтиҳаны бисми иллāҳ билā оқуғунчадур* (БН.)

Ҳозирги замон тилида равишдош оборотининг қиёслаш, даража-миқдор маънолари ҳам қўлланади.

36-§. *-гәч* **формали равишдош обороти** қадимги туркий ва эски туркий тилда учрамайди, бу хил равишдош оборотлари эски ўзбек тилида қўллана бошлайди ва пайт муносабатини ифодалайди: *Аны қылғач ғаны* (ШН); *Хāн Оратэпәдин өткәч* (БН); *Оқ бу сөзләрни эшитгәч кэз-кэз сәкрий башлады* (Яқиний).

Бу форма «Қиссаи Рабғузий»да ҳам учрайди: *Ағзын ачғач* (ҚР).

## ҲАРАКАТ НОМИ ОБОРОТЛАРИ

37-§. Ҳаракат номлари — *-мақ/-мәк, -(и)ш, -ув* формалари орқали ҳосил бўлади. Ҳаракат мазмуни *-увчи, -мақлиқ, -ганлик, -ётганлик, -маслик, -гусиз, -гулик, -гучи, -гудек, -ишлик, -унч* (арх.), *-иғ* (арх.), *-игсак* (арх.) ва бошқа қўшимчалар орқали ясалган отларда ҳам бўлади. Аммо бу формалар отга яқин бўлиб, *-мақ, -(и)ш, -ув* орқали ясалган сўзлар феълга яқин бўлади, уларда ҳаракат ёки ҳолат ифодаланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги замон тилида бу уч хил ҳаракат номлари турли гап бўлакларини бошқариб, маълум оборотни ташкил этади. Қадимги туркий тилда бундай ҳаракат номлари қўлланмаган, улар ўрнида сифатдош оборотлари ёки бошқа формалар қўлланган: *Йуйқа эриклиг топлағалы уҗуз эрмис* (Тон.) — Юпқани тўплаш қийин эмас. *Атлағу тиләди* (ЎН) — Отланишни истади. *Ичгүгә түшди* (ЎН) — Ичишга тушди. Фақат Турфон текстлари ва «Олтин ёруқ»да *-мақ//-мәк* формали ҳаракат номлари учрайди: *Сизни әмгәттим ача сувсамақа* (ТТ) — Сизни очлик ва сувсаш билан қийнадим; *Нәчә нәчә кишиләрниң сансыз сақышсыз өзлүгүг өлүрмәкләрин көртүм* (Олтин ёруқ) — Неча-неча кишиларнинг сонсиз-саноқсиз ўзларини ўлдирганларини кўрдим.

Бу хил оборотларни ташкил этган ҳаракат номлари турли келишик ва кўмакчилар билан бирикиши мумкин. Шунга кўра улар гапнинг ҳар қандай бўлаги бўлиб кела олади. Ҳаракат номи одатда тўлдирувчи ва ҳолни (ҳамда уларга тобе бўлган сўзларни) бошқариб келади. Баъзан ҳаракат номи эгалик аффиксини олади, бундай шаклда ҳаракат номи қаратқичли аниқловчини ҳам бошқариши мумкин.

Ҳаракат номи оборотларининг бу хусусияти эски ёзма ёдгорликлар тилида ҳам мавжуддир.

Эски туркий тилда асосан *-мақ//-мәк* формали ҳаракат номлари қўлланиб, *-(и)ш* шакли кам учрайди, *-(у)в* шакли бутунлай ишлатилмайди.

Ҳаракат номи бош бўлаклар вазифасида келади:

1) *Йәмәк ичмәк ол бир тадик, ай қадаш* (ҚБ) — Ейиш, ичиш — бу роҳат, эй қардош. *Нәгә мāлға мунча көңүл бағламақ* (ҲҲ). *Өлүмдүр бизгә җāнāнсыз тирилмәк//муҳалдур бу тана җāнсыз тирилмәк* (Мбн.). *Қийāматға тәгру йувмақ, гөр қазмақ, кафан қылмақ, намāз өтүмәк, гөргә көммәк Шишдин қалды* (Рабғ.).

2. *Бу ики кишигә сөз ачмақ тәгир* (ҚБ) — Бу икки кишига сўз очса керак. *Кишиг тәбсәгүчи сөңы игләмәк* (ҚБ) — Кишини топташнинг оқибати касалликдир. *Тилинчә Ҳибатуллā тәмәк болур* (Рабғ.). *Кәлиб көрди ким, бир шунқар қыатның ичәгүсин йәмәктә турур* (ЎН).

Ҳаракат номи тушум, жўналиш, чиқиш келишиги ёки кўмакчи билан келиб, тўлдирувчи ёки ҳол вазифасини ўтайди (илк эски туркий тилда бу функция анча чекланган): *Ол әр бу оғурда бармаққа исикләнди* (МК) — У киши бу пайтда боришни иссиқ деб ҳисоблади. *Әшитмәк билә болды билгә киши//бу сөз сөзләмәктин барыр әр башы* (ҚБ). *Сизләрни бу әлләриңизни чықармақ тиләрләр* (Таф.). *Сәни көрмәккә дастур қулдум* (Рабғ.). *Киши өлтүрмәкдин улуғ йазуқ йоқ* (Рабғ.). *Йүрүр-мән барча ишни билмәк үчүн//сәвәр-мән көз-*

*ни сизни кѳрмәк үчүн* (Мбн.). *Билиг билмәк ичиндә җавҳарисән* (Мбн.).

Эски ўзбек тилида *-(и)ш* формали ҳаракат номи ҳам кам қўлланади, *-(у)в* формали ҳаракат номи эса деярли учрамайди, *-мақ* формали ҳаракат номи эса турли шакл ва вазифада кенг қўлланади.

Бош бўлак вазифасида: *Ағзыға киргәнни дәмәк нāдāн иши ва элгигә кэлгәнни йэмәк ҳайвāн иши* (Нав. МҚ). *Бил ким, нафас урмамағ алардын авла* (Нав. МҚ). *Чу бир ишкә хизмат қылыб йүрмағым//сэниң бирлә олтурмағу турмағым* (Нав. Чд.). *Алтмыш йылдур кэ имāн кэлтүрмәктәдүрмән* (Нав.). *Қамап олтурмақ болды Султāн* (ШН).

Иккинчи даражали бўлак вазифасида: *Чықармаққа нāмус қылды аны* (Нав. Чд.). *Кѳрүп эл қачышын* (ШН). *Оғурларға эл җихатыға кѳз салмақ үчүн* (Нав. МҚ). *Ашиқ ѳлтүрмәк фаныда барчадын устāд-сән* (Лутф.). *Халāйиқны тиргүзмәк тиләгәй* (Сакк.). *Хāн кэлишидин бурна* (ШН).

Ҳаракат номи обороти тобе вазифада одатда феъл кесимга ёки бошқа вазифадаги феълга боғланади. Агар у қаратқич келишигида бўлса, турли вазифадаги отга боғланади: *Түгәнмәгиниң имкāны йоқтур* (Нав. МҚ). Бу хусусият ҳозирги замон тилида ҳам сақланади.

Ҳаракат номи обороти тараққиётидаги яна бир хусусият шуки, бу хил оборот таркибида субъект ифодаланиши мумкин. Бу ҳолда ҳаракат номи эгалик аффиксини олади. Бунда субъект белгисиз ёки белгили қаратқич келишиги шаклида бўлади. Эски туркий ёдномалар тилида субъект асосан белгисиз қаратқич шаклида бўлиб, кейинги давр тилида кўпроқ қаратқич белгисини олади. Умуман, тил тараққиётида атоқли от ёки кишилик олмоши билан ифодаланган субъектнинг қаратқич келишиги қўшимчасини олиши қонунийлаша боради. *Бәг кәлмәги йағуды* (МК) — бекнинг келиши яқинлашди. *Йағы қылмағусын қылынчы қылур* (ҚБ). *Әтәк йыртылмақы, эликләри кәсилмәги, тонлар қанға булғанмақы нәдин* (Рабғ.). *Эрәнләр йасанмағы* (Нав. МҚ). *Хāн кэлишидин бурна* (ШН). *Буларның алышы ва бэриши* (БН). *Аларның кэлишини кѳрдүм* (ШН). *Уларның кирмәгинә* (Рабғ.).

Ҳозирги замон тилида атоқли от ёки кишилик олмоши орқали ифодаланган субъект ҳаракат номи обороти составида асосан белгисиз қаратқич келишигида келади.

Ҳаракат номи обороти тараққиётида *-моқ* формали ҳаракат номи *-(и)ш* формали ҳаракат номи билан алмашилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## УНДАЛМА

38-§. Ундалма қадимги даврлардан бошлаб тилимизда қўлланиб келади. Ундалма тингловчи ва ўқувчиларнинг диққатини асосий фикрга жалб қилиш ҳамда нутқ қаратилган шахс ёки предметни характерлаш учун ёзма нутқда анча кенг қўлланган.

Қадимги туркий тилда ундалма асосан гап ўртаси ва охирида қўлланган: *Аңар көрү билиң, түрк амти будун бәгләр, бөдкә көригмә бәгләр гү йаңылтачысыз* (КТ) — Унга қараб билинглар, туркларнинг ҳозирги беклари; тахтга содиқ беклар, сизлар янглишиб турасизлар-ку? *Сүчиг сабыңа, йымшақ ағысыңа артурып өкүс түрк будун өлтиг* (КТ).— Ширин сўзига, ажойиб жавоҳирига алданиб, турк халқи кўп ўлдинг.

Айниқса, «Қутадғу билиг»да ва «Ҳибатул ҳақойиқ»да состави кенг ундалмалар кўпроқ қўлланади: *Ай мәҳнат изиси өлүм нәъматың* (ҚБ) — Эй меҳнаткаш, ўлим — неъматинг. *Қараға йағума, ай қылқы өрүң* (ҚБ) — Қорага яқинлашма, эй хулқи тоза. *Айā шак йолында йәликли отун* (ҲҲ); *Айā мāл изиси ахи әзгү әр* (ҲҲ).

Ундалма ундов сўзлар билан бирга келиши мумкин: *Билигликкә йā дост өзүңни ула* (ҲҲ); *Нуҳ... әшәккә: «Киргил, ай малъун», дэб айды* (Рабғ.).

Эски ўзбек тилида ҳам ундалмалар кенг қўлланади, умумий мазмунга кўра *илāҳи, сāқий, йāр, җāнāн, дост* каби сўзлар ундалма вазифасида келади.

Ҳозирги замон адабий тилида ундалма кенг қўлланади.

## КИРИШЛАР

39-§. Ифодаланаётган фикрга турлича модаль муносабатларни билдириш учун қўлланадиган киришлар (кириш сўз, кириш бирикмалар ва кириш гаплар) қадимги даврлардан бошлаб ишлатилиб келади.

Қадимги туркий тил текстларида кириш сўз ва сўз бирикмалари учрамайди. Эски туркий тилда бу хил конструкциялар учраса ҳам, улар кам қўлланади ва бу вазифада келувчи сўзлар доираси ҳам унча кенг эмас: *Сизиксиз, өлүм бир күн āхир кәлир* (ҚБ)— Шубҳасиз, ўлим бир кун келади. *Әсизим, бу йаңлыг кишиләр өлүр* (ҚБ).— Эсиз, бундай кишилар ўлади. *Бахилликни қаны әгәр тил қайу* (ҲҲ). *Бир ол йаңшар әрсә, иккинч, йалған әрсә* (ҲҲ) — Биринчидан, янглишилса, иккинчидан, ёлғон бўлса. *Азын ма бу бәш нәң йырақ тутқу бәк* (ҚБ) — Яна беш нарсадан бек ўзини йироқ тутсин. *Әң ашну йағықа кәрәк ҳийла ал* (ҚБ) — Аввало, душманга ҳийла керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Қутадғу билиг»да кўпинча айрим феъллар (*көр, бил, кәл* в. б.) кириш сўз вазифасида келади: *Кишилик аты, көр, ики нәң турур* (ҚБ) — Одамгарчилик, кўр, икки нарсадан иборат бўлади. *Өруңгә, қара, тәрк йуқар ол көруң* (ҚБ) — Оққа қора тез юқади, қаранг. *Увутсуз йүзи көрсә, этсиз сүңүк; увутсуз өзи көрсә, бутмас өрүк* (ҚБ) — Уятсиз кишининг юзи, кўрсанг, этсиз суяк, уятсизнинг ўзи, кўрсанг, пишмаган олхўри. *Кәл, әзгү қылын* (ҚБ) — Кел, яхшилик қил. *Қалы қарны ачса, билин, йәр ағу* (ҚБ) — Агар қорни очса, бил, заҳарни ҳам ейди.

Эски ўзбек тилида кириш сўзларнинг доираси ҳам, қўлланиш миқдори ҳам анча кенгаяди.

Кириш гаплар қадимги туркий тилда ҳам учрайди: *Анта кисрә тәңри йарлыказу, кутым бар үчүн өлтәчи будуныг тиригру игитим* (КТ) — Ундан кейин, худо ёрлақасин, бахтим бор учун ўлаётган халқни кўтардим.

Эски туркий тилда кириш гаплар бирмунча кўпроқ қўлланади: *Тирикликкә тутма, сөз айдым ача* (ҚБ) — Ҳаётга ортиқча кўнгил берма, сенга очиқ сўз айтдим. *Бу Ай Толды тәгли қутдыр ул, көр аны* (ҚБ) — Бу Ойтўлди бахт дегани бўлади, унга боққин.

Эски ўзбек тилида кириш гапларни қўллаш бирмунча кенгаяди.

Ёдномалар тилида қўлланган кириш гаплар кўпроқ иловали конструкцияга ўхшаб кетади. Турли модаль муносабат ифодаловчи кириш гаплар камроқ қўлланади. Ҳозирги замон тилида кириш гапларнинг турли шакл ва мазмунда қўлланувчи турлари кенг ишлатилади.

## ҚЎШМА ГАП

**40-§.** Қўшма гаплар А. Рифтиннинг фикрига кўра, икки хил йўл билан келиб чиқади:

1) Икки содда гапнинг бирикиши йўли билан (бу йўл билан боғланган қўшма гап тузилади; бундай боғланган қўшма гаплардан эргаш гапли қўшма гаплар ҳам ажралиб чиқади);

2) Содда гап таркибидаги сифатдош, равишдош ёки шарт феъли бошқарган бирикмалар кенгайиб, алоҳида гап ташкил этиши йўли билан. А. Рифтиннинг фикрига кўра, флектив тиллар учун биринчи йўл асос бўлса, агглютинатив тиллар учун қўшма гап келиб чиқишининг иккинчи йўли асосдир. Айрим олимлар туркий тилларда қўшма гаплар содда гапларнинг бирикиши йўли билан шаклланган десалар (М. Ширалиев, Н. Т. Сауранбаев), айрим олимлар қўшма гап тараққиётининг иккинчи йўлини тан оладилар (С. Жиенбаев, Э. А. Грунина).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўп олимлар А. Рифтиннинг фикрига шубҳа билан қарайдилар ва қўшма гап тараққиётида ҳар икки йўл ҳам бўлиши мумкин эканини кўрсатадилар (К. Сартбаев, Н. Гаджиева).

## БОҒЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАПЛАР

41-§. Боғловчисиз қўшма гаплар қўшма гапларнинг ибтидоий формасидир. Бунинг сабаби шуки, боғловчи иштирокисиз, фақат интонация ёрдами билан боғланиш қўшма гап тузишнинг энг оддий усулидир.

Ҳали тенг ва тобе боғловчилар бўлмаган ёки жуда кам бўлган даврларга оид Ўрхун ёзувлари ва XI аср ёдномаларида мураккаб фикр содда гапларни ёнма-ён келтириш ҳамда маълум интонация ва бошқа воситалар орқали ифодаланган.

Боғловчисиз қўшма гапларнинг баъзилари ҳозирги боғланган қўшма гаплар учун, баъзилари ҳозирги эргаш гаплар учун асос бўлган, айримлари эса маълум ўзгаришлар билан ҳозир ҳам қўлланади. Боғловчисиз қўшма гаплар ўз хусусиятларига, ўз тараққиёт йўлига эга бўлган махсус конструкциядир, бу конструкция тарихий тараққиёт процессида янада такомиллашган ва ҳозирги замон тилида, қўшма гапнинг бошқа турлари билан баробар қўлланади, ҳатто, унинг баъзи турлари кейинги даврда вужудга келади.

Қадимги ёдномаларда боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган қисмлар орасидаги семантик муносабатлар ҳам, кўп ўринларда, ҳозирги замон тилига яқин туради.

1. Боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган қисмлар маълум бир пайтда ёки кетма-кет рўй берган воқеа, ҳодиса, хусусиятларни ифодалайди: *Қар, буз қамуғ эрушди; Тағлар сувы ақышды; Көкшин булыт өрүшди; Қайғуқ болуб әгришүр* — Қор ва музлар ҳаммаси эриди, тоғларнинг суви оқди, осмонда кўк булутлар пайдо бўлди, улар қайиқ бўлиб сузишади (МҚ).

Қўшма гап қисмлари орасидаги семантик муносабат кўпинча анча узоқ бўлади, ҳаракат, ҳолатнинг кимга, нимага тааллуқли эканлиги ва гаплар орасидаги семантик муносабат контекстдангина англашилиб туради: *Адашлық узә турмады; Қалын әрән тиркәшүр* — Дўстликка риоя қилмади, (ҳозир) кўп аскар тиркалиб турибди (МҚ).

Маълум пайт муносабатида бўлган қўшма гап қисмларини бир-бирига боглаш чун айрим лексик элементлар ишлатилган.

Ўрхун ёдномаларида қўшма гап қисмларини бириктириш учун қуйидаги лексик элементлар қўлланади: *анта кисрә (анта* — унда, *кисрә* — кейин): *Анча сақынтым. Анта кисрә тәңри билиг бәртүк үчүн өзүм оқ қаған қусдум* (Тон.) — Ундан кейин шундай ўйладим: тангри (менга) билим бергани учун (унинг хон бўлишини) ўзим истадим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Қиссаи Рабғузий» ва «Тафсир»да *анда, ул вақтда; эмди, андин кэйин, андын соңра* лексик элементлари қўлланади: *Эмди учмаҳқа кирдим* (ҚР). *Андын соңра төри кэңэшим қудуққа салур болуб* (ҚР).

Кейинчалик қўшма гап қисмлари орасидаги пайт муносабатини кўрсатувчи юқоридаги лексик воситалар кенгроқ ишлатилган. Аммо ҳозирги тилда кам қўлланади.

2. Боғловчисиз қўшма гап қисмларидан англашилган мазмун бир-бирига қиёсланади. Қиёслаш орқали воқеа, ҳодиса, предметлар ўртасидаги фарқлар, улар орасидаги қарама-қаршилик, номувофиқлик очилади: *Тағ тағқа қавушмас, киши кишигэ қавушур* (МК). *Орун бэрдиң ашну мэн олдурмадым* (ҚБ) — Аввало ўрин бердинг, мен ўтирмадим.

«Қутадғу билиг»дан келтирилган мисол ҳозирги ўзбек тилида *аммā* боғловчиси билан қўлланган бўлар эди. Лекин бундай конструкция ўз даври учун норма бўлган.

Қиёслаш муносабатини ифодаловчи қўшма гаплар кейинги асрларга оид ёномаларда кенг қўлланади, унинг ички мазмун муносабати янада дифференциаллашади, маълум мазмун муносабатини ифодаловчи лексик, грамматик воситалар янада конкретлашади: *Сэндин айтмақ, мэндин эшитиб турмақ* (ҚР).

Пайт ва қиёслаш муносабатини ифодалаган қўшма гап қисмлари шаклан анча мустақилликка эга. Бу хил конструкциялар ҳозирги тилдаги боғланган қўшма гаплар учун асос бўлган бўлиши мумкин. Аммо, шу билан бирга, бу хил конструкциялар тамом боғланган қўшма гапларга айланиб кетмаганлар, улар маълум грамматик ва семантик ўзгаришлар билан ҳозирги тилда ҳам кенг қўлланади.

3. Пайт ва қиёслаш муносабатидан ташқари, семантик жиҳатдан бири иккинчисига тобе бўлган, бири иккинчи қисмини аниқлаган, тўлдирган қўшма гаплар ҳам қўлланган:

а) Қўшма гапнинг биринчи қисми сабабни, иккинчи қисми ундан келиб чиқадиган натижани ифодалайди: *Ажун мāлы тэрдиң, өзүң болды бай* (ҚБ) — Дунё молини йиғдинг — ўзинг бой бўлдинг.

Сабаб-натижа (хулоса) муносабатининг ифодаланиши асосан гаплар орасидаги семантик муносабатдан келиб чиқиши билан бирга, айрим грамматик ва лексик белгилар ҳам бўлган, чунончи, гап кесимларининг буйруқ феъли формасида бўлиши ёки натижа ифодаловчи қисмининг *эмди* сўзи билан боғланиши ва б.: *Қанда эринч, қаныңы, эмди узын узғурур* — Малҳамим қаерда экан, энди уйқум қочди (МК).

XI асрдан сўнгги ёзма ёдгорликларда бу типдаги боғловчисиз қўшма гапларнинг қисмлари орасидаги семантик муносабатнинг ифодаланиши конкрет воситалар билан боғлана

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошлайди. «Қиссаи Рабғузий» ва Навоий тилида, «Шажараи тарокима»да натижа ифодаловчи қисм *аның учун, бу жиҳатдын, ул сабабдын, бу сабабдын, ул жиҳатдын* лексик элементлари билан боғланганини кўрамиз;

б) Қўшма гап қисмлари ўртасида шарт муносабати ифодаланади: қўшма гапнинг биринчи қисми шартни, иккинчи қисми шу биринчи шартга боғлиқ бўлган мазмунни ифодалайди: *Чәрикиң бар, күчүң бар* (ҚР).

Навоий тилида шарт муносабатини ифодалаган қуйидаги конструкциялар қўлланган: *Көзүм үчәр, гар ҳумāйун йүзүңни көргәй йāт* (Нав. МҚ). *Нэъмат дәгән нимәики тамāм йоқ болды, аларның көңли сәндин сынуқ болды* (Нав. МҚ);

в) «Девону луғотит турк» ва сўнгги давр адабиётларида, айниқса, шеъриятда ўхшатиш муносабатини ифодалаган қўшма гапларни кўплаб учратамиз: *Түрлүг чэчәк йарылды, Барчын йазым кәрилди* — Гулдор ипак гилам ёзилгандай, (ерларни) турли чечаклар безади (МҚ);

г) боғловчисиз қўшма гапнинг иккинчи қисми биринчи қисм таркибидаги айрим бўлакларни изоҳлаши, аниқлаши ёки тўлдириши мумкин: *Ибрāҳим, үч иш қылғыл: бири ул ким, бизни әл йоқ киши йоқ йэрдә қойғыл, иккинчи, тәвәдин түшүрмәгил, үчүнчи, сән аның билә қопмағыл* (ҚР).

Бу типдаги конструкцияларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда аниқловчи гапни ажратиш, жумланинг охирида беришга интилиш сезилади. Ҳозирги тил учун норма ҳисобланган «фалон отлиқ қариндоши бор эди» конструкцияси қуйидагича берилган: *Анасы қарындашлары бар эрди Бану Махсум атлығ* (ҚР).

Одатда, аниқловчи функциясида бўлган гап иккинчи ўринда бўлади. Баъзан аниқловчи гап биринчи ўринда келиши ҳам мумкин: *Нуҳ ул сәксән киши мусулмāн эрди, уларны йығыб кәмәгә кәкүрди* (ҚР).

Қўшма гап қисмларидан бири иккинчисининг мазмунини тўлдиради. Тўлдириш функциясида бўлган қисм иккинчи ўринда бўлади. Бу ҳолда тўлдириш функциясидаги гап асосан кўчирма гап шаклида бўлади: *Сақынтым туруқ буқалы, сәмиз буқалы арқада билсәр, — сәмиз буқа, туруқ буқа, — билмәз эрмис* (Тон.) — Ўйладим: орқадан (хон) ориқ буқа, семиз буқани билса ҳам, (қайси) семиз буқа, (қайси) ориқ буқа, билмайди. *Айур: эй билигсиз киши мундузы//өзүңә бақа көр, ким эрдиң мәңә* (ҚБ). *Айтқыл: Сāрағa, Ҳажарға күч қылмасун* (ҚР).

Бирор қисми тўлдириш функциясида бўлган қўшма гаплар сўнгги давр ёзма адабиётларида ҳам кенг қўлланади. Ҳозирги тилда, бир томондан, бу хил конструкцияларнинг баъзи бирлари *ки* боғловчили конструкция билан алмашган (*айта-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*диларки, дейдиларки)*, иккинчи томондан, бу типдаги кон рукциялар билан баробар тўлдирувчи функцияли гапларни бошқа тури кенг ишлатила бошлади; бу турда тўлдирув функциясидаги гап бош гапнинг кесиминигина эмас, у орқа шу гап таркибидаги тўлдирувчи вазифасидаги олмошни ҳ изоҳлайди (*мен шуни билдим*).

### БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

42-§. Боғланган қўшма гапни ташкил этишда тенг боғло чилар билан бирга айрим юкламаларнинг ҳам роли каттадi Ҳозирги ўзбек адабий тилида тенг боғловчиларнинг бар турлари ва юкламалар кенг қўлланади. Аммо тил тараққи тининг илк даврларида ёрдамчи сўзлар жуда кам бўлиб, бо лари ҳам ўзига хос функцияга эга бўлган.

Қадимги ёзма ёдгорликларда (биринчи навбатда ўрхун ё номаларида) тенг боғловчилар бўлмаган. Бу вазифада *йәм йана, тақы, дағы* каби лексик элементлар қўлланган. Бу эл ментлар қўшма гап қисмларини бир-бирига мазмунан бо лаган ва боғланган қўшма гапга яқин, аммо ўз семантик му тақиллиги анча кучли бўлган конструкцияларни яратган. К йинчалик бу элементлар ўз лексик маъноларидан тобора узо лашади ва қўшма гап қисмларини бириктирувчи воситага а ланади, шу ўриндагина улар ҳақиқий боғланган қўшма гап ташкил қилади.

**Йәмә, йана.** Ўрхун ёдномаларида боғланган қўшма гап ташкил этишда фақат *йәмә* ёрдамчиси учрайди. *Йәмә* сўзи *ям ҳам* ёрдамчиларига яқин функцияда қўлланган. Унинг ҳ боғловчилик, ҳам юкламалик вазифаси бўлган: *йәмә* бир-б рига мазмунан қўшилувчи воқеа, ҳодиса, хусусиятларни та кидлаб кўрсатади: *Түрк будун йәмә булғанч.., оғузы йәмә та қанч...* (Тон.) — Турк халқи ҳам қўзғалган, оғуз (халқи) ҳ тарқалган.

*Йана* ёрдамчиси ҳам маълум семантик муносабатда бўлг гапларни бириктириб, қўшма гап ҳосил қилишда хизмат к лади. Бу ёрдамчи ёлғиз қўлланади, қўшма гапнинг иккин қисми бошида келади ва сўнгги қисмдан англашилган мазму нинг олдинги қисмдан англашилган мазмунга қўшилишин кўрсатади: *йана* ёрдамчиси «Девону луғотит турк» ва «Қута ғу билиг»да учрайди (КТ ва Тон.да учрамайди): *Қудруқ к тығ түгдү-миз, Тәңриг өгүш Огдү-миз, Кәмшиб атығ тәкә миз, Алдаб йана қачты-миз* (МҚ) — Отлар думини қаттиқ к либ тугдик, тангрига кўп ҳамд ўқидик, узангига қаттиқ бос ҳужум қилдик, алдаб яна қочдик,

*Йана* XIV аср ёзма ёдгорлиги «Қисасул анбиё» асари кенг қўлланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *йана* ёрдамчисининг қўшма гап тузишдаги функцияси чегараланган.

Тақы (дағы, тағы). XI аср ёдномаларида *тақы* элементи қуйидагича семантик муносабатда бўлган гапларни бириктиради:

1) Қўшма гап таркибидаги биринчи гапдан англашилган мазмунни иккинчи гап тўлдиради; бу ҳолда *тақы* ёрдамчиси *йана* элементига тенг келади: *Әзи әзгү бәглик, тақы әзгүрәк// Төрү ол, аны түз йүрүтгү кәрәк* (ҚБ) — Беглик мансаби яхши, яна яхшироқ — қонундир; Уни тўғри юритиш (амалга ошириш) керак;

2) Қўшма гапнинг иккинчи қисмидан англашилган мазмун таъкидланади. Бу ҳолда *тақы* ёрдамчиси *ҳам* элементига яқин келади: *Аңар сөзләдим мән сөзүңни сача//тақы мәндә йигрәк сән айғыл ача* (ҚБ) — Мен сўзладим унга сўзингни танлаб, Сен ҳам менга (сўзларни) танлаб, яхшилаб айтгин.

«Тафсир»да *тақы* элементи *ҳам, ҳамда* ёрдамчиси функциясини бажариб, қўшма гапнинг иккинчи қисмидан қўшимча мазмун англашилишини кўрсатади: *Зина қылға(н)нуң нишāнасы болур тақы хамир ичкә(н)нуң нишāнасы болур* (Таф.).

Боғланган қўшма гапни тузишда хизмат қилган бу элемент Навоийда, «Бобирнома»да ва XVII аср ёдномаси «Шажараи тарокима»да ҳам учрайди: *Дағы дāдҳāҳ сорарда өзлүк билә машғуллуқ қылылса* (Нав. МН). *Бир-икки гиридин соң мән атланыб ордуға кәлдим. Ул дағы түшкән йәригә барды* (БН). *Бир алтун йай бирлән көб авны хāн алдыға кәлтүрдиләр, үч кичик оғланлары тақы үч алтун оқ бирлә көб авны кәлтүрдиләр* (Ш. тар.). *Ушбу айтған тәк үлашыб алышсунлар тақы ҳар қайсысы аның оғланлары бирлән ва новкарлары бирлән йәсүнләр ва тақы айтдылар* (Ш. тар.).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *тақы* элементи қўлланмайди.

**Ва боғловчиси.** Бу боғловчи аслида араб тилидан кирган бўлиб, дастлаб XI аср ёдномаси «Қутадғу билиг»да учрайди ва сўнгги давр қўл ёзмаларида қўшма ва содда гап таркибида жуда кенг қўлланади, аммо ҳозирги ўзбек адабий тилида унинг қўлланиши анча чегараланган. XI асрнинг машҳур филологи Маҳмуд Қошғарий бу боғловчини «вави атфа» واو عاطفة деб номлайди ва унинг туркча эмаслигини кўрсатиб, у ҳақда «Девону луғотит турк»да тўхталмаслигини айтади. («Девон»га, маълумки, туркча сўз ва элементлар киритилган).

«Қутадғу билиг» асарида *ва* боғловчиси жуда кам қўлланади. Айрим ҳолларда у *лэкин* зидловчи боғловчиси билан бирга ишлатилади ва бир-бирига мазмунан қарама-қарши ёки номувофиқ бўлган қисмларни ўзаро бириктиришда хизмат қилади: *Бу Айтолды айды: мәңә йас қылур//мунум йоқ ва ләкин кишиләр айур* (ҚБ) — Бу Ойтўлди айтди: менга оғир,

камчилигим йўқ ва лекин кишилар (камчилигим) ҳақида гапиришади.

*Ва* ҳамда *лэкин* боғловчиларининг бириккан ҳолда келиши сўнгги давр ёзма адабиётларида, ҳатто, ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам учрайди («Қиссаи Рабғузий», Навоий, «Бобирнома»да бу икки боғловчининг бирикиб қисқарган формаси — *валэ* шакли ҳам учрайди): *Бу иш сиз аймыш тэк эрмэс, валэ бу сизниң нафсыңыз сизни бу ишкэ кэлтүрди* (ҚР). *Назмға нисбат бэрүрдин йуқарырақдур, валэкин ҳар услуб ва шэърдэ жаҳāнгир эрдилэр* (Нав. МҚ). *Шусмир дарахтысы бисйāр, валэ бағчаларыда аксар бāдāм дарахтысыдур* (БН).

*Ва* боғловчиси ёлғиз келганда, ўзаро маълум пайт ёки қиёслаш муносабатида бўлган гапларни бириктиради.

а) *Агар сөзүң чин болса, сэни тарбийат қылайын ва агар йалған болса, сэни парча-парча қылайын* (ҚР).

б) *Мэн билүр-мэн аны ким, кэзлэйүр-сиз ва аны ким, āшкāра қылур-сиз* (Таф.) — Мен нимани бекитиб, нимани ошкора қилаётганингизни биламан.

Навоий давридан бошлаб *ва* боғловчисининг функцияси жуда кенгайди: пайт, изоҳ, қиёслаш, сабаб-натижа ва бошқа мазмун муносабатида бўлган гапларни бириктиради: *Ақ уйда анжумāн асбāбы мухаййā ва ул ақ уйда анжумāн аҳлы мужаммъ* (Нав. МН). *Вилāйат арасы, таң йавуқ ва мақсад йырақ* (БН). *Мардāн тэгэнни пāдшāҳ қылдылар ва Мардāн йылдам йигит эрди* (Ш. тар.). *Хасм нэчэким ҳақир болса, көңүл қозғатур ва хас нэчэ ушақ болса, көз булғатур* (Нав. МҚ). *Бир болса, эл түзэлүр ва икки болса эл бузылур* (Ш. тар.). *Уруш, туруш болмай, ажраштылар ва Султāн Маҳмудхāн уруш кишиси эмэс эди* (БН). *Андын соң Жөжи хāн өлди ва йурт оғлы Сайы хāнга қалды* (Ш. тар.).

*Ва* боғловчисининг ҳозирги ёзма адабий тилдаги қўлланиш доираси чекланган, оғзаки нутқда *ва* боғловчиси бутунлай қўлланмайди. Баъзи туркий тилларда (масалан, турк тилида) *ва* боғловчисининг функцияси маълум даражада сақланган.

Ҳам ёрдамчиси боғловчи вазифасида ҳам, юклама вазифасида ҳам қўлланади ва ҳар икки функцияда ҳам бу ёрдамчи қўшма гапни тузишда хизмат қилиши мумкин.

*Ҳам* ёрдамчиси ўзбек тилида қадимдан қўлланади. Бу ёрдамчини дастлаб «Қутадғу билиг»да учратамиз.

*Ҳам* ёрдамчиси билан тузилган қўшма гапнинг иккинчи қисмида қўшимча мазмун ифодаланади; бу иккинчи даражали маълумот бўлиши ёки автор уни алоҳида ажратиб кўрсатиши мумкин: *Тили чин бутун ҳам көзи көңли бай* (ҚБ) — Тили чин, кўзи ҳам тўғри, кўнгли тўқ. *Сэн күндэ йалғуз сэн Исмāъил ҳам йалғуз турур* (ҚР). *...атрāфы тамāм нарунж да-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*оахтлардур, йнӣр дарахтлары ҳам бар* (БН). *Сөз айта билмәй барлықны алыб башыға санчды, көрүнишдә олтурған халқ ҳам қорқынчдын ҳэч нимәрсә айта билмәдиләр* (Ш. тар.).

**Зидловчи боғловчилар.** Зидловчи боғловчилар ҳам қўшма гапни тузишда катта хизмат қилади. Уларга *лэкин, аммӣ, балкэ* боғловчилари киради.

«Қутадғу билиг» асарида ва «Тафсир»да *лэкин* боғловчиси қўлланиб, у асосан *ва* боғловчиси билан бирга ишлатилади.

«Қиссаи Рабғузий» асарида асосан *аммӣ* боғловчиси қўлланган; бу боғловчи бир-бирига мувофиқ бўлмаган ҳаракат, ҳолат, хусусиятни ифодаловчи гапларни бириктириб, боғланган қўшма гап ҳосил қилади: *Өзгәләрниң айблары йапар, аммӣ өзи йалың қалур* (ҚР). *Мӣлым таварым бар, аммӣ оғланым йоқ* (ҚР).

Навоийда *аммӣ* билан бирга *лэкин* боғловчиси ҳам қўлланади. Аммо *лэкин* боғловчиси камроқ қўлланади ва кўпинча *ва* боғловчиси билан бирга ишлатилади: *Аңа қылмаған азӣб қалмады, аммӣ ул маҳфий сиррин көңүлдин тилгә салмады* (Нав. МҚ). *Аммӣ бу тӣифаниң сайры ҳам агарчэ тараб ӣйин мэҳнатзудадур, валэкин филҳақиқат лаъим сират ва гадӣдурлар* (Нав. МҚ).

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида *аммӣ, лэкин* боғловчилари баробар қўлланади, шу билан бирга, уларнинг эски стилистик традициялари ҳам сақланади: *Қӣзӣқыйаның ушбу газетида йазган сөзләридүр, ҳақиқат дуруст сӣртыйаларны арасыдағы бар сөзләрдүр, лэкин аксарларыда хатӣ бардур* (ТВГ, I, 1900).

**Йӣ боғловчиси** қадимги даврлардан бошлаб тилимизда қўлланади. Уни дастлаб «Қутадғу билиг» асарида учратамиз. Бунда *йӣ* боғловчиси бир-бирини инкор этувчи, бирида рўй бериши мумкин бўлган воқеа-ҳодиса, ҳолатларни ифодаловчи гапларни бириктиради: *Татығ ол бу давлат этәр ҳам бузар// Йӣ эрсәл турур: тәрк эриксә, тәзәр* (ҚБ) — Бахт — бу давлат, у яратади ҳам йўқотади, Ё у ёмондир: тезда совуб қочар.

«Қутадғу билиг»да *йӣ* боғловчиси *ва, ҳам* боғловчисига функциядош бўлиб, қўшма гап қисмларидаги ҳаракат, ҳолат, хусусиятнинг мавжуд эканлигини кўрсатади: *Айытты Ҳӣжиб: эмди көңлүң нэтәг//Кәлип қанда түштүң йӣ орнуң нэтәг?* (ҚБ) — Ҳожиб сўради: ҳозир кўнглинг қалай? Келиб қаерга тушдинг ва ўрнинг қалай?

«Девону луғотит турк»да *йӣ* боғловчиси ишлатилмайди, унинг ўрнида *азу* элементи худди шу функцияда ишлатилади: *Узум йәгил азу қағын йәгил* (МК).

Урхун ёзувларида ҳам *азу* формаси қўлланади: *...аз будуның өкүш қылтым. Азу бу сабымда йигид барғу* (КТ) — ...Оз халқни кўп қилдим. Ёки бу сўзимнинг ёлғони борми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Тафсир»да *йа̄* боғловчиси қисмларидан бирининг мазмунн рўй бериши мумкин бўлган қўшма гапларда қўлланади *Аны сизму битрүр-сиз йа̄ биз-му битрүриз аны.*— Уни сиз ўтирасизми ё уни биз ўстирамизми? (Таф.).

Навоий асарлари тилида *йа̄* боғловчисидан ташқари *га̄* *(га̄ҳи, га̄ҳики, га̄ҳиким)* боғловчиси ҳам қўлланади. Бу айрувчи боғловчи бирин-кетин рўй берадиган воқеа, ҳодиса, ҳлатни ифодаловчи гапларни бириктиради.

«Бобирнома»да ҳам *йа̄* ва *га̄ҳ* боғловчилари баробар қўланади: *Ҳа̄тирға бу кэчти ким, ҳар тавр қылыб өзүмизни. Асиға салсак, йа̄ Шайх Байа̄зид Танбалдын қат қылыб бизниң сры болғай, йа̄ бир нақшы үйрүлгәй ким, муна̄сиби давлат болғ* (БН). *Га̄ҳи кэ ичкүликкә түшәр эди, йигирмә-отуз күн па̄й па̄й ичәр эди. Га̄ҳи ким, чағырдын чықар эди, йана йигирм оттуз күн ичмәс эди* (БН).

«Шажараи тарокима»да қўшма гапни тузишда *га̄ҳ* боловчиси қўлланади, бу функцияда *йа̄* боғловчиси учрамайд *Көтәриб аз уруғлар анға қошулыб га̄ҳ алты-йэтти топ болурл эрди, га̄ҳ үч-төрт топ болурлар эрди* (Ш. тар.).

**Нэ ёрдамчиси.** Бу ёрдамчи ҳам боғланган қўшма гап тузишда хизмат қилади. У инкор мазмунидаги гапларни бриктиради ва инкор мазмунини кучайтиради.

*Нә* ёрдамчиси билан тузилган қўшма гаплар дастлаб «Қтадғу билиг»да учрайди.

«Девону луготит турк»да бу ёрдамчи ишлатилмайди: ўрнида унга функциядош бўлган *аб-аб* ёрдамчиси ишлатлади.

*Нә* ёрдамчиси «Қиссаи Рабғузий»да кўпроқ қўлланад *Йәл əсти таң атқунча, нә мулк қалды нә чәрики қалды* (ҚР *Нә сөздин кэ йэктәй бирәвгә ғуба̄р, нэ ла̄зим кэ сэн қыла-с йшка̄р* (Нав. МҚ). *Ул вақт зуҳд-у тақвийға нә эътиба̄р хуш-у ҳирадға нә ихтийа̄р* (Нав. МҚ).

Навоий ва Бобирда *нэ* ёрдамчиси кўпинча *ва* боғловчи билан бирга қўлланади ва яхлит, ихчам конструкцияни такил этади: *Нә ша̄ъира̄на таркиблары аҳса̄н ва нә а̄шиқа̄на с дурлары шуъла афка̄н* (Нав. МҚ). *Уйағқа йэткән (чағда) Хравша̄ҳ бадбахт ка̄фири салтанат дағдағасы билә ким, салтнат андағ на̄кас, бэҳунарларга нэ навъ йэткәй, нә асил, нә нсаб, нә инса̄ф, нә ада̄лат, Байсунғур мирзаны бэкләри би тутуб, Байсунғур мирза̄ға əриш салыб, муҳаррам айын оныда ким, мундақ ҳуштабъ ва пурфазилат ва ҳасаб ва нас билә а̄раста па̄дша̄ҳза̄даны шаҳид қылды* (БН).

Шундай қилиб, боғланган қўшма гапларнинг тараққиё тенг боғловчиларнинг шаклланишига бевосита боғлиқд VII—VIII аср ёдномаларида тенг боғловчилар учрамайди. Ам тенг боғловчиларга яқин бўлган функцияда *йәмә* сў

www.ziyouz.com kutubxonasi

XI аср ёдномаларида *йана, тақы//дағы* сўзлари ишлатилган. Улар бир-бирига мазмунан яқин, аммо маълум мустақилликка эга бўлган гапларни бириктирган. Бу хил конструкциялар боғловчисиз қўшма гаплар билан боғланган қўшма гаплар ўртасида туради. Шуниси характерлики, даврлар ўтиши билан, сўнгги давр ёзма адабиётларида бу элементлар ўз лексик маъноларидан узоқлашиб, ёрдамчи сўзга яқинлашадилар. Бу ҳолда улар бириктирган гапларнинг боғланган қўшма гаплик хусусияти ортади, XV аср ёдномаларида *йәмә* учрамайди, *тақы* XVIII асргача қўлланади, *йана* ҳозирги замон ўзбек тилида қўллансада, қўшма гап тузмайди.

Тенг боғловчи ёрдами билан тузилган боғланган қўшма гаплар XI асрдан қўллана бошланади. Бу даврда *ва, ҳам, лэкин, аммā, йā, азу, нә* боғловчилари содда гапларни бириктириб, қўшма гап тузишда хизмат қилган. Аммо XI аср ёзма ёдгорликларида бу боғловчилар ёрдами билан тузилган қўшма гап қисмлари анча мустақилдир. Даврлар ўтиши билан бу боғловчиларнинг баъзи бирларининг (*ва* боғловчисининг) функция доираси жуда кенгаяди (эски ўзбек тилида) ва кейин тораяди (ҳозирги кунда ишлатилиши), баъзиларининг функцияси кенгайиб боради (*ҳам, лэкин, йā, нә* ёрдамчилари), баъзилари ишлатилмай қолиб кетади (*азу*). Ҳозирги замонга келиб, янги тенг боғловчилар ва шу вазифадаги янги воситалар келиб чиқади (*бўлса, эса, бўлмаса*).

## ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Ўзбек тили эргаш гапларининг шаклланиши ва шаклий ҳамда мазмуний тараққиёти — 1) сифатдош, равишдош, шарт ва буйруқ феълларининг тараққиётига; 2) нисбий олмошларнинг шаклланишига; 3) тобе боғловчиларнинг шаклланишига боғлиқ бўлган масаладир.

### Сифатдош

43-§. Сифатдошнинг эргаш гапларнинг шаклланишидаги роли туркий тилларда (хусусан, ўзбек тилида) жуда каттадир. Сифатдош ва равишдош эргаш гапларнинг деярли ҳамма турларини ташкил этади, улар *ким//кэ* боғловчиси ёрдами билан тузилган эргаш гаплар ўрнини ҳам эгаллай олади.

1. Ўтган ва ҳозирги замон сифатдош формалари (*-миш* ва *-ма*) аниқловчи эргаш гапни ташкил этади; бу ҳолда сифатдош конструкцияси бош гапдаги аниқланмиш сўздан олдин келади: *Әчүмиз апамыз тутмыш йир суб идисиз болмазун*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*тәйин...* (КТ). *Тинәси оғлы йатуғма бәңлигәк тағығ... иртимиз* (Тон.) — Тинасининг ўғли турадиган Банглигак тоғигача қувладик.

2. Ҳозирги-келаси замон сифатдош формаси *-(у)р* пайт ва шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келган: *Тавғач, оғуз, қитаң — бу үчәгү қабушыр, қалтачы биз өз ичи ташын тутмыс тәг биз* (Тон.) — ...табғач, ўғуз, қиданг — бу учови бирлашса, биз ёлғиз қоламиз (ичи-ташимизни ушлаб қола берамиз).

Ёрдамчи сўз орқали боғланиш бу хил конструкцияларнинг эргаш гапга томон тараққиётининг кейинги босқичидир. Бу хил ёрдамчиларга қуйидагилар киради:

1. *Тәп.* Боғловчи вазифасидаги *тәп* орқали сифатдош конструкцияси тўлдирувчи функциясида қўлланган: *Бәгләрим будуным көзи қашы йаблақ болтачы тәп, сақынтым* (КТ).

2. *Үчүн.* Бу кўмакчи сифатдош билан бирикиб, сабаб муносабатини ифодалаш учун ишлатилган: *Тәңри йарлықадуқын үчүн..., қаған олуртым* (КТ) — Тангри ёрлақагани учун... ҳоқон бўлдим.

Сифатдош конструкциялари келишик қўшимчаси ёрдами билан ҳам бошқа бир гапга боғланган. Ўрхун ёзувларида ўрин-пайт келишиги қўшимчаси *-да//-та* ўтган замон сифатдошига қўшилган. Бу хил сифатдош конструкциялари пайт эргаш гапни ташкил этади: *үзә көк тәңри асра йағыз йәр қылынтуқда, әкин ара киси оғлы қылынмыс* (КТ) — Тепада кўк осмон, пастда қора ер яратилгандан кейин, иккисининг орасида одам ўғлонлари яратилди.

Бош келишик шаклидаги сифатдош. Бош келишик шаклидаги сифатдош бошқарган конструкция аниқловчи эргаш гап бўлиб келади: *Макка ачылдуқ күн болды* (Таф.). *Йусуф түшгән қузуқ пәшингә кәлиб түштиләр* (ҚР). *Уруқ талатыб алдуруб биз өтгән Қыпчақ йолы билә ашыб Айа* (аба) *қорығыда кәлиб бизгә қошулдылар* (БН). *Лактуны бирлә Түбүтниң арасы атлық киши бир йатыб баратурған йәр болур, аммā баланд тағы болур* (Ш. тар.).

Ёрдамчи сўз ва шу вазифадаги сўзлар билан бириккан сифатдош. Сифатдош кўмакчилар ва шу вазифада келган сўзлар билан бирикиб, турли эргаш гапларнинг кесими бўлиб келади.

1. *Үчүн* кўмакчиси билан бириккан сифатдош сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келган. Сифатдош-кесим кўпинча эгалик қўшимчасини олмаган: *Қорқутқу үчүн...* (Таф.). *Атасы вилāйатқа кириб нәчә маҳал саллāҳлик қылған үчүн Қанбар Али саллāҳ дәр эдиләр* (БН).

Бундан ташқари, *үчүн* кўмакчиси сифатдошнинг *-дуқ* (Таф.), *-р, -мыш* формаси билан ҳам бирика олганки, бу ҳо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лат ҳозирги ўзбек тилида қўлланмайди: *Йазлар чибини көп болур үчүн бу өләңни кам көрүрләр...* (БН).

«Шажараи тарокима»да *үчүн* кўмакчиси билан тузилган эргаш гапли қўшма гап конструкцияси учратилмади: *үчүн* ўрнида *сабабдын* ишлатилади: *Өз қарындашлары йуртында йағы болған сабабдын тура билмәй қайтыб кәтди* (Ш. тар.).

2. *Билән* кўмакчиси билан бириккан сифатдош ёзма ёдгорликларда кам учрайди.

3. *Соң* (*соңра*), *кэйин* кўмакчилари сифатдош билан бирикиб, пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Мундақ нарса олуб нāҗиз болғандын кәйин қайдын тиргүзүр деб* (ҚР). *Эрәнләрдин мардāна гунāҳ вуҗудқа кэлсә, бойныға йүкләнгәндин соң бойнын урарлар, қызыл йүзлүк қылур үчүн бойныға тығ сурарлар* (Нав. МҚ). *Мэниң вāлидаларым ва көч ва уруқларым мэн Андиҗāндын чықғандын соңра йүз ташвиш ва машаққатлар билә Оратэпа кэлиб эдиләр...* (БН).

Сифатдошнинг *-ган* формасидан ташқари бошқа формаларининг *соң, кэйин* ёрдамчилари билан бирикиши сўнгги давр ёдномаларида кам, «Шажараи тарокима» ва ундан сўнгги адабиётларда бутунлай учрамайди.

4. *Эркән* кўмакчи-феъли ҳам сифатдош билан бирикиб, пайт эргаш гапни ташкил этган: *Уруғаты уйур әркән, сачы бирлә бағлады* (Таф.). *Сән оғлан кичик әркән өлди дәдиң* (ҚБ). *Бу сөзни сөзләшүр эркән* (ҚР).

Келишиклар билан бириккан сифатдош. Ўрин-пайт ва чиқиш келишиги қўшимчаларини олган сифатдош кесим эргаш гапни бош гапга боғловчи восита сифатида қўлланган (Ўрхун ёдномаларида фақат ўрин-пайт келишиги шу вазифада ишлатилган эди).

Ўрин-пайт келишиги пайт эргаш гапни боглаш учун хизмат қилади (Эргаш гап кесими от кесим бўлганда, келишик қўшимчаси *эркән* кўмакчи феълига қўшилади).

«Қиссаи Рабғузий»да ўрин-пайт келишиги асосан *-р, -мыш* формали сифатдошга қўшиладики, бу ҳолат ҳозирги замон ўзбек тилида учрамайди, *Тамāшāдын кәлүрдә Йусуфқа йолуқты* (ҚР). *Вафāты болмышта йүз йигирми йашайур әрди* (ҚР).

Сўнгги давр ёдномаларида ўрин келишиги *-ган//-кан* сифатдош формасига қўшилади.

Чиқиш келишиги ўрин-пайт келишигига нисбатан камроқ қўлланган. Бу келишик пайт ёки сабаб эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилган: *Күн батмасдын...* (Таф.). *Қара халқның тили кәлмәсликиндин «қаф»ны «җим» оқуйтурур* (Ш. тар.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## Равишдош

44-§. Равишдош ўзининг феъллик хусусиятига кўра маълум сўзларни бошқариб келиши ва алоҳида конструкцияни ташкил этиши мумкин. Бундай конструкциянинг айримлари таркибида ўз эгаси ҳам бўлади. Бу хил равишдош конструкцияси гапни ташкил этади.

Ўрхун ёдномаларида *-(и)б//п* формали равишдош конструкциясининг бошқа бир гап билан бирикиб, қўшма гап ташкил этганини кўрамиз: *...оза кәлмис сусин Күлтә(гин) ағытып, Тоңра бир оғуш алпағу он арығ, Тоңа тәгин йоғынта әгирин өлүртимиз* (КТ).

Эргаш гапларнинг шаклланишида *-(и)-б//п* формали равишдошнинг роли каттадир. Бу формали равишдош конструкцияси турли мазмун муносабатларини ифодалаган, унинг мазмун ва функция доираси ҳозирги замон тилида қўлланишига қараганда ҳам кенгроқ бўлган:

1. Равишдош конструкцияси ҳолат-пайт муносабатини ифодалайди — бош гапдан англашилган мазмуннинг рўй бериш ҳолати ва пайтини кўрсатади: *Ай қопуб әвләнүб, Ақ булыт өрләнүб, Бир-бир үзә өклүнүб, Сачлүб сувы әңрәшүр* (МК) — Ой чиқиб, атрофни булут доираси — ўтови ўраган да, булутлар бир-бирининг устига мингашиб сувларни гулдурос тўкади. *Абӣбакир Мирзӣға Мазидбәк арғун ва Қарачай қарақойлық түркмән бәкләри қошулуб, Султӣн Маҳмуд Мирзӣның үстигә Ҳисӣрда кәлгәндә Султӣн Маҳмуд Мирзӣ ағасығ Самарқандға барды* (БН). *Хатунны бәш пӣра қылыб, ҳар қайсысы бир андӣмны өз өргүринә алыб кәтди* (Ш. тар.).

2. Равишдош конструкцияси шарт муносабатини ифодалайди: *Йаңшақ тәлим сәйрәб аны тамғақ қатар* (МК) — Беҳуда сўзлар кўпайиб кетса, оғиз қуриб, жағ қайишади. *Ҳар дирам ким түгүб, ғассӣлдын өзгә киши ачмақ маҳал, ҳар сим ким көмүб, туфрағдын өзгә бирәв аны йәмәккә йоқ эҳтимӣл* (Нав.)

Равишдош конструкциянинг бу хил маъно муносабат ифодалаган тури ҳозирги тилда қўлланмайди.

3. Равишдош конструкцияси сабабни, бош гап ундан келиб чиқадиган натижани ифодалайди: *Мәни көрүб йәси ағды* (МК). *Башыға тәгди, башы йарылыб өлди* (ҚР). *Ҳӣсил айының йигирмә алтысыда душанба күни иҗӣзат болуб Марвдын Астрӣбӣдға йамат атқаны түшти* (Нав. МН). *Бу сөзни эшитгәч, мәңә изтирӣб көпрәк болуб, қылур ишимни билмәдим* (БН) *Ул бадбахтның көңлигә бу сөз йахшы кәлиб, йүз мың тангә инъӣм қылды* (Ш. тар.).

Сабаб-натижа муносабатини ифодалаган бу хил конструкциялар ҳозирги тилда кенг қўлланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Равишдош конструкцияси мазмунан анча мустақил бўлиши ва сўнгги гап билан бирикиб, боғланган қўшма гапни ташкил этиши мумкин. Равишдош конструкциясининг бу тури айниқса тарихий ёдномаларда кўпроқ қўлланган. Бу ҳол равишдошнинг мустақил бўлганлиги, алоҳида гапни ташкил эта олишлик хусусиятидан дарак беради.

Ҳозирги тилда ҳам равишдош конструкциянинг бу тури қўлланади, аммо равишдош конструкция кўпинча мазмунан сўнгги гапга тобе бўлади, бу билан унинг эргаш гапга мойиллиги сезилади.

«Девону луғотит турк»да бу хил равишдош конструкциялар кенг қўлланади; равишдош конструкцияси ўзаро тенг боғланган қўшма гапни ташкил этади: *Қызыл, сарығ арқашыб, Йэйкин, йашыл йүзкэшиб, Бир-бир кэрү йүркэшиб, Йалыңук аны таңлашур* (МҚ) — Қизил, сариқ гуллар бир-бирига суянишиб, яшил райҳонлар бир-бири билан ўралашиб кўринади. Уларни кўрган киши танг қолади, ҳайрон қолади.

Бундай конструкция Навоийда ҳам анча кенг қўлланади: *Бу даъви башыға йэткүнчэ нэчэсини май өлтүрүб ва нэчэсини өзгэ фисқ дозāҳға йэткүрүб, йүздин биригэ маракаға йэлиб ва йортақ чапыш билэ өзин зāъйи этиб* (Нав. МҚ).

*-(и)б//п* формали равишдош билан бирга *-(и)бан* формали равишдош ҳам равишдош конструкциясини ташкил этган; бу хил равишдош конструкциялари сабаб, пайт, ҳолат муносабатларини ифодалаган: *Йай барубан эркүзи, Ақты ақын мундузы, Туғды йаруғ йулдузы, Тиңлэ сөзүм күлгүсүз* (МҚ) — Баҳор келиб, музлар суви эриб, селдай оқа бошлади. Ёруғ юлдуз туғди, Сўзимни кулмай тингла.

Эргаш гапнинг кесимини шакллантирувчи равишдош формасининг иккинчиси *-гунча* (ва эски вариантлари *-ғанча, -дукча, -мышча*)дир. Бу формали равишдош қуйидаги мазмун муносабатларини ифодалаган:

1. Бош гапдан англашилган мазмуннинг рўй бериш пайтини кўрсатади: *Ул кэлгүнчэ түшүң аш боғуз этэйин, дэди* (ҚР). *Баҳā қылдылар күн кэлдүкчэ баҳāсын арттурдылар* (ҚР). *Йусуф бир қабуғдын кирмишчэ ул қабуғны бэркитдилэр* (ҚР). *Сачқан дāна көкэргүнчэ орыб хирмāн қылыб маҳсулын көтэргүнчэ курт ва куш андын баҳраманд ва дашт ваҳшийлары аның билэ хурсанд* (Нав. МҚ). *Моғулның расмы андағ эрди ким, тā оғлан бир йашыға йэтмэгүнчэ анға ат қоймаслар эрди* (Ш. тар.).

2. *-гинчэ//-гүнчэ* равишдош формали конструкция қиёслаш мазмунини ифодалайди: *Өкүз азақы болғынча, бузағу башы болса йик* (МҚ). *Йусуф айтты: мэни сэвгүнчэ өз эриңни сэвгил* (ҚР). *Дэдим ким, мундақ душвāрлик билэ тирилгүнчэ, баш*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*алыб элтсәм йахшы. Бу навъ ҳāрлықва зāрлық билә эл билгүнчә, айағым йэтгәнчә кэтсәм йахшы* (БН).

Равишдошнинг *-гәч* формали конструкцияси «Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билиг»да учрамайди. «Қиссаи Рабғузий» асарида ва ундан сўнгги ёдномаларда бу форманинг қўлланиши орта боради ва ҳозирги замон тилида энг кўп қўлланувчи конструкция саналади.

*-гәч* формали равишдош конструкцияси пайт муносабатини ифодалайди: *Ибрāҳим таң атқач қобты* (ҚР). *Хисравшāҳ Қундуздын көчүб чықғач-оқ Қундузны Мулла Муҳаммад Түркистāний атлық āбдāн этимāдлық бāйири кишиси Шайбāнийхāн үчүн бэркитти* (БН).

*-й* формали равишдошнинг эргаш гап кесими вазифасида қўлланиши тарихий ёдгорликларда кам учрайди: *Андақ уруш ҳам болмай, басылды* (БН). *Саңдын өткәч, кэйнимиздә йағы кишиси көрүнмәй, Саң суйы йуқары-оқ йүрүрдүк* (БН).

Бу хил конструкциялар пайт-ҳолат ёки сабаб-натижа муносабатларини ифодалайди:

Ёдномаларда эргаш гап кесими вазифасида келган равишдошларнинг шундай формалари ҳам учрайдики, бу формалар ҳозирги тилда ёки бутунлай қўлланмайди, ёки қўлланса ҳам эргаш гап кесими вазифасида келмайди:

1) *-йу* формали равишдош: *үлишиб әрән борлайу, йиртиб йақа урлайу; Сықрыб үни йүрләйү; Сығтаб көзи өртүлүр* (МК) — Эрлар (одамлар) бўрилардек улишди, улишиб ёқа йиртишди. Чолғи товуши каби овозлар билан бақиришди. (Кўз ёшидан) одамлар кўзи қонланиб қолди.

2) *-мәдин* формали равишдош: *Тәвәни гарта билмәдин* (ҚР).

3) *-гали* формали равишдош: *Дақйанус малик кәчгәли ики үч йүз йыл артық болмыш турур* (Таф.).

4) *-а/-ә* формали равишдош: *Түн, күн кәчә алқынур өзләк билә а: й* (МК) — Кеча, кундуз ўтиши билан ой ва замон кечади.

## Шарт феъли

45-§. Шарт феъли кесим вазифасида келиши ва мазмунан бошқа бир гапни талаб этиб, қўшма гапни тузиши мумкин. Шарт феълининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бу феъл шахс қўшимчаларини олмайди; бошқа бир хусусияти шундаки, агар ҳозирги замон ўзбек тилида от кесимлар *болмақ* феъли билан бирикса, у даврда *болмақ* билан баробар *эрмәк* феъли ҳам қўлланган: *Ол әки киси бар әрсәр, сәни Табғач өлүртәчи* (Тон.).

Қадимги туркий тилда соф шарт мазмуни *қалы* (кейинроқ *агар*) ёрдамчиси билан келган шарт конструкцияларидагина

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган. Воситасиз келган шарт конструкциялари ёки ёлғиз пайт, ёки шарт-пайт муносабатини ифодалайди.

Сўнгги давр ёдномаларида шарт феъли шарт мазмунини таъкидлаш учун тожикча *агар* билан бирга қўлланади: *Агар бәрмәсәң, биз кириб тартыб чықарур-биз, дәдиләр* (ҚР). *...сөзләриңдин әврә қылса йанғайлар, агар йанмасалар анда кәзин малик әрклик турур...* (Таф.). *Агар андағ ишләрдә бәизтимāмлық вāқәъ болса, Мирзā табуғыда бу қул уйатлығ болғусыдур* (Нав. МҚ).

Кесими шарт феъли формасида бўлган эргаш гаплар шарт билан баробар пайт муносабатини ҳам ифодалайдилар, бу мазмун бир ўринда бўртиб асосий ўринни эгалласа, бошқа ўринда у оттенка бўлиб қолади.

Пайт мазмунини ифодалаш учун махсус конструкция қўлланган: эргаш гапнинг кесими ўтган замон аниқ феъли формасида бўлиб, *эрсә* феъл формаси билан боғланган: *Бурның қулағың кәсгәли көңүлләнди әрсә, Ҳāжар ғавғā қылды* (ҚР). *Ол йағачқа йақын кәлди әрсә, үн әшитилди* (Таф.). *Ул вафāт табты эрсә, Буғрахāн улуғ аза тутды* (Ш. тар.).

Шарт феъли орқали тўсиқсизлик мазмунининг ифодаланиши айниқса аввалги ёдномаларда кўпроқ учрайди, сўнгги ёдномаларда бу ҳолат сақланиши билан бирга, *ҳам* ёрдамчиси ҳам ишлатилади (ҳар икки ҳолатда ҳам *нәчә, ҳарчанд* каби нисбий олмошларнинг роли катта): *Аваглар нәчә қолса, бәрмәз* (ҚБ) — Қувловчилар қанча сўрасалар ҳам, у ўзини тутқизмади. *Ҳар тараф бақса, Зулайҳā сувраты әрди* (ҚР). *Сабāҳ ҳар қанда болса, үчрәтүр-биз дәб филҳāл илик қошмақны салāҳ көрмәйдиләр* (БН). Шарт феъли қиёслаш, солиштириш мазмунини ифодалаши мумкин: *Сән Йусуфқа ата әрсәң, биз ҳам қарындаш* (Рабғ.). *Ҳар киши тәңригә болса, тәңри ул кишигә болур* (Нав. МН). *Жамъә тағларның бәрк йәрләри баландиләр болса, бу тағларның бәрк йәрләри пастиләрдә вāқәъ болубтур* (БН). *Анам тәк болса, андын йигрәк барсын тэди* (Ш. тар.).

## Нисбий конструкциялар

46-§. Нисбий конструкцияли қўшма гаплар эргаш гапли қўшма гапнинг маълум қисмини ташкил этади.

Нисбий конструкцияли эргаш гапларнинг асосини семантик жиҳатдан бири иккинчисини изоҳловчи боғловчисиз қўшма гаплар конструкцияси (гипотаксис) ташкил этади. Бу хил қўшма гапларни ташкил этган қисмларнинг бири (одатда, иккинчи) бирини мазмунан изоҳлайди, аниқлайди.

Нисбий олмош иштирок этган эргаш гапларнинг кесими аввало мустақил формада (аниқлик феъли ёки сифатдош)



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, сўнгра *ким* боғловчиси билан бирикади. Кейинроқ хил эргаш гапларнинг кесими шарт феъли орқали ифодала ди ва сўнгги конструкция тилда кенг қўлланади.

Ўрхун ёдномаларида нисбий конструкциялар кам учраі Учраган 3—4 иборада нисбий олмош вазифасида *қач* ва *анча* олмошлари қўлланади, эргаш гапнинг кесими шарт ф ли формасида келади: *Нәң йәрдәки қағанлығ будунқа бү ги бар әрсәр, нә буңы бар әртәчи әрмис* (Тон.) — Қаердаки қонлиги бор халқ ичида дангаса бўлса, (бу халқнинг) не к фатлари бўлар эди. *Нәңнәң сабым әрсәр, бәнгү ташқа урты* (КТ) — Нимаики сўзим бўлса, мангу тошга урдим.

Келтирилган мисолларда нисбий эргаш гаплар тўсиқ ўрин, тўлдирувчи эргаш гапларни ташкил этади.

«Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билиг»да нисбий к струкциялар кенг қўлланади. Нисбий олмош вазифасида *к нә, қай, қайу, қайда, ул, қачан, нәчә, қанча, нә тәг, а тәг* каби олмошлар қўлланади. *Қайу ишкә әвәр, озар кәч ка* (ҚБ) — (Ким) қайси ишга шошилса, (у) кеч қолади. *Йо болса қимүң будунқа сөзи//сүчүг тутсу тил сөз йā құтку* (ҚБ) — Кимнинг сўзи халққа ёқимли бўлса, (у) сўзини (до ширин, ўзини одобли тутсин. *Қайу өдтә Хāҗип тиләсә мәни өдтә кәләй* (ҚБ). — Ҳожиб мени қайси вақтга тиласа, вақтга келай.

«Қиссаи Рабғузий»да нисбий олмошларнинг доираси да кенгаяди. Айниқса, *ҳар* ёрдами билан тузилган *ҳар ҳар нәчә, ҳар нарса, ҳар қачан* каби нисбий олмошлар қўлланади. Бу даврга келиб, нисбий олмошларнинг сема касини янада конкретлаштиришга ҳаракат қилингани сез ди. Бу эргаш гапдаги олмошга бош гапда монанд сўз ке риш йўли билан бўлади: *Нә — андағ, қачан — ул күн (в да), нәчә — шул қадар, нәчүк — андақ, нә — аны, мунда нә, нәким — қамуғ, ким — қамуғ* ва бошқалар: *Идрис ал ис-салāм нә дәсә, андағ қыл* (ҚР). *Қачан сәниң тәнү ичиндә сув билгүрсә, ул күн азāб йубаргум турур* (ҚР). *айда нәчә улғайса бу, Ибрāҳим алайҳ-ис-салāм ҳар кү шул қадар улғайды* (ҚР).

«Қиссаи Рабғузий»да нисбий олмош иштироки билан зилган эргаш гапларнинг кесими сифатдош, аниқлик фе шарт феъли орқали ифодаланади.

«Тафсир»да нисбий олмошларнинг қўлланишида юқор ги ҳолатларни кўрамиз.

Навоийда нисбий олмошлар кўпинча *ким (кә)* боғло си билан бирикиб, эргаш гапни бош гапга боғлайдилар; кинчи ўзига хос хусусияти шундаки, бу хил эргаш гаплар кесими асосан от кесим шаклида бўлади, сифатдош ёки а лик феъли орқали ифодаланади: *Бу йаман пāдшāҳ кә, бо*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*вазири ҳам йаман, андақ кэ Фиръавн найабатыда Ҳāмāн* (Нав. МҚ). *Кимки бир шиддат ара сабр-у таҳаммул айлады, бахт аның нишини ношу хāрини гул айлады* (Нав. МҚ).

«Бобирнома»да нисбий эргаш гапларнинг кесими асосан мустақил формада бўлиб (шарт феъли кам қўлланади), бош гапга *ким* боғловчиси билан бирикади.

XVII аср ёдномаси бўлмиш «Шажараи тарокима»да нисбий олмошларнинг сони янада ортади ва шакли ҳамда ўрни ҳозирги замон тилига яқинлашади. Айниқса, нисбий эргаш гапларнинг кесими шарт феъли орқали ифодаланадики, бу ҳол ҳам ҳозирги тилга яқин томондир. Бундан ташқари, нисбий сўзга бош гапда монанд олмош келтиришга интилиш сезилади: *Йай оқны қайсы тарафға тартыб йубарса, оқ анқа барур* (Ш. тар.). *Йайны нэчук қойсаң, аны шундаг қойғыл, тэди* (Ш. тар.).

Шундай қилиб, нисбий конструкцияларнинг шаклланиши нисбий олмошларнинг шаклланишига боғлиқдир. Бундай олмошлар аввало жуда кам бўлиб, кейинроқ уларнинг миқдори ортади. Бу хил олмошлар жуфт ҳолда — ҳам бош гап составида, ҳам эргаш гап составида қўлланади.

Нисбий олмош иштирок этган эргаш гапларнинг тури ҳам аста-секин орта борди. Бу хил эргаш гапларнинг кесими асосан шарт, аниқлик феъли ёки сифатдош билан ифодаланган бўлса, ҳозирги замон тилида нисбий конструкцияларнинг кесими асосан шарт феъли формасидадир.

Тарихий тараққиёт процессида нисбий олмошларнинг миқдоригина ўзгариб қолмай, уларнинг шакли, ўрни ва функцияси ўзгарди, такомиллашди.

## Тобе боғловчилар ва боғловчи вазифасидаги сўзлар

47-§. Тобе боғловчилар орқали қўшма гапларнинг тузилиши тил тараққиётининг сўнгги даврларига тааллуқлидир. Тил тараққиётининг илк даврларида боғловчилар, айниқса, тобе боғловчилар жуда кам қўлланган.

*Бирук, абаң, қалы, агар (гар, гарчэ), магар* боғловчилари. Қадимги турк ёдномаларида қўшма гапни тузишда *бирук (бироқ)* боғловчисининг қўлланганини кўрамиз, холос. Бу боғловчи ҳозирги замон тилидаги *агар* боғловчисининг вазифасини бажаради.

*Бирук* ёрдами билан тузилган қўшма гап Култегин ва Тонюқуқ ёдномаларида учрамайди, уни «Олтун ёруқ» асарида учратамиз: *...Сэн бирук ким өлсәң өлүргүчи тынлығлар үчүн өкүнч көңүл өридип нәчукин әрсәр...* — Агар сен ўлдир-

ган ҳайвонларинг учун чин кўнгил билан тавба қилсанг, нима бўлса ҳам...

*Агар* боғловчиси «Қутадғу билиг»да учрайди: *Агар тутмаса сэн бу айтмышларым* (ҚБ). «Девон»да *агар* боғловчиси ўрнида *абаң* ишлатилади.

Бундан ташқари, «Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билиг»да *агар* ёрдамчиси маъносида *қалы* боғловчиси қўлланади; у *агар* ва *қандай* маъноларини беради: *Қышқа этин, кэлсэ қалы кутлуғ йай* (МҚ) — Агар баракатли ёз келса, қишга тайёрлан.

*Агар* боғловчиси (турли вариантда — *агарчэ, гар, гарчэ, гарчанд, гарчандкэ, магар)* кейинги ёзма ёдгорликларда кенг қўлланади: *Агар йубармас болсаң, барыб элиңни бузар-мэн* (ҚР). *...бу сөзлариңдин эврэ йанғайлар, агар йанмасалар анда кэзин уқубат магар қылса малик эрклик турур...* (Таф.)

Навоий тилида *агар* иштирок этган эргаш гапнинг кесими шарт феъли орқали ифодаланиши кам учрайди. Бу типдаги эргаш гапларнинг кесими мустақил формада бўлади: *Эрэнлэр хизматыдын чэкмэгил баш, гар башыңға гардундын йағар таш, кэ гар ул таш илэ башың ушалғай, саадат хаттидур гар заҳми қалғай* (Нав. МҚ). *Агар йыллар риайат қылыб-сэн ва ҳамханадур бир қатла кэ нимэ бэрмэдиң бэганадур* (Нав. МҚ).

Навоий асарларида *агар* боғловчиси кенг қўлланади, у фақат шарт, тўлиқсиз эргаш гапларни бириктириб қолмай, қиёслаш ва нисбий эргаш гапларни ҳам боғлаш учун хизмат қилади.

«Бобирнома» асарида ҳам *агар* иштирок этган эргаш гапнинг кесими асосан мустақил формададир. Характерли томони шундаки, кўп ўринларда бош гап *валэ* боғловчиси билан бошланади: *...агарчэ қары аксар улуғ тушэр, валэ муфрит савуғы йоқтур* (БН). *Агарчэ аъла анар эмэс, валэ ул вилайатга, Аласай анарыдын йахшырақ анар болмас* (БН).

«Шажараи тарокима»да *агар* боғловчиси асосан шарт феъли билан бирга қўлланади ва ҳозирги ўзбек адабий ва оғзаки халқ тилига яқинлашади.

*Аның (уның, шуның) учун* кўрсатиш олмошининг *учун* кўмакчиси билан бириккан кўриниши бўлиб, икки гапни боғлаб, қўшма гап тузишда хизмат қилади. Тарихий ёдномаларда бу бирикма ўз лексик маъносини (ва баъзан функциясини ҳам) сақлаб қолгани учун уни боғловчилар гуруҳига киритиб юбориш тўғри бўлмайди. Уни боғловчи вазифасидаги сўз ҳисоблаш мумкин, бу бирикма гапларни бириктириш учун, бир гапни иккинчисига тобелантириш учун хизмат қилади.

Бу боғловчи вазифасидаги сўз дастлаб ўрхун ёдномаларида учрайди: *Билгэ қаған эрмис, алп қаған эрмис, буйуруқы йэмэ билгэ эрмис эринч, алп эрмис эринч, бэглэри йэмэ бу-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*дуны йәмә түз әрмис. Аны үчүн илиг анча тутмыс әринч, илиг тутқы төрүг итмис* (КТ) — Улар доно ҳоқон эдилар, улар баҳодир ҳоқон эдилар, уларнинг гумашталари ҳам доно эди, баҳодир эди, беклари ҳам тўғри эди, шунинг учун улар давлатни қўлларида анча тутиб турдилар, давлатни қўлларида тутиб, одиллик қилдилар.

*Аны үчүн* бирикмаси *антағықын үчүн* формасида ҳам учрайди: *...бир тодсар, ачсық өмәзсән, антағықын үчүн... алқынтығ, арылтығ* (КТ) — ...бир тўйсанг, очликни билмайсан, шунинг учун... (шундай бўлганингдан) ҳолдан тойдинг.

*Аны үчүн* ёрдами билан тузилган қўшма гапнинг қисмлари орасида сабаб муносабати ифодаланади; биринчи қисм сабабни, иккинчи қисм ундан келиб чиқадиган натижани кўрсатади.

«Қиссаи Рабғузий»да бу боғловчи вазифасидаги сўз *аның үчүн, аның үчүн ким* шаклида учрайди ва икки хил семантик муносабатни ифодалайди:

1) қўшма гапнинг биринчи қисми сабабни кўрсатади, бу ҳолда *аның үчүн* формаси ишлатилади: *Бир стунға раст бағланды, аның үчүн Исраил атанды* (ҚР).

2) қўшма гапнинг иккинчи қисми сабабни ифодалайди. Бу ҳолда *аның үчүн ким* формаси қўлланади: *Тәрисин Йаъқубға кийдүрди, аның үчүн ким ас оғлақ төкүлүб әрди* (ҚР).

«Бобирнома»да бу бирикманинг *мунық үчүн* шакли ҳам қўлланади: *Гаҳи үзә кәлтүрүб, гаҳи йумшақ сөз айтур эди. Муның үчүн эди ким, биз Ширканы алғач-оқ атасыға, ағасыға, киши чаптурғандур* (БН).

*Аның үчүн* формаси «Шажараи тарокима»да жуда кенг қўлланади. Бу асарда *аның үчүн* «Қиссаи Рабғузий»дагидек икки хил вазифада келади: биринчи қисм сабабни ифодалайди: *Төрт мың йылғача ул йәрләрдә олтурдылар, аның үчүн ул йәрләрни Дашти қипчақ дәрләр* (Ш. тар.). *Бир тоғрам эт йәргә түшди, аны алыб йәди эрсә, ағзыға бисйар хуш маза кәлди, аның үчүн ул йәр тузлақ эрди* (Ш. тар.).

*Тэп//дэп* ёрдамчиси. *Тэп//дэп* равишдош формасининг қўшма гапни тузишдаги роли катта бўлган ва ҳозирги тилда ҳам шундайдир.

Бу форма қадимги ўрхун ёдномаларидаёқ боғловчи функциясида қўллана бошлаган. *Дэб* орқали тузилган қўшма гапнинг биринчи қисми эргаш гап, сўнггиси бош гап вазифасида келади.

Ўрхун ёдномаларида бу равишдош формаси *тәйин, тәп* шаклида учрайди ва у мақсад ёки тўлдирувчи эргаш гапларни бош гапга боғлайди: *Будунығ игидәйин тәйин... улуғ сү әки йәгирми... сүңүшдим...* (КТ). *...бәгләрим будуным көзи*

*қашы йаблақ болтачы тэп, сақынтым* (КТ) — Бекларим, халқимнинг кўзи ёмон бўлади деб, ғамга ботдим.

Сўнгги давр ёдномаларида *дəб* юқорида кўрсатилган функцияларда келади: *Ибрāҳимниң āдати ул әрдиким, қонуқ аш отру қойыб, өзи ташқары чықар әрди, қонуқ бэдаҳшат аш йəсун дəб* (ҚР). *Бир кəсəк азғына мунда йāд қылдымким, āйат тафсири алғусыз қалмасун тəб* (Таф.). *Танбалға қошулмасун дэб, аралай атландук* (БН). *Жар қылдурды Эрāн сары йүриб турур мэн, нəчə йыллық ғамларын йэсүнлəр тэб* (Ш. тар.). *Анлар айдылар равā болғай тəб* (Таф.). *Эшитди ким Абдулхāнда Осари байның Мāмā атлы көркли йахшы қызы бар эрмиш тэб, киши йубарыб, көб мāл бэрəйин тэб тилəтти, бай бэрмəди* (Ш. тар.).

Шуниси характерлики, *дэб* ёрдами билан тузилган конструкция «Қиссаи Рабғузий»да кўп учраса ҳам, Навоий асарларида ва «Бобирнома»да кам қўлланади, «Шажараи тарокима»да ва ундан сўнгги давр асарларида ва ҳозирги замонда унинг қўлланиши ортади.

*Нэчук ким (кэ), нэчун ким, нэ учун ким, зэрā (кэ), чунким (кэ). Нэчук ким, нэ учунким, нэчунким* элементлари боғловчи вазифасида келади ва дастлаб «Қиссаи Рабғузий»да учрайди. Бу восита ёрдами билан тузилган қўшма гапнинг иккинчи қисми сабабни ифодалайди: *Бычақ ағрығын билмəди, нэчүнким Миср хатунлары Йусуфның жамāлы нурының хушлығындын əликлəрин кəсиб түймəдилəр* (ҚР). *Мāзийу мустиқбāл аҳвāлын такаллум қылмаким, нə учунким дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам* (Нав. МҚ). *Аксар қошынның гузары Бāрāн йақасыдур, нэ учунким. шарқий тарафы тағлардур* (БН). *Иш тадбирдин өтүб эди. Нэчунким, икки-уч мың йарақлық киши аркта, бир йуз киши таш қорғанда* (БН).

Кўрсатиб ўтилган боғловчилар «Шажараи тарокима»да учратилмади, ҳозирги ўзбек тилида ҳам бу боғловчилар қўлланмайди.

«Шажараи тарокима»да сабаб муносабатини ифодалаш учун *ул сабабдын, ул сабаб* бирикмаси қўлланади (бу бирикма ҳозирги адабий тилда ҳам ишлатилади). Бу типдаги қўшма гапларнинг биринчи қисми сабабни ифодалайди: *Қара эвлилəр йэрли болуб эрдилəр, ул сабабли Ҳалил башлық барчасы Арсāри халқының он бэки ва йахшыларының ардыға кэлиб айтдылар* (Ш. тар.).

Сўнгги давр ёзма ёдгорликларида сабаб муносабатини ифодалаш учун тожикча *зэрāкэ, чункэ* боғловчилари қўлланади. Бу боғловчилар ҳам сабаб муносабатини ифодалайди: *Бул вāқэа ниҳāйатда афсуслик вāқэадур, чункэ мамлакатның фуқарāсы ошал мамлакатның пāдшāсыға итāат қылыб, аның тахт ҳукуматыда болса кэрэк* (ТВГ, 1, 1900). *Нэчəким тонны райат*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*бирлә кийсәң эскирүр, чункә кийдүрдүң йаланға афрамас тон ул эрүр* (Нав. МҚ).

*Чун* боғловчиси. *Чун* боғловчиси тожик тилидан олинган бўлиб, эргаш гапли қўшма гапни тузишда хизмат қилган. *Чун* боғловчиси пайт, шарт, сабаб, ўхшатиш ва натижа муносабатларини ифодалаш учун қўлланади.

«Қиссаи Рабғузий» ва «Тафсир»да бу боғловчи кам қўлланган. Уларда бу боғловчи натижа, сабаб, пайт муносабатини ифодалаш учун хизмат қилади: *Әрик йарақсыз болса, Ибрāҳимниң қутлуғ әлики тәгмәки бирлә қамуғ зуҳам болур әрди, чун әвниң төрт бүрчи зāҳир болды* (ҚР). *Чун кәчә бирлә йатдылар ол қасд бирлә ким, әртә бирлә балчуқ кәтүргәйләр* (Таф.).

*Чун* боғловчиси Навоий тилида ва «Бобирнома»да жуда кенг қўлланади ва пайт, сабаб, ўхшатиш ва бошқа семантик муносабатларни ифодалайди: *Чун сиҳҳат табты, бойнығa зуннир қылды* (Нав. МҚ). *Йоқ ажаб, чун иккисидә йоқ турур ақлу ҳайā* (Нав. МҚ). *Султāн Али мирзā рāзи болмады, чун ажал йэтиб эди, кутулмады* (БН). *Чун аҳд қылыныб эди, (Узун Ҳасанга) жāн ва мāлыға зарар ва нуқсāн тэгүрмәй...* (БН).

*Чун* боғловчиси сўнгги давр ёзма адабиётида жуда кам учрайди («Шажараи тарокима»да учрамайди), ҳозирги ўзбек тилида бутунлай қўлланмайди.

*Тā* боғловчиси. *Тā* боғловчиси ҳам форс тилидан қабул қилингандир. Бу боғловчи эски ўзбек тилида пайт ёки мақсад эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади: *Тā бўйурғучыда сила ва инāм бар, алар мулāзимдурлар ва хизматкāр Тā суҳбатда нэъмат көб, аларға барча амру наҳиниң хоб* (Нав. МҚ). *Сабуриким мақсуд говҳарыны саҳил дарйāсыға салды, тā ҳар ким ул дарйāға ғавс қылды бу говҳарны алды* (Нав. МҚ). *Бисйāр шакк ва душвāр кэлди. Нэ үчүнким, тā пāдшāҳ болуб эдим, бу нав новкар ва вилāйаттын айрылмайдур эдим, тā өзимни билиб эдим, бу йосунлуқ ранж ва машаққатны билмәйдүр эдим* (БН). *Тā тирикмиз, ушбу айтылған сөзләрдин қайтмас-биз* (Ш. тар.).

Бу хил эргаш гапларда шарт оттенкаси ҳам бўлади: *Йэкжиҳатлик ва ансипарлық ва тиләгәй кэ, аңа жāн фидā эткәй, тā шафқат ҳуқуқын адā эткәй* (Нав. МҚ). *Тоққуз олум гузарларны йахшы эҳтийāт қылың, тā бу нэчә йыл өзбәк тафрикасыдын дилшикаст болған элләрниң көңли қавий болуб, умидвāр болғайлар эди* (БН). *Ул ара болған кишини пāдшāҳ эшикинә кэлтүрүб, арқасыни қилич бирлән чапыб икки бөләк қылмақ кэрәк, тā көргән көз ва эшиткән қулаққа ибрат болғай* (Ш. тар.).

Ҳозирги тилда *тā* ёрдами билан тузилган эргаш гапли қўш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ма гаплар кам қўлланади.

*Ким(кэ)* боғловчиси. Бу боғловчи *ким* шаклида дастл «Қутадғу билиг», «Қиссаи Рабғузий» ва «Тафсир»да учрай, сўнгги даврларда, айниқса, Навоий тилида ва ундан сўн ёдномаларда ҳам *ким*, ҳам *кэ* тарзида учраб, тилда жу кенг қўлланади ва эргаш гапларнинг деярли ҳамма турлари бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Ҳозирги тилда з асосан бу боғловчининг *кэ* шакли қўлланиб, унинг вазифа қўлланиш доираси олдинги даврларга нисбатан чегарала гандир.

*Ким (кэ)* боғловчиси турли эргаш гапли қўшма гаплар ва айрим ҳолларда боғланган қўшма гапнинг баъзи турлари шакллантиришда восита бўлиш билан бирга, турлича мур каб боғловчиларни тузишда ҳам хизмат қилади: *кимкэ,* *ки(м), нэгэкэ, нэчэкэ, ҳар кимкэ, ҳар нэчэкэ, қачанки, қай даки, ҳар замāнкэ, ҳар нэки(м), магаркэ, чункэ, ҳар ки кимсэ* ва б.

«Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билиг» асарларида к нинг боғловчи вазифасида ишлатилиши жуда чегараланг (ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан *ким* ишлатилиши зар бўлган ўринларда боғловчисиз конструкциялар ишлатилади) *Нэниким тилэди, қылды* (ҚБ). *Сөз ул сөз турур ким ул мыш, дэмиш* (ҚБ). *Бақа көр бу сөзлэр ким, айдым сэңэ* (Қ

*Ким//кэ* турли эргаш гапларни бош гап билан боғла учун хизмат қилади. У тўлдирувчи эргаш гапни бош гап боғлашда энг кўп қўлланади (бу ҳолат ҳозирги тил учун ҳ характерлидир).

Мисоллар: *Исмāъил атасыға айтты ким, бир-бир кэл мэңэ ташвиш бэрэ турур* (ҚР). *Андағ айдылар ким, бирг кэлмиш турур, мундағ сөз сөзлэр тэб* (Таф.). *Бу васила би хайāл қылды ким, ул āлий мақсадқа йэтилгэй, Бир түрк маънида дэбдүр ким, дам бу дамдур* (Нав. МҚ). *Андақ вāйат қылдылар ким, бир қырғаvулны үскүнэсини төрт ки йэб түгэтэ алмайдур* (БН). *Муңа қойдылар ким, Оғузны ав йүргэндэ тутыб өлтүргэйлэр* (Ш. тар.).

*Ким//кэ* боғловчисининг яна бир характерли хусусия шундаки, бу боғловчи аниқловчи эргаш гапни бош гапга б лашда хизмат қилади. *Ким//кэ* боғловчиси бош гап таркиб даги маъноси изоҳланаётган сўзга қўшилади, бу сўз гапни бош ёки иккинчи даражали бўлаги бўлиши мумкин: *Бу иш ким, мэним ҳақымда қылдыңыз, өзгэлэр ҳақында қылм* (ҚР). *Дард аҳлиниң нафасы бир отдур ким, қаттық көңүл йумшатур ва қуруқ көзни йығлатур* (Нав. МҚ). *Ул гурунл ким, Исā йалавач дини үзэ эрдилэр, анлар айдылар* (Таф *Аламда ҳэч ким йоқтур ким, бир навъ мурāды болмағай* (Н МҚ). *Алмалық ва Алмату ва Йаңы ким, кутубларда Отрар к*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*битирләр, моғул ва өзбәк җиҳатдын бу та̄рихда бузулыбтур, асла̄ маъмура қалмабдур* (БН). *Тэмурбэк салған а̄лий има̄ратлардын бири Көк сара̄йдурким, Самарқандның аркида ва̄қэъ болубтур* (БН).

*Ким//кэ* боғловчиси кесим эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади (бу ҳолат ҳозирги тилда ҳам кенг қўлланади): *Бири ултурур ким, мәниң иликим айағымны бәрк бағлағыл* (ҚР). *Тақы айтылды: ол-му әрүр ким, сиз муддаа̄лық қылур әрдиңиз аның бирлә* (Таф.). *Бири ул ким, илм өргәнүргә ранҗ тартты ва амал қылмады* (Нав. МҚ). *Айбы будур ким, улуғ суйы йоқтур* (БН). *Муна̄сиб ул турур ким, па̄дша̄ҳлықны анға бэриб, өзүң айшу ишратға машғул болғай-сэн* (Ш. тар.).

*Ким//кэ* боғловчиси натижа эргаш гапни бош гапга боғлаши мумкин (бу хил конструкция ҳозирги тилда ҳам қўлланади): *Сән бу сөзни ма̄л үчүн айтур болсаң, анча тәгилик ма̄л бәрәйин ким, уруғуңга йәтсүн* (ҚР). *Агар бир мазлумға бирәвдин зулм өткән болса, за̄лимға андақ сийа̄сат қылылса ким, өзгә за̄лимларға муҗиби иштиба̄ҳ болса* (Нав. МҚ). *Ахир аталық оғуллуқ арасыда бу гуфту-голар анча мунҗар болды ким, атасы оғлы үстигә Балх ва Астра̄ба̄дқа чэрик тарттылар* (БН). *Олжалы өлүк ма̄л түшди ким, йүкләмәккә көләк азлық қылды* (Ш. тар.).

*Ким//кэ* боғловчиси пайт эргаш гапни бош гапга боғлашда хизмат қилади. Бу хил конструкция ҳозирги замон тилида кам қўлланади («Шажараи тарокима»да ҳам учрамайди): *Сэксән йыл болды ким, мәни бу үмид илә тутар әрдиң* (ҚР). *Бизгә үч йүз йыл артуқрақ болмуш ким, биз мунда әрмишмиз* (Таф.). *Ҳар қатла ким бирәвни тартыб чықарғайлар, анда қалғанлар өзләридин барғайлар* (Нав. МҚ). *Таң атыб эдиким. ра̄ба̄ти Хоҗадын қуйырақ Қоҳак суйыны кэчиб йана йэр йайлақ кэлдүк* (БН).

*Ким//кэ* боғловчиси сабаб эргаш гапни бош гапга боғлаш учун қўлланади. Эргаш гап бош гапдан сўнг келади (бу хил конструкция ҳозирги тилда айрим ҳоллардагина қўлланади): *Нэчүк хушнуд болмайын ким, пайғамбарлар уруғы турур* (ҚР). *Қорқар-мэн ким, мәни өлдүргәйләр* (Таф.). *Душман ғуруурыдын ғам йэмә ва мадда̄ҳ хуша̄мадын чин дэмә ким, аның ғаразы өз мақсудыға камдур* (Нав. МҚ). *Нә фа̄йда ким, иш андын өтүб эди* (БН).

«Шажараи тарокима»да *ким//кэ* нинг бу функцияси учрамайди.

*Ким//кэ* боғловчисининг функцияси эргаш гапларнигина бош гапга боғлаш билан чегараланмайди. Бу боғловчи эргаш гаплар билан боғланган қўшма гаплар орасида турган айрим конструкциялар тузишда ҳам хизмат қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Иккисидин икки қыз болыб эди кэ, мазкур болды* (БН)
*Алқисса, Мирзā таҳāратга кирган уйының арқа тарафыда хиш
билә тыға қопарған эшиги бар экәндур ким, ҳавлыдын ташқа
ры чықған экәндур* (БН).

## КЎЧИРМА ГАП

48-§. Кўчирма гап конструкцияси қадимдан бошлаб қўлла
ниб келади. Тонюқуқ ёдномасида бундай конструкциялар 3
процентни ташкил этади.

Кўчирма гап автор гапидан олдин: *«Қағанлығ будун әрти
қағаным қаны» — тәп әрмис* (КТ) — «Ҳоқони бор халқ эдим
ҳоқоним қани?» — дебди. *«Түрк будун өлурәйин» — тәп әрми*
(КТ) — «Турк халқини ўлдирайин», — дебди.

Кўчирма гап автор гапининг ўртасида: *Будун анча тәми
«Әллиг будун әртим, әлим әмти қаны», — тәп әрмис* (КТ). *Бу
қатып қаған: йәлу көр, тәмис* (Тон.) — Шундай қилиб, ҳоқо
«елиб кўр», — дебди.

Кўчирма гап автор гапи билан кўп бўлинади: *Ол сабу
әсидип, қаганым: «бән әбгәру түсәйин, тәди, қатун йоқ болмы
әрти, аны йоғлатайын, тәди, сү барың, тәди, Алтун йышб
олуруң, тәди, сү басу Инал қаған барзун, тәди* (Тон.) — Б
сўзни эшитиб, ҳоқоним: мен уйга борайин, хотиним ўлибди
уни йўқлатай, сизлар қўшин билан боринглар, Олтин яйлови
да туринглар, қўшин бошлиғи бўлиб Инал ҳоқон борсин, -
деб айтди.

Кўчирма гап бош гапга *тәп//дәп* ёрдами билан боғланади
одатда бош гапнинг кесими *тәди, тәмиш (деди, демиш), ай
ды* сўзлари билан ифодаланади. Қадимги туркий тилда кўчир
ма гап билан автор гапининг боғланиши икки томонламади
*тәп* ва *тәди* боғловчи воситалари кўпинча бирга қўлланади

Эски ўзбек тилида кўчирма гап автор гапи билан *дәди, ай
ды* орқали боғланади: *Қылалы дәдиләр эрсә, Мусā дуā қылд*
(СК) — «Қиламиз», — деганларидан сўнг, Мусо дуо қилди.

Баъзан кўчирма ва ўзлаштирма гап *ким* боғловчиси орқал
боғланади: *буйурды шāҳ ким, атны кәлтүр* (Хис. Шир.).

Икки усулнинг бирга ишлатилиши билан: *Дағы дәди ки
бу сөзләрни унутуң, Мирзā филҳāл айтты ким, қайсы сөзләр
ни* (БН).

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Қадимги ва эски туркий ёзма ёдгорликларининг тил хус
сияти билан ҳозирги замон адабий тилини қиёслар эканми
бир ярим минг йилга яқин давр ичида тилнинг синтактик стру
тураси тобора такомиллашиб, мукаммаллашиб борганини кў

www.ziyouz.com kutubxonasi

рамиз. Бу такомилланиш тилнинг ички тараққиёт қонуниятлари асосида ва бошқа тилларнинг самарали таъсири остида рўёбга чиқди. Айниқса, рус тилининг ўзбек тили синтаксисига таъсири самарали бўлди.

2. Морфология ва лексика соҳасидаги ўзгаришлар синтаксисда бўлган ўзгаришларга олиб келди.

3. Ўзбек тили синтактик қурилиши тараққиёти қуйидаги қонуниятлар асосида рўй берди:

1) **Грамматизация.** Сўз бирикмалари таркибидаги айрим сўзлар ёрдамчи маъноли сўзларга ўтди, натижада бундай сўз бирикмалари ўзгариб, қўшма сўз ёки ёрдамчи сўзга (бир гап бўлагига) айланади. Масалан, «Ўғизнома»да *йахшы көрди* сўз бирикмаси *яхши деб билди* маъносида қўлланади. Ҳозирги замон тилида бу сўзлар бирикмаси эмас, қўшма сўздир. Шунингдек, *қулоқ солди, хотин олди, додини берди, йиғлаб қолди* каби қўшма феъллар ҳам сўз бирикмасидан келиб чиққан, *кўрса бўлади, йиғлай деди, ўқигуси келди, ўйнагуси келди, ўқиш керак, йиғлагудек бўлди* каби қўшма феъллар эса мустақил сўз бирикмалари, содда гаплар ёки қўшма гапларнинг грамматик ўзгаришидан келиб чиқади. Булардан ташқари, *қўл остида, борган сайин, шунга кўра, ундан бурун, сизга томон* каби кўмакчили сўзлар аслида мустақил сўз бирикмаси бўлган. *Келганман, келади* каби содда туб феъллар ҳам аслида *келган+ман* (кесим ва эга), *кел+а+турур* (равишдош ва сифатдош бирикмаси) сўз бирикмаларидан келиб чиқади. Сўз бирикмасининг сўзга айланиши л е к с и к а л и з а ц и я дейилади. Лексикализация ҳодисаси грамматизация ҳодисаси асосида рўй беради. Грамматизацияда маълум сўз ўз мустақиллигини йўқотиб, ёрдамчи сўзга ёки қўшимчага айланади, шунинг учун ҳам бундай сўзлар орасида грамматик алоқа йўқолади, натижада сўз бирикмаси оддий сўзга айланади.

2) **Сепаратизация.** Тил тараққиёти процессида айрим гап бўлаклари ажралиб, мустақиллашиб, алоҳида оборотларга ёки гапларга айланиши мумкин. Бунга сифатдош ёки равишдошларнинг ўзига оид сўзлар билан бирикиб, алоҳида оборотлар ёки гапларни ташкил қилиши мисол бўлади. Бу грамматик процесс қадимги туркий тилдаёқ мавжуд эди. Бу хил мустақиллашган конструкцияларнинг баъзилари формал белгиларни олиб, гапдан сўз бирикмасига ўтган: *мен келганда, менинг келганимда.*

3) **Дифференциация ва конкретизация.** Айрим гап бўлакларининг маъноси ва функцияси тобора дифференциаллашиб, конкретлашиб боради. Агар ўрин-пайт келишигидаги гап бўлаги ҳаракат ёки ҳолатнинг ўрнини ҳам, бошланиш нуқтасини ҳам ифодалаган бўлса (*сэнда-сендан//сенда*), эски туркий тилдан бошлаб ҳар икки маъно учун икки форма ишлатила-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, шунингдек, ўрин-пайт ва жўналиш келишигидаги бўлакларнинг маъноси ҳам кейинроқ дифференциаллашади, воситасиз тўлдирувчи билан қаратқичли аниқловчи ҳам аввало бир форма (*-ни*) орқали ифодаланиб, ёзма адабий тилда кейинроқ қаратқичли аниқловчи учун алоҳида форма (*-ниң*) қўллана бошлайди.

Айрим гап бўлаклари маъносининг конкретлашиши шу бўлакларнинг формал белги олиши билан рўй беради: *Аш татығы туз* (МК) — ошнинг мазаси туздир; *әр сөзи бир* (МК) — эрнинг сўзи бирдир. Умуман, тил тараққиётида гап бўлакларининг маълум формал белгилар билан шакллана бориш тенденцияси мавжуддир.

Эски ўзбек тилида тузилиш жиҳатдан анча мураккаб жумлалар учрайди. Ҳозирги замон тилида бу хил гаплар дифференциал равишда, ҳар бир фикр алоҳида гаплар билан ифодаланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Авторлардан . . . . . . . . . . . . . . 3
Транскрипцион белгилар . . . . . . . . . . 4
Шартли қисқартмалар . . . . . . . . . . 5
Кириш . . . . . . . . . . . . . . . . . 7
Туркий тилларнинг, хусусан, ўзбек тилининг ўрганилиши . . 8
Туркий тиллар ва уларнинг классификацияси . . . . . 10
Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши . . . . . . 11
Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласи . . . . . 17

МОРФОЛОГИЯ

От . . . . . . . . . . . . . . . . . . 28
Кўплик формалари . . . . . . . . . . . . 28
Эгалик формалари . . . . . . . . . . . . 31
Отларда тусланиш ва предикатив аффикслари . . . . . . 33
Отларда бўлишсизлик формаси . . . . . . . . . 35
Келишик формалари . . . . . . . . . . . 35
Бош келишик . . . . . . . . . . . . . 36
Қаратқич келишиги . . . . . . . . . . . 36
Тушум келишиги . . . . . . . . . . . . 41
Жўналиш келишиги . . . . . . . . . . . 44
Ўрин-пайт келишиги . . . . . . . . . . . 50
Чиқиш келишиги . . . . . . . . . . . . 54
Восита келишиги . . . . . . . . . . . . 59
От ясалиши . . . . . . . . . . . . . . 61
Исмдан от ясовчи аффикслар . . . . . . . . 62
Феълдан от ясовчи аффикслар . . . . . . . . 67
Сифат . . . . . . . . . . . . . . . . . 70
Сифат ясалиши . . . . . . . . . . . . . 71
Исмдан сифат ясовчи аффикслар . . . . . . . . 71
Феълдан сифат ясовчи аффикслар . . . . . . . 73
Сифат даражалари . . . . . . . . . . . . 74
Қиёсий даража . . . . . . . . . . . . . 74
Орттирма даража . . . . . . . . . . . . 74
Белгининг ортиқлиги ёки камлигини ифодаловчи формалар . 75
Сон . . . . . . . . . . . . . . . . . . 76
Саноқ сон . . . . . . . . . . . . . . 76
Тартиб сон . . . . . . . . . . . . . . 80
Жамловчи сон . . . . . . . . . . . . . 83
Дона сон ва нумератив сўзлар . . . . . . . . . 85
Чама сон . . . . . . . . . . . . . . . 86
Тақсим сон . . . . . . . . . . . . . . 87
Каср сон . . . . . . . . . . . . . . . 88

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олмош . . . . . . . . . . . . . . . . . . 89
Кишилик олмошлари . . . . . . . . . . . . 89
Кўрсатиш олмошлари . . . . . . . . . . . . 95
Ўзлик олмошлари . . . . . . . . . . . . . 99
Сўроқ олмошлари . . . . . . . . . . . . . 101
Биргалик олмошлари . . . . . . . . . . . . 108
Белгилаш олмошлари . . . . . . . . . . . . 110
Гумон олмошлари . . . . . . . . . . . . . 112
Бўлишсизлик олмошлари . . . . . . . . . . 113
Феъл . . . . . . . . . . . . . . . . . . 115
Феъл аспектлари . . . . . . . . . . . . . 115
Феълнинг грамматик функционал формалари . . . . . . 116
Ҳаракат номи формалари . . . . . . . . . . 117
Сифатдош формалари . . . . . . . . . . . . 120
Равишдош формалари . . . . . . . . . . . . 127
Феъл тусланиши . . . . . . . . . . . . . 133
Майл ва замон . . . . . . . . . . . . . . 133
Шахс-сон аффикслари . . . . . . . . . . . 134
Буйруқ-истак майли . . . . . . . . . . . . 138
Буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формалари . . 139
Буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формалари . . 141
Буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик формалари . . 144
Буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик формалари . . 145
Буйруқ-истак майлининг III шахс формалари . . . 147
Шарт майли . . . . . . . . . . . . . . . 148
Шарт феълининг аналитик формалари . . . . 151
Аниқлик майли . . . . . . . . . . . . . . 154
Ўтган замон . . . . . . . . . . . . . . . 154
Ўтган замон феълининг содда формалари . . . . 155
*-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксли форма . . . . . . 155
*-мыш/-миш* аффиксли форма . . . . . . . . 156
*-дуқ/-дук* аффиксли форма . . . . . . . . 158
*-ған/-гән//-қан/-кән* аффиксли форма . . . . 158
*-б(-ыб/-иб//-уб/-үб)* аффиксли равишдош асосида ясалган ўтган замон феъли . . . . . . . . . 160
Ўтган замон феълининг аналитик формалари . . . 162
*-мыш/-миш эрди* . . . . . . . . . . . . . 162
*-ған/-гән//-қан/-кән эрди* . . . . . . . . 164
*-ды/-ди//-ты/-ти эрди* . . . . . . . . . . 164
*-дуқ/-дүк эрди* . . . . . . . . . . . . . 165
*-б (турур) эрди* . . . . . . . . . . . . 166
*-а/-ә(-й) турур эрди, -а/-ә(-й)+дур эрди* . . . 167
*-р(-ар/-әр//-ур/-үр) эрди* . . . . . . . . 169
*-ғай/-гәй//-қай/-кәй эрди* . . . . . . . . 171
Ҳозирги замон . . . . . . . . . . . . . . 172
Ҳозирги замон феълининг *-а/-ә(-й)* аффиксли равишдош асосида ясалган формалари . . . . . . 172
Ҳозирги замон феълининг *-мақда/-мәкдә* аффиксли формаси . . . . . . . . . . . . . . . . . 174
Ҳозирги замон феълининг тасвирий формалари . . 175
Ҳозирги-келаси замон . . . . . . . . . . . 176
Келаси замон . . . . . . . . . . . . . . . 180
*-ғу/-гү//-қу/-ку* аффиксли форма . . . . . . 180
*-ғай/-гәй//-қай/-кәй* аффиксли форма . . . . 182
Феъл ясалиши . . . . . . . . . . . . . . 184
Феъл даражалари . . . . . . . . . . . . . 186
Равиш . . . . . . . . . . . . . . . . . 189
Равиш ясалиши . . . . . . . . . . . . . . 190


www.ziyouz.com kutubxonasi

Морфологик усул билан равиш ясалиши . . . . . . . 190
Синтактик усул билан равиш ясалиши . . . . . . . 194
Композиция йўли билан равиш ясалиши . . . . . 195
Морфологик-синтактик йўл билан равиш ясалиши . . 196
Лексик-синтактик йўл билан равиш ясалиши . . . 198
Равишларда даража формаси . . . . . . . . . . 198
**Кўмакчилар** . . . . . . . . . . . . . . . . 199
Соф кўмакчилар . . . . . . . . . . . . . . 199
Функционал кўмакчилар . . . . . . . . . . 205
От-кўмакчилар . . . . . . . . . . . . 205
Равиш-кўмакчилар . . . . . . . . . . . 211
Феъл-кўмакчилар . . . . . . . . . . . . 215
**Боғловчилар** . . . . . . . . . . . . . . . 215
Тенг боғловчилар . . . . . . . . . . . . 216
Бириктирувчи боғловчилар . . . . . . . . . 216
Айирувчи боғловчилар . . . . . . . . . . 218
Зидловчи боғловчилар . . . . . . . . . . 220
Инкор боғловчиси . . . . . . . . . . . 221
Эргаштирувчи боғловчилар . . . . . . . . . 221
**Юкламалар** . . . . . . . . . . . . . . . 230
**Ундовлар** . . . . . . . . . . . . . . . . 232
Морфология бўйича кўрсаткич . . . . . . . . 234


## СИНТАКСИС


**Сўз бирикмалари** . . . . . . . . . . . . . 242
Тобе бирикмалар . . . . . . . . . . . . . 242
Битишув . . . . . . . . . . . . . . . 242
Бошқарув . . . . . . . . . . . . . . 243
Мослашув . . . . . . . . . . . . . . 246
Изофа . . . . . . . . . . . . . . . . 250
**Гап бўлаклари** . . . . . . . . . . . . . 254
Эга . . . . . . . . . . . . . . . . . 254
Кесим . . . . . . . . . . . . . . . . 256
Тўлдирувчи . . . . . . . . . . . . . . 259
Аниқловчи . . . . . . . . . . . . . . 261
Ҳол . . . . . . . . . . . . . . . . . 263
Уюшиқ бўлаклар . . . . . . . . . . . . 266
Гап бўлакларининг тартиби . . . . . . . . 267
**Содда гап типлари** . . . . . . . . . . . . 269
Бир составли гаплар . . . . . . . . . . . 270
Ноаниқ шахсли гаплар . . . . . . . . . . 270
Шахссиз гаплар . . . . . . . . . . . . 271
Шахси умумлашган гаплар . . . . . . . . 272
Атов гаплар . . . . . . . . . . . . . 273
Тўлиқсиз гаплар . . . . . . . . . . . . 273
Ажратилган бўлаклар . . . . . . . . . . . 274
Ажратилган сифатловчилар . . . . . . . . 274
Ажратилган изоҳлар . . . . . . . . . . 275
Сифатдош оборотлари . . . . . . . . . . . 276
Сифатдош обороти тараққиёти тарихидаги ўзгаришлар . . 277
*-ғу* формали сифатдош обороти . . . . . . . 278
*-миш* формали сифатдош обороти . . . . . . 279
*-(а)р//-с* формали сифатдош обороти . . . . . 280
*-ган* формали сифатдош обороти . . . . . . . 281
Равишдош оборотлари . . . . . . . . . . . 282
*-гали* формали равишдош обороти . . . . . . 283
*-а, -й//-ай* шаклли равишдош обороти . . . . . 284


www.ziyouz.com kutubxonasi

-(и)п//б формали равишдош обороти . . . . . . . . 284
-гунча (-ганча, -гинча, -гача) формали равишдош обороти 286
-гач формали равишдош обороти . . . . . . . . . 286
Ҳаракат номи оборотлари . . . . . . . . . . . 286
Ундалма . . . . . . . . . . . . . . . 289
Киришлар . . . . . . . . . . . . . . 289
Қўшма гап . . . . . . . . . . . . . . 290
Боғловчисиз қўшма гаплар . . . . . . . . . . 291
Боғланган қўшма гаплар . . . . . . . . . . 294
Эргаш гапли қўшма гаплар . . . . . . . . . . 299
Сифатдош . . . . . . . . . . . . . 299
Равишдош . . . . . . . . . . . . . 302
Шарт феъли . . . . . . . . . . . . 304
Нисбий конструкциялар . . . . . . . . . . 305
Тобе боғловчилар ва боғловчи вазифасидаги сўзлар . . . 307
Кўчирма гап . . . . . . . . . . . . . . 314
Умумий хулосалар . . . . . . . . . . . . 314

*На узбекском языке*

ГАНИ АБДУРАХМАНОВ, ШАМСУДИН ШУКУРОВ.

ИСТОРИЧЕСКАЯ ГРАММАТИКА
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

Учебное пособие

для филологических факультетов университетов
и факультетов узбекского языка и литературы
педагогических институтов

*Издательство «Уқитувчи»*
*Ташкент — 1973*

Махсус редактор *Қ. Самадов*
Нашриёт редактори *М. Мухитова*
Техн. редактор *С. Ахтамова*
Корректор *М. Ғофурова.*

Теришга берилди 13/VI-1972. Босишга рухсат этилди 15/VIII-1973. Қоғози №1. 60×90[1]/[16].
Босма л. 20,0. Уч. нашр. л. 19,12. Тираж 12000. Р09590.

„Ўқитувчи" нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 188-70.
Баҳоси 67т. Муқоваси 20 т.

ЎзССР „Фан" нашриёти босмахонаси. Тошкент, Черданцев кўчаси,21. 1973. Зак №217.

Типография издательства „Фан" УзССР. Ташкент, ул. Черданцева, 21

www.ziyouz.com kutubxonasi